

Аҳмад Лутфий

# САОДАТ АСРИ ҚИССАЛАРИ

*Интизор кутилган тонг*

1-китоб

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон таҳрири остида

Наргиза Раҳмат қизи ва Нодирхон Ҳасан таржимаси

Аҳмад Лутфий ҳозирги замон адиби, тарихчи олим. Биз эътиборингизга ҳавола этаётгай «Интизор кутилган тонг» қиссаси Саодат асридан ҳикоя қилувчи олти жилдли асарнинг биринчи китобидир. Китоб тўла ҳолида Жаноби Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг туғилишларидан то вафотларига қадар муборак ҳаётларини камраб олади. Худди шу мавзуга бағишлиланган бошқа асарлардан фарқи муаллиф аниқ тарихий воқеаҳодисаларни ўзига хос бадиий йўсинда акс эттирганидир. Натижада у ғоят ўқишли чиққан. Бу китобларнинг машҳур бўлиб кетганини шундан ҳам билса бўладики, асар тўрт марта нашр килингандир. Иншааллоҳ, сизларга ҳам ёқади, деган умиддамиз.

## МУАЛЛИФДАН

Саодат йўлининг энг улуг ва энг сўнгги раҳбари, Оллоҳ таолонинг энг севгили кули ва элчиси ҳазрати Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам (с.а.в.) жанобларииинг гўзал, баркамол, ўрнакли ҳаётларини бутун борлиғича айнан тасвирлаш, асҳобининг унга нисбатан мухаббатини, вафодорлик туйғуларини мукаммал кўрсатиш, душманларининг кин ва ҳасадга тўла хаттиҳаракатларини тўласича ифодалаб бериш, фикримизча, ҳеч бир инсоннинг қўлидан келмайди. Масалан, Абу Бакр ҳазратларининг Жаноби Расулуллоҳга (с.а.в.) бўлган меҳрмуҳаббати, Абу Жаҳлдаги кин ва ҳасад уммон каби чексизчегарасизdir. Ҳозирга қадар айтилган ганлар ҳам шу уммондан бир неча қатрадир, холос.

Юз йилларча давом этган туссиз, масъулиятсиз ҳаёт, бу ҳаёт ичидаги яхшиёмон, ибрат олиш мумкин бўлган эъгақод, ахлоқ, одат ва анъаналар... ундан кейин илоҳий амр хилпиратган Тавҳид санжоги ва хақ билан ботил орасида юзага келган буюк кураш...

Қўлингиздаги китобнинг биринчи бўлими Сарвари анбиё жанобларинииг (с.а.в.) туғилишдан то нубувват вазифасини олгунга қадар кечган ҳаётларини ва ўшандаги жоҳилият даврини акс эттиради. Ундан кейинги — нубувват ва рисолат вазифасини олгандан то Парвардигорига қовушгунларига қадар ўтган вақт «Саодат даври» дейилади. «Ойдинликлар сари» деб номланган иккинчи бўлим шу даврнинг ilk паллаларидан ҳикоя киласиди.

Ўйлаймизки, ушбу китобни ўқиганлар орасидан «Пайғамбаримизни янада яқиндан танидим, янада кўпроқ севадиган бўлдим», дейдиган бирор инсон чикар ва хузури илоҳийда ҳам шундай шоҳидлик берар. Ана шунда бу китобдан кутилган натижамукофотга эришган бўламиз.

Асарнинг бу жилдидаги пайғамбарлик вазифаси келгунга қадар Расулуллоҳнинг муборак

исми шарифларига «соллаллоҳу алайхи васаллам» саловоти қўшилмаган. Бироқ буни Расули Ақрамга нисбатан хурматсизлик деб тушунмаслик керак. Китобда кўлдан қелганича хурматга риоя қилинган.

Бугун ҳам марқади муборакларида самимият ила салоту салом айтганларга шаънларига ярашадиган даражада муомала қилишларига ишонганимиз Расулуллоҳга (с.а.в.) абадиятлар қадар ва олинган нафаслар сонича салоту саломлар айтамиз.

Оллоҳ таоло сари элтувчи ягона саодат ва ҳидоят йўли бор, у ҳам бўлса, найғамбаримиз (с.а.в.) кўрсатган йўлдир. Инсоният эриша оладиган энг юксак ахлоқ қандай бўлиши лозимлигини пайғамбаримиз (с.а.в.) шахсан яшаб кўрсатганлар. Бундан бошқа йўл қидирган кимса бадбаҳт бўлур. Уни камситган киши дунё ва охиратда хору зор бўлур. Унга қарши чиққанлар алалоқибат балоқазога гирифтор бўлур.

У зотга бўлган севги — ибодат, у зотнинг шарафли исмларини зикр этиш — саодат, у кишининг шафоатларидан маҳрум қолиш — фалокатдир. У зоти шарифга, у зотнинг йўлларидан юрганларга, у зотга хос уммат бўлишга ғайрат қилаётганларга саломлар бўлсин. «Инсон севгани билан биргадир» ҳадиси хабар берган саодатга эришганларга салом...

«Бугун бир соатгина Расулуллоҳни уйимда меҳмон қилсам, қандай баҳтиёр бўлардим!»

«Дўконимга бораётганимда, олдимда пайғамбаримиз юриб бораётганларини кўрсам, мен ўзим қандай юрган бўлардим?»

«Мен қатнашаётган мажлисда Набийи Ақрам жаноблари (с.а.в.) ҳам ўтирган бўлсалар, мен ўзимни қандай тутардим?»

«Жаноби Расулуллоҳ яшаган Саодат даврида яшаганимда, у зотга хурматим қандай бўларди?» каби ҳаяжонли саволларни ўзига бера олувчи ва буларни азиз умрида тадбиқ қилиш фурсатини топгувчи, ётарда у кишининг севгиси ёди билан уйқуга кетгувчи, уйғонганида у зотнинг гул бўйларини ҳидлаш фикри ила турадиган мўминларга саломлар бўлсин...

Тилим сени сўйласин, қалбим доим сени эсласин, Севгингга тпўқнашмаган қалб кўксимда бўлмасин. Мушк ғпаратган тупрогингга юзларимни сурмасам, Исён ила чириган кўзларим юмулмасин.

## I КАЛЬБА ИКИЛАДИМИ? *Фил ва Абобил қушлари*

Эрта тонгдан бери анчагина йўл юриб қўйган лашкарга ҳароратнинг ошиши туфайли истироҳат берилди. Отлар, туялар қўйиб юборилди. Улови йўқ—яёвлар тўхтаган жойларига чўкиб қўя қолдилар.

Атрофда биронта ҳам тиккайган дараҳт ёхуд яшиллик кўринмас эди. Узаниб ётган қум саҳроси ора-сира учрайдиган кичик тепачалари билан гоҳ баландлашиб, гоҳ иастлашиб давом этарди.

Феврал ойи охирлаб бораётган эди. Бироқ Арабистон ярим оролида бу ойлар ҳам ёздагидек иссиқ бўлиши ҳақиқатдир.

Мешлардаги сув қон каби илиқ. Бундай ҳавода ҳеч ким илиқ сув ичишни истамайди. Аммо, начора, ичмасликдан бошқа чора ҳам йўқ эди.

Аскарларнинг баъзилари чўқтирилган туяларга суюниб, баъзилари белбоғларини қумга ёйиб, устида ухлаб қолишган. Истироҳат берилгандан кейин уйғоқ бирор кимса қолмаган ҳисоб.

—Тур ўрнингдан, оғайни.

—Тинчликми?

—Турганингдан кейин биласан.

Аскар истамай ўрнидан турди. Ўзига колсаку, яна соатларча ширин уйқусини давом эттирган бўларди. Узун-узун эснади.

—Бу йўл қачон тугайди, оғайни?

—Қаердан билай? Абу Риголдан сўра.

—Сабрим тугади...

—Менинг ҳам жонимга тегди.

Шу пайт юришга буйруқ берилди. Лашкар ортидан чанг-тўзон қолдириб, Макка томон силжий бошлади. Лашкар орасида тарқатилган гапларга кўра, яна икки кундан кейин Маккага етиб борилиши керак. Абу Ригол бу оқшом Муғаммисга борилажагини, у ердан эса, Маккага икки қадамлик йўл қолишини сўзларди.

Қоронғу тушгунча давом этган бугунги юриш «Тўхта!» амри билан ниҳоя топди. Юклар туширилди. Чодирлар тикилди.

Абраҳа хизматчисини юбориб, Абу Риголни чақиртирди. Абу Ригол Абраҳанинг хузурига кириб, ерни ўпди.

—Бу жойнинг номи нима?

—Султоним, бу жойни Муғаммис дейишади.

—Маккага ҳали узоқми?

— Етиб келдик деб ҳисоблайверинг. Бақирсангиз, овозингиз етади.

— Бир кунда етиб бора оламизми?

— Бир кунга бормас, етиб келдик ҳисоби, султоним. Абраҳанинг юзида мамнунлик аломатлари пайдо бўлди. Хизматчисига:

— Бу ерда бир неча кун қоламиз. Тахтим курилсин!— деди.

Абу Риголга кетишга изн бердида, дам олиш учун тўшагига чўзилди.

Ниҳоят, улуғ орзуси амалга ошадиган пайт етиб келган эди. Ҳафталаб юрилган йўллар ахийри поёнига етган, чскилган мاشаққатларнинг мукофотини олиш соатлари яқинлашган эди. Ётогида шундай тотли хаёллар оғушида ором оларкан, шод-хуррамлик билан уйқуга ҳозирланди.

\* \* \*

Абу Ригол Тоиф шахридан эди. Маккадаги муборак Байтни — Каъбани бузиш учун келган

Абраҳа лашкари Тоифга хужум қилмоқчи бўлиб турганида, бу шаҳарнинг оқсоқолларидан Масъуд ибн Муаттиб бошчилигига бир ҳайъат унинг қаршиисига чиқди:

— Эй Малиқ, сен вайрон қилмоқчи бўлган Байт Тоифда эмас, Маккада. Бизнинг сенга қарши урушадиган кучимиз йўқ. Агар Тоифга хужум қилмасанг, сени Маккага энг қисқа йўл билан олиб борадиган етакчи берамиз, — деди тоифликлар.

Абраҳага бу таклиф хуш ёқди. Унинг мақсади ҳам урушиш эмасди. Балки Санъо шаҳрида ўзи курган калисога рақиб бўлган ва араблар томонидан эъзозлаб келинган Каъбани бузиш ҳамда Макка халқининг муҳаббатини калисога қаратиш эди. Шу сабабли тоифликларнинг таклифини қабул қилди. Тоифликлар йўл кўрсатувчиликка Абу Риголни бердилар.

Абу Ригол Тоиф — Макка йўлини беш бармоғидек яхши биларди. Кўп карвонларга йўл кўрсатувчилик қилган эди. Бу сафар эса, Каъбани бузиш учун кетаётган лашкарга йўл кўрсатишига тўғри келди...

Ажабо, бу хизмати эвазига нима берар эканлар? Хизмат ҳаки масаласида ҳали келишилмаган эди. Ҳақини Абраҳа берармикан ёки тоифликларми?.. Тугашига бир кун қолган бу сафардан яхшигина даромад олишни умид қиласди у.

Балки бир энг зотдор түяning соҳиби бўлар. Олтмиш минг кишилик лашкарга йўл кўрсатувчилик қилиш чакана хизмат эмасдир ахир!..

Аммо... бу не ҳол? Абу Риголни тўсатдан чидаб бўлмас бир тутқаноқ тутди. Икки дақика мобайнida ичичидан келган кучли оғриқ уни типирчилатиб қўйди ва, ниҳоят, ўтиб кетди. Бу оғриқ яна бир бор рўй бсрса, Абу Ригол бардош бсролмасди.

Турди, ўнгу сўлга юрди. Лашкар сафида келган Маҳмуд исмли ўргатилган баҳайбат филнинг ёнига борди. Улуг ҳайвон ҳисобланган бон1қа филлар бу ҳайбатли филнинг олдида болачасидек кичик кўринар эди. Абраҳа Каъбани мана шу баҳайбат филга буздирмоқчи эди.

Абу Ригол бир неча дақика бу филни томоша қилди. Бир парча ҳам булат кўринмаган осмонга бокди. Самодаги беҳисоб юлдузлар унга таниш кўринди. Йиллар давомида карвонларга йўл кўрсатувчилик этган Абу Ригол бу юлдузларга қараб юрар, у юрган йўлларни ксчалари ана шу юлдузлар ёритиб турар эди.

У яна юрди, чодирга кирди, ўтирди. Кўққисдан тағин ичи санчди. Абу Риголнинг вужуди шу даражада азоб бериб оғридики, тирноқлари билан беихтиёр тупроқни чанглаб қолди. Қинидан чиқиб кетгудек бўлган кўзлари, буригаган башараси, тишларининг орасида қисилиб қолган тилини кўрган одам қўрқиб кетган бўларди. Абу Ригол ерда юмалаб, типирчиларди. Бўғиздан ўқтин ўқтинган чиқсан бўғиқ инграшларни ухлаб ётганларнинг биронтаси эшитмади. Беш дақиқалар чамаси вақт ўтгач, Абу Риголнинг ҳаракатлари секинлашди ва, ниҳоят, вужуди ҳаракатсиз, тинчиб қолди.

\* \* \*

Эрталаб уйғонгач, юриш тараддудини кўрар эканлар, лашкарга эълон эшиттирилди. Абраҳа бир кунлик истироҳат берган эди. Сабаб — Каъбага яқинлашиб қолганликлари бўлди. Яхшилаб дам олингач, сўнгра Каъбага хужум қилиниши билдирилди. Ўрнидан турганлар яна такорот ётдилар. Тоза ҳаводан симириб, ҳамроҳлар ўзаро суҳбатга берилдилар.

Абу Риголнинг нонуштасини келтирган одам унинг ҳали ҳам ўрнидан турмаганини кўрди. У юзтубан ётар, қўли нарироқдаги бир нарсани олмоқчи бўлгандек узалган эди. Келган одам уни уйғотмоқчи бўлди:

— Ўлганмисан нима бало, тур, эй Абу Ригол!

Абу Риголнинг танаси қимириламасди. Аскар хайрон бўлди. Сўнгра бақира кетди:

— Ўлибди, ўлибди!

— Ким ўлибди?

— Абу Ригол ўлибди, — дея титрарди ҳалиги аскар. Бир соат ичида олтмиш минг кишилик

бутун лашкар бу нохуш хабардан воқиғ бўлди.

Абраҳа нонуштасини битиргач, хизматкори унинг қулоғига пичирлади:

— Нима, Абу Рифол ўлибдими? Абраҳа ишонмади:

— Алжира, кечгача олдимда эдику?!

— Султоним, ўлганлиги аниқ.

— Бориб ўзинг кўриб келчи. Бўлар-бўлмас миш-мишларга ишонаверасанми?

Хизматчи чикди. Қайтиб келиб, биргина сўз айтди:

— Ўлиби.

Абраҳа «бўлиши мумкин» дегандек, бошини қимирлатди ва:

Зотан, биз ҳам қарийб Маккага келдик. Сўнгра буюрди: — Чуқур қазиб, ўликни кўминглар!

Абраҳа филбон Асвад ибн Мақсудни чақириб, унга бир неча суворий берди ва Маккага жўнатди. Асвад Макка томонга бориб, у атрофдаги тுяларни хайдаб келтирди. Бу туюлар орасида Макка раиси Абдулмутталибнинг икки юз туси ҳам бор эди.

\* \* \*

Макка халқи Муғаммисда тўхтаган катта лашкарнинг даҳшатидан ўзини йўқотиб кўйди. Шахар катталари Абдулмутталиб раислигига «Доруннадва» деб аталағидан жойда мажлисларини ўтказдилар. Бу қадар катта лашкарга қарши урушмоқ ўлим билан баробардир, дедилар. Абдулмутталиб йиғилган маълумотларни мажлис аъзоларига етказди. Мажлис аъзолари лашкар қўмондони билан учрашишга қарор қилдилар.

Шу орада «Доруннадва»га Абраҳанинг элчиси келтирилди.

— Макка раиси ким, мен у билан кўришмоқчиман,— деди элчи.

Йиғилганлар Абдулмутталибга қарадилар. Элчи унга: Яман ҳукмдори Абраҳа сен билан кўришмоқчи, — деди.

— Максади нима?

— Ҳукмдор: «Мен сизлар билан уруш қилгани келганим йўқ. Фақатгина шу Байтни бузмоқ учун келдим. Агар бизга қарши чиқмасаларингиз, мен ҳам қонларингизни тўкмайман», деяптилар.

Абдулмутталиб қарорни айтди:

— Бизнинг ҳам сизлар билан жанг қилиш ниятимиз йўқ. Кучимиз ҳам етмайди. Урушиш учун сабаб ҳам йўқ.

— Ундей бўлса, ҳукмдорим сени кутмокда.

— Қани, бошла.

Абдулмутталиб ёнига икки ўғлини олиб, ҳабаш лашкари томон йўл олди.

Абдулмутталиб Абраҳанинг чодирига кирди.

Абраҳа умрида бундай одамни кўрмаган эди: Абдулмутталиб узун бўйли, ғоят хушфеъл, юзидан нур ёғилиб турарди. Подшоҳ бирдан юрагининг тез ура бошлаганини ҳис этди. Бу одамга оддий кишилар билан гаплашгандек муомала қила олмасди. Тахтидан тушди. Ерга ўтириди. Абдулмутталибни ёнига ўтказди. Таржимон воситасида сўради:

— Мендан нима истайсан?

— Одамларинг олиб кетган икки юз туман қайтариб берилишини истайман.

Абраҳа бу жавобдан ҳайрон қолди. Яна бир бор Абдулмутталибга бошданоёқ разм солди. Бирор камчилик тополмади. Эшигтан сўзлари бу инсоннинг сўзлари эканлигига ишонмади. Ўртани сукунат қоплади. Абраҳа, боши эгик, ўйланиб қолди. Кейин таржимонга бир нарсалар дея пичирлади. Таржимон Абдулмутталибга:

— Сени кўриб ҳайбатингдан титраб кетдим. Накадар викорли, улуғ одамнинг рўпарасида турганимни тушундим. Аммо сўзларингни эшишиб, фикрим ўзгарди. Бир неча туянгни қайтариб

беришимни сўрадинг. Ҳолбуки, мен сен ва ота-боболаринг муқаддас деб келган Байтни бузиш учун келдим. Сен бу Байтни бузмаслигимни сўрайсан, деб ўйлаган эдим.

Абдулмутталиб ғоят сокинлик ила:

— Мен туяларимнинг эгасиман. Байтнинг эса, эгаси бор, у ўзи кўриқлаб олади, — дея жавоб қилди.

Абраха бу сўздан ҳайратланди:

— Ҳеч ким мени бу қароримдан қайтаролмайди. Сен ҳам, Байтнинг сохиби ҳам...

Сўнгра ёнидагиларга:

— Бу одамга туяларини қайтариб бсринглар, — деди. Абдулмутталиб чодирдан чиқиб кетди. Абраҳа ҳайратлар ичидаги қолди. Бу одамнинг сўзлари ҳеч ҳам оддий сўзлар эмас эди. Ҳатто Абдулмутталиб бу сафар кўзига яна ҳам ҳайбатлироқ кўринди. Унинг назарида, бу одамни менсимасликнинг сира иложи йўқ; уни менсимасликка ҳаракат қилганларнинг обрўйи тўкилар эди.

Абдулмутталибнинг кўра кетиши улуғвор бўлди. Ҳақиқатан ҳам бу дашт одами тоғда бўрию қушларни озуқлантиради деганлари рост экан, деб таъсиранди Абраҳа.

Абраҳа унга «Ҳеч ким мени бу қароримдан қайтара олмайди», дер экан, Абдулмутталибнинг сўзлари уйғотган таҳлиқани билдириласликка ҳаракат қилди. Катта лашкари ва баҳайбат фили бор эди унинг. Буюк Арабистон юртида унга қарши чиқиб: «Менман сен билан урушадиган!» дейишга журъят этадиган бир мард топилмас эди. Бу ўйлар туфайли газаби келган Абраҳа лашкарига берган истироҳат муддатини қисқартириб, эрта тонгданоқ Маккага юришни амр қилди.

\* \* \*

Абдулмутталиб туяларини етаклаб Маккага кириб борди. Макка халқига Абраҳанинг мисли қўрилмаган лашкари ҳақида маълумот берди ва ҳаммага шаҳарни тарқ этиб, тоғларга чиқиб кетишини буюрди.

Сўнгра Қурайшнинг кайвонилари билан бирга Каъбанинг ёнига келиб, Байт эшигининг ҳалқасини тутди. Кўзларидан оқаётган ёшлар соқолидан тушиб, кўксига томчилар эди. Оллоҳга юкиниб, маҳзун сас ила дуо этди:

— Оллоҳим, банданг ўз ашёрўзғорини қўриқлашга интилади. Сен ҳам ўз мулкинг — Байтингни қўриқла. Уларнинг хочлари, кучқувватлари сенинг қудратинг устидан асло ғолиб келолмайди. Агар уларнинг хоҳиши бўйича бизни улар билан қибламиз олдида ёлғиз ташлаб кўйсанг, бу ҳам сенинг ишингдир.

Абдулмутталиб шу сўзларни айтар экан, ёнидагилар ҳаяжон ичидаги «Омин» дедилар. Кўнгиллардан чиқаётган ниёзлар олий даргоҳга юксалар, бутун Макка халқи Абу Кубайс тепаларида кўл очиб, бу дуоларга жўр бўлишар эди.

Кейин юзта тия келтирилиб, қурбонлик учун нишон урилди ва Каъбанинг ёнига қўйиб кетилди. Каъбага хужум қилганлар бу ҳайвонларни сўйиб есалар, бу ноҳак ҳаракатлари учун Оллоҳ улардан интиқом олади, деган тушунча билан шу иш қилинди.

Абдулмутталиб ва шериклари Каъбани асл соҳибга омонат этиб топширгач, тоғларга қараб кетдилар ва душманнинг шаҳарга келишини пойлай бошладилар.

\* \* \*

Абраҳа ярим кечада уйғонди. Кўзлари чодирнинг тепасига тикилган эди. Нафас олиши тезлашди. Юраги ҳам тез ура бошлади. Зеҳнини ҳали ҳам ўша сўзлар эгаллаб олган эди: «Мен туяларнинг эгасиман. Байтни эса, эгаси қўриқлаб олади». Бу сўзларни айтган одамдаги матонат унга қаттиқ таъсири килган эди. Араб диёрида тўплаш мумкин бўлмаган улуғ бир лашкарнинг бош қўмондони, Яман мамлакатининг подшоҳи бўла туриб, айтилган бир жумланинг

таъсиридан ҳеч қутулолмас эди. Бу жумла узоқдан келаётган ва яқинлашган сари кучаяётган бир портлаш каби даҳшатли эди. У яқинлашган сари Абраҳа чайқалар, қаттиқ зарбалар билан руҳини остинустин этар эди. Нихоят, чидаёлмаслигини англади ва ўрнидан калқиб, ташқарига чикди.

Мухаррам ойининг ўн олтиси арафасида катта баркашдек кенгайган ой бутун ҳашамати илиа жаҳонни томоша қилмоқда эди. Инсон кўзини безовта этмайдиган энг тотли ёруғлик эди бу. У атрофга нур сочиб турарди.

Бундай кечада ойининг шундай ҳолини кўрган одам фақат ҳузур қиласи ва руҳи дам олади.

Абраҳа олтмиш минг кишилик лашкарини бир сидра кўздан кечирди. Бу даҳшатли қуч унинг биргина буйруғи билан харакатга келади. Бу лашкар билан фақат Каъбани тугул, балки бутун Маккани вайрон этиш қийин иш эмасди. Бу лашкар билан бутун араб оламини тиз чўқтирса бўларди. Кеча Абдулмутталиб: «Байтни эгаси кўриқлаб олади», деб ўртага солган ғулғула энди нихоят эрталаб ариса керак. Бугунгача барча арабларнинг қалби боғланган Каъба хароб этилажақ, қарши чиққанларнинг калласи кетажак. Араб олами бугунга қадар бундай лашкарни кўрмаган эди. Бу лашкар араблар тушларида ҳам рози бўлмайдиган катта ишни бажаради — асрлардан бери муқаддас деб топиниб келинган Каъба салтанатига сўнгги нуқта кўяди.

Абраҳа анчагача шундай ўйлар билан лашкарини томоша қилди. Чодирига кайтар экан, ўзига ўзи шундай дерди:

«Сўнгги сўз эртага. Ҳа, охирги сўзни Абраҳа айтадими ёки Байтнинг эгасими, эртага кўрамиз».

Ётди. Кўзларини юмиб, Санъо шахрида курдирган муҳташам калисосини хаёлига келтирди. Билқиснинг саройи қолдиқларидан кўчириб олинган мармарлар ва энг ноёб дараҳтларнинг ёғочлари билан безаб курдиргаи калисосини севмаган инсон қолмаган эди. Нихоятда баланд, кенг, ҳашамли, мустаҳкам бир калисо бўлган эди у. Бунинг учун беҳисоб давлат харжланган, сонсаноқсиз одам ишлатган эди. Аммо, хайҳотки, ялангоёқ араблар бу калисони мақбул кўрмай, яна ўз Каъбаларига рағбат кўрсатавердилар. Бундан ғазабланган Абраҳа бир куни Яман тужжорларидан сўради:

—Маккадаги Каъбани кўрдиларингми?  
—Албатта, сultonим, бир неча маротаба кўрдик.  
—Хўш, у каттами ёки меники каттами?  
—Сизники катта, сultonим.  
— Қай бири гўзал — Каъбами ё мен қурган калисоми?

—Сизники гўзал. Каъба — тошлардан қурилган тўрт девордан иборат бир бино. Устига латта тортиб қўйилган, атрофида юзлаб бутлар йигилган бир ибодатгоҳdir. Курук ва иссиқ, атрофи тоғлар ила ўралган бир водий. Суви жуда оз. Яқиндагина Макка раиси Абдулмутталиб бир қудук қаздирди. Бу қудук илгаридан мавжуд бўлган, аммо кўмилиб, унүтилган экан. У одам қайтадан очибди. Шу қудукнинг суви жуда ширин ва битмастуғанмасдир. Арабларнинг бу қудукка рағбатлари кучли.

—Хўш, менинг калисом муҳташам бўлса, нега араблар ўша тош иморатга бунчалик кучли муҳаббат кўядилар?!  
—Султоним, бу Байт ҳларга катта боболари Иброҳим пайғамбардан қолган. Ўша вақтлардан бери муқаддас ва муборак ҳисобланади. Тош учун эмас, ўша пайғамбардан қолган қудсий мерос ва омонат бўлгани учун бу Байтга шу қадар қаттиқ боғланганлар.

—Тушунарли. Демак, токи у Байт мавжуд бўлар экан, менинг калисомга рағбат қилинмайди, шундайми?!

Одамлар кетгач, Абраҳа отини ҳозирлашларини буюрди. Калисога бориб, уни тўйибтўйиб томоша қилмоқчи эди.

Калисога яқинлашгач, шовқинсуронга дуч келди. Калисо хизматчиларининг юзларида кўркув излари намоён эди. Худди улар подшоҳнинг ташрифидан норози каби. Қандай воқеа юз бергани бирор дақиқа ўтгач, маълум бўлди. Хуш бўйлар таратсин, дея атиrlар, мушку анбарлар септирган калисосига бир одам ҳожат чиқариб кетибди! Буни эшитган Абраҳа дабдуруст ўзини тушдами ё ўнгдами эканлигини билолмай қолди.

—Кўлимни тишлачи?

—Ие, султоним, бу нима деганингиз?!

—Тишла, қаттиқ тишла! У одам буйруқни бажарди.

—Бўлди, етар.

Ха, бу туши эмас, ўнги эди. Юзи кўрқинчли даражада ўзгарди. Хизматчиларнинг ранглари оқарди ва бошлари устида ўлим шамоли эсаётганига шубҳалари қолмади.

—Бу қандай разолат?! Сизнинг бу ердаги вазифангиз нима?!

Бошлари эгилди. Жавоб бермадилар.

—Тезда қидирилсин!

Зиёратчилардан бири:

—Султоним, эрталаб Кинана қабиласига мансуб бир одамнинг бу ердан чиқаётганини кўрдим.

Унинг сўзлари тўғри эди. Уша Кинана қабиласи кишиси бу қилғилиқни қасдан қилган. Каъбанинг обрўйини синдириш мақсадида курилган калисога нисбатан арабларнинг қарashi шундай. Яъни, «араблар учун бу калисо кенг ва чиройли бир ҳожатхона бўлиши мумкин, холос», демоқчи бўлган.

Абраҳа бу гапга бутун қалби ила ишонди. Чунки Яман диёрида яшовчи ҳеч бир одам бу ишни қилишга журъат этолмасди.

Кинаналикни болиқалар ҳам кўришган эди. Қидирдилар, аммо тополмадилар. Топилса ҳам, фойдаси йўқ эди. Чунки бу ишни у қилмаганида ҳам, бошка бирори қилган бўларди.

Абраҳа калисадан чиқар экан, саройдаёқ зехнига жойлаштириб қўйган «Каъбани бузиш» режаси янада кучайди ва бу ниятимни муқаррар амалга ошираман, деб онт ичди. Бир томондан, мақсадини қўшни Ҳабаш ҳукмдорига билдириб ёрдам сўради; иккинчи томондан, ўз лашкарини юришга тайёр бўлишга буюрди. Ҳабашистондан келган ёрдамчи аскарлар билан бирга «Маҳмуд» лақабли улкан фил ҳам бор эди.

Шундай қилиб, жами ҳисоби олтмиш мингга етган лашкар билан йўлга чиқди. Йўлда бир қанча қабилалар унга бўйсунди. Булардан Шахдон ва Нахис қабилаларининг раиси Нуфайл ибн Ҳабибни ўлдирмоқчи бўлган эди, йўл қўрсатувчилик қилиш шарти билан ўлдирмади. Узоқ давом этган сафардан сўнг Муғаммис деб аталган жойга, Абу Ригол ўлган жойга етиб келди...

Абраҳа ётоғида ўтган кунларни ўйлаб ётар экан, тонг отай деб қолган эди. Енгил бир уйку босди, астасекин юмилган кўзлари уйкута таслим бўлди.

\* \* \*

Абраҳа яхши ухлади. Тонгга қадар паришон ҳолга келган зеҳнини охири уйку элтиб, ором олди. Кеч уйғонди. Нонушта асносида ҳаяжонини яшира олмади. Дарҳол лашкарга юришга амр берди. Сафнинг энг олдидан улкан фил жой олди. Йўғон бақувват хартуми билан Каъбани йиқитиши кутилмоқда эди. Араблар балки у Байтни сўнгги маротаба тавоғ қилиб видолашаётгандирлар.

Тайёргарликлар тугади. Бу орада Нуфайл ибн Ҳабиб филга яқинлашиб: «Эй Маҳмуд, чўк. Соғсаломат келган жойингга қайт. Чунки сен Оллоҳ ҳаром қилган, қўл теккизилмоғи манъ этилган худудда турибсан» дедида, жуда тезлик билан тоқقا қараб чопиб кетди.

Абраҳа ҳозирланган отига минди ва юришга буйруқ берди. Филнинг эгаси Унайс филга юришни амр қилди. Аммо фил ётган жойидан қимирламади. Унайс қўлидаги таёк билан филни

енгилгина урди, жонивор барибир қимирламади. Яна урди, яна урди, ҳеч турдиганга ўхшамади. Абраҳа отининг устида викор ила туриб, филнинг ўрнидан қалқишини кутмоқда эди. Нихоят, сабри тугади:

— Тезроқ турғаз бу ҳайвонингни! — деб бақирди.

Унайс буйруқни бажармоқ ниятида таёкни бор кучи билан филга урди. Бироқ бунинг ҳам натижаси бўлмади.

— Аҳмоқ, филни шунаقا тарбиялайсанми?

— Ҳеч бундай одати йўқ эди, султоним, унга нима бўлганини тушунолмаяпман.

Ёрдамчиларни ҳам чақириб, филни биргаликда турғазмоқчи бўлдилар. Лекин на ёрдамчиларнинг ғайрати, на Унайснинг пешонасидан оқаётган терлар ва на танасига урилган зарбалар жониворни жойидан қимирлата олди. Абраҳа асаби бузилиб, жиғибийрон бўлиб, нима қиласини билолмай қолди. Борган сари ғазаби ошган Абраҳа кўлидаги найзасини филнинг бурнига санчди. Бурнидан қон отилиб чиқди, ҳайвон ўрнидан сакраб турди. Бироқ олдинга қадам ташламади.

— Нариги томонга бурчи, — деди бириси филбонга.

Шунда ўнгга ўгирилди. Абраҳа кулимсиради. Чунки фил юра бошлаган эди. Орқага юрди, чапга қайрилиб юрди. Қайсарлиги тугагандек эди. Аммо Каъба томонга йўналтирилган заҳоти фил турган жойига михлангандек бўлди. Макка томонга бир қадам ҳам қўймади. Яна ўнгга, чапга, орқага юргизиб кўрдилар, юрди. Макка томонга эса, қайрилар эдию, ҳеч юрмасди.

Шу вақт Абраҳанинг зеҳнида чақмоқдек бир овоз чақнади: «Мен тужарнинг эгасиман. Байтни эса, эгаси қўриқлаб олади». Демак, филнинг Макка тарафига қадам ташлай олмаётгани Байтнинг кўринмас соҳибига алоқадор бир ҳикматданмикан! Энди Абраҳанинг олдида икки йўл турарди: ё филни бу ерга ташлаб, лашкар билан Маккага ҳужум қилиш, ёки бутун лашкарни олиб ортга қайтиш. Аммо шунча азиятлар Макка остонасига келганда орқага қайтиш учун чекилдими? Бу муazzам лашкар катта мақсад билан тўпланган, ахир. Абраҳа филни шу ерда қолдириб, олға юришга қарор берди.

Шу вақт уфқда пайдо бўлган бир тўп қора нарса эътиборини тортди. Бу қора борган сари яқинлашиб келаётган қушлар тўдаси эди.

— Бу томондан ҳам келаётирлар.

Абраҳа ўгирилди. Ўнг томондан ҳам бир тўда күш яқинлашмоқда эди.

— Қалдирғочга ўхшайди.

— Иўқ, булар абобил қушларидир.

— Қаранглар, бу тарафдан ҳам келаётирлар.

— Демак, ҳаммаси бизнинг устимиздан учиб ўтишади.

— Устимизни ишқилиб ифлос қилишмасинда... Фил эсдан чиқиб, лашкар хар тарафдан учиб келаётган қушларга тикилиш билан овора эди.

— Умримда кўрмаганман бунақасини.

— Орқа томондан ҳам келаётирлар қупш қурмагурлар.

— Толеи бор биронтамизнинг бошимизга нимадир ташлаб кетар.

— Э, толеъ бизда нима қилсин...

Кушлар жуда яқинлашиб қолди. Лашкарнинг устига келди. Шу пайт бир фарёд эшитилди:

— Онажон,вой-дод!.. Биринкетин оху фарёдлар ортаверди.

Кўлини ушлаган одамга қарадилар. Билаги тешиқ, қон отилиб чиқарди. Нўхатдан кичик, мошдек келадиган, пишган ғиштнинг ушоги сингари қаттиқ бир тош бор эди қўлида.

— Нима бўлди, оғайни?

— Ким отди сенга?

Аммо бу саволни бердилару ўzlари ҳам бақира бошладилар. Чунки қушлар тейадан

ёғдираётган тошлар уларга ҳам насиб этган эди. Метин тошчалар дуч келган одамнинг вужудини тешиб юбораверди.

Икки дақиқадан кейин бутун бошли лашкар нима қиларини билмай, шошилиб қолди. Ерда типирчилаётганлар, у ёқдан бу ёқка қочаётганлар, кўлига тушган нарсани ўзига қалқон қилиб сақланишга бехуда уринаётганлар ва жигарлари узилаётгандек бўкираётганлар сонсаноқсиз эди.

Лашкар қаерга қочишини билмай сарсон ҳолда:

— Нуфайл... Нуфайл... — деб бақирап эди. Нуфайл худди шу воқеалар содир бўлишини олдиндан билгандек қочиб кетиб, жонини сақлаб қолган эди. Нуфайл уларга қутулиш йўлини кўрсатадигандек, уни қидираётган эдилар. Лекин энди кеч. Қурдат қўли билан отилган ўқлар ёйдан чиқиб нишонга теккан эди. Каъба соҳибининг тенгсиз қурдати олдида улуғвор лашкарнинг тиз чўкишдан ва бу мусибат қаршисида фарёд чекишдан бошқа чораси қолмаган эди.

Абраҳа бир оз аввал завқ билан томоша қилган қушларнинг энди қай тахлитда устларига фалокат ёғдираётганини кўриб, барча режалари пучга чиққанини, жон сақлаб қолиш чорасини излашдан ўзга йўли қолмаганини сезди. Кўз ўнгида хайбатли ва нуроний қария иайдо бўлгандек бўлди. У туяларини олиб кетишга келган ва Каъбани ҳақиқий эгасига топширган Абдулмутталиб эди. «Мана, кўрдинг. Каъбанинг соҳиби мулкини п^ундай муҳофаза килади», дегандек бўлди унга.

Отидан тушмоққа уринди. От унинг тушмоқчи бўлганини билгандек, чўқди. Аммо у қушлар ёғдираётган тошлардан бир исчаси теккани учун мажбуран чўқкан эди, буни Абраҳа англади. Шўрлик отга теккан тош унинг бутун вужудини тешиб ўтган эди. Абраҳа чодирга қараб чопди. Аммо тиззасида бирдан пайдо бўлган кучли оғриқ уни жойига михлаб қўйди. Бошқа бир тош эса, қўлини тешиб ўтди. Энди қутулишнинг иложи йўқлигини англаб етди. Осмон маҳшар қадар тўполон эди.

Қалдирғоч катталигидаги беҳисоб қушлар тўдатуда бўлишиб учиб ўтишарди. Ерда жон берастганлар, ўлганлар қалашиб ётарди. Додфарёдлар, инграшлар мудҳиш шовқин ҳосил қилди. Беш дақиқа ўтарўтмас майдонда тик турган бирон жон қолмади. Барчаси ўрилган буғдой боғлари каби ерга ястандилар. Ҳар бирининг танаси илматешик бўлиб кетган.

Кушлар бутун лашкарни шу тарзда маҳв этгач, астасекин таркала бошладилар. Аммо лашкар орасида унинг тарқалётганини кўрувчи бирон одам зоти қолмаган эди. Аксарияти ўлган, баъзилари жон бермокда эдилар.

Бир қисм аскарларнинг тақдирига ажал битилмаган, бу мудҳиш манзаранинг шоҳиди сифатида тирик қолишлари истанилган эди. Улар Абраҳанинг бошқалар сингари бадани илматешик ҳолда ётганини кўрдилар. Эмаклашга ҳам ҳоли йўқ эди унинг. Қаеридан ушласалар, тўкилиб кетаман дерди. Бир матога солиб, соғ қолган туялардан бирига юкладилар ва Санъо шаҳри томон йўлга тушдилар.

Абраҳа орасира: «Ҳали келмадикми?» деб сўраб қўяр эди.

Бу йўл унга дунёни етти марта айланётгандек жуда узун кўринди. Нихоят, олисдан Санъо шаҳрининг хурмозорлари кўриниб, мужда берилди. Лекин Абраҳага бу хабарни зшлиши насиб этмади. Чунки ажали етиб, дунёдан ўтган эди.

Оллоҳнинг Байтини вайрон қиласман деб йўлга чиққан Абраҳа ҳаётининг сўнгги кунларини ҳеч вақт хаёлига келтирмаган шундай сафолат ичидатамомлади.

Байтуллоҳга қарши очган урушида аччиқ мағлубиятга учради.

Мисли кўрилмаган катта бир лашкарнинг қўмондони ва Яман султони бўлмиш Абраҳага қасамини амалга ошириш насиб этмади, балки мағлуб ва паришон ҳолда жасади Санъога қайтиб келди.

Умрининг сўнгидаги илматешик вужуди чириб, сасий бошлаган, ўзидан ўзи жирканадиган ҳолга тушган эди у. Яшаган тақдирда ҳам, ҳаёти ўзи учун, уни олиб келганлар учун туганмас

бир фалокат бўлур эди.

Абраҳанинг ўлганини эшитганларнинг юзларида «Хайрият қутулдик», деган маънода мамнуният балқиб турарди.

\* \* \*

Абдулмутталиб ва яқинлари лашкарнинг келишини кутар эканлар, устларидан тўдалашиб ўтган беҳисоб аобил қушларининг қайси амрга биноан учиб кетаётганидан бехабар эдилар. Қушларнинг лашкар устида қора булатдай тўдалашиб айланишганини ва сўнгра кўп вақт ўтмай тарқалиб кетишганини кўрдилар, холос.

Неча қундир ҳаяжон ва қўрқув ила кутилган душман аскарлари Маккага ҳужум қилмадилар. Бир неча киши яширинча хабар олиб келиш учун йўлга чиқди. Йўлда бир кўр одамга дуч келдилар. Судралиб юрар эди у. Маълумот олиш мақсадида сўроққа тутилган бу одам филоон Унайс эди. Бўлиб ўтган барча воқеаларни ундан билдилар.

Абраҳага ва лашкарига берилган бу жазо барча арабларнинг Каъбага бўлган мухаббат ва хурматларини янада орттирди. Унга қарши чиққанларнинг мутлақо мағлуб бўлишига энди ҳеч шубҳа қолмаган эди.

Аобил қушлари воситасида Абраҳа ва лашкарига муҳаррам ойининг 17-кунида (феврал ойининг охирида) берилган жазо кўп йиллар инсонларнинг хотирасида қолди. У йилга «Фил иили», маҳв этилган лашкарга «Асхоби фил», рўй берган бу воқеага эса, «Фил воқеаси» дея ном берилди.

Аобил қушлари учиб кетгач, осмон қузғунлар билан тўлди. Йилларча есалар ҳам тугамайдиган хазинага рўбарў бўлган бу йиртқич қушлар севинч ила қийқирганча роса байрам қилдилар.

Бу даҳшатли манзарани маккаликлар ҳам кўрдилар. Аобил қушлари отган тошларни хотира ўлароқ олиб кетиб, фожиали манзарани кўрмаганларга кўрсатдилар. Кўрганлар хайрон бўлишар, бу қадар кичик тошлар билан инсонларнинг бадани илматешик бўлганига, улуғвор лашкарнинг кунфаякун этилганига ҳеч ақллари бовар қилмас эди. «Нима бўлганда ҳам Оллоҳнинг берган жазоси», дея тасалли топгандек бўлдилар.

Кейин осмон қора булатларга тўлди. Чақмоқ чакди. Челаклаб қуйган шиддатли ёмғир ёғиб, селга айланди. Ёмғир ва сел ёғиб ўтгач, қузғунлар ундаунда ётган бирикки жасаддан бошқа жасад тоиолмадилар.

Бу ҳодисадан таъсирланган шоирлар шеърлар битдилар. Оллоҳ номига қурбонликлар сўйилди. Каъба тавоғ қилинди. Асли маккалик бўлган қурайш қабиласининг бошқа қавмлар олдидаги эътибори янада кучайди. Уларни «аҳлуллоҳ» (Оллоҳнинг дўстлари) деб атай бошладилар.

«Фил воқеаси» кўп йиллар мобайнида тарихнинг бошлангичи ўлароқ ҳисобланиб келинди.

\* \* \*

Махмуд лақабли баҳайбат фил Нуфайл ибн Ҳабибининг хурмати учун чўкмаган эди. Унга Каъба томон қадам босмаслик буйруғи илоҳий даргоҳдан келган, Маккага борадиган йўл унга ва ортидаги лашкарга илоҳий тақдир ила беркилган эди.

## II МАВЛИДИ НАБАВИЙ (Саодатли таваллуд)

«Асхоби фил» маҳв қилинган вақтларда Абдулмутталибнинг севимли келини Омина она бўлиш арафасида эди. Лекин унда хомиладор аёлларда кўриладиган ҳолатлар негадир йўқ эди.

Ўзи ҳам ҳайрон эди бунга. На ранги ўзгарди, на кўнгли айниди ва на қусди. Қорнидаги боланинг борлигини ва оғригини ҳам ҳеч хис килмасди.

— Омина, сен ҳеч ҳомилдорга ўхшамайсан, — деб ҳазиллашиб қўйишарди аёллар.

Абдулмутталиб келинлари ичида кўпроқ Оминани яхши кўрарди. Бунинг бир сабаби севимли ўғли Абдуллоҳнинг омонати эканлиги эди. Қабила раислари ҳам олдида ҳайиқиб турадиган Абдулмутталиб ўзининг салобатига, кексалиги, катта обрўэътибор эгаси эканига қарамасдан, хонасига кирган Оминани ўтирган жойида кутиб олишга кўнгли бўлмай, ўрнидан туриб ва хурмат ила:

— Кел, қизим, — дерди.

— Отажон, овора бўлманг, турманг, — дерди Омина.

— Менинг келиним ҳар қанча ҳурматга лойиқ. Ҳурматингни жойига қўёлмасам хафа бўламан.

— Мен уяламан, отажон.

— Мен ҳам сени ҳурмат қилмасам, уяламан, қизим. Қўявер мени, умрининг сўнгги дамларини яшаётган бу қари чол билганини қиласерсин. У вақт Омина ҳеч нарса дея олмас, бироз қизарган юзлари кулимсира, боши эгилар эди.

Омина кўзи ёрийдиган кунгача ҳомилали эканини билмай бемалол юрди.

\* \* \*

Судралиб келган бир кўр киши Абдулмутталибнинг эшигини тақиллатди. Ичкаридан бола чиқди:

— Ким керак? — деди.

Кўр одам:

— Икки кўзи билан икки оёғини бериб, ўзи соғ қолган бечорага раҳм қилинг, — деди.

Бола кўр кишини дарров ичкаридагиларга айтди. Абдулмутталиб ўрнидан туриб, «Қарайчи», деб уйдан чиқди. Келган одамни кўргач, дудокларидан беихтиёр «Унайс» исми чиқди. Икки ҳафта аввал рўй берган воқеа эсига тушди. У даҳшатли кунда соғ қолганлардан бири шу филбон Унайс эди.

— Кел, эй Унайс.

— Корним оч, эй Абдулмутталиб. — Унайс хотиржам гаплаша олмасди. Ўша ҳодисанинг даҳшатидан қаттиқ ларзага тушгани боис ахволи шундай бўлиб қолган эди.

— Эшигимиз сен учун доим очиқ, эй Унайс.

— Аммо мен уяляпман, жуда уяляпман.

— Қани, ичкари кирчи.

Унайс олдига дастурхон ёйилди. Таом қўйилди. Унайс овқатланар экан:

— Биз сизга бундай муомала қилмаган бўлардик, — деди.

— Ундей дема, Унайс. Балки, сизлар биздан кўра яхшироқ муомала қилган бўлар эдингизлар.

Унайс оғзидаги лукмани ютгач, Абдулмутталибга қараб:

— Бизнинг сизларга қандай муомала қилганимизни билмаган қолдими? Сизлар бизга ҳеч қаидай ёмонлик қилмаган бўлсаларингиз ҳам, мингларча аскар билан ҳафталаб пиёда юриб келиб, устларингизга хужум қилмоқчи бўлдик. Ҳолбуки, сизлар бизни билмас эдингизлар, биз ҳам сизларни билмаган эдик. Аммо маҳв бўлдик. Оллоҳ маҳв этди бизни. Биз шунга лойиқ эдик. Сизлар шундай мақсад билан бизнинг тарафларга борганингизда эди, сизларга бир ютум сув, бир дона хурмо бермасдик. Аммо сизларда чин инсонлик бор, меҳру оқибат, хайру саховат бор. Мени меҳмон қилаётисизлар. Абдулмутталиб, сен ўша, Абраҳанинг ёнига борганингда, сўзингни эшигтан эдим.

— Нимани?

— Водийда инсонлар, тоғларда йиртқич қушлар сенинг дастурхонингдан овқатланишини.

— Қўй уларни, Унайс, ўзингдан гапир, ўша куни нима бўлди?

— У куни... Ҳа, у куни момақалдироқ чақмоқ чаққандек бўлди. Нима ҳодиса юз берганини билолмай қолдик. Лашкаримизга, кучқудратимизга ишонган эдик. Каъбани бузишга, йўлимизни тўстанларни эса, қириб ташлашимизга мутлақо ишонардик. Ҳеч қандай кучқудрат бизни тўхтата олмайди, деб ўйлаган эдик. Оллоҳ бизни шу кичкина қушлар отган кичик тошлар билан маҳву паришон этиб қўяқолди. Ўзимизни дунёнинг ҳокими деб ўйлардик, аммо кўз очибюмгунча, ўрилган буғдой боғлари каби, терилиб қолдик.

Унайс охирги луқмани ютаркан, сўзида давом этди:

— Мен филнинг ўрнидан турмаганини кўрибоқ, бу ишда бир ҳикмат борлигини тушунган эдим. Ўшанда: «Қайтишингиз керак. Фил ўзича ётгани йўқ», деган овоз ни эшигандек бўлавердим. Орқага, ўнгга, чапга юриб, аммо Макка томонга ҳеч юрганидан кейин бу ҳол кўринмас бир Кучнинг иши эканини, у кудрат бизни энди ўз ҳолимизга қўймаслигини аник билдим. Буни Абраҳага айтмоқчи эдим. Аммо у найт у осмонларда юрган эди. Ҳеч кимнинг сўзини эшигас, ҳеч гап қулоғига кирмас бир ҳолда эди. Зотан, орадан кўн вақт ўтмади ҳам. Қушлар етиб келдилар.

— Абраҳага нима бўлди?

— Абраҳани охирги дафъа оти ерда думалаб ётганда кўрдим. Эгаридан тушасолиб қочиб бораётган эди. Орқасидан: «Йигит бўлсанг, қочма, Абраҳа, бошимизга бу балони сен келтирдинг, лаънати!» деб бақирдим. Оёқларимда туролмасдим. У ҳам ерга чўқди. Энг охирги кўрган манзарам шу бўлди: бирдан дунё қоронғулашганини ҳис қилдим, ҳолбуки, кўзларим кўр бўлган экаи. Ундан кейин ким нима бўлганини билмайман. Чунки ҳамма ўз жонини сақламоқ дардидаги ҳар тарафга қочар, фарёд қиласар эди. Бирон киши бошқа бирини ўйладиган замон эмас эди. Орасира Абраҳага ёғилаётган лаънатлар эшитиларди. Мен ҳам жўр бўлиб лаънатлашга киришдим. Аммо бақирчақирларимизнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ эди!.. Сўнгра судралибсудралиб, қаерга кетаётганлигимни ҳам билолмай, у лаънати майдондан узоқлашдим. Мана, кўриб турганингдек, умримнинг поёнини тиланчилик билан ўтказяпман.

— Фил нима бўлди?

Филга нима бўлганини сира билмайман. Шундан кейин Унайс ўрнидан турди:

— Оллоҳнинг ҳимоясида эканлигингизга аминман. Бу Байт ҳам, ҳеч шубҳа йўқки, Оллоҳнинг уйидир, —деб хайрлашиб кетди.

— Яна келгин, кутамиз, эй Унайс, истаган вақтингда кел, — деди Абдулмутталиб.

\* \* \*

«Фил воқеаси»дан эллик икки кун ўтган, рабиулаввал ойининг ўн биридан ўн иккинчисига ўтар кечаси.

Эрон ҳукмдори Хусрав уйқуда экан, бирдан сакраб ўрнидан турди. Ер мудхиш тарзда ларзага келган эди.

Атрофни кўздан кечирди: ҳеч ўзгариш йўқ. Аёли ҳам ўша силкинишдан уйғониб кетган эди. Туш кўрибмиз, шекилли, деб яна қайтиб ётдилар. Аммо ухлай олмадилар. Чунки ташқарида одамларнинг овозлари, хайқириқлар эшитилар эди. Бу орада хизматчи эшикни такиллатди.

— Нима бўлди?

— Сарой йиқилди, султоним, ҳолимиз хароб!.. Хусрав ётоғидан сакраб турди, апилтапил кийинди.

Хақикатан ҳам саройнинг бир қисми харобага айланган эди. Қуббалар чўккан, деворлар кулаган эди. Вайрона остида қолган бир хизматкор бор овози билан додларди.

Яшаб бўлмас ҳолга келган саройнинг атрофидаги уйларга ажабки, унча заарар етмабди. Эрталаб бу сирли воқеа ҳақида берилган маълумотда ўн тўртта миоранинг йиқилгани қайд этилди.

Хусрав тушдан сўнг вазирларини мажлисга чақирди.

\* \* \*

Эронликларнинг муқаддас оташгоҳлари ҳам бу тунда ғалати воқеаларга дуч келди. Бу ер уларнинг ибодатхоналари бўлиб, минг йиллардан бери ҳеч ўчмаган шу оловга сифинишар эди.

Ўчоқчилик вазифасини бажарадиган киши динига бўлган хурмати юзасидан ҳамда подшоҳдан қўрққанидан у оловни тинмай ёқар эди. Ёлғиз вазифаси оташни сўндириласлик, доим ёқиб туриш эди. Орасира қипқизил ўт шаклига келган оташга ўзи ҳам сажда қилиб олар, унга ёлворар, бандалик қилар, кейин эса, йиғиб қўйган ўтинларидан бирикки дона ташлаб қўяр эди. Неча йиллардирки, вазифасини муҳаббату ихлос билан бажариб келарди. Агар олов ўчиб қолгудек бўлса, оқибати яхши бўлмаслигини ўзининг исмидек яхши биларди. Ҳатто унинг ва барча оташпастларнинг эътиқодича, оловнинг ўчиб қолиши Тангрининг яшамаслигини исташ деган гап эди. Ҳар борада Тангрига қарздор бўлганидек, уни яшатмоқ оташпаст хизматкорнинг бурчи эди.

Атрофидаги одамлар сингари унинг фикрлаши ҳам бу эътиқод доирасидан чиқмасди: «Демак, мен олов ёқишини канда қилсан, Тангри яшамайди», дерди.

Бироқ у: «Ҳаёти менинг қўлимда бўлган Тангри қандай қилиб мени ва бутун оламларни яратада олади?» дея ўйлай олмасди, бундай ўйлашга қобил ҳам эмасди.

Ловуллаб ёнаётган оловнинг устига бир неча боғ ўтинни хурмат билан қалагач, кир шолчанинг устига чўқди. Қаланган ўтинлар ёниб битгунга қадар бемалол бир неча соат вақт ўтарди.

Енгилгина уйқу босгандек бўлди. Ҳаво астасекин исий бошлаган бу кунларда тунлари оловнинг олдида ўтириш роҳатижон эди.

Ширин уйқу ила кўзларининг юмилганини ҳис қилди. Бирор дақиқа ўтарўтмас хуррак ота бошлади.

Неча соат ухлаганини билмайди. Хўрозларнинг қичқириги уни уйғотиб юборди. Қалаган ўтинларинииг ёнмаганлигига кўзи тушдию ўчоқчи ўрнидан сакраб турди. Ҳолбуки, ўтинларни қалаётганида уларнинг тагида қипқизил оташ бор эди!

«Ҳўл ўтин ташладиммикан», деди ўзича. Ваҳоланки, бу ерга ҳўл ўтин келмайди. Ўтииларнинг бари қупқуруқ эди. Устидаги ўтинлар ёнмаганидек, тагидаги оташ ҳам сўна бошлабди. Дарҳол чўғларни ўртага тўплаб пуфлай бошлади. Аммо барча уринишлари зое кетди. Оташ худди бошқа бирор томонидан атай сўндирилаётгандек эди. Бир оз ўтиб, катта оташгоҳда оловдан асар ҳам қолмади.

Ўчоқчи ҳайрон бўлиб, ўрнидан турди. Кўркувдан ранги оқариб кетган эди.

— Ўчди, ўчиб қолди... — деб йиғламсиарди. Оловни ўчириб қўйганлиги учун калласи кетиши аниқ эди. Камида чўғнинг устига ўтқазилади! Шу бўлғуси манзарани тасаввур эта бошлади ҳатто. Турган жойида қотиб тураверди. Ишониб, кўн йиллардан бери сифиниб келган Тангриси ўчиб, кулга айланган эди. Нихоят:

Ўчиб қолди, ўчди! — деб бақиричақира, саройга томон чопди.

Кўчалар жимжит эди. Унинг бақиригини эшитганлар нима бўлганини билиш учун ташқарига қарадилар ва кўчада «Ениб битди» дегандек югуриб кетаётган ўчоқчини кўриб, ҳеч нарса бўлмагандек, яна ичкарйга — уйларига кириб кетдилар.

Учоқчи ўзининг шовқинидан одамларнинг безовта бўлишларини ҳам ўйламас, «Ўчиб қолди, ўчди», дея бақириб, жинни сингари сарсари чопарди. Саройга етиб боргач, унинг бақиричақира қулоқ солишга одамларнинг тоқати йўклигини кўрди: сарой вайрон бўлиб ётарди...

\* \* \*

Эроннинг бош қозиси Мубадон эрталаб уйқудан дили хуфтон бўлиб турди. «Нима бўлди?» деб сўраганларга: «Ҳеч нарса», дея жавоб берди. Нонуштадан сўнг бир маъмур келиб, Хусрав уни туш пайтида ўтказилажак мажлисга чақираётганини айтди.

Мубадон тушга яқин оғироғир қадамлар ила саройга томон йўл олди.

Хусрав шох раислигида ўтказилган йиғилишда саройнинг ўн тўрт минораси йиқилгани маълум бўлди. Хусрав:

— Сарой худди тамалидан бузилгандек бўлди, бу даҳшатли ҳодисадир, — деди.

Бош қози Мубадон сўз олди:

— Бу тунда тушимда bemаза воқеалар рўй берди. Дажла дарёсининг қирғоғида эдим. Бирдан бир неча саркаш тужа кўрдим. Оғизларидан кўпиклар сачрар эди туяларнинг. Олдиларидағи араб отларини Дажлага ҳайдаб келардилар. Шу аснода аввал отлар, сўнгра туялар Дажладан сузиб ўтиб, Эрон ерларига ёйила бошладилар. Қаерга қарасам, бу туялардан бошқа бирор нарса кўрмадим. Кўрқув ичра уйғондим. Бу тушимнинг саройда рўй берган ҳодисага алоқаси бормикан, деган ўйда айтяпман. Бу орада йиғилишга юксак мартабадаги бир маъмур кириб келди. Хусрав:

— Нима гап? — деб сўради. Маъмур:

— Султоним, фалокат, — деди.

— Нима бўлди? Маъмур:

— Оташ ўчиби, султоним, — деди. Хусрав:

— Тушунмадим, оташ ўчиби, дейсанми?

— Ҳа, султоним, оташ ўчиби.

Бирдан Хусравнинг юзи сарғайди. Йиғилишдагиларнинг ҳам ранглари ўзгарди.

— Ҷақир менга, ўша лаънатини! — деди. Ичкарига ирkit бир одам кирди. Инсон қанчалик уринсада, бу одамдан ҳам исқиртрок бўла олмасди.

— Қани, айтчи, ростдан ўчдими оташ?

— Ҳа, ўчди, султоним.

— Нега қарамадинг? Сенинг вазифанг нима ўзи?

— Қарадим, султоним. Бутун ғайратим билан ўтин қаласам ҳам, барибир ўчди.

— Оташчи олдинга бирикки қадам ташлаб, бошини бир оз кўтаргач, соқолини кўрсатди.

— Пуфлаётганимда ёнди, султоним, — деди. Хусрав маъмурга:

— Тезда олов такрор ёқилсин. Эртага бу одамни ўша оташда ёқиб жазолайман, — деди.

Ташқарига олиб чиқаётганларида ўчоқчи:

— Майли, жазоланг, бироқ менинг айбим йўқку, — дея эътиroz билдириди. Кўрққанидан оёқлари юролмайдиган ҳолга келган эди. Ўчоқчи чиқиб кетгач, Хусрав:

— Ғалати нарсалар рўй бермоқда, ҳеч тушунолмай қолдим, — деди.

Шу пайт яна бир хабарчи келганини айтдилар.

— Дарров кирсин, — деди Хусрав, йиғилишдагиларга қараб:

— Яна бир фалокат хабари бўлса керак.

Устибоши тупроққа белангандан бир одам кириб келди. Хусрав:

— Тезроқ гапир, нима бўлди? — деди.

— Султоним, Сава кўли шу кечада қуриб битибди. Уша срдаги доно кексалар ҳам: «Ҳеч қачон катта бир кўл бир кечада қуримайди. Бунда қандайдир ғайритабиилик бор. Тезда султонимизга хабар беринглар», дейишиди. Дарров отга миниб келдим, — деди.

— Яхши қилибсан.

Аслида, «Яхши қилибсан»га арзийдиган хеч нарса йўқ эди. Бу яхши хабар эмасди. Катта бир кўл ўзиданўзи бир кечада қандай қилиб ва нима учун қурийди? Шоҳ ақлга сиғмайдиган бу ҳодисалардан гангирраб қолди. Оташ... Шунча йилдан бери ёниб келган, осон ёнсин деб маҳсус

куритилган ўтиналар билан ёқиладиган олов қандай қилиб ўчади?!

Ўриидан турди. Мажлис аъзолари ҳам йиғилиш тугади деб ўйлаб, ўринларидан турдилар.

— Ҳаммамиз биргаликда оташгоҳга борамиз, — деди Хусрав.

Оташгоҳга бориб, у ердагиларнинг чорасизликларини кўргач, шоҳ тант қотди. Ҳақиқатан ҳам олов ёнмаётган эди. Ўзи бирмабир ўтиналарни текшириб кўрди: ўтиналар қупкуруқ. Аммо ёнмасди.

Бир неча соат ёқишга уриндилар. Натижа бўлмагач, шоҳ оташгоҳни тарқ эди.

Подшоҳ оташгоҳдан чиқар экан:

Ўчоқчининг айби йўқ экан, уни кечирдим, — деди.

\*\*\*

Ўша тунда одамлар Самова сойи тўлибтоншб оққанини кўрдилар. Ҳолбуки, бу сой неча йиллардан бери сувсиз қақраб ётган эди.

\*\*\*

Хусрав юз берган ақл бовар килмас ҳодисаларни ойдинлаштириб бера оладиган бир одам сўраб, Бусра подшоҳи Нўймон ибн Мунзирга мактуб йўллади. Нўймон Абдулмасих ибн Ҳайём деган донишмандни Хусравнинг ҳузурига жўнатди.

Абдулмасих бўлиб ўтган воқеаларни Хусравнинг ўз оғзидан энштгач, шундай деди:

— Бу ҳақда ҳеч нарса дея олмайман. Аммо Шом томонлардаги Жабия деган жойда тоғам Сотих яшайди, у киши билан маслаҳатлашиб, кейин олдингизга келсан...

— Унда дарҳол йўлга чик, — деди султон Хусрав. Абдулмасих бу ғалати ҳодисаларни тоғаси қандай шарҳлашини билмоқ учун Шомга жўнаб кетди.

\*\*\*

Ўша, Хусрав саройида вайроналиклар содир бўлган кеча тижорат мақсадида Маккага борган бир яхудий олими ғалати ҳолга тушди. Ниҳоят, ёнидаги Ҳишом, Валид ва Ўтбага қараб:

— Бу тунда орангизда бир бола туғилдими? деди. Ҳеч кутилмаган гап эди бу. Томдан тараша тушгандек маъносиз бир савол эди. Ҳишом ҳайрон бўлиб:

— Ҳаёлишта қаёқдан келди бу савол? — деди.

— Қаёқдан келганини кейин тушуниб оласиз. Менга жавоб беринг, бу кеча орангизда бир бола туғилдими?

— Биз бола туғмаймиз.

— Устимдан кулманглар...

— Устингдан кулаётганимиз йўқ. Бироқ бу аҳволингда сен бирпастдан кейин бола туғворасан, шекилли.

— Яна мени мазах қилаётибсан, Ҳишом! Валид гапга аралашди.

— Сен ўзинг мазахлашга арзийдиган гап қиляпсанда. Бу кеча бола туғилиши ё туғилмаслиги билан нима ишимиз бор? Бошқа ишимиз йўқми? Энди бир камимиз «Бу кеча ким бола туғди?» деб бутун Макка водийларини кезиб чиқишимиз қолувди. Лот ва Уззо ҳақки айтаманки, сен ўзинг бизни устингдан кулишга мажбурлайсан. Кани, айтчи, мақсадинг, дардинг нима ўзи? Нима демоқчисан бу билан? Яхудий пинагини ҳам бузмасдан:

— Бу тунда бир юлдуз пайдо бўлди, — деди. Утба қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Майли, шу сўзингга бутун қалбимдан ишонай. Аммо пайдо бўлаётган юлдузларнинг ҳисоби сон мингта. Юлдузлар ҳар кеча пайдо бўлади, — дедида, олдида турган шароб тўла қадаҳни яхудийнинг башарасига сепиб юборди. Сўнгра хизматкорини чақириб: — Дарров икки челак сув келтир. Бу яхудий ҳаливери ўзига келолмайди, шекилли, — деди.

Яхудий йиғламокдан бери бўлиб турарди. Юзидаги шаробни артар экан, деди:

— Ҳалиям устимдан куляпсизлар, ҳолбуки... Шу пайт Валид унинг олдига келиб, бошидан ушлади ва тепага қаратиб:

— Ҳолбуки, осмонда бир юлдуз найдо бўлди, шундайми? Утба, кел, шу одамнинг кўзи кинидан чиқиб кетгунича йириб оч, бирмабир юлдузларни санасинчи,—деди.

Уч киши ширакайф ҳолда яҳудийни роса мазах қиласдилар. Лекин яҳудийнинг оғзидан фақат ўша сўз чиқарди. Амаллаб бошини Валиднинг қўлидан ажратгач, яна: — Бу кеча бир юлдуз пайдо бўлди, деяпман сизга, Аҳмаднинг юлдузи. Оллоҳнинг охирги пайғамбарининг юлдузи. Бу кеча бу пайғамбар шу шаҳарда туғилган бўлиши керак. Барча муқаддас нарсалар ҳаққи қасам ичаманки, у Оллоҳнинг энг сўнгги пайғамбаридан. Энди Истроил ўғилларидан пайғамбарлик кетди. Кўлларидан китоб ҳам кетди. Яҳудий олимларининг қадриэтибори қолмади энди. Бу уларнинг ўлдирилажаклари ҳақида берилган ҳукмдир. Араблар бу пайғамбар туфайли жаҳолатдан халос бўладилар. Эй қурайшликлар, севининглар, энди, валлоҳи (Оллоҳга қасамки), сизлар бутун дунёга эриңмокдек шарафга эга бўласизлар, — деб ўрнидан туриб, чиқиб кетди.

Макканинг тор кўчаларида уйига бораётган чол, ёнидан ўтиб кетган бир яҳудийнинг «Бу кеча Аҳмаднинг юлдузи пайдо бўлди, бу кеча Аҳмаднинг юлдузи порлайди, биз маҳв бўлдик», деган сўзларини эшитиб: «Тентак...» деб қўйди.

\* \* \*

Бундай ғаройиб ҳодисалар рўй берар экан, нур юзли бир аёл ҳам атрофида нималар содир бўлаётганини англамок учун ўнгсўлига қараб қўяр, орасира осмонга тикилиб қолар, ҳайронлиги ортар эди.

Неча ойдирки, ҳомиладор эди. Аммо оғироёқ эканини ҳеч ҳам билмади, яъни, ҳомилалик аломатлари ҳеч кўринмади. Кунлар, ойлар ўтар экан, қорнидаги етим боласини, қачон кўрар эканман, деб ўйлаб хавотирланарди.

Боласининг отаси Абдуллоҳнинг вафот этганига бир неча ой бўлган эди. Шомга савдо учун кетиб, қайтишда Ясирида (Мадинада) тоғаларининг олдида ўлган эди. Абдулмутталиб оиласи унинг ўлимига аза тутиб, кўп вақт кўз ёши тўккан, Макка халки ҳам бу навқирон йигитнинг бевақт ўлимидан кўп қайғурган эди.

Ёш келинчак Омина ўлган эрига кўп йиғлаган, мунгли шеърлар ёзган, туғилажак боласини кўрлмай бевақт оламдан ўтган Абдуллоҳ шаънига марсиялар битган эди.

Энди эса, фақатгина боласи билан овунишни ўйларди. Бу бола Оминанинг биринчи фарзанди эди. Атрофидагилардан ҳомилалик белгилари ҳақида кўп нарсалар эшитар, аммо улардан бирортаси ҳам ўзида содир бўлмаганидан лол эди. Унинг бу аҳволини кўрган баъзи аёллар ҳайрон бўлиб:

— Кўшни, бу Омина тобора гўзаллашиб кетаётир. Ҳомиладорман деб бизни алдаётган бўлмасин тағин, — дейишарди.

Нихоят, рабиуллаввал ойининг ўн биридан ўн иккисига ўтар кечаси тўлғок тута бошлади. Дарров қўшни аёллардан иккитасини чақиртириди. Шифо ва Фотима деган қўшнилари, Умму Айман деган жорияси унинг ёнида туришди.

Неча йиллардан бери бола туғдиравериб кўзи пишиб кетган бу аёллар уйдаги фавқулодда ҳолатни кўриб ҳайрон қолдилар. Уйда чироқ йўқ эди. Аммо унга эҳтиёж ҳам қолмади. Чунки уй кундуз каби ёруғ эди. Фақат, бу ёруғлик қуёшдан бўладиган ёруғликка ҳеч ўхшамас эди. Омина атрофида умрида сира учратмаган гўзал мавжудотларнинг байрам қилаётгандарини кўрди. Омина ётган бу хона кичик, гўзал мавжудотлар эса, бундай хоналарнинг йигирматасига ҳам сифмайдиган даражада кўп эди. Улар учун худди девор йўқдек, бемалол кириб келаверардилар — хонанинг деворлари бу гўзал маҳлуклар учун мутлақо тўсқинлик қилмасди. Бу севинч, бу байрам ниманинг шарофати? Бу гўзал хилқатлар кимлар ўзи? Бу мавжудотларни бошқа хотинлар ҳам кўрятими?!?

Омина бу саволларнинг жавобини билмасди. У ҳагго, туш кўряпман, деб шубҳаланаётган

ҳам эди.

Хурсандчилик қилаётганлар Оллоҳнинг сўнгги пайғамбари энди дунёни шарафларга буркайжаги ҳақида сўзлашардилар.

Шифо ва Фотима хонимлар уйта кирибчиқиб туришибди, доялик вазифаларини адо этишмоқда эди. Шу вакт Омина бир неча гўзал аёл ёнига келиб ўтирганини кўрди. Бу аёлларнинг хеч қайсисини танимасди. Аммо улардаги кўнгилга яқинлик дунёнинг ҳеч бир аёлида йўқ эди. Юзларидан ёғилиб турган нур ҳар тарафни ойдинлатарди. Омина улар билан кўришди. Келганлар ўзларини таништирилар:

— Менинг исмим Марям. Исо алайҳиссаломнинг онасиман.

— Менинг исмим Осиё. Мисрда худолик даъвоси билан чиқсан Фиръавннинг хотини эдим.

Омина ҳеч танимаган, аммо илк кўришидаёқ кўнглига яқинлик ила ўрнашган бу муҳтарама аёлларнинг ташрифи билан таъриф этилмас бир фароғатга эришди. Атрофда нурдан яратилган хилқатларнинг шодиёнаси давом этарди. Бу орада Шифо хоним:

— Мужда, мужда... — дея бақирди.

Кўлида гўзаллар гўзали бир чакалоқ бор эди. Бу гўдак аслида Шифо хонимнинг эмас, балки ҳалиги нурли хилқатларнинг қўлида тургандек эди. Гўдак киндиги кесилган ва суннат қилинган ҳолда туғилган эди.

Доя аёллар ҳайрат ичидан қолишиди. Омина боласини жуда осон тукқан эди. Ҳеч қандай оғриқ, азобланиш, дард чекиши юз бермади. Тўғрироғи, Омина атрофдаги шодхуррамликни томоша қиласкан, ёнидаги муҳтарама аёлларнинг сұхбатини тингларкан, Шифо хоним қўлига тутқазган мужда билан она бўлганини билди, холос.

«Оламларга раҳмат бўлган охирги ва энг буюк пайғамбарнинг онаси» бўлиш шарафи Оминага насиб этган эди!

\* \* \*

Омина «нурли бола»сини бағрига босаркан, атрофида ҳали ҳам шодиёналар давом этарди. Ўзларини Марям, Осиё деб танитган аёллик оламининг султонлари бирбирларини ва Оминани табриклар эдилар.

— Бу туғилган бола дунё ва охиратнинг султонидир. Оллоҳ таоло уни бутун оламларга раҳмат ўлароқ жўнатди Оллоҳнинг энг севгили бандаси ва энг улуғ Расули сенинг ўғлингdir. Сенга бахту саодатлар тилаймиз, эй бутун оналарнинг энг баҳтлиси Омина! — дер эдилар.

Шифо хоним:

— Муборак бўлсин, Омина! — дер экан, турмушга чиққанидан бери Оминанинг юзида ойдек порлаб турган нурнинг йўқолганини, энди бу нур қучогидаги боласининг юзида порлаётганини кўриб, ҳайрати ортди. Фотима хоним ҳам қаради: Оминадаги нур боласига ўтган эди.

Тонг отар чоғида Омина қўйнида боласи билан ётаркан, оламларнинг султонини кутиб олиш учун келган беҳисоб фаришталар севинч ила яна малакут оламига қайтдилар.

\* \* \*

Каъбанинг Ҳижр дейилган қисмида дўстлари билан ўтириб сұхбатлашаётган Абдулмутталиб Оминанинг нурли ўғил тукқанини эшитиб, гўдаклардек севинди. Йигитлик даврида бевақт ўлган жигарпораси Абдуллоҳнинг бир омонати ўлароқ у чақалоқни тезроқ бағрига босгиси келди. Дарҳол ўрнидан туриб, Сафо тепалигига қараб чопди. Оминанинг уйига кириб келди:

— Неварам қани?

Аёллар йўргакни унга бердилар. Абдулмутталиб чақалоқнинг юзини очиб, ақл бовар қилмас даражадаги гўзал набирасини кўрди. Уни бағрига босиб, ёноқларини ҳидлар экан, жаннатдан келган хушбўй ҳид эканлигига аниқ ишонар эди. Кўзларидан томчилаган ёшлар

севинч ёшлари эди.

— Ҳеч бир кўз бундан ҳам гўзал гўдакни кўрмаган. Ҳеч бир она бундан ҳам гўзал бола туғмаган. Қасам ичаманки, ҳеч кимнинг невараси менинг неварамдан гўзал эмас! — деди.

Бир муддат гўдакка қараб қолди. Карагани сари кўнгли севги, марҳамат ва шафқат билан тўларди. Бир онда марҳум ўғли Абдуллоҳ кўз ўнгига келди. Аммо бу набираси минглаб Абдуллоҳларнинг ўрнини босадигандай. Бир вақтлар пешонасида порлаган, кейин Абдуллоҳга, кейин Оминага ўтган нур, ниҳоят, асл эгасини топганини кўриб турарди. Неварасини бағрига босди. Каъбага кирди, дуо қилди, сўнгра уйга қайтиб келди. Ҳали ҳам қучоғидаги боласини томоша қиласди.

Аёллар овозларини чиқармай Абдулмутталиби томоша килишар, тўғрироғи, уни набирасининг гул юзига боқиб ҳис этаётган саодат туйғусига халал бермасли» учун миқ этмай туришар эди.

Абдулмутталиб набирасини қучоқлаганча, яна Каъбага кетди. Ичкари кириб, дуо қилди. Сўнгра яна келинининг ёнига қайтди. Соатларча боқса ҳам тўймайдиган неварасини яна бир бор ҳидлагач, қизи Сафияга узатди:

— Ўғлимни онасига бер, — деди. Туриб чиқиб кетди. Шу онда қалби осмон қадар кенгайганини ҳис қилди, севинчдан учадигандек эди. Абдулмутталиб келинининг уйидан севинчи ичига сифмай чиқди. Тўғри Каъбага борди. Шуқроналик билдириб, Каъбани тавоф қилди. Неварасига қандай исм қўйишни ўйлади. Ҳусни жамолига, шаънига лойик бир исм қўйиш лозим эди. Муҳаммад...

Бирдан зеҳнига бу исм ўрнашиб олди. Зулмат ичида чақмоқдск чақнади бу исм. Отабоболаридан ҳеч бирининг оти бундай эмас эди. Танилган, машҳур исмлардан ҳам эмасди. Ҳазрати Иброҳимдан бери давом этиб келаётган ва маълум бўлган исмларни хаёлидан бирмабир кечирди. Ҳеч қайсиси бу қадар эътиборни тортувчи эмасди. Яна қабила раислари, танишибилишларининг исмларини бирмабир хотирлади. Бироқ қалбига хукмини ўтказаётган, бутун қалбини эгаллаган пинҳона бир қудрат унга барча эслаган исмларини зехнидан четлатар, яна айланибўргилиб «Муҳаммад» исми қўнглига келаверар эди. Ундан бошқа барча исмлар, унинг назарида, қўримсиз, заиф, бўлмагурдек эди. Бу пинҳона қудрат Абдулмутталиби неварасига «Муҳаммад» исмини қўйишга мажбурлаётган, бошқа исм қўйишига йўл қўймаётган эди.

Омина боласини бувасининг қўлига бераркан, ҳаяжонини босиб сўради:

Отажон, неварангизга қайси исмни муносиб кўрасиз?...

Абдулмутталиб қучоғидаги малак юзли болага яна бир қараб:

— «Муҳаммад» қўямиз, ~ деди.

Оминанинг кўзлари кулимсираб, юзида мамнуният белгиси пайдо бўлди. Гўёки кўпдан бери орзу қилган нияти амалга ошгандек эди. Абдулмутталиб ўзи қўйган исмга келинининг ҳам севинганини кўриб, жуда мамнун бўлди:

— Биласанми, қизим, кимдир мени шу отни қўйишга ундаётгандек. Зеҳнимга фақат шу исм ўрнашиб олган. Бошқа исмни ўйласам ҳам, дарров ўрнини «Муҳаммад» эгаллаб олаверади. Фикринг қандай, яхши исм шекилли? деди.

Омина кулимсираб жавоб берди:

— Мен ҳам боламга «Муҳаммад» деб от қўйишни ният қилган эдим. Тушимда ҳам «Муҳаммад» исмини қўйишим амр этилди. Мен ўғилчамнинг буюк инсон бўлишидан умидворман.

Абдулмутталиб келинининг гапларини маъқуллади:

— Албатта, менинг набирам инсонларнинг энг буюги бўлажак.

Макка раиси ва ҳошимийлар авлодининг каттаси Абдулмутталиб, келинининг ҳам розилиги билан, қучоғидаги неварасига инсоният тарихидаги энг буюк ва энг муборак исмни

берди. «Сенинг исминг Муҳаммад бўлсин, болам», деди.

\* \* \*

Саодатли таваллуддан етти кун ўтгач, Абдулмутталиб катта зиёфат берди. Уч кун давом этган бу маъракада болачақалари билан бутун маккаликлар, ташқаридан келган меҳмонлар, ҳатто тиланчиликдан бошқа ҳеч ишга ярамайдиган кўтарам кўр Унайс ҳам қатнашилар.

Зиёфат асносида меҳмонлар:

— Неварангга қандай исм бердинг, Абулҳарис (яъни, Абдулмутталиб)? — деб сўрадилар.

— Отини «Муҳаммад» қўйдим.

— Нега оталарингдан бирортасининг исмини қўймасдан, бу исмни қўйдинг?

— Осмонда Оллоҳ, ерда инсонлар унинг гўзал сифатларини мадҳ этишсин, деб шу исмни қўйдим.

Гўдакни кўрганлар Абдулмутталиби қутладилар:

— Бундай ширин, бундай гўзал неваранг билан ҳақиқатан мақтансанг ярашади, эй Абдулмутталиб, — дедилар.

\* \* \*

Омина боласини уч ёки етти кун эмизди. Кейин амакиси Абу Лаҳабнинг жорияси Сувайба вақтинчалик сут она қилиб белгиланди. Авваллари амакиси Ҳамза ва Абу Салама деган бир бола сут эмган кўкракларни бу сафар пайғамбарлар халқасининг охирги ва улуғ соҳиби эма бошлади.

\* \* \*

Абдулмасих неча кунлар йўл юриб Жабияга етиб келганида, тоғаси Сотих ўлим тўшагида ётарди. У шунча йўлдан келиб бундай нохуш хабарни эшитишни сира истамасди. Чунки Хусравнинг топшириғи оддий топшириқ эмас эди.

Сотих жиянининг саломига алик ҳам олмади. Чунки саломни эшитадиган холи йўқ эди унинг. Умрининг сўнгги дақиқаларини яшаётган эди.

Салом яна такрорланди. Сотихдан яна сас чиқмади. Абдулмасих:

— Яман диёрининг каттаси соқовми? Ёки карми? Ё бўлмаса, ўзи ўлганда, рухи осмонга учиб кетганми? — дея Сотихни мадҳ этувчи шеърини айтди. Шу иайт Сотихнинг кўзлари хиёл очилди ва қийналакийиала жавоб бергандек бўлди:

— Абдулмасих туясига миниб Сотихнинг олдига келди, ҳолбуки, Сотих кабрга кириш олдида... Эй Абдулмасих, сени сосоний малик ўз саройининг йиқилиши, оташнинг сўниши, Мубадоннинг туши ҳақида маълумот олмоқ мақсадида жўнатган...

Сотих яна жим бўлиб колди. Абдулмасих унинг гапиришини кутарди. Сотих эса, ўлайўлай деб зўрға нафас оларди. Нихоят, сўзида давом этди:

— Эй Абдулмасих, ваҳий тақрортақор ўқилганда, асо соҳибига пайғамбарлик берилганда, Самова сойи сувга тўлганда, Сава кўли қуриганда, форсларнинг ибодатгоҳида оташ сўнганда, билки, ўша пайтда Шом шахри Сотих учун Шом бўлмоқлиқдан чиққандир. Эронликларнинг йиқилган миноралари нечта бўлса, ўшанча султон салтанат сурар, кейин эса, бошларига не шўриш тушса, шуни кўрарлар, — дедию, сўзини давом эттиrolмади. Дармонсизликдан ҳолсизланиб, дудоқлари юмилди. Бир неча нафасдан сўнг ҳаракатсиз қолди. Шундай қилиб, узоқ йиллар давом этган умр поёнига етди.

Сотих дафн этилди. Абдулмасих унинг жавобларини Хусравга билдириш учун дарҳол йўлга чиқди.

Хусрав жавобни эшитиб, анча ўзига келди. «Ўн тўрт малик келибкетгунча нималар бўлмайди», деди ўзича.

Унинг хисобкитоби — салтанат мақомида узоқ йиллар тўйибтўйиб подшоҳлик қилиш эди.

Хали у қора кунлар келгунча, ҳеч бўлмаса, юз эллик йил, балки икки юз йил ўтар, деб ўйларди Хусрав.

### III БАНИ САЪД ЮРТИДА *Сут она*

Саъд ибн Бакр қабиласи Макка атрофида обрўэътибори ва жўмардлиги билан танилган эди. Одамлари инсофли, ҳавоси ва суви тоза, забонлари ҳам бегона сўзлар аралашмаган асл арабча эди. Шу сабабдан Макканинг бой оилалари, янги туғилган чақалоқларини Саъд ибн Бакр қабиласига жўнатардилар. Болалар бу қабила аёлларининг сутлари билан қувватланишар, ганлашишни ҳам ўша ерда ўрганишар, Маккада ўсган болаларга қараганда соғлом ва бақувват бўлишар эди.

Қабила аёллари йилда икки маротаба Маккага энишар, наслнасабли оилаларнинг болаларини олиб, қишлоқларига қайтишар, уларни эмизганлари учун олган ҳақ ва ҳадялари оила тириклигига кўмак бўлар эди.

Фил воқеасидан уч ой ўтгач, қабила аёллари одатдагидек эрта тонгда йўлга чиқишига келишдилар. Кун чиқмасдан йўл бошида йигилдилар. Аёл-эркак бир гуруҳни ташкил қилди. Эмизиш муддати тугаган болалар ўз қўкалдошлари, дўстлари билан хайрлашдилар. Оналари бағрига қайтиш қувончи ҳамда дўсту биродарларидан ажралиш изтироби уларни хаяжонга солган эди. Сут эмизган оналар болаларни ота-оналари кўлига топширгач, оладиган ҳақ ва совғасаломларини ҳисоблашар, бошқа жиҲатдан эса, икки йил мобайнида ўзлари эмизган болаларидан айрилиш изтиробини ҳам ҳис этишар эди. Балки, айрилиқ бошқа ҳеч кўришмаслик маъносида абадий ай| рилиқ бўлар. Ҳолбуки, оналар улар учун минг хил азият чеккан, норасидалар оғриганда бирга дардини тортганлар, кечалари ширин уйқуларини бузиб, гўдаклар бошида нечанечча тонгларни бедор оттириб, туни бўйи уларга алла айтиб чиққанлар. ўёш чиқишига жуда оз вақт қолган эди.

— Юринглар, эй Бани Саъд ҳалқи, бўлмаса, кеч қоласизлар, — деган овоз эшитилди.

Кисқа бир видолашувдан сўнг болаларни қўлларидан тутиб, қучоқларига олиб қўтариб, баъзиларини эшак ёки туюнинг устига ўтқизиб, йўлга чиқдилар.

— Кеч қолманглар, онажон, кутамиз.

— Бизни унутма, Шайба.

— Яна кўришамиз, Ханзала.

— Яхши қолинглар, Фотима, — деган овозлар эшитиларди.

Кўзлар намланиб, ёш айланана бошларди.

Карвон чанг кўтариб олға борар экан, заиф бир эшак секин юриб, орқада қола бошлади. Эшак эгалари қанча қистамасинлар, борган сари карвон билан орадаги масофа узаяр эди.

— Ҳалима, тезроқ юргиз бунингни, — деди қўшниси. Ҳалима кучсиз ва қари ҳайвоннинг елкасига ҳалачўпни бирикки марта нуқиди. Эшак қадамини бир оз тезлатдию, лекин сал ўтмай, яна аввалги ҳолига тушиб олди.

Ҳалима дугоналаридан орқада қолишни ҳеч истамасди. Чунки эрта борганлар тез ишни битирарди. Маккада Ҳалима келсин, боламизни унга берамиз, деб ҳеч кимнинг кўзи учиб тургани йўқ, албатта. Вақтли борганлар ўзлари хоҳлаган оиланинг боласини олиб, кўпроқ пул кўлга киритадилар. Кечикканлар бола тополмай қайтишлари эҳтимоли ҳам бор эди.

— Бугун эшагимизнинг феъли айниб қолдими, Ҳалима?

— Ҳар куни шундай эмасмиди, Ҳарис? Ахир, у қариб қолдику, тобора қуввати кетмоқда.

— Лекин бошқа кунлари бунчалик эмасди, бинойидек юрардику...

— Балки қасалдир?

Ҳариснинг оиласи орқада қолганини кўриб, шериклари уни кутиб турипгган экан, улар етиб келишганида саволга тутишди:

— Бугун жуда орқада қолдинглар, Ҳарис?..

— Эшакни юргизолмаямиз.

— Бу кетишда жуда кеч қоласизлар.

— Шунақага ўхшайди.

Ҳарис қўлидаги халачўп билан эшакни урди.

— Ўлдирсанг ҳам шу кетишда кетавераман, дейдия жонивор.

Юкини енгиллаштириш керак эди. Болани эшакнинг устидан тушириб, қучоғига олди. Усти енгиллашган эшак энди тез юриши лозим эди. Бироқ бу тадбир ҳам унинг юришини тезлаштиrmади.

— Ҳалима, бу эшак бошимизга бало бўлади, шекилли. Етолмаймиз. Бизга бола қолмайди.

— Шундай бўладиганга ўхшайди. Қара, одамлар биздан роса узоклашиб кетдилар. Жуда орқада қолиб кетдик.

— Ишқилиб, боласиз қайтмайликда.

Ҳалима қўксини ушлади. «Бола топсак ҳам, эмиздирадиган сутим йўқ», дсмоқчи бўлди, аммо айта олмади. Агар бола топсалар, нима бўлади? Ҳалиманинг ҳозирдан унга раҳми кела бошлади. Шўрлик гўдакни тўйдирмасдан туриб, қандай қилиб пул олади? Лекин қўлидан нима ҳам келарди. Сутга барака бериш унинг қўлида эмасди, ёмғирни ҳам у ёғдира олмасди. Мавсум эса, тобора куруқлашиб боряпти, ҳафталар бўйи ёмғир ёғмайди. Қурғоқчилик боис озиқовқат камайиб кетган, бинобарин, Ҳалима ҳам қорнини зўрға<sup>^</sup> тўйғизар эди. Шу сабабли қўкрагида сут кам эди. Ўзининг ўғлига етмайдиган сут қандай қилиб эмиқдош болага етади?! Аммо тирикчилик важхидан бу юмушни давом эттиришга мажбур. Тўғри, бир туюлари ҳам бор. Эрталаб уйдан оч чиқиб кетади, кечқурун уйга яна оч қайтади: емиш йўқ. Оқшом туждан озгина сут соғилади, у ҳам ўзининг боласини зўрға тўйдирарди...

Маккага келганларида дугоналари аллақачон ишларини битирган эдилар. Барчаси наслу насиби баланд оилаларнинг болаларини олишган, мўмайгина пулга ҳам эга бўлишган эди.

— Кеч қолдинг, Ҳалима.

— Шундай бўлди, нимаям қилардик. Ҳалима кеч қолганидан сиқилган эди.

Дарҳол маҳаллаларни айланаб, эмизгани бола топишга киришди. Эри ўғли Абдуллоҳ билан бирга бир жойда кутиб турадиган бўлдилар.

Каъбага йўналди. Дуч келган одамдан сўрайверди:

— Бу ерларда эмиздириладиган боласи бор оила йўқми?

Каъбанинг соясида ўтирган бир чолни кўрсатдилар.

— Анави ўтирган одам — Абдулмутталиб, неварасига сут она қидираётган эди, сўраб кўрчи, — дедилар.

Ҳалима Абдулмутталибга яқинлашди:

— Эмизиш учун бола қидираётган эдим, — деди.

— Қайси қабиладансан, қизим?

— Саъд ибн Бакр қабиласиданман. Ҳарис ибн Абдулуззонинг хотиниман.

— Бир етим бола бор, уни сенга бераман. Умид қиласанки, ундан яхшиликлар кўрасан.

Ҳалиманинг юзи ўзгарди.

— Етимми?

— Ҳа, етим.

— Ундей бўлса, бошқа бир бола қидирайин, — деб нари кетди. «Етим учун неча пул ҳам берардилар?» деб ўйлади ичиди. Боланинг қорнини тўйғазиши учун аввал ўзининг қорнини

тўйғазмоғи лозим. Томоқдан бирон нарса ўтмаса, кўкракдан нима ҳам чиқарди. Етим учун берилган пул уни таъминлай олмасди.

Айланди. Махаллаларни кезди. Боласи бор дейилган уйларнинг эшикларини бирмабир тақиллатди. Биринчи эшик очилди. Заифа, қорача аёл чиқди.

— Эмиздирладиган бола қидиряпман. Болангиз бор экан, деб эшитдим.

Уй эгаси:

— Бошқага бермоқчимиз, — деб ичкарига қайтиб кириб кетди.

Бошқа бири эса:

— Ярим соат аввал олиб кетишиди, — деди. Ҳалима шу аснода бир неча уйни суриштириб чиқди. Бой оиласлар болаларини унга бергилари келмади. Баъзилари бериб бўлишибди. Факирларникини эса, Ҳалима олмади. Энг охирги эшикни ҳам такиллатди, эшикни очган аёл:

— Ўзингнинг боланг борми? деб сўраб қолди.

— Бор.

— Сутинг уни тўйдира оляптими? Ҳалима жавоб бермади. «Ҳа, тўйдирянти» деб ёлғон гапиришга уялди. Бошини эгди, уйдан узоқлашди.

Ҳалима мағлуб бўлган эди. Илк учраган болани етим экан деб олмади, баъзилар болаларини бермади, баъзи лари бошқаларига бериб бўлган эди. Хуллас, барча эшиклар унга ёпик эди, гўё илк болани етим дегани учун интиқом олишаётгандек.

Бориб эшагини яхшилаб ургиси келди. Ал-Амини эшакдан олмоқчи бўлди. Тезтез юриб, эри билан боласи кутиб турган жойга борди.

Қуёш ботиш арафасида эди.

— Нима бўлди? — деди эри Ҳарис.

— Бир етимдан бошқа бола йўқ. Қолганларни ўртоқларим олиб бўлишибди.

— Демак, бу йил насибамиз кесилибдида.

— Шундайга ўхшайди. Факирларнинг пул берадиган аҳволи йўқ. Бойларда бола қолмабди. Боласи бор бошқалари эса менга беришни истамадилар.

Ҳалима бу гапларни айтар экан, кўзлари ёшланди, «Устимдан кулдилар», деган сўзни айта олмаса ҳам, кўзларидаги ёшдан шу маънони уқса бўларди.

— Ё олти ой ўтишини кутамиз, ёки ўша етимчани оламиз. Сен нима дейсан, Ҳалима?

— Дугоналарим биттадан бола билан қайтаётганде, мен боласиз кетишни истамайман. Аммо бир етим учун берилажак озгина пул бизга етармиди. Бир қарорга кела олмаяпман. Лекин бошқа бир қарорим бор.

— Қандай қарор экан?

— Шу кўр бўлгур эшакни ўлгунча уриш. Ҳарис:

Эшакни урсанг, дарров бир бола олиб келиб беришларини билсам, биргалашиб урадик. Ҳалима ўйланиб қолди:

— Ҳа, албатта, эшакни урганимиз билан ҳеч ким бизга бола келтириб бермайди.

— Етим бола учун нима берар эканлар?

— Сўрамадим. Етим эканини эшитибоқ «Кими ҳам бор эдики, бирор нарса берса», дея нари кетдим.

Ўйланиб қолдилар. Эшак у ёқданбу ёққа юриб, чўкиртакларни еб, бир амаллаб қорнини алдаб турар эди.

— Тезроқ бир қарорга келайлик, Ҳалима, шом тушай деб қолди.

— Сенинг фикринг қандай, Ҳарис?

— Мен аниқ бир нарса айта олмайман. Ўзинг нима хоҳласанг, шуни қил.

— Бўлмаса, мен бу етимни олсаммикан, боласиз қайтишдан уяляпман.

— Билганингни қил. Балки, бир етимни олганимиз туфайли уйимизга барака келар.

Ҳалима сўзни чўзиб ўтирасдан ўрнидан турди ва Каъбага қараб кетди.

\* \* \*

Абдулмутталиб кетмакет келаётган аёллардан ҳеч бирининг неварасини эмизишга рози бўлмаётгандигидан хафа эди. Келаётган аёллар боланинг етим эканлигини эшитгач, қайтиб кетишар, ҳатто сут ҳақи қанча бўлишини ҳам сўрамас эдилар.

Балки бунда бир ҳикмат бордир, деб ўзига тасалли берарди. Аслида, боланинг етим эканлигини айтмаса ҳам бўларди. Аммо сўз бошлиши билан, худди ўргатиб қўйилгандек, боланинг етим эканлигини айтиб юборар эди. Гўё ичидан келаётган бир нидо улуғ қудрат эгасининг, бу болани фақат муносиб сут онага бериш лозим, ундан бошқаси олмаслиги керак, деган даъватини такрорлаётгандек эди.

Ҳақ масаласи, аслида, унчалик мухим эмасди. Ҳеч ким, Абдулмутталиб сут онага етарли ҳақ бермайди, дея олмасди. Гўдакнинг отаси бўлмаса ҳам, бобоси бор эди, ахир. Бир боланинг ҳали туғилмасидан олдин отасидан ажралиб қолиши эса, бола учун айб ёки нуқсон эмас эди. Бинобарин, бола сифатида неварасининг ҳеч қандай айби йўқ эди. Кўрганларни хайратда қолдирадиган даражада ҳуснли эди у. Дунёнинг бутун боболари набираларига қўра бир сафга тизилса, сафнинг энг бошида, ха, мутлақо энг бошида Макканинг ҳокими, Курайшнинг раиси Абдулмутталиб турган бўларди. Бу жихатдан Абдулмутталибга айни даражада тенг келадиган ҳеч бир шахс мавжуд эмас, мавжуд деса, ақл бовар қилмас эди.

Неварасига тикилгани сари Абдулмутталибнинг қалби бўлакча бир меҳрмуҳаббат ҳисларига тўлибтошар, ичидаги бир нидо: «Бу бола ўхшали йўқ буюк инсон бўлажак», дер эди. Баъзан Абдулмутталиб Каъбанинг деворига суюниб ўйлар, кечасини кундузига қўшган бу болани бунчалик севишининг сабабини ахтарар, «Ажабо, кексалигим туфайли иродা заифлигига дучор бўлдимми?» дер, аммо бундай фикрни ҳазм қилолмас эди. Чунки Муҳаммаддан бошқа ҳам, ўзга ўғилқизларидан бир неча неваралари бор эди. Уларни ҳам жондилидан севарди. Бироқ Муҳаммадга келганда, унга бўлган севгисини тил билан таърифлашнинг сира илои йўқ эди. Гўёки бу боладаги гўзаллик, ширинлик, кўнгилга яқинликни тиллар, ҳатто диллар таъриф этолмайдигандек.

Унинг етим экани рост, бироқ ота-онаси бор болалардан кам жойи ҳам йўқ, улар учун қанча ҳақ берилса, Муҳаммад учун ҳам улардан кам берилмайди. Абдулмутталибнинг ҳасислигини ким кўрибди? Ҳар тарафда «Яйловда инсонларни, тоғ бошларида ҳайвонларни тўйдиради», дея шуҳрат топган, дастурхонидан меҳмоннинг кети узилмаган Абдулмутталиб Муҳаммадининг сут она ҳаккини беришдан қочармиди?!

Аммо келган ҳар аёл боланинг етим эканини эшитиб ҳеч нима демай қайтиб кетишларида, албатта, бир ҳикмат бордир. Эҳтимолки, улуғ Оллоҳ бу аёлларни ўзининг олий ҳукми ила орқага қайтараётгандир. Муҳаммадига лойиқ бўлган сут онанинг келиши учун куттираётгандир. Орасира Абдулмутталибнинг кўнгли Мавлога йўналиб:

— Оллоҳим, мепинг бу етимчамга энг шафқатли, энг пок кўнгилли сут онани юбор, ярамасини орқага қайтар, дея ёлворарди. Бу орада Ҳалиманинг қайтиб келаётганини кўриб, кўнгли жойига тушди.

— Бола қаерда?

Абдулмутталиб кулимсираганча, ўрнидан турди.

— Ортимдан юр, — деди.

Ҳалима Абдулмутталибнинг орқасидан юрди.

Гўзал бир аёл:

Хуш келдингиз, отажон, хуш келдингиз, опажон,— деб уларни кутиб олди.

Ҳалима уйга кирганида тотли бир ҳидни туйди. Бундай атирни у ҳеч ҳидламаган эди. Қабилада ҳар бир аёл ўзига атир сепарди, аммо бу атирни на Ҳалима, на қабиланинг бошқа аёллари билишарди.

Үйнинг бир бурчагида эмизикли гўдак ётарди. Тагига яшил ипак мато тўшалган, чақалоқ

эса, оқ жун матога ўралган бўлиб, ширин уйқуда ётар эди. Таърифга сиғмас даражада чиройли эди у.

Ҳалиманинг юраги жиз этди. Малаклар каби гўзал бўлган бу чақалоқни эмизиш учун онасидан олсаю, бироқ уни тўйдира олмаса, оч қолдирса...

Ачинарли бир ҳол эди бу. Уйда ўз боласи хурсанд бўлиб қачон тўйган эдики!.. Нечанеча ойлар давомида ўғлининг оғзига сутсиз, алдамчи маммалар кириб чиқаётганини эслаш унинг кўнглини безовта қилди, энди кийналиш навбати бу гўдакка келдими, деб ўйлаб, ичидан эзилди. Шу ёшда тул қолган ёшгина хонимга қаради, кейин ота юзини кўрмасдан етим қолган чақалоққа тикилди, яна юраги жиз этди. Абдулмутталиб бурчакдаги тахтага ўтириб:

— Қизим, бу аёл Саъд ибн Бакр қабиласидан, исми Ҳалима, — деди.

Омина келган бу аёлнинг сут она эканини фаҳмлади. Ҳалиманинг ортиқча вақти йўқ эди. Ухлаётган чақалоқни кўтариб олиш учун энгашди. Шу вақт чақалоқ уйғониб, Ҳалимага бокди. Ҳалима бу нигохнинг то юрагига қадар бориб етганини ҳис қилди. Бир онда бутун вужудини шафқат ва марҳамат туйгуси қоплади. Энди ҳеч нарса бермасалар ҳам, бу болани олмасдан кета олмасди. Дугоналарининг бу болани кўрмай кетганликларини ўйларкан, севинчдан титраб кетди. Уни кўрган ҳар қайси сут она дарров ёпишса ёпишардики, ташлаб кетиши амримаҳол эди. Ёнига ўтириди, авайлаб қучоғига олди. Сути қуриган маммаларини чиқариб, боланинг гул куртакларига ўхшаш дудоқларига теккизгиси келди. Ўнг маммасини гўдакнинг оғзига тутди. Шу онда Ҳалима ҳайратга тушди, кўксига totgli бир роҳатланиш сезди. Ёқимли туйғу эди бу. Сут келаётганини билдирувчи ҳис эди бу. Дарҳақиқат, чақалоқ уни эма бошлади.

Ҳалима кўкрагининг сутга тўлганига, айниқса, шундай шароитда сутга тўлганига ҳеч ақли бовар қилмасди. Ўзи каби бошқа хотинларнинг ҳам сутлари йўқ эди. Тиззаларида ётган боласи бир куни бу сутсиз маммаларига анча андармон бўлгач, очликдан йифига тушган, Ҳалима ҳам кўзёш тўкиб унга жўр бўлган эди. Дунёга келтириб, аммо қорнини тўйдиролмаган боласи учун мўлмўл ёш тўкканди бу кўзлар ўшандা.

Ажабо, энди ана шу маммалар сутга тўла эди. Қучоғидаги бола сутга зор бу маммадан тўйибтўйиб эмарди. Гўдак бир оз эмгандан сўнг Ҳалима маммасини тортди, болани яна бағрига босиб, бошқа маммани берди. Аммо чақалоқнинг дудоқлари ёпилди ва маммани эммади. Ҳар қанча уринсада эммади. Такрор ўнг маммасини тутган эди, олди, эма бошлади.

Вақт зиқ эди, ортиқ кечикмаслик лозим эди.

— Энди мен кетишим керак, — дея болани қучоғидан қўймаган ҳолда, ўрнидан турди.

Абдулмутталиб:

— Боламни оласанми, эй Ҳалима, — деди.

— Оламан. Энди у менинг болам.

— Жуда яхши. Фақат шуни яхши билгинки, биз боламизнинг сут ҳаққини бошқа оилалар берадиган ҳақдан кам бермаймиз. Ортиқчароқ беришга харакат қиласми. Умидвормизки, боламнинг хурматига хонадонингизга баракот ёғади. Фақат, сендан илтимосимиз, боламга ўз фарзандинг каби яхши қара.

Ҳалима Оминага қаради. Ҳар бир она каби, боласидан айрилиш ғами унинг ҳам юзидан билиниб турар, кўнглини тўлдирган қадарга кўзларидан оқаётган ёшлар эш бўлаётган эди. Боласини сўнгти марта бағрига босиб, ҳидлагач, гул юзларидан тўйиб ўпгач, Ҳалиманинг кўлига тутаркан, «болам», дея ингранди.

Ҳалиманинг ҳам кўзлари ёшланди. Биргина фарзандидан, туғилмасдан бурун етим қолган боласидан айрилмоқ осонми? Бу онага тасалли бериш лозим эди.

—Хавотир олма, синглим, унга ўз боламдай қарайман, менга ишонавер, — деди Ҳалима.

Эшиқдан чиқар экан, тўхтади. Оминага қараб:

—У атиран менга ҳам бир оз бер!

—Қайси атиран?

— Болангга сепган атирдан. Қасам ичаманки, бундай ҳидни ҳали Саъд ибн Бакр қабиласидагилар ҳидламаганлар. Берсанг, сепиб, ҳидлаб юрадим.

Омина кўзларига келган бирикки томчи ёшни яшириб ўтирмади, ҳафиғ ғамгин товушла:

— У менинг боламнинг ҳидидир. Унга атир сепмасангиз ҳам бўлади, — деди ва энди ойлаб кўролмайдиган боласини такрор ҳидлаб: — Хайр бўлмаса, сизларни Оллоҳга омонат этдим, — деди.

\* \* \*

Ҳарис Ҳалимани кузатгач, ёнида қолган Абдуллоҳни овутмок учун хаёлига келган ҳар чорани қўллаб кўрди. Аммо қорни оч болани сутдан бошқа ҳеч нарса билан тинчитиб бўлмаслигини жуда яхши биларди: Яна шуни ҳам яхши биларди, Ҳалиманинг маммаларидағи ёлғиз Абдуллоҳга етмаётган сут энди икки болани оч қолдириши аниқ эди. У шўрлик боланинг етимлиги етмагандек, уни яна очлик ҳам кутмовда ва бир дард икки бўлиши турган гап эди. Ҳаммасига сабаб — йўқчилик, қурғоқчилик. Бу икки сабаб бир бўлиб, ўғлини тўйдиришдан ожиз бўлган бир аёлни эмизишга бола қидиришга мажбур қилди. Авваллари саҳарга қадар бир боланинг фарёди илиа уйғонган оила, энди уйқудан тамоман воз кечадиган бўлди, бошларига тор келган дунё мукаммал бир зиндан ҳолига айланадиган бўлди.

Күёш ботмок учун уфқقا нарвон қўйган ҳам эдики, Ҳалима бола қучоқлаган ҳолда қайтиб келди. Юзида мамнунлик аломулари бор эди. Ҳарис бу мамнуниятни савдонинг яхши бўлганлигидан деб билди.

— Хурсанд кўринасан, Ҳалима?

— Ҳа, хурсандман. Чунки гул юзли бир бола билан келяпман.

Ҳарис «гул юзли бўлиш қорин тўйдирмайдику», дегандек бокди, аммо...

— Аввал болани бир кўрчи, — деди Ҳалима ва гўдакнинг юзини очди. Йўргакда ётган чақалоқнинг ҳақиқатан бир бола эканлигига кўзлари ишонмади Ҳариснинг. Таърифга сифмайдиган даражада тотли бир бўй тараларди ундан.

Ҳалима ўтирди. Ўнг мамма яна Мухаммаднинг гул дудоқларига ўрнашди, чап мамма Абдуллоҳга берилди. Абдуллоҳ илк эмишдаёқ оғзини тўлдирган ва туғилганидан бери ўзи зор бўлган она сутини тўйибтўйиб эма бошлади.

Кўп ўтмай, иккала бола ҳам уйқуга кетдилар. Ҳарис кўриб ишонмаган бу ҳолни ҳайратла томоша қиларди. Абдуллоҳни ва бу гўдакни тўйдираётган бу қадар мўл сут қаердан келастир?

Энди навбат ўзларига келди. Ҳар бир оила сингари улар ҳам туюларини соғиб сутини ичишга мажбур эдилар. Бир нажот бўлиб қолар деган ниятда елини қурибқақшаган туюга яқинлашдилар. Туя эмчаклари сутга тўла эди. Туяда меъёридан ортиқ даражада сут бор эди. Ҳолбуки, Ҳарис бу қадар сутни ўнгидга эмас, тушида кўрса ҳам рози эди.

Ойлар мобайнода уйқуга тўймаган оила аъзолари бугун биринчи марта бемалол ухладилар. Абдуллоҳ илк маротаба йиғламасдан ухлади. Ҳалима уйқусини бўлмасдан эрталабгacha ухлашнинг мазасини биринчи марта тотди.

Эрталаб туюсининг мўлкўл сут берганини кўриб, Ҳарис бунинг шунчаки бир тасодиф эмаслигини фахмлади:

— Ҳалима, жуда муборак, барака келтирувчи бир бола олиб келдингда оиламизга, — деди.

Қисқа муддатли олдибердидан сўнг Бани Саъд қабиласи орқага қайтди. Ҳалиманинг эшаги яна қийнайдиганга ўхшарди. Аммо бу дафъа чопқиллаб олдинга тушди, қабила халқи орқада қолиб кета бошлади. Қабила аёллари бу сафар Ҳалимага қараб қичқирдилар:

— Бошингга раҳмат ёғсин, Ҳалима, сал секинроқ юр.

Ҳалима дугоналаридан айрилишни истамасди. Бироқ эшак тўхтамасликка жазм қилгандек эди. Ҳарис эшакнинг ипини тортиб туриб, олдига ўтди ва тўхтатди. Ҳамроҳлари етиб келгач, қўйиб юборилган эшак яна чопқиллаб, ҳаммадан ўзиб кета бошлади.

— Ҳарис, бу кечаги эшак эмас, шекилли! Дедилар қабиладошлари.

— Ўша, кечаги эшагимиз, — деди Ҳарис.

— Жоним, кеча сизларни йўлларда хуноб қилган эшак бугун пойгага чиқмагандир. Карагин, пойгода чопаётгандек.

— Отамнинг боши ҳаққи айтаманки, бу кечаги эшакдир.

Бириси сўзга аралашди:

— Ҳа, билиб турибмиз, кечаги эшак. Бироқ бугун бошқача бўлиб қолибди.

\* \* \*

Бани Саъд қабиласининг ерлари кўпдан бери сувсиз, қурғоқ эди. Молҳол ейишга ўт тополмасди. Қўй ва туялар яйловга оч кетса, яйловдан яна оч қайтарди. Қоринлари бўмбўш, маммалари қупқуруқ эди.

Ҳалиманинг моллари эса, ҳам қоринлари тўқ, ҳам елинлари сутга тўлиб қайта бошлади. Ҳалималар хонадонига барака кирган эди. Қабила ҳалқи ҳам буни сезди. Ҳамма, шу қатори болалар ҳам, Мухаммаднинг келишидан мамнун эдилар.

— Бизнинг молларимизни ҳам Ҳалиманинг моллари ўтлайдиган жойда ўтлатинглар, — дейишарди улар.

Чўпонлар:

— Ҳаммасини бир жойда ўтлатяпмиз. Биргалашиб олиб бориб, бирга олиб қайтаяпмиз. Аммо нима бўлаётганини тушунолмаяпмиз. Уларнинг ҳайвонлари тўйиб, тўққайтаяпти, бизники оч қайтаяпти. Ҳайвонларнинг ўт емасдан тўйиб қолиши, емиш емасдан туриб сут бериши ақл бовар қилмайдиган сирлигича колаёттир... Ҳалима баъзан билиб туриб, баъзан ёдидан чиқариб, Абдуллоҳ эмадиган чап маммасини Мухаммадга тутса, Мухаммаднинг гул дудоқлари дарҳол ёпилар, «Биродаримнинг ҳаққини эма олмайман, менга ўз маммамни бер», дегандек бўлиб, севимли юзини у ёққабу ёққа олиб қочар эди. Бундан ташқари Ҳалима Мухаммаднинг тагини булғаб қўйганлигини, бирор марта бўлсин, кўрмади. Келган кунларидан бери икки чақалоқ ҳам эрталабгача ухлар, она, ота ва бошқалар безовта бўлишмас — кечалари болалари йиғлашмас эди. Жаноби Мавло Мухаммаднинг безовта бўлмаслиги учун Абдуллоҳнинг бешигини малакларга тебраттираётгандек эди.

— Ҳалима қиз, қандай хушбўй ҳид келяптия, валлоҳи, бу чақалоқда бир гап бор, — дейишарди одамлар. Ўша куни Маккага бола олгани биргалашиб борганлар Абдулмутталибининг набирасини етим деб олмаганлари учун минг пушаймон бўлишар эди.

Кунлар Ҳалиманинг саодатли кунлари ўлароқ ўта бошлади.

\* \* \*

Мухаммад комил инсон бўлиб вояга етаётган эди. Саккиз ойлигига ёқ гапира бошлади, бир ой кейин эса, bemalol ганлашадиган бўлди. Икки ёшдан ўтгач, сутдан чиқиб, соғлом кучли бир бола бўлди. Энди онасининг бағрига қайтиш вақти келган эди. Бир куни эрталаб биродари Абдуллоҳ, опаси Шайма, дўстлари билан хайрлашди ва Саъд ибн Бакр қабиласи юртидан айрилди. Ҳалима ва Ҳарис билан бирга Маккага равона бўлдилар. Онаси, бобосига етишиш пайти келган эди. Ортидан унга қўл силкиб кузатаётган қардошларининг кўзлари ёшли эди.

Оминанинг ўғлига етишиши ўта ҳазин бир манзара эди. Икки ойлигига ёқ ажрашган боласининг ҳасрати анча йиғилиб қолган эди. Ҳалима ва Ҳарис унииг икки йил мобайнида кечирган умрини, бошларидан ўтган ғаройиб ҳодисаларни айтиб бердилар. Ҳартомонлама мамнун эдилар. Мухаммаднинг ҳар куни тинч ухлагани, ётоғининг доим тозалиги, сут онаси ва отасини асло хафа қилмагани, қардошлари билан сира уришмаганлигини Оминага батафсил ҳикоя қилиб бердилар.

— Биз Мухаммадни ўз ўғлимиздек тарбияладик, бағримизга босдик, севдик, — дедилар.

— Чунки у ташриф буюргач, уйимизга барака ёғди, юзимизга қон югурди, болаларимизнинг, молҳолларимизнинг қорни тўйди. Хонадонимизда доимо тотувлик ҳукм сурди, хузурхаловатга эришдик. Биламизки, сиз унинг ҳақиқий онасисиз. Бундан кейин Мухаммад ёнингизда қолади.

Аммо бизни ўйлантириб қўйган, ҳатто қўрқитаётган бир нарса бор...

— Нима экан у? — деб сўради Омина.

— Макка вабоси...

Оминанинг кўзлари толди. Ҳақиқатан ҳам шу кунларда Маккада вабо иллати туфайли кўп одамлар, айниқса, ёш болалар қирилиб кетаётган эди. Бу вабо Мухаммадга ҳам юқиши эҳтимоли бор эди.

Вабо — олди олинмас ўлим бўрони, бутун Макка кўчаларида қаттиқ эсмоқда, истаган эшиқдан кириб, дуч келганни йиқитмоқда. Ҳеч кимнинг кўзёшига қарамаётир. Ҳар куни, ҳар кўчада бир ўлим. Вабо бўрони Абдулмутталиблар эшигини қачон тақиллатишини, бу оила қачон қурбон беришини ҳеч ким билмайди. Бир тарафда, дунёнинг ягона инжуси Мухаммад, бошқа тарафда, ўт ўргандай инсонни ўраётган вабо...

— Болам шу ерда қолсин...

Ушбу

сўзни айта олмади Омина. Билиб туриб жигарнорасини таҳликанинг қучоғига отишга рози қилолмади кўнглипи. Чорасиз эди. Ҳасратига чидамоқ, соғ қолса, бу бало дафъ бўлгач, кўришмоқ умидида яна қайтиб Ҳалима билан кетишга руҳсат берди.

Бироқ, икки йиллик чеккан ҳасратини ўғлини фақатгина бир неча соат кўриш билан аритиб бўлмади. Омина ўғлининг устидаги кўйлагини ечди. Янгисини кийдирди. Асл мақсади унинг хиди, терлари сингган бу кўйлакни олиб қолиб, ҳидлаб юриш, ҳасратини кеткизишига ҳаракат қилиш, уйқусиз тунларида оққан кўз ёшларини бу кўйлак ила артиш эди.

Айрилиқ вақти келганда, боласига:

— Хайр, соғомон етиб бор, сени Оллоҳга омонат этдим, — дедида, кўзлари ёшланди.

Ҳалиманинг қўлидан ушлаганча, орқасига қайрилибқайрилиб қараб кетаётган боласига тикилиб қолди. Кўнгли унинг орқасидан кетаётгандек эди. Улар кўздан ғойиб бўлгач, хонасига кирди, йиглади, тўйибтўйиб, бўзлаббўзлаб йиглади.

Орадан кўп вақт ўтмай, қўшни хонадондан юксалган бир фарёд Макка вабосининг яна бир очик эшик топганини, яна бир қурбон олганини, бир хаёт шамини ўчирганини билдириди.

Қалби орзикди. Ҳар нарсага қодир бўлган буюк қудрат соҳибига дуолар қилди, ниёzlар атади. Боласи билан яна қайта кўришиш тилагини кўзёшларига йўғириб, Яратувчига ҳавола этди.

\* \* \*

Абдулмутталиб набирасини кўриб, кўзларига ишонмади. Икки йилда бундай бақувват, келишган бола бўлишини ўйламаган эди. Аммо том ўйлаганидек, невараси гўзал эди. Айни чоқда, келиши билан кетиши бир бўлган Мухаммадидан айрилаётганидан дили қоронғи эди.

Ҳалималарга етарли даражада ҳақ берилди. Ваҳоланки, Ҳалима бутунлай ҳақ олмаслика ҳам рози эди, чунки у ҳақини ҳар куни олаётган эди.

Ҳалима хонадонининг баракаси или қайтгач, уйда ҳамма хурсанд бўлди. Онаси, буваси билан бир кунгина бирга бўлиб, сўнгра айрилиқ оқибатида шодлик ва қайғуни бир вақтнинг ўзида ҳис қилган Мухаммад ҳам икки йил бирга ўйнабкулган оғайниларига қўшилиб, уларнинг қучоғига отилди.

Ҳалима билан Ҳарис бу болага кўп қарздор бўлиб қолганларини, унга янада мустаҳкамроқ боғланганликларини ҳис этдилар, уйларининг асл устуни шу бола эканини яна бир карра англадилар.

\* \* \*

Орадан бир муддат вақт ўтди. Бир куни Абдуллоҳ шошилиб уйга кирди. Ниҳоятда ҳаяжонланган, юзида қўрқув шарпаси бор эди.

—Икки одам келиб қурайшлик биродаримни ушлаб олиб ётқиздиларда, кўксини ёрдилар, — дейа олди базўр.

Ҳалима девоналарча ўрнидан сакраб турди. Ҳарис тангқарига отилди. Шайма ҳам

орқаларидан югорди. «Қурайшлик биродар» унинг орқа тарафида юзи сўлғин ҳолда тик турарди. Ҳалима борасолиб уни бағрига босди:

—Нима бўлди, болам, нега гул юзинг сўлғин? Боланинг жавоби ҳам қўрқитди, ҳам ўйлантириб қўйди:

—Оқ кийимли икки одам келди. Мени ерга ётқизиб, кўксимни ёрдилар, кўксимдан бир нарсаларни чиқардилар. «Мана бу шайтоннинг насибаси бўлади», деб нарига отдилар. Бири сув келтириб, юрагимни ўша сув билан ювди, кейин кўксимни беркитдилар.

Ҳалима бу сўзларни эшитар экан, ёқасини тутди. Ҳеч ким бу боланинг ёлғон сўзлашини хаёлига ҳам келтира олмасди. Аммо унинг на устида, на турган жойида қон излари бор эди.

— Каерда бўлди бу воқеа, ўғлим?

— Худди шу ерда!

Ҳалима яна атрофни қаради. Ҳеч нарсадан номнишон йўқ: на қон, на сув, на «шайтоннинг насибаси» деб отилган нарса!

— Болам, балки туш кўргандирсан, ухлаётган эдингми?

— Йўқ, ухламаётган эдим, лекин бу туш ҳам эмас, хаёл ҳам эмас.

Ҳалима Абдуллоҳга қаради:

— Сенга ким айтди буларни?

— Ҳеч ким айтмади. Мен ўзим кўрдим, икковининг ҳам кийими оқ эди.

Ҳарис:

— Кўксингни оч, кўрайинчи, — деди

Муҳаммад кўксини очди. Билинарбилинмас чизиқнинг борлиги маълум бўлди.

— Қани, қаерга кетди у одамлар?

— Бирдан ғойиб бўлдилар.

Ҳалиманинг боши эгилди. Ҳарис ҳам бирор нима дея олмади.

Бу ҳодиса Ҳалимани ҳам, Ҳарисни ҳам хийлагина довдиратиб қўйди. Ҳалима оқшомга қадар ичига чироқ ёқса ёришмай, кўзлари ғамли, ўй босиб юрди. Ҳариснинг ҳам боши эгик эди.

Ҳаётлари гулдек яшнаб кечаетган пайтда бирданига бундай ҳодисанинг содир бўлиши кўнгилга хуш ёқадиган нарса эмас эди.

Ҳалима кечгача қурайшлик боласини пойлади, бирор ўзгариш қўра оламанми, дея кузатди. У ўтган воқеанинг оқибати заарли бўлиб чиқишидан қўрқарди. Аммо Муҳаммаднинг хаттиҳаракатлари ҳам, гапсўзлари ҳам одатдагидек эди. Ҳамишагидек ширинширин сўзлашар, кулар эди.

Лекин Ҳалиманинг ичига қурт тушган эди. Мабодо яна ўшандай ҳол рўй бериб, бошига бирор фалокат келса, нима бўлади?.

Дардини Ҳарисга айтди. Ҳарис ҳам шундай қўрқув ичидан кўнгли безовта эканлигини билдириди. Биргалашиб гаплашдилар, маслаҳатлашдилар. Барча мулоҳазалар бо

лани ҳеч бир зиёнзахмат етказмасдан онаси ва бувасининг қўлига топширишга бориб тақалар эди.

Ҳолбуки, Муҳаммад бу хонадоннинг саодат устуни, баракот манбаи эди. Қурғокчилик, очлик шиддат билан Саъд ибн Бакр қабиласини забтига олар экан, шу боланинг ҳурмати учун бу оиласа барака ёғилар, ўzlари сезмаганлари ҳолда тўқчилик, фаровонлик ичидан яшар эдилар.

У кетса нима бўлади? Туялар яна ҳозиргидек мўлкўл сут бераверадими? Одамни хурсанд қиладиган даражада фаровонлик бўлаверармикан?..

Кўзларда ёш, юзларга хафалик соя солган ҳолда бир қарорга келдилар: Муҳаммад уйига олиб борилади, онасига топширилади. Бу қарорни эшитганлари заҳоти Шайма билан Абдуллоҳ юракбағирлари орзиқиб кетганлигини ҳис қилдилар. Кичкина Абдуллоҳ ҳатто:

— Курайшлик биродар кетса, хамма нарсанинг ҳаммазаси кетади! — деб юборди.

Ҳалима туни бўйи Муҳаммаднинг бошига бир неча марта келди, бу уйда сўнгги тунини ўтказиб, bemalol ухлаётган боланинг ёнига тиз чўкди. Унинг мушканбар бўйи таралиб турган нафасини тўйибтўйиб искади.

Энди бундан буён бу хонада бундай ҳид тараглайди.

Уни эмизиш учун ҳар қучоғига олганида, ҳар кўксига босганида кўнгли жаннат боғларида юргандек ҳисларга тўлар эди. Бу гул юзли боланинг тагин оч қолишини, тагин келиб кўксини искалашини ҳар дафъа алоҳида бир соғинч билан кутарди. Маммасини унинг оғзига тутар экан, кўгашнча севинчдан ҳаяжонланиб титрарди. У эмар экан, атрофини фаришталар ўраб олар ёхуд ўзи нурлар оламига ғарқ бўлар, руҳи ақл бовар қилмайдиган юксакликларда парвоз этар эди...

Ажабо, келажакда унинг буюк инсон бўлиб етишганини бутун олам билганида Ҳалима ҳаёт бўлармикан? Унинг атрофини ўраб олган бу деворлар мушканбар сепилгандай totli бир ҳидга энди бурканмайди.

Анча вақтлар ўтгандан кейин ҳам уйдаги ҳиднинг қандай ҳид эканини сўраган хотинларга Ҳалима:

— Бу Муҳаммаднинг ҳиди, — деб жавоб берарди. Аёллар эса:

— Алжирама, Муҳаммад йўқку бу ерда? — дейишарди.

Аммо Ҳалима ёлғон гапирмас эди. Муҳаммаднинг нафаси, кийган либоси, ҳатто унинг кўли теккан бола соат

лаб гуллар каби бўй таратарди. Муҳаммад қайси бола билан ўйнаган бўлса, ўша бола билан гаплашганлар:

— Сен бугун Муҳаммад билан ўйнабсанда, — дердилар.

Ҳатто кўр одам ҳам ёнига яқинлашган боланинг қурайшлик Муҳаммад эканини найқарди. Бу ҳид Ҳазрати Одамдан бери дунёга келган ва қиёматгача оламга келадиган инсонлар ичида факат ва срақат унгагина хос эди...

Ҳалима ўша тун тонггача ухлаётмай, кўп маротаба уйғониб кетаверди. Ҳар уйғонганида, келиб Муҳаммадни ҳидларди. Ҳар сафар ичи орзиқиборзиқиб кетарди, ҳар дафъа ичида бир нималар ўприлиб кетганини ҳис қиласди.

Ҳалима бу кечанинг узайиб кетишини, қуёшнинг секин чиқишини, кечанинг бу қимматли меҳмони бу уйни яна бир оз муддат обод қилишини истарди. Уни уйида меҳмон қилиш завқини Ҳалима яна бир оз тотсин, ахир.

Аммо, аксинча, тун тез тугаб бораётгандек эди. Хўролар қуёшнинг чиқин!га хозирлик кўраётганидан хабар бера бошлаган эди. Ортиқ ёта олмади. Боласининг ёнига ўтириди. Айрилиқнинг яқинлашганини ҳис қилган кўзларидан ёш томчилари тўкила бошлади.

Хўролар қичқира бошлади. Ҳалиманинг дарди уларга бегона эди. Тўхтамай, кетмакет қичқиришарди. Бу овозлар ширин уйкуда ётган гўдакнинг оромини бузди. У кўзларини очди, қараса, тепасида энагаси ўтирибди, икки қўлини чўзиб унга талпинаркан, хиёл кулимсираб, «Онажон!» деди.

Ҳалима ортиқ чидай олмади:

— Гул юзли, ширин сўзли болагинам, — дея бағрига босди ва ҳўнграб йифлаб юборди.

— Онажон, нега йифлаяпсиз?

— Чунки бугун Маккага түкқан онангнинг олдига кетасан, ажралишамиз, жигарим. Аммо сендан ажралиш мен учун шу қадар оғирки...

Ўрнидан турди, кийинди, йўлга хозирлик кўрилди, ақаукалар ўпишиб хайрлашдилар. Қари, кулранг эшак хизматга хозирланди. Йўлга чиқдилар. Силкинаётган қўллар, ёшланган кўзлар ортда қола бошлади.

— Теззез келиб тур, Муҳаммад.

— Сени жуда ҳам соғинамиз, ҳеч унутмаймиз, эй қурайшлик қардош!

Бу овозлар анчагача эшитилиб турди. Нихоят, овозлар эшитилмай, силкинаётган қўллар кўринмай қолди. Бир оздан сўнг бир тепаликдан ошилгач, Саъд ибн Бакр қабиласи ҳам кўринмай қолди.

Мухаммад бутунлайга кетаётган эди. Лекин коинот қадар теран бир поклик ва самимийлик тўла қалбида бу қардошларга вафодорлик ва меҳрмуҳаббат билан йўғрилган туйғулар ҳамиша топилар эди.

Макканинг юқори маҳалласига етиб келганларида, Ҳалима бир муҳим иш юзасидан вактинча Муҳаммадни ёлғиз қолдириб кетди. Ишини битириб қайтиб келганида Муҳаммадни қолдириб кетган жойидан топа олмади. Чапга, ўнгга қайрилди, кўринмади. Тумонат одам орасида ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа югуриб қидирди. Сўнгра бирданига қўлини пешонасига кўйиб:

— Худо кўрсатмасин... — дея инграб юборди.

Бир дақиқагина кўринган ва тушунксиз ғалати ишларни қилиб ғойиб бўлган у икки бегона киши яна келган бўлсачи? Агар шундай бўлса, Ҳалиманинг қўлидан ҳеч нима келмасди. Қаердан келгани, қаерга кетгани номаълум, бир дақиқагина кўриниб, сўнгра ғойиб бўлган мавжудотларга кимнинг ҳам кучи етарди?

Яна болани қолдириб кетган жойига қайтиб келди. Ҳеч зот кўринмасди.

— Болажонимни кўрмадингизми?

— Қанака эди боланг?

— Дунёдаги энг гўзал бола эди.

— Йўқ, кўрмадик.

Яна у ёқданбу ёққа югурга бошлади. Ҳалима узоклашиб кетгач, ҳалиги аёллардан бири иккинчисига:

— Ўғил одатда ота-онага тортади. Бу онадан шу қадар чиройли бола туғилишига ақлим етмайди, — деди.

— Ҳар бир она учун ўз фарзанди дунёдаги энг ширин, энг гўзал бола бўлиб кўринади, сингилжон, — деди унга иккинчиси.

\* \* \*

Абдулмутталиб Каъбанинг соясида, аср тушиб кун салқинлаша бошлагунча дам олгандан кейин оғироғир қадамлар ташлаб уйи томон йўл олди. Шундайгина дарвозаси олдига етганида, жонҳолатда югуриб келаётган бир хотинни кўриб қолди. Бирон ташвиш уни шу аҳволга соглани аён эди. Макканинг оқсоқоли ўлароқ ҳар бир одамнинг дардини тинглаш унинг вазифаси эди. Аёл ҳам ўз навбатида уни узокдан кўрибоқ таниган эди.

— Тўхтаб туриңг, эй Абдулмутталиб! — деб бақирди. Қаттиқ саросимада эди у. Бу аёл Абдулмутталибнинг кўзига таниш кўринди. Ёнига етиб келгач:

— Мен Ҳалимаман, — деди.

— Танидим, неварам қаерда? — деб сўради Абдулмутталиб.

— Уни қидириб юрибман.

Абдулмутталиб эсанкираб қолди, бир қўли билан деворга суянар экан:

— Нималар деяпсан ўзи? — деди.

Ҳалима бир неча оғиз гап билан аҳволни тушунирди. Абдулмутталиб ларзага тушган эди. Дарҳол ўзини тутиб олдида:

— Зинҳор Омина эшитмасин, — деди.

Салдан кейин яқин кишилари, хизматкорларига хабар берди. Ҳамма Абдулмутталибнинг неварасини қидиришга тушди.

\* \* \*

Курайшнинг ҳошимийлар сулоласидан чиққан ва Сайидул Мурсалин бўлиш йўлида

давом этаётган кичкина Мұхаммад Ҳалима қолдириб кетган жойни нега тарқ этди, қаерга кетди, нега яна ўша жойга қайтиб келмади ёки келганида энагасини топа олмади?..

Бу саволларга жавоб беришдан ожизмиз.

Бозор тарқалиб, ҳеч ким қолмаган, қош қорая бошлаган эди. Бўлиб ўтган воқеадан Омина ҳамон бехабар эди.

Макканинг юқори қисмида, қўлларида машъалалар кўтариб Мұхаммадни қидиришга чиққанлар бирдан:

—Шу ердаман! Мен Абдулмутталибнинг неварасиман! — деб бақирган бир боланинг овозини эшишиб қолдилар.

Кўп ўтмай, севикли невара бобосининг қучоғида эди.

— Жигаргўшам, мен Абдулмутталибман, бобонг сенга қурбон бўлсин, айланай, — дер эди у.

Ҳаяжони тарқаб, ўзига келган гўдак Оминага топширилди.

Ўша кеча Ҳалима Оминанинг меҳмони бўлди. Уйига барака келтирган болажонининг уйида тунади.

Ҳалима эртаси куни уйига қайтиб кетди. Омина энг яқин кишиси, суюкли фарзандини бағрига босди. Мунис ва меҳрибон онанинг ўз жигаргўшасига қовушиши юрагига чексиз ҳузур бағишлиди. Ҳар жиҳатдан баркамол ва етук бўлажак инсоннинг онаси эканлиги бекиёс бир баҳтиёрлик туйғусини бағишилаган эди.

\*\*\*

Севимли Мұхаммад Бани Саъд қабиласидан кўпгина ширин таассуротлар билан қайтди. Энагаси, отаси, укалари, ўртоқлари ва қўшнилар...

Шунингдек, инсонларнинг баъзи бир бурчакда турган жонсиз, фойдасиз бир тошга сифинишлари билан боғлиқ хотиралар ҳам ушбу таассуротлар ичида эди.

\*\*\*

Абдулмутталибнинг кўнгли тинчланган эди. Неварасининг кун сайин улғайиб, камол топиб бораётгани уни беҳад қувонтиарди. Уни бир кун қўрмаса, туролмасди. Каъбанинг соясида тўшаб олган кўрпачасида ёнбошлаб ўтиаркан, юрагига бир бўшлик ҳис этар, фақат Мұхаммад чопиб келганидан кейингина енгил нафас олар, юрагини сиқаётган ҳолат дарҳол уни тарқ этар эди.

Абдулмутталиб ўта босиқ, пурвиқор, оғирвазмин бир одам эди. Шу даражада салобатли эдики, на ўғиллари, на Макканинг аслзодалари у ўтирган кўрпачага ўтиришга ботина олардилар. Унинг қаршисида одоб сақлаб турардилар. Баъзан суюкли набираси келиб бобосининг тиззасига ўтирмақчи бўлса, амакилари уни турғизиб юборишар, аммо Абдулмутталиб:

— Неварамни ўз ҳолига қўйинглар, — дер ва у чопиб келиб, яна бобосининг тиззасига ўтириб олар эди.

\*\*\*

«Фил йили» деб аталувчи машъум санадан буён икки ярим йил ўтган эди. Тамим қабиласининг бошлиқларидан Абу Күхофага ўғиллик бўлгани ҳақида хушхабар келди.

Болага «Абдуллоҳ» деб исм берилди. Арабларнинг одатига кўра, кейинроқ Абу Бакр лақаби берилажак буюк зот мана шу гўдак эди. Онасини Уммул Хайр, яъни, Яхшилик ва Эзгуликнинг онаси, деб атар эдилар. Асл исми Салмо эди.

## IV АБВОДА ҚАЗИЛГАН МОЗОР

Бир неча йил ўтди. Суюкли невара олти ёшга тўлди. Абдулмутталиб том маънода шафқат

паноҳига айланган, онаболанинг ҳар бир эҳтиёжини зиёда қилиб қондирап эди. Аммо Омина кун сайин сўлиб борар, юрагида қандайдир бир дард пайдо бўлган эди. Мана, олти йилдан ошибидики, бева яшайди. Бир куни Абдулмутталиба:

— Ичимни бир дард ёндиromoқда, отажон, — деди.

— Нима бўлди, қизим?

— Билмадим. Лекин ҳеч таскин тополмаяпман. Абдулмутталиб бошини эгди, оппоқ соқоли кўксига

тушди, хиёл ўйга толди, сўнгра:

— Шу, бир саёҳат қилиб келсанг, қандай бўларкан, қизим, — деди.

— Каерга ҳам борардим.

— Ясирига бор. Тоғаларингни кўриб келасан. Ҳамда... — Абдулмутталибининг кўзлари ёшланди. Омина ҳам худди шу ахволда эди. — Ҳдмда Абдуллоҳнинг қабрини зиёрат этарсан.

Омина бу маслаҳатга рози бўлди. Гўёки кекса Абдулмутталибининг юрагидаги орзуларини ўқигандай эди.

— Қачон йўлга тушай, отажон?

— Қачон хоҳласанг, ўшанда. Ўша томонга борадиган биронбир карвонга омонат қўшиб юбораман. Бориб, бироз дам олиб келасан.

Бир куни Абдулмутталиб Ясирига борадиган бир йўловчи карвонни топгани ҳақида хабар келтириди. Омина Зухра қабиласига бориб, қариндошлари билан хайрлашди. Сўнгра карвонга қўшилди. Ёнида суюкли ўғли Мухаммад билан жорияси Умму Айман ҳам бор эди. Улар икки туяга миниб олдилар.

Эрталаблари тонгсаҳардан йўлга тушилар ва қок тушгача юрилар, сўнгра тўхтаб дам олинар эди. Аср пайти — қуннинг тафти қайта бошлагач, яна йўлга тушилар, туялар яна хизматини давом эттирап эди. Қумлар устидан оғироғир одимлаётган бу жонзотлар битмастуганмас сабртоқат билан Макка ва Ясириб орасидаги бепоён йўлни босиб ўтардилар. Орасира туяларни ғайратга солиш учун ўқиладиган шеърлар қулоққа эшитилиб қоларди. Кўз қамаштирадиган даражада чўзилиб кетган кумлар устидаги соатларча йўл давомида биронта ҳам дов-дараҳт учрамасди. Баъзан бир нечагина хурмо дараҳтининг, бошларини бошларига қўйиб хасратлашаётгандай турган ҳолатига дуч келинарди, тепада учиб юрган қушлар кўриниб қолар, улар йўловчиларга шу яқин орада сув борлигидан дарак берар эдилар. Шунда тўхтаб мешларга сув тўлдирилар, туялар суғорилар ва яна юриш давом этар эди.

Йўл бир неча кун давом этди. Кун неча марта чиқиб, неча марта ботди. Ниҳоят, бир куни яшил хурмо дараҳтлари билан қопланган гўзал бир шаҳар кўринди.

— Ана Ясириб, ана Ясириб!.. — деб ҳайқиргандилар бўлди.

Иўловчилар узоқ ва мاشаққатли сафардан кейин енгил нафас олдилар. Севиндилар. Севинишга тўла ҳақли эдилар. Чунки узоқ йўл давомида кароқчиларнинг хужумига дучор бўлмаган, йиртқич ҳайвонларга рўбарў келмаган эдилар. Энг мухими, неча кунлардан бери чанг-тўзон ичида, туяларнинг устидаги чайқалачайқала давом этган сафар тугаган эди.

Шаҳарга киришгач, Омина биринчи учратган одамга: Нажжор ўғилларининг манзилига бормоқчи эдик, — деди.

У одам боши билан ишора қилди:

— Туянгни мана бу йўлдан ҳайда.

Ниҳоят, кўзланган манзилга етиб келдилар. Маккадан келган меҳмонлар хурсандчилик билан кутиб олиндилар. Нажжор ўғиллари Абдулмутталиб туғилиб, вояга етган қабила эди. Онаси Салмо ушбу қабиланинг қизи эди.

Омина келган куннинг эртасига бир қабр тепасига борди, йиглаб ўтириди. Бу Абдуллоҳнинг қабри эди. Кунлардан бир куни эрта тонгда Маккадан кузатган, орқасидан ўпкаси тўлиб, тикилиб қолган Абдуллоҳини орадан олти ярим йил ўтгач, мана шу тарзда зиёрат қилиб

туарди. Аммо кўргани шунчаки бир ҳовуч тупроқ эмас эди. Бу тупроқнинг остида тирик қолиши учун беҳад фидокорликлар кўрсатган мард ва гўзал йигит Абдуллоҳнинг чирий бошлаган суюклари ётарди.

Тирик қолиши учун юзта тужа қурбон этилган Абдуллоҳ...

Маккалик бир хотин томонидан «Менга уйлансанг, сенга юзта тужа бераман», дея турмуш куриш таклиф этилган Абдуллоҳ...

Коинот пайғамбарининг отаси бўлганидан бехабар, унинг

гул юзини бир мартагина бўлса ҳам кўрмасдан ажал ўқига дучор бўлган шўрлик Абдуллоҳ шу ерда ётарди.

Омина мозор бошига тиз чўкди. Не қиларини, нима деярини билмай, сокин ўтириб қолди. Кўзлари мозор тупроғига тикилган эди. Шу ҳолатда нималарни ўйлади, кўз олдидан нималар ўтди, у ерда қанча вақт қолиб кетди — номаълум. Кўзларидан оқиб ёноғига тушган ёшларни ҳам балки сезмади ёки артишни лозим кўрмади.

Барвақт ҳаётдан кўз юмган хожаси учун йиғлаш айб эмас эди. Ҳаётининг айни баҳор чоғида, эндиғина уйланган йигит, сафардан қайтаркан, касалга чалиниб вафот қилган эди. Олти йилдан ортиқроқ вақтдан бери ичини ёндириб келаётган ҳасрат туйғуси ахёнаҳёнда алангаланар, Оминанинг юракбағрини тилкапора қиласди. Шу онда юрса ҳам, ўтирса ҳам, кулса ҳам, доимо қалбида яшаб кслган, фақат севгили ёригагина даҳлдор бўлган туйғулар Оминанинг кўнглини ўртарди, кўнглидаги ғамалам кўзларидан шашқатор ёш бўлиб оқарди.

Омина қабрнинг тепасида қачонгача турганини ўзи ҳам билмасди. Билса ҳам, бирон нарсани фарқлай олмасди. На бозор билан, на расталар билан иши бор эди. Кайтди, тоғалариникига келди.

\* \* \*

Нажжор ўғилларининг маҳалласидаги болалар янги бир дўст орттирганларидан беҳад хурсанд эдилар. Хушбичим, очиқ чехрали, ширинсухан, кучли, бақувват бир бола эди у. Аммо жанжал, тўполонни сира ҳам хуш кўрмасди. Уришаётган болаларни кўрса, ажратиб кўярди, яраштиради. Кўллари, юзи тоза, кийган кийими озода. Маккадан Ҳошим ўғилларининг хонадонидан келган эди у.

Бир куни Омина суюкли ўғлининг эшиқдан жуда хурсанд ҳолда кириб келганини кўрди. Уни бу ҳолатда кўриш Оминани тинчлантирас, унга ором бағишлар эди. Омина ўғлини бағрига босди:

— Бугун жуда хурсандсан, ўғилгинам, — деди.

Ха, онажон. Биласизми, мен сузишни ўргандим. Оминанинг юраги ҳаприқиб кетди:

— Каерда?

— Оди ибн Нажжорнинг ҳовузида.

— Эҳтиёт бўл, болажоним, бирон зиёнзахмат етмасин.

\* \* \*

Мехмонлар бир ой қолиб кетдилар. Бу орада суюкли Муҳаммад болалар билан дўстлашиб олди. Тоғаларининг ўғиллари билан биргаликда ўйинлар ўйнади.

Бир куни Нажжор ўғилларининг юрти билан хайрлашдилар. Омина Макка томон йўл олди.

— Яна келгин, Омина.

— Сизларни соғинамиз.

— Бизлардан Абдулмутталиб оиласига салом айтгин...— деювчиларнинг саломатлик тилашларидан сўнгйўлга чиқдилар.

Ортда қолганлар ширин хотиралар оғушида эдилар. Бири маҳзун юзли Омина ҳақида, бошкаси юзидан нур ёғилиб турувчи ўғли ҳақида баҳс қиласди.

Омина бу сафардан жуда мамнун бўлди. Хожасининг кабрини зиёрат қиласди,

қариндошлари билан дийдор кўришди. Маккадан қўра иқлими анча енгил ва юмшоқ бўлган Ясрибда, хурмо дараҳтларининг соясида, гўзал боғроғларда кўнгилдагидек дам олди. Энди Абдулмутталиб оиласини ҳам роса соғинган эди.

Бир неча кунлик сафардан сўнг оқшом пайти Абво деб аталувчи бир кишлоққа етиб келиб, тўхтадилар. Чунки Омина ҳолдан тойган, ўзини ёмон ҳис килаётган эди. Бу ахволда узоққа стиб бора олмаслиги аён. Бу ерда бир неча кун дам олиб, дармонга кирса, яна йўлга чиқиш мумкин бўларди.

Арабларнинг ғоят меҳмондўстлиги шу ерда яққол кўринди: Омина меҳмони бўлган хонадон мутлақо нотаниш эди, шундай бўлса ҳам, уни қучоқ очиб кутиб олишди. Аммо касали тобора авж ола бошлади. Умму Айман Оминага қандай қилиб бўлса ҳам ёрдам бермоқчи бўлар, аммо чорасиз эди; гул юзли жигаргўшаси Муҳаммад ҳам ўта ғамгин ҳолда, ҳаёт шами секинсекин сўниб бораётган бечора онасига қараб ичи ўртанар эди.

Уй эгаларининг тажрибаси ҳам, Умму Айманнинг ғайрати ҳам, пурзиё гўдакнинг ёнаётган юраги ҳам тақдирга битилган ҳукмни ўзгартира олмади. Омина тобора жони бўғзига тиқилиб келаётганини ҳис этаркан, бошида юzlари маҳзун жигари кўзларига қаттиқ тикилиб турганини сезиб, унга томон бурилди. Боласини ўзига тортди. Энди зўrbазўр қимирлаётган лаблар унинг гул юзларидан ўпди. Унинг муборак исидан ҳидлаб, ўпкасини тўлдирди. Мажолсиз қўллари билан қўксига босди. Келажакда Оллоҳнинг ҳар турли неъмати ва раҳматининг энг буюк тимсоли, дунё ва охиратнинг султони, набийлар сарвари бўлмиш бу гўдакни дунёга ўзи келтирган, аммо уни тўйибтўйиб бағрига боса олмаган, тўйиб сева олмаган эди. Ҳолбуки унга ўзидан яқин, унда ўзидан қўпроқ ҳаққи бўлган кимса йўқ эди.

Сўнгги дафъа кўраётганини билиб, қайтақайта тикилди. Шундан кейин ичичидан тошиб келаётган ҳистуйғулар, титроқ калималар байтлар ҳолида тилидан тўкила бошлади:

— Эй даҳшатли ажал ўқига дучор бўлган, Оллоҳнинг лутфи ва ёрдами билан юз тuya эвазига халос бўлган зотнинг фарзанди!.. Оллоҳ сени муборак ва умрингни зиёда қилсин. Агар тушимда кўрганларим тўғри бўлса, сен жалол ва икром соҳиби Оллоҳ томонидан Одам фарзандларига ҳалол ва ҳаромни ажрата олишни ўргатиш учун пайғамбар сифатида жўнатиласан. Сен Исломни — бобонг Иброҳимнинг динини тиклаш учун жўнатиласан. Оллоҳ сени миллатлар билан биргаликда яшаб келган бутлардан, бутпарастликдан қутқаражак. Туғилган ҳар жонзот ўлажак, ҳар янги нарса эскиражак, кўп бўлган камайиб битажак, фоний бўлажак. Дарвоке, мен ҳам ўламан. Аммо доим кишилар қалбида яшайман. Чунки пок, дуруст бир фарзанд туғдим, ўзимдан кейин хайрли бир едгорлик қолдирмоқдаман...

Омина ортиқ гапиролмай қолди. Нафаси сиқар, пешонаси совуқ тердан жиққа ҳўл бўлган эди. Энди ортга қайтилмайдиган умр йўлининг тугагани, сўнгги қадамларини босиб ўтганига қатъий ишонч ҳосил қилган эди. Сўнгги дафъа ўғлининг дийдорига тўймоқчи бўлди. Ўзини зўрлаб, зўрга, бир неча сониягина қарай олди. Кейин чукур бир нафас олиб, ҳаётдан кўз юмди. Вужуди жонсиз, ҳаракатсиз қолди.

Умму Айманнинг додфарёди тирик етим бўлиб қолган гўдакнинг йиғиси билан қўшилиб кетди.

\* \* \*

Оминанинг вазифаси инсониятнинг саодат раҳбарини, рақиби ва тенги йўқ султонини қорнида кўтариб юриш, туғишдан иборат эди. Бу вазифани вафо билан бажарган, бироқ ўзининг дунёси ўзига вафо қилмаган эди. Турмуш қурган йили эри вафот этди, ягона овунчоғи бўлган фарзандидан неча йилларгача айрилди, ундан кейин уни бағрига босиш баҳтига эндиниға эришганида, қаршисига ўлим фариштаси келди.

Унинг охирати қандай бўлар эди? Оқибати нима бўлар эди?

— Биз уни жаннат неъматлари орасида кўришни истаймиз, албатта. Аммо бу саволга тўғри жавоб беришга биз ожизмиз. Бу мавзуни Оминани Ҳабиби Акрамига она қилган буюк Оллоҳга

қолдириш, бизнингча, энг маъқул ишдир.

\* \* \*

Гул юзига ёмғир каби кўзёши инган гўдак Умму Айманнинг қўлида кўрди ўзини. Унинг меҳршафқати боланинг қалбини ардоқлади. Чўл дейишга лойиқ бир қум дарёсининг ўртасида, уларни одамгарчилик туфайли меҳмон қилган оиланинг уйида онасидан жудо бўлиш, уни бегона тупроқ қўйнига топшириш ва бир умрга ундан ажралиш ғоят оғир савдо эди.

Омина Абво қишлоғининг қумли тупроғига қўйилди. Бу фожиа нурли чехра эгасига қаттиқ таъсир қилган эди. У онасининг устига тортилган тупроқдан ҳам оғирроқ ғам юки остида қолганини ҳис этди.

Шундан кейин азобли сафар бошланди. Умму Айман бир туяга минди. Ота-онасидан ажралган фирт етимни қучоғига олди. Иккинчи туяни етаклаб йўлга чиқди.

Абво қишлоғидан узоқлашиб кетганларидан кейин ҳам орасира орқасига қараб кўяётган гўдакнинг кўзларидан тинмай ёш окар, баъзан «Онам, онажоним» дегани эшитилиб қолар, аммо Умму Айман уни бағрига босар, бошини силар, оналик меҳри билан соchlарини ҳидлар эди. Туя устида чайқалачайқала давом этган бу машаққатли сафар беш кун деганда иоёнига етди. Ниҳоят, Макка водийи кўринди. Каъбанинг ёнидан ўтиб, Абдулмутталибнинг уйига яқинлашдилар.

Абдулмутталиб қархисида неварасини кўрганда, дунёга қайта келгандек бўлди. Кўзёшлари билан қучоғига отилган неварасини шу қадар соғинган, шу қадар мушток бўлган эдики...

Аммо невараси ўта ғамгин кўринарди. — Онанг қани, болажоним, — деди у. Шу онда бир фарёд этишилди. Умму Айман бўлган воқеаларни йиглабийглаб сўзлаб берди. Абдулмутталиб буни кўзёшлари билан тинглади. Энди бобосининг иссиқ қучоғи унинг ягона паноҳи эди. Шу билан баробар гўёки у бобосига эмас, балки бобоси унга муҳтоҷ эди. Абдулмутталиб уни ёнидан жилдирмас, бир гапи икки бўлмайдиган даражада меҳрибонлик кўрсатар ғоят оғир савдо эди.

Умму Айман эса, унинг энагаси ва энг яқин дўсти бўлиб қолган эди.

— Зинҳор неварамни қўздан қочирмагин. Сенинг ва зифанг фақат шундан иборат.

Бу кўрсатма Умму Айманга берилган эди. Жонига роҳат бағишлиған амр эди бу. Чунки Умму Айман буни шунчаки бир вазифа деб билмас, балки чин кўнгилдан бажарап эди. Ҳар иккаласининг орасида ҳам жуда теран бир меҳрмуҳаббат туйфуси бор эди. У ҳам Умму Айман ҳақида «Туққан онамдан кейинги онамдир», дея илтифот кўрсатаркан, бутун қалбини бағишлиған эди.

## V

### АБДУЛМУТТАЛИБНИНГ МЕҲР ҚУЧОҒИ

Абдулмутталиб неварасига меҳрмуҳаббат ва марҳамат кўрсатибгина қолмай, унда ўзгача ва улуғсифат бир шахсиятга хос белгиларни кўргани учун орасира қиладиган иши хусусида у билан яширинча пичирлашиб, маслаҳатлашиб олган кезлари ҳам бўларди.

Невараси ҳам унинг сиймосида фақатгина бобосини эмас, балки чин дўст, ажралмас ўртоқни ҳам кўрган эди. Абдулмутталиб қанчалик оч бўлмасин, невараси бўлмаса, дастурхонга ўтирмас ёки ўтирса ҳам, то у келгунга қадар таомга қўл теккизмас эди.

Абдулмутталиб хонасида ёлғиз ўтирган чоғларда унинг ҳузурига таклифсиз кира оладиган ягона одам ҳам невараси эди; бошқа одамларнинг эса, бундай қилишга ҳаққи йўқ эди.

Абдулмутталиб, одатдагидек, Каъбанинг соясига тўшалган кўрпачасининг устида чордона курганча, атрофидагилар билан сухбатлашарди. Гап шу йилги қурғоқчилик ҳақида борди. Анча пайтдан бери кўқдан бир томчи ҳам ёмғир томчиламаган эди Макка тупроқларига. Ҳамманинг бирданбир ташвиши сувсизлик бўлиб қолди.

— Ҳар тонг уйғонганимда кўзим самода бўлади, —деди бири.

Бошқаси қўшимча қилди:

— Шу кетишда бу йил ҳаммамиз оч қолиб, қирилиб кетамиз.

Ҳалиги киши яна сўз олди: ~ Илоҳларнинг ҳам биз билан ишлари йўқ... Атрофни ўраб турган юзларча бутларга кўз қирини ташлагандан сўнг:

— Ўзлари сувга муҳтож эмасда. Бизнинг муҳтож ёки муҳтож эмаслигимиз уларни сира қизиқтирумайди, — деди.

Унинг ёнида турган бириси минғирлади:

— Зотан, тош эмасми улар? Бошқа бириси:

— Фазабларига учрамайлик тағин, етар энди, — деди. Бироқ ўзини тутолмасдан: — Илоҳ сифатида ғазабла нишлари керакми ёки бизнинг аҳволимизни кўриб ачинишлари лозимми, буни ҳам билмаймиз, — дсди.

Бу гапларни айтаркан, «илоҳлар ғазабланса ҳам, бирон нарсага кучи етмайди», дегандек бўлган эди. Аммо яна бири унинг хаёлидан кечган гапларидан ҳам ўтиб тушди:

— Шунча йиллардан бери уларнинг қошида бош эгиб келамиз. Лекин муҳтожликка гирифтор бўлганимизда тошдек қотиб турсинлар деб эмас, ахир!

Бу одамнинг шу онда тил тортмай ўлиши ёки бошига кўқдан бир олов парчаси келиб тушишидек илоҳий жазо берилишини кутганлар ҳам бор эди.

— Сен ҳаддингдан ошиб кетдинг, ҳой йигит!

Шу гапни айтиб илгарига қадам ташлаган бирини бошқаси тўхтатди.

— Бу одам илоҳларии ҳақорат қилди, аммо уни сен ўз ҳолига қўявер, токи жазони ҳам уларнинг ўзлари берсин.

— Ҳа, ха, қўлларидан келса, жазони улар берсинлар...

Ҳар калладан бир гап чиқар эди.

— Ёмияр дуосига бир чиқсан, қандай бўлар экана? Нима дейсан, эй Абдулмутталиб?

Бир дақиқада мавзу ўзгарди. Яхши бир таклиф эди бу. Аслида, мақсад жанжаллашиш эмас, сувсизликка чора топиш эди. Юзларидаги совуқ ва шиддатли ифодалар юмшади. Юзлар Абдулмутталибга ўгирилди.

— Ажойиб бўлади. Эртага тонгда чиқамиз. Атрофга хабар берилди. Ҳамманинг дарди бир эди.

Таклиф ҳеч қандай эътиrozсиз қабул этилди.

Тарқалишар экан, ҳалиги одамнинг:

— Илоҳлар эканингизга шакшубҳамиз йўқ, аммо холимизга бепарволигингиз ҳам аён... — деб пўнғиллағиллагани эшитилди.

\* \* \*

Абдулмутталиб кечани беҳаловат ўтказди. Қайтакайта уйғониб кетаверди. Мияси қаҳатчилик ғурбатларини ўйлаш билан овора эди. Тонг отганда уни кўрганлар, дурустгина ухлаб, дам олган, дея олмасдилар.

Тонгсаҳарда Каъбанинг атрофиға тўпланган юзларча кишилик бир жамоа Абдулмутталибинг келишини пойларди. У ҳам ўзини қуттириб қўймади. Ёнига суюкли неварасини олиб, жамоани бошлаб кетди. Бу жамоада эркаклардан ташқари аёллар ва болалар ҳам бор бўлиб, ҳаммаси бир хил туйғулар оғушида Абу Қубайс тепалиги томон йўл тортдилар.

Абу Қубайс жуда яқин эди. Каъбадан атиги бир неча юз одим нарида қад кўтарган эди.

Оғироғир қадам ташлаб, тўхтабтўхтаб, нафасларини ростлаб, тепаликка чиқдилар. Пастда Каъба кўринар, ўнгдан ҳам, чапдан ҳам чўзилиб келган водийларнинг бари Каъба жойлашган ерда қўшилиб кетар эди.

Абдулмутталиб ҳалқнинг ўртасида тўхтади, чукур нафас олди. Суюкли невараси ҳам ёнида эди. Сўнгра нигоҳлари кўкнинг ададсиз теранликларига қадалди:

— Оллоҳим, шу етимнинг хурмати ҳақки сендан ёмғир сўраймиз... — дея дуо қила бошлади.

Осмонда ёмғир ёғишини кўрсатадиган биронта ҳам белги — булат парчаси йўқ эди. Аммо қурайшликлар яна ёмғир сўрап, арзи ҳол этар эдилар. Бугун бўлмаса эртага, эртага бўлмаса индинга ёғажак ёмғирга ҳам бажонидил рози эдилар. Шу орада Абдулмутталибнинг ёнида турган нур юзли боланинг ҳам қўлларини кўтаргани, бармоқлари билан қўк юзига ишора қилгани кўринди.

Абдулмутталиб қайтақайта «Оллоҳим, мана шу етимнинг хурмати учун...» деб дуо қилас, ҳамма «Омин», деб унга жўр бўлар эди.

Шу аснода уфқда кичик бир булат парчаси пайдо бўлди. Тезлик билан, орқасидан бирор кувлаётгандай, илгарилаб келаверди. Аммо бунчалик кичик булат парчасидан бирон нарса кутиб бўлмасди. Ҳолбуки, бундан юз марта катта булат келтирадиган ёмғир ҳам етарли эмасди.

Булат юргургандай илгарилар экан, тобора каттала

шар, Абдулмутталибнинг дуоларига «Омин» деб кўшилган ҳалқ бу ҳолни диққат ва ҳаяжон билан кузатар эди. Худди кичкина бир тугун ҳолида бўлган булат яқинлашган сари очилиб, ёйилибкенгайиб бораради.

Унинг орқасидан оқиб келаётган булатлар кўриндию дуонинг қабул этилганига шубҳа қолмади. Юзларга табассум балқди. Кўзлардан севинч ифодаси ўлароқ ёшлар оқаркан, бошларига бирикки ёмғир томчиси туша бошлаганини сездилар.

Ҳаммаёқни ларзага солиб гумбирлаган момоқалдироқ «Тарқалинглар, дуоингиз қабул этилди...» деяётгандек эди. Одамлар севинч қичқириқлари билан тепадан пастга эна бошладилар.

Абдулмутталиб севинганидан йиғларди. Соқолидан оқиб тушаётган ёшларини артаркан:

— Бу ёмғирни Оллоҳ бизга сенинг хурматинг учун берди, болам, — деди у невараасига.

Чақмоқ чақар, момоқалдироқ гумбурлаб, водийларни ёритиб юборар эди. Салгина олдин бир неча кундан кейин бўлса ҳам ёмғир ёғишига рози бўлганлар уйларига етгунчайёқ шалаббо бўлдилар.

Бу воқеадан кейин Абдулмутталиб ҳақида шеърлар тўқилди. Буюк инсон деб тан олинди.

\* \* \*

Араблар изларга қараб башорат қилиш соҳасида улкан тажрибага эга эдилар. Қум устида қолдирилган оёқ изига қараб кишини ҳайратга соладиган даражада мукаммал ва тўғри башорат қиласидилар. Бир ҳайвоннинг изига қараб, унинг қайси қабилага тегишли эканлигини аниқлашар, ёнмаён юриб кетган икки кишининг оёқ изларидан уларнинг эрхотинми, отаболами ёки дўстбиродарни эканлигини тўғри айта олардилар. Бу соҳада Мудлиж қабиласи барча қабилалардан ўтиб кетган эди.

Бир куни Мудлиж қабиласидан Маккага келган бир неча киши кўркамларнинг кўрками бўлмиш, юзларидан нур ёғилиб турувчи, очик чехрали бир болага дуч келдилар. У бошқа болалар билан ўйнаётган эди. Бамисоли юлдузлар орасидаги ўн тўрт кунлик ойдек ажралиб турарди у ўртоқларидан. Ёнига яқинлашдилар. Шу он қорачадан келган бир аёл:

— Болага тегина кўрманг, — деди. Бу аёл Умму Айман эди. Одамлардан бири ҳеч саросимага тушмай, деди:

— Емонлик қилмоқчи эмасмиз. Бошқаси қўшимча қилди:

— Бундай бир маъсум гўдакка ёмонлик қилиш учун шайтонни ҳам йўлда қолдирадиган даражада жоҳил бўлиш керак.

— У ҳолда нима истайсиз?

— Фақат ёқтириб қолдик. Шундай, синчиклаб қарамоқчи эдик, холос.

— Мақсадингиз нима? Нега бошқа болаларга қарамайсиз?

Биз бу болада ҳеч бир болада бўлмаган ғаройиб ҳолларни кўрдик. Ижозат бер, бир оз ёнимизда турсин. Умму Айман Муҳаммадни чақирди:

Бери кел, ўғлим, мана бу амакиларинг сени кўришмоқчи.

Улар Муҳаммадга бошданоёқ чуқур разм солдилар. Айниқса, оёқларига тикилиб қолдилар. Кейин бошини силадилар. Умму Айманга ташаккур билдирилар.

— Бу кимнинг ўғли?

— Абдулмутталибининг ўғли. Ҳалиги одам бошини чайқади.

— Аслзода бир оиланинг фарзанди эканлигига шак-шубҳа йўқ.

\* \* \*

Саксон ёшга кирган бир инсон вақтининг кўпини дам олиш билан ўтказади. Абдулмутталиб ҳам шундай ҳаёт кечирар, Каъбанинг соясида кўрпачасини ёзиб ҳордик чиқарар эди.

Муаллақанавис шоир Зухайрнинг бир байтини хотирлади у: «Ҳаётнинг оғир юкларидан чарчадим. Ҳая, ким саксон йил яшаса, ҳаётдан ҳам чарчаши бегумон», деган эди Зухайр. Абдулмутталиб ҳам айни шу ҳолатда эди. Тиф каби, тутган жойини кесадигай қирчиллама йигит бўлганига ўзи ҳам ишонмайдиган даражада кексайган эди. Бошида биронта ҳам оқармаган соч толаси, соқолида биронта ҳам қора мўй қолмади. Бундай ёшга етган ҳар қандай киши каби, у ҳам вақтисоати келиб ажал ўз домига тортадиган дақиқаларни пойлаб, бир чеккада дам олиб ўтиради.

— Салом сенга, эй Абдулмутталиб!

Салом бўлсин сизга, эй мудлижликлар. Марҳамат қилинглар, мана бу ерга ўтиринглар.

Келганлар ўтирилар. Абдулмутталиб улардан ҳол-аҳвол сўради. Мудлиж қабиласидан танишлари бор эди улар ҳақида суриштириди. Шундан кейин уларнинг қелиш сабабини сўради. Бири:

— Бугун болалар орасида жуда чиройли бир гўдакни кўрдик. Ёнидаги аёл сенинг ўғлинг эканлигини айтди.

— Ҳа, у менинг ўғлим, яна ҳам тўғрироғи, неварам. Одам бирикки сония жим бўлиб қолгач, гап бошлади:

— Биз болани қўриб қизиқиб колдик ва унга чуқур разм солдик. Бизнинг фикримизча, мақоми Иброҳимдаги оёқ излари билан бу боланинг орасида жуда яқин ва чамбарчас боғлиқлик бор. Биз ўзимизнинг мезон ва меъёrimиздан келиб чиқиб айта оламизки, бу бола пайғамбарлар авлодидандир.

Абдулмутталиб бу хулосадан жуда мамнун бўлди.

— Тўғри,— деди,— мақоми Иброҳимдаги излар бу гўдакнинг катта бобосининг оёқ изларидир. Чунки у излар пайғамбар Ҳазрати Иброҳимга оидdir. Биз эса унинг авлодиданмиз. Мен наслимизга мансуб боболаримнинг исмларини санайсанай Аднанг қадар чиқа оламан. Аднан эса, маълумингизким, Ҳазрати Иброҳим наслидандир.

Орадан бир неча кун ўтди. Абдулмутталиб Нажрон қозиси ва роҳиби бўлган бир дўсти билан еухбатлашиб ўтиради. Роҳиб ўз маслагидан келиб чиқиб, диний мав зулардан баҳс юритар, неча асрлардан бери пайғамбар юборилмаганини сўзлар эди. Ҳазрати Исонинг давридан бери юз эмас, бир неча юз йил ўтган, келиши муқаррар ва лозим бўлган бир пайғамбар кутилаётган эди. Роҳиб сўзларини шу тарзда давом эттириди:

— Биз Исмоил ўғиллари наслидан келажак ва пайғамбарларнинг сўнгиси бўлажак бир пайғамбарнинг сифатларини китобларда ўқиб юрибмиз. Ушбу маълумотларга кўра, бу пайғамбар юзага чиқадиган жой шу ер, яъни, Макка шаҳридир.

Роҳиб келажак пайғамбар ҳақида атрофлича маълумотга эга эди. Қўзларининг ранги, оёқларининг шакли, икки елкасининг ўртасида жойлашган бир белгига кадар ўзига хос хусусиятларини ҳам билар эди. Абдулмутталиб унинг сўзларини зўр қизиқиши, ўта эътибор

билин тингларди. Шу он суюкли неварааси келиб, бобосининг ёнига ўтириди

— Эй Абдулмутталиб, булар сира ҳам уйдирма эмас. Диний китобларда ёзилган... — Роҳибнинг гапи оғзида, кўзлари бирдан ҳозиргина келган болага қадалган эди. Диққат билан кузатди. Кузлари, қўллари, оёқлари, баданига синчиклаб қаради.

— Бу КИМНИНГ боласи, эй Абдулмутталиб? — деди.

— Менинг ўғлим.

— Бўлиши мумкин эмас асло.

— Нега энди?

Роҳиб жуда секин овоз билан пицирлади. Худди гапини бола эшитишини хоҳламаётганга ўхшарди.

— Чунки бу боланинг отаси ўлган бўлиши керак.

— Нега шундай деб ўйлайсан?

— Менга қара, эй Абдулмутталиб, бу бола сенга боядан бери гапираётган пайғамбарнинг сифатларига эга. Сен унинг отаси эканлигингни айтдинг. Ҳолбуки, биз нинг диний китобларда ёзилишига қараганда, бу бола етим бўлиши керак эди. Сен унинг отаси бўлишинг мумкин эмас.

Абдулмутталиб унинг сўзларини тасдиқлади.

— Тўғри ганирасаи. Ҳақиқатдан ҳам бу боланинг отаси, яъни менинг ўғлим, ҳали у туғилмасдан олдин вафот этган эди. Мен бобосиман. Аммо ўз ўғлимдан ҳам ортиқ кўраман уни. У кўзимнинг оку қорасидир.

— Энди ўзингга келдинг, эй Абдулмутталиб. Аммо бу болани эҳтиёт қилишинг лозим. Яхудийлар уни кўраркўрмас танийдилар. Билиб қолсалар, бирон заар етказишлари эҳтимолдан холи эмас.

Бу сўзлар Абдулмутталиби невараасига яна ҳам қаттиқроқ боғлаб қўйди.

Абдулмутталиб ҳаётининг сўнгги кунларини яшаётганини чуқур хис этарди. Замондошлари ҳавас қиласа арзигудек бир умр кечирган эди у.

Ҳар кимга яхши муомалада бўлди, каттакиичик барчанинг ҳурматини қозонди. Фақирларни тўйғазди, бевалар, етимларга ёрдам қўлини чўзди, умр бўйи бирон марта ҳам зинога яқинлашмади, яқинлашганларни ҳам хуш кўрмади.

Ичкиликни ёқтириласди. Чунки ичкилик ичувчиларнинг қандай шармандали аҳволга тушганларига кўп гувоҳ бўлган. Бундай қабоҳат ишларга сира ҳам тоқати йўқ, виқор ва одоб эгаси эди. Макканинг ҳокими сифатида, ўғрилик килгланларнинг кўлларини кестириар, қўлидан келганча, қиз болаларнинг ўлдирилишига тўсқинлик қиласа ўзини тушса, қамчи билан саваларди. Охиратга ишонар, Оллоҳнинг борлиги, қудратли ва буюклигига шубҳа қилмас эди. Ўз замонида кенг тарқалган бутларга сифингансигинмагани эса, бизга қоронғи.

Рамазон ойи келган куни озиқовқат олиб, Маккага яқин Хиро тоғига чиқиб кетар, у ерда ёлғиз қолиб, ўзича ибодат этар, ўйхаёлга толар эди. Бу ишни илк маротаба у қилган, шундан кейин таркидунёчилик одатини хуш кўрувчилар пайдо бўлди, ҳалкнинг шовқинсуронли ҳаётидан чекилиб, бу тоғда бир ой давомида ёлғиз яшашга ҳавасмандлар кўпайди. У ерда қандай ибодат қилингани эса, яна бизга номаълум.

У ҳақда тадқикотчи Кўксол «Узун бўйли, ёқимли, сабрли, ақлли, тарбияли, дунёқараси кенг, сарвқомат, мард ва сахий киши эди», деб маълумот беради.

Маккаликлар уни «Иккинчи Иброҳим» дердилар. Барча арабларнинг Пайғамбар Иброҳим алайҳиссаломга бўлган чуқур ҳурматларини назарга олсак, маккаликларнинг Абдулмутталибга қай даражада ҳурматэҳтиром кўрсатганларини тасаввур этишимиз қийин бўлмайди.

Каъбага доир бутун хизматлар Абдулмутталибининг бошчилиги остида юритилар, хеч кимса Маккага ундан бошқа кишини ҳоким қилишни ўйламас эди. Чунки Абдулмутталиб бу

мақомга зўравонлик билан эмас, муруввати, фазилати ва шарафи боис келган, ақли расо ва аслзода қабила бошлиқлари уни бу мақомга лойик деб топғанлар. У бу мақомга муносиб эмас, деб бирон киши даъво қила олмасди. Чунки Макка худудида япювчи бирон кимса Абдулмутталибдан ёмонлик кўрганини иддао этолмас, аксинча, ундан яхшилик кўрганини зътироф қиласди.

Бир куни Абдулмутталиб дардга чалинди.

Барча уринишлар, шифо излаб елибюгуришлар бехуда бўлди. Тобора ўлим соати яқинлашиб келаётгани равшан эди. Абдулмутталиб дарди бедавога йўлиққанини англаған, ўзидан кейин тўққиз ўғил, олти қизи ва бир этак неваралари қолмоқда, аммо унинг ўйфикари бош қотиришга лойик деб билган суюкли неварасида эди. Уни нима қилиш, кимга қолдириш тўғрисида ўйларди. Шу кунга қадар уни кўлидан келганча тарбиялаган, ҳеч нарсада камситмаган, устига гард юқтирмасликка уринган, унга ҳақиқий ота, тенги йўқ бобо бўлган эди. Аммо Абдулмутталиб ҳам фоний бир борлиқдир. Унга ҳам энди ажал яқинлашган, ўлим фариштаси эшик қокиб келаётган эди.

Орасира ҳушидан кетади, ўзини билмай қолади. Шундай кезларда «Муҳаммадим, суюкли Муҳаммадим...», дея босинқирагани эшитилиб қолади. Ўзига келганда эса, яна тамомила унинг ташвиши билан банд бўлади.

Бир пайтлар Муҳаммаднинг отасини, яъни, ўзининг ўғли Абдуллоҳни қурбон қилишга бел боғлаган кунларни эслади. Агар ўша қасамини бажарса, бугун қалбини ларзага солиб, кекса юрагини ёндираётган бу меҳрмуҳаббатнинг соҳиби ҳам бўлмасди.

Аммо бутун оламларга Оллоҳнинг беҳисоб раҳмати шу боланинг воситасида, у орқали ёғилиши керак эди. Инсоният унинг раҳбарлигига ҳақ йўлни топажак, саодат йўлига киражак. Оллоҳга элтувчи йўлни энг мукаммал тарзда инсонларга у кўрсатажак эди. Шу боис бир эмас, минг Абдулмутталиб тил бириктирса ҳам, илоҳий қудрат бунинг олдини олар ва Абдуллоҳни кутқарап эди. Коинот сарварининг унинг наслидан, унинг ўғли сифатида дунёни шарафга буркаши азалий ва илоҳий тақдирнинг зарурати эди.

— Отика!

— Лаббай, отажон.

— Сув бер.

Отика дарҳол келтирилган Замзам сувидан идишни тўлдириб берди. Абдулмутталиб бир неча қултум ичди.

— Шифо бўлсин, отажон.

— Омон бўл, болам.

— Эсингиздами, отажон, Замзамни қазиган кунларингиз?

Абдулмутталиб бош ирғади. «Ҳа», деб пиҷирлади. Салдан кейин Отика чиқиб кетди. Абдулмутталибнинг хаёлидан ўтмиш кунлари кечди.

### ЗАМЗАМ

Роппароса қирқ йил олдин бўлиб ўтган эди бу воқеа. Бир куни Абдулмутталиб Каъбанинг «Хижр» деб аталувчи қисмида қайлула уйқусида эди. Пешин пайти оловдек қиздирадиган қуёш тафтидан ҳамма салқинга қочиб ухлагани каби, Абдулмутталиб ҳам ётиб ухлаган эди. Туш пайтидан бошланадиган бу уйку асрнинг ўрталарида, салқин тушгач, тугар ва араблар буни «қайлула» дердилар. Бу соатларда ҳамма ишини ташлаб, салқин жой қидириб қоларди. Чунки жазирама иссиқ фақат меҳнат қилишгагина эмас, ҳатто сайр этишга ҳам имкон бермасди.

Абдулмутталиб туш кўрди. Тушида ёнига бир одам келиб:

— Тибани қази, деди.

— Тиба қаер ўзи?

Одам жавоб бермай, кўздан ғойиб бўлди.

Абдулмутталиб уйюнгач, бир муддат бу туши ҳақида ўйлаб қолди. Ҳеч қандай маъно бера

олмади. «Ҳар доим кўриладиган тушунарсиз рўёлардан бири бўлса керак», деган хулосага келди.

Эртаси куни яна айнан ўша ерда ухлаётган эди. Тушида яна нотаниш бир одам келиб унга:  
—Баррани қази... — деди.

—Барра қаер? Нега у ерни қазишим керак?..

Одам жавобни ҳам кутмай ва бошқа ҳеч нарса демай, ғойиб б)'лди.

Тиба нима? Барра нима? Нега у жойлар қазилиши керак? Бу саволларга жавоб беришдан ожиз эди у.

Учинчи куни яна ўша одам келди. Бу сафар:

—Маднунани қази! — деб буюрди.

—Маднуна нима, у қаерда?

Одам жавоб бериш ўрнига яна ғойиб бўлишни афзал кўрди.

Абдулмутталиб энди ҳар ухлаганида бирон ерни қазиш буюрилишига ишонч ҳосил қилган эди.

Тўртинчи куни ётар экан, «Кўрайликчи, бугун қаерни қазир эканмиз», деб ўйлади. Ҳакиқатан ҳам, тушида яна ўша одам келди.

—Замзамни қази! — деди.

—Замзам недир?

— Замзам ҳеч тугамайдиган, камаймайдиган бир сувдир. Сен тўптўп бўлиб келадиган ҳожилар жамоасига ундан ичирасан. У сув қурбонлик конлари оқизилиб тўпланадиган жойлар билан ахлатлар тўкилган жойларнинг орасидадир. Олачипор қарға қагиллайдиган жойни топгин, у ерда бир чумоли уяси бор. Бу одам ниҳоят асл мақсадни гапирган эди. Неча

кундан бери айттолмаётган гаплари, демак, шулардан иборат эканда. Абдулмутталиб уйқудан уйғонган заҳоти ёнтеваракка аланглади. Кўзлари қурбонликлар сўйилиб қонлари оқизилган, чиқиндисупириндилар тўкилган ерни қидираради. Шу орада қорни ва қанотлари оқ бир қарганинг қагиллаётганини кўрди. Тушида кўрганлари тўғри чиқишига шубҳаси қолмади. Ўша томонга йўл олди, қарғага яқинлашиб бора бошлади. Аммо у қочмасди. Эҳтимол, қазиши лозим бўлган ерни аниқ кўрсатиш учун кетмаётгандир. Ниҳоят, жуда яқин боргач, «пирр» этиб учиб кетди. Абдулмутталиб қарға қўниб турган жойнинг шундайгина ёнбошида гавжум бир чумоли уяси борлигини кўрди. Ҳакиқатан ҳам бу ер қурбонликлар сўйилган ва ахлатлар тўкилган жойнинг қоқ ўртаси эди. Бу жойни яхшилаб таниб олиш учун белгилаб қўйди. Каъбанинг эшиги томонда эди. Каъбагача ва мақоми Иброҳимгача бўлган масофани ўлчади. Энди келиб шу ерни қазишдан бошқа чора қолмаган эди.

Буюк бобоси пайғамбар Исмоил ҳазратлари замонидан қолган сув, муборак бир қудук борлиги ҳакида ҳамма қатори у ҳам биларди. Аммо неча юз йиллар давомида Макка аҳлининг ҳам, келибкетувчи ҳожиларнинг ҳам эҳтиёжларини тўлатўкис қондирадиган бу қудук Журхум қабиласи одамларининг ахлоқсизлиги ва жоҳиллиги оқибатида вайрон этилиб, беркитиб ташланган эди. Мағлубиятга учраган журхумликлар Маккани тарқ этар эканлар, қудукни ҳам кўмиб кетган эдилар.

Вақт ўтиши билан Замзамнинг қаерда бўлгани ҳам унutilди, оти бору, ўзи йўқ нарсага айланди. Ичига Каъбага тегишли анчамунча олтин буюмлар ҳам кўмилиб кетган қудуқни топиб очиш буюк бир шарафга ноил бўлиш билан баробар, Оллоҳнинг лутфи ва қарамига сазовор бандасигагина бундай саодат насиб этиши мумкин эди!

Оқшом тушгач, ўғли Ҳорисга:

— Эртага бирга тер тўкиб ишлашимизга тўғри келади, — деди. Унинг қизиқсиниб қараб турганини қўриб изоҳ берди: — Замзам қудуғини қазиймиз.

— Аммо, отажон, биз унинг қаерда жойлашганини билмаймизку? — дея Ҳорис отасининг юзига қаради. «Тушунмадим» демоқчи эди. Абдулмутталиб қисқагина бир жавоб берди:

— Тушимда кўрсатилди.

Хорис учун мазкур жавоб етарли эди. Отасига бўлган ишончи беҳад эди. Абдулмутталибнинг ўша пайтда қўли ишга келиб колган биргина ўғли Хорис эди.

Эрталаб тонгсаҳарда қурайшликлар Абдулмутталиби белкурак ва чўкични олиб каёққадир кетаётганини кўрдилар.

Кече белгилаб кетган жойига келди.

— Оллоҳим, муборак бўлсин... — дея чўкични ерга урди. Отабола бирга қазий бошладилар.

— Ҳорманг энди, ё Шайбатул ҳамд!..

— Саломат бўлинг.

— Нима қилаётирсиз?

— Кўриб турибсиз, шу ерни қазияпмиз.

— Аммо нима мақсадда?

— Бу ер Замзам кудуғининг ўрни.

Шундан кейин Абдулмутталиб кетмакет тўрт кун давомида кўрган тушларини гапириб берди. Одамлар истехзо аралаш жилмайдилар.

— Тушда кўрган нарса билан иш битар эканми? — дедалар.

Абдулмутталибга хурмати баланд бўлганлар эса:

— Бунда бир гап бўлса керак, — дея ишнинг натижасини кутиш ва шунга қараб ҳукм чиқаришни маъқул топдилар.

Абдулмутталиб зерикмасдан, умидвор бўлиб ишини давом эттиарди. Ниҳоят, кудуқнинг устига бир қопқоқ каби ёпилган тошни топдию кўзлари ёшланди. Қўлларини кўтариб, Оллоҳга шукур қилди. Энди тушининг ҳақиқат эканлигига ва бу вазифа унга илоҳий йўлдан берилганига батамом ишонди.

Тепасига келибкетиб, ишини ажабсиниб томоша қилганлар, комил ишонч ила, беҳуда уриняпсизлар, дея ўйлаганлар қудуқнинг топилганини кўришидию дарҳол чўкич ва белкуракларини қўлларига олиб етиб келишди.

Абдулмутталиб:

— Хўш, нега келдингизлар, тинчликми? — дея сўради.

— Қудуқни бирга қазиймиз.

— Бунақаси кетмайди.

— Аммо бу шарафга биз ҳам шерик бўлишни истаймиз. Чунки бу бобомиз Исмоил пайғамбарнинг қудуғидир.

— Бундай қилиб бўлмайди. Чунки бу вазифа фақат менга буюрилди.

Одамлар ўжарлик қилдилар:

— У ҳолда сенинг қазишингга ҳам йўл қўймаймиз. Ё бирга казиймиз, ёки сен ҳам қазимайсан.

— Унда шу пайтгача қаерда эдингизлар?

— Қудуқнинг жойи қаердалигини билмасдикда.

— Мен ҳам билмасдим, аммо қудуқнинг ўрни фақат менга кўрсатилди.

— Биз ҳам энди бу ишга қўшилишни хоҳлаймиз.

— Мен эсам, бу шарафни сиз билан бўлишишни истамайман.

Оди ибн Навфал Абдулмутталибга тегишиди:

— Абдулмутталиб, сен ёлғиз бир кишисан. Биргина ўғлингдан бошқа ёрдамчинг йўқ. Ўжарлик қилаверма, бизга қарши чиқма.

— Эй Оди, айнан сенинг шундай дейишинг инсофдан эмас. Ахир, отанг Навфал отам Ҳошимнинг ҳимояси остида бўлгани ёдингдан чиқдими?

— Сен ҳам амакинг Мутталибнинг хонадонидан паноҳ топгунингга қадар тоғаларинг Нажжор ўғилларининг ёнида бўлмаганидинг?

— Эй Навфал ўғли, сен мени фарзандларимнинг озлиги билан айбламоқчимисан? Худо ҳаққи қасамлар бўлсинки, агар Оллоҳ менга ўнта ўғил берса, улардан бирини Каъбанинг ёнида курбон қиласман.

Мунозара тобора қизир эди. Бу кетишда жанжалга айланиши ҳеч гап эмас эди. Бирорлар Абдулмутталиби ҳақ деб билса, бошқалар ракибларининг тарафида эдилар. Ахийи Абдулмутталиб:

— Бу муаммони ҳакам ҳал қилса, розиман. Кимга десангиз, ўшанга борамиз. Унинг чиқарган ҳукмига сиз ҳам рози бўласиз, мен ҳам. Бу таклиф мақбул деб топилди.

— Абдулмутталиб инсофлилик қилди, — дедилар.

Натижада Шом аслзодаларидан Саъд ибн Ҳузайм қози сифатида таклиф этилди. Абдулмутталиб бунга рози бўлди.

Эртаси куни Абдулмутталиб қариндошларидан баъзи кишиларни олиб йўлга чиқди. Қарши томонда эса, қурайш қабилаларининг ҳар биттасидан бир кишидан бор эди. Биргалиқда юриб, биргалиқда дам олиш учун тўхташар, сўнг яна биргалиқда йўлларида давом этишар эди.

Кун қиздиргандан қиздирарди. Узоқ йўл юришларини инобатга олиб, ўта эҳтиёткорлик билан иш тутсалар ҳам, Абдулмутталиб ва унинг ҳамроҳларининг сувлари тугади. Сувсизлик уларни холдан тойдирди, тоқатларини тоқ қилди. Абдулмутталиб аҳволни тушунтириб, қарши томондагилардан сув сўради.

— Сизга берсак, биз ҳам сувсиз қоламиз. Абдулмутталиб улардан бу жавобни кутмаган эди. Чунки ўзи ҳеч кимса ҳақида бундай ўйламас, ўз нонини ҳам бошқалар билан бўлишиб ер эди. Кўрабила туриб бир инсонни сувсизликда ўлим чангалига ташлаб кетолмасди. Аммо улар шундай қилдилар.

Тиллари танглайига ёпишган, тuya устида ўтиришга ҳам мажоллари қолмаган эди. Сувсизлик ва жазирама иссиқ таъсирида тўғри фикрлаш ҳам мумкин бўлмай қолди. Ораларида саросимага тушганлар ҳам бўлди.

— Мозоримизни шу ерга казийлик, ўлимимизни кутайлик, — дейишди баъзилар.

Энг оқилона таклиф шу ерда бир оз дам олгач, яна йўлда давом этиш бўлди. Туяларидан тушдилар. Ҳаммалари бир қаторга тизилиб ўтиришди. Қарши томондагилар уларни кузатишар, натижа қандай бўлишини кутишар эди. Шу аҳволда бир оз ўтиришди. Умидсизлик билан бирбирларига тикилишар, ким кўпроқ яшар экан, деб ўйлашар эди. Орамизда ўлмай, қутулиб қоладиганлар бўлар, деб васиятлар қилишди.

Абдулмутталиб виждон ўтида ёнарди. Аммо бу фожиавий аҳволга тушишларига ўзи сабабчи бўлди. Чунки ёнида ўтириб ўлимини кутаётган бу инсонлар унинг даъвосини кўллабқувватлаш учун йўлга чиқсан эдиларда.

Абдулмутталиб қуруқшаган лаблар, тугаган дармонлар, чекилган изтиробларга ва бошларига тушган мусибатдан умидсизланган биродарларига тикилар, ҳар бирининг ўрнига қайтақайта ўлишга ҳам рози ҳис этар эди ўзини. Йўлда давом этишга кучлари етмас, ёнатрофдан бирон ёрдам келиши ҳам эҳтимолдан йироқ эди. — Ётиб ўлма, судралиб ўл!..

Нидо юрагининг тубидан келарди. Виждони азобланар экан, бундай қўл қовуштириб ўтиришдан фойда йўклигини хаёлидан ўтказди.

Биродарларининг умидсизларча боқишлиари таъсирида бир амаллаб тусига минди. Туянинг устида ўтира олмайдиган даражада мажолсиз эди. Туя юра бошлаганда эса, ерга тушиб кетай деди, ҳайвоннинг устида ёнбошлаб қолди. Қаерга кетаётганини ўзи ҳам билмайди, балки сув топарман, деб ўйлади.

Юз қадам ҳам юрмаган эдики, туйнинг оёғи бирдан нимагадир ботди. Абдулмутталиб қаттиқ чайқалиб, йиқилиб тушай деди. Ўзини ўнглашга уринар экан, кўзлари йилтироқ бир

нарсага тушди. Қайтакайта тикилиб қаради. Йўқ, янглишмаган эди: туюнинг оёғи ботган жойдан сув қайнаб чиқарди. Сув тобора тез оқа бошлади. Ўша пайтда бутун вужудини қамраб олган хурсандлик ҳиссини ҳеч қачон таърифлаб беролмаса керак. Ўзини ерга отди. Бу орада туя ҳам оёғини ҳалиги жойдан чиқарип олди.

Энгашди. Юзқўлларини ювди, тўйибтўйиб сувдан ичди. Тўсатдан ҳаётга янги келгандай бўлди, қалбини чулғаб олган умидсизлик ҳисси батамом барҳам топди. Урнидан турди, ҳамроҳларини бақириб чақирди.

— Ҳой биродарлар, бу ёққа келинглар. Оллоҳ бизга сув берди.

Кулоклар бу овозга ишонишни истамасди. Аммо ҳозир ҳазил пайти эмас эди. Қолаверса, Абдулмутталибнинг овози жонли, ишонч бағишловчи эди.

Умидсизликнинг чилпарчин бўлиши тиззаларга дармон киргизди. Турдилар, судраласудрала, Абдулмутталиб кетган томонга илгарилай бошладилар. Дарҳақиқат, у ерда сув бор эди. Тинмай оқарди. Абдулмутталиб рақибларига ҳам юзланди, уларни ҳам таклиф этди.

Туяларга сув берилди, мешлар тўлдирилди. Қайтакайта ичдилар. Энди йўлга чиқилса ҳам бўларди. Оди ибн Навфал Абдулмутталибга ўгирилди:

—Худо ҳаққи, эй Абдулмутталиб, даъвони сен ютдинг. Ҳукм бизга қарши чиқди. Энди сен билан Замзам масаласида бошқа тортишмаймиз. Чўлнинг ўртасида бу сувни етказган Оллоҳ Замзамни ҳам сенга берганига энди шубҳамиз қолмади. Қани, энди соғомон Маккага қайтайлик, — деди.

—Яъни, энди қозига мурожаат қилишга ҳожат қолмадими?

— Ҳа, Маккага қайтамиз.

Маккага қайтдилар. Бу воқеа Абдулмутталибнинг обрўйини янада оширди. Қаерда эканлигини ҳеч ким билмайдиган Замзам қудуғининг ўрни кўрсатилиши, бешак ўлим кутилаётган дақиқаларда Оллоҳнинг лутфи ва қарами ўлароқ сувнинг оқа бошлаши унинг маънан юксак бир одам эканлигидан далолат берарди.

Абдулмутталиб ўғли Ҳорис билан биргаликда яна Замзамни қазиб, тозалай бошлади. Сафар чоғида содир бўлган бу воқеа оиласаларда, йиғинларда баҳс этилди. Қазиш давомида даставвал Каъба хазинасига тегишли бўлган баъзи олтин ҳайкаллар, қиличлар ва зирҳлар топилди. Юқорида эслатилган Журхум қабиласи Маккани тарк этаркан, Каъба хазинасидаги бу қимматбаҳо ашёларни ҳам Замзамга кўымиб кетган эдилар.

Бу бебаҳо буюмлар яна қурайшларнинг ҳасадини қўзғади. Қозига мурожаат қилмаганликларидан яна пушаймон бўлдилар.

— Эй Абдулмутталиб, бу ашёларга биз ҳам шерик бўлишимиз лозим.

Абдулмутталиб пешонасидан оқаётган терларни артди.

— Нега?

—Чунки бу кудук бизнинг буюк бобомизники. Бу ашёлар эса, хазинасидан қолган буюмлардир.

—Бу ерни мен қазидим. Демак, ашёлар ҳам меники бўлиши лозим. Модомики сизлар бунга ҳарни экансизлар, муаммони куръа ташлаб ҳал қилсак, дейман.

— Қанақасига?

—Икки қуръа Каъба учун, иккитасини мен учун ва иккитасини сиз учун ташлаймиз. Кимнинг ҳаққига нима чиқса, шуни олади. Ҳиссасига ҳеч нарса чиқмаган томон маҳрум бўлади.

—Бўпти, розимиз. Эй Абдулмутталиб, сенда инсоф бор экан.

Абдулмутталиб Каъба учун сариқ, ўзи учун қора ва қурайшлар учун оқ — иккитадаи ўқ танлади. Машхур Ҳубал бутининг ёнига бордилар. Бутнинг хизматкорига ўқлар берилди. Ҳамма қаттиқ ҳаяжон ичиди эди. Ўқлар бир халтага солинди. Даставвал, икки кийик учун икки ўқ олинди. Иккаласи ҳам сариқ эди. Булар Каъбанинг ҳаққи эканлиги тан олинди. Сўнгра қиличлар учун бир ўқ олинди. Қора эди. Абдулмутталиб «Бу менинг ҳаққим», деди. Зирҳ учун

сўнгги ўқ олиниши керак эди. Сўнгги ўқ олингач, Абдулмутталиб енгил нафас олди, кулимсиради. Бу ҳам унинг ҳиссаси эди. Қурайшлар яна қуруқ қолдилар.

Кейинроқ Абдулмутталиб олтин кийик ҳайкалларини Каъбанинг эшигига ўрнатди. Ўзининг ҳиссасига тушган олтин буюмларни ҳам эритиб, ингичка толалар ҳолига келтирди ва Каъба эшигини ушбу олтин толалар билан қоплатди.

Ўзининг ҳиссасига шунча олтин тушгани ҳолда, уларни Каъбага сарфлагани Абдулмутталибнинг обрўэътиборини яна оширди.

Бу иайтларда Маккада бир неча қудук бор эди. Одамлар ўша қудуқларнинг сувини истеъмол қиласдилар. Замзам қудуғи очилгач, бу муборак сувнинг ҳам Каъбага яқинлиги, ҳам бошқа қудуқларнидан мазалироқ бўлгани боис, ҳамма ўша сувдан ола бошлади. Аммо қанча кўп сув олинмасин, Замзам суви камаймас эди. Устигаустак, бу сув буюк боболари пайғамбар Исмоил алайҳиссаломнинг аъмоли бўлишдек алоҳида фазилатга эга эди. Қурайшлар буни бошқа араблар олдида устунроқ эканликларининг белгиси деб билардилар.

Дарҳақиқат, Замзам булоғи ҳаж мавсумида келган мингларча инсонларнинг хотираларига муҳрланиб қоларди, бошқа сувларнинг олдида бу сувнинг эътибори қуллар олдида бир султоннинг эътибори каби бўлар эди. Қонибқониб ичган киши яна ичгиси келар, ҳатто уни ичганда, сут ичгандек, тўқлик ҳис этар эди. Натижада бутун умри Маккада ўтадиган, хоҳлаган пайтида бу муборак сувдан ича оладиган кишиларга ҳавас билан қарашарди.

Ҳаж ибодатларини бажо келтириб бўлган заҳоти тўғри Замзам томонга югуришар, тўйибтўйиб ичишар эди. Зотан, ёндирувчи қуёш тафти ҳам инсонни мажбуран ўша томонга ундар, қайтақайта ичишга мажбур қиласди.

Абдулмутталиб ҳаж мавсумида ҳажга келган кишиларга ўғиллари билан биргаликда шахсан ўзи Замзам сувидан тарқатарди. Уни ичганлар неча юз йиллардан бери оти бору, ўзи ўқ бу муборак қудуқни қайта кашф қиласди, ўзларига ушбу тотли сувдан икром этган кишига ҳурмат, муҳаббат ва миннатдорлик туйғулари билан қарашарди.

## БИР ҚУРБОН ЮЗ ҚУРБОН

Орадан анча йиллар ўтди. Бу йиллар Абдулмутталибнинг сочидаги оқ толаларнинг сонини тобора қўпайтириб борди. Бунга сари унга бўлган ҳурмат ва муҳаббат туйғулари ҳам ортар эди. Маккада ҳаммага сўзи ўтадиган, хотинмиэркакми, ёшмиқарими, ҳамма буюк инсон деб биладиган ягона одам у бўлиб қолди.

Шу йиллар давомида фарзандлари ҳам қўпайди. Ўнта ўғли бор эди: Ҳорис, Зубайр, Абдуллоҳ, Абу Толиб, Ҳожи, Дирор, Муқаввим, Абу Лаҳаб, Аббос, Ҳамза.

Бир куни Абдулмутталиб алам билан қўлини пешонасига урди, Замзам қудугини қазитан кунларда қиласди бир назрини эслашга мажбур бўлди. Оғир ахволга тушиб қолганида берилган жоҳилона қарор энди уни виждан исканжасига олган эди. Нима қилишни, қандай йўл тутишни билмасди...

Ниҳоят, Абдулмутталиб қатъий қарорга келди: «Мард одам қиласди назрини бажо келтиради!» деди ўзига. Болаларини атрофига тўплаб, қарорини билдириди. Ораларидан биттаси қурбон этилиши керак эди.

Қалбларни ҳаяжон тўлқини ларзага солди. Ҳеч бири отасининг бу қарорини табриклай олмасди. Эътиroz билдиришнинг ҳам ўрни бўлмади. Жон савдоси эди бу. БоП1ини қиличга тутиб бериш, ҳаётининг айни илк баҳорида, била туриб ўзини ўлим чангалига топшириш чин кўнгилдан қабул этиладиган бир иш эмас эди.

Юраклар теззез ура бошлаган, кўзлар ер сузади. Бошини кўтариб, атрофидагиларнинг ахволини кўришга ҳам журъят йўқ.

Кўн кутишдан фойда чиқмасди. Абдулмутталиб юришга амр этди. Олдинда ўзи, ортида

бўлажак қурбонликлар — болалари Каъба томон йўл олдилар. Уйда додфарёд кўтариб оналар, кўз ёши тўкиб опасингиллар қолдилар. Болаларга айтишга бирон оғиз сўз, тасалли тоиилмас эди. Тилақдан бошқа чора йўқ. «Сенга бу фожиадан паноҳ тилайман, жигарим», дейишдан бошқа осон тилак йўқ эди. Лекин қайси она бир ўғлини қутқариш эвазига бошқасини оловга ташлай олади?!

Ўлим йўловчилари учун бу сафар қанча давом этди? Узоқми ёки қисқами? Йўл давомида ким нималар ҳақида ўйлади? Ўлим қуръаси менга тушсинда, акаукаларим халос бўлсин, деган биронтаси бўлдими?..

Абдулмутталиб бир оздан сўнг ғазаб ва тушкунлик ҳолатида берилган жоҳилона қарорини амалга ошириши, назрини бажо келтирмоқ учун қўлини қонга белаши керак эди. Эгниларига гард юқтиришни ҳам истамайдиган ўғилларидан бирини бўғизлаб қурбон қилиши керак эди. Аммо соchlари оқарган, ёши анчагина ўтиб қолган чоғда билагига бундай қувват келадими ёки йўқми, билмасди.

Нихоят, Каъбага етиб келдилар. Каъбанинг ичига ўрнатилган Ҳубал исмли бутнинг ёнига тизилиб турдилар. Ўша ерга қўйилганидан бери бирон кимсанинг дардига дармон бўла олмаган бу тош парчаси уларнинг келганидан ҳам бехабар эди. Тош мъбуднинг хизматчиси эса, мудхиш бир воқеа юз берганини сезди.

Кунинг хайрли бўлсин, эй Абдулмутталиб, — деди.

— Қурбонлик қилмоқчиман.

— Нимага? Не мақсадда?

Абдулмутталиб қисқа қилиб ахволни тушунтириди. Ҳалиги одам ўзини йўқотиб қўйди, сўнгра:

Сен буни қилолмайсан, эй Абдулмутталиб, — деди.

— Нега қилолмас эканман?

Чунки сенек мулоҳазали, сенек ақли расо, бошқаларга ўrnak бўладиган бир инсон бундай жоҳилликка қандай қўл урсин?! Сен қурайшларнинг фахрисан, қурайш ўrnak олади сендан. Очларни тўйғазган, ҳатто қуртқумурсқанинг ҳам ризқини ўйловчи бир инсонсан, ўз фарзандингни қандай қурбон қиласан?!

Мен бир пайтлар қасам ичганман. Мард одам қасамини бузмайди!

Шу гапларни айтгач, ўғиллари томон ўгирилди: «Беринг ўқларингизни», деди.

Биринкетин исмлари ёзилган ўқларни келтириб топширас эдилар. Ўқлар халтага солинди. Абдулмутталиб бут хизматчининг юзига каради:

— Кани, битта ўқни олгинчи, — деди.

Хизматкор қўлини халтага тиқди. Эндиликда юрак

лар бўғизга тиқилган, хаяжонлар сўнгги нуқтасига етган эди. Юзлар бўғрикли, лаблар қақраб кетди. Халтанинг ичидан чиқадиган ўқ кесилажак бошни тайин этар, қолганларига хаёт бағишлар эди.

Нихоят, ўқ чиқди, хизматкор пицирлаб исмни ўқиди: «Абдуллоҳ». Бўғизларига тиқилган нафаслар сал енгиллашгандай бўлди. Ҳаёти қил устида турганларнинг сўнник қўзлари ярқ этиб очилди. Ким нима деса десин, бу бир жон бозори, жон савдоси эди, ҳеч кимнинг «Абдуллоҳнинг ўрнига мен қурбон бўлай», дейиши кутилмас эди.

Аммо Абдуллоҳ бундай ахволда эмас. Бир оз аввалги ҳаяжон ўрнини даҳшатли қўрқув ва итоатгўйлик туйғуси эгаллади.

Абдулмутталибининг болалари орасида энг суюкли, энг кўрками эди у. Бошқа акаукаларида бўлмаган аслзодалик, устуворлик унда борлитини ҳамма биларди. Шу боис, Абдулмутталиб уни бошқа болаларидан ҳам ортиқ кўтарди. Орасира:

— Абдулмутталиб, сенинг бу ўғлингда алоҳида бир кўркамлик, алоҳида бир аслзодалик бор. У ҳамма фарзандларингдан ҳам ёқимлироқ, истараси иссиқ... \_\_ деганлар бўлган эди.

Шундай бўлса ҳам, Абдулмутталиб ўзи бошлаган ишнинг бунақа натижасига эътиroz билдира олмасди. «Қайтадан қуръа ташлаймиз» ёхуд: «Кел, эй Абу Лаҳаб, Абдуллоҳнинг ўрнига сени қурбон қилайлик», дея олмасди.

Абдуллоҳнинг қўлидан тутди. Қурбонлик сўйиладиган жой бўлмиш Сафо тепалиги томон йўл олдилар.

Бу ақл бовар қилмас иш ҳақида эшитган юзларча қурайшийлар Сафо тепалиги томон югуриб кела бошладилар. Аёлу эркак, болалару қариялар йифлаган, қизикиш, ҳаяжон, қўрқув ва афсус билан Абдуллоҳ ҳамда унинг отасига тикилиб турар эдилар. Сафо тсиалигига боришгач, Абдулмутталиб Абдуллоҳни икки қўли билан даст кўтариб ерга стқизди. Бир пайтлар меҳр билан, муҳаббат билан силаган соchlари қумга беланди. Сўнгги нафасини олиш олдидан маҳзун бир чсхра, маҳзун бир нигоҳ ила ёнатрофга қаради. Бу нигоҳлар умидсиз эди.

— Беринг ханжаримни...

— Йўқ, бермайдилар, эй Абдулмутталиб! Сен бундай қилолмайсан!

Абдулмутталиб бошини кўтарди. Қаршисида «Доруннадва» («Маслаҳат уйи») аъзоларидан бир неча киши турарди. Ораларидан Муғийра ибн Абдуллоҳ исмлиси сўзларини тақрорлади: — Қилолмайсан бу ишни сен, эй Абдулмутталиб!

— Нега энди қилолмас эканман?

— Чунки Абдулмутталиб бўла туриб сен бу ишни қилсанг, бошқалар нима қилади? Эртага бошқалар ҳам ўғлини қурбои қилгиси келиб қолади. Ёмон от чиқарасан, лаънатларга гирифтор бўласан. Қолаверса, фарзанди қурбон қилинган оналар доим олдин сени қарғайди лар. Биз бу ваҳшиёна ишни узилкесил тўхтатишга, унга тўсқинлик қилишга аҳд этдик.

Аммо бу менинг қасамимдир, бажо келтирмасам бўлмайди, ахир...

— Қасам бўлса — бўлар, ҳар нарсанинг иложи бор. Аҳволингни енгиллатиш учун бирон чора топамиз.

— Қандай чора?

— Бизнинг бу борада тажрибамиз йўқ. Аммо ҳижозликлар бундай муаммоларни ҳал этишга уста. Шунинг учун сен дарҳол Ҳижоз коҳинининг ҳузурига бор. Аҳволни тушунтири. Агар қурбон қилишинг керак деса, қурбон киласан, бўлмаса, берган маслаҳатига қараб иш тутасан.

Абдулмутталиб бу таклифга норозилик билдиримади. Абдуллоҳни қўйиб юборди. Акаукалар ва шу ерга йирилган аҳолининг юзларида мамнунлик ифодаси пайдо бўлди. Бир оздан сўнг Абдулмутталибининг уйида севинч кўз ёшлари билан биргаликда зўр байрам бошланди.

Шундан кейин Абдулмутталиб Абдуллоҳни олиб Ясрибга борди. Коҳиннинг Ҳайбарга кетганини эшитиб, у ерга ҳам борди. Бир ривоятга кўра, бу сафар Шомгача давом этди.

Абдулмутталиб коҳин аёлга дардини англатди. Коҳин аёл унинг сўзларини тинглаб бўлгач, «Эртага келинг!» деди. Эрталаб отабола яна аёлнинг ҳузурига бордилар. Коҳин:

Сизнинг юртингизда бир одамга тўланадиган товоннинг миқдори қанча ва у нима билан ўлчанади? деб сўради.

— Ўн тияга teng келади.

— У холда дарҳол юртингизга қайтинг. Ўғлингиз билан ўнта тияни бир ерга қўйиб, қуръа ташланг. Агар ўғлингизга чиқса, тиялар сонини қўпайтиринг ва тақрор ташланг. Шу тариқа, қуръа то тияларга чиққунга қадар ташлашни давом эттиринг. Шояд, Роббингиз рози бўлса, қуръа албатта тияларга чиқажак.

Унинг ҳузуридан чиқиб, Маккага қайтдилар. Ўнта тия бир томонга қўйилди. Абдуллоҳ эса, иккинчи томонга. Абдулмутталиб Оллоҳга илтижо килиб, ўғлига ҳаёт бағишлишини сўради. Қуръа Абдуллоҳга чиқди. Яна ўнта тия келтирилди. Қайтадан қуръа ташланди. Яна Абдуллоҳга чиқди. Тиялар сони ўттизта бўлди. Абдуллоҳ қора терга ботган, Абдулмутталиб тинмай дуо қиласади.

Туялар сони қирқтага етди, элликта бўлди. Ҳар сафар халтадан Абдуллоҳнинг ўки чиқарди. Шу йўсинда тўққиз марта қуръа ташланди, аммо натижа ўзгармади. Бу бир тасодиф эмасди. Ҳар нарсага ҳоким ва қодир бўлган буюк Мавлонинг иродаси шундай бўлгани аён эди. Ниҳоят, туялар сони юзтага етказилди ва яна қуръа ташланди. Шу он қуръа ташлаётган одамнинг қувноқ қичқириғи эшитилди. Бу кутулишнинг аломати эди. Абдулмутталиб кўзларидан оқкан ёшларни артди, ўғлини бағрига босди. Амр этди. Туялар Сафо тепалигига олиб бориб сўйилди. Гўштлари шундайгина қолдирилди. Камбағаллар олди, хайвонлар еди, мусофири ва ғарибларга зиёфатлар берилди.

\* \* \*

Бу воқеа содир бўлганда Абдуллоҳ неча ёшда эди?.. Бир қориндан талашиб тушган Абу Толибдан катта эдими ёки кичик? Бу воқеа юз берган кунларда оиланинг энг кичик фарзандлари бўлган Аббос ва Ҳамза туғилганмидилар ёки йўқми?.. Бу саволларга аниқ жавоб беришдан ожизмиз.

Агар улар туғилган бўлсалар, Ҳамза энди туғилган чақалоқ ёки ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган гўдак, Абдуллоҳ эса, айни уйланадиган ёшдаги ўспирин бўлгани хақиқатга яқинроқдир. Чунки Абдуллоҳнинг ўғли бўлмиш Пайғамбаримиз билан амакилари Ҳамза ўртасидаги фарқ атиги икки йил эди, холос.

Эҳтимол, Абдулмутталиб назрини бажо келтириш учун ўғил фарзандларининг сони ўнтага етишини кутмагандир. Чунки унинг олти нафар қизи ҳам бор эди. Ёки бу воқеа Ҳамза туғилганидан кўп ўтмай содир бўлган ва қурбонлиқдан кутулган Абдуллоҳ вақт ўтказилмай уйлантирилган эди. Бундай оғир синовдан кейин суюкли ўғлини қурбонлиқдан сақлаб қолган Абдулмутталиб энди хотиржам эди. Ҳаётида осойишга кунлар бошланди.

Абдуллоҳ етук ва комил инсон эди. Юзига бир қараган киши яна қарагиси келадиган даражада хуснли ва ёқимли эди. Бой бир хотиннинг унга «Агар мени хотинликка олишга рози бўлсанг, сенга юзта тuya ҳадя этаман», дегани фикримизнинг ёрқин далилидир. Абдуллоҳнинг бундай таклифни рад этиши эса, мол-дунё ва бойликка у қадар аҳамият бермаслиги, осойишта бир оиласа кўпроқ муҳтож бўлган комил инсон эканлиги белгисидир.

Мустаҳкам бир оила қурса, баҳтиёр яшаса, дея орзу қилган Абдулмутталиб суюкли фарзандини ёнига олиб, Макканинг аслзода оилаларидан ва Қурайшнинг йигирма бешта киборлар уруғидан бири бўлган Зухра қабиласига борди. Азалдан яхши танийдиган дўсти Ваҳбни топди ва қизи Оминани ўғли Абдуллоҳга сўради. Унинг бу таклифи мамнуният билан қаршиланди ва икки ёш никоҳландилар.

Абдуллоҳ қурайшларнинг одатига кўра, уч кунгача отасининг уйида қолди. Сўнгра суюкли хотинини қлиб, ўзининг қадрдон гўшасига қайтди. Омина оиласада ёлғиз фарзанд эди. Бу унинг илк ва нгги турмуши бўлиб, қиска вақтдан кейин бева қолишни ҳамда оламларга раҳмат бўлиб келаётган буюк пайрамбаримизга оналик қилиш шарафига мұяссар бўлишини ҳали у билмасди. Янгигина турмуш қурган икки ёш жуда қисқа муддат бирга бўлдилар. Никоҳдан кейин ҳали икки ой ҳам ўтмай, дбдуллоҳ Шомга йўл олган карвонга қўшилиб сафарга чиқди. Қайтишда бир дардга чалинди. Ниҳоят, Ясриб шахрига келгач, ортиқ йўл юра олмаслигини англади. Ҳамроҳларига бувиси Салмо томонидан тоғалари бўлмиш Нажжор ўғиллариникида қолажагини билдири ва отасига саломини етказишларини сўради.

Биродарлари уни шу ерда қолдириб, йўлларида давом этдилар. Абдулмутталибни топиб аҳволни тушунтиридилар. Абдулмутталиб дарҳол катта ўғли Ҳорисни Ясрибга жўнатди. Кечани кеча, кундузни кундуз демай йўл юрган Ҳорис Ясрибга борганида, анча кеч қолганини англади. Чунки Абдуллоҳ ҳаётдан кўз юмган ва Набига исмли бир қариндошининг боғига кўмилган эди.

У ҳам оламлар сарвари пайғамбаримиз Мұҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламнинг отаси бўлаётганидан бехабар ҳолда дунёдан ўтган эди.

## АЗИМ ДАРАХТНИНГ ҚУЛАШИ

### Учинчи ўқсизлик

Абдулмутталиб қуруқшаган лабларини хўллашни истарди. Роса ўтмиш кунларнинг хотираларига берилган эди.

—Сафийя!

—Лаббай, отажон!

—Сув бер...

Сафийя Замзам сувидан келтирди. Абдулмутталиб бир неча хўплам ютди.

—Муҳаммадим қани?

—Хозир келади, отажон, қарайинчи.

—Ёнимда ўтирсин. Усиз яшашнинг қизиги ҳам қолмади.

Сафийя Муҳаммадни чақириш учун чиқиб кетди.

Касал қўргани келган бир қўшнига рўбару келдқ. Ичкарига кириб, хабар берди. У одам кирди.

—Қалайсан, ё Шайбатул ҳамд? Ахволинг дурустми?

—Рахмат, саломат бўл. Тузукман.

—Қандай сезяпсан ўзингни?

— Мана, кўриб турибсан. Дақика сайин ўлим яқинлашмоқда.

—Ундан дема, ё Абдулмутталиб.

—Нега?

—Сен ҳали кўп яшайсан. Бизга бош бўлиб туришингкерак. Сендан бўлак Макка халқининг бошини бириктириб, бир байроқ остида тўплайдиган ҳеч ким йўқ.

Абдулмутталиб бу сўзларга жавоб бермади. Кейин ўтганкетгандан гаплашиб ўтирдилар.

— Бобоҷон, мени чорлабсиз.

Бобонинг беҳол юзида ҳазин бир кулимсираш пайдо бўлди.

— Сенсиз туролмай қолдим, ўғлим, ёнимга кел.

Ётоқнинг ёнига ўтириди. Абдулмутталиб қўлини узат

ди, неварасининг қўлларини ушлаб, лабларига олиб борди. Қайтақайта ўпиб, ҳидлади.

— Бу гўдак ёнимда ўтирмаса, яшагим келмай қолди. Отаси ҳам жуда ёқимтой йигит эди, — деди Абдулмутталиб ва оғир хўрсинди. Кейин қисқа хотираға берилди: —Ҳа, ҳақиқатан ҳам ёқимтой эди. Бошқа болаларимдан ҳам ортиқ кўрадим уни. Аммо бу меҳрининг оқибати яхши бўлмади, ўзинг биласан. Бироқ бу неварам Абдуллоҳимни унуттириди. Ўзим ҳам бола бўлиб қолдим. Муҳаммадим бўлмаса, ақлдаи озишим ҳеч гап эмас.

Дарҳақиқат, Ҳошим ўғиллари орасида бу болага ўхшави ҳам, тенги ҳам йўқ.

Абдулмутталиб эътиroz билди:

— Ҳошим ўғиллари, дема. Маккада тенги йўқ, де. Ҳатто бутун дунёда, бутун инсонлар ичидан тенги йўқ жигаргўшамнинг. Ҳаёт бўлсанг, ҳали кўрасан, менинг бу неварам жуда буюк бир инсон бўлади. Менинг номим унинг бобоси бўлганим учун унуптилмайди, қалбларда мангум яшайди.

Бир оздан сўнг қўшни чиқиб кетди. Абдулмутталиб қизларини чақирди. Ҳаммаси келиб ёнига ўтиришди. Уларга бирмабир тикилди.

— Умрим поёнига етиб қолганга ўхшайди. Узоги билан яна бир неча кун яшасам керак. Ҳозир сизларни хузуримга чорлаганимнипг боиси — мен ўлгач, қайси йирингиз қандай марсиялар куйлашингиз, нималар деб йиғлашингизни кўзим тириклигига эшитмоқчиман, —

Сафиия отасининг гапини бўлди:

— Отажон, нега бундай дейсиз? Сиз ҳали кўп яшайсиз. Худо хоҳласа, тузалиб кетасиз.

Абдулмутталибнинг мажолисиз лабларида бир кулимсираш пайдо бўлди.

— Кизим, энди тақдирга тан беришларинг керак. Биз энди қаридик. Бир оёғимиз ерда бўлса, иккинчиси гўрда. Қолаверса, бундан кейин яшашнинг қизиги ҳам йўқ Фақат...

Абдулмутталиб сўзларини давом эттира олмади. Кўзлари ёшланди. Касаллик овозини ҳам заифлаштирган эди. Бу дафъя ичичидан хуруж қилиб чиқсан ҳасрат кўзларида намоён бўлган, бўғзига тиқилган эди. Қизлари Абдулмутталибек улуғ бир зотнинг кўзларида ёш кўришга одатланмаган эдилар. Пўлатдек мустаҳкам иродаси билан танилган эди у. Викорини йўқотмаган, ҳеч ким рақиблик қилолмайдиган бир мақомга эришган, халқига сидқидилдан хизмат қўрсатган эди. Ҳайратланиб қараб қолдилар. Абдулмутталиб неварасининг бошини силади. Сўнгра давом этди:

— Аммо бу гўдакнинг тенгсиз бир инсон бўлажак кунларини кўриш учун яшашга рози бўлардим.

Сўнгра, қизларига ўгирилди:

— Мен ўлгандан кейин ўқийдиган марсияларингизни ўз қулоғим билан эшитсам, дейман.

Бу гапдан сўнг опасингиллар бирбирларига қараб қолдилар. Оталари талаб қилаётган иш ҳаётда илгари ҳеч қўрилмаган бир иш эди. Аммо оталари шуни истарди.

Дастлаб Сафийя бошлади:

— Ярим тунда йўл ўртасида туриб бир ўлим хабарини жар solaётган одамнинг овози кўзларимдан ёш оқизди. Шу замон кўзларимдан оқаётган ёшлар инжу доналари каби ёноқларимга думалаб туша бошлади. Бу нола асло ожизлик ва кучсизлик нималигини билмаган, ҳаммага инкор этиб бўлмайдиган даражада фақат ва фақат яхшилик қилган улуғ бир зот учун; ҳар томонга эзгулик улашган, катта обрўэтибор ва шарафнинг меросхўри, «Шайбатул хайр» деб ном олган Абдулмутталиб учундир?

Одамохун, мард, диёнатли бир киши, унга етадигани оламда йўқ! Басавлат, кенг елкали, суяги йирик, қавми орасида хурматга сазовор бир киши! Уйи мусофиirlар учун доимо очиқ, кенг ва ёруғ уйдир. Қаҳатчилик кезлари оғир аҳволга тушганлар учун баракали бир ёмғир каби эди. Бениҳоя жўмард, сахий: қуллар ҳам қул эгалари ҳам унга муҳтоҷ бўлмай иложи йўқ. Агар шоншараф туфайли киши абадий яшаса, бу киши Абдулмутталибдан бошқаси бўлолмас эди. Аммо дунёда ҳеч ким абадий яшамайди...

Абдулмутталиб Сафийянинг айтувини дикқат билан тинглади.

— Шундай деб йифлайсанми, Сафийя?

— Отажон, тилим бормайди, нега бизни бунча қийнайсиз?

— Йўқ, йўқ, ахир ўзинг ҳам айтяпсанку, дунёда абадий қолиш йўқ, деб.

Шундан кейин Баррага ўгирилди:

— Сен нималар дейсан, Барра?..

Барра кўзларидан оқсан ёшларни артди, сўнгра марсиясини бошлади:

— Эй кўзларим, аслинасли покиза, табиати хуш, сўралганда зиқналик қилмаган бир шараф эгаси учун кўйикўп инжулар сочиб, менга ёрдамчи бўлинг. У доимо уйида мусофиirlар учун ўчоқ ёқилган, мусофирини очиқ чехра билан кутиб олган мартабаси улуғ бир киши, яъни, Шайбатул ҳамд Абдулмутталибdir. У карам соҳиби, иззат, шараф, чин фазилат эгаси, юмшоқтабиат, мусибатлар кўпайганда сахийлиги, эхсони ортадиган зотдир. Қавми орасида ой каби чараклаган бир фазилат соҳиби бўлганидан муноқашасиз тан олинган кишидир. Унга ўлим ўтган йиллар ва тақдир аброр қилмаган ҳолда, соппа-соғломлигига келиб ёпишди...

Барра марсиясини тугатди. Абдулмутталиб Отикага ўгирилди:

— Сен нималар дейсан, қизим?

Отика марсиясини бошлади:

— Кўзларим, ёрдамчи бўлинг менга. Сирасира зиқналик қилмангки, ҳамма уйқуга толгандан кейин тўйиб-тўйиб йифлайин...

Кейин Умму Ҳаким Байзо, Умайма ва Арво марсия айтдилар.

Абдулмутталиб уларнинг марсияларини диққат билан тинглади. Уларга чин дилдан самимий миннатдорлигини билдириди.

Кечқурун овқатланганларидан кейин болаларининг ҳаммаси Абдулмутталибнинг қошига келиб ўтирилар.

Куруқшаган лабларини биринки қултум Замзам суви билан хўллагандан кейин уларни фахрланса арзигудек килиб вояга етказганига шукронга билдириб, дилидагиларни тилига чиқарди:

— Энг катта ташвишим қўзимнинг нури, суюкли набирамни... — шундай дер экан, Муҳаммадга қаради, —ким боқади, қандай боқади? Қани, гаиринг, ким уни ўз паноҳига олади?

Энг катта ўғли Ҳорис жавоб берди:

— Ҳар биримиз унга ўз фарзандимиздек қараймиз. Уйимизда юрганидан фақат хурсанд бўламиз, отажон. Абдулмутталиб бу сўзлардан мамнун бўлган эди.

Ўғилларидан Зубайр, Абу Толиб ва Абдуллоҳнинг оналари бир бўлиб, Бани Махзум қабиласидан Фотима бинти Айз эди.

Абдулмутталиб Муҳаммадини мана шу икки амакисига тошнириб кетинши мақсадга мувофиқ деб биларди. Бошқа болаларидан ҳам унга нисбатан фақат яхшиликни кутсада, буларни афзал кўришининг боиси Абдуллоҳ билан оналарининг бир эканлиги эди.

— Мен ҳаммангиздан хурсандман. Ичингиздан қайси бирингизга буюрсанам ҳам, уни ўз паноҳига бажонидил олишларингизга аминман. Фақат Абу Толиб билан Зубайр Абдуллоҳга туғишган қардош бўлганлари учун қуръя уларга ташланиши керак, деб ўйлайман.

Шундан кейин ёнида жимгина турган невараасига ўгирилди:

— Сен қайси амакингни танлайсан, ўғлим? Муҳаммад бу саволга жавоб бермади, дарров ўрнидан турди ва бориб Абу Толибнинг қучоғига отилди. Бу орада ташланган қуръя ҳам Абу Толиба чиқиб, масала узилкесил ҳал бўлди.

Абу Толиб анчадан бери орзу қилиб келган ниятига етган кишидек жуда хурсанд бўлди. Хайрлашаркан, Абдулмутталибнинг рухсати билан жиянини етаклаб уйига олиб кетди. Шу шарт биланки, ҳар куни бобосининг олдига келиб туради.

\* \* \*

—Фотима!

—Тинчликми, ё Абу Толиб?

—Қара, кимни олиб келдим...

Фотима уйдан чиқди, хўжасининг ёнида Муҳаммад турарди. Эгилди, ёноқларидан ўпди.

—Хуш келдинг, болам, — деди.

—Хушвақт бўлинг, янгажон.

—Фотима, энди Муҳаммад биз билан туради. Бизнинг ўғлимиз бўлади.

—Накадар яхши хабар келтирдингиза, ё Абу Толиб.

Шундан кейин яна эгилди, қайта қучоқлаб ўпди.

—Хонадонимизга хуш келдинг, ўғлим, энди мен сенга оналик қиласман. Сен мен учун ўз ўғилларимдан ҳам севимлироқ, қадрлироқ, азизроқ бўласан, жигарим.

Бу сўзлар самимият тўла бир қалбнинг ифодаси эди. Том маънода севги, меҳршафқат ва марҳаматга тўлиқ эди бу юрак. Муҳаммадни туғилган кунидан бошлиб яхши кўриб қолган эди Фотима. Уни кўрган, таниган одам борки, ёқтириб қолиши турган гап эди.

Ҳали шу ёшга кириб ота юзини кўрмаган, онадан барвақт етим қолган, аммо тимсоли йўқ бир кўрқ, мукаммал бир одоб ва тарбия эгаси бўлган бу гўдакка шу кунга қадар доим шафқат ва марҳамат назари билан боқсан, бу шафқат ва марҳамат вақт ўтиши билан таъриф этиб бўлмайдиган бир меҳрмухаббатга айланган, ўз онаси каби севиб қолган, ўз онаси каби қўнгли хуш бўлган эди. Ҳошим ўғиллари орасида яшнаб очилган, сўлмайдиган бир гул эди у.

Абу Толиб уйига барака ва саодат келгани ҳақида Фотима билан ҳамфир эди. Ўша кеча

отасининг касали оғирлашганидан тилкапора бўлган юраги, айни пайтда, бошига саодат тожи кийдирилгани тўғрисидаги ишончга ҳам тўлиқ эди. Ётогига кирганида ҳам, кўнгли дам отасида бўлар, ғам чекар, дам суюкли жияни ҳақида ўйлар, унинг қошига келиб хузурхаловат топар эди.

\* \* \*

Кўп ўтмай Абдулмутталиб вафот этди. Маккани мотам чулғаб олди. Халқ том маънода қаттиқ қайғуга чўмган эди. Чунки Абдулмутталиб кучга, зўравонликка, қудратга эмас, адолат, эзгулик ва саховатга таяниб иш кўрарди. Бутун ҳаёти давомида фақат жиноятга ва жиноятчига, фақат ёмонга ва ёмонликка қарши курашди, доимо олижаноб кишилар, одоб ва фазилат соҳиблари бўлганлар сафида, энг олдинда турди. Доимо эзилганларнинг ёрдамчиси бўлди, етимлар, бевалар уни ўзларининг пуштипаноҳлари деб билдилар. У фақат Ҳошим ўғилларининг эмас, балки бутун қурайшларнинг ҳам бошлиғи ҳисобланарди. Унга қарши мартаба талашиб чиққанлар ҳам, зўравонлик қаршисида эмас, балки қаердан келгани номаълум бўлган қандайдир маънавий кучларнинг Абдулмутталибга ёрдам бераётганини кўриб, ортиқ баҳсласишишга журъат қилолмасдилар. Масалалар доимо Абдулмутталибининг фойдасига ҳал бўлар, бу эса бориббориб уни Макканинг ҳокими, қурайшларнинг бошлиғи бўлишдек юксак мартабага кўтарган эди.

Ҳошим ўғилларининг уйидан фарёд кўтарилиди. Бу фарёд саксон йил типпатик турган, тобора янтбяшнаган, илдизлари халқнинг кўнглидан чуқур жой олган азамат бир дарахтнинг кулаганини билдирарди. Бу азамат дарахт қанчаданқанча йўловчиларга ўзининг соясида ором берган, қанчаданқанча бевабечора, етимесирлар<sup>^</sup> ушбу дарахтнинг меваси билан озиқланганлар.

Йифисиги тезда Ҳошим ўғилларининг хонадонидан ошиб, Умайя, Маҳзум, Оди, Зухра... ўғиллари деб аталувчи бошқа хонадонларга ҳам кўчди. Қисқа вақт ичида улардан ҳам ўтиб, яшин тезлигида бутун Маккага таркалди.

Абдулмутталиб ўлди... Абдулмутталиб ўлди...

Икки жумладан иборат бу қисқа, аммо ўта машъум хабар ҳар кирган қулоқни қоматга келтириди, ҳар эшишган кўнгилни ларзага солди. Кекса ҳам йиғлади, ёш ҳам; хотин ҳам йиғлади, эркак ҳам; Макка шаҳрини ғамандух булувлари қоплаб олди.

Абдулмутталибининг жасади сидр дарахтининг япроқлари билан ювилди. Бу унга бўлган хурмат туйғусининг бир ифодаси эди. Шу кунга қадар Маккада ҳеч бир шахснинг жанозаси учун бундай иш қилинмаган эди. Шаҳар ичида очик бўлган биронта ҳам тижорат жойи йўқ эди, ҳаммаси ёпилди. Бундан кейин дўконлар, бозорлар бир нечча қунгача ёпиқлигича қолди

Энг нафис яман матолари билан ўралган жасад тобути билан биргаликда кўтарилиди. Қўлмақўл олиниб, уйдан олиб чиқиб кетилди. Ортидан сонсаноқсиз одамлар эргапшб, Ҳожун қабристонига йўл олдилар.

Йиғлаб кетаётган одамлар орасида юраги ўртанган бир гул юзли гўдак ҳам бор эди. Кўзларидан ғамандух ичида нурли ёшлар томчилаётган бу бола унинг учун йиғлашга ҳаммадан кўра муносиброқ эди. Чунки унинг энг кўп севган кишиси мана шу бобоси эди. У шундай бир қария эдики, неварасининг оламларга раҳмат бўлгани ҳақида хушхабар келган кунларни кўрмади, аммо унинг ана шундай олий мақомга лойиқ бўлишига ишонди, севилиши ибодат ҳисобланган бу зотни гўдаклик чоғидаёқ кашф этиб, телбаларча яхши кўрди. Бутун инсониятга, дунё ва охират саодатининг раҳбари бўлажак пайғамбаримизга ота-онасиз қолишнинг Ал-Амини унуттириди, ёлғизлик, етимликнинг ҳасратларини тиндириди. Буюк Оллоҳ унга мана шундай муқаддас вазифани берган эди.

Умму Айман ҳаммани доғу ҳасратда ташлаб кетаётган хўжайинининг ортидан ёшли кўзлари билан тикилиб қоларкан, кўпчиликнинг орасида яна бир жуфт ёшли кўзни кўрди. Бу икки йил олдин Абвода онасининг жанозасидан қон йиғлаб олиб келган, бағрига босиб илк бор тасалли бергани Муҳаммад эди.

«Қани ўғлим? Мен усиз овқат емайман», дея очликдан қийналса ҳам, Муҳаммад келмагунча овқатини емайдиган қариянинг ортидан Умму Айман ҳам хўнграбхўнграб

йиғларди... У бир етимга бўлган бу меҳршафқати ва марҳамати боис дунёда юз йиллар давомида унutilmas бир шарафни қолдириб кетастган эди. Дунёning ҳеч бир бурчагида тенги йўқ муборак бир сувни қайта кашф этиб, чидаб бўлmas жазирамада қоврилаётган халққа ҳадя этиши ҳам унинг мартабасини янада оширган эди.

Бир иайтлар туяда амакиси Мутталибнинг орқасига минганиб Ясиридан келган кичкина бир бола ва «Бу ким?» деб сўраганларга ҳазил аралаш: «Абди» (қулимдир) жавоби берилгани учун Абдулмутталиб (Мутталибнинг қули) лақабини олган, асли исми Шайба бўлган мана шу қария, эндиликда ҳамشاҳарларининг елкасида дунёни тарк этаётган эди. Гарчи халқ берган бу исмнинг маъноси «Мутталибнинг қули» дегани бўлсада, худди «Макканинг ва Қурайшнинг хомии» каби янгарди.

Эҳтимол, унинг асл исми унutilmasин деганлар курук «Шайба» дейишни муносиб кўрмай, «Шайбатул хайр», «Шайбатул ҳамд» деган бўлсалар ажаб эмас.

Сўнгги вазифасини адо этиш орзуйи билан ортидан борганлар унинг буюк бобоси Қусай кўмилган жойга — Ҳожун қабристонига элтдилар. Мотам сўzlари, йиғисиғи остида уни шу ерга дағн эдилар.

Дунёда севилиши ибодат ҳисобланган, башариятнинг ҳузурхаловат ва саодат раҳбари бўлган пайғамбарлар сарварини чексиз бир муҳаббат билан яхши кўрган, унга бекиёс меҳршафқат ва марҳамат билан қучогини очган бу кекса охиратда қандай шарафга мұяссар бўлажак, қандай кутиб олинажак?

Сарвари оламнинг даъволарига чек кўйиш учун бор кучкудратини ишга солган Абу Жаҳл, Абу Лаҳаблар каби у ҳам жаҳаннамга борадими? Ёки Ҳабиби Адибига қилган беминнат хизмати, кўрсатган меҳршафқати учун ҳар нарсага қодир Оллоҳнинг раҳматига сазовор бўладими?..

Шу сатрларни ёзар эканмиз, бу қарияга салому саловотларимизни йўллаймиз.

Оллоҳ чексиз марҳамат, битмастуганмас меҳршафқат соҳибидир.

## VI АБУ ТОЛИБ ХОНДОНИДА

Абу Толиб Ҳожун қабристонидан қайтганида қўзлари тинимсиз оқкан ёшлардан қинқизарib кетган эди. Ўз отасини, хоссатан, Абдулмутталибек тенги йўқ бир отани қора тупроққа топшириш осмонми, ахир?! Ўзи ҳам уйжойли, камолатга етган бир киши, оила бошлиғи эди, лекин ушбу аччик дамларда ўзини ҳимоясиз қолган, етим бир боладек ҳис этди. Бу ҳол узоқ давом этмади. Узоқ давом этиши мумкин ҳам эмас эди. Чунки унинг ўзики ҳимояга мухтож бўлса, ҳимояси остидагиларнинг, том маънодаги етимесирларнинг ҳоли не кечади?

Ўша куни кечқурун Абдулмутталибнинг уйида бўлган катта оиласидан йиғинда бир овоздан Абу Толиб оила бошлиғи этиб тайинланди. Энди у Ҳошим ўғиллари хонадонининг раҳбарига айланди. Бу деган сўз, энди у отасининг ўринини эгаллаган эди. Фарқи Абдулмутталиб қурайшнинг барча уруғлари томонидан сайланган, юксак ҳурмат кўрсатилган бир мавқе соҳиби эди. Абдулмутталибнинг ўғли ва Ҳошим ўғилларининг раиси ўлароқ Абу Толиб ҳам отасидек обрўэътибор, шоншарафга сазовор бўлиши учун ҳали вақт керак, отасининг йўлидан шаҳдам одимлар билан юриши даркор эди.

Шу ҳафтада унинг уйига қўчиб ўтган суюкли жиянига том маънода чуқур меҳрмуҳаббат ҳиссини туярди. Бу меҳрмуҳаббатнинг уч сабаби бор эди. Ҳаётининг айни баҳор чоғида бегона юртда хазон бўлган севимли укасининг ўғли эканлиги; унинг бошқа болаларникига ўхшамаган мукаммал бир одоб ва тарбияга эгалиги буларга қўшимча тарзда, буюк Оллоҳнинг уни ўзига хос бир муҳаббат билан севдириши.

Абу Толиб бир куни шу хусусда хотини Фотимаи Асадиййага гапирди.

— Отам бу болани деб девона бўлар, усиз туролмас эди. Энди бу ҳолат менга ўтганга ўхшайди. Менингча, унинг тақдирни ўзига хос бўлиши керак. Биз бу тақдирнинг хизматчиларимиз, — деди.

Фотима ҳам унинг фикрини тасдиқлади:

— Тўғри ганирятсиз, Абу Толиб. Мен ҳам шундай ҳолатни бошдан кечирмоқдаман. Ҳатто ўз болаларимдан ҳам ортиқ кўраман шу Мухаммадни. Баъзан ўйлаб қоламан ва ўзимдан сўрайман: «Ажабо, тукқан онаси Омина ҳам бу гўдакни мен севганчалик яхши кўрармиди?» Бу ҳақда сизнинг фикрингизга тамомила қўшиламан. Дар ҳақиқат, унинг учун тайин этилган алоҳида тақдир бўлса керак. Биз ушбу тақдирнинг хизматчилари, аммо шарафли хизматчиларимиз. Умрим бўйи шу гўдакка хизмат қиласам ҳам, асло оғринмайман.

\* \* \*

Фотима хоним кунлар ўтгани сайин ўз фикрининг накадар тўғри эканлигига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қиласди. Чунончи, бу гўдак ухлайдиган ёток, у ўтирган хона, кийган кўйлаги мушку анбарлар сингари хушбўй ҳид таратарди. Ўз болалари ўрнидан қовоғи солинган, кўзлари шапақланган ва, кўпинча, тажанг бўлиб турганлари ҳолда, Мухаммад уйқудан турганида кўзлари топ-тоза, юзи гул суви билан чайилгандай тиник бўларди. Ўз болалари оч куртқумурсқалардай дастурхонга хужум қиласидар, у эса, ҳамманинг дастурхон атрофига ўтиришини, овқатга аввал катталар қўл узатишини кутади, овқатни шошибишиб, талашиб эмас, ҳатто катталарга ўрнак бўладиган даражада одоб ва камтарлик билан ейди. Қизи Умму Хонийнинг, ўғли Оқил ва бошқа болаларининг ҳам унга ўхшашини нақадар исташини билсангиз эди. Ҳаммадан қизифи, бу гўдакнинг шу қадар гўзал ахлоқ ва одоб, тарбия ва камтарликни кимдан, қаердан ўргангани эди. Чунки шу кунгача худди кўчманчилардек ҳаёт кечирди. Эндини саккиз ёшга тўлган бўлишига қарамай, учта бошқабошқа оилада тарбия топди. Аввалин, Саъд ибн Бакр қабиласида Ҳалималарнинг, сўнгра онасининг ва, ниҳоят, бобосининг қарамоғида бўлди. Учта бошқабошқа оилада тарбияланишнинг ижобий эмас, одатда салбий таъсири бўлиши керак эди. Шундай муҳитда ўсишига қарамай, ҳамма қатори бир бола бўлишининг ўзи ҳам катта гап эди. Сўнгги икки йил давомида, бобосининг қарамоғидалиги чоғида бир сўзи икки бўлмади. Етим бир боланинг бундай шароитда тантиқ, инжиқ ва ўжар бўлиб кетиши турган гап эди. Шунга қарамай, катталарнинг ҳавасини келтирадиган даражада одобга эга бўлганини эътироф этиш сира ҳам муболага эмас.

Бир кеча эрхотин орасида шундай сухбат бўлиб ўтди:

— Бир нарсани сезяисизми, эй Абу Толиб?

— Хўш, нима экан, эй амакимнинг қизи? Уйимизга кун сайин барака кирмоқда. Мухаммад,

уйимизга келган кундан бери дастурхонга тортилган онқат, кам бўлса ҳам, ҳаммага етмоқда.

— Ҳа, гапинг тўғри, хотин. Бу ўзгаришни мен ҳам анчадан бери сезиб юрибман. Очигини айтсам, Мухаммадни бу ерга олиб келаётганимда, уйимизнинг торлиги мени ўйлатиб қўйган, икки луқма кам овқат еймиз энди, деган эдим. Аммо, аксинча, дастурхон атрофидан олдингидан ҳам кўра тўйиброқ турмоқдамиз, шундай эмасми?..

— Мен шунга аминманки, Мухаммад уйимизга ўзи билан бирга барака ҳам олиб келди. Кеча уни Зубайр уйига олиб кетганида, дастурхонга ҳар кунгидай овқат қўйдим, болалар тўймадилар. Ўзим ҳам ярим оч қолдим.

Абу Толиб хотинининг сўзларини тасдиқлади:

— Уйимизга бараканинг кириши бевосита жияним билан боғлиқ эканлигига энди шакшубҳа йўқ.

Шу кундан кейин дастурхон атрофига ўтирган болаларнинг овқат келиши билан шошибишиб қўл узатишларига чек қўйилди. Абу Толиб бу масалада ўз болаларига сира ҳам мурувват қилас, «Шошилманг, олдин Мухаммад келиб ўтирсин», дер, овқат ейишни олдин

унга бошлатиб, сўнгра болаларининг дастурхонга қўл узатишига рухсат берар эди.

Бир куни Фотима хоним дастурхонга бир киши зўрға тўядиган миқдорда озгина сут қўйди. Сут ичиб бўлингач, овқат тортилиши керак эди. Ҳар доимгидек, аввал нур юзли Мухаммад ичди. Аммо сут халивери тугайдиганга ўхшамасди. Дастурхондан ҳамма тўйиб тургандан кейин ҳам яна бир кишига етадиган миқдордаги сут ҳеч қўл теккизилмагандек турарди. Нигоҳлар бирбирлари билан тўқнашди, маъноли қараашлар билан бирбирларини англадилар.

Умму Айман унинг овқатга бўлган қизиқиши ҳақида шундай деган эди: «Болалигида бирон марта очликдан ёки чанқоқлиқдан шикоят қиласини эшигтан эмасман. Эрталаб бир култум Замзам сувидан ичарди, унга овқат бериш учун чиққанимизда, «Егим келмаяпти, қорним тўқ», деб жавоб берарди».

Абу Толиб жонидан ортиқ суйган жиянининг оиласи маддий кулфат келтирмаслигига, аксинча, маддий ёрдам келтирганига катъий юпонч ҳосил қилди. Баъзан ўзи учун солинган ўринга суюкли жиянининг келиб ётганини кўради, бу ҳолни кулимсираб қаршилайди. Баъзан ўзи ҳам унинг ёнига чўзилади, Мухаммаднинг ёқимли ҳидига маст бўлиб уйқуга кетади.

Абу Толиб меҳрумхаббати зиёдалиги билан ҳам отасининг ўрнини эгаллай бошлади. Кун сайин жиянига бўлган меҳрининг ортиб бораётганини оддий сўз билан таърифлаб бўлмайди. Эртанги куннинг энг буюк кишисини ёлгиз қолдиришни истамаган буюк Оллоҳ Абдулмутталибдан сўнг бу дафъа Абу Толибнинг кўнглини унга bogлагan, меҳр оташини унинг юрагида ёндириган эди. Жияни бўлмаса, ўз фарзандлари билан овуна олмас, юраги сиқилиб кетар эди.

«Оёғига бирон тикан кирсая» ёки «Бошидан офтоб ўтиб, гул юзини қўйдирсанчи» ёхуд «Болаларимдан биронтаси қўпол муомала қиласая» ёки «Маҳалланинг беодоб болалари уи хасра қилишсанчи...» каби миясидан ўтган минг хил фикрлар ичини кемира, кўз олдида бўлмаса, безовталанаверар, ҳеч хотиржам бўлолмас эди. Қисқа муддат ёнида бўлмаса, кўнгли ҳам у билан кетар, у қошига келгач, енгил нафас олар ва қалби осойиш топар эди.

Хоҳ Абдулмутталибнинг, хоҳ Абу Толибнинг бўлсин, унга нисбатан меҳршафқат ва марҳамат туйғуси бир отанинг ўз фарзандига бўладиган меҳрумхаббатидан ҳам ортиқ эди.

Абдулмутталибнинг ўғиллари ичида салобати ва тадбиркорлиги жиҳатидан энг кўп ўхشاши Абу Толиб эди. У акаукаларининг энг каттаси эмас эди. Энг камбағали эди, десак ҳам, хато бўлмас. Молмулки йўқ эди. Бир нечтагина туяси бор эди. Ана шу туяларнинг сутини истеъмол қилиб, кун кечирадилар. Тижорат иши билан камданкам шуғулланар, рўзғор учун зарур миқдордагиқа маблағ топиб келар эди. Аммо юраги кенг, кўнгли бой эди. Ҳеч кимга ҳасад қиласди. Кўп кишилар ортиқ даражада ружу қўйган ичкиликнинг томчисини ҳам оғзига олган эмас, зино билан ҳеч иши бўлмаган эди. Бу жиҳатдан ҳам отаси билан айни бир фикрда эди. Сўзлари эътиборга лойиқ, бемаъни гап ва бехуда ишдан қочар, ожизларга ёрдам берар, мазлумларни ҳимоя қиласди, эзилганларга ҳамдард бўлар, ғариларга йўл кўрсатар, ҳеч кимнинг дилини бехуда оғритмас эди.

Мана шу сабаблар туфайли ундан бойроқ, ёш жиҳатидан каттароқ бўлган акалари у ёқда қолиб, Ҳошим ўғиллари унинг атрофига тўпланишни маъқул қўрдилар, уни ўзларига оила бошлиғи этиб сайладилар.

У, албатта, айнан Абдулмутталибнинг ўзгинаси эмас эди. Аммо астасекин отасининг изидан эргашиб бораётган эди. Бу кетишда бутун Макка халқи ҳурмат қиласидиган бир хоким бўлинги ҳам турган гап эди. Мансаб ва мартаба уни қизиқтириласди. Зотан, уни ота йўлидан бошлаётган сабаб ҳам шу эди.

Энг камида Ҳошим ўғилларининг бошлиғи ва етакчиси бўлган Абу Толиб жиянига туйған бекиёс меҳрумхаббати боис болага айланар, уни хурсанд қилиш учун ҳар қандай фидокорликка тайёр эди.

Шу маънода Фотима хоним ҳам хожаси Абу Толибдан сира қолишмасди. Бу шунчаки бир

мусоғирга кўрсатиладиган иззатикром ёки бир етимга таскин беришлик эмас, ёинки назокатлиликнинг намойиши эмас эди. Ишқ оташ даражасидаги зўр бир муҳаббат эди. Юрагида она ўз фарзандига нисбатан туйдиган покиза туйғулар жўшарди унинг.

Фотима хоним ўз болаларидан олдин уни ювинтирас, соchlарини тарап, ўрнини солиб берар эди. Ҳар доим унга сидқидилдан меҳр билан хизмат кўрсатарди. Чунки у келган кунидан бери ўз болаларига ўхшаб, ийққанини тўзитиб ташламади, айтилган гапга қулоқ солди, берилган саволга ҳозиржавоб бўлди, буюрилган ишни сўзсиз бажарди. Жанжалтўполон қилимади, шовқин солиб уйни бошига кўтартмади. Фаришталардек рухи пок, юзи нурли, кийимлари озода.

Ўз болалари эрталаб кийиб чиқиб кетган кийимларини кечқурун чангтупроққа белаб, кирчир қилиб келап эканлар, унинг топтоза, гулдай очилиб келишига нима деса бўларди? Чакирилмаса ҳам, янгасига ёрдам бериш учун югуриб келиши, олдиндан худди ианднасиҳат қилингандек ақлга, мантиққа уйғун равишда иш тутиши уни севдирмай кимни севдирсин?

Яна, айни маҳалда, Буюк Яратувчи Фотиманинг қалбига ҳам ҳоким бўлганлигини унумаслик лозим!

Абу Толиб қаерга борса, жиянини ҳам бирга олиб кетар, доим ёнида бўлишини истар эди. Эрталаб уйғонгани заҳоти унинг уйқудан тургантурмаганини текширади, уйғонадиган иайтини сабрсизлик билан кутади...

## БУЛУТЛАРГА ҚИЛИНГАН ИШОРА

Бир ёз мавсуми бу диёrlарга қурғоқчиликни келтирди. Одамлар ҳар куни эрталабдан осмонга тикилишар, бир парча булат кўриниб қолармикан, деб умид қилишар эди. Оқшом тушиб, қош қорайганда яна булатсиз — ёмғирсиз ўтган куи учун ғамандух... Каъбанинг атрофини ўраб турган сонсаноқсиз бутлар энди бирон ишга ярамайди, деган тушунча тобора кўпроқ кшниларнинг онгини эгаллай бошлади.

Куилардан бир куни бойлардан бирининг эшиги очилиб, ундан бир қул чиқди. Қўлида бир товоқ тўла қаймоқ бор эди. Каъба томонга тўғри йўл олди. Юзида акс этаётган ифодани тушуниш қийин эди. Юраги сиқилган, истаган нарсасига эрииголмаган бир кишига ўхшар эди. Каъбагача келди. Бир тўда бутларнинг орасидан ўтди. Хўжайини исмини айтган бутнинг қошига борди, товоқни унинг олдига қўйди ва орқасига қайрилди.

Бу қаймоқ хўжайини томонидан, ёмғир ёғишига шафоатчи бўлар, деган умидда бу бутга берилган бир норадек гап эди. Эҳтимол, бу қаймоқнинг хурмати учун еру кўкнинг эгаси бўлган Улуғ Мавлога ёлворар, ёмғир ёғдириш изини олар.

Қул купқуруқ жонсиз тошнинг олдида истаристамас қолдирган қаймоқдан ҳеч кўзини узолмасди. Шу тариқа ўн беш қадамча орқага юрди, ўтири: жуда ғамгин эди. Бу биринчи марта келиши эмасди. Шу кунгача қанчақанча тансиқ нознеъматлардан олиб келган, бу жонсиз тошнинг олдига юраги ачишаачиша қолдириб кетган. 96

Умри бўйи жондили билан хизмат қилган бу уйда ўша хошчалик қадри, ҳурмати йўқ эди унинг. Шу товоқда келтирган қаймоқдан на бирон марта татиб кўрган ва на татиб кўршн учун таклиф этилган. Қаймоқ ўрнига еган калтакларининг эса, сонсаноғи йўқ. Елкасида еган калтакларининг қаторқатор излари бор. Доимо беминнат хизмат қилган, хизмати эвазига хўрланган, камситилган, урибдўппосланган. Ҳолбуки, бу жонсиз тошнинг у оиласа берган ҳеч қандай фойдаси йўқ. Аммо дунёқараши тор бўлган хўжайини ҳар сафар фурсати келганда, энг тансик нознеъматларни унга жўнатишдан тийилмас эди.

Мабодо эшитиб қолсалар, қамчилар остида ўлдириб юбормасликларига ишончи йўқ, бўлмаса, ўтириб бу қаймоқни маза қилиб ейишга рози эди у. Аммо юракюрагигача сингиб кетган кўркув ҳисси бунга йўл қўймади.

Ўтириб, ғамандуҳ ва ҳасрат билан қаймоққа қарай бошлади. Кўп ўтмай, югуриб келган бир кучук қаймоқни тўйиб, зўр иштаҳа билан паққос туширди. Салдан кейин оёгини кўтарди ва бутнинг устини булғаб, яна югуриб кетди.

Кулнинг бутун вужуди титраб кетди, юрагига муздай сув сепилгандек бўлди. Ичи ёнди. Чунки оғзининг суви оқаоқа, хидлабҳидлаб келтирган, аммо бир луқма олиб ейишга ҳам журъат қилолмаган қаймоқ бир кучукнинг нафсиға ем бўлган эди. Аммо шундан кейин итнинг тап тортмай, бутни хўллаб кетиши унга берилган жазо, ундан олинган ўчдай таъсир қилди.

Турли бемаъни одатларга бой бу шаҳарда қанчаданқанча озиқовқат, совғасаломлар бутларга ҳадя этилар, аммо нознеъматларнинг ҳузурини дайди мушуклару итлар кўрар эди.

Эрта тонгдан бошлаб куни бўйи, баъзан кечалари ҳам қошлирига келиб, сажда қилиб, ёмғир сўраганлар етарли даражада ёлворганликларига, лозим бўлган даражада илтижо этганликларига ишонгач, у ердан кетишар, аммо келганларида қанчалик лоқайд ва сокин бўлсалар, кетганларидан кейин ҳам шунчалик ҳиссиз қолган бутларнинг устларини хўллаб кетадиган итларни қувиб юборишга ҳам ожиз бўлган тош парчалари эканликларига ё акллари етмас, ё парво қилмас эдилар.

Берилган ҳадялар, қилинган назру ниёзлар, ҳаммаҲаммаси бекор кетди. Кўкда ҳамон на бир парча булат, на ёмғирдан дарак бор эди. Ер яна сувга чанқоқлигича ҳасрат ичида қолди. Ҳайвонлар очлиқдан азобланиб, сувсизлиқдан қийналиб қолавердилар.

Қаерда бир суҳбат ёки йигин бўлса, ягона муаммо қурғоқчилик эди. Кўлдан келган барча чоралар синаб кўрилгани, аммо ҳеч қандай натижага эришилмагани баҳс этилар, илоҳларнинг кўнгилларини ололмаганлиқларидан сўзлашар эди. Бу орада икки йилча олдин Абдулмутталибнинг Абу Қубайсада ўқиган ёмғир дуосини эсладилар. Ҳозир орамизда бўлса эди, яна ёмғир дуосига чиқишини таклиф этардик, деганлар бўлди. Ахийри Ҳошим ўғилларининг йўлбошчиси Абу Толибга илтимос қилишга қарор берилди. Нима бўлганда ҳам Абу Толиб Абдумутталибнинг ўғли эди. Унинг қони жўш уради юрагида.

Абу Толиб уйига келган бир қанча қурайш қарияларини илтифот билан ичкарига таклиф этди. Саломлашдилар. Келганлардан бири:

Сенинг ҳузурингга бош уриб келишимизнинг асл сабаби, эй Абу Толиб, ёмғир дуосига чиқишини сўрашдир. Ўзинг ҳам кўриб турганингдек, сувсизлиқдан қирилаётимиз. Ҳайвонларимиз ҳолдан тойди. Биз учун ёмғир дуосига чиқсанг, қандай бўларканан?!

Абу Толиб бу таклифни ўринли деб топди: — Бажонидил розиман. Аммо бизнинг кучимиз дуодан бошқасига етмайди.

Салдан кейин уйидан чиқди. Ёнига суюкли жиянини олиб, йўлга тушди. Каъбага келди, Каъбанинг деворига суюнди. Бошини кўтарди ва дуо қила бошлади. Халқ унга қўшилиб тақрортакрор «Омин» деб турди.

Хар доимгидек, бу кун ҳам осмон булатсиз эди. Дуо қабул бўлган тақдирда иккиуч кун ичида ёмғир ёғиши мумкин эди. Абу Толиб бутларга эмас, Жаноби Ҳаққа илтижо қиласарди. Зотан, улар Жаноби Ҳақнинг борлигини тан олишар, бутларни эса, Оллоҳ таоло билан одамлар ўртасидаги воситачи, ҳомий деб билар эдилар.

Шу аснода Абу Толибнинг ёнидаги маъсум гўдакнинг ҳам кўлларини кўтариб, бармоқлари билан кўкка ишора қилгани маълум бўлди. Бу инюра билан кўкда кўринган бир нарсани кўрсатардими ёки Буюк Яратувчи томонидан кўтарилган эдими у қўлчалар? Бу ҳақда ҳеч ким билмайди. Аммо яхшилаб қараганларида, Муҳаммад бармоғи билан кўрсатган томонда бир булатнинг уфқдан ошиб ўтгани ва шамол тезлигига илгарилаб келаётгани кўринди. Орқасидан тақрор ва тақрор пайдо бўлган булатлар уни таъқиб эта бошладилар. Кўп ўтмай, Макка устини қора булатлар қоплади. Абу Толиб ҳали дуосини тамомлаб ҳам улгурмаган эди. Пастга тушган бир неча ёмғир томчиси шодлик қичқириқларига сабаб бўлди. Баланд овозда янграётган «Омин» сўzlари бу сафар севинчга тўла эди. Ёмғир дуоси учун тўпланганларни ёмғир таркаб

кетишига мажбур этди. Юзлардан оқаётган томчилар ёмғир суви эдими ёки шодиёна кўз ёшларими, буни фарқлаш қийин. Гарчи дуони Абу Толиб ўқиган бўлсада, Қодир Эгамиз ёмғирни кимнинг хурмати учун берди?!

Абу Толиб бу саволнинг жавобини жуда яхши биларди.

\*\*\*

Ўша кеча кўпгина оилаларда Абу Толибнинг дуога чиққани тўғрисида баҳс юритилди. Зотан, дуони бошиданохиригача ўз қулоқлари билан эшитганлар бор эди. Улар Абу Толибнинг қайтақайта:

— Оллоҳим, ушбу маъсумнинг ҳурматига, Оллоҳим, бу етим ҳурмати... — дея ёнидаги нурли гўдакни шафоатчи қилганидан хабардор эдилар.

Улардан бири:

— Нима бўлса ҳам, у бола бармоқлари билан кўккаинюра қилгач, бўлди. Гўё кўқдан булутларни бу ёққа чорлагандек кўринди менга, — дерди.

Бошқаси:

— Бу болада бир гап бор. Икки йил олдин Абдулмутталибнинг дуосини эшитган эдим. У ҳам «Бу етимҳурматига...» деб дуо қилган эди, — деди. Аёллардан бири:

— Хўш, бутларимизчи? Бутларимиз нима қилди? — деб сўради.

— Нима қилардилар, ҳеч нарса, — деди унинг эри. Бошқа бири янада очикроқ қилиб айтди:

— Яъни, тош қотиб туравердилар. Ташқарида ёмғир ҳамон селдек куярди.

\*\*\*

Бир қуни Маккага машҳур башоратчи келди. Кишининг юзидағи, қўлларидағи йўлларга қараб унинг келажаги ҳақида маълумот берарди. Ҳар ким боласини унинг ҳузурига олиб кела бошлади. Унга кўрсатишди, гапларини жон қулоқлари билан тинглашди. Абу Толиб ҳам жияни билан биргаликда келган эди. Бу ерда уларнинг ҳам келиши тасодиф эдими ёки Абу Толиб жиянида зоҳир бўлган ва кун сайин ойдинлашаётган устувор хислатлар ҳақида гапириб, бу одамнинг қандай маълумот беришига қизиққанми? Бу нарса бизга қоронғи.

Башоратчининг атрофи худди ари уясига ўхшарди. У Ҳошим ўғилларининг етакчиси Абу Толибнинг ҳам ёнида бир бола билан келганини кўрди. Дарҳол ишини йиғиштириб, уларга ўгирилди. Аммо атрофдагилар уни ўз ҳолига қўядиган эмасдилар. Ҳар тарафдан бақирибчақириб, уларга қарашни сўрай бошладилар.

— Абу Толиб олиб келган болани ўтқазиб юборинг менинг ёнимга.

— Онанг қоқиндиқ, болам, Абу Толибнинг навбати ҳали келганича йўқ, менинг неварамии кўриб қўй.

— Ахир, унинг ёнидаги болада ғаройиб хислатларни кўряпман.

— Тушунарли, лекин бизнинг ишимизни ҳам эртага қолдирма.

Абу Толиб башоратчининг тўсатдан жиянига ўгирилгани ва бошқа болаларни кўришдан кўл силтаганини кўргач, «Яна бирон заари тегмасин», дея жиянига қайрилди:

— Қани, ўғлим, сен уйга боравергинчи, — деди.

У одам ҳар икки гапнинг бирида «Абу Толиб қаерда?» деб сўрарди. Бирдан уни кўриб қолди:

— Қаердасан, эй Абу Толиб?

— Кўриб турганингдек, шу ердаман.

— Ёнингдаги бола қани?

— Уйга жўнатдим.

Башоратчи ўрнидан турди. Абу Толибнинг қўлидан тутиб, бир неча одим четга олиб ўтди ва:

— У болага диққат билан қара, шуни яхши билгинки, у оддий бир бола эмас. Вояга етганда ҳам оддий инсон бўлмайди, — деди пичирлаб. Сўнгра Абу Толибга қаттиқ тикилди:

— Қасам ичаман, қайтақайта қасам ичиб айтаманки, сўзларим тўғри чиқади! — деди.

## ШОМ САФАРИ *Роҳиб Буҳайра*

Фил ҳодисаси содир бўлганидан бери ўн икки йил ўтган эди.

Ҳар йили ёз мавсумида Шом, қишида эса Яман томонларга сафарлар уюштирилар, карвонлар жўнатилар, шу тариқа савдосотик, тижорат ишлари юритилар эди. Аммо йўл ҳеч вақт хавфхатарсиз бўлмасди. Ҳаром ойларидан ташқари (ҳаром ойлари — зулқаъда, зулхижжа, муҳаррам ва ражаб) қилинган сафарларда куннинг барча — йигирма тўрт соати ичida ҳам қароқчилар хужумига учраш ҳеч гап эмас. Шунинг учун доим бундай хужумга тайёр туриш лозим эди. Бундан ташқари, карвоннинг бутун сафар давомида батартиб йўл юришини ташкил этиш ва таъминлаш, тўхташ ва йўлга чиқиш пайтларини белгилаб олиш, йўлда учрайдиган қабилалар билан учрашиб, уларнинг кўмагидан фойдаланиш учун бир йўлбошчига эҳтиёж бор эди.

Шу муносабат билан қурайшларга сўзи ўтадиган, ҳурмат ва эътиборга лойик бир киши карвонга бошлиқ этиб тайинланарди, ёнига эса, етарли даражада қуролланган аскарлар олинарди.

Бу йил карвонбошилик масъулияти Абу Толибнинг зиммасига тушди. Абу Толиб кучли ҳаяжон ичida эди. Чунки савдосотик билан шуғулланадиган қурайший борки, унинг карвонда озмиқўпми ҳиссаси бўлади. Маккадан чиқилгандан кейин нарибериси билан бирор икки ой давом этадиган бу сафар пайтида карвонга етадиган ҳар қандай зиёнзаҳмат учун у жавобгар бўлиши лозим. Бундан ташқари, мана, тўрт йилдирки, бирон кун ҳам ажralмаган суюкли жиянидан узокда бўлишини ўйларди.

Дастлаб Муҳаммадни ўзи билан олиб кетмоқчи бўлди. Аммо шу кунгача биронта ҳам карвон турли таҳликаларга, босқинларга учрамасдан йўл босганини ҳеч ким билмайди. Йиртқич ҳайвонларнинг хужумига ҳам дуч келиш мумкин эди. Шулар ҳақида ўйлар экан, уни олиб кетиши билатуриб хавфга қўйиш билан баробарлигини ҳис этди. Иккинчи томондан, жиянининг ёлборгувчи нигоҳларига дош беролмас, аммо сафарнинг оғир бўлиши мумкинлигини, йўл кийинчиликларини ўйлаб, уни ташлаб кетишни афзал ҳисоблар эди.

Абу Толиб то кетадиган кунларигача тараддуланиб юрди. Карвон йўлга чикадиган кун. Эндиғина тонг отган эди. Акаукалар Абу Толибни кузатгани келдилар. Неча кундан бери уни иккиланишига мажбур этган жияни бир бурчақда қимтиниб турарди. Унинг ҳам бориши ёки шу ерда қолиши ҳақида шу чоққача бирон оғиз гап айтилмаган. Ҳамма нарса тайёр бўлгач, Абу Толиб акаукалари, опасингиллари билан хайрлашди. Болаларининг, ниҳоят, нурли жиянининг ёноқларидан ўпди.

— Сизларни худога топширдим... — дея түясига минди. Шу пайт Муҳаммад туйга яқинлашди ва унинг жиловидан тортди. Маъсум нигоҳларини амакисига қадади:

— Мени ҳам енингизга олинг, амакижон. Msni ташлаб қаёққа кетяпсиз? Кимга ташлаб кетяпсиз мени? Ўзини зўрға тутиб турган Абу Толиб ортиқ дош беролмади.

— Қани, мин туйга, сени ҳам олиб кетаман. Қариндошлари бунга рози бўладиганга ўхшашмасди.

— Бундай бир кичкина гўдак йўл азобига қандай чидайди? Қолаверса, сафар чоғида дуч келиши мумкин бўлган хавфхатарларни ўзинг ҳам жуда яхши биласанку!

— Аммо мен унга йўқ дея олмайман.

— Болани била туриб оловга ташлай олмайсан. Абу Толиб жиянига ўгирилди:

— Қани, амакиларинг, аммаларинг нима демокдалар? — деди.

Муҳаммад туйнинг жиловидан маҳкам ушлаб олган, кўзлари намли, истагида қатъий эди.

Абу Толиб яна қариндошларига қаради:

—Олиб кетаман, — деди.

—Бўлмайди, эй Абу Толиб, асло рози эмасмиз.

—Худо ҳаққи, қарорим қатъий. Энди ундан ҳеч ҳам ажралолмайман!

Шундан кейин қўлини узатди, севинч билан узатилган кичкина қўллардан ушлаб туясиға мингаштирди ва кутиб ўтиrmай, юришга фармон берди. Карвон секинаста йўлга тушди, орқада қўллар силкинар эди.

—Муҳаммадга яхшилаб қара, эй Абу Толиб.

—Ой бориб, омон қайтинглар.

—Рашидун мадҳия... — каби овозлар бирбирига  
кўшилиб кетди.

Кун тиккага келганида, бир неча водийни орқада қолдирган карвонга илк бор тўхташ амри берилди. Жазира маисиқ тафтидан қайтгунча шу ерда дам олиниб, сўнгра яна йўлга чиқиладиган бўлди.

—Қалай, ўғлим, йўл ёқдими?

—Сиз билан бирга эканман, нега ёқмасин, амаки! Ўтирилар, бир неча дона хурмо едилар.

Абу Толиб

жиянининг устига чойшаб ёпди.

—Қани, энди бир оз мизғиб олгинчи, жигарим, — деди.

—Сизчи, амакижон?

—Мен карвонни кўздан кечириб чиқаман, сўнг ётаман.

Шундан кейин унга ором тилаб, карвонни текширгани ўрнидан кўзгалди.

Туялар чўккан, ҳамма бир тарафга тизилиб ўтирар эди. Абу Толиб соқчи тайинлашни лозим кўрмади. Чунки ҳозир ҳаром ойлари эди. Бу мавсумда қароқчилар хужум қилмасдилар. Айланиб келди. Чўккан туяга суюниб ўтириди ва шу ҳолда ухлаб қолди.

—Ухляяпсизми, амакижон?

Абу Толиб жиянининг ёқимли овозидан уйғониб кетди. Атрофига назар ташлади. Ҳамма ўрнидан турган, уни нойлаб турар эдилар. Дарҳол у ҳам турди, туясиға минди, жиянини орқасига ўтиргизди:

—Юрамиз... — деди.

Юриш бошланди. Куёншинг тафти қайтган эди. Нафас олса бўладиган даражада иссиқ... Бир оздан сўнг латиф бир шабада эса бошлади.

Кун ботгач, юриш янада завқли бўлди. Йўловчилар чарчоғини ёйиш учун хурсандчилик қилипши исташарди. Шеърлар, шарқийлар ўқилди, қўшиқлар куйланди. Туялар ҳам ўз навбатида шеър оҳангига мос равишда шаҳдам одимлаб юрдилар. Зотан, тонг саҳарда ва кечки пайтларда йўл юриш анча осон эди.

Сафар давомида йўловчилар у ёқбу ёқдан гаплашиб боришидди, ўтмишда бўлиб ўтган аччиқчучук воқеаларни эслашар эди. Абу Толиб елкасига бош қўйиб уйқуга кетган жиянини тўйиб ором олсин дея карвонни тўхтатди. Соқчилар қўйилди. Карвон аҳли ҳордиқ чиқара бошлади. Абу Толиб ҳам кўзларига келган уйқуни енголмай, жиянининг ёнига чўзилди.

\* \* \*

Эрта тонгда юклар туяларнинг устига ортилди. Яна юриш бошланди. Шеърлар қўшиқларга уланди. Кун тиккага келгунча анча йўл босиб ўтилди.

Мусиқадан жуда хушланадиган, тили билан гапиролмасалар ҳам, қўшиқнинг оҳангига кўра оғироғир ёки тезтез, ҳаттб югуриш даражасида одимлаб кетаётган туялар қумларга ботабота йўл босар, устларидаги йўловчилар чайқалиб чайқалиб борар эдилар. Узоқда бир тепалик кўринади, тезда ундан ошиб ўтишади, иккинчи, учинчи тепаликлар шу тариқа ортда қолаверади. Тўрт тараф ҳам қум, чанг-тўзон, тупроқ. Дақиқа сайин тобора кучлироқ

қиздираётган қүёш қүш учса қаноти, одам ўтса оёғи куядиган бундай саҳрода бирон кишини йиқитиши, сувсизликдан телбага айлантириши хеч гап эмас эди. Ёлғиз Оллоҳ билади, юз йиллардан бери бу құмлар неча минг марталаб қуёшнинг аёвсиз ҳарорати туфайли оловоташга айланган, қанчаданқанча йўловчинииг қонини миясига урадиган даражада қиздирган, салдан кейин эса — кеч тушиб ҳаво салқинлашгач, устида ётганларни совуқ қоттирған экан...

Йўлда давом этиларкан, сайёҳларнинг юз-кўзлари чангга ботди. Ташналикини босиш учун мешлардаги сувдан озоз ичилди.

— Сафаримиз яхшилик билан тугамаса керак, — деди тўсатдан йўловчилардан бири.

Бошқаси унинг юзига тикилди.

— Нега бундай деяпсан, тинчликми ўзи?

— Бут олиш эсдан чиқибдику?!

Ҳа я, тўхтачи, балки бирон киши олгандир.

— Сафар ташвиши билан бўлиб ёдимииздан кўтарилибди. Наҳот икки кун деганда эсимизга келса!..

— Ҳадеб куюнаверма, бордир биронта бут олган киши.

Оқшом пайти тўхташга амр берилгач, Абу Толиб жиянини ҳам олиб, юз кишидан кам бўлмаган карвонни кўздан кечириб чиқмоқчи бўлди.

Мусофиirlар учбеш кишилик гурухларга бўлинниб ўтиришарди. Емишлари хурмо, ичмишлари сут эди. Бир неча киши туяни соғиши билан овора. Аммо ўртада сут соғиладиган идиш йўқ, сут тўғридантўғри қумнинг устига соғилмоқда эди.

— Булар нима қилишяпти, амакижон?

— Қани, кўрайлийчи.

Абу Толиб вазиятни тушунгандек бўлди.

— Санам олиб келган ҳеч киши йўқми? — деб сўради. Ораларидан биттаси бошини кўтартмай жавоб берди:

— Ҳеч кимда йўқ.

Етарли миқдорда сут соғилгач, ердаги қумтупроқдан лой ҳосил бўлди. Эҳтиёткорлик билан олинди, сўнгра шакл ясала бошланди. Озмикўпми бутга ўхшаган бир нарса ҳосил бўлди. Ўртага кўйилди, кейин одамлар унинг атрофида бошларини ерга қўйиб, сифина бошладилар.

Бут ясалгани ҳақидаги хабар бутун карвон бўйлаб тарқалди. Сал наридагилар ҳам келишди. Ўттизқирқ кишилик бир оломон тўпланди. Ҳаммалари мана шу лой санамнинг қаршисида бошларини ерга қўйиб, сажда қилишар, кафтларини очиб унга ёлвориб, атрофида гир айланишар эди.

Ҳар бири ақли жойида, қилган ишини биладиган одамлар эди. Бу аянчли аҳволга ачинмасдан илож йўқ эди. Бу нотавон одамлар ўйин ўйнамаётган эдилар. Аммо ёш болалар ҳам бундай ҳолга асло рози бўлмайдиган бир иш билан машғул эдилар.

Тоатибодат бирмунча вақт давом этди. Шундан кейин биринсирин тарқалдилар. Бирор ерга чойшаб тўшади, яна бирор тусига суюнди, шу тариқа қаттиқ уйқуга кетдилар. Ў ердан жилган икки киши орасидаги мана бу сухбатни эшитганлар бўлди:

— Яхшики, бундай бир чора топилди. Ўзиям роса соғинган эдим бутимни.

— Яххиси, ўзимнинг бутимни олиб юраман энди. Усиз қилинган ибодат руҳимни енгиллаштирмади менинг.

— Аслида шундайкуя, аммо нима қиласан. Сафар деб қўйибдилар буни. Бутларимиз шуни ҳисобга олиб бизни маъзур тутсалар, ажаб эмас.

Карвон ахлининг кўпчилиги шу фикрда яқдил эди.

Маза қилиб ухлашни маъқул кўрган бир йигит билан бутга сифиниб келган биродари орасида эса, шундай ҳангома бўлиб ўтди:

— Борганингда яхши бўларди. Одамнинг руҳи енгил тортади.

—Мен енгил тортмас эдим.

—Нимага?

— Ахир, ўзинг ўйлаб кўр, туяни соғдилар, сути билан қорган лойдан вақтингчалик бут ясадилар. Сигиниб бўлишгач, бир бурчакка отдила. Шундай эмасми?

—Ха, шундай. Мен бундай бутга сигинишни истамайман.

—Нималар деяпсан ўзи?

—Нимани эшитган бўлсанг, шуни.

— Аммо бундай дейишинг тўғри эмас. Сафарда бўлсак, бошқа иложимиз йўқда, ахир. Йўлимиз хавфхатарга тўла. Бошимизга бирон фалокат тушмайди, деб хеч ким кафолат беролмайди.

— Шу лой санамга сифинсак, келадиган бало даф бўладими?

— Барибир, сенинг фикринг нотўғри. Маккада си 1 ғинганларимиз ҳам тош ёки ёғоч парчаси эмасми?

— Шундайликка шундайкуя, аммо улар ота-боболаримиздан қолган илоҳлар. Уларнинг қархисида бундай нарсалар эсга келмайди. Улар ҳақиқий илоҳ бўлмасалар, ота-боболаримиз уларга сигинишармиди?

— Эртага бизнинг фарзандларимиз ҳам шундай дейдилар.

— Шундай дерлар ҳам, аммо сизлар бу ишга енгилепи қарайпизлар. Шунчаки қўлбола ясаб олган лойбутни илоҳ демокдасизлар. Эртага уйга қайтганимизда, бизнинг бу ишимиздан хабардор бўлган Ҳубал не дейди, Лот, Уззо,<sup>и</sup>Манот, Исоф, Ноила каби илоҳларимиз нима деркан? Йўқ, азизим, масала сизлар ўйлаганчалик кўнгилхушлик масаласи эмас асло. Ё бутни ёнингда олиб юр, ё бундай сохта ибодатга чек қўй.

— Агар масалага чуқур ёндашсак, бутни бу ерга олиб келишимиз ҳам унга бўлган хурматсизлик эмасми? Оламиз, қўямиз, яна олиб юрамиз. Сўнгра, қошида бош эгиб сифинамиз, ундан ёрдам сўраймиз...

Сухбат шу ерда бўлинди. Чунки ақл билан ўйлаб кўрганда, бу масала тобора боши берк кўчага кириб қолаётган эди. Илоҳлар ҳақида билиб билмай мунозара қилиб, бошга бало орттиргандан кўра, сухбатни шу ерда тугатиш афзал кўрилди.

Тўртингчи кун...

Туш пайти тўхташга амр берилгач, йўловчилар ўнгу сўлга ёйилдилар. Бирор эҳтиёж юзасидан хилватроқ жой қидирар, бирор юкларни туширадар, бирор эса, тўрвасидан чиқарган хурмони ер эди. Туялар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, деярли хеч кимнинг иши йўқ.

Йўлга чиқилгандан бери ҳали туясига бир қултум сув, бир кафт ем бермаганлар ҳам бор эди. Чунки бу жонивор ейиш, ичиш масаласида энг сабрли, нима берилса, шунга қаноат қиласидиган, ўн кунгача емайичмай йўл юра оладиган беозор бир ҳайвон эди. Шу боис бирон кимса ҳам туясининг оч ёки ташналиги ҳақида ўйламасди.

Шу аснода атрофга тарқалганлардан бири қўлида чиройли бир шаклли тош кўтариб келди. Кўрганлар роса суюндила. Энди кечкурун тая соғиб, лой қориб бут ясашга ҳожат колмаган эди. Чунки бутнинг ўрнини босадиган яхшироқ бир восита топилди. Ҳар ҳолда, бир одамнинг қорнини тўйдирдиган сут бехуда сарф бўлмайдиган бўлди.

— Балки, ҳақиқатан ҳам бир илоҳdir бу...

Бу гапни тошнинг устидаги чангларни артаётган бириси айтган эди. Бошқа бири унинг эҳтимолини тасдиқлади:

— Балки...

— Бизга бутун сафар давомида сигинишимиизга бемалол етади бу бут. Тозаланган тош хурмат билан юкларнинг орасига жойлаштирилди. Кечкурун дам олиш учун тўхтаганларида, у ўз вазифасини бажариши керак бўларди.

Бир неча соат давом этган қайлула уйқусидан сўнг юклар туяларнинг устига ортилди, яна

юриш бошланди. Яна қаторқатор тепаликлардан ошиб ўтилди.

Қуёш тепалар орқасига беркина бошлаган эди. Энг олдинда кетаётган түя чўқтирилди. Устидан сакраб тушган одам бир неча қадам олдинда қум устида ётган чиройли бир тошга қараб югорди.

— Мана, ҳақиқий санам, мана ҳақиқий илоҳ... — деб қичқирди.

Яна туясиға минди. Сал орқароқда келаётган биродари унга етиб олди

— Кўрсат қани, оғайни, — деди.

Қаради. Ҳақиқатан ҳам чиройли бир тош эди. Ранги ҳам ўзгача эди. Ҳамма томони сипсилик, худди мукаммал ишлов берилганга ўхшарди.

\* \* \*

Бояги йигит қўлинин юкларининг орасига тикди. У ердан чиқарган тошга бирпас қараб тургач, отиб юборди. Бу тош тушки дам олиш иайтида топилган ва бутун сафар давомида бут деб тан олинган тош эди. Ким билади, балки бир бошқа йўловчи ҳам уни топар, тангри деб ўз қабиласига олиб кетар ёки сафар тугагач, итқитиб юборар.

Сафар яна бир неча кун давом этди. Нихоят, бир қуни қоқ тушда тўхташ амри берилди. Соясидан паноҳ топиш мумкин бўлган бир неча дараҳт қошиға етиб келинган эди. Олдинда бир бино кўринди. Бундан аввал ҳам шу ердан ўтган йўловчилар бу ерда ҳеч ким билан юз кўришмайдиган бир роҳиб яшашини билардилар.

— Яна бу қовоғи солик одамнинг гўшаси олдида дам олишга тўхтадик, — деганлар эски тажрибаларига суюниб шундай фикр билдирилар.

Буҳайра донишманд диндор киши эди. Кичик ёшидан бошлаб шу маслакнинг этагидан тутган, ўз ишига содик бир одам эди. Неча йиллардан бери шу ибодатхонада узлатда яшайди, келганкетгандарга панднасиҳат қиласи, ўзи кирган йўлга даъват этади.

Буҳайранинг ибодатхонаси Макка — Шом йўли орасида қад кўтаргани боис, айниқса, ёз ойларида бу ерга кўплаб карвонлар қўниб ўтарди.

Буҳайра ибодатхонанинг шундайгина ёнидаги дараҳтзорда тўхтаб дам олишни одат қилган карвонларнинг олдига борар, улар билан суҳбатлашар, аммо улар роҳибнинг сўзларини бепарволик билан тинглашар, бутларга сифинишининг бемаънилигини гапирганда эса, қовоқларини солиб олишар эди. Ҳадеб шундай бўлавергач, Буҳайра улардан юз ўгириб, йўловчи карвонларга энди бепарво бўлиб қолган эди.

Орадан бир неча йил ўтди, роҳибнинг бир пайтлар карвон хузурига пешвоз чиқиб панднасиҳатлар қилишлари унутилди. Шу боис одамлар у ҳақда «одамови бир киши» деб ўйлайдиган бўлишиди.

Йиллар шу йўсинда ўтар, на келганлар Буҳайра билан қўришишни орзу қилар, на Буҳайра уларнинг қархисига пешвоз чиқар эди. Факат дараҳтзорда дам олиш учун тўхтаганлар ибодатхонанинг ёнидаги кудуқдан сув олишар, сўнгра яна йўлларида давом этишар эди.

\* \* \*

Ибодатхонада Инжил ўқиши билан банд бўлган Буҳайра узоқдан келаётган бир карвонни кўриб қолди. Кўрди, аммо бу карвон билан боғлиқ бўлган бир ғаройиб сирсиноатга ҳам кўзи тушди. Чунки кўринаркўринмас бир булут парчаси ҳам карвон билан биргалиқда келаётган эди.

Кўзларини ишқалади, яна қаради, янглишмаётгани аниқ эди. Бир оздан сўнг карвон келиб дараҳтзорда тўхтаганида, булут ҳам уларнинг устида муаллақ туриб қолди.

Ҳеч ҳам ҳазили йўқ ғаройиб ҳодиса эди бу. Бир булут ёки булутга ўхшаган маънавий шамсия эди бу. Роҳиб карвонда хурмати баланд, буюк бир зот борлигига ортиқ шубҳа қилмас эди.

Дарҳол ўрнидан турди. Хизматкорларига овқат тайёрлаб, дастурхон ёйишни бујорди. Бир одам жўнатиб, бутун карвон аҳлини зиёфатга таклиф этди.

Йўловчилар бу таклифнинг маъносини тушуна олмадилар. Чунки бундай

мехмондўстликни сира ҳам кутмаган эдилар. Келган одам бутун карвон аҳлини зиёфатга таклиф қилганида, гумонсирай бошладилар:

- Яна нотўғри эшитган бўлмагин, биродар?
- Ҳар ҳолда, хўжайнинг, дарҳол бу ердан кетишсин, деган бўлса керагов.
- Яхшиси, яна бир сўра, аниқла...

Чопар Буҳайранинг нима буюрганини жуда яхши биларди.

— Гапим рост. Ҳатто сизлар учун овқат пиширишни ҳам буюрди.

Абу Толиб унинг сўзларини бўлди:

— Сен яна орқангга қайт, нима деганини яхшилаб бил. Биз у ерга борганда, хўжайнинг ҳайдаб юбормаслигига ишончимиз комил эмас.

Буҳайранинг одами туш кўрмаётган эди. Аммо у ҳам устозининг неча йиллардан бери келгандеганлар билан сира ҳам қизиқмаганини, сира бундай иш қилмаганини биларди.

Шу орада ибодатхонанинг эшиги олдида кўринган Буҳайра қўл силтай бошлади, «Марҳамат, бизнинг гўшамизга хуш келибсиз», деяётгандек бўларди. Энди ҳақиқат рўйрост англашилган эди.

Чопар Буҳайранинг буйругини такрорлади:

— Карвондаги ҳамма киши таклиф этилди. Ҳеч ким орқада қолмасин.

Абу Толиб ҳамманинг бу таклифга ҳозирланишини буюрди. Фақат суюкли жиянини қолдириб, юкларнинг олдида туриб туришни тайинлади. Карвон ахли катта бир жамоа бўлиб ибодатхона сари йўл олди.

— Наҳотки шу рост бўлса, эй Буҳайра, бундай сахийликнинг боиси недир?

— Сендан бундай таклифни сира кутмаган эдик, эй Буҳайра.

Аслида Буҳайра ҳам уларни таклиф этмоқчи эмасди.

— Гапларингиз тўғри. Аммо бугун кайфиятим ўзгача. Шундай, ўзим бир ўтириб, сизлар билан сухбатлашай, дедим...

Суҳбат шу йўсинда бошланди. Буҳайра зиёфат чоғида йўловчиларни бирмабир кўздан кечирди. Кўзи тушган заҳоти қалби хузурга тўладиган бир чехрани қидирарди уларнинг орасидан. Қайтақайта қаради, кутган одами буларнинг орасида йўқ эди. Янглишганини англади. Демак, бу сафар кўзлари уни алдабдида.

Уларнинг ёнидан кетди, деразадан карвон турган жойга яна бир бор қаради. Маънавий шамсиянинг ҳамон ўша ерда турганини кўрди. Дарҳол меҳмонларнинг ёнига қайтди:

— Карвон ахлидан ким қолди у ерда?

— Ҳа, кичкина бир бола бор эди, уни пойлоқчи қилиб кўйиб келдик.

— Уни ҳам олиб келинглар.

— Аммо у кичкина бир бола.

— Майли, бола бўлса ҳам, илтимосимни қайтарманглар...

Абу Толиб роҳибининг илтимосига рози бўлди. Бир кишини юборди. У шу ерда жимгина ўтирган нурли болани етаклаб олиб келди. Қизиқиши устун келиб ташқарига чиқсан Буҳайра бутун диққатэътиборини кўзларига тўплаган эди.

Бир оздан сўнг у шамсиябулутнинг ҳам ҳаракатга тушганини ва шу томонга келаётганини кўриб, ҳайратдан донг қотди. Юраги тўхтаб қолишидан чўчиди. Умрида бунчалик ҳаяжонланганини ҳеч эслай олмасди. Бир қўлини қўкрагига қўяр экан, Оллоҳнинг суюкли бир бандаси билан рўбарў бўлаётганига ортиқ шубҳа қилмас эди.

— Ё Оллоҳим...

Бу сўзлар Буҳайранинг тезтез ураётган юрагидан чиқаётган самимий туйғулар эди. Юзмаюз келган нурли гўдак уни ушбу туйғуларга чулғаган эди. Шу онда шамсиябулут ҳам уларнинг тепасига келиб тўхтади. Бунинг

булут эмаслигига қасам ичишга тайёр эди у. Ҳеч кўрмаган ғаройиб бир соя эди. Булут эмаслиги аён, чунки булут бўлса, сояси ҳам бўларди.

Зиёфат тугагунча ундан кўзини узмади. Китобларда ўқиган белгиларни ундан қидирарди. Гўдак қора қош, қора кўзли эди. Боши каттагина бўлиб, гул рангини ёдга соладиган тиниқ бир чехрали эди. Бармоқлари этли, суяклари йўғон, нигоҳлари жонли, доим кулимсираб турарди.

Буҳайра Абу Толибга ўтирилди:

- Бу боланинг исми нима? — деб сўради. Муҳаммад.
- Ижозат берсангиз, ундан баъзи нарсаларни сўрамоқчи эдим.
- Марҳамат, сўрайверинг. Абу Толиб жиянига ўтирилди:
- Ўғлим, бу амакингнинг саволларига жавоб бер, хўими?

Дастурхон атрофида ўтирганлар овқатларини еб бўлишгач, энди бу қария билан Муҳаммад ибн Абдуллоҳ орасида ўтаётган саволжавобни кузатиб, қулоқ сола бошладилар.

Сендан баъзи нарсаларни сўрамоқчиман. Лот билан Уззога бўлган муҳаббатинг ҳаққи, тўғри жавоб бер.

Бу сўзлар кулимсираб турган боланинг қовоғи уюлишига сабаб бўлди.

Лот билан Уззонинг номидан қасам ичириб мендан ҳеч нарса сўрама. Оллоҳ ҳаққи, менинг уларга нисбатан бўлган нафратимни сўз билан ифодалашим қийин.

Буҳайра бу саволни бериш билан кутилган илк жавобни олган эди. Арабларнинг сұхбатларини тинглар экан, «Лот билан Уззога бўлган меҳрмуҳаббатим ҳаққи», дея бирбирларига қасам ичишларидан у воқиф эди. Аммо у ўқиган диний китобларда ёзилган маълумотларга кўра, бу бола Лот билан Уззо сингари бутларга фақат нафрат ҳиссини туйиши керак эди.

Ҳеч ким кутмаган бу жавоб карвондаги баъзи кишиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Чунки Муҳаммад нафратланадиган бутларни ўzlари билан олиб келмаганликларидан қаттиқ афсусланган кишилар шулар эди.

— У ҳолда сендан сўрайдиган саволларимга, Оллоҳга бўлган муҳаббатинг ҳаққи, тўғри жавоб бер.

— Бажонидил, қулоғим сенда.

— Қандай ухлайсан?

Ғаройиб бир савол эди бу. Бемаъни савол сифатида қабул қилдилар. Анча кексайиб қолган Буҳайра нодонлик қилаётганга ўхшарди. Инсон ухлаётганда қанақасига ўз уйқуси ҳақида хабардор бўлсин? Унинг қандай ухлашини бошқа бирордан сўраш даркор эди. Нигоҳлар Абу Толибга қадалди. Абу Толиб:

— Ширингина ухлайди...

Уйқусида ҳам уйғоқ пайтидаги сингари бениҳоя ёқим

той, демоқчи эди. Аммо кутилмаган жавоб Абу Толибнинг бу сўзларига ўрин қолдирмади:

— Кўзларим ухлагТди, аммо руҳим, қалбим доимо уйғоқ. Одамлар бирбирига қарашди.

Ғаройиб бир жавоб, деб ўйлаганлар бўлди. Абу Толиб ҳам ажабланиб қолди. Буҳайра бу дафъа ёнидагиларга ўтирилди:

— Бу боланинг кўзларидаги қизиллик ҳақида нима дейсизлар? Йўл азобининг таъсирими ёки касаллик асоратими? Ёки туғилганидан бери шунақами?

— Унинг кўзлари ҳамиша шунаقا бўлган ва ҳозир ҳам шундай.

Бу жавобни бир неча киши бирданига айтди. Сўнгги сўз яна Абу Толибники бўлиши керак эди. У бирордарларининг гаинини тасдиқлади:

— Дарҳақикат, унинг кўзлари туғилганидан бери шунаقا.

Шундан кейин Буҳайра боладан кўйлагини қўтаришни буюрди. Баданига диққат билан разм солди. Икки курак суюгининг орасида каттагина, холга ўхшаш белги бор эди. Бироқ хол эмас эди. Ёхуд у ерга туклар йигилган, ёхуд гўшт парчаси қотиб қолганга ўхшарди. Аммо

бундай ҳол ҳали инсон зотида кузатилмаган эди. Шу боис уни таърифлаш ҳам ғоят мушкул. Шу белгини кўргач, кўйлагини тушириди.

Тарихларда тафсилоти келтирилмаган яна бир неча савол берилди, кутилган жавоблар олинди. Сўшра Бухайра:

- Орангизда бу болага энг яқин киши ким? — деб сўради.
- Менман.
- Хўп, у сенга ким бўлади?
- Ўғлим бўлади.

Бухайра «йўқ» деган маънода бош чайқади. Абу Толиб унинг мақсадини тушунди:

- Хўш, нега отаси бўлолмас эканман?

— Чунки бу боланинг отаси ўлган, етим бўлиши керак.

- Қаёқдан биласан?

— Қаёқдан билишимни салдан кейин гапириб бераман. Ҳозир эса, сен тўғрисини айт, хақиқатан ҳам бу боланинг отасимисан?

- Йўқ, амакисиман. Аммо отасидан ҳам кўпроқ яхши кўраман уни.

— У ҳолда, эй Абу Толиб, сен дарҳол бу жиянингни ўз юртига жўнат. Яхудийлар унга бирон заарар етказишидан эҳтиёт бўл. Чунки улар мен бу болада кўрган фазилатлардан воқиф бўлсалар, унга бир бало қилишга уринишлари бешақдир. Жиянинг келгусида буюк мартабага сазовор бўлиши тайин.

Шундан кейин ўн икки ёшлар чамасидаги энг буюк инсоннинг қўлларидан тутди:

— Оламларнинг хўжайии мана шу боладир. У келгусида оламларнинг Робби бўлган Оллоҳнинг расули бўладир. Оллоҳнинг оламларга раҳмат ўлароқ жўнатадиган пайғамбари мана шу! — деди.

Абу Толиб бирданига кўз ўнгида мартабаси ошган қариядан сўради:

- Хўш, айтчи, сен буларни қаердан биласан?

Олдимиизда турган мана шу муқаддас китобдан. Бу китоб Оллоҳнинг сўнгги пайғамбари Макка шаҳрида, яқин замонда юзага чиқиши хақида маълумот беради. Ушбу пайғамбарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мазкур китобда келтирилган.

Абу Толиб келибкетган шунча карвонларга қайрилиб ҳам боқмагани ҳолда, уларни чин кўнгилдан меҳмон қилган қариянинг асл мақсадини тушуна бошлиди.

Энди йўлга чиқиш пайти ҳам етиб қолган эди. Хайрлашилди ва юриш бошланди. Уларнинг орқасидан анча пайтгача қараб қолган Бухайра ёнидаги хизматкорига ўгирилди:

- Кўряпсанми?

- Нимани?

— Ҳалиги боланинг тенасидаги нарсани? Хизматкорлар бирбирларига маъноли қараб кўйишиди.

- Ҳа, ҳа, кўряпмиз.

Бир оздан кейин бири иккинчисига: «Энди тоза қарибди бу чол», деди. Бухайранинг кўрганини ҳамма ҳам кўришга қодир эмасди.

\* \* \*

Бухайра карвон орқасидан то улар кўринмай, карвон кўтарган чанг-тўзон ётгунча қараб турди. Ибодатхонага қайтаркан, «Минг афсуски, умримнинг куз фасли тугамоқда», деб минфирилади. Вақтисоати етиб, ўн икки ўн уч ёшларда бўлган бу бола вояга етиб, унга набийлик ва рисолат берилганда, бу қариянинг устига тортилган қора тупроқ, ким билади, неча марта оёқости қилиниб, шамоллар унинг хокларини қай тарафларга учирив кетаркан?

Бухайра бу хаёллардан намланган кўзларини кафтлари билан артди ва осмонга тикилиб:

Оллоҳим, нақадар гўзал бу бола, нақадар гўзал бу бола, Оллоҳим... — дерди.

## СУИҚАСД ҚИЛИШМОҚЧИ!

Карвон Бусрага етиб боргач, Абу Толиб ортиқ юришга истаги йўқлигини билдириди. Роҳиб Буҳайранинг сўзларига бепарво қараб бўлмасди. Юрагини бир қўркув эгаллаб, вужудвужудигача сингиб кетган безовталиқдан қутулиш мушкул бўлиб қолди. Орасира кўз олдида роҳиб Буҳайранинг сиймоси гавдаланар, олдига келиб Муҳаммаднинг қўлидан тутар ва: «Оламларнинг хўжайини мана», деяётгандек бўлар эди.

Абу Толиб жонидан ортиқ кўрган жиянининг ростдан ҳам ана шундай мартабага сазовор бўлишини жуда-жуда хоҳларди.

Абу Толибнинг Бусрадан уйга қайтиш ҳақидаги буйруғига карвон аҳли сира ҳам афсусланмасдан рози бўлди. Чунки улар қўлларига қутилганидан ҳам кўпроқ даромадни киритган эдилар. Бунинг устига яна давом этадиган йўл азобидан қутулишган, мақсадларига ортиғи билан етишган эдилар.

Бу орада уч бегона киши Бусрага келган карвонга, яна ҳам тўғрироғи, ундан кўркам бир болага қизиқиб колган эди. Бу уч маслакдош ўзаро қисқа, аммо узилкесил қарорга келинадиган бир мажлис ўтказди.

— Нима дейсан, ё Зубайр?

— Менингча, бу ўша бола. Аммо ишончим қатъий эмас. Сенинг фикрингчи?

— Мен ҳам сенинг фикрингга қўшиламан. Мабодо шундай бўлса, энди яхудийларнинг салтанати битди, деявер.

Таммом амалий йўл тутишни афзал кўрарди:

— Энг яхшиси, бу болани бир хилватроқ жойга олиб бориб, ундан керакли нарсаларни сўраб билиш, узил кесил ишоич ҳосил қилинган тақдирда, дарҳол саранжомлаб қўя қолиш керак.

— Тўғри ганни айтдинг, эй Таммом.

Секин болага яқинлашдилар. Аммо унинг ёнида узун бўйли, басавлат, елкадор бир киши турар, орасира карвонга фармон берар эди. Уч маслакдош яхудийни кўрган заҳоти секин қўлини қиличининг дастасига олиб борди ва фитначиларнинг кўзига тик қаради. Ҳалиги уч ҳамфир ломмим демай кўздан йўқрлди.

Лекин иш шу билан битмади. Боланинг ёлғиз қолиш эҳтимоли бор эди. Узоқдан карвонни таъқиб эта бошладилар. Бироқ амакиси гўё ундан бир сонияга ҳам ажралмасликка қасам ичганга ўхшарди. Карвон ҳар доимгидан ҳам қисқа вақт ичидан савдосотиқ ишларини битириб, Бусрани тарқ этди.

Маслакдошларнинг ичини ит таталай бошлади. Бу ишни қилмаслик улар учун жиноятдек гап эди. Агар ҳақиқатан ҳам бу ўша бўлса, яхудийлар давру даврон сурган замон битган ҳисоб эди.

Дарисо биродарларини бир чеккага бошлади:

— Менга қаранглар, агар бу бола ўша бўлмаса, маъсум, бегуноҳ бир боланинг уволига қоламиз. Энг яхшиси, ҳозироқ орқаларидан йўлга чиқайлиқда, роҳиб Бу ҳайрани топиб, унинг фикрини ҳам эшитайлик. Эҳтимол, келаётгандарида у билан учрашишгандир. Ёки қайтишларида кўришишар. Нима қилишни роҳиб Буҳайра билан кўришгандан кейин келишиб оламиз.

Бу тадбир шерикларга маъкул бўлди. Чунки ўта эҳтиёткорона бир тадбир эди.

— Тўғри ўйлабсан, эй Дарисо, — деди шериклари. Уч туяга мингган бу уч киши Бусрани тарқ этган карвонни измаиз таъқиб этиб, йўлга чиқди. Улар қаерга боришади, нима иш қилишмоқчи — ҳеч ким билмасди.

\* \* \*

Буҳайра қутилмаган меҳмонларни бу уч маслакдошни ибодатхонага таклиф этди. Ҳар бири

билин алоҳида-алоҳида саломлашиб чиқди. Олдиларига дастурхон солди. Қоринлари тўйгач, Зубайр:

— Сен билан бир яширин иш ҳақида маслаҳатлашишга келдик, эй Буҳайра, — деди.

— Жуда яхши, маслаҳатлашамиз.

— Яххиси, чиқиб, ҳеч ким эшитмайдиган жойда гаплашсак.

Ибодатхонадан чиқдилар, бир дараҳтнинг соясига ўтиридалар.

— Бу ерда гаплашилган гапларни фақат шу дараҳтлар эшлиши мумкин, холос. Уларнинг ҳам сир сақлашларига шубҳа йўқ, — деди Буҳайра.

Зубайр гап бошлади:

— Бир неча кун олдин Бусрага Ҳижоз томонлардан карвон келди... — дея воқеани сўзлаб берди ва сўзларини шундай давом эттириди: — Энди сенинг фикрингни билсак, девдик, эй Буҳайра, қани, айтгинчи, бу карвон ва ғаройиб болани кўрдингми?

— Кўрдим ва гаплашдим.

— Хўш, нималарни гаплашдинг? Буҳайра ўтирган жойларига ишора қилди:

— Худди мана шу ерда тўхтадилар. Узоқдан келаёт ганларидаёқ тепаларида булат каби бир нарсанинг ҳара кат қилаётганини кўриб, карвонга қизиқиб қолдим...

Буҳайра бўлган воқеани тафсилотлари билан сўзлаб бергач, сўради:

— Демак, у карвон Бусрани тарқ этди, шундайми?

— Ҳа, биздан олдин бу ердан ўтган бўлишлари керак.

Буҳайра қўлларини тиззасига урди:

— Аттанг, зўр фурсатни бой берибман, — деди.

Таммом:

— Мана, биз ана шундай фурсатни бой бермаслик учун шошмоқдамиз.

— Тушунмадим.

— Ўша болани ўлдирамиз. Буҳайра титраб кетди:

— Қилолмайсиз бу ишни! Қилишингиз керак ҳам эмас!!!

— Нега?

— Агар бу бола ростдан ҳам ўша бўлса — дарвоқе, мен бунга юз фоиз кафилман — бу ишга қучингиз етмайди. Чунки буюк Оллоҳ уни паноҳида асрайди. Сизларнинг шум ниятингиз амалга ошишига асло йўл қўймайди. Бекорга жувонмарг бўлиб кетасизлар, аммо унга зарар етказа олмайсизлар. Бутун дунё одамлари бирлашса ҳам, унинг пайғамбар бўлишига ва юксаклардан берилган вазифани адo этишига тўсқинлик қилолмайди. Аммо бу бола бўлажак пайғамбар бўлмаса, у ҳолда бир маъсумнинг уволига қоласизлар. Менга деса, сизлар бу шум ниятингизни шу ерда қолдирингларда, орқага, юртларингизга қайтинглар.

Буҳайра тўғри гапни айтган эди. Китобларда ёзилган маълумотлар азалий тақдирдан баҳс этарди. Бу тақдирни ўзгаририш, унга тўсқинлик қилиш ҳеч кимсанинг кўлидан келмас. Тўсқинлик қилишга уринганларнинг ҳолигавой, фақат Оллоҳнинг хукми бажо бўлар, Оллоҳнинг иродаси доим устун, доим ғолиб келар эди.

Зубайр эътироф этди:

— Ишнинг бу томонини биз ўйламаган эканмиз, эй Буҳайра, бизни тўғри йўлга солдинг, — деди.

Шундан кейин хайрлашдилар ва Бусрага қайтдилар. Абу Толиб ва карвон аҳли бу можародан бехабар эдилар.

## ЯНА БУТЛАР ҚОШИДА

Абу Толиб жиянининг бутларга нисбатан бефарқ эканлигини биларди, аммо роҳиб

Бұхайранинг хузурида айтганидек, уларга қарши чексиз нафрат ҳиссини түйишидан бехабар эди. Сафардан қайтгач, йўл таассуротларини гапириб бераркан, Бұхайранинг гўшасида бўлиб ўтган воқеани ҳам бутун тафсилотлари билан сўзлади.

— Ҳақиқатан ҳам, уни бутларнинг қошига ҳеч олиб боролмадик, — дедилар.

\* \* \*

Ҳар йили маккаликлар Бувона бутининг ёнида тўпланишар, ўша куни маҳсус маросимлар ўтказилар, сочсоқоллар олинар, жанжаллашганлар ярашар, қурбонликлар сўйилар эди. Кун ботгунга қадар бу маросимлар давом этарди.

Амакилар ва аммалар бу йил ўн икки ёшга тўлган жиянларини ҳам ушбу диний маросимга олиб боришга қатъий аҳд қилишди. Абу Толиб:

— Муҳаммад, бу йил сен ҳам Бувонанинг қошига борасан, — деди.

Аммо олган жавоби кўнглига ўтиришмади. Жияни у ерга боришни сира ҳам истамади. Абу Толиб бошлиқ амакиларию аммалари Муҳаммаддек итоатли боланинг бирданига «Бормайман» деб қатъий қаршилик кўрсатишини ва ўжарлик қилишини сира кутишмаган эди.

— Ундей дема, ўғлим, илоҳлар ғазабланадилар. Бунинг оқибати яхши бўлмайди. Сўнгра бошингга фалокат ёғдирадилар...

Бу сўзларнинг заррача ҳам фойдаси бўлмади.

Ахийри ялинибёлвориб, кўндиридилар. Бундай бир маъсум гўдак қалбининг илоҳларга қарши тушуниб бўлмас даражада кин ва нафрат ҳиссига тўлиқ эканлигини ҳеч жиҳатдан изоҳлай олмасдилар.

Бутнинг қошига келдилар. Ҳар бир киши унинг қошида эгилар, дуо қилар, истакларини баён этар эди. Абу Толиб ҳам борди, у ҳам бошқаларнинг ишини такрорлади. Сўнгра амакилар, аммалари худди ўша амалларни адо этишиди.

Шунчаки тош парчаси эди Бувона. Абу Толибдек ақли расо, ҳурмати жойида, виқор ва салобат эгаси бўлган бир кашпининг тошга, жонсиз борлиққа сифиниши ҳам кулгили, ҳам аянчли эди.

Улкан бир хонадон — Ҳошим ўғилларининг етакчиси Абу Толиб...

Бошқаларга ақл ўргатадиган, яхшиликка бошлайдиган, ақли ва тадбирига ҳамма ишонадиган, сўзига ҳамма қулоқ соладиган Абу Толиб...

Ха, ўша Абу Толиб тош парчаси қаршисида нақадар эгилмоқда! Қандай қилиб шундай одам тошларга илоҳ деб қааркан?

Бошқа амакилари ҳам севилган, ҳурмати жойида бўлган кишилар эди. Нурли Муҳаммад Абу Толиб бошлиқ амакиларию аммаларини ҳам яхши кўрар, ҳурмат қилар эди. Аммо уларнинг бу бемаъни хаттиҳаракатларига, инсон қадрини пастга урадиган бу турфа қиликларига ҳеч тушуна олмасди.

— Кани, Муҳаммад, сен ҳам тиз чўқ буюк Бувонанинг қошида.

Бу «Сен ҳам биз каби бўл, тоштахталарнинг кули бўлганингни тан ол» дейиш билан баробар эди.

Йўқ, у асло бундай қилолмайди. Хоҳлагани тақдирда ҳам, уни эртанинг буюк пайғамбари ўлароқ етиштираётган Оллоҳ бунга изн бермас, йўл қўймас эди.

Муҳаммад қотиб турарди. Гўё бу таклифни ҳеч ҳам эшитмагандек эди. Иккинчи бор мурожаат этилди:

— Кани, Муҳаммад, кўп куттирма!

Келиши мумкин бўлган балоларнинг олдини олиш учун қариндошлари Бувонага ёлворишар, бола бўлгани, етимлиги боис, унинг бу иллатини кечиришини ўтинар эдилар.

Бу орада Муҳаммад юзи сарғайиб, тиззалири қалтирай бошлади. Баҳайбат бир маҳлук яқинлашайтганидан даҳшатга тушгандек, қўрқув излари бор эди юзида. Аммаси дарҳол уни кучоғига олди. Муҳаммад хушидан кетди.

Илоҳ Бувона дарғазаб бўлди, деб тушунишди. Ёшгина боланинг Бувона каби машхур бутга қарши оёққа туриши ақл бовар қилмайдиган жасорат намунаси эди.

— Ташқарига чиққим келяпти...

Оломон орасидан олиб чиқиб, хилватроқ жойга бордилар.

— Нима бўлди, жигарим?

— Ёнимга оппоқ қўйлакли, узун бўйли бир одам келди. «Эй Мұхаммад, зинхор бу бутга қўл теккизма», деди. Қўрқиб кетдим. Яна бутлар бошга бало келтирмасин, деб у ердан узоқлашдилар. Уйга келганларидан кейин ҳам Мұхаммаднинг юз ифодасида ҳамон рўй берган воқеанинг таъсири бор эди.

Уни уйда қолдириб, яна бутнинг қошига кетдилар. Чала қолган амални охирига етказиш керак эди. Кечқурун қайтганларида, курбонлик гўштидан ҳам келтирдилар.

— Кара, Мұхаммад, сенга курбонлик гўштидан олиб келдик.

Мұхаммад заррача ҳам хурсанд бўлмади. Аксинча:

— Мен уни емайман. Бир парчасини ҳам оғзимга олмайман! — деди.

Яна бирор корҳол юз бермасин, деб уни бу сафар зўрламадилар.

Шундан кейин Мұхаммадни бирор марта ҳам бутларга сифинишга даъват қилмадилар.

\* \* \*

Саъд номи берилган бут оддий қоятош парчасидан иборат эди. Аммо Кинона қабиласи унга алоҳида бир Ҳурмат билан қаради. Олиб келинган курбонликлар шу ернинг ўзида сўйилар, кони эса, ушбу қоянинг устига оқизилар эди. Халқ уйимизга барака кирсин деб келар, қўлларини қонга сурар, молларини ҳам касал бўлмасин деб шу ерга олиб келар эди.

Бир куни туяларини олдига солиб ҳайдаб келтирган бир одам шу ерда маълум муддат қолиб дуо ўқимоқчи, барака сўрамоқчи бўлди. Бироқ юзларча ҳайвоннинг қони билан ирkit ҳолга келган бу бутқояни кўрган туялар хуркиб, ёнтеваракка тарқалиб кетдилар. Эгаси уларнитўхатиши учун бехуда уринарди. Жиловидан тутилган туялар ҳам тек турмасдилар, қайтага, уни ҳам қум устида судраб кетардилар. Қора терга ботган бу одам бир амаллаб ўридан турганида, ёнтеварагида битта ҳам тую қолмаганини кўрди. Қўлига тушган тошни бор кучи билан Саъдга қаратса отаркан:

— Оллоҳнинг қаҳрига учрагур, туяларимни қочириб юбординг!.. — деб бақирди.

Ксийн туяларини қидириб кетди. Амаллаб ҳаммасини бир жойга тўплади. «Энди бу ерни елкамнинг чуқури кўрсин», дея орқасига қайтиб кетар экан, шундай байтларни ўқирди.'

«Биз Саъдинг қошига келдик, ишимизга барака берсин деб. Ҳолбуки, у бизнинг иишмизни бўлдирмади. Энди биз Саъдинг қуллари эмасмиз. Зотан, у бошқа қоялар каби бир парча тош эмасми? На адашганга йўл кўрсатар, на ёрдам».

\* \* \*

Отаси бир босқин пайтида ўлдирилган Имрон улҚайс исмли бир шоир интиком ўтида ёниб юрарди. Бу борада бутларнинг фикрини билмоқчи бўлди. Ҳубал бутининг ёнига келиб фол очди. Уч марта ҳам «Ўч олма» деган ёзув чиққач, ўқини бутга қаратса отди ва:

— Разил экансан! — дея ҳайқирди. — Ўлдирилган сенинг отанг бўлсайди, сира ҳам ундан демасдинг! Сўнгра асабий ҳолатда шахдам юриб кетди.

\* \* \*

Абу Толиб даромади унча кўп бўлмаган киши эди. Шу йили ўн иккидан ўтиб ўн уч ёшга қадам қўйган нурли Мұхаммад унинг бу аҳволини яхши билар, унга ёрдамчи бўлишни жуда жуда хоҳлар эди. Бундан ташқари, бекорчилик уни зериктиради.

Бир куни амакисига қўйларни ўзи боқиб келмоқчи эканлигини билдириди. Амакисининг, бу уйдагилар сен иш қилмасанг ҳам хафа бўлмайдилар, деганига қарамай, илтимос этаверди.

Нихоят, унинг истагига рози бўлди. Абу Толибнинг сурувига қўшнилардан ҳам қўйларини қўшганлар бўлди. Шу йўсинда у ўзига иш топган, ўзи яшаётган оиласа озгина бўлсада фойдаси

тегишидан бениҳоят хурсанд эди. Ҳар битта қўй учун қўшимча бир қиротдан ҳақ ҳам оларди.

Макка аслзодалари учун қўй боқиши уятли касб эмасди. Пешона тери тўкиб пул ишлаш ҳам айб саналмасди.

Қўй боқиб юрганида кабос деган ўсимликнинг етилган меваларидан танлабтанлаб егани, узоқ пайтгача ўша кунларни ширин хотира сифатида эслаб юргани ҳам маълум. Орадан қирқ беш йилча кейин ўша ерлардан ўтаркан, биродарларига кабоснинг қоралари яхши етилган ва мазали бўлишини, қўй боқиб юрган кунларида буни тотиб билганини сўзлаб берган эди.

Маккада баъзи кечалари қўнгилочар базмлар уюштириларди. Бундай базмлар «самар» ёки «мусамара» деб аталарди.

Бу базмлар кўришга арзийдиган, қўнгилочар маросим эканлиги нурли Мухаммаднинг ҳам қулоғига чалинган эди. Бир куни кечкурун чўпон ўртоғидан сурувига ҳам қараб туришни илтимос қилди. Бориб «самар» базмини кўрмоқчилигини айтди. Ўртоғи рози бўлгач, йўлга тушди. Маккага келди. Уйлардан бирида хурсандчилик қилинаётганини кўрди.

Одамлар роса йиғилган. Узоқяқиндан келганлар кириб, томоша қилмоқда. Сўраса, тўй бўлаётган экан. У ҳам кирди. Бир дараҳтнинг остига ўтириди. У ердан ҳамма ёқ кўриниб турарди. Аммо ўтирарўтирмас уйқу босиб, қўзларини юмишга мажбур қилди. Ва у эрталабгача шу ерда қолиб кетди. Хурсандчилик тун ярмигача давом этиб, меҳмонлар уйуйларига тарқалишар экан, дараҳт тагида ухлаб қолган йигитчани кўрдилар, бироқ уни безовта қилмадилар.

Эрталаб юзига тушган қуёш нурлари уни уйғотди. Атрофига қаради. Ҳеч ким йўқ эди. Ўрнидан туриб, қўйларининг олдига кетди. Ўртоғи нималарни кўрганини сўраган эди, кеча нима бўлганини ўзи ҳам билмаслигини, ухлаб қолганини айтди.

Орадан бирмунча вақт ўтди. Яна ўртоғидан қўйларига қараб туришни илтимос қилди. Яна Маккага келди. Базм бўлаётган бир жойга кирди. Аммо у яна ўз ҳолига қўйилмади, азалий тақдир ғолиб чиқди. Яна базмни кўрмай, эрталабгача роҳатбахш уйқу оғушида бўлди.

Бу унинг базмни кўриш мақсадидаги сўнгги уриниши бўлди. Бундан кейин ҳеч қачон тунги базмни томоша қилишга қизиқмади.

## АРСЛОН БОЛАСИ

Фил ҳодисасидан буён ўн тўрт йил ўтди.

Бани Маҳзум қабиласининг обрўли оилаларидан бирида, бир аёл тўлғоқ азобларидан қийналаёттир...

Атрофида ёрдам бериш учун чақирилган доя хотинлар бор.

Ойкуни тўлган Хонтама Маҳзум қабиласининг аслзодаларидан Ҳошимнинг қизи ва хурмати баланд оиладан бўлмиш Хаттобнинг умр йўлдоши эди.

Хотинининг ойкуни яқинлашган сари Хаттоб: «Албатта ўғил бўлиши керак, тушундингми?» деб қайтақайта тайнинларди. Қиз боланинг отаси бўлишга асло рози эмас эди у. Буни ўйлади дегунча, пешонасида пайдо бўлган терларни жаҳл билан сидириб ташлар, тишларини ғижирлатиб, кескин овоз билан:

— Хаттобдек бир одамнинг фарзанди албатта ўғил бўлиши керак! — дея пўнфиллаб, кўлларини мушт қилиб тугар эди.

Хаттоб сингари тажанг, сержахл, бақувват, жасур ва довюрак, устигаустак, ўта шафқатсиз одам халқ орасида киз боланинг отаси сифатида танимаслиги керак эди. Хаттоб ўғил кўриши керак! Фақат шундагина кўксини кериб, ҳеч кимдан қимтинмай юра олади.

Туғиши пайти яқинлашган сари Хаттобнинг ичини кемирган безовталик ва қўркув уни баттар тажанг қилиб қўйди. Доим айтгани айтган, дегани деган бўлган Хаттоб тушган ерини ёндирадиган чўғга айланган эди. Уйга гурсгурс қадамлар билан кириб келиши ҳаммани

қалтиратар, тинчини бузар эди.

Бир куни эрталаб Хонтама тўлғоқ бошланганини билдириди. Шунда Хаттоб:

— Зинҳор менга қиз туққанинг ҳақида хабар берма. Окибатини ўзинг ҳам яхши биласан!  
— дея уйдан чиқиб кетди.

Кўзларидан чақнаган ўт «Окибатини ўзинг биласан» сўзларининг тагида мудҳиш бир таҳдид борлигини билдиради.

Доя хотинлар Хонтаманинг кўзлари ичида милдираб турган, маҳзун ҳислар ифодаси бўлмиш аччиқаччиқ ёшларии қўриб, унга минг хил тасалли беришга урина бошладилар. Хонтама кўркувдан тўлғоқ азобини ҳам унугандай бўлди.

Кекса, тажрибали бир аёл:

— Қизим, хафа бўлма. Нима эксанг, шуни ўрасан. Хаттоб шуни ҳам билмайдиган даражада жоҳил эмас. Мен буни Хаттобнинг юзига айтишдан ҳам тоймайман,—деди.

Шунга қарамай, қўркув, безовталиқ, изтироб ҳислари тобора ортди ва, нихоят, янги туғилган чақалоқнинг чинқириғи янгради. Шу чоқ:

— Хушхабар, Хаттобга хушхабарни етказинглар, ўғилли бўлди! — деган қичқириқ ҳам эшитилди. Хаттоб Каъбада дўстлари билан бирга ўтирад экан:

— Ё Бушра! Ё Бушра!.. — деб ҳайқирган бир чопарнинг югуриб келаётганини қўриб, кўнгли тинчиди.

Унга шундай хушхабар келтирилиши керак эди ва, албатта, ўғилли бўлиши даркор эди. Чунки ҳеч кимса, ҳа, ҳа, Макка бўйича ҳеч ким Хаттобнинг олдига чиқиб: «Хушхабар, қизлик бўлдинг», дейишга журъат қилолмасди.

Югуриб келган бола Хаттобнинг қошига келиб тўхтади:

— Суюнчи бер, ўғиллик бўлдинг, — деди.

Хаттоб неча кунлардан бери ўпкасини тўлдириб нафас ололмаган эди. Кўзларидан ёнаётган учқунлар севинч ёшларига айланди, юзига табассум югорди. Боланинг бошини силаркан:

— Сурувнинг ичига киргинда, хоҳлаган қўйларингдан иккитасини ол, — деди.

Бола хурсанд бўлиб кетди.

Хаттоб шу кунгача ҳам марҳамат ва меҳрмуҳаббатдан мутлақо маҳрум киши эмасди. Фақат, кейинги пайтларда унинг овозига жаҳл, тажанглик ошино бўлган, кўпчиликни чўчитиб кўйган эди.

Хаттоб жуда баҳтли эди шу онларда. Умрида неча марта бу даражада севинганини эсламоқчи бўлди, аммо табриклиётган биродарларининг овози унинг хаёлини бўлиб юборди. Яна ҳам тўғрироғи, Хаттоб дўстлари билан ўтирганини энди эслади:

— Ўғлингнинг отини нима деб қўясан, эй Хаттоб! Хаттоб ўйлаб ўтирмай жавоб берди:

— Умар, ўғлимнинг исми Умар бўлади!

— Инжиқ бола бўлмаса эди...

Хаттобнинг нигоҳлари унинг сўзларини бўлиб қўйди. Бу қарашда қатъий бир ҳақиқатдан баҳс этувчи матонат бор эди. «Хаттобнинг ўғли асло инжиқ бўлмайди», дейишни истарди. Кечкурун уйига келганда тутқазилган чақалоққа қарар экан, боланинг кутилганидан ҳам довюрак, жасур ва мард бир йигит бўлишини сезган эди. Бола эмас, худди арслоннинг ўзия!

— Умар, бу ўғлимнинг оти Умар бўлади, — деди. Хотинига ўгирилди: — Соғлиғинг қалай, Хонтама, дуруст мисан? Уйлаганимдан ҳам гўзал бир бола туғибсан. Энди қиз туғсанг ҳам, минг марта розиман, — деди. Хаттоб жуда хурсанд эди. Ҳатто қўшни аёлнинг:

— Ўғлим, инсон нима экса, шуни ўради. Бу нимаси, хотинингга шунчалик дўқпўписа қилганинг? Бир аёл қорнидаги бола қиз бўлса, уни қандай қилиб ўғил болага айлантиради?.. — деб берган танбеҳига:

— Ҳақлисиз, холажон, — деди.

Йўргакда, ҳеч нарсадан хабарсиз, ширингина ухлаётган гўдак эртанинг Умар ибн Хаттоби

бўлажаги, факат Макка аҳли эмас, бутун Арабистон, бутун дунё, ҳатто қиёмат кунигача туғиладиган барча инсонлар уни Исломнинг буюк халифаси, бекиёс адолат сарвари Умар ибн Хаттоб сифатида танишлари ҳозир ҳеч кимга маълум эмас, аммо шундай бўлиши бегумон эди.

Фил воқеасининг ўн еттинчи йили...

Бани Маҳзум қабиласининг бир жойда турмайдиган, шўх, жанжалкаш, қилиғидан шайтон ҳам қочадиган бир ўспирини бор эди. Амр ибн Ҳишом ибн Муғийра...

Кучли, бақувват йигит эди. Шу билан бирга, аклии ҳам эди. Аммо у, бу ақлини дуруст инсонларга ярашадиган тарзда ишлатмас, жанжал кўтариш, одамлар устидан тазийқ ўтказиш воситаси ўлароқ ишлатишни афзал кўрар эди. Бойбадавлат, сўзи кўпчиликка ўтадиган оиланинг фарзанди эди у.

Бойлик, кучқудрат ва ақл жамулжам эди унда. Аммо уларни оқилона бир йўлга соладиган инсон йўқ эди ўртада. Шунинг учун ҳам Амр ибн Ҳишом том маънода тантик ўспирин бўлиб ўсади. Фурсат топди дегунча, атрофдагилар билан жанжаллашар, ҳар сафар ёнидаги ҳамтовоқларининг ҳам аралашуви билан устун ва ғолиб чиқар эди.

Бир куни Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг уйида берилган зиёфатда ҳошимийлардан Абу Толибнинг жияни Муҳаммад ибн Абдуллоҳ билан ёнмаён ўтириб қолди. Зиёфатга келганлар анчагина эди. Амр ибн Ҳишом ўзи bemalolrok ўтиришни баҳона қилиб, ёнидан Муҳаммад ибн Абдуллоҳни турғизиб юбориш пайига тушди. Асл мақсади bemalol ўтириш ҳам эмас, жанжал чиқариш эди. Жанжал кўтармаса беҳаловат бўладиган кўнгли унга тинчлик бермас, ёнидагилар билан уришишни хоҳлар эди.

Иккаласи ҳам ёш жиҳатидан теппатенг эдилар. Амр ибн Ҳишом Муҳаммад ибн Абдуллоҳни секинсекин турта бошлади. Бир, икки, уч марта туртгач:

— Нима қиляпсан? — деди Муҳаммад.

Амр ибн Ҳишом қўполлик билан жавоб берди:

— Бошқа жойга бориб ўтириб, безовта бўляпман. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ҳаммани уялтириб қўядигандаражада одоб ва тарбия эгаси эди, аммо сурбет Амр ибн Ҳишомнинг бу ҳақоратига индамай кетолмасди. Амрнинг безбетлиги ҳаддидан ошгач, иккаласи бирбирига ёпишиб кетдилар. Амр бу жанжалда ҳам енгиб чиқишига ишонарди. Шу кунгача ҳеч кимдан енгилмаган, қолаверса, рақибидан бир оз гавдалироқ ҳам эди. Бироқ олишиш давомида тобора Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг қўли баланд кела бошлади. Бир пайт Муҳаммад Амрни қаттиқ итариб юборган эди, у ерга йиқилиб, юмалаб кетди, оёғидан қон оқа бошлади. Орага тушганлар уларни ажратдилар.

Ислом тарихида асл исми унутилиб, Абу Жахл сифатида таниладиган Амр ибн Ҳишомнинг оёғида бу яра изи то ўлгунича қолди.

Бирорларнинг олдида паст тушишни билмаган Амр қурайшлардан қўпчиликнинг олдида шарманда бўлди. Бу воқеа Амр ибн Ҳишомнинг кўксида ўчмас бир қасос ўтини алангалатиб кетди.

## ФИЖОР УРУШИ

Йигирманчи йил...

Хиро хукмдори Нуъмон ибн Мунзир ҳар йилгидек бу йил ҳам катта бир карвон тўплагай эди. Карвон савдосотиқ молларини таширди. Араблар орасида машҳур бўлган Укоз, Мажанна, Зулмажоз каби бозорларда айланиб, савдосотиқ килар, мол айирбошлар эди.

Бироқ араб қабилалари ўртасида турғун муросатартиб бўлмаганлиги туфайли ҳар дақиқа бирон тўданинг хужумига учраб, карвоннинг моллари галонтарож этилиши хавфи бор эди. Шу боис сафар чоғида қабилалар танийдиган, хурмат қиладиган, қолаверса, ишончли бир киши карвонга бошчилик қилиши зарур эди.

Эҳсонлари тилларда достон бўлган Ҳиро хукмдори Нуъмон ибн Мунзирнинг саройи совғасалом ундириш умидида келган кўпданкўп арабларни кўрган. Бугун ҳам Барроз ибн Қайс ва Урва ибн Утба ҳукмдориииг қошида ўтирадилар.

Нуъмон йўлга ҳозирланган карвонни эсономон араб қабилалари орасидан олиб ўтиб, манзилга етказадиган бир одамни ахтараётганигини билдириди.

Барроз:

— Киноналиклардан муҳофаза этишни мен зиммамга оламан, деди.

Нуъмон:

— Мен айниқса нажид ва тихомаликлардан қўриқлай оладиган одамни қидиряиман, — деди.

Бу дафъа Урва сўзга қўшилди:

— Мен сен қидираётган одамман.

— Киноналиклардан ҳам қўриқлай оласанми? — деди Барроз.

— Албатта, ҳатто бутун инсоният қарши турса ҳам, муҳофаза эта оламан.

— Қўлингдан келмайди, — дея эътиroz билдириди Барроз. — Мен бўлмасам, карвонни Кинона кабиласидан ўтказа олмайсан.

— Сен ўзинг кимсан? Киноналиклар сени ахлоқизлигинг туфайли қабиладан ҳайдаб юбормадиларми?

Баррознинг жаҳли чиқди. Бир онда кўнглида пайдо бўлган кин ва душманлик ҳиссини оддий сўз билан таърифлаш қийин эди. Кўнглидан шундай фикр ўтди: «Ҳали қараб тур, сендан аламимни олмай қўймайман».

Нуъмон бу вазифани Урвага топширди, карвон йўлга чиқди. Барроз ҳам карвонга қўшилди.

Фадақ деган манзилга етганларида, тўхташ амри берилди. Шу иайтгача ҳеч қандай корхол юз бермаган эди. Фадақда тўхтаганларида, Урва Баррозни қўлида фол ўқларини айлантираётган ҳолда кўриб:

— Нима қиляпсан, эй Барроз? — деб сўради.

Сени ўлдиришга рухсат бормийўқми деб фол кўряпман.

Урва гапни ҳазилга бурди:

Кучкудратинг етармикан бу ишга?!

Зотан, Барроз ҳам ҳазил тариқасида айтган эди. Ўлдирмоқчи бўлса, бунчалик очик гапирмасди.

Салдан кейин Урва кўнгилхушликка берилди. Ичди, сархуш бўлди, қўшиқ айтиб, рақсга тушди. Натижада бехуш ҳолда чодирга элтдилар.

Тун ярмидан оқкан, ҳамма қаттиқ уйқуда эди. Аммо бу пайтнинг келишини сабрсизлик ва ҳаяжон билан кутаётган бир киши уйғоқ. У оёқ учиди юриб, секинаста Урванинг чодири томон ўйл олди.

Чодирнинг пардаси секин йиртилди. Сўнгра ичкарига бир кўланка кирди. Эҳтиётлик билан иш тутарди у. Қўлида қилич... Урва вужудига секингина кирган тиф оғриғидан чўчиб уйғонди ва тепасида қилич яланғочлаб турган кишини кўриб, сархушлигидан асар ҳам қолмади. Ўзига келиб, бу одамнинг Барроз эканлигини билди. Уни ҳали ўлдириб юбормагани учун пушаймон бўлди, бироқ энди вақт ўтган эди.

— Оллоҳга бўлган муҳаббатинг ҳаққи, мени ўлдирма, Барроз. Тўғри, тан оламан, мен сени қаттиқ ранжитдим.

Бироқ ҳозир Барроз гаи уқадиган ҳолатда эмасди. Нуъмон ибн Мунзирнинг хузурида бўлиб ўтган воқеадан бери қулай фурсат келишини пойларди. Қолаверса, ҳозир уни ўлдирмаса, эртага ўзининг омон қолиши гумон эди. Қўлидаги қилич юқорига кўтарилиди, сўнгра зарб билан пастга тушди. Шундан кейин бўғиқ инграш эшитилди ва типирчилаш юз берди. Барроз шу билан тинчимади, оёғи остида типирчилаб ётган душманига яна бир бор қилич уриб тамомила

ерга қаништириб қўйди. Бирикки сониядан сўнг Урванинг вужуди бутунлай тинчиб қолди.

Барроз ўчини олгач, енгил тортиб, чодирни тарк этди. Бу маҳал Урванинг юраги уришдан тўхтаган эди. Ҳолбуки, унга бир неча дақиқа олдин ҳам ичган шаробининг таъсирида дунё гўзал кўринар, юзларча туюдан нборат карвон ва карвон олиб кетаётган беҳисоб бойликнинг бошида турганидан фаҳр туяр эди.

Барроз Урвани ўлдиргандан кейин карвонни Ҳайбар томонларга бошлаб борди, кучи етганича молларнинг бир қисмни ўзлаштириб ҳам олди. Ҳайбарга бориб, энди ёниғлиқ қозон ёниғлигича қолди, деб ўйлаган эди. Ваҳоланки, унинг Урва билан бирга йўлга чиққани маълум, аммо Урванинг қаёққа ғойиб бўлгани номаълум эди.

\* \* \*

— Нима мақсадда бу ерга келдингиз?

— Урвани қидиряпмиз, унда ишимиз бор. Барроз ёнидаги буюмларни кўрсатди:

— Биттангиз мана бу нарсаларга қараб туринг, иккинчингиз мен билан юринг.

Биттаси нгу ерда қолди. Шериги эса, Барроznинг орқасидан эргашди. Озроқ юриб, бир вайронанинг ичига кирдилар. Ичкаридан фарёд қўтарили, қандайдир тўстўполон бўлди. Кейин Барроз у ердан ёлғиз ўзи чиқди. Нарсаларни қоровуллаб қолган йигитнинг ёнига келди.

— Урва ўртоғинг билан бирга сени ана у ерда кутибтуриби, — деди. Бирга юрдилар. Ичкарига кирдилар. Йигит ҳамон Урва билан дўстини кўришдан умидвор эди. Очик турган эшикдан олдин Барроз, сўнгра йигит кирди. Аммо кирапкирмас, шеригининг қонга беланиб ётган жасадига қўзи тушиб, дарҳол қуролга ёпишди. Бироқ кеч қолди — Барроз чаққонлик билан унинг кўксига ханжар қадади. Шунда ҳам сўнг бор кучини йифиб, Барроzга ёпишди. Учбеш сониялик олишув бўлди. Нихоят, йигитнинг кўллари бўшаши, кўзлари олайди, кулча бўлиб, ерга йиқилди. Барроз ханжарини суғуриб олиб ўликнинг кўйлагига артди. Кейин уни ўз ҳолига кўйиб, ҳеч нарса билмаган кишидек, совуққонлик билан вайронани тарк этди.

Бир неча дақиқа типирчилаб, кейин тинчиб қолган жасадларга вайронанинг деворларигина гувоҳ бўлди.

Ким эди бу одамлар? Урвада нима ишлари бор эди? Унинг ўлганини эшишиб, қотилдан ўч олиш ниятида йўлга тушдиларми? Ёки бошқа сабаб билан қидираётган эдиларми? Бу каби саволларнинг жавоби шу кунгача ҳам номаълумдир.

\* \* \*

Барроз Кинона, Урва эса, Қайс қабиласидан эдилар. Узок йиллардан бери анъана тусига кирган удумга кўра, урванинг қасоси, албатта, олиниши шарт эди. Вақтисоати келиб бу жийоят очилажак, Қайс қабиласига мансуб бўлган ҳавозин уруғи Кинонанинг устига юриш қилиши бегумон эди. Қурайш эса, Кинонанинг бир уруғи эди.

Бир қабиладан аёл ёки эркак, катта ёки кичик, яхши ёки ёмон одам ўлдирилса бўлди, ўлган кишининг қабиласи оёқка турар, қотилни топиб ўлдирад эди. Ҳеч бўлмаса, қотилнинг қариндошлари ёки қабиласи нишонга олинар, улардан бир ёки бир неча одам ўлдирилар эди. Бу эса, иккинчи томонда қасос олиш ниятини туғдирар, қон даъвоси катталашар, баъзан икки қабиланинг ҳам бирорта аъзоси қолмагунча уруш давом этаверар эди. Улган кишининг ким эканлиги муҳим эмас эди. Икки қабиладош ўзаро ашаддий душман бўлса ҳам, агар улардан бири бошқа қабила аъзоси томонидан ўлдирилса, унинг ўчини олиш учун бор ғайрати, имкониятини ишга солиш ҳар бир қабила аъзосининг, ҳагго ашаддий душманининг ҳам бурчи эди. Бундан сал олдинроқ, юз берган келишмовчилик, жанжал, адovat унутилар, кечаги кунгача ҳам нафратланиб, душман деб билиб келган одамнинг ўчини олиш учун қиличлар қинларидан чиқарилиб, йўлга тушилар эди.

Қотилнинг томонидагиларда ҳам айни ўша одат ҳукмрон эди. Қабиланинг ҳар бир аъзоси бу жиноят учун жавобгар ҳисобланар, кўлга тушган замон қотил деб қабул қилинар, шунга кўра жазо берилар эди.

Барроз одобсиз, ахлоқи бузук кимса эди. Шу сабабли қабиласидан ҳам қувиб юборилганди. Бу воқеа барча қабилалар орасида кенг эълон қилинган, ҳаммага маълум эди. Бироқ барибир унинг бу жинояти Кинонага ва Кинонадан тарқалган уруғларнинг зиммасига тушар, бир неча уруғ бунинг учун жавобгар бўлар эди.

Буни яхши билган Барроз, бутун ахлоқсизликларига қарамай, бир мактуб ёзиб, ахволни баён этиб, уругага тайёр туришларини билдиришни ўйлади. Қурайшнинг оқсоқолларидан Ҳарб ибн Умайяга жўнатган мактубида Урвани ўлдирганини маълум қилди.

Ҳарб ибн Умайя мактубни олган заҳоти саросимага тушди. Ғазабга минди, ўзини йўқотиб кўйди. Дарҳол кекса, тажрибали қабиладошларини бир жойга тўплади.

Мажлисдагиларнинг ҳаммасини бирданига ҳаяжон ҳисси қамраб олди. Ҳамманинг илк бор қилган хулосаси Ҳарб ибн Умайя ҳали улар келмасдан олдин ўйлаган фикр эди: «Қайси Айлон қабиласи энди биздан ўч олмай қўймайди!»

— Буни мен ҳам биламан, кўз юмиб кетишларига сира ҳам ишонмайман. Аммо бу муаммони қандай ҳал қилсак бўлади?

— Ахлоқсиз, аглаҳ, бошимизга битган бало бўлди.

— Дунёда ундан одобсизи йўқ. Сурбетликда тенги йўқ бир нодон у.

Ҳарб уларнинг сўзини бўлди:

— Баррозни қарғашдан, сўкишдан ҳеч қандай фойда йўқ. Агар фойдаси бўлса, орқасидан роса қарғаб, пўстанини қоқардик. Шу пайтда ёнимизда бўлса ҳам, оёқ қўлини боғлаб: «Мана Урванинг қотили, хоҳлаганингизни қилинг», дердик. Икки кундан кейин бу машъум хабар уларнинг ҳам қулоғига етиб боради. Ана унда олдини олиб бўлмайдиган ёмон ишлар юз беради. Мен сизларни уни қарғаш учун эмас, кутилмаган муаммони ҳал қилиш чораси тўғрисида биргалашиб бош қотирайлик, деган мақсадда чакирдим. Хўш, нима қиласиз?

Бир киши ўртага шундай фикр ташлади:

— Энг яхиси, улар хужум учун оёққа турмасларидан олдин бориб узр сўраш ва, керак бўлса, Урванинг товонини тўлаш.

Бу таклифни ўринсиз деган киши бўлмади. Бирон кимса эътиroz билдирамади. Дарҳол тайёргарлик қўрилди ва йўлга чиқилди.

Урванинг амакивачаси Абу Баро Амир ибн Малик уларни иззатикром билан кутиб олди. Ширинсуханлик қилди, яхшилаб зиёфат берди. Унинг меҳмондўстлигига жавобан: «Урвани бизнинг қабиладошимиз Барроз ўлдирибди», дейишга тиллари бормади. Натижада:

— Нажид билан Тихома орасида қандайдир ишлар бўлибди, аммо масала ҳамон ойдинлашмади... — дея гап бошладилар.

Аммо Абу Баро косанинг тагидаги ним косани тушунмади. «Нима бўлди?» деб сўрамади. Улар ҳам ортиқ гапира олмай қолдилар. Сўнгра хайрлашиб, йўлга тушдилар.

Улар кетиб, орадан бирикки соатлар ўтгач, бир чопар келиб, Абу Барога машъум хабарни етказди. Абу

Баро ларзага тушди. Демак, қурайшлиқ меҳмонлар бекорга келишмаган эканда? Бирдаи ғазабланиб кетди:

— Ҳарб ибн Умайя мени мазах қилиб, алдаб кетди. Зотан, қурайшларнинг қўлидан ҳийладан бошқа нима келарди?! Худо номи билан қасам ичиб айтаманки, энди биронта ҳам киноналиқ Укоз бозорига оёқ босолмайди!

Масала бирданига шиддатли тус олди. Ўзи салгина олдин самимият билан кузатган қурайшликларга қарши Баронинг қалби кин ва адоват ҳиссига тўлибтошди. Қўлларига тушса, бурдабурда қилиб ташлашга тайёр эди уларни. Қисқа вақт ичида тезлик билан йўлга ҳозирланган бир кичик ҳарбий гурух Ҳарб ибн Умайя билан унинг биродарлари изига тушди.

Куёш ботай деб қолган эди. Қурайшликлар белгиланган ишнинг уддасидан чиқолмаганликларидан безовта бўлиб орқага қайтмокда эдилар. Бири очиқчасига воқеани

сўзлаб бермаганликларидан пушаймон бўлса, бошқаси «Очиқчасига гапирсан», бундан ҳам баттар ахволга тушардик», дерди. Шу пайт кимдир орқасига қараб, чанг-тўзон қўтариб келаётган гуруҳни кўрди ва:

— Энди ҳолимизга вой! — деб бақириб юборди. Ҳамма орқага қаради. Қўллар беихтиёр қиличларнинг дастасига борди. Муқаррар бир тўқнашув бўлиши аён эди. Ҳар ҳолда, улар Қайси Айлондан бўлишлари керак эди.

— Тез бу ердан йўқолишимиз керак. Улар етиб олгунларигача. Ҳарам ҳудудига кириб олсан, бўлди. Агар Қайси Айлондан бўлсалар, омон қолганимиз шу. У қабиладан бўлмасалар ҳам, ҳеч нарса йўқотмаймиз.

Бу гапни Қайси бири айтди, номаълум. Бундан бошқа чорани ўйлаб ўтиришга ҳам фурсат йўқ эди. Таклиф эътиrozсиз қабул этилди,

Туялар орқаларига урилган қамчиларнинг зарби билан Макка томон лўкиллаб чопиб кетдилар.

Кувлашмачоқ бошланди.

Олдиндагиларнинг шошилмай йўлларида давом этиб туриб, бирданига тезликни оширганлари орқадан келаётганларнинг ғайратига ғайрат қўши. Қамчилар зарб билан урилгач, туялар жон аччиғида югурап, орадаги масофа эса, тобора қисқариб борар эди.

Нихоят, орқадагилар етай деб қолди. Орада ўқ отса етадиган масофа бор эди, холос.

— Тўхтанглар, қурайшнинг олчоқлари. Урванинг қони ерда қолмас!

— Тўхтанг, қочманг қотиллар!

— Ўч оламиз!

— Мард бўлсангиз, қочманг! Ҳарб ибн Умайя қулоғининг шундайгина ёнидан визиллаб учиб ўтган ўқнинг бориб қумга қадалиб қолганини кўрди. Даҳшатга тушди. Қочишнинг ортиқ фойдаси йўқ эди. Бироқ Ҳарам ҳудудига киришларига ҳам жуда оз масофа қолган эди.

— Биз ҳам уларга ўқ ёғдираимиз. Бу гапни Ҳарб айтдими ёки бошқасими, фарқига бориб бўлмади. Қўллар дарҳол ўқёйга узатилди. Бир томондан, қочиб борардилар, иккинчи томондан, орқадагиларга ўқ ёғдирардилар.

— Тўхтанглар, яккамаякка олишайлик!

— Қочиш — қўрқоқнинг иши... Аммо қурайшликлар бу каби сўзларга қулоқ солма

дилар. Бир неча баробар қўп қучга қарши урушга чиқиш ўзларини била туриб ўлим чангалига топшириш, демак эди.

Ўқ ёғдираёғдира давом этаётган қувлашмачоқnihоят орқадагиларнинг суръатини пасайтирди. Хоҳлаганларидек таъқиб эта олмай қолдилар. Куёш тепаликларнинг ортига ўтиб беркинганида, қочоқлар енгил нафас олдилар: улар Ҳарам ҳудудига кириб улгурган эдилар. Орқадан қувиб келганлар ночор тўхтадилар. Чунки бу худуд ичida урушиш, қон тўкиш гуноҳ ва ҳаром эди. Қон даъвоси учун кўлга қурол олганлар бошқа бир ҳаром ишга кўл ура олмасдилар.

— Эй қурайшликлар, бу дафъа қутулиб қолдингиз. Аммо Урванинг қони ерда қолмайди. Сиз билан Укозда учрашгунча ажралишамиз. Учрашув жойи Укоздир, дедилар таъқибчилар.

Ҳарб ибн Умайя илк таҳлиқадан осон кутулгаиликларининг хурсандчилиги ва яқин келажакда бошларига тушажак кўргиликнинг даҳшати натижасида туғилган қарамақарши ҳистуйғулар оғушида Баррознинг етти пуштини бўралаб сўқди. Шу пайтда қўлига тушса, уни туғилганига минг пушаймон егизишга, бисотидаги барча қийнаш усусларини шафқатсизларча қўллашга тайёр эди. Аммо, минг афсуски, Барроз бу пайтда ўзи кўлга киритган молмулкини сарфлаб кайфу сафо сурап, қурайшларнинг, хусусан, Ҳарб ва унинг биродарларининг ахволлари қандайлигини билмас, бу ҳақда ўйламас Ҳарбнинг биродарлари ҳам Баррозни ғойибона тинмай сўкардилар. Зотан, шу дақиқаларда Баррозни лаънатлашдан бўлак бирор ишни қойилмақом қилиб адo этолмасдилар ҳам. То кўнгиллари бўшагунча қарғабқарғаб, кейин йўлларида давом

этдилар.

Энди бепарво бўлиш душманга таслим бўлиш билан тенг эди. Иккала томон ҳам ғайрат билан урушга тайёргарлик қўра бошлади. Келибкетувчилар ҳар икки қабиланинг тайёргарлиги хусусида биридан иккинчисига хабар етказиб турарди.

Нихоят, Қайси Айлон қабиласи орқаларидан ҳавозиннинг бошқа уруғ ва элатларини ҳам эргаштириб Шамта деган жойгача келди. Байроқларини Абу Баро кўтариб олган, урушни у бошқармоқчи эди. Қурайш ва Кинонанинг бош қўмондонлигини эса, Ҳарб ибн Умайя ўз зиммасига олди.

Бу уруш ҳаром ойларига тўғри келди. Шу сабабли урушга ҳеч кимнинг ҳушиҳоҳиши йўқ эди. Бироқ қабиланинг мудофааси ҳам ғоят зарур. Ҳеч ким ҳавозинликларга таслим бўлиб, «Марҳамат, бизни нима қилсангиз, ихтиёрингиз», дея олмас эди. Урушиш учун эмас, мудофаа учун бу жангга рози бўлдилар.

Йилнинг тўрт ойи — кетмакет келадиган зулқаъда, зулхижжа, муҳаррам ва ражаб ойлари ҳисобланарди. Бу ойларда жанжалтўполон бўлмас, босқинчилик қилинмас, молмулк талонтарож этилмас, одам ўлдирилмас, йўл тўсилмас эди. Ҳар ким бу ойлар келди дегунча, ҳавфхатардан узоқ бўлиш саодатига эришар, хоҳлаган ерга, бозорларга борар, жонига қасд қилишларидан ёки молмулки талонтарож бўлишидан ҳавфсирамас эди.

Бироқ безорилик қилмаса туролмайдиган ёки қулай фурсатни бой беришни истамаган кимсалар, масалан, бой карвонни тузоққа туширишни истаган кучли қабила шу ойларда ниятига эришиб қоларди. Ҳаром ойларида бундай фалокатга дучор бўлишлари мумкинлигини сира ҳам ўйламаган бечоралар:

— Ахир, ҳозир ҳаром ойлари эмасми, нега босқин қилаётисизлар? — дея ажабланиб қарасалар, босқинчилар:

— Бу ойнинг ҳаромлиги бошқа ойга кўчирилди, — деб шум мақсадларини амалга ошираверардилар.

Шу йўсин — ҳаром ойини ҳам ўзгартириб, ҳавфсирамай йўлга чиққанларни тузоққа тушириш тадбири «Насиъ» деб аталарди. Кўпгина бегуноҳ кишилар шу тариқа қароқчиларнинг кўлида ўлиб кетар, моллари талонтарож этилар эди.

Умуман, кўпчиликнинг бу ойларга нисбатан ҳурмати баланд эди. Мабодо мазкур ойларда уруш бўлиб қолса, бундай урушлар Оллоҳга қарши кўтарилган исён деб қаралгани учун «Ҳарбул фижор», яъни, «Гуноҳ қилинадиган уруш» деб аталарди.

\* \* \*

Абу Толиб фижор уруши тўғрисида қарашларини Ҳошим ўғилларига билдириди:

— Ҳаром ойлари ичидамиз. Бу урушга қатнашишни тўғри деб билмайман. Бошқа акаукалар ҳам шу фикрда эдилар. Бироқ бундай қалтис пайтда фақат кўнгилга қарабгина иш тутиб бўлмасди. Қурайшга келган ҳавфхатарни қайтаришда уларнинг иштироки лозим эканлиги уқтирилди. Нихоят, Зубайр бошчилигига урушга қатнашдилар. Абу Толиб ҳам орасира, ёнида суюкли жияни билан келиб, жангда иштирок этарди. Аммо Мухаммад бу урушда шахсан қатнашмас, қарши томондан отилган ўқларни йигиб, амакиларига олиб бориб берар эди.

Қачон Абу Толиб жияни билан жангда қатнашса, ўша куни қурайшларнинг қўли баланд бўларди.

— Эй қуртқумурскаю қушларга ҳам меҳрибон бўлган, ҳожиларга сув улашган буюк зотнинг ўғли, сен келганинг ҳамон бизнинг қўлимиз баланд бўлади. Нима қиларди бизнинг ёнимиздан кетмасанг? — дердилар. Буни Абу Толибга боғлашарди, унинг ёнидаги Буюкларнинг Буюги ҳурматига шундай бўлгани хаёлларига ҳам келмасди.

Абу Толиб бунга жавобан:

— Сизлар зулмдан, хақсизликдан, қариндошлик илларини узишдан воз кечинглар, шунда мен ҳам сизлардан айрилмайман, — дерди.

Араблар ўртасидаги урушлар дастлаб ҳар икки томондан биттадан аскарнинг чиқиб, яккамаякка олишуви билан бошланарди. Ғолиб аскар ўлдирилган жангчининг қуроллари ва кўйлагини олиб жанг майдонидан чекинар ёхуд иккинчи бир йигитни ўзи билан олишувга чақирап эди.

Жанг баъзан то қуёш қиздиргунча шу зайлда, яккамаякка олишувлар ҳолида давом этар, баъзан эса, икки ши олишиб бўлгани ҳамон ҳамма бараварига ҳужумга утар, икки томоннинг аскарлари аралашқуралаш бўлиб кетар эди. Ким кимга дуч келса, шу билан урушар, кун каттиқ қиздира бошлагандан кейингина жанг тўхтар эди. Пешиндан кейин ёки эртаси кун жанг яна шу тарзда бошланарди.

Урушнинг сўнгги куни. Эрта тонгда бошланган жанг қайси айлонликларнинг фойдасига ҳал бўлаётган, киноалик ва қурайшликлар мағлубиятга учраётган, кўп одамлар ўлдирилган эди. Бироқ пешиндан кейин киноаликлар жанг қилиш усулини ўзгартирилар ва қайси айлонликларни қиличдан ўтказа бошладилар. Тенгматенг жанг борар, иккала томон ҳам бугун узулкесил ғалабага эришишни хоҳлар эди.

Бу кетишда Қайси Айлоннинг куни битиши ҳеч гап эмасди. Умидсизларча уришар эдилар. Урва ҳам, Барроҳ ҳам унтилган, ҳамма ўз жонини сақлаб қолиш ташвишида эди.

Айни шундай қалтис дақиқаларда баҳайбат туяга минган ёвқур бир киши икки томоннинг ўртасига отилиб чиқди ва бор овозда:

— Эй Мудор ўғиллари!.. Эй Мудор ўғиллари!.. —деб ҳайқира бошлади.

Мудор кинона ва ҳавозинликларнинг катта боболари эди. Бу икки қабила Мудорда бирлашарди. Ҳалиги одам «Мудор ўғиллари» дер экан, бирданига ҳар иккала томонга ҳам мурожаат қилган эди. Нихоят, жанг тўхтади.

— Нима истайсан биздан? — дедилар.

— Сизларни бу ишдан яхшироқ, хайрлироқ бир ишга даъват этаман.

— Хўш, нима иш экан у?

— Сулҳтир. Сизларни сулҳ тузишга чакираман.

— Қанақа сулҳ?

— Сизлардан ўлганларнинг товонини тўлаймиз, биздан ўлганларнинг қонини Худо йўлига бағишлиймиз.

— Ким бўйнига олади бу ишни? Товонни ким тўлай олар экан?

— Мен, мен тўлайман.

— Кимсан сен?

— Қурайшлардан Утба ибн Робиа. Миннатдорлик туйғуларига тўлиқ нигоҳлар Утбага қадалди. Қиличлар қинларига солинди. Икки томон ўликларни биттабитта йифиб ола бошлади. Ўликлар санаб чиқилганда, қайси айлонликлардан йигирма киши жангда ўлгани маълум бўлди.

Утба ибн Робиа ваъдасини такрорлади:

— Бу йигирма кишининг товонини тўлаш масъулиятини зиммамга оламан.

Неча кунлардан бери давом этаётган, бу кетишда иккала қабила ҳам қирилиб кетиши аён бўлган уруш шу зайлда ниҳоясига етди.

Бундай шартни бажариш осон эмасди. Берилиши ваъда қилинган товон одам бошига юз тута ҳисоби билан жами икки минг тута демак эди.

Бу бир улкан бойлик бўлиб, каттакатта йигирма сурув дегани эди. Ақлга сиғмайдиган бу улкан товоннинг қандай тўланиши ҳаммани қизиқтиради.

— Хўш, қандай қилиб тўлайсан?

— Гаров сифатида сизларга одамларимизни берамиз. Товонни тўлаб бўлганимиз ҳамоно уларни қайтариб юборасизлар.

Кирқ кишилик бир гуруҳ қайси айлонликларга гаровга топширилди. Улар орасида Ҳарб ибн Умайянинг ўғли Абу Суфён ва қурайшларнинг аслзода хонадонига мансуб Ҳаким ибн

Ҳизом ҳам бўлган.

Йигирма ёшга тўлган, Буюклар Буюги бўлмиш қирчиллама ўспиринда том маънода жоҳиллик сабабли келиб чиқкан бу урушдан ана шундай таассуротлар қолди.

## ШАРАФЛИ АҲДЛАШУВ *Хилфул фузул*

Макка ҳамманинг эҳтиромига сазовор табаррук шаҳар эди. Чунки инсонларнинг Оллоҳга ибодат қилишлари учун илк бор бино этилган муқаддас даргоҳ ҳисобланмиш Байт («Оллоҳнинг уйи») шу ерда эди. Бу Байтнинг, яъни Каъбанинг қурилиш ўрнини тайин этган, қуришни буюрган Оллоҳ таоло бўлса, уни қурғанлар Иброҳим ва Исмоил пайғамбарлар эди. Шу боис Макка шаҳрининг муборак шаҳар эканлигига ҳеч шубҳа йўқ эди. У ерда Оллоҳга ибодат қилинар, у ерда Ҳақ Соҳибига сифинилар, бу ерга келганлар ҳар қандай тажовуз ва адолатсизликдан эмин бўлар эдилар.

Бироқ вақтлар ўтиши билан Макка халқи ўз манфа136

атлари йўлида муқаддас бир заминда яшаётганликларини унутаёздилар. Ҳақсизлик, тажовузкорлик эвазига эсада, манфаат ҳамма нарсадан устун бўла бошлади. Маккага келган ҳожиларга совуқ муомала қилиш, тужжорларнинг молларини ҳақини тўламасдан олиш одат тусига кирди. Орномус оёқости бўлди.

Бир куни Забид деган жойдан келган бир савдогар молларини қўтарасига яхшигина нархга Ос ибн Воилга сотди. Савдогар омади чопганидан жуда мамнун бўлди. Ос ибн Воил бошқа харидорлар сингари, унинг молини камситмади, баҳосини ҳам туширмади. «Аслзода оиланинг фарзанди, яхши тарбия кўрган одам экан», деб ўйлади савдогар. Тарбиясиз бир одам бўлса, ё молини камситар, ё арзимаган пулга сотиб олиш учун ҳаммаchorani қўллаб кўрар эди.

— Қани, энди буларни уйгача олиб бориши керак, азизим, — деди Ос.

Савдогар бажонидил рози бўлди. Моллар уйга олиб борилиб, жойлаштирилди. Савдогар юзидан оққан терларни артар экан, ҳақли равишда, пулининг дарҳол берилишини кутарди. Аммо бундай бўлмади. Ос ибн Воил:

— Асрдан кейин кел, ҳақингни берайин, — деди.

Бу гап савдогарга унча ёқмади. Дарҳол ҳақини олиб орқага, Забидга йўл олмоқчи эди. Чунки энди Маккада туришнинг ортиқ ҳожати қолмаган эди.

Аммо Оснинг ишонтирувчи кўриниши савдогарни бир оз хотиржам қилди. У ёқбу ёқни айланиб юрди. Замзам сувидан ичди. Каъбани тавоф этди. Асрдан сўнг келди. Ос уйида йўқ экан. Эшигининг тагида анча пойлаб турди. Оқшом пайти Ос келди, аммо савдогарни танимасликка олиб, уйга кириб кетмоқчи бўлди.

— Отажон, бир дақиқа тўхта. Ос тўхтади.

— Нима истайсан?

— Пулимни...

— Қанақа пул?

— Ҳали эрталаб мендан мол сотиб олган эдинг.

— Ҳа, ҳа, энди эсладим, эртага кел.

— Аммо, бугун асрдан сўнг бераман, деган эдинг... Ос унинг сўзини бўлди:

— Эртага, дедимку, эртага. Ҳозир мени тинч қўй.

— Аммо менинг иложим йўқда.

— Тушундим, эртага кел, дедимку.

Забидлик одам ёруғ дунёси қоронғу бўлиб, қайтиб кетди. Ичини ит тирнарди. Эрталаб тарбияли одам сингари мол харид қилган, ҳақхуқуқдан гаггарган, оладиган молини камситиши ахлоқсиз эканлигини сўзлаган Ос энди бутунлай ўзгариб қолган эди. Балки қарзини инкоп

этиши ҳам энди ҳеч гап эмасдир. Ўзини танимасликка солгани шундан далолат берарди.

Савдогарнинг қўлидан ҳеч нарса келмасди. Осникидан жуда хафа бўлиб қайтди. Кечани Каъбада ўтказди. Эрта тонгда Оснинг эшигини қоқди. Ичкаридан «Эртага келсин», деб юбордилар. Яна эшикни қоқди, хақкини талаб қилди. Аммо Ос баланддан келди.

Ахир, мен ўз ҳаққимни талаб қилмоқдаман.

— Эртага дедикку.

— Мен эртагача кута олмайман.

— Мен ҳам бугун бера олмайман.

— У холда молимни қайтариб бер.

— Тушунмадим.

— Молимни қайтариб бер, деяпман.

— Ҳазиллашяпсанми?

— Нега ҳазиллашарканман?

— Савдолашиб, менга сотдингку ўзинг?

— Ҳа, сотдим.

— У холда мол энди сеники эмас, меники бўлди.

— Аммо менинг ҳаққимчи?

— Ҳаккинг қочиб кетмайди, берамиз.

— Қани, бер, бўлмаса...

— Эртага дедимку.

— Кеча келдим, бугун бераман, деганидинг.

— Хўш, кеча нима деган эканман?

— Эртага бераман, дединг.

— Жуда соз. Бўпти, гапим гап, эртага бераман.

— Мен ҳаққимни олмасдан ҳеч қаёққа кетмайман.

— Тўғри тушунган бўлсам, сенинг таъзиiringни бериб қўйиш керакка ўхшаб қолди.

Шундан кейин Ос ичкарига қараб:

— Ҳой, ким бор, бу ёққа кел! — дея чақирди. Сўнг савдогарга ўгирилди: — Яхшиликча кетасанми ёки боплаб адабингни беришсинми?

Забидлик калтак ейишни хоҳламасди.

— Хўп. Демак, эртага келайми?

— Йўқ.

— Ё алҳазар, қачон бўлмаса?

— Энди келмайсан!

— Ахир, бу ўтаadolatсизлик, зулм эмасми?

Кани, ўқолчи бу ердан, ҳой аҳмоқ! Адолатни либкелиб энди сендан ўрганамизми? Даф бўл! Савдогар бекордан-бекорга калтак емаслик учун у одан кетди. Каъбага борди, бутларга сифинаётганлар билан гаплашди, қабила бошлиқларини кўрди. Абдуъд, Махзум, Жумоқ, Сахм, Одий ўғилларининг хонадонларида бўлди. Дардини уларга гапириб берди. Бироқ ҳеч қандай фойда топмади, умидсизлиги кучайди.

— Ос ибн Воил сингари улуғ бир зотда қарзи бор инсон шарафли бир инсон деган гап, — дедилар.

— Шараф инсоннинг қорнини тўйғазмайди. Менга пулимни ёки молимни ундириб беринглар.

— Сен нималар деяпсан ўзи! Ос каби улуғ мартаба эгасини бундай арзимас бир иш учун безовта қилиш айб эмасми?

— Ос шунаقا улуғ зот, шарафли кишими?

— Албатта, сен нима деб ўйлаяпсан?

— Шарафли инсон қарзини ўз вақтида беради.

— Қани, йўқолчи бу ердан.

Забидлик савдогар қабила бошлиқларининг баъзиларидан мана шундай совук муомала кўрди, баъзилари гапиргани ҳам қўйишмади, баъзилари эса: «Мен бу ишга аралашмайман», деди, яна бошкаси: «Менинг Осга бас келадиган кучим йўқ», деб жўнатди.

Кимга учраса, ҳамма уни қурук қайтарди. Барча эшиклар унинг юзига ёпилди. Аён бўлдики, забидлик савдогарнинг додини тинглаб, мушкулини осон қиласиган одам Маккада йўқ эди.

Эрталаб тонг саҳарда Каъбанинг ёнида ҳақсизликка учраганидан, Оснингadolatsizlik қилганидан дод солиб соchlарини юлаётган, кўйлакларини йиртиб, арзига қулоқ соладиган одам қидириб юрган бир мусофири кўрдилар.

Бу сўнгги чораси зое кетмади. Масжиди Ҳаромда сухбатлашиб ўтирганлар унга қулоқ тутдилар. Нихоят арзини тинглайдиган ва уни ҳақли деб ҳисобладиган бир неча кишини топганидан, забидлик савдогар ғоят хурсанд эди.

Илк бор оёққа Зубайр қалқди.

— Адолатсизликку бу! Зулм ва ҳақсизликка қарши кураш ҳар бир номусли одамнинг вазифаси. Мард киши зулмга нисбатан бепарво қололмайди! ~ деб бақирди. Абдулмутталибининг ўғли тўғри гапирмоқда.

— Гарибларга ёрдам бериш ҳам шараф, ҳам фарздип!

Нихоят, Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг уйида учрашиш ва ушбу масала юзасидан мунозарани давом эттиришга келишдилар. Макканинг ёш ва обрўэтиборли улуғларидан бири бўлган Абдуллоҳ ибн Жудъон меҳмонларни қучоқ очиб кутиб олди. Мажлисда Ҳошим, Мутталиб, Зухра, Ҳорис ва Тайм ўғилларидан ушбу қабилаларнинг вакили бўлиб келганлар бор эди. Ораларида энг ёши, амакилари билан келган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ эди. У эндинга йигирма ёшдан ошган эди. Бироқ ҳеч ким унинг катталарнинг орасида ўтирганидан оғринмади. Чунки у ёши билан бўлмаса ҳам, ақли ва дунёқарashi, тарбияси ва хулқи, катталарга ярашадиган нутқи билан улуғвор эди. Улуғлар ҳам ҳавас қиласиган даражада буюк эди. Шу боис ҳеч ким «Бу ўспирин бизнинг орамизда нима қилиб ўтирибди», деб ҳам ўйламасди. Меҳмонлар дастурхон атрофига ўтиришди. Е6, ичдилар. Шундан кейин муаммо ўртага ташланди.

—Агар зўравонларга қарши ломмим демасак, бундан баттар ҳақсизликлар рўй бермаслигига ким ҳам кафолат бера олади, — деди бири.

—Ос бу ишни биринчи марта қилаётган бўлса ҳам майли эди...

— Бундай ҳақсизликка йўл қўйган фақат Ос эмас. Ос улардан биридир, холос.

—Хозир индамасак, вақти келиб, ҳозирги кунларни ҳам қўмсаб қоламиз. Гапимга ишонаверинглар.

—Бу кетишда қурайшларнинг обрўйи бир чақага арзимай қолади.

—Маккага келган мусофиirlар, хатто ҳожилар ҳам тобора биздан қўл силтаб кетмоқдалар...

Қисқаси, улардан ҳеч бири бу ишнинг шундайлигича қолишини истамасди. Бундан ташқари, ўзлари ҳам борган жойларида ана шундай муомалага дуч келишлари мумкин эди. Бу ерда ҳақкуқи топталган одам имкон топди дегунча, бошқа бир қурайшликдан бўлсада, ҳаққини ундириб оларди. «Маккаликлар хоҳлаган зулмини қиласверсин, аммо борган жойларида иззатикром, эътибор кўрсинг», деб ҳеч қаерда ёзиб қўйилмаган эди.

Ҳаж мавсуми яқинлашган, бинобарин, бу масалада қатъий қарорга келиш ҳар қачонгидан ҳам зарур эди. Хозир зулқаъда ойи. Атиги бир ойдан сўнг ҳаж мавсуми бошланади. Зиёратчиларни яхши кутиб олиш, уларнинг осойишталигини таъминлаш, бу билан уларнинг яна ва яна келишларига замин ҳозирлаш даркор эди. Чунки Маккага келувчи мусофири ва ҳожилар

қанча кўпайса, ^акканинг обрўйи ҳам шунча ортар, тижорати равнақ топар эди.

Нихоят, Абу Толибнинг синглиси Байда (ёхуд Отика) ўртага бир идишда мушку анбар келтириди. Меҳмонларнинг ҳаммаси унга бирмабир бармоқларини ботирдилар.

Бу арабларнинг ўзига хос қасамёд маросими эди. Баъзан шундай хушбўй ҳидли нарсага, баъзан қон ва шунга ўхшаш нарсаларга бармоқларини ботириб, қасамёд этардилар. Қасамдан қайтмасликларини билдирувчи бир далил ҳисобланарди бу.

Шундан кейин илк қасамёд сўзлари янгради: «Токи денгизда биргина соч толасини хўллашга етадиган сув бор экан, Сабр ва Ҳиро тоғлари қад кўтариб турар экан, доимо мазлумнинг ёнида, унга ёрдамчи бўлишга, золимдан ҳаққини олгунча қўллабқувватлашга, факирларга саховат кўрсатишга Оллоҳ номи билан қасамёд қиласман».

Бу қасамёд айни тарзда бир неча бор такрорланди. Бу қасамёд «Хилфул фузул» (яъни «Фазилатли кишиларнинг фазилатли иш тутиш учун қилган қасамёди») номи билан аталди.

Бу ном неча юз йиллар олдин ҳам араблар орасида худди шу маънода бир битим тузган уч кишининг номлари билан алоқадор эди. Улар Фазл ибн Фазола, Фазл ибн Вадоа, Фазл ибн Ҳорис исмли уч ўртоқ эдилар. Мардонавор бир битим тузишган, мазлумнинг ёнини олиб, золимга қарши, ҳақсизликка қарши курашган, шу тариқа неча асрларгача араблар орасида яхши ном қолдиришган эди улар. Ўша бошланган йўлни бу сафар Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг уйида йиғилганлар давом эттиromoқчи эдилар.

\* \* \*

— Ос!.. Ооос!.. Ташқарига чиқ!

Ос ташқарига чиқди. Бир тўда одамларга рўбарў келди.

— Нима гап, нималар бўляпти?

— Сендан забидлик шахснинг ҳаққини ундиришга келдик.

Ос тараддуланиб қолди.^Ишнинг бундай тус олишини мутлақо кутмаган эди. Ўзича, у масалани батамом ҳал қилдим, деб ўйлаган эди. Савдогар бирикки жойда нолиб, арзи ҳол қилади, даф бўлиб кетади, деб кутган эди. Аммо шу онда турли қабилалардан вакиллари бўлган бир гурух одам қаршисида лол турарди.

— Забидлик билан нима ишингиз бор? — деб сўради улардан.

Зубайр уларнинг номидан жавоб берди:

— Қасамёд қилдикки, бугундан бошлиб ҳақсизликка учраган ҳар қандай киши бизнинг ҳимоямиз остида бўлади. Маккалик бўлсин, мусофир бўлсии, ҳеч кимга нисбатан зулм қилинишига йўл қўймаймиз.

— Бермасамчи?

Абдуллоҳ ибн Жудъон гапга аралашди:

— Кўзингни оч, Ос! Бизни сўнгти чорани қўллашга мажбур этма!

Зубайр қўшимча қилди:

— Дарҳол савдогардан қарзингни олиб чиқ. Чунки уни олмасдан кетмаймиз.

Ос вазият қалтис эканлигини англади. Ичкарига кирди. Бир оздан сўнг пулни олиб чиқиб, Абдуллоҳ ибн Жудъонга узатди.

Забидликни топиб, ҳақини бердилар.

— Ҳаққинг шунчамиди?

Савдогар йиғламсираб «Ҳа» ишорасини берди ва:

— Сизлар бўлмасаларингиз, ҳаққимни ололмасдим,— деди миннатдорона.

— Мана энди уйингта хурсанд бўлиб қайтишинг мумкин. Маккада такрор ҳақсизликка учрасанг, бизга мурожаат эт, унутма.

Савдогар жуда хурсанд бўлиб, хайрлашди.

«Хилфул фузул»нинг аъзолари анча енгил тортидилар. Юзларида табассум пайдо бўлди. Ахир, Маккадек муборак шаҳарда яшовчиларга муносиб бир ишнинг уддасидан чиқсан эдилар.

Бундан буён амалга ошириладиган хайрли ишларнинг муқаддимаси эди бу.

Мажлиснинг йигирма ёшли аъзоси Мухаммад ибн Абдуллоҳ бу битимдан қалбида пайдо бўлган ҳузурхаловат туйғусини, кўнгил роҳатини ўттиз йил ўтгач ҳам унутмади. Бир куни биродарларига шундай ҳикоя қилиб берди: «Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг уйидаги бўлган бир аҳдлашувда иштирок этдим. Бундай шарафдан воз кечиш эвазига дунёнинг энг гўзал неъматларини берсалар ҳам, асло рози бўлмасдим. Ислом дини вужудга келганидан кейин ҳам мана шундай аҳдлашувга таклиф этсалар, сира иккиланиб ўтирасдан борардим».

Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг уйидаги аҳдлашув натижаси ўлароқ бир жамоанинг Ос ибн Воил уйига бориб, уни тиз чўқтиргани воқеаси тезда бутун Маккага маълум бўлди.

Кўп ўтмай Хосъом кабиласидан бир киши Маккага ҳаж ёки умра нияти билан келди. Ёнида Қотул исмли бир қизи ҳам бор. Қиз жуда гўзал эди.

Нубайҳ ибн Ҳажжож бу қизга бир кўришда ошиқи бекарор бўлиб қолиб, зўравонлик билан олиб қочди.

Қизнинг отаси бу зўравонликдан телба бўлаётди. Ҳар томонга югуриб дод солди. Кўрганлар унга «Хилфул фузул» аъзоларига учрашишни тавсия этдилар. Бу одам Каъбага келди:

— Эй «Хилфул фузул» аъзолари!.. Эй «Хилфул фузул» аъзолари!.. — деб бақира бошлади.

Унинг бақириғини эшитган «Хилфул фузул»чилар ҳар томондан келиб, атрофини ўраб олишди.

— Нима дейсан?

— Нубайҳ ибн Ҳажжож қизим Қотулни зўрлик билан олиб қочиб кетди.

— У ҳолда биз билан бирга юр.

Катта бир жамоа Нубайҳ ибн Ҳажжожнинг уйига борди.

Нубайҳ эшигининг олдига келган бир тўда одамни кўриб ҳушёр тортди. Уларнинг нима мақсадда келганликларини сезди. Олиб қочган қизни унга никоҳлаб, «Қўша қаринглар», дейиш учун келмаганликлари аён эди. Келганлар хўмрайиб турадилар.

— Нима иш қилдинг сен, ё Нубайҳ!

— Нима қилибман?

— Бу одамнинг қизини зўравонлик қилиб олиб қочибсан.

— Аммо мен уни қаттиқ севиб қолдим. Ундан ажралсан, ўламан.

— Уни севиб қолган бўлсанг, отасининг розилигини олишинг керак эди.

— У ҳолда Қотулнинг отасидан сўрайман. Қизнинг отасидан сўрадилар:

— Қизингни Нубайҳга берасанми?

Йўқ.

Нубайҳ ёлворди:

— Нима хоҳласа, шуни бераман.

Ота узилкесил жавоб қилди:

Қизимни қайтариб берсин, бошқа хеч нарса истамайман. Бу сафар Нубайҳга шундай амр берилди:

Ҳозироқ қизни шу ерга олиб чиқасан. Акс ҳолда, ўзингдан кўр. Ҳеч бўлмаса, бир кеча у билан кўнгилхушлик қилай. Асло бўлмайди. Бир туюнинг согими қадар муддат ҳам кутмаймиз. Дарҳол олиб чиқ. Нубайҳ мағлуб бўлди. Бундай катта жамоага бас келиш кийин эди. Индамай уйига кириб кетди. Қизни олиб чиқиб, отасига топширди.

\* \* \*

«Хилфул фузул»нинг шарафли аъзоси Мухаммад ибн Абдуллоҳнинг ҳар жиҳатдан етук йигит эканлигини ҳамма тан оларди. Бирон кимса бармоги билан кўрсатадиган қусури йўқ эди унинг. Кўиол, бемаъни гап гапирмасди, бирор айбли иш қилмаган. Жисми ҳам, руҳи ҳам пок ва гўзал эди. Кўпчиликнинг ииёнчини қозонган, обрўэътиборга сазовор бўлган эди.

Энди кўйинча унга Мухаммад ибн Абдуллоҳ деб эмас, «Ал-Амин» дея мурожаат этардилар. Бирон кимса унинг «ишиончи одам» эканига шубҳа кила олмасди.

Унга «Амин» исмини берганлар нақадар ҳақли эканликларига тобора қўпроқ ипгонч ҳосил қила бошлаган эдилар.

## САЛМОН ФОРСИЙ

Исфаҳон шаҳрининг Жай қасабасида Салмон исмли бир ўсмир яшарди. Отаси қасаба раиси эди. Ўғлини девоналарча яхши кўрар, бошига бирон фалокат тушмасин, дея ҳеч ёлғиз ташлаб кетмас, ҳеч қаёққа юбормас эди.

Салмон болалик, ҳатто илк ўсмирлик чоғини ҳам, худди бир жориядек, тўрут деворнинг ичидаги ўтказди. Диндор бир йигит бўлиб улғайди. Оиласидан олган диний тарбияга кўра, у ҳам мажусийликка (оташпарастликка) эътиқод қиласиди. Бир куни бир ибодатхонага кириб олиб дуо ўкиётган, нималарнидир пичирлашаётган одамларни кўрди. Салмон уларни завқ билан кузата бошлади.

Орадан бир неча соат ўтган бўлсада, Салмон ҳануз уларни томоша қиласиди. Балки шудақиқаларда ёлғизлик туфайли юрагида найдо бўлган ўкинч ўрнини бир оз енгиллик, хушнудлик эгаллаган бўлса ажаб эмас. Чунки Салмон бу диндорларни ҳайрат билан кузатаркан, юзида хиёл табассум пайдо бўлди. Оқшом пайти одамлар тарқала бошладилар. Салмон улардан бирини тўхтатиб:

— Бу, сизларнинг динингизнинг асоси қаерга бориб тақалади? Қанақа дин ўзи? Динингизни менга чуқур ва атрофлича ўргатадиган одамни қаердан топсан бўлади? — деди.

— Шом шахридан, — деган жавобни олди. Салмон боши эгик ҳолда ибодатхонадан чиқди. У ўзича шундай деб иичирлади: «Худо ҳаққи, уларнинг дини бизнидан хайрлироқ, бизнидан мукаммалроқ экан».

Шу кунлари отаси Салмонни бир жойга иш билан жўнатди. Салмон узоқ вақт йўқ бўлиб кетди. Қаттиқ саросимага тушган ота дарҳол унинг изидан одам жўнатди, аммо ўғлининг у жойга бормагани маълум бўлди. Уни қидириб чиқсан кишилар ёнатрофни қайтакайта қараб келдилар. Бироқ Салмондан дарак йўқ эди.

Отанинг хаёлига ҳар хил ёмон ўйлар кела бошлади. Хунук бир хабар эшитмайинда, деб хавотирга тушди. Аммо кун ботиб, қоронги туша бошлагач, Салмон ҳеч иарса бўлмагандек уйга кириб келди. Юзига диққат билан қараган киши унинг ўзгариб қолганини сезиши қийин эмасди. Юрагига ғулғула тушган ота меҳр, шафқат, кўрқув ва ғазаб ҳислари айқашуйқаш бўлиб кетган бир овозда:

— Қаерларда юрибсан, ўғлим?! — деб сўради. Салмон ўз кўзи билан кўрган воқеаларни гапириб берди. Сўзларини шундай давом эттириди:

— Менинг тушунишимча, уларнинг дини бизнидан хайрлироқдир. Отаси ашаддий мажусий эди. Энг тўғри дин ота-боболаримизнинг динидир, деди у!

— Йўқ, ота, худо ҳаққи, уларнинг дини бизнидан яхши, бизнидан мукаммалроқдир. Ота ўзларининг дини устунроқ эканлигини уқтиришга харчанд уринмасин, Салмон фикридан қайтмади. Отасининг жаҳли чиқиб кетди. Сўзини ўтказа олмагач, ўғлининг оёққўлини боғлатди ва бир хонага қамаб қўйди.

Оёққўлларга солинган кишан ўспириннинг онгини янада тиниқлаштирган, дунёқараши ҳудудларини кенгайтирган эди. Салмон энди ўзининг ҳақли эканлигига шубҳа қилмасди. Қулай фурсатни пойлай бошлади. Кали soda танишган одамларига хабар жўнатди: Шомдан бир карвон келса, маълум қилишларини илтимос қилди.

Юраги меҳршафқатга тўла ота ҳар куни ўғлидан хушхабар чиқишини кутарди. Унга

панднасиҳат қилди, таҳдид солди, ҳар хил йўлларни синаб кўрди, ҳеч бири фойда бермади. Сўнгги чора сифатида қамоқ муддатини узайтиришга қарор қилди. Жигарпораси, жондан азиз фарзандининг бегона динга киришига ҳеч рози бўлолмас эди.

Шундай кунлардан бирида Салмонга Шомдан бир карвон келгани тўғрисида хабар етди. Салмон хабарчидан улар аник кетадиган кунда яна хабар етказишини ўтиниб сўради. Бу қамоқ муддати давомида Салмон мажусийликдан кўнгли совий бошлаган, юрагига тушган учқун алангаланган эди. Қаттиқ ҳаяжон ичида карвон кетадиган кунни пойлар, ўзи учун янги бўлган динга киришдан бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйламас эди.

Нихоят, хушхабар келди. Салмон дарҳол кишанларини ечди, вақтни ўтказмай, уйидан чиқиб кетди. Бу унинг ота уйини узилкесил тарк этиши эди. Энди бу уйга қайтиб келмоқчи эмас, қайтиш ҳақида ўйламас ҳам эди.

Карвонга қўшилди. Узоқ давом этган сафардан сўнг Шомга етиб борди. Вақтни бой бермай, насроний динининг энг улуғ вакилини қидирди. Кўрсатдилар. Салмон унинг хузурига борди, бошидан кечирган воқеаларни сўзлаб берди. Бу динга кириш учун чеккан азоблари ва қилган фидокорликларини тилга олиб ўтди. Сўзларини шу тарзда якунлади:

— Энди изн берсанг, сен билан бирга қолай, сенга ва калисога сидқидилдан хизмат қилайин. Бу динни шахсан сендан ўрганиб, сен билан биргаликда ибодат қилайин!

Бу одам Салмоннинг сўзларини диққат билан тинглади, унинг самимий бир ўспирин эканлигини англали. Илтимосини қабул этди. Салмон севинч билан унинг кўлларини сикди.

Энди Салмон мажусийликдан воз кечган, насоро

бўлган эди. Динга хизматда камчиликка йўл кўймас, ибодат чоғларида риёкорлик қилишни сира ҳам ўйламас эди. Энди бу калисада у бир неча йил қолиб кетди.

\* \* \*

Аммо Салмоннинг руҳонийдан мамнунияти узоққа бормади. Бу одам бениҳоя даражада риёкор экан. Халққа қилган насиҳатларига ўзи амал қилмас, аксинча иш тутар эди.

Бойликка ўч эди. Бойбадавлатлар садакаларини унга келтириб:

— Сен фақирларни биздан кўра яхшироқ биласаи, бизнинг номимиздан шу пулларни бериб қўйсанг, — дер эдилар.

Аммо руҳонийнинг кўлига тушган пуллар фақирларга етиб бормас эди. Олтин ва кумуш тўлдирилган хумларининг сони еттитага етди.

— Аввало, сизларни тўлдиришим керак, фақирларга кейин берилса ҳам бўлаверади, — дея руҳоний тушум пулларни хумларига тўкарди. Салмон унинг бу қаллоблигини халққа кандай етказсам экан, деб кўп ўйлади. Лекин уддасидан чиқишига кўзи етмасди.

Бир куни очқўз руҳонийнинг эшиги қаттиққаттиқ чертилди. Чертаётган ажал эди. Қайтиб кетиш учун келмаган эди. Хоҳласаҳоҳламаса, уни хузурига киритишга мажбур эди руҳоний. Кўзлари олтинкумушга лик тўла еттига хумга қадалган руҳоний ўлим шарбатини сўнгти томчисигача ичди ва умри бўйи: «Зинҳор бойликка берилманг, пулга алданманг, бойликка банда бўлманг, буларнинг ҳаммаси — фонийдир...» дея жар солган, аммо ҳаммадан кўпроқ ўзи муккасидан берилтан мол-дунёни бир зумда тарк этиб кетди.

Қавмлар кўз ёши тўкар, уни катта ҳурмат билан дафн этишга ҳозирлик кўрар эди. Уларнинг самимий қайғуси Салмоннинг бардошини тоширган сўнгги томчи бўлди:

— Бу одам беодоб, риёкор бир кимса эди. Йиғлашингизга ҳам арзимайди!.. — деб бақирди. Одамлар ғазабланиб кетдилар:

— Нималар деяётганингни биласанми ўзинг?

— Неча йиллардан бери хизматини қилган одаминг ҳақида бундай дейишга уялмайсанми?!

— Ўлган одамнинг кетидан гапириш айб бўлади...

Аммо Салмон сўзидан қайтмади:

— Мен нима деяётганимни яхши биламан. Гап шундаки, сизлар унга садақаларингизни

келтириб, фақирларга тарқат дер эдиларингиз. У эса, хаммасини ўзининг ҳамёнига уради. Истасаларингиз, ўша пуллар турган жойни кўрсатаман, — деди.

— Қани, кўрсат!

Халқ бир неча дақиқадан сўнг оғзибурни баробар тўлдирилган хумларнинг ёнида туради. Хумлар ағдарилди. Кўзлар қинидан чиқиб кетаёзди. Бу бекиёс бойликни тушда эмас, ўнгда кўраётган эдилар! Рухоний хақидаги фикрлари бир сонияда тескарисига ўзгарди.

— Аблаҳ, ҳақиқий малъун экан.

— Ҳақиқий шайтоннинг ўзгинаси...

— Неча йиллардан бери бу ифлосга алданиб келган эканмиз... — каби кин ва адоватга тўла хитоблар янгради.

Асабийлашганлар орасида йиллар бўйи уларни алдаб, кучини зулукдек сўриб келган руҳонийни роса қарғаганлар ҳам бўлди:

— Биз уни ерга кўммаймиз, бунга у нолойик.

Сўнгги қарор эди бу. Рухонийнинг жасадини судраб олиб кетдилар. Бир дараҳтга осдилар. Ўтган-кетган уни тошбўрон қилди.

Салмон халқнинг кўзи ўнгидаги тўкилган бойликдан бир пақир (тийин) олишни ҳам истамади.

Калисога бу дафъа халқнинг хурмати ва ишончини қозонган бошқа руҳоний тайин этилди. Салмон энди унинг хизматини қила бошлади.

Бу одамни Салмон яхши кўриб қолди. Ундан кўра мукаммалроқ ибодат этадиган, молдунёга унингдек кўнгилсиз, охиратга унинг каби ҳавасманд одам борлигига ишонмасди. Аммо тез орада унинг ҳам бошига ажал келди. Аслида мол-дунёга ҳеч кўнгил қўймаган бу одамнинг ҳаётдан кўз юмиши ҳам қийин бўлмади. Ўзи жуда ҳавасманд бўлган охират йўлига кетди. У ерда иззатикром кўришига умид билан кетди.

Руҳоний сўнгти нафасларини оларкан, унга ўта вафодорлик билан хизмат этган Салмон:

— Мени кимга ташлаб кетяпсан? Сендан кейин кимнинг этагидан тутаман? — деганида у:

— Ишонса бўладиган кишилар оз қолди. Мосулда бир роҳиб дўстим бор, унинг хузурига бор... — деди.

У ўлгач, Салмон узоқ йиғлади. Шомни тарқ этаркан, неча йиллар давомида бирбирига тамомила қарамақарши бўлган икки кишининг хизматини қилгани эвазига ҳеч нарсага эришмаган эди. Бу хизматни у дин йўлида беғараз ўтаган, хизмати эвазига пул ишлашни бирон марта ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

## ХАДИЧАНИНГ САВДО КАРВОНИ

Макка зироат шахри эмасди, яъни, у ерда дехқончилик ривож топмаган эди. Чунки бу шаҳар бир неча водий кесишган ялангда қад кўтарган бўлиб, тупроғи ва иқлими зироатга ўнгайсиз эди.

Бу ерга илк дафъа хотини Ҳожар билан ўғли Исмоилни ташлаб кетган буюк пайғамбар Ҳазрати Иброҳим уларни ёлғиз қрлдирмаслик учун Санийятут Вадоъда дуо ўқиб: «Эй Роббимиз, мен зурриётимдан бир қисмини экинсиз бир яланг водийда, сенинг ҳурматинг учун, қадрли Байтинг олдида қолдирмоқдаман...» дея илтижо қилган пайтлари у ер япяланг, яшилликнинг уруғи ҳам кўринмайдиган бир водий эди. Шундан кейин неча юз йиллар ўтиб, неча авлодлар келиб кетди, Ҳазрати Иброҳим дъяват этган Ислом эътиқоди унутилди, Каъбанинг атрофи бутларга тўлди, бироқ Макка водийи ҳамон экинсиз, ҳамон яланглигича қолган эди.

Бу шароит маккаликларни чет ўлкаларга чиқишга, тижоратга зўр беришга ундали. Ҳар бир маккаликтининг озмикўпми савдоси бор эди. Ҳар ким ўз бойлиги ва қобилиятига яраша

савдосотиқ билан шуғуллана бошлади. Асосан, ёз мавсумида Шомга, қишида эса Яманга тижорат карvonлари қатнар, ҳар бир маккалик имкониятига қараб ушбу карvonларга қўшилар, вакилини жўнатар ёки кетаётгандардан бирига молини омонат топширади.

Якка ўзи карvon уюштира оладиган даражада бадавлат шахслар ҳам бор эди. Ҳувайлиднинг қизи Хадича ўшандайлардан бири эди.

Хадича бағоят гўзал аёл эди. Даставвал, Отик ибн Оиз исмли кишига турмушга чиқди, ундан бир қиз кўрди. Отик кўп ўтмай вафот этиб, Хадича бева қолди.

Кейинроқ Хадича Абу Хала исмли бир киши билан иккинчи марта турмуш қурди. У билан бир неча йил яшади. Аммо Басра томонларда тарқалган вабо қўп кишилар қатори Халани ҳам ҳаётдан олиб кетди. Абу Халадан Ҳинд исмли қизи тугилди.

Тақдир тақозоси билан иккинчи марта тул қолган Хадича бошқа турмуш қуришни ўйламади. Отаси ҳам ўлиб кетгач, унинг ихтиёрида қолган бениҳоя бойлиқдан тижорат учун фойдаланишга қарор килди. Оилавий турмушда чап келган толеи тижорат соҳасида ярқиради. Кун сайин бойлиги ортиб борди ва тижоратда Макканинг энг олди савдогарлари қаторига кирди.

Ҳам бекиёс мол-дунё, ҳам тенгсиз гўзаллик сингари икки бойликнинг эгаси бўлган Хадича ушбу ҳар иккала бойлик орзуидаги кўргина кишиларнинг таклифларини рад этди, ортиқ турмуш қурмаслигини билдириди.

Ҳар бир маккалик каби, у ҳам Шомга, Яманга карvonларини жўнатар, ҳар гал карvonни бошқариб боришга бир кишини ёллар, унга катта микдорда ҳақ тўлар эди. Карvonбошилик масъулиятини зиммасига олган одам Хадичанинг номидан савдосотиқ ишларини юритар, молларини сотар, борган жойидан мол олар, қайтиб келгач, Хадичага ҳисоб берар эди.

Хадича жўнатган бу одамлари қандай иш тутгандилари, берган ҳисобларига яраша хаттиҳаракат қилганқилмаганликларини алоҳида назорат этар, бу масалада Майсара исмли содик бир қулидан фойдаланар эди.

Майсара кичик ёшидан бери унинг наноҳида улгайган, бекасининг соф виждони, юксак ахлоқи ва фазилатларига, ҳақиқий инсонлигига чин кўнгилдан ишониб эътиқод қўйган, уни ўз онасидек эъзозлар эди. Кули бўлгани учун эмас, ҳурматга лойиқ инсонлигини тан олгани учун сидқидилдан хизмат қиласарди.

Майсара ҳар сафар карvon билан бирга бориб, бирга қайтарди. Кетар экан, хонимафандисидан ажрашаётганидан ғамгин, аммо иккинчи томондан, унинг хизматида бўлгани учун кўнгли хотиржам кетар; қайтар экан, яна хонимафандисига эмас, онаси хузурига қайтаётгандек хурсандчилик қалбини тўлдиради. Шундан кейин Майсара Хадичанинг ёнига ўтириб, сафар давомида кўрганларини бирмабир гапириб берарди. Шу орада карvonбошининг хаттиҳаракатлари, савдосотиқ найтида ўзини қандай тутгани, карвондагиларга қандай муомалада бўлганини ҳам маълум қиласарди.

Хадича Майсаранинг улкан тажриба ва яхши хулқ эгаси эканлигига ишонар, шу учун у берган ҳисботга кўра иш тутар эди. Кейинги сафар карvon билан бошқа

одамни жўнатар, аммо Майсаранинг ҳисботидан маълум бўларди, бу карvonбошига ҳам ишониб бўлмас экан.

Унда Хадича нега Майсаранинг ўзини карvonбоши қилиб қўя қолмас эди?

Бунинг жавоби Майсаранинг қул эканлигига бориб тақаларди. Карвонда бўлган ҳеч бир кимса қулнинг амрига итоат этишга тоқат қилолмайди. Халқ учун озод инсон бўлиш яхши хулқ соҳиби бўлишдан кўра афзалроқ эди.

Майсарага озодлик бериш ҳам кифоя қилмасди. Озод қул ҳам, ўша пайтдаги шартшароитларга кўра, карvonбоши бўлолмасди. Узоқ сафарга чиқадиган карvon йўл давомида учрайдиган қабилалар билан учрашар, суҳбатлашар, лозим бўлса, уларга оғирлигини солиб, уларнинг ёрдами, қўллабқувватлашига сазовор бўлар эди. Арабистон сингари, ҳеч қандай қонун

ва тартиб бўлмаган, фақат кучкудрат аҳамиятга эга бўлган бир ўлкада озод этилган қулнинг қўлидан кўп иш келмасди.

Майсарапинг пешонасига кичик ёшдаёқ қуллик тамғаси урилган эди. Бундай тамға босилмаган тақдирда ҳам шуҳрати Маккадан ташқариларга таркалган аслзода оиласдан эмас. Шу сабабли Хадича, унга қаттиқ ишонса ҳам, карvonбошиликка тайинлай олмасди.

Майсара ҳаётидан мамнун эди. Чунки хонимафандиси унга нисбатан шафқатсиз хўжайин эмас, шафкатли бир она бўлиб қолган. Бекаси унга хеч қачон қўлидан келмаган ишни буюрмаган, хўрламаган, камситмаган ҳам.

\* \* \*

Йигирма бешинчи йил...

Фил воқеаси юз берганда ўн беш ёшли қиз бўлган Хадича энди қирқ ёшга чиқди. Гўзал ахлоқ эгаси бўлгани боис маккаликлар унга «Тоҳира» лақабини бердилар. Бу сўзнинг маъноси покиза, иффатли, фазилатли аёл демак эди. Тоҳира лақаби Хадича онамизга чиндан ҳам жуда мос эди.

Хадичанинг бу йил ҳам карvon жўнатиш нияти бор эди. Аммо кимни бошлиқ қилиб юборишини билмай, боши қотди.

Ўзига маълум одамларнинг барини атрофлича билиб олган. У одамларни фойда келтирмайди деб ҳам бўлмасди, албатта. Бироқ улар тўғрисида Майсарапинг фикри яхши эмас эди. Синалмаган одамни ёллашга эса, кўнгли чопмасди.

Шу сабабли барча танишибилишларига ишончли карvonбоши топишга ёрдам беришларини сўраб одам жўнатди. Тоғаси Ҳаким ибн Ҳизом, қариндошларидан Ҳузайма ва ўртоғи Нафиса ҳам ишончли одам қидириш билан овора бўлдилар.

Нихоят, Ҳошим ўғилларидан Абу Толибнинг жияни Муҳаммад ибн Абдуллоҳни тавсия этдилар. У ҳақда кўпчилик яхши фикрда эди. Маккаликлар уни бежиз «Ал-Амин» деб атамаганлар ахир. Айни пайтда Муҳаммад бекор эди. Агар розилиги олинса, кўнгилдаги иш бўларди. Хадичага тавсия маъқул тушди. Илгари ҳам бу йигит ҳақида яхши гайлар эшитган эди. Дарҳол Абу Толибга жиянининг карvonбошиликка розилигини билиш учун одам юборилди.

Бойлик борасида Абу Толибнинг сира бири икки бўлмаган, толеи кулмаган эди. Ҳошим ўғилларининг бошчиси бўлсада, доимо камбағал яшади, косаси хеч оқармади. Бу йил ҳам аҳвол ўшауша, ҳатто янада оғирлашди.

Йигирма беш ёшга кирган жиянининг аҳволи ҳам амакисиникидан пеш эмасди. Отасидан унга дурустроқ молмулк қолмаган.

Бир куни Абу Толиб жияни билан бирга ўтириб, ночор аҳволдан чиқиш чоралари хусусида сухбатлашдилар. Абу Толиб жиянига шундай деди:

— Хадича Шом томонларга сафарга жўнатиш учун ҳозирлаган карвонига ишончли ўйлбошли қидираётган эмиш. Унга шу тўғрида учрашиб кўрсанг, қандай бўларкин? Тахминимча, бажонидил рози бўлса керак. Аслидаку, ўзимга қолса, сени Шомга асло жўнатмас эдим. Аммо кўриб турибсан, бошқа хеч қандай чорамиз қолмади. Буюк Амин бу сўзларни дикқат билан эшитди.

— Амакижон, сиз нима десангиз, менга шу маъқул, —деди.

Энди буни Хадичага билдириш қолган эди, холос. Унинг рози бўлиши муқаррар эди. Ҳарҳолда, Маккада жиянидан ортиқроқ одамни топиши мушкул. Хадича бундай имкониятни кўлдан бермаса керак.

Шу пайт бир чопар келиб, Хадичанинг саломини етказди ва Абу Толибдан жиянини карvonбоши сифатида жўнатишга розилик сўраётганини билдириди.

Абу Толиб масала бу қадар осон ҳал бўлишини сира

кутмаган эди. Насибаси гўё оёқ остидан чиққандек бўлди. Тўланадиган ҳақ тўғрисида келишиб олиш учун у Хадичанинг уйи томон йўл олди.

— Жиянинг Муҳаммад тўғрисида жуда кўп яхши гаплар эшитдим, — деб сўз бошлади Хадича. — Шу пайтгача сафарга отлантирган карvonбошиларимдан ҳам яхшироқ, ишончлироқ карvonбошини қидириб юрувдим. Мана, ниҳоят, кўнглимдагидек одам топилди, деб ўйлайман.

Ха, сен ҳақсаи, эй Хадича. Жияним сени мамнун этадиган одобахлоқ ва тарбия эгасидир. Бироқ ҳисобли дўст айрилмас, деганлар. Мен унга тўланадиган ҳақни келишиб олсак, деган мақсадда келдим. Унга нима берасан?

—Бошқаларга берганимнинг икки ҳиссасини.

—Келишдик.

Таклиф этилган ҳақ талашибортишишга асло ўрин қолдирмади.

\* \* \*

Тайёргарлик тамом бўлгач, карvon Буюк Амин бошчилигида Шом сафарига чиқди. Буюк Амин карvonнинг энг бошида борарди.

Хадича у билан илк бор юзмаюз учрашганда умрида ҳали бу қадар покиза, тамизли ва кўркам одамни кўрмаганига ва бундан кейин ҳам кўрмаслигига ишонч ҳосил қилди.

Ё Роббим!.. дейишдан ўзини тия олмай қолди у. Бундай чехра эгасидан ёлғончилик, ҳийланайранг ёки риёкорлик кутилмасди.

Уларга «Соф бориб, саломат қайтишларини» тилар экан, карvonнинг чиндан ҳам эсономон борибеклишини кўнгли билан сезди.

Майсара карvonнинг энг охиридан жой олди. Икки кун йўл юрганларидан сўнг олдидағи икки туяниң бетўхтов оқсоқланаётганига кўзи тушди. Туялар тобора баттар оқсоқлана бошлади. Бу кетишида кўп ўтмай юра олмай қолишилари бегумон эди. Аҳволни билдириш учун уловини жадаллатди. Аммо карvonбошига яқинлашай деб қолганда... кўзларини ишқалашга мажбур бўлди. У кўрган нарса фақат тушга кириши мумкин эди. Карvon боши Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг устида учиб бораётган икки хилқат унга соябон тутиб борарди. Тушида ҳам бундай ғаройиб ҳодисани кўрмаган Майсара ҳайратдан қотиб қолди.

Бу хилқатларнинг сояси йўқ эди!

Ҳамма у кўрган нарсани кўраётганмикан? Миясига дафъатан урилган бу фикрдан ўзига келган Майсара ёнидаги одамнинг қўлига туртди:

— Бу галги карvonбошимиз жуда ёқимли йигит экана, нима дединг?

Ҳалиги одам бошини ҳам кўтартмай:

— Тўғри айтасан, мен ҳам шундай фикрдаман, деди.

Майсара ундан бу жавобни олишдан ҳам кўра, ҳалиги хилқатларни кўряптимиийўқми, шуни билмоқчи эди.

Ажабо, булар фаришталармикан? Муҳаммад ибн Абдуллоҳ фаришталар хизматини қиласидан шундай буюк кишимикан?

Майсара унга яқинлашаркан: — Орқада икки тия юра олмай қолди, — деди. Қисқа муддатга тўхтадилар. Биргаликда оқсоқ туяларнинг қошига бордилар. Чиндан ҳам туяларнинг аҳволи оғир, оёқлари шишиб кетган эди.

Буюк Амин туясидан тушди, оқсоқ туяларнинг оёқларини ушлаб, оҳиста сийпалади, оёқларининг тагига бармоқларини теккизди. Шундан кейин уларнинг ёнидан нари кетди. Майсара Муҳаммаднинг ҳаракатларини зўр қизиқиши билан кузатарди.

Туялар бирдан жонландилар. Икки дақиқа олдин юра олмайдиган ҳолатда бўлган туялар гўё булар эмасдай, шаҳдам одимлаб кетдилар. Олдиндаги туялардан ўзиб кетишга уринаётгандек эдилар.

Майсаранинг ҳайрати янада ошди. Бошқа карvonбоши бўлса бундай аҳволга тушган туяларни ҳеч иккиланмай сўйдирад, бутун сафар давомида зиёфат қилиб берар эди. Ҳолбуки, Муҳаммад бундай қилмади. Бундай қараганда, у ҳам худди бошқалардай иш қилди. Шунчаки, туяларнинг аҳволи билан яқиндан танишиди, холос. Лекин туялар шундан кейин қайта

туғилғандек тетик одимлаб кетгани ҳайратга соларди кишини.

Бу воқеани шу карвон сафида бораётган Хадичанинг қариндоши Ҳузайма ҳам кўрди. Ҳузайма карvonбошининг оддий одам эмаслигига қаноат ҳосил қилди.

Майсара ғаройиб кўланканинг то қош қорайтунча уларни таъқиб этиб борганини кузатди. Кечқурун шу ҳақда ўйлади, кундузи шу ҳақда бош қотирди, хуллас, юраги ниманидир сеза бошлади.

Эрта тонгда яна йўлга отланилди. Бирмунча муддат ўтиб, қуёш чараклаб чиқди. Майсара яна карвоннинг охирида бораётган эди. Фақат, баъзан карвоннинг бошига қарабқараб қўяр, кечаги ҳодиса яна такрорланадимийўқми, шуни ўйлар эди. Ҳозирча хилқатлар кўринмасди. Аммо кун тиккага келиб, қуёш аёвсиз қиздира бошлагач, улар яна пайдо бўлди.

Бутун сафар чоғи шу ҳол давом этди. Нихоят, Бухайранинг манзилига келдилар. Кекса роҳиб ўлган экан. Ўн уч йил олдин, болалигида кўрган бу зотни бугун, йигирма беш ёшга кирган чоғида кўрганида, ким билади, нима қилас, қанчалик қувонар эди. Унинг ўрнида Наастура исмли бирроҳиб ишлаётган эди. Майсара билан азалдан таниш бўлганликлари сабабли қуюқ сухбатлашдилар. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ эса, бир неча йил олдин шу ердан олган таассуротларини эслаб, дараҳт тагида хордиқ чиқаради.

Роҳиб Наастура дараҳт тагида дам олаётган Буюк Амин ҳақида баъзи маълумотларга эга бўлди, ўзи ҳам у ҳақда нималардир деди. Аммо Бухайра сингари унга ошиқ бўлиб, ҳаяжонга тушмади. Ёнига бориб, яқиндан танишишни ҳам лозим кўрмади.

Карвон манзилни тарк этди. Сўнгги бекат Бусрада бўлди. Бусрада ҳам катта бозор бор эди. Шу ерда савдосотиқ қилиб, ишларни битириб қайтишга қарор қилинди. Майсара олдинги сафарларда Шомгача борган эди, шу боис, у ерда кўпроқ фойда олинади, деб ўйларди. Аммо карвонбошига эътиroz билдиrolмади.

Моллар бозорга туширилди. Ғаройиб бир ҳол юз берди. Моллар ҳеч кимса сота олмайдиган юқори нархларда жуда тез сотила бошлади.

Майсара сал орқароқда турар, олдисотдига аралашмас, балки буюрилган ишнигина бажарап эди. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ қўлидаги молни сотар экан, уни ортиқ даражада мақтамасди. Сотиб олаётганда камситиш, сотаётганда ортиқча мақташ одати йўқ эди унда.

Шу пайт бир яҳудий билан ораларида англашилмовчилик содир бўлди. Яҳудий уларнинг Ҳарам аҳлидан эканликларини билгани учун:

— Лот ва Уззо ҳаққига қасам ич, бўлмаса ишонмайман, — деди.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ қипқизариб кетди, чакка томирлари бўртиб чиқди:

— Мен бугунги кунгача уларни ўртага қўйиб қасам ичмаганман. Ҳатто башараларига киё ҳам бокмаганман. Ёнларидан ўтсан, юзимни ўгириб ўтиб кетаман, — деди. Яҳудий бу сафар, у ҳолда билганингча қасам ич, деб ўтирумади.

— Сенинг айтганингча бўла қолсин, — деди ва шу билан олишбериш тугади.

Майсара эшитган гапларига бирорбир маъно беришдан ожиз эди. Муҳаммад нега Лот ва Уззо каби бутлардан бунчалар нафратланар экана?.. Макка халқи, устигаустак, хошимийлар ҳам бутларга катта аҳамият берардилар.

Яҳудий кетар экан: «Ўша бўлиши керак, албатта, ўша...» дерди ўзига ўзи.

Майсара теззез юриб, яҳудийга этиб олди.

— Нималар деяпсан? — деди.

— Нимани нима дебман?

— Хўжайиним ҳақида бир нарсалар деб минғирлаётганингни ўз қулогим билан эшитдим.

Яҳудий Майсаранинг юзига тикилди:

— Менинг билишимча, бу одам Пайғамбардир. Бизнинг олимларимиз китобларда сифатларини келтириб ўтган пайғамбар шу одам бўлиши керак, — деди.

Сўнгра Майсаранинг жавобини ҳам кутмай, кетиб қолди. Ким нима деса, десин, бу галги

даромад ҳар доимгидан сезиларли даражада кўп эди. Олинини керак бўлган молларни ҳам жуда арzon нархда харид қилишди. Бир неча кун давом этган савдосотикдан сўнг қайтиш тайёргарлиги бошланди. Шу орада Майсара, карvonбошининг таклифига кўра, у билан бир дастурхондан овқатланди. Ҳолбуки, шу пайтгача ҳеч бир карvonбоши унга бунчалик илтифот кўрсатмаган эди. Факат буйруқ бериб, хизмат кутган эдилар. Яна, Майсара олдиларига қўйилган таомнинг ғалати тарзда баракали бўлаётганини ҳам ўз кўзи билан кўрди. Лекин энди бу хил ғаройиботларга анча кўнишиб қолди, ортиқ: «Бу қанақаси бўлди, тушимми ё ўнгимми?» демас эди. Бироқ ҳар жиҳатдан етук ва мукаммал бу зотнинг бутлар ҳақидаги тушунчаларини ҳеч тушуна олмади. Уларга сифиниш у ёқда турсин, ёнидан ўтаётгандан юзини ўгириб олишига нима деса бўлади? Илоҳлар нечук унга бу нафратига яраша жазо бермайдилар, бошига нега кулфат ёғдирмайдилар?

Йўл бўйи карvonбошидан илоҳлар ҳақида бошқа бирон оғиз ҳам гап эяштмади. Тўхтабтўхтаб, аммо ҳеч қандай хавфхатарга учрамасдан илгарилар эдилар. Шу йўсинда тепаликлардан ошиб ўтилди, водийлар, чўллар ортда қолди. Марруз Заҳрон деган манзилга етганларида, Майсара бориб Хадичага хабар бериш истагини билдириди. Рухсат этилгач, йўлга чиқиб, тезликда бекасининг хузурига етиб борди. Карvonнинг эсономон қайтиб келгани ҳақидаги хушхабарни айтди. Сафар давомида содир бўлган ва алоҳида дикқатга сазовор ғаройиб ҳодисаларни бирмабир сўзлаб берди.

Хадича жуда мамнун бўлди. Деразанинг олдига ўтириди. Карvonнинг йўлига кўз тика бошлади. Вужуди ўзи ҳам енга олмаган ажиб бир ҳаяжонга, интизорлик туйғуларига тўлиқ эди. Пешин вақти. Узоқдан карvonнинг қораси қўринди. Энг олдинда Муҳаммад ибн Абдуллоҳ келарди, боши узра эса, Майсара сўзлаган «соябон»...

Карvon туялари сўнг марта чўқди, юклар туширилди. Карvonбоши карvon соҳибаси томон йўл олди. Салом берди, соғсаломат бориб келганликлари, фойда кутилганидан ҳам кўп бўлгани, ҳеч қандай корҳол юз бермагани, бирорбир хатоликка йўл қўйилмагани ҳақида донадона қилиб гапириб берди. Шундан кейин изн сўраб, амакисининг хузурига кетди.

Хадича олиб келинган молларни Маккада жуда тез ва баланд нархда сотганида хурсандчилиги икки баробар ошди.

Майсаранинг маълумотлари фавқулодда эди. Бундай олижаноб табиатли, фаришталаргагина ярашадиган хулқ соҳибини ер юзидан топиш амримаҳол эди.

Энди янада кўпроқ ҳақ тўлаш шарти билан бўлсада, Муҳаммад ибн Абдуллоҳни кейинги сафарга ҳам кўндириш, уни карvonбоши қилиб жўнатия1 лозим эди.

## БАХТЛИ НИКОҲ

Карvon қайтгандан буён бир неча кун ўтди. Бир куни Муҳаммад ибн Абдуллоҳни кўргани Нафиса келди. Ҳолаҳвол сўрашгач, мақсадга ўтди:

— Сени уйланишдан тўхтатиб турган нарса нима, эй Муҳаммад?

— Қўлимда уйланишга етадиган пулим, маблагим йўқ.

— Молмулки, ҳуснижамоли, яшрафи бекиёс аёл сенгатурмуш қуришни таклиф этса, қандай жавоб қилардинг?

— Ким экан?

— Хадича.

— Бу қандай бўлади? Мумкинми шунақаси?!

— Ишнинг у томонини менга қўйиб бер.

— У ҳолда, бу таклифга розиман.

Нафиса ушбу жавобни олгач, хайрлашди. Бўлган воқеани Хадичага сўзлаб берди. Хадича бу сафар шундай хабар жўнатди:

—Эй амакимнинг ўғли! Орамизда қариндошлиқ муносабатларининг борлиги, қавмингиз орасида шарафли хонадонга мансублигинги, яхши шахсиятингиз, гўзал ахлоқ ва саъжияга эгалигингиз боис сиз билан турмуш қуриш орзуимдир.

Аҳвол Абу Толибга билдирилди. Аммахолалар, амакилар, бу турмуш тўқис бир турмуш бўлади, деб баҳоладилар. Абу Толиб бошлиқ ҳошимийлар Хадичанинг уйига совчиликка бордилар. Хадича қўй сўйдириб, зиёфат тайёрлаган эди. Таомлар тановул қилингач, Абу Толиб сўз олди. Уларни Иброҳим ва Исмоил пайғамбарлар наслига дохил этган, Каъбага хизматчиликни насиб айлаган Оллоҳга ҳамду санолар ўқиди. Жияни Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг камбағал, бироқ юксак фазилатларга эга бир йигитлигини таъкидлаб, унинг Хадича бинти Ҳувайлидга кўнгли мойил эканлигини билдириди.

Хадичанинг амакиси Варақа ибн Навфал ҳам бир неча сўз деди. Сўнгра, таклифни мамнуният билан қабул этганликларини айтди. Шу тариқа, никоҳ маросими ниҳоясига етди. Махр сифатида Хадичага йигирмата туже бериладиган бўлди.

Бу баҳтли никоҳда иштирок этганлар ҳар икки томоннинг бирбирига жуда муносиблиги тўғрисида яқдил эдилар. Куёв йигирма беш, келин қирқ ёшларда эди.

Энди Хадичанинг кўнгли буткул хотиржам бўлди. Ишларини идора қиласидиган, тижоратини юритадиган хўжайини бор. Ҳеч кимса гард юқтира олмайдиган мустахкам ва баҳтли оила қурилган эди.

Ўша кунларда фил воқеасидан йигирма беш йил икки ойу ўн кун ўттан эди.

## ЖАСУР БИР БОЛА *Умар*

Ўн икки-ўн уч ёшларга кирган Умар отаси Хаттобнинг амрига мувофиқ туже қарашда қурашадиган эди. Бани Махзумдан бошқа баъзи оилаларнинг туже қурашадиган эди. Аслида ўн икки ёшда бўлишига қарамай, узун бўйли, бақувват бир йигитчага ўхшарди. Тенгдошлари ичидаги унга бас келадигани топилмасди. Ҳатто ўзидан бир неча ёш катта йигитчаларни ҳам қурашадиган эди. Фурсат топди дегунча қурашар, ўн бешён етти ёшли йигитларни йиқитар, чавандозлиқ, мерганлик билан шуғулланишга ҳам вақт ажратар эди. Кўрганлар: «Умар отаси Хаттобдан ҳам ўтиб кетиши шубҳасиз», дердилар ҳайратдан ўзларини тия олмай.

Ваҳоланки, Умар шафқат нималигини билмайдиган отанинг фарзанди ўлароқ вояга етарди. Бир пайтлари ўғиллик бўлгани учун ўзида йўқ севинган Хаттоб арзимайдиган бир нуқсонга ҳам аҳамият берар, қулларнинг елкасида синашни эрмак қиласидиган қамчисини гоҳ-гоҳ Умарнинг елкасига ҳам жаҳл ва шиддат билан тушириб қолар эди.

Умар устмауст тушаётган қамчи зарбаларига тишини тишига қўйиб бардош берар, отасига гап қайтармас, исён кўтармас эди. Бу ҳолни вақт ўтиши билан, жон ўртовчи машқ, деб қабул қилишга одатланди.

Умардан калтак еган болалар, унинг елкасида қолган қамчи изларини кўриб енгил тортишар, шу тариқа ундан гўё ўч олгандай севинишар эди.

Хаттоб Умар туғилганда хотини Хонтамага, энди қиз туғсанг ҳам, ломмим демайман, деб ваъда берган ва шу ваъдасига амал қилган эди. Чиндан ҳам Умардан кейин қиз кўришди, унга Фотима деб исм беришди. Энди Хаттоб қизнинг отаси бўлишдан уялмасди, чунки унинг қўли ҳовучига сифмайдиган, довюрак, жасур Умари бор. Баҳона топилди дегунча уни аёвсиз калтаклашига қарамай, жонидан ортиқ кўрарди, бу калтаклар Умарни пишитади, деб ўйларди.

Бир куни узоқдан ўғлининг қурашаётганини кузатди. Умар ҳар бири ўн уч, ўн тўрт ёшларда бўлган учта болага бирданига қурашишни таклиф этган, таклиф қабул қилинган заҳоти бўрондай ёпишиб, учаласини ҳам бир ҳамлада йиқитган эди. Хаттоб бу манзарани кузатаркан,

ўзини тута олмай: «Менинг арслон ўғлим!» деб юборди.

Адабиётчиларга хос дурустгина нутқи бор эди. Келажақда етук бир хатиб бўлиши аён эди. Наслдан наслга ўтиб келаётган ва алоҳида ҳурмат билан қараладиган нотиқлик санъатини шахсан отасидан ўрганди. Яна, Умар машҳур шоирларнинг шеърларини ҳам бир зумда ёдлаб олар, ўқир, туяларнинг кетида, қирадири яйловларда айланниб юрар экан, бу шеърлар унга ҳамроҳ бўлар эди.

Жўшқин дарёлар йўлида учраган нарсани бузиб, вайрон қиласи, дараҳтларни йиқитади, уйларни бузади, ҳайвон сурувларини судраб кетади, ўтган жойларини ботқоқликка айлантиради, аммо илм ва техника воситасида курилган тўғонлар қутурган у сувларни тўхтатади, инсониятнинг хизмати учун бўйсундирилади, бекиёс фойда келтиради. Умар ҳам худди ана шундай жўшқин дарёга ўхшарди. Унинг томирларида қўрқинчли имкониятлар пинҳона оқарди. Бу имкониятларни тўғри йўлга соладиган, инсоният хизматига йўналтирадиган устозмуршид топилса, нур устига нур, бироқ бундай бир муршиддан маҳрум қолса, келтирадиган зарари ҳам бехад бўлиши кутиларди.

Бундан кейин шамоллар қандай эсади, олдиндаги қунлар нималарни келтиради, ҳали номаълум эди!..

## СУЮКЛИ КИЧКИНА МАҲБУС

*Зайд*

Қалб қабиласининг болалари орасида энди етти ёшга тўлган, қорачадан келган, кўзлари кулиб турувчи бир гўдак алоҳида кўзга ташланиб турди. Зайд эди унинг исми. Болалар орасида ўйнабкулиб кечган етти йил орқада қолаётган эди. Отаси Ҳориса ўғилчасини жуда яхши кўрар, устига гард ҳам юқтирмас эди. Бу гўдакнинг бошқа болалардан кўра шафқатлироқ, қобил бир инсон бўлишига чин юракдан ишонар, буни кўзларидан ўқиб турар эди.

Чиндан ҳам Зайд тамизли, покиза инсон бўлиб етишаётганини кўрсатар, оккорани, яхшиёмонни ажратади.

Бир қуни Зайд онаси билан бирга кўшни қабилага меҳмонга борди. Бу қабила Тойй қабиласи деб аталарди. У ерда кариндошлариникида бир неча кун туриб келмоқчи эдилар. Зайд тезда бу ерда ҳам тенгдошларини топиб, дўстлашиб олди.

Бир қуни эрта тонгда Зайд нохуш шовқину тўстўполондан уйғониб кетди. Нима гап, нима бўлди, дейишга ҳам фурсат қолмади. Қиличларнинг шакиршуқури, отларнинг кишинаши, додфарёдлар, қичқириқлар ҳаммаёқни тутиб кетган.

Кўп ўтмай Зайд ўзини нотаниш ва дағал қўллар ис

канжасида кўрди. Қаттиқ сиқиб ушлаб олган бу одам уни қаёққадир судраб бораради. Ҳар томондан эшитилаётган чинқириқлар, фарёдлар, қарғишилар орасида Зайд ҳам «Ёрдам беринг!.. Кутқаринг!..» дея бақиради. Аммо бехуда эди.

Ҳамма ўз жонини омон сақлаб қолиш ташвишига тушган, ҳеч кимнинг бирор билан иши ўйқ. Кўп ўтмай Зайдни у ердан олиб кетдилар. Кўз олдида қолган сўнгги манзара ерда типирчилаб ётган бир неча оту жонсиз жасадлар бўлди. Анча узоқлашиб кетганларидан кейин ҳам ҳалиги тўстўполон, додфарёдлар кулоклари остида жаранглаб турди.

Қаерга кетаётганини билмасди. Қўллари боғланган, бу йўлларни биринчи марта кўриши. Оқшом тушгач, уни бир дараҳтнинг тагига ўтқазиб, ўша дараҳтга маҳкам боғлаб қўйдилар. Шундай ўтиргаи ҳолда тонг оттириши керак эди. Ундан нимани истайдилар, нега уни олиб қочдилар, ундан бошқа олиб қочилганлар ҳам борми?.. Зайд бу саволларга жавоб топадиган ахволда эмас эди. Чарчоқ, ғамалам жонидан ўтиб кетган, онасига нима бўлганидан ҳам бехабар эди. У ўтирган жойида ухлаб қолди. Эрталаб йиғлабийиғлаб уйғонди...

Яна йўлга тушдилар. Зайд ўзи билан бирга бошқа болаларнинг ҳам асир этилганларини

кўрди. Ораларида аёллар ҳам бор эди. Онасини қидирган нигоҳлари умидсиз толди.

Кўлоёқлари боғланган ҳолда туяларга ўтқизилган асир болалар ўз ихтиёрларидан ташқари, азобуқубатли сафарга чиқкан эдилар. Сафар бир неча кун давом этди. Орасира кўтарилиган додфарёдларни калтаклар билан бостирап эдилар.

Гавжум бир бозорга кириб бордилар. Юклар ечилди. Болаларнинг бўйинларига улар чиқара олмайдиган қилиб йўғон иилар мақкам боғланди. Болалар бирбирларига маташтириб, боғлаб қўйилди.

Бозор очилди. Бу жой қул бозори эди. Ҳар томондан келган савдогарлар қул бозорига ҳам кирав, ўzlари учун маъқул хизматчи сотиб олишга ҳаракат Қилар эдилар. Баъзан нарх жуда баланд бўлар ёки қулнинг бундай нархга арзимаслиги таъкидланар эди. Мана, ҳозир ҳам одамларни ҳайвонлар сингари биттаиккиталаб сота бошладилар.

Шу орада Зайд учун савдолашганлар ҳам бўлди. Унинг маъсум қарашлари харидорларнинг диққатини ўзига тортар, лекин сўралган нархга кўнмай қайтиб кетар эдилар. Харидорлар гарчи ўzlари олмасаларда, «Бунча ёқимтой бўлмаса...» деб ундан узоклашардилар.

Ахийри, ўзини маккалик деб таништирган Ҳаким ибн Ҳизом исмли бир одам икки болани сотиб олди. Улардан бири Зайд эди. Зайд учун тўрт юзлик, сўнг олти юзлик дирҳам тўланди.

Зайд биргаликда сотилган биродари билан ҳали бу азобли сафар бошлангандаёқ танишиб олган эди. Чунки бир хил такдир баъзан дўстлик илларини жуда мустаҳкамлайди.

Узок бир сафар бошланди. Кечаю кундуз тиним билмай йўл босдилар. Нихоят, Макка шаҳрига етиб келишиб, сафар тугади.

Уларни сотиб олган одамнинг уйига бир кундан кейин бениҳоя даражада гўзал, истараси иссиқ, устбоши озода бир аёл таклиф этилди ва болаларни шу аёлнинг олдига чиқардилар.

Зайд илк боқишидаёқ бу аёлга нисбатан кўнглида илиқ бир туйғу пайдо бўлганини сезди. Модомики отасининг бағрига қайтмас экан, модомики шу икки кишидан бирига хизматчи бўлиш манглайига ёзилган экан, қўйиб берсалар, шу аёлга хизмат қилишини танлаган бўларди. Аммо, аёнки, бу танлаш ҳаққи зинҳор унга берилмаган эди. Шу онда ҳеч кимса: «Кел, болагинам Зайд, кимни танлассанг, шу билан крл», демайди. Зайднинг истаги сўраладиган кунлар энди ортда қолди. Балки энди қадрдон гўшасига ҳеч қайтмас, умри қулликда хизматда ўтар...

Диққатни тортувчи жозибали нигоҳлари аёлга қадалган. Қалбида: «Мени танласин, Оллоҳим!..» деган дуолар янграр эди. Бироқ аёл Зайднинг сохибига қаради:

— Улардан қайси бирини мен учун олган эдинг, Ҳаким, — деди.

— Танламадим. Аммам қайси бирини хоҳласа, ўшаниолар, девдим.

— Зўр одамсан, Ҳаким.

— Мен кимнинг жияниман, аммажон?.. Сен балки унугандирсан, аммо менинг аммамнинг исми Хадичадир.

— Миннатдорман, Ҳаким. Демак, улардан бирини ўзим танлайман.

— Албатта, аммажон.

Зайд Хадича исмли бу аёлнинг гапларини ҳам ёқтириб қолди. Дўсти нималар ҳақида ўйлаётганини билмай

ди, ўзининг бу аёлга меҳри тушгани чин эди. Хадича болаларга ўгирилди:

— Отинг нима сенинг, ўғлим?

— Отим Зайддир, хоним. Хадича жиянига қаради:

— Мана шу болани, яъни, Зайдни оламан. Энди айт чи, сенга неча пул беришим керак?

— Керак эмас, амма.

— Нима деганинг бу?

— Бу бола Ҳакимнинг аммасига ҳадясидир.

Бир соатдан сўнг Зайд янги хонимининг ортидан янги уйга йўл олди. У энди расман қул бўлган эди. Ҳали саккиз ёшга ҳам тўлмасдан бошланган бу қуллик қачонгacha давом этаркин? Балки ҳаёти энди доим шу тарзда ўтар, озодлик нималипши ҳам унутиб юборар?..

Нима сабабли, қайси айби учун қул қилинганини билмас эди у. Эҳтимол, ота-онасининг доғида, қулликда ўлиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасдир.

Зайд уйдаги хизматчилар билан танишди. Унинг вазифаси нималардан иборат эканини ўргата бошладилар. Оқшомга яқин ҳали янги келин ҳисобланган Хадичанинг хўжаси келгани ва унинг хузурига чиқиши тайинланди.

Зайд Муҳаммаднинг хузурига чиққанда ҳаяжондан титраб кетди. Қаршисида юзидан нур ёғилиб турган инсон турарди. Дунёда ҳеч ким бу инсончалик гўзал бўла олмаслигига қасам ичишга тайёр эди гўдак. Оллоҳ барча гўзалликларни ушбу одамда мужассамлантирган экан, деган киши сира ҳам муболаға қилмаган бўларди.

Бунчалик истараси иссиқ, жонга туташ инсонни илгари на Зайд, на бошқаси кўрган эди.

— Ҳаким ибн Ҳизом сенга олиб келган қули шуми?

Ҳа, ё Муҳаммад.

— Исми нима экан?

— Исми Зайд.

Зайд Муҳаммад исмли бу инсоннинг ўзига шафқат ва меҳр билан боққанини кўрди. Қалбини қандайдир ажиб ҳис қамраб олди. Дарров бориб қўлини ўпди. Упилган қўл худди мушку анбар сингари яаройиб ва хушбўй хид таратарди. Бу қўллар Зайднинг бошини силади.

Чўлда сувсиз қолган киши бир пиёла сувга қанчалик ташна бўлса, Зайд ҳам ширин сўзга шунчалик муҳтож эди. Бу оила Зайдга шундай илтифот кўрсатган бу нурли инсоннинг қарашлари Зайднинг ичинчи кемираётган соғинч ва ўқинч, азобуқубат ҳисларини, бениҳоя чарчоғу барча изтиробларини бартараф этгандек, унга қайта ҳаёт бағишлагандек бўлди.

—Хадича, бу болани менга ҳадя қилишни истармидинг?

—Агар бундай тухфа сизни мамнун этса, бажонидил. Шу бугундан бошлаб Зайд бутунлай сизники, сизнинг ихтиёргиздадир.

Хадича тухфасидан эрининг бағоят хурсанд бўлганини унинг нигоҳларидан ўқиб олган эди. Зайд эса, бир куннинг ўзида учинчи кишининг қўлига ўтган эди. Нур юзли одам Зайдга ўтирилди, унинг бошини такрор силади:

— Зайд, шу дақиқадан эътиборан сенинг қуллик ҳаёting тугади. Энди сен озод ва эркинсан. Хоҳлаган кунинг, хоҳлаган жойингга мумкин.

Зайд қулоқларининг қизиб кетганини сезди. Кулоқларини куйдиргудек таъсир қилган бу хабарни эшитгани ҳамон юраги ўрнидан қўзғалгандек бўлди. Ўша заҳоти фариштасимон нурли Муҳаммаднинг қўлларига ёпишди, қўзёшлари билан хўл қилган мушку анбар хидли бу қўлларни тўйибтўйиб ўпди, қўзларига суртди.

Зайд ўша кеча унга озодлик бағишлаган фариштасимон киши билан унинг умр йўлдоши ҳақида ўйлаб ётди. Қўлларини ўпганда таралган хушбўй хид ҳамон димоғидан кетмаган эди. Ўйкудан уйғонганида ҳам дарҳол уни эслади, унинг порлоқ чехраси ҳеч кўз ўнгидан кетмасди.

Эрталаб у билан бирга бир дастурхон атрофида ўтириб нонушта қилди. У билан бирга ташқарига чиқди, кўча айланди. Ўтириштуриши, гаплари, юриши, одамлар билан саломлашишлари... ҳар бир хаттиҳаракати Зайдга чуқур таъсир қиласи, тобора уқубатлари, бозорда ҳайвондек сотилиши боис юрагида алангаланган аламли ҳистуйғулар, қабиласини, ота-онасини соғингани — ҳаммаҳаммаси унинг нурли юзига бир қарашда унут бўлган, бу ҳистуйғуларнинг ўрнини Муҳаммад ибн Абдуллоҳга ва унинг оиласига нисбатан пайдо бўлган улкан хурмат, меҳрмуҳаббат ҳисси эгаллаган эди.

## ДАРДЛИ БИР ОТА

Хориса хотини билан ўғли меҳмонга кетгандан сўнг бир ҳафта ўтгач келган маъшум хабар натижасида телба бўлаёзди. Чунки Тойй қабиласи босқинга учраган, бирорлар ўлдирилган, бошқалар асир қилиб олиб кетилган эди. Ўлганлар орасида хотини, олиб қочилганлар орасида суюкли ўғли Зайд бор эди. Юраги ҳасрат ўтида ёнди Ҳорисанинг. Дарҳол ҳаракатга тушди. Тўрт томонга хабар юборди. Зора бирон хушхабар бўлса, деб дуч келган жойни сўрабсуриштириди. Бироқ барча уринишлари зое кетди, жигаргўшаларидан ҳеч қандай хабар топмади. Кечалари кўзига уйқу келмас, кундузи юраги ҳузурҳаловат билмас эди. Шундан бошқа дарди, ташвиши йўқ эди. Баъзан хилватроқ бир жойга чекинар, ғамгин қўшиқлар куйлаб, тўхтовсиз кўзёши тўкар эди.

Ўлган хотинини унугтандек бўлди. Аммо ўғли Зайд учун юрагида пайдо бўлган ҳасрат доғини ҳеч кетказа олмасди. Далага чиқди. Лекин қўли ишга бормади, ишлай олмади. Қабиладошлари унинг сўник чехрасини кўриб ачинар эдилар. Орасира «оҳ» чекиб кўярди. Ҳар «оҳ» чекканида ичидаги оташ аллангаланарди. Энди уни қаерда кўриб қолсалар, «Кўзи ёшли Ҳориса» деб атайдиган бўлдилар.

Бир куни қабиладошлари унинг шундай деяётганини эшитиб қолдилар:

«Зайдни эслаб тинимсиз йиглайман, унга нима бўлганини билмайман. Ажабо, соғомонмикан? Ё бўлмаса, ажал олиб кетдими уни?.. Худо ҳакки, ҳеч билмайман, Оллоҳдан уни сўрайман.

Зайд ўғлим, қаерларда қолдинг? Оҳ, нима қиласди бир кун сенинг қайтиб келишинингни билсан? Қуёш чиқса, менга сени эслатади, кун ботса, яна сени ўйлайман. Эслан шамоллар ҳам сенинг хотирангни олиб келади, Зайд!..»

\* \* \*

— Мен санаб чиқдим, роппароса уч юз олтмишта.

— Бунча кўп бўлмаса?

— Билмасам. Лекин мен биттабитталаб санаб чиқдим.

Бу одамлар бутларнинг сони тўғрисида сухбатлашардилар. Чиидан ҳам улар каттакиичик, гавжум ва тарқоқ бир сурувни эсга соларди. Муқаддас Каъбанинг ёнатрофига териб қўйилган эди улар.

Зайдни аслида ҳайратга солган воқеа ҳажга келган кўпгина одамларнинг — эркагу хотиннинг биргаликда қипяланғоч ҳолда Каъбани тавоф этаётганлари эди. Аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам эгнида ҳеч қандай либос йўқ эди. Ораларида баъзиларгина кўйлакчан ҳолда Каъбани айланарди.

Қизиқиб, улардан бу маросимнинг боиси нима эканлигини сўради ва шундай жавоб олди:

— Бу инсонлар Каъбага гуноҳларидан халос бўлиш учун келадилар. Оллоҳдан ўз гуноҳларини сўрар эканлар, энгилбош билан Унинг уйини тавоф этишни нотўғри деб ҳисоблайдилар, шу сабабли яланғоч ҳолда зиёрат қиласдилар. «Ҳам бу либосларда сенга қарши гуноҳ қилдик, ҳам айни қиёфада Сенинг уйингта келдик», дейишни ўзларига муносиб кўрмайдилар. Улар ё Қурайш, ё Кинона, ё Ҳузоа қабилаларидан бирон кишининг кийи мини олиб киядилар ва шу ҳолатда Худога сифинадилар ёхуд яланғоч тавоф этишга мажбурдирлар. Номлари саналган қабилаларнинг аъзолари эса, кўйлакларини ечмасдан Каъбани тавоф қилишлари мумкин.

Аслида, шунга ўхшаш бемаъни ва аҳмоқона ишлар қурайшийлар томонидан ўйлаб чиқарилган эди. Эхромлик чоғларида сутдан қатиқ ивитиши, сузма ва ёғ олишни, сўйган ҳайвонларининг ёғини истеъмол этишни, қилдан ўрилган чодирда хордиқ чиқаришни тақиқлаган, яна ҳаж мавсумини ҳаром деб эълон қилган, Қурайш, Кинона ва Ҳузоа қабилаларидан бошқа қабилаларнинг ўз либослари билан Каъбани тавоф этишларига ижозат

бермаган, «Ё бизнинг кийимларимизни кийиб, ё қипяланғоч бўлиб тавоғ қиласизлар», деб туриб олган ҳам шулар эди.

Орада аелларнинг ҳам уялиб, қимтиниб Каъбанинг атрофида айланаётгандари қўзга ташланиб қоларди. Ҳатто бир аёл қўллари билан аврат жойларини беркитишга уринар ва зиёратгоҳни айланаркан: «Бугун вужудимнинг бир қисми, ҳатто бутун танам очиқ. Аммо мен очиқ жойларимга қараганларни лаънатлайман», дер эди.

Зайд бу гаройиб ҳодисаларни томоша қилиб, ҳажга узокяқин шаҳарлару ўлкалардан келган турлитуман мусофиirlар орасида айланиб юрди. Бир найт йўлнинг чеккасида сұхбатлашиб ўтирган кишиларга дуч келди. Кўзларини ишқалади, қайтақайта уларга тикилди. Улар Қалб қабиласидан эдилар. Зайднинг қабиладошларидан бири ҳам уни кўраркўрмас.

— Ана, Ҳорисанинг ўғли Зайд, — деб қичқириб юборди.

Қалбликлар суюниб кетдилар. Зайд уларнинг ёнига бориб ўтириди.

— Ҳуш келибсизлар.

— Хушвақт бўл, ё Зайд, тузукмисан?

— Тузук ҳам гапми, аъломан.

— Бу ерда нима қилиб юрибсан?

Зайд қабиласидан айрилганидан буён бошидан кечирганларини сўзлаб берди. Ҳозир ҳаётидан ғоят мамнун эканлигини билдириди.

Одамлар унга отасининг аҳволини сўзлаб бердилар. Унинг ҳасратида жиннилевона бўлганини, ҳамма жойни қидириб юргани, ғамгин қўшиқлар айтиши, тинмай кўзёш тўкишларини маълум қилдилар.

— Отамга салом айтинглар. Мендаи хавотир олмасинлар. Бу ерда ҳошимийлардан Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг паноҳидаман. У дунёдаги энг ажойиб инсондир. Менга қилган яхшиликларини, фазилатларини ҳеч унуга олмайман, — деди.

Қабиладошлари:

— Сенинг гапларингни албатта отангга етказамиз, — дедилар.

\* \* \*

Хадича энди тижорат ишларини юритадиган, карvonларини бошқарадиган ишончли одам қидириш ташвишидан қутулган эди. Ҳар куни янги бир фазилатини кашф этаётган жуфти ҳалолини тобора қаттиқроқ сева бошлади. Тотув оила қурганини, аёл киши орзу этиши мумкин бўлган энг буюк хузурхаловатга — хотиржамликка энди етишганини жуда қисқа вақт ичида тушуниб олди.

Турмуш қурганларидан бир йил ўтгач, Хадича ўғил кўрди. Уни Қосим деб атадилар. Арабларнинг одатига кўра, ота-она туғилган илк фарзандининг исмига нисбат қилинган бир лақаб олар эдилар. Шунга биноан Муҳаммад ибн Абдуллоҳ энди «Абул Қосим», яъни Қосимнинг отаси, Хадича эса «Умму Қосим» деб ҳам атала бошладилар.

Абдулмутталибнинг суюкли невараси Муҳаммад Ал-Амин бир куни болалигини эслади ва чекиз севинч ҳиссига берилди. Чунки қаршисида турган аёл бир пайтлари уни эмизган Ҳалима асСаъдийа эди. Кичикилигига онасининг ихтиёрига топшириб кетганидан бери ҳеч кўришиш имкони бўлмаган эди.

— Ҳуш келибсиз, онажон!.. — дея қучоқ очиб кутиб олди энагасини.

Суюкли энага ҳам бундай илтифотдан жуда хурсанд бўлди. Неча йиллардан бери кўришмаган, тукқан фарзандидек бўлиб қолган жигарпорасига етишишнинг ҳаяжонини базур босиб туради. Бир пайтлар ўзи эмизган, шунинг шарофати или оиласига файзу барака олиб кирган мурғак гўдак энди карвон билан тижорат қиладиган, ўттиз ёшларга қадам қўйган жасур бир йигит бўлиб етишган эди.

Макка ҳалқи ҳақли равища «Ал-Амин» лақабини берган буюк Муҳаммад суюкли энага онасини уйига бошлаб кетди, алоҳида иззатикром кўрсатди. Умр бўйи унга бажонидил хизмат

қилишга ҳам тайёр эди. Аммо сут онаси яна Бани Саъд қабиласига қайтиши керак эди. У ёнида йигирма туядан иборат совға билан уйига йўл олди.

Аввал шу боланинг ҳурматидан уйига барака кирган эди, энди эса, унга катта бойлик, молмулк совға қилинди. Буюк Амин ҳам қадрли энага онасини шаънига муносиб тарзда иззатикром ва тухфалар билан кузатганидан хурсанд эди.

Ривоятларга қараганда, суюкли энага кейинги марта Ҳунайн урушидан сўнг келиб, оламларга раҳмат бўлган ўғлининг хузурида мусулмон бўлган.

Бугун Мадинанинг Бақиъ қабристонига кирган ва чап томондан юқорига тўғри уч юз метрча илгарилаганлар йўлнинг чап томонидаги тупроқ уюмининг олдида бир муддат тўхтаб, шу ерга дағн қилинган суюкли онанинг Расули Амин пайғамбаримизга сут берган Ҳалима асСаъдийа эканлигини назарда тутиб, унинг руҳи покига фотиҳа ўқисалар, нур устига нур бўларди.

Агар шу қабр чиндан ҳам уники бўлса, ҳазрати энага умрининг сўнгги кунларида Мадинага ҳижрат қилгани ва азиз руҳини шу ерда тупроққа таслим этгани аён бўлади.

\* \* \*

Соиб ибн Абдуллоҳ ҳалол бир одам, тарбия кўрган инсофли савдогар эди. Етимларга меҳршафқатли экани, меҳмондўстлиги, қўниқўшнилар билан аҳил яشاши ҳаммага маълум эди. Шом ва Яман томонларга тижорат сафарларига чиқар, йилнинг маълум мавсумларида очиладиган машхур бозорларга қатнар эди.

Соиб шу бозорларга қатнайдиган Хадича хоним номидан савдосотиқ қиласидиган Муҳаммад ибн Абдуллоҳни

жуда ёқтирарди. Унинг олдисотди чоғидаги ҳалоллигига, одамларга бўлган муносабатдаги назокатига қойил қоларди. Хоҳ Маккада бўлсин, хоҳ сафар чоғларида ўзини тутиши ҳар жиҳатдан ҳавас қилса арзигудек эди. Ҳолбуки, шахарда — танишларининг орасида бошқача, сафарга чиққанда мутлақо бошқача бўлиб қиласидиган кишиларни Соиб кўп кўрган эди. Элда олдисотди пайтида ўз молини ортиқча мақтайдиган, харид қилишда бирон айб топадиган, сўзлари ишончли бўлиши учун бутларни ўртага қўйиб қасам ичадиган муғомбир савдогарлар ҳам кўп эди.

Бирорнинг номидан нарса сотадиганлар эса, кўпинча, маконларига қайтиб келганларида ахволни рўйрост гапирмасди, муттаҳамлик қиласиди. Яъни, бозорда қўлга киритилган даромад бошқа бўлардию, сармоя эгасига ҳисоби берилган даромад бошқа.

Тижорат ишининг кўп нозик жиҳатларини тижорат пайтида ўрганган, шу аснода ақл бовар қиласидиган талай ҳийланайрангларни кўрган Соиб бундай инсофсизликдан дили оғрир, ҳалол бир савдогар бўлиш, ҳалол даромад эвазига қорин тўйдиришни ҳамма нарсадан афзал билар эди.

Бир куни ўзи ихлос қўйган Муҳаммад ибн Абдуллоҳга ҳамкорликда иш қилишни таклиф этди. Бу ҳамкорлик вақтинчалик бир иш эди. Бозорларда ҳамкорликда мол олибсотиш, бозор тутагач ёки моллар сотилгач, даромадни teng бўлишиб олиш маъносидаги ҳамкорлик эди бу. Иккитомонлама шартнома тузилди.

Бу ҳамкорликдан иккаласи ҳам мамнун бўлдилар. Бундай ҳамкорлик, дўстлик кейин ҳам давом этди. Бу ҳамкорликнинг ёқимли хотиралари узоқ вақтларгача унтилмади, йиллар ўтиб учрашиб қолганларида ҳам қувонч билан эсладилар...

\* \* \*

Абдуллоҳ ибн Абу Хамса Абул Қосимдан бир миқдор мол олди. Лекин ёнида мол ҳақига етадиган миқдорда пули йўқ эди. Аммо у инсофли киши бўлгани учун кейинроқ қарзини олиб келишига изн берилди. Аниқ бир кун тайинланди. Шундан кейин Абдуллоҳ: «Мени фалон ерда кутасан, ё Абул Қосим, фалон соатда учрашамиз», деди. Сўнгра хайрлашдилар.

Ваъдалашилган кун етиб келди. Аммо Абдуллоҳ ибн Абу Хамса келмади. Бир оздан кейин

келиб қолар, деб кута бошлади.

Орадан бир неча соат ўтди. Бироқ ҳеч ким келмади. Оқшом тушди ҳамки, ҳеч ким келмади. Мұхаммад ибн Абдуллоҳ кечаси шу ерда ётиб қолди. Эрталабдан яна, Абу Хамса ваъдасининг устидан чиқади, деган илинжда то кечқурунгача интизор кутди.

Абдуллоҳ ваъдаси эсига тушиб, келишилган жойга югуриб келганида, учинчи кун ҳам ўтиб бораётган эди.

— Эй йигит, менинг тоза адабимни бердинг. Уч кундан бери сени шу ерда кутиб ўтирибман, — деди. Абдуллоҳ узр сўради. Мақсади уни алдаш бўлмагани, ёдидан кўтарилигани сабабли шундай бўлиб қолганини айтди.

Абдуллоҳ кейинчалик шу воқеани эслар экан:

— Агар мен унинг ўрнида бўлсан, берган сўзимнинг устидан чиқай деб уч кунгача кутиб ўтирмасдим. Кутган тақдиримда ҳам, қарздор киши мендан бунчалик осон кутулмасди, — деган эди.

\* \* \*

Қалб қабиласининг ҳаж сафаридан қайтган кишилари тўғри уйларига кириб бордилар. Ҳеч ким гаплашмай, дастлаб бутларининг қошига яқинлашдилар. Қўлларини унга суркадилар. Кетаётгандан ҳам шу алфозда хайрлашган эдилар. Арабларда одат шунаقا эди. Сафар давомида халоскор бўлишлари, барака келтиришлари ва таҳликалардан муҳофаза этишлари учун шундай қилинарди.

Бир оздан сўнг кўзлари ёшли Ҳорисани тондилар. Хушхабар келтирдик, эй Ҳориса, ўғлингни топдик, — дедилар.

Ҳориса ҳеч кутилмаган дақиқада бундай хушхабарни эшитиб, эсхушини йўқотиб қўйди, уларнинг бўйнига осилди.

— Ростми? Қасам ичинг, тангрилар номидан қасам ичинг!

Йиғлашни ҳам, севинишни ҳам билмасди. Бир амаллаб ўзини тутиб олди. Сўнгра укасини қидириб топди. Бор бойлигини бир халтага солиб, укаси билан бирга йўлга чиқди.

Сафар узоқ давом этди. Ҳар дақиқа соатлар каби чўзилгандек бўлиб туюларди. Ҳориса бетоқат эди. Гўё охири йўқдай туюлаётган йўлга қайтақайта тикилар, аёвсиз қиздираётган қуёшга ёлворгудек боқар, бир дақиқа бўлсада эртароқ Маккага етиш учун тусини тинмай қамчи билан савалар эди.

— Тезроқ, тезроқ юр, жонивор. Зайдимни жуда соғинганман, — дерди.

Йўл бўйи оташин шеърлар ўқиб борди. Кўзларидан оқаётган ёшларни артиб ҳам ўтирмади. Нихоят, акаука Маккага етиб бордилар. Дуч келган кишига:

— Мұхаммад ибн Абдуллоҳни қидиряпмиз! — дер эдилар.

Яна бир неча кишидан сўрадилар. Ҳамма уларга ҳошимийларнинг манзилини кўрсатарди. Нихоят, бир киши:

— Уни Каъбанинг ёнидан топасиз, — деди. Байтнинг ёнига келдилар. Сўрадилар, кўрсатиши. Ҳориса кўрсатилган одамни илк бор кўрганидаёқ излаган одамини топганига, қалбида Зайдни бешак қутқаришига қатъий ишонч туғилган эди. Бу муборак чехра, марҳамат ва шафкатга тўла бу нигоҳлар, ишонч туғдирадиган бу сумбат бир қарашдаёқ Ҳорисага кўп нарсани англатган эди.

— Ал-Амин сенмисан, эй пурзиё киши?

— Ҳа, менман.

— Яъни, Абул Қосим, Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб?

— Ҳа, ха, менман. Мақсадингиз нима?

Ҳориса ютинди. Сўнгра мақсадга ўтди:

— Эй Абдуллоҳнинг ўғли, эй Абдулмутталибининг, эй Ҳошимнинг ўғли! Эй курайшларнинг буюги. Сизлар Ҳарам халқисизлар ва Ҳарами Шарифнинг қўшниларисиз.

Байтуллоҳнинг ёнида маҳбусларнинг асорат кишанларини ечиб, мусофири ва очларни тўйдирасизлар. Сизлар билан бирга бўлган ўғлимизни сўраб келдик. Сен уни озод қилишимиз учун хоҳлаган нархингни айтиб, бизни шод-хуррам ва миннатдор қил. Биз сенга ўша пулларни берайлик, унинг эвазига сен ўғлимга эркинлик бер.

Хорисанинг куйибишиб айтган бу сўзларини диққат билан тинглаган Абул Қосим унга шундай савол берди:

—Ўғлингиз ким?

—Зайд ибн Хориса.

— Сизнинг таклифингиз дуруст, аммо бунинг бошқа бир чораси ҳам бор.

— Қандай чора?

— Зайдни шу ерга чақирирамиз. Истаганини қилсан. Агар сиз билан қайтиб кетишни истаса, марҳамат, олиб кетаверасиз. У ҳолда қутқариш учун пул беришингизга ҳам ҳожат қолмайди. Агар мен билан қолишни истаса, у ҳолда мен ҳам мени танлаган кишини зинҳор хеч нарсага алмаштирамайман.

— Худо ҳаққи, сен ўта даражада инсофли ва адолатли киши экансан. Биз сенинг таклифингга бажонидил розимиз.

Зайдга хабар берилди. Хориса ҳаяжондан титради: наҳот бир неча дақиқадан сўнг жигаргўшасини кўрса!.. Наҳот уни бағрига босиб, юрагининг ҳасрат доғларини ювса!..

Ниҳоят, Хориса қўлини пешонасига тутди. Кўз олди қоронғилашиб кетди. Ўрнидан сакраб турди. Ўғлига ёпишди, маҳкам қучоқлаб, тўйибтўйиб ўпди, ҳидлади.

Отаболанинг узоқ айрилиқдан кейинги учрашуви ўта таъсирчан эди. Севинч қўзёшлари билан йўғрилган бу ҳолат бирмунча вақт давом этди.

—Эй Зайд, бу одамларни танияпсанми?!

—Ха, мана бу киши отам, буниси эса, амаким.

—Отанг сени олиб кетиш учун келибди. Менинг сенга бўлган меҳрмуҳаббатим, шафқатимни ўзинг ҳам жуда яхши биласан. Ҳозир ё мени танлаб шу ерда қол, ёки уларни танлаб уйингга бор.

Зайд ҳеч иккиланмай жавоб берди:

— Мен ҳеч кимни сиздан устун қўёлмайман, сиздан афзал ҳам кўрмайман. Сиз менга ҳам ота, ҳам она ўрнидасиз. Албатта, сиз билан қоламан. Хориса қулоқларининг қизиб кетганини ҳис этди.

— Қароринг қатъиими, Зайд? Бизни эмас, уни танляпсанми?

— Ха.

Хориса хушидан кетиб қолаёзди. Амакиси:

—Минг афсус, жиян. Наҳотки сен озодликни эмас, қулликни танлайсан? Қул бўлишни отанг ва амакингнинг паноҳида бўлишдан устун қўйиб, ўз юрting ва ўз гўшангга қайтишни истамайсан?

—Мен бу буюк Инсондан кўрган яхшиликларимни ҳеч нарсага алмаштира олмайман. Унинг ёнида қоламан.

Хориса ҳамон туш кўряпман деб ўйлар эди.

— Ўғлим, биз ҳазиллашиш учун келмадик, — деди.

— Мен ҳам ҳазил қилаётганим йўқ, отажон, рост сўзлаётирман.

Ортиқ Хорисанинг қўлидан ҳеч нарса келмас эди. Шу пайт Абул Қосим Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Зайднинг қўлидан тутди. Каъбанинг Ҳижр деб аталувчи қисмига олиб борди, бир тошнинг устига чиқарди ва шу ердагиларга хитобан:

— Эй инсонлар, шоҳид бўлинглар: Зайд менинг ўғлимдир, уни ўзимга фарзанд қилиб олаётирман, у менинг меросхўрим бўлади! — деди.

Хориса ва унинг укаси бу сўнгги хаттиҳаракат натижасида ёнаётган юракларига муздай

сув сепилгандек бўлганини ҳис этдилар. Энди «Бўлар иш бўлди», дейишдан ўзга чора қолмаган эди. Бундан кейин Зайд «ибн Ҳориса» эмас, «ибн Мухаммад» деб аталажак ва узоқ йилларгача шундай бўлиб қолади. Ҳорисанинг Зайддан ажралиши қийин бўлди. Неча йиллар унинг ҳасратда куйибёнган, бетўхтов оққан кўзёшларидан ранги синиқсан, ниҳоят, унинг хабарини эшлиб, борйўғини юклаб, куш бўлиб, қанот ёйиб учгудек бўлиб етиб келган, умидлари катта эди.

Ичидаги минг хил хистуйғу жўш урган Ҳориса уйига ажойиб бир инсон бўлиб қайтди. Ҳиди ҳамон димоғидан кетмаган суюкли фарзандидан жудо бўлиш тақдирига ёзилган экан. Аммо ўғли энди асир эмас эди. Эркинликдан маҳрум бир қул, хизматчи эмас эди. Қўлларидан зўрлик билан тортиб олинмаган эди. Отаси ва амакисини ҳам севасева тарк эттирадиган даражада севилишга муносиб деб билган нур юзли бир инсоннинг ёнида қолишни шахсан ўзи афзал кўрган эди.

Ҳориса баъзан шуларни ўйлаб кўнглига таскин берар, баъзан ғунчадек жигаргўшасини ортиқ кўрмаслиги эсига тушиб, йиглаб кетар эди. Қўйларининг қўплиги билан шуҳрат қозонган Қалб қабиласи узокдан кўрина бошлаганда ҳам Ҳорисанинг соқолидан ҳамон ёшлар думаланиб оқар эди. Хадича яна бир ўғил кўрди. Унинг исмини Абдуллоҳ қўйиши. Жуда чиройли, жуда ёқимтой бу болага отаси «Тайиб», «Тоҳир» лақабларини берган эди. Баъзан «Абдуллоҳ», баъзан «Тайиб», гоҳида эса «Тоҳир» деб суюр эдилар, уни еру кўкка ишонмасдилар. Орадан бир неча ой ўтди. Аввал Қосим, сўнгра Абдуллоҳ хаётдан кўз юмдилар. Бу жудолик ота-онани чукур қайфуга солди.

Зайд ҳам ўзи кечагина елкасига опичиб, ўйнатиб юрган бу гўдакларнинг вафотидан қайғуриб, уларнинг ота-онаси билан бирга юмюм қўзёши тўқди. Кейинроқ Хадича хоним биринкетин Руқайя, Зайнаб ва Умму Гулсум исмли уч қиз кўрди. Учала қизча ҳам истараси иссик, нурли гўдаклар эди. Қизчаларни кўрган одамлар «Оллоҳ бу оиласи алоҳида лутфу карам кўрсатмоқда», дейишдан ўзларини тия олмасдилар. Хадича бир қарашдаёқ киши дикқатини тортадиган, кўнгилларга осудалик бағишловчи фарзандлар туққанидан, эрига фаришталарни ёдга солувчи гўдакларни ҳадя этганидан хурсанд эди. Гўдаклигига ўлиб кетган фарзандлари Қосим билан Абдуллоҳнинг ҳасратини бу қизчаларига қараганда унтар, баъзанбаъзан юрагида оғриқ пайдо қиласидиган даражадаги аччиқ хотиралар бу гўдаклар туфайли эсдан чиқар эди.

Мухаммад биринкетин ўлиб кетган гўдаклари учун аччиқаччиқ қўзёши тўқди, аммо кўнглини бўшатар экан, тақдиридан рози эканлигини ҳам айтарди, демак, шундай бўлиши керак эди, деб ўйларди. Фарзандидан жудо бўлганда етук инсонга ярашмайдиган додфарёд чекиб ийялаш, ёқасини йиртиш каби қилиқлар унга хос эмас эди.

Кетганлар учун куйибишидан кўра, кейин тугилган қизлар тарбиясига эътибор бериш муҳимроқ эди. Шундай бўлди ҳам.

Бирбирларини севган, тушунган, хурмат қиласидиган, ҳар қандай муаммони ҳам муросаи мадора билан ҳал этадиган бу ота-она курган оила ушбу гўдакларнинг порлоқ руҳий оламига катта ижобий таъсир кўрсатди. Улар уришжанжални, ёмон сўзни билмайдиган, уят сўз эшитганда юzlари ловлов ёнадиган, ҳаёлиандишили қизлар бўлиб улғайдилар.

Ота-она фарзандлари одобидан мамнун эдилар. Уларни кўча эмас, айнан мана шу оила тарбиялагани кўзга яққол ташланиб турарди. Кўрганлар: «Мухаммад ибн Абдуллоҳ билан Хадичанинг фарзандлари бундан ўзгача бўлишлари мумкин эмас», дейдиган ноёб гулғунчалар бўлган эди бу қизлар.

Кўчада ўйнаб юрганда болалар уйларидаги бутлар ҳақида ҳам баҳслашардилар. Шубҳасиз, бу ҳол уйда ота-оналаридан эшитган гапларнинг натижаси эди. Баъзи болалар ҳатто қўлидаги охирги хурмосини ҳам емасдан:

—Буни санамга едирман, — деб уйига қараб югуриб кетарди. Бир оздан сўнг ўша бола яна қўлида хурмо билан қайтиб чиқиб: «Санам емади», дерди. Сўнгра:

—Емаса емасин, ўзимнинг оғзим йўқми? — деб еб қўярди.

Болаларнинг бундай аянчли ахволини кўриб Зайнаб ўзларининг уйларида санам йўқлигини эсларди. Руқайя опасидан сўраганида:

— Отам, улар ҳам кўчадаги тошлардан бири, дейдилар, — деган жавобни олган эди.

\*\*\*

Кун сайин улғайиб, хуснига ҳусн қўшилаётган қизлар қарилик сари йўл олган оналарига уйрўзгор ишларида ёрдамлашишар, оғирини енгил қилишар эди. Ҳеч бўлмаса, ҳали бешикда ётишдан бошқа нарсага қучи етмайдигап, йиглаш ўрнига кулимсирайдиган Умму Гулсумни овутишда, унга ёқимли овозда алла айтишда ёрдамчи бўлишар эди.

Махалладаги баъзи болалар каби орсиз, бадаҳлоқ эмас эдилар. Бу ҳам Хадича хоним учун юксак неъмат эди. Уларга боқаркан, «Ким билади оталари шу ёшда қанақа бўлган экан?..» деб ширин хаёл сурарди.

\*\*\*

Биринкетин Косим билан Абдуллоҳни олиб кетган ажал бир куни келиб эндиэнди очилаётган бу ғунчаларни ҳам олиб кетармикан? Ёки кун сайин чирой очиб бораётган бу гўдакларнинг улғайиб, бирон гўшага келин бўлиб борадиган кунлари ҳам келадими?..

Улар эса бегамбеғубор ҳолда, Хадича хоним теваракларида юргургилабўйнаб юришар, баъзан ёнокларини тутиб: «Битта ўпиб қўйинг, отажон, битта ўпиб қўйинг, онажон...» дея эркаликлар қилишар эди. Хадича онамиз бу шодон қизчаларига қараб тураркан, юракларининг тубтубини бу ҳазин ўйлар ишғол этарди. «Оллоҳим, сен нимани хайрли деб билсанг, шуни қил!» дер эди гўё.

— Нур юзли, анбар ҳидли Муҳаммадимнинг хурмати учун болаларимни ўзинг асра, Оллоҳим!.. — дея илтижо қиласар эди...

\*\*\*

Фил ҳодисасидан ўттиз икки йил кейин Макка аслзодаларидан бири Валид ибн Муғири ҳам ўғил кўрди. Келажакда номи Ислом тарихига олтин ҳарфлар билан ёзиладиган бу гўдак машҳур Холид ибн Валид эди. Тутган жойидан кесадиган, қўркув нималигини билмайдиган бир инсон бўлиб етишажак у. Мусулмон бўлгунча ҳам, мусулмон бўлганидан кейин ҳам жасорат, мардлик ва довюракликнинг жонли тимсоли бўлиб танилажак.

Валид арслон боласидек бир фарзандга ота бўлганидан бағоят хурсанд эди.

## КАЪБА ҲАКАМЛИГИ

Каъба Ҳазрати Иброҳим давридан бери доим табаррук ҳисобланниб келар, Каъбага хизмат доимо улкан шараф ҳисобланар эди. Бу муқаддас даргоҳнинг ҳажми у қадар катта бўлмай, баландлиги ҳам одам бўйидан салгина юксак эди. Пайғамбар Ҳазрати Иброҳим (а.с) наслидан бўлган Аднан (ёки Ҳимйар султони Мубба) давридан бошлаб Каъбанинг устига чодир ёпиш одат тусига кирди. Бу чодир ҳар йили алмаштирилар, янгиланар эди.

Бироқ бу муборак қадамжо асрлар ўтиб таъмирлашга муҳтоҷ ҳолга келди ва дастлаб Амалика, сўнгра Журҳум қабилалари томонидан таъмирланди. Фил ҳодисасидан ўттиз беш йил кейин шиддатли ёмғир натижасида сел пайдо бўлди ва Каъбанинг пойдеворига заҳмат етказди. Деворлари нураб, йиқилай деб қолди. Халқ бу муборак Байтнинг йиқилиши мумкинлигидан қаттиқ ташвишда, жуда безовта эди. Каъбанинг ичи сел оқизиқларидан ҳосил бўлган балчиқка тўлди.

Устига устак, бир куни атрофга хушбўй ҳидлар таратиш мақсадида бир аёл Каъба ёнида олов тутатибди. Оқибатда бир учқун сачраб Байтнинг чодирига тушиб, ёндириб юборди. Бу ёнғин халқни даҳшатга солди. Ўзи йиқилай деб турган Каъба мазкур воқеадан кейин баттар хароб бўлди. Бу ахволда Байт яна қачонгача туриши мумкин, буни ҳеч ким билмасди.

Макканинг зодагонлари шу хусусда сухбатлашдилар. пойдеворигача бузиб қайтадан куришга қарор қилдилар. Бироқ ҳеч ким муборак Байтни бузишга журъат этол

масди. Уни бузишга бел боғлаган кишининг бошига қулфат тушади, деган тушунча хукмрон эди.

Даставвал, бундай оғир масъулиятни Валид ибн Муғийра зиммасига олди.

— Сизларнинг мақсадингиз бузишми ёки ислоҳми? — деб сўради ҳамشاҳарларидан. Яъни, Каъбани вайрон этиш, ҳақорат қилиш учун бузмоқчимисизлар ёки уни қайта қуриш, мустаҳкамлаш учунми, демоқчи бўлди.

— Мақсадимиз, албатта, ислоҳdir, — деб жавоб қилишди.

— У ҳолда Оллоҳ ислоҳ учун бу ишга қўл урганларга жазо бермайди. Шу ишни мен бошлайман. Оллоҳим, бизнинг мақсадимиз эзгулиқdir, холос, — деди. Шундан кейин йикиласи деб турган тошларни тушира бошлади. Аҳоли узоқдан томоша қилар, Валиднинг бошига бало ёғилишини кутар эди. Бироқ ҳеч қандай корҳол юз бермади. Валид ишини давом эттираверди.

— Яхиси, эртага эрталабгача кутайлик, — дейишди томошабинлар. Бу таклиф ҳаммага маъқул бўлди. Аммо Валид мақсад Каъбани бузиш эмас, уни мустаҳкамлаш эканлигини яна бир бор такрорлади.

— Бу ахволда Байт қанча вақт ҳам тura оларди, — деди у.

Эрталаб Валиднинг келишини зўр қизиқиши билан кутдилар. У соппасоғ келиб, яна иш бошлади. Бу дафъа ҳамма унга кўшилди. Қисқа вақт ичida Каъбанинг деворлари йикитилди. Ҳазрати Иброҳим қўйган пойдеворгача бузилди.

Валиднинг отаси Муғийра ибн Абдуллоҳ Махзумий баланд бир жойга чиқиб, бу ерда ишлаётганларга қаратса хитоб қилиб, бу Байт Оллоҳга дахлдор муборак, мукаддас Байт эканлигини, бу даргоҳга ишлатиладиган қурилин<sup>1</sup> ашёлари ҳар хил шубҳалардан йироқ, пешона тери билан топилган ҳалол маблағ эвазига сотиб олиниши лозимлигини уқтириди. Зино йўли билан, ўғрилик ҳисобига, судхўрлик эвазига, муттаҳамлик, айёрлик ёки зўравонлик қилиш билан топилган пулнинг бу Байт қурилишига сарфланмаяжагини таъкидлади.

Шуидан кейин Валид ибн Муғийра бошчилигидаги бир неча кишидан иборат ҳайъат Қизил денгизда, Жиддага яқин жойда ҳалокатга учраган кеманинг парчаларини ва ундаги ашёларни сотиб олиб келтириш учун йўлга чиқди. Ажойиб тасодиф эди бу. Яна ҳам тўғрироғи, Оллоҳнинг қарами инсонларга гўзал тасодиф тарзида етишган эди. Чунки кемадаги юқ Ҳабашистонда қурилиши режалаштирилган бир черков учун Рум хукмдори томонидан Мисрдан жўнатилган қурилиши ашёлари эди. Ҳалокатга учраган кема энди ортиқ суза олмасди. Кемадаги ашёлар харид қилинди. Кемадаги меъмор ҳам катта ҳақ эвазига Байт қурилишига ёлланди. Каъбанинг деворлари қурайш қабилаларига бўлиб берилиди. Яъни, ҳар бир девор бир қабила томонидан қурилиши керак эди. Бу масала қуръа ташлаш йўли билан ҳал этилди. Эшик ўрнатиладиган томон Абдуманоғ ўғилларининг зиммасига тушди. Ҳошимийлар Абдуманоғ ўғилларининг бир уруғи эди. Зухра қабиласи ҳам абдуманоғликларга шерик ҳисобланарди. Бошқа томонларни ҳам иккиуч қабила бирлашиб қурадиган бўлди. Меъмор Баком тош ташиб келтиришни буюрди. Эркаклар тош, хотинлар оҳак таший бошладилар.

Елкасида тош ташиётган эркаклар, тош қийиб юбормасин, дея белларига боғлаган пешбандларини каватқават қилиб елкаларига, тошнинг остига қўйиб ишлар эдилар. Абул Қосим Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ҳам амакилари билан биргалиқда тош таширди. Амакиси Аббос яра бўлаётган елкаларига бир оз енгиллик бериш учун пешбандини ечди, бошқалар каби тахлаб елкасига ташлади.

— Ё Амин, сен ҳам мендақа қилиб ол, қийналмайсан, — деди.

Бу таклиф бир томондан яхши эди. Одамнинг елкаси анча роҳатланарди. Аммо, иккинчи томондан, бундай қилинса, хунук вазият юзага келарди.

— Қани, қани, ё Амин, қара мен ҳам шундай қилиб олдим... Тағин, ўзинг биласан.

Елкангни эҳтиёт қил деяпманда.

Йўлдан оздирувчи бундай даъватларга қарши туролмай, Амин ҳам пешбандини ечиб, елкасига қўйди. Аммо шу пайт либоси тушиб кетди. Либосини ердан кўтардию, бу ишни зинхор қимасликка ўзига сўз берди. Шу воқеадан кейин то умрининг охиригача ҳеч ким уни яrim яланғоч ҳолда кўрмади. Тошлар келтирилиб, иншоот қурила бошланди. Меъмор тошларни усталик билан қалаб, бинони тиклар, халқ ғайрат-шижоат билан унга ёрдамлашар эди. Деворлар кўтарилиди. Бир одамнинг кўксигача етадиган баландликка етди. Энди Ҳажарул асвадни ўз ўрнига қўйиш керак эди. Аммо бу ишни ким қиласди; ким бу шарафга муносиб ҳали номаълум эди.

Бу муаммо бирдан ҳамжиҳатлик муҳитини ўзгартириб юборди. Каъбани қуриш ишида иштирок этаётганлар орасида юзага келган дўстона ва биродарлик муҳити совуқлашиб, ҳамма обрў талашиб, аслзодалик даъвоига берилди. Ҳар бир қабила ўзини бу шарафга муносиб деб ҳисоблар, иккинчи ёки учинчи даражага тушиб қолишни сира истамас эди.

Курилиш тўхтаб, жанжал бошланди. Қабилалар орасидаги мунозара кечгача чўзилиб кетди. Ҳамма ўзиникини маъқуллар, ҳеч ким бошқанинг гаини эшитишни хоҳламас эди.

Натижада Бани Абдуъдор жанжални баттар авжига чиқарди. Ҳамманинг кўзи олдида қон тўла бош чаногини ўртага қўйиб, ичига қўлларини ботириб, қасам ичдилар. Бани Одий ҳам қасамга қўшилди. Бу қасамнинг маъноси сўнгги томчи қонимиз қолгунча шу йўлда курашамиз, демак эди.

Бошқа қабилалар ҳам шундай фикрда эдилар. Улар ҳам то ўлмагунларича Ҳажарул асвадни ўрнига қўйиш даъвойдан воз кечмасликка азму қарор қилган эдилар.

Киличлар қинларидан бир марта сугурилса, қайтиб жойларига кириши осон бўлмасди. Балки йилларча давом этадиган қон даъволарининг эшиги бир оздан сўнг очилиши ҳамда Каъбанинг ёнида тўкилган қонларнинг ҳисобкитоби авлодданавлодга суриб кетиши ҳеч гап бўлмай қолган эди.

Аслида, Макка ва унинг ёнтевараги Ҳарам водийи ҳисобланарди, яъни, жанжалсурон, уруш қилинмайдиган муборак бир замин эди. Бу заминда ҳар кимнинг жони ва моли хавфдан холи эди. Аммо Ҳажарул асвадни ўз ўрнига ким қўяди, деган муаммо уларнинг кўзинигина эмас, қалбини ҳам кўр қилиб қўйди, Ҳарам водийида, ҳатто муқаддас даргоҳ бўлмиш Каъбанинг ёнида, Каъбанинг қурилишида эканликларини унудилар.

Тортишувнинг бешинчи куни, қўллар қиличларга узатилган қалтис бир вазиятда у ердагиларнинг энг улуғ ёшлиси Абу Умайя Муғийра ибн Абдуллоҳ ўртага отилди:

— Тўхтанг, тўхтанг, эй инсонлар! — деб бақирди у.

— Гапир, нимани истайсан, эй қария.

— Уруш, жанжалтўполон билан иш битмайди. Бундан ташқари, сизлар бу муқаддас Байтнинг хизматчиларисиз. Уруш қилсангизлар, бу муборак даргоҳга нисбатан хурматсизлик қилган бўласизлар. Ҳолбуки, бу жанжал нимадан келиб чиқди? Унга бўлган чексиз хурмат эҳтиромингиздан! Шундай эмасми?

— У ҳолда нима қилиш кераклигини айт бизга.

— Масаланинг ечимини бир ҳакамнинг ихтиёрига қолдиринглар. Муаммони у хал этсин.

— Кимнн ҳакам қиласмиш, кимга топширамиз бу ишни? Абу Умайя сўзлари таъсир қилганидан хурсанд бўлиб кетди. «Бани Шайба» дарвозасини кўрсатди.

— Шу дарвозадан биринчи бўлиб кирган кишини ўзимизга ҳакам қиласмиш.

Бу таклиф ҳаммага маъқул бўлди. Кимнинг келишини ҳеч ким билмас, шунинг учун бу тадбир адолатсиз ҳисобланмас эди.

— Маъқул таклиф.

— Ха, жуда маъқул. Бу дарвозадан илк бор кирган киши ҳакам бўлади. Ҳамма «Бани Шайба» дарвозасига тикилди.

\* \* \*

Абул Қосим Мұхаммад ибн Абдуллоҳ Каъба қурилиши учун ҳамма қатори тош ташиған, аммо жанжал бошланғач, кетиб қолған эди. Бемаңни, тутириқсиз мунозараларга тоқати йўқ эди унинг.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин вазият ўзгарган ўзгармаганини билиш учун яна Каъба томонга йўл олди.

Каъбанинг атрофини ўраб турган ва Масжиди Ҳарам деб аталувчи кенг даргоҳнинг бир неча дарвозаси бор эди. Уларнинг энг олдингиси бўлмиш «Бани Шайба»дан ичкарига кирди. Киаркирмас:

— Ал-Амин... Ал-Амин... Мана, Амин келди...

— Амин келди, унинг ҳакамлигига розимиз... — каби овозлар эшитилди. Юзларда табассум пайдо бўлган, кескин вазият бирданига юмшаган эди.

— Нима гап? Мендан нима истайсизлар?

— Орамизда ҳакам бўласан...

Масалани тушунтирилар. Қандай йўл билан уни ҳакам қилганликларини изоҳладилар. Охирида яна Абу Умайя сўз олди:

— Сенинг инсофинг, адолатингга ишонамиз, эй Абу Қосим. Орамизда ҳакамлик қилиб, тўғри ҳукм чиқар, — деди. Буюк Амин атрофидагиларга:

— Менга бир кўйлак келтиринг, — деди.

Олиб келдилар. Мұхаммад уни ерга тўшади. Ҳажарул асвадни (Қора тошни) унинг устига кўйди.<sup>1</sup>

— Ҳар бир қабиладан бир киши мана шу кўйлакнинг бир учидан тутсин, — деди. Енгил нафас олдилар. Кўзларда мамнуният ҳисси балқиди. Утба ибн Робиъа, Абу Замъя ибн Асвад, Абу Хузайфа ибн Муғири, Кайс ибн Одий каби кишилар кўйлакнинг тўрт учидан тутдилар. Баробар кўтардилар. Муқаддас тош ўрнатилиши лозим бўлган жойгача келтириб, тепага кўтардилар. Шу онда Ал-Амин бу муборак тошни қучоғига олиб, жойига ўрнатиб кўйди. Бутун келишмовчиликлар бир зумда битди, bemâni uruşnинг олди олинди, ҳамма бу адолатли ҳукмдан рози бўлди.

— Худо ҳаққи, ал-Амин адолатли, оқилона ҳукм чиқарди, — дедилар.

Каъба олдингисидан икки баравар юксак қилиб қайта қурилди. Эшиги бир одам бўйидан сал баландроқ бўлди. Ашёлар етарли бўлмагани боис Каъбанинг бир оз жойи очиқ қолдирилди. Бу ер «ҳотийм» деб аталарди.

\* \* \*

Кейинги йили ҳам қурғоқчилик бошланди. Бу дегани, маккаликлар учун янги, яна бир оғир, азобуқубатли мавсум келди демак эди. Қурғоқчилик азоби бошқа акаукалардан ҳам кўпроқ Абу Толибни оғир аҳволга солиб кўйди.

Бир куни Ал-Амин амакиси Аббосга рўбарў бўлди.

— Марҳамат қил, ё Амин...

— Биласизки, амаким Абу Толибнинг аҳволи яхши эмас. Фарзандлари кўп. Унинг биттадан боласини паноҳимизга олиб, ёрдам берсак қандай бўларкин? Аббос бу таклифга рози бўлди. Абу Толибнинг уйига бордилар. Мақсадларини билдирилар. У хурсанд бўлди.

— Толиб билан Оқилни ўзимга қолдиринг, бошқаларидан истаганингизни олинг, — деди. Аббое Жаъфарни, Ал-Амин эса, Алини ўз қарамоқларига олдилар. Шу йўсинда Абу Толибнинг кенжә ўғли Али болалик чоғидан эътиборан инсониятнинг фазилатхонасидан паноҳ топган, сабоқларини шу ердан ола бошлаган эди.

<sup>1</sup> Бу ерда «кўйлак» пешбанд, қийик маъносида.

## ЯНА САЛМОН

Салмон Мосулга борди. Роҳиб тавсия этган одамни топди. У таъриф этилганидек, самимий инсон экан. Кейин у ҳам ўлгач, унинг тавсиясига кўра, Нусайбинга кетди. Нусайбиндаги роҳибнинг қазоси яқинлашгач, у Салмонни Онадўлининг Аммурия шахрида (хозирги Амирдоғда) яшовчи бир танишининг ҳузурига жўнатди.

Шу тариқа, бир неча марта бошпанасини ўзгартирган Салмон уларни ҳам топди. Бир ривоятда нақл қилинишича, Анқаранинг бир калисосида (ушбу калисо Ҳожибайрам жомеъ масжиди ёнида ҳали ҳам мавжуд) бошқа бир руҳонийнинг хизматида ўн йил қолиб кетди. Сўнгти марта Аммуриядаги хизматини қилган устозини жуда яхши қўриб қолган, унга ихлоси баланд эди. У ҳам бошқа дин арбоблари сингари ўз маслагига содик, хақдан бошқа сўзни сўзламас эди. Салмон унинг паноҳида диний вазифаларини бажарар экан, озроқ маблағ ҳам орттириди, қўйэчки, сигир сотиб олиб, бокди. Бироқ муқаррар ажал бу руҳонийнинг ҳам эшигини қоқиб келди. Салмон энди нима қилиши кераклиги, кимнинг ҳузурига бош уриб боришни ундан ҳам сўради. Руҳоний оҳиста гап бошлади:

— Эй Салмон, замон жуда ўзгариб кетди. Яхши одам ларнинг кўпи ўлиб кетди. Энди шу бепоён дунёда сени омонатга ташлаб кетишга арзийдиган одам ҳам қолмади. Бу сўзлар Салмоннинг кўнглини чўқтириди. Кўзларида ёш қалқди. Бироқ руҳоний ҳали гапини тугатмаган эди. Овози хириллар, гапириши ҳам тобора қийинлашиб борар эди. Бир оз тин олгач:

— Лекин, эй Салмон, Оллоҳнинг сўнгти пайғамбари келадиган кунлар жуда ҳам қинлашиб қолди... Исми АҳмадМұҳаммаддир... Бу Пайғамбар Тихома тарафлардан, Ҳарам халқининг орасидан чиқади... Илк қийинчилкларга учраганида хурмозор бир шахарга, менингча, Ясирига кўчади... Бу Пайғамбар садақа олмайди... Ҳадя

ни қабул қиласи... Орқасида, икки курак суюгининг ўртасида пайғамбарлик мухри, белгиси бўлиши керак...

Руҳоний яна жим бўлиб қолди. Оғироғир нафас ола бошлади. Пешонасида тер томчилари ҳосил бўлди. Салмон пирининг манглайидаги терларини артди, оғзига бир неча томчи сув томизди.

— Энди бу Пайғамбарга етишишга умидим қолмади. Агар сен уни топа олсанг, дарҳол унга иймон келтир. Унинг фиқрини тасдиқла. Унинг йўлига кир. Буюрган ҳамма ишларини қабул қил ва астойдил бажар. Салмон бу сўзларни зўр диққат билан тинглади, худди хазина топиб олган кишидек суюниб кетди. Шундан кейин, бу Пайғамбарнинг амру фармонларига қайдаражада қулоқ тутиши кераклигини билиб олиш учун сўради:

— У Пайғамбар динимизни тарқ этишни буюрса ҳам, бажаришим керакми?

— Ҳа, ҳеч иккilanma. Чунки унинг ҳар бир гапи айни ҳақиқатдир. Оллоҳнинг розилиги унинг амрини бажариш билан баробардир. Буюк Оллоҳ жўнатган ҳар бир пайғамбаридан Мұҳаммаднинг замонигача яшаган тақдирда унга иймон келтириш ва унга ёрдамчи бўлишлари тўғрисида ваъда олган, ҳамма пайғамбарлар ҳам умматига энг сўнгти пайғамбар бўлган АҳмадМұҳаммадни васият қилган, унинг атрофида, унинг уммати ўлароқ тўпланишни буюрган. Бу сұхбатдан кейин кўп ўтмай руҳоний вафот этди.

Салмон Аммуриядаги яна бир муддат қолди. Бир куни савдосотик ишлари билан Онадўлга келган ва энди ўз юртларига қайтаётган Қалб қабиласининг карвони ҳақида эшитди. Салмон борбудини йиғиштириб уларга бериш эвазига ўзини Ҳарам водийига олиб боришларини сўради. Сигирларию эчкilarini уларга берди. Шу тариқа йўлга чиқилди. Бироқ Водиул Қуро деган жойга етганларида қалбликлар сўзларидан қайтдилар ва уни кул қилиб бир яҳудийга сотиб юбордилар.

Салмон атрофида хурмо дарахтларини қўриб, руҳоний таърифлаган жой аслида шу ер бўлса керак, деб ўйлади. Аммо ундан эмас экан. Кейинроқ Қурайза қабиласига мансуб

хўжайинининг амакиваччаси бўлмиш бошқа бир яҳудий уни сотиб олди ва биргаликда Ясирибга жўнадилар. Салмон қул бўлиш эвазига бўлса ҳам, борган ери таърифланган жойга уйғун эканлигини кўриб, ғоят қувонди. Буюрилган ишларни бажонидил бажариб, руҳоний келишидан хабар берган Буюк Пайғамбарни кута бошлади.

## ЯҲУДИЙ ОЛИМЛАРИ

Шом томонларда Ҳазрати Мусонинг динини қабул қилган, илм ва ибодат билан баравар шуғулланадиган билимдон яҳудий бор эди. У кичик ёшидан бошлаб тоатибодатга берилган, замонасининг етук олимларидан сабоқ олган, бундан ташқари, мустақил равишда билимини оширишдан эринмайдиган инсон эди.

Бир куни қўниқўшнилари ва дўсту биродарлари унинг сафарга ҳозирлик кўраётганига шоҳид бўлдилар.

— Қаерга, эй Ҳайибон, йўл бўлсин? — дедилар.

— Кўчиб кетаётирман. Ҳижоз томонларга бориб яшамоқчиман.

— Нега энди дабдурустдан, эй Ҳайибон? Нега бизни ташлаб кетасан. Бу ерда биздан ёмонлик кўрдингми?

Йўқ, асло. Ҳеч кимдан ёмонлик кўрмадим. Аммо кўнглим ўша томонларга чорламоқда.

— Нима қиласан у томонларда? Ўзинг савдогар бўлмасанг...

— Гапларингиз тўғри, савдогар эмаслигим аниқ. Аммо Оллоҳ ризқимизни берар деган умидда кетаётирман. Ҳайибон шундай деб улар билан хайрлашди. Эрталаб тонг сахарда бир оиладан иборат кичик карvon йўлга чиқди. Йўловчилар илгарилаган сари, қадамбакадам иқлим ўзгарад, ямшил Шомнинг ўрнига ондасонда хурмозорлар учрайдиган воҳалар кела бошлади. Бир неча кунлик йўлдан сўнг хурмозорлар ҳам кўринмай қолди. Шомнинг латиф иқлимига мослашган оила кутилганидан ҳам узоқка чўзилиб кетган йўллардан, баъзан келажакка умид билан қараб, баъзан тушкунликка тушиб илгарилаб борарди. Ҳайибон гоҳо бир уфқдан иккинчи уфқка қадар чўзилган қумсаҳроларни, гоҳо қуёш қиздиргандан ялтялт қилган, денгиздан фарқи йўқ саробни томоша этаёта, кора терларга ботабота, тили танглайига ёпишаёпиша олдинга силжириди. Бир томчи сувга ташна қолган пайтлар ҳам бўлди...

Ҳайбарда танишган яҳудийлар уни қучоқ очиб кутиб олдилар. Илми билан амали бир бундай покдомон дин арбобига муносиб ҳурматда бўлишларини изҳор этиб, шу ерда қолишини сўрадилар.

Аммо Ҳайибон меҳмондорчилик муддатини чўзиб юборишни истамади.

— Ниятинг қаер, эй Ҳайибон?

— Ясирибача бормоқчиман.

— Бу ер Ясиридан кўра хушманзара, хушҳаво, тупроғи унумдор.

— Шундай бўлса ҳам, ниятимиз қатъий, кетмасак бўлмайди.

Бир оздан сўнг карvon яна йўлга тушди.

Бани Курайза яҳудийлари бир куни маҳаллаларида Ҳайибон исмли бир олимни меҳмон қилдилар. Шомдан келаётгани, Ясирида макон тутмоқчи эканлигини гапирди у.

— Мана, Ясириб, қўл узатсанг етадиган масофада. Чиндан ҳам Ясирибга жуда яқин қолган эди. Уларнинг орасида қолиши таклифига рози бўлди. Кўпдан бери истаган жойига келган эди. Лекин бу ерда нима қиласди? Илмини ошириш учун келмаган, ахир. Чунки бу срда Шомдагидан зўрроқ олимлар йўқ эди. Бу ерда мулки ҳам йўқ эди. Савдогар эмас эди. Илми ва ахлоқини кўрган яҳудийлар унга ер, боғ ҳам ажратиб, экин экиб, рўзғор тебратишга имконият яратдилар. Ҳайибон тинмай ўқиб, ибодат қилиб, ибратли ҳаёт кечира бошлади.

Курғоқчилик мавсуми келганда яҳудийлар унинг хузурига тўпландилар, ёмғир дуосига

чиқишини сўрадилар

— Йўқ, бу ишни қилолмайман. Аввал мухтожларга садака беришингиз керак.

— Қанчадан берамиз?

— Бир микдор хурмо ёки икки микдор арпа.

У истаган миқдорда мухтожларга садака тарқатилди. Шундан кейин улар билан биргаликда ёмғир дуосига чиқди, ялинибёльворди. Жаноби Ҳақ ёмғир юборди.

Яна бир неча бор ёмғир дуосига чиқилди. Ҳар сафар халқ севинч билан қайтди. Бир куни Ҳайибон касал бўлиб қолди. Анча қариган, вужуди ҳам ҳолдан тойган эди. Уни зиёрат қилишга келдилар. Саломатлик тиладилар. Бироқ Ҳайибон вақтсоати яқинлашганини сезди. Бир куни ўзини бир оз дуруст ҳис этгач, курайзаликларга хабар берди.

— Эй яхудий миллати, мен Шомдек тўқинсочий ва барака ошибошиб ётган заминни тарк этиб, сизларвинг бу қурғоқчил ерларингизга нима учун келганимни биласизларми? — деди.

Билмаймиз. Албатта, сенинг бундан кўзлаган алоҳида мақсадинг бўлиши керак.

— Бу ерга яқин орада юборилажак Пайғамбарни кутиш учун келган эдим. Зеро, Ясириб унинг ҳижрат қилиб жойлашадиган ватанидир. Бу пайтгача унга пайғамбарлик вазифаси берилар, мен ҳам унинг динига кириб саодат топарман, деб умид этдим. Бироқ умрим поёнига етганини сезиб турибман. Унга етишиш менга насиб бўлмас экан. Шуни яхши билиб қўйингки, унинг пайғамбарлик вазифасини олишига жуда ҳам оз вақт қолди, шарпаси бошингиз устида турибди, десам сира янглишмайман. Унга ишониб, динини қабул этишда бошқалар сизлардан ўтиб кетмасин. Чунки у зиммасига ўзига бўйсунмаганларга қарши қилич ишлатиш ва болаларини асир қилиш вазифасини ҳам олади. Зинҳор сизларни унинг динига киришдан ҳеч ким тўсмасин...

Ҳайибон шу гапларни айтиб, жим бўлиб қолди ва бир неча кундан сўнг ҳаётдан кўз юмди. Қурайза қабристонига дафн этилди. Ҳайибоннинг бу сўzlари нечоғли самимий эди? Жўнатиладиган сўнгти пайғамбарнинг даъват кунларигача яшаса, чиндан ҳам иймон келтириб, мусулмон бўлармиди? Илоҳий иродада уни қандай кутиб олади? Эртага — ҳисобкитоб куни унга қай тарзда муомала қилинади?

Биз бу саволларнинг жавобини билмаймиз. Аммо унинг бу йўлда ватанни тарк этгани, шу йўлда турли машаққатларга дуч келгани ва мақсадини амалга ошириш учун узоқ сафарга чиққанини биламиз. Бироқ у юрагидаги армон билан ўлиб кетди...

\* \* \*

Ясирибнинг бутга сифинадиганлар маҳалласи...

Салама ибн Салом исмли, гапга тушунадиган ва бошқаларга тушунтира оладиган ёшдаги бир бола... Уйларинииг ёнидаги бир тошда ўтирап ва оломонга қаратса ҳаяжонли нутқ сўзлаётган яхудий қўшнисини зўр мароқ билан тинглар эди.

У яхудий тўпланган одамларга қиёмат куни келиши, бутун жонзотларнинг қирилиб кетиши, кейин қайта тирилтирилиши, яхшиёмон амалларнинг ўртага қўйилиб, ҳисобкитоб қилиниши, инсонларнинг бу ҳисобкитобдан сўнг жаннатга ёки жаҳаннамга кириши хақида гап уқтирап эди.

Унинг сўzlарини тинглаётганларнинг ҳаммаси мушриклар эди. На охиратни, на қайта тирилишу на ҳисобкитоб ва на мезонни билардилар.

— Менга қара, эй роҳиб, сен бу гапларингга чиндан ҳам ишонасанми? Сенинг айтаётганларинг муқаррар равишда содир бўладими?

— Албатта.

— Яъни, ичиде жаннат ва жаҳаннам мавжуд бўлган бир оламда инсонлар қайта тирилтирилнб, ҳисобкитоб қилинади, шундайми?

— Ҳа. Нимани ўртага қўйиб қасам ич, десангиз, ҳаммасига тайёрман.

Сўнгра атрофида йигилганларга бирмабир караб чиқди.

— Истардимки, уйимда тандирга олов ёқиб мени ёндирангиз, зора, мен шу оловда ёниб кул бўлсаму, эртанги кун у дунёда дўзах азобидан қутулсан. Тингловчилардан бири гапга аралашди.

— Жабр сенга қўшни, ўз жонингга жабр қиластирсан. Бу гапларингни тасдиқлайдиган далилинг борми? Яхудий кўзларини Макка томонга қаратди. Уфқларга термулди, сўнгра кўллари билан ишора қилиб, шундай деди:

— Менинг сўзларимни тасдиқлайдиган инсон мана шу томонлардан яқинда вазифасига чақириладиган бир пайғамбардир. Яхши. Хўш, биз уни қачон кўрамиз? Яхудий бу дафъа эшикнинг олдида ўтирган Салама ибн Салмонни кўрсатди:

— Мана шу бола балоғатга етса, кўради.

Бу сўзлар Саламанинг онгига муҳрланиб, узоқ йиллардан кейин ҳам унутилмайдиган бир хотира бўлиб қолди.

\* \* \*

Бир куни Ясирибнинг ерли аҳолиси бўлмиш мушриклар билан яхудийлар орасида кичик бир келишмовчилик чиқди. Мушриклар кўн эди. Аслида қўрқоқ бир миллат бўлган яхудийларнинг кўпдан бери попугини пасайтириб қўйишган, улар ломмим демайдиган бўлиб қолган эдилар. Қачонки, бир жанжал чиқса, Ҳазраж ва Авс қабиласи яхудийлардан устун келар, яхудийлар эса, мағлубият Ал-Амини тортар эдилар.

— Бир куни сизларни адабингизни берамиз, эй Ясириб ҳалки, — дейишарди яхудийлар.

— Бугун адабимизни беришга ким ҳалақит беряпти?

— Бугун сизларнинг қўлингиз баландлигини инкор этолмаймиз.

— Ҳар доим шундай бўлади! Билиб қўйинглар!

— Мана, қўрарсизлар, бир кун келиб бизнинг кунимиз ҳам туғиб қолар.

— Тушларингизни сувга айтинглар. Ясириб доимо яхудийларни чириқдан ўтказадиган бир тегирмон бўлиб қолаверади. Бир куни келиб, гўрингизни қазийдиган битта яхудий ҳам қолмайди.

— Униси ҳали номаълум. Биз қутаётган Пайғамбар келсин, ўшанда ким ғолибу ким мағлуб бўлиши аён бўлади. Қўрасизлар ҳали, сизлар билан бошқача ҳисоблашамиз, Од ва Ирам қавмлари каби йўқ бўлиб кетасизлар!..

Яхудийларнинг нимага шамаъ қилаётганини тушуниб етмаган мушриклар қўпол муомалага ўтақолдилар:

— Қани, дафъ бўлинглар бу ердан, лаънати яхудийлар!

## ҲАҚ ДИН ЙЎЛИДА Ханифлар

Маккада байрам. Маккаликларнинг деярли ҳаммаси шаҳар кўчаларига чиқкан. Улар бир бутнинг атрофига тўпланганлар. Қурбонликлар сўйилиб, бутга баҳшида этилаётир. Қилинган қурбонликлардан бутлар нимани тушунганликлари ҳеч кимни қизиқтирумайди.

Шу байрам қуни бу одамларга қўшилмай, уларнинг қулгили хаттиҳаракатларини бир чеккада кузатиб турган тўрт киши ҳам бор эди. Улар жуда ғамгин эдилар.

— Қавмимиз тутган йўл ҳеч ҳам тўғри эмасда...

Ҳақиқий дин бу дин эмаслигига қасам ичишим мумкин.

— Гапинг тўғри, эй Варақа. Мен ҳам сенинг фикрингга қўшиламан. Мана, масалан, қошида қурбонлик сўйилаётган бу бут, менингча, бошқа тошлардан сира фарқ қилмайди. Ҳеч кимга фойдаси ҳам йўқ, зарари ҳам.

Бу сўзларни сўзлаган Зайд ибн Амр эди. У яна биродарларига қараб:

— Мен қатъий қарор қилдим: дарҳол йўлга тушаманда, ҳақиқий динни излайман.

Менингча, ҳақ дин пайғамбар Иброҳимнинг динидир, — деди.

— Ҳа, албатта, Иброҳимнинг динидан бошқа ҳақ диннинг йўқлигига аминман.

Суҳбат шу тарзда давом этди. Қисқа вақт ичида йўлга тушишга аҳдлашиб, тарқалдилар. Булар — Варақа ибн Навфал, Зайд бин Амр, Усмон ибн Ҳувайрис, Абдуллоҳ ибн Жаҳш эди. Аммо бу йиғилиш ва суҳбат Фил ҳодисасига нисбатан қайси йили бўлгани номаълум.

\* \* \*

Варақа ибн Навфал Шом томонларга кетди. Учрашган дин арбобларининг таъсирида христианликка кирди. Ўқиши, ёзишни ўрганди. Христиан динига оид китобларни ўқиди. Иброний, яъни, қадимги яхудий тилини ўрганиб, Тавротни ҳам мутолаа қилди.

Маккага қайтганда яхудийликни ҳам, христианликни ҳам чуқур ўрганиб олим бўлган, ҳатто Тавротдан, Инжилдан баъзи нарсаларни ёдлаб олган эди. Баъзан яхудий тилида ўқиган диний китобларининг мазмунини араб тилида сўзлаб берарди. Аммо на бирорни христианлик динига чорларди, на Макка аҳлидан бирор киши унинг олдига келиб: «Эй Варақа, пайғамбар Исо алайҳиссаломнинг динини менга ҳам ўргат, мен унинг динига киришни истайман», дер эди. У ўз ҳолича, тўғри эканлигига ишонган христианлик динига содик бўлиб қолаверди. Бирор келиб: «Сенинг бутларимизга ибодат қилганингни кўрмай қолдик. Энди орамизга қўшилмасанг, бўлмайди», демади ҳам. Вақт ўтиб Варақанинг кўзлари хиралашди. Яхши кўрмайдиган бўлиб қолди. Лекин ўқиган китобларида ёзилган маълумотлар ёдида эди. Чунончи, Таврот ва Инжилда ўқиганида бир неча оятнинг энди келадиган Пайғамбар ҳақидаги хушхабари унинг зеҳнига ўрнашиб қолган, бу сўнгги Пайғамбарни интизорлик билан кутар эди. У зот шу Макка шаҳридан чиқади деб ишончи комил эди. Орасира маккалик танишларига чуқур разм солар, «Ажабо, булардан қайси бири пайғамбар бўлиши мумкин, саодат тожи улардан қайси бирининг бошига кийгизилар экана?!» деб ўйлаб қоларди. Кимга пайғамбарлик унвонини муносиб қўришини, албатта, Оллоҳ ўзи яхшироқ билади.

— Нима бўларди, эй Раббим, мени ўша Пайғамбарга етиштирсанг...

Сўнгги пайтларда Варақа шу дуони пицирлаб айтиб юрадиган бўлиб қолди.

\* \* \*

Усмон ибн Ҳувайрис Шомга борди, ўша ерда муқим ўрнашди. У ҳам христианликни қабул қилди. Бундан ташқари, Шом ҳокимиға маккаликлар устидан арз этиб, агар уларнинг устига мунтазам бир қўшин билан юриш уюштирилса, у ерларни осонгина фатҳ қилиш мумкинлигига ишонтириди.

Ҳоким ўзининг қўли остида хизматда бўлган иккинчи даражали бошқа бир ҳокимга мактуб ёзилди, Усмон ибн Ҳувайрисдан бериб юборди. Мактубда қўшин билан Макка устига юрин1 қилиш ва у ерларни ишғол этиш буюрилган эди.

Ҳоким ибн Жафна бу фармонни бажариш учун тайёргарлик кўра бошлади. Шу пайтда унинг мақсадидан воқиф бўлган дарвешлар гурухи Ибн Жафнани зиёрат қилиш учун изн сўрадилар. Ибн Жафна ҳузурига ташриф буюрган тарқидунёчилардан сўради:

— Ҳўш, хизмат?

— Эй малиқ, Ҳарам халқи устига қўшин билан юриш қилиш нияtingни эшитдик, шу тўғрими?

— Ҳа, тўғри. Менга буюрилган фармон шу.

— Эй малиқ, бизлар сени яхши кўрамиз. У ерларни босиб олсанг, бундан бизга ҳеч қандай зиёнзахмат етмайди. Аммо у ерда «Каъба» деб аталувчи, пайғамбар Иброҳим замонидан қолган бир Байт борки, Оллоҳ ҳеч кимсанинг бу Байтга қўл кўтаришига, унга ҳужум қилишига рози бўлмайди. Чунончи, бундан бир неча йил олдин Яман томонлардан келган катта қўшин Маккага етайдеб турганда, Оллоҳнинг қарғишига учраб, маҳв бўлиб кетди. Бу айни ҳақиқатдир. Зинҳор бундай ишга бел боғламагин, — дедилар.

Шундан кейин Фил ҳодисасини тафсилотлари билан сўзлаб бердилар.

— Буларни фақат ва фақат яхшилик тилаб гапириб бердиқ, эй малик. Бошингга бир қулфат тушса, биз учун бениҳоя қайғули бўлади — дедилар.

Ибн Жафна уларни кузатгач, кичкина бир текширув ўтказиб, Абраҳа лашкарининг фожиавий ҳалокати ҳакида аниқ маълумот олди. Дарҳол тайёргарликни тўхтатди. Усмон ибн Ҳувайрисни хузурига чақиртириди. Ҳарам ҳудудини фатҳ этишга бундай имконият яратиб бергани учун ташаккур билдириди. Бу ҳали ҳамир учидан патир, дея бир неча кўйлак ҳадя этиб, эгнига кийдирди. Усмон янги либос кийгани учун кечкурун танасининг қаттиқ қичишаётганини сезди. Қашинган эди, яралар пайдо бўлди. Узини тобора ёмон ҳис қила бошлади. Шундан кейин бирданига:

— Ё, алҳазар... — деб юборди.

Аммо вакт ўтган эди. Кўйлагига заҳар суртилганига ҳеч шубҳаси қолмади. Дарҳол ечди. Бироқ энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмасди. Секинаста ўлимни яқинлашаверди.

Бир неча соатдан сўнг ибн Жафнанинг хузурига кирганлар унга Усмон ибн Ҳувайриснинг типирчилабтиричилаб, жон берганини билдирилар.

— Бизга қазиган чоҳга ўзи йиқилди, — деди ҳоким.

\*\*\*

Абдуллоҳ ибн Жаҳш турли жойларга борди, кўп одамлар билан мулоқотда бўлди. Нихоят, у ҳам христианликка кирди. Бу дин унинг қалбига ҳузур ва осойишталик бағишлиди. Абдуллоҳ қидирган нарсасини топганига ишончи комил эди. Яна Маккага қайтди ва у ерда тинч хаёт кечира бошлади.

\*\*\*

Зайд ўртоқлари билан хайрлашиб, уйига келгач, мақсадини аввал хотини Сафийяга билдириди. Ҳадромийнинг қизи Сафийя бундан сира хурсанд бўлмади. Эрини жуда яхши кўрарди. Яхши хулқли, покиза ва суюкли инсон эди. Келишган, басавлат бир киши эди. Узок вакт ундан айрилишини ҳеч ҳам хоҳламади.

— Кетма, Зайд, шу ерда ёнимда қол, сенсиз туролмайман, — деди.

Аммо Зайднинг аҳди қатъий эди. Бу шунчаки айтилган гап эмас, кўнглининг тубтубигача сингиб кетган дунёқарашиб эди. Эрхотин ҳеч келиша олмадилар. Зайд кетиши фикридан бир дақиқага бўлсада, қайтмади. Сафийя кеткизмайман, деб ўжарлик қилиб туриб олди. Зайд Сафийя кўрсатган ҳамма важларни сабртоқат билан тинглади, уни кўндиришга уринди, кейин:

— Аммо мен, албатта, ҳақ динни топишим керак. Бу йўлда ҳар кандай оғирчиликка, йўқотишларга ҳам тайёрман, — деди.

— Хўп, биз сенсиз нима қиласиз? Зайд ўғлига ишора қилди:

— Мана, Саид. Боламни бағрингга босиб, ўзингни овутарсан.

Келажакда лсаннат хушхабарини ҳаётлик чоғидаёқ оладиган бу кичкина бола «Ашарайи мубашшара»дан (иайғамбаримиз жаннати бўлғанликларидан хушхабар берган ўн кишидан) бири бўлган Саид ибн Зайд ҳазратлари эди.

Бироқ бу баҳона Сафийяни ишонтиролмади.

— Айтишга осон. Лекин аёл учун эрининг ўрни бошқа, ўғилнинг ўрни бошқа. Баҳстортишувлар шу тарзда чўзилиб кетди, Зайд хотинини ҳеч кўндиrolмади. Охири, у рози бўлмаса ҳам, йўлга чиқишига қарор берди. Сафийя ҳам, ўз навбатида, уни қандай қилиб бўлсада, олиб қолишига қатъий киришди. Нихоят, ахволни Зайднинг амакиси Хаттобга гапириб берди. Хаттоб Зайдга панднасиҳат қилди, дўқ урди. Ҳақ дин ҳақидаги хомхаёлни миянгдан чиқариб ташла, деб қаттиқ огоҳлантириди. Хаттоб Зайднинг ҳам амакиси, ҳам акаси эди. Зайднинг бобоси Нуфайл ўлганида, орқасидан икки ўғил ва хотини қолган эди. Бири олдинги хотинининг ўғли Амр, иккинчиси энди бева қолган хотинидан туғилган Хаттоб. Нуфайлнинг таъзияси куни ғалати ҳодиса рўй берди. Азага келган хотинлар дод солиб йиглар эдилар. Араб одатларига

кўра, яхши хислатлари таъриф этилган марсиялар ўқиларди. Шу пайт Нуфайлнинг ўғли пусиб бориб, бир хоиага кирди. Чапга, ўнгга аланглади. Ҳеч кимнинг у билан иши йўқлигидан фойдаланиб, бир зумда қўйнидан чиқарган рўмолни ўгай онасининг бошига ёпди.

Аёл бир сапчиб тушди. Бироқ энди бўлар иш бўлган, рўмол бошига ёпилган эди. Бундан бўён Амр ўгай онасининг якка хўжайини бўлиш хуқукини қўлга киритган эди. Истаса унга ўзи уйланади, истаса, бошқа бировга сотиб юборади. Чиркин, аммо кенг тарқалган одат эди бу. Эри ўлган хотин марҳумнинг жанозаси ўқилаётганида аза тутсинми ёки эрининг яқин қариндошларидан бири тўсатдан бошига ёиадиган рўмолдан сақланиш йўллари ҳақида бош қотирсинми? Бошига оғир кулфат тушган аёл ё бутун дардини унутиб, фақат шу ҳақдагина ўйлаши ва овланишдан кутулиши, ё бошига тушадиган ишга рози бўлиши, икки йўлдан бирини танлаши керак эди. Учинчи йўл йўқ эди.

Мархум уйдан олиб чиқиб кетилгач, ов муддати тугарди. Амр угай онасининг бошига рўмол ёпиш орқали эгалик хуқукини қўлга киритгач, уни бировларнинг ихтиёрига топнишиб қўйиш ниятида эмаслигини очиқойдин билдирган эди. Ўзига маъкул бўлган пайтда унга уйланди. Бу никоҳдан Зайд исмли бир ўғил дунёга келди.

Зайд улғайгач, қавмининг бу аҳмоқона одатларига қарши қалбида жирканиш хисси уйғонганини ҳис этди. Тошларга, дараҳтларга тангри дея сифинишнинг бемаънилигини англади. Бундай хаттиҳаракатлар нотўғрилигини айтишдан тап тортмади. Аммо бу йўлда илк бор унга қарши чиқкан одам ҳам амакиси, ҳам онаси бир ака бўлган Хаттоб эди. Зайд Хаттобдан роса калтак еди.

Шундан кейин Сафийя ҳар сафар Зайднинг йўлга тайёргарлик қўраётганини сезди дегунча, Хаттобга хабар жўнатар, масала шу билан ҳал бўлар эди. Аммо бир куни кслиб бу чоратадбирлар ҳам фойда бермай қўйди. Эрта тонгда ўзини бир ишни назорат қилиш учун чиқиб кетаётгандек кўрсатган Зайд кечкурун уйига қайтмади. Сафийя ўғли Саид билан унинг орқасидан қон йиғлаб қолди.

\* \* \*

Зайд Ҳарам заминини тарк этгач, кунларча йўл юрди. Дуч келган жойда дин арбоблари ҳақида суриштириди, қўнглида ёнаётган дарди бедавога малҳам қидирарди. Ниҳоят, бир христиан руҳонийи унинг саволларига шундай жавоб берди:

- Сенга Исо алайҳиссаломнинг динига киришни тавсия этаман.
- Исонинг дини мени қониқтиrmайди.
- Нега?

—Чунки Ҳазрати Исо яккаю ёлғиз бир Оллоҳга иймон келтиришни буюар эдилар. Сизлар битта Оллоҳни учтага етказдингизлар. Оллоҳ бирдан ортиқ бўлса, учта бўлди нима, уч юзта бўлди нима?! Масалан, менинг ватанимдагилар уч юздан ортиқ илоҳ бор деб эътироф этадилар, ўшалардан қандай фарқларинг бор?

- Сен Исонинг биргина Оллоҳга сифинишни буюрганини қаердан биласан?
- Чунки Оллоҳ яккаю ягонадир. Ўзига шерик қўшишни амр этадиган кишини пайғамбарлик вазифасига тайинлаши мумкин эмас. Демак, бу — сизларнинг ишларингиз, яъни, уч илоҳ бордир, деб пайғамбар Исо эмас, сизлар айтасизлар. Биринки сония тўхтаб қолди, унинг гапларини диқкат билан, ҳайрат билан тинглаган руҳонийнинг кўзларига тик боқди:
- Мен эса, фақат яккаю ягона Оллоҳга ишонишни амр этувчи динни қидиряпман.
- У ҳолда сенга, иймон келтирсанг, хидоят топадиган бир дин ҳақида маълумот берайин.
- Қайси дин экан у?
- Иброҳим алайҳиссаломнинг динидир.
- У ҳолда менга унинг моҳиятини тушунтиурсанг.
- Тушунтира олмайман.
- Нега?

—Чунки у диннинг асл моҳиятини, ўзагини, мазмунини ўзим ҳам билмайман, биладиган бирон кишининг борлигига ҳам ишонмайман. Зайд у ердан намли кўзлар билан чикди. Яна йўлга тушди.

— Оллоҳим, сен шоҳид бўлгинки, мен Иброҳим пайғамбар динининг тарафдориман. Шу дин йўлида яшашни, шу дин йўлида ўлишни орзу қиласман, — дея йўл босди.

Шундан кейин оғироғир қадам ташлаб кетаётган туясининг устида ўтирган ҳолда Иброҳим пайғамбар танитган Оллоҳга сажда этиш мақсадида бошини туюнинг бўйнига эгди. «Оллоҳим, Оллоҳим, сенга қандай ибодат қилишни билолмаямсан», дея сўзланди.

Шом томонларда учратган бир роҳибга ўз ҳаётини гаиириб берди. Шунда роҳиб:

—Эй маккалик биродар, тушунишимча, сен Иброҳим пайғамбарнинг динини қидираётисан. Сен қидирган динни билувчининг ёки шу динга кирган бир кишининг борлигига кўзим етмайди. У яхудий эмас эди, христиан ҳам эмасди. Пок ва самимий бир эътиқод билан Оллоҳга топинишни буюрган пайғамбар эди. Яхудийлик ҳам, христианлик ҳам пайғамбар Иброҳимдан (с.а.в.) кейин келган динлардир. Иброҳим пайғамбар намоз ўқир, сажда қилар ва ибодатларида сенинг ватанингда қад кўтарган Байтга йўналар эди. Зоро, у Байтни ҳам ўзи Оллоҳнинг амрига мувоғиқ қурган эди. Сен ҳозироқ орқага қайт, ўз юрtingга бор. Чунки Оллоҳ сенинг қавмингдан, сенинг юрtingдан бўлган бир кишига вазифа берадики, у пайғамбар Иброҳим томонидан келтирилган ҳақиқий тавҳид ва ханифлар динини ўргатади. У Оллоҳнинг энг суюкли бандасидир. Зайд бундан ортиқ маълумотга эга бўлолмаслигига ишонч ҳосил қилиб, Маккага қайтди. У учрашган дин арбоблари берган энг сўнгги маълумот қидирганини ўз юритида топажагини кўрсатарди.

Юртига келди. Одамлар ҳамон бутларга сифинишар, ҳамон уларга қурбонликлар қилишар эди. Танишлари ундан:

— Нима қилдинг, нима бўлди? — деб сўрадилар.

— Варақа христианликни қабул этди. Аммо у дин менга тўғри келмади. Мен пайғамбар Иброҳимнинг динига эътиқод қўйдим, — деди.

— У нимага инонарди?

— Нимага инонганини билмайман. Лекин нимага инонган бўлса, мен ҳам шунга эътиқод қилтандек қабул қилишини Оллоҳдан тилайман.

\*\*\*

Бир куни Зайдни ушбу сўзларни пиҷирлаб юрганида кўриб қолдилар:

— Раббим, чин маънода сенинг амрингга тайёрман. Сенга қул бўлиб, бандалик қилиб буйруғингни бажаришни истайман. Хайрни хоҳлаган бандангман, мутакаб бир, муттаҳам эмасман. Оллоҳим, юзимни фақат сенга бурганман. Менга қандай муомала килсанг ҳам, барибир сенга илтижо қиласман. Зайд шу сўзларни айтиб бўлгач, ерга эгилди ва бошини саждага қўйди.

\*\*\*

Зайд шафқат ва марҳаматли бир киши эди. Айниқса, қиз болаларни тириклайн тупроқка кўмишларига чида бутларни туролмасди.

Бу ахмоқона ҳукмни бажаришга бел боғлаган бир отага шундай деган эди:

— Шу гўдакни менга бер. Ўз паноҳимда тарбиялаб, вояга етказаман.

Зайд шу йўсинда бу гўдакни ўлим чангалидан қутқарди. Йиллар ўтиб, ўша гўдак балоғатга етди, хуснига хусн қўшилди, гўзал қиз бўлди. Ўшанда қизнинг отасига шундай таклиф қилди:

— Хоҳласанг, кизингни ол. Хоҳласанг, яна менинг қарамоғимда қолаверсин.

Зайд шу йўл билан анчагина маъсум гўдакларнинг жонини омон сақлаб қолган эди.

\*\*\*

Хаттоб ўз укаси ва, айни пайтда, жияни ҳам бўлган Зайднинг бошқача одам бўлиб қайтганидан сира ҳам хушнуд эмас эди. Уни қўлидан ушлаб, бутларнинг қошига олиб борди.

— Кани, бир кўрай, Зайд, буларга сажда килгинчи, — деди.

Зайд бу таклифга асло рози бўла олмас эди. Зинхор уларга сажда қиласлик учун шунча пайт бегона юртларда қолиб кетган, юрагини ёндираётган оташни сўндириш учун қанчаданқанча чўлу биёбонларни ошиб ўтган эди. Юлдузлар чароғон этган осмон остида ёлғиз ўзи қанчаданқанча кечаларни мижжа қоқмай ўтказди, қанчаданқанча сафар заҳматларига юзида табассум билан бардош берди, «Оллоҳим, сени қидиряпман. Оллоҳим, сен пайғамбар Иброҳимга (а.с.) жўнатган динингни қидирмоқдаман», дея кўзёшларини оқизди. Энди Хаттоб тутул, бутун жаҳон одамлари қўшилишиб ҳам бу ночор маҳлукларнинг қошида уни бош эгишга мажбур этолмасдилар.

— Мен бутларга сажда қиласлик учун шунча пайтгача бегона юртларни кезиб юрдим, — деди.

— Хўш, уларнинг чиндан ҳам илоҳ эканликларига энди ишондингми?

— Йўқ. Улар асло ҳақиқий илоҳ эмасдирлар. Уларга тоатибодат қилиш одамларга ҳеч қандай наф келтирумайди. Улардан узоқ юриш ҳам хеч бир зарарга сабаб бўлмайди. Хаттоб ишнинг чўзилиб кетишини сира ҳам хоҳламасди. Феъли бунга йўл қўймасди. Масалани шартта ҳал этишга қарор берди. Зайдни роса калтаклагандан сўнг, энди бу тентакликка барҳам бериш пайти келди, дея уни ёлғиз қолдирди.

\* \* \*

Макканинг Жидда томонидаги Балдок деб аталувчи манзилида яшовчи Абдулмутталибининг невараси Мұхаммад ибн Абдуллоҳ Зайд ибн Амр билан ҳамфир эди. Зайд бутларга бош эгиш у ёқда турсин, улардан қаттиқ нафратланадиган Мұхаммад ибн Абдуллоҳни жуда яхши кўрар, унга ихлоси баланд эди. Аммо анча пайтдан буён ахтараётган буюк кишисининг ёнгинасида ўтириб, у билан биргалиқда сухбатлашаётгандан мутлақо бехабар эди. Фақат угина эмас, бу ҳақиқатдан у пайтлари Мұхаммад ибн Абдуллоҳнинг ўзи ҳам бехабар эди...

Олдиларига дастурхон келтириб ёйдилар. Гўштдан тайёрланган таом қўйилди. Бутларга қурбонлик мақсадида сўйилган молнинг гўшти эмас эди, албатта. Шундай бўлсада, Зайд унга қўлини ҳам теккизмади ва шундай деди:

—Мен на сизларнинг бутлар учун сўйган қурбонлик гўштингиздан ейман ва на Оллоҳдан бошқасининг исмини зикр этиб сўйилган мол гўштини. Молҳолни яратган Оллоҳдир. Унинг яшаши учун кўқдан сув юборган, ердан ўтўлан ўстириб қўйган ҳам Оллоҳдир. Шуни билатуриб ҳам Оллоҳга шак келтирасизлар.

\* \* \*

Бир қуни яхши одамлиги билан шуҳрат қозонган савдогар бўлмиш Абу Бақрнинг қизи Асмо Каъба ёнидан ўтиб кетаётган эди. У ерда бутларга сифиниш билан банд бўлганларга қарата шундай дея бошлади:

— Эй қурайшликлар, Худо ҳаққи, орангизда мендан бошқа пайғамбар Иброҳимнинг динига эътиқод қилган кимса йўқдир. Зинодан узоқ юринг. Чунки унинг оқибати фақирликдир. Оллоҳ учун сўйилмаган молнинг гўштини ҳам еманг. Кейин шундай мазмундаги байтларни ўқиди: «Мен юзимни залворлизалворли тоғларни, қояларни қўтариб турган шу ерни яратганга ўғирдим. Мен кўнглимни тотли сув юклари билан тўлибтошган булутларнинг эгасига топширдим. Шамоллар кимнинг амрига биноан у ёқданбу ёққа ва, аксинча, эсиб турган бўлса, мен ҳам ўшанинг йўлига кирдим, уига banda бўлдим».

Асмонинг бу ерда ортиқ туриши хавфли эди. Чунки у ердагилар Зайдга душман бўлиб, нафратдан ўзларини қўярга жой тополмаётгандардан эди. Жанжалтўполон бошланиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Хаттобнинг фикрича, Зайд тоза адабини еган, энди ақли кириб қолган бўлиши керак эди. Лекин, хайҳот, у ўз фикридан қайтмабди. Иброҳим динига содик қолибди. Қаерга борса, қаерда ўтиrsa, Иброҳимнинг динидан гап бошлар, бутларнинг оддий тошлардан иборат

эканлигини очиқойдин гапирап эди.

Хаттоб уни иккинчи марта тарбиялаш керак деган фикрга келди. У жуда бақувват эди. Чинор ниҳоли каби бир ўспирин бўлган ўғли Умарни ҳеч аямай дўппослаган пайтлари бўлиб турарди. Аммо Умар калтак еркан, отасига бўлган хурмати боис ломмим демасмиди ёки кучи етмаслигини билгани учун азобларга чидармиди — буниси бизга маълум эмас.

Чиндан ҳам жуда бақувват, жасур Хаттоб Зайдни олдига солиб, уйига олиб келди, иккинчи марта яна роса калтаклади. Бу калтаклардан сўнг навбат панднасиҳатлар, танбеҳу дўқпўисаларга келди. Бу ҳам кор қилмагач, яна калтаклади ва:

— Бундан буён Макка тупроғига қадамингни босмайсан. Чунки энди одам ўлмаслигинг равшан... — дея қувиб юборди.

Вазият жуда кескинлашган эди. Улим хавфи туғилди. Шунинг учун Зайд ватанини тарк этди. Аммо Маккадан узоқлашишни ўйламасди. Макка яқинидаги тоғу тошлардан, горлардан ианоҳ топди. Кўзёши тўкиб, ота<sup>1</sup>ПИН шеърлар ўқиб, ўзига тасалли бериб юрди. Дунёда қолган биргина орзуи яқинда келадиган сўнгги пайғамбарга етишиш, унинг оёғига қўнган чангларни кўзларига суртиш эканлигини қўкка термулатермула қайтақайта такрорларди.

Хаттоб Макка ёшлидан бир гурухини тўйнаб, Зайдни қаерда кўриб қолсалар, тошбўрон қилишга кўндиради. Зайд бирон хабар эшишиб қоларман, деган умидда ҳар келганида, ушбу безориларни учратар, улар отаётган тошларга нишон бўлар эди.

Бу иш бир неча бор такрорланди. Шундан кейин Зайд яна Шом томонларга бош олиб кетди. Йўл юриб борар экан, шу мазмундаги байтларни ўқир эди:

«Ҳодисалар ақл тарозисига солинса, мен бир Оллоҳга банда бўламанми ёки бир дона илоҳга? Мен Лотдан ҳам Уззодан воз кечдим. Жасоратли ва сабртоқатли киши аслида шундай қилиши керак. Мен на Уззони илоҳ деб тан оламан, на унинг икки қизини ва на Бани Амрнинг икки бутини зиёрат қиласман. Бизнинг биргина Роббимиз борки, мен фақат унга ияюнаман. Чунки эсхушим ҳали жойида...»

У Шомга бу гал янги дин қидириб бормади. Факат юрагида ёнаётган оташ алангасини пасайтиromoқчи эди, холос. У учратган бир роҳиб:

— Қаердан келяпсан, эй тужкаш, — деди.

— Иброҳим наслининг юритидан.

— Ҳўш, мақсадинг нима?

— Ҳақиқий динни қидиряпман.

— У ҳолда сен тезда ўз юрtingга қайт. У динни келтирадиган пайғамбар ё шу кунларда чиқди, ё чиқиш арафасидадир.

Зайд дарҳол қайтди. Нима бўлса бўлсин, Маккага киришга қатъий аҳд қиласди. Босган ҳар бир қадами уни тобора Ҳарам ҳудудига яқинлаштиради. Лекин Арзи Лахм деган жойга келганида, пешонасида совуқ терлар пайдо бўлди.

Атрофини нотаниш одамлар ўраб олган эдилар. Булар, эҳтимол, қароқчилар эди. Зайдни улар ҳам танимасдилар. Зайд улардан кутулиш учун ҳамма нарсасини беришга тайёр эди. Аммо бу одамларнинг уни қўйиб юборин<sup>1</sup> ниятлари йўқ эди. Ахийри Зайд оғир зарба еб, бу дунёдан абадий кўз юмди. Бу пайтда қурайшликлар бетўхтов равишда Каъбани таъмирлаш билан машғул эдилар.

\* \* \*

Унинг ўлимига йиғлаганлар орасида Варақа ибн Навфал ҳам бор эди. У Зайднинг шаънига шу байтларни ўқиди: «Эй Амрнинг ўғли, сен тўғри йўлни топдинг. Покиза ҳаёт кечирдинг, аёвсиз куйдирадиган жаҳаннам оташларидан узоқлашдинг. Бу сенинг яккаю ягона бўлган, тенги йўқ Оллоҳга ишонишинг ва бемаъни бутларга сифинишдан воз кечишинг туфайлидир. Баъзан инсон ернинг стмиш қават остида бўлса ҳам, Роббининг раҳмати етиб бораверади».

\* \* \*

Фижор урушининг қаҳрамонларидан бири сифатида бизга олдинги боблардан таниш бўлган Умайя ўғли Ҳарб бир сафар чоғида вафот этиб, йўлдошлари уни ўлим жойида дафн килган эдилар. Маккага келишгач, унинг ўлганлиги ҳақида хабар бердилар. У машъум хабарни эшигандар Ҳарбнинг қабри қаердалигини сўрадилар. Ораларидан шоиртабиат биттаси шундай жавоб берди:

*Ва қабру Ҳарбин би макоин кафр,  
Ва лайса қурба қабри Ҳдрбин қабр.*

Яъни: «Ҳарбнинг қабри сувсиз бир чўлдадир. Унинг қабри ёнида бошқа қабр йўқдир».

Шундай деб таърифлашга мажбур бўлган эдилар. Чунки қайтиб борсалар, каерга кўмғанларини кўмғанларнинг ўзлари ҳам топа олмасдилар.

Энди амавийларнинг етакчиси Ҳарбнинг ўғли Абу Сусрён бўлиб қолди. Маккада энг олди аслзода ўн киши бўлса, ўшаларнинг бири Абу Суфён эди, десак сира янглишмаймиз.

Каъба қайта қурилаётган кунларда Сакиф қабиласининг машхур шоири Умайя ибн Абу Солт Абу Суфён билан биргаликда Шом йўлида эди. Бир христианлар қишлоғида дам олиш учун тўхтадилар. Қишлоқдаги бир неча киши шоир Умайя ибн Абу Солтга ҳурмат кўрсатишиб, уни совғалар билан сийладилар. Ўзини меҳмонга чақирдилар. Умайя улар билан бирга кетди ва анчагача у ерда қолди. Қайтиб келгандан сўнг эгнидаги кийимларини ечди, қоикора бошқа бир лиbosга буркандида, Абу Суфёндан:

— Христиан олимларидан бири билан учрашишни истайсанми? — деб сўради.

Абу Суфён ҳеч иккиланмай жавоб берди:

— Йўқ.

— Нега?

— Чунки менга хуш ёқадиган гапни айтса, унга ишонмайман. Ёқмайдиган гап гапирса, жаҳлим чиқади. Умайя яна ёлғиз ўзи кетди. Қайтиб келганида, тун ярмидан оққан эди. Хурсанд эди, чўзилиб ётди. Тонг отди ҳамки, аммо Умаййанинг кўзларига сира уйқу келмади. Чехрасидан ҳорғинлиги шундайгина билиниб турарди. У индамас, Абу Суфён ҳам гапирмас эди. Нихоят, Умайя сукунатни бузди:

— Йўлга чиқмаймизми?

— Хоҳласанг, чиқаверамиз.

Сафар яна давом этди. Икки кун юрдилар. Умайя ҳамон гапирмас, хаёли нималар биландир банд эди. Учинчи куни:

Бирон нима десангчи, эй Абу Суфён! — деди.

— Хўш, ўзинг нега индамайсан, Умайя? Худо ҳаққи, хув авави оғайниларингни қишлоғига борганингдан кейин оғзингга талқон солиб, қулф уриб қўйганмисан, деб ўйлаган эдим. Ҳеч сени шу ахволда кўрган эмасман. Нималар бўлганини тушунтирсангчи?

— Менгаку, ҳеч нарса бўлгани йўқ. Мен факат ўша қайта тирилтирилишни ўйласам, кўркувга тушиб кетяпман.

— Қанақа қайта тирилишдан?

— Ўлгандан кейинги тирилиш ҳақида гапиряпман.

— Ўлгандан кейин қайта тирилиш тўғрисидаги фикринг чинми?

— Албатта, ўлишимиз муқаррар, сўнгра тирилишимиз ҳам.

— Менинг фикримга қўшилсанг, яхшироқ бўларди.

— Қанақа фикр экан?

— Ўлгандан сўнг қайта тирилмайсан. Ажр учун ҳам чақирилмайсан. Буни мени айтди деявер. Умайя аччиқаччиқ кулди:

— Менинг устимдан кулма, Абу Суфён. Қасам ичиб айтаманки, ҳар кимга ўлганидан

кейин қайта ҳаёт берилади. Ҳисобкитоб қилинади ва натижада одамларнинг бир қисми жаннатга, қолгани жаҳаннамга киради. Абу Суфён кинояли оҳангда сўради:

—Олим дўстинг фикрича, сенга жаннатдан жой тегадими ёки жаҳаннамдан?

— Бу ҳақда на дўстим билади ва на мен. Суҳбат шу билан тугади. Умайя Абу Суфённинг гап уқмас бефаросатлигидан куюнди. Абу Суфён ҳам қовоғини солиб олган дўстига кўз остидан кулимсираб қараб қўйди. Шомдан қайтаётганларида яна бир қишлоққа дуч келдилар. Умайя яна у ердан хаёли паришон бўлиб қайтди. Абу Суфён энди унинг нима ҳақда қайғураётганини билар, бирон янгилик бўлса, ўзи гап бошлар, деб ҳеч нарса тўғрисида сўрамас эди. Сукунатни яна Умайя бузди:

— Нима дейсан, ё Абу Суфён, шу, бир чеккароқ жойга ўтиб гаплашсак. Бир чеккага ўтдилар.

— Гапирсангчи, ё Абу Суфён?

— Нима тўғрисида? Сенинг эски сафсатанг тўғрисидами?

— Утба ибн Робия ҳақида гапир. У зулм, ҳақсизликдан узоқ юрадиган кишими?

—Ха, Худо ҳаққи, худди сен айтгандек адолатпарвар одам.

—Қариндошларининг хукуқини ҳимоя қилиб, қариндошуруғчиликка риоя этишни буюрадими?

—Ха, Робиянинг ўғли чиндан ҳам шунака.

— Отаси томонидан ҳам, онаси томонидан ҳам аслзода оиласданми?

— Бу ҳам тўғри.

— Курайшларнинг ичидан ундан шарафлироқ бошқа кишини биласанми?

—Йўқ, билмайман.

—Фақир ва муҳтоҷ бир кишими?

—Йўқ, жуда бойбадавлат одам.

—Ёши нечада?

—Анча катта.

Бундай саволжавобдан сўнг Умайя ғўлдиради:

— Молмулк ва ёш... Мана, Утбанинг иккита катта нуқсони.

Абу Суфён унинг нима демоқчилигини тушунмади.

— Бемаъни гапларни қўйгин. Ҳеч ҳам унақа эмас. Молмулк ва ёш Утбага фақат шоншараф келтирди. Умайя Абу Суфёнга ёвқараш қилди:

—Мен гапимни билиб гапираман. Менинг гапим айни ҳақиқатdir.

—Сен менга очиқ гапирмаяпсан, Умайя! Ниманидир яширяпсан. Қани, мақсадингни тушунтиричи! Умайя эътиroz билдири:

—Йўқ. Келажакда содир бўлажак ҳодисалар ҳали менинг сўзларимни ёдингга солади. Ўшанда гапларимнинг мағзини чақишига уриниб кўрарсан.

—Азизим, ахир, бирон нарсани ёрилиб гапирмасанг, ўшанда нимани эслайман?

— Ўша, хаёл pariшон ҳолатда қайтиб келганимни кўрганингда мен қишлоқда учрашган олимдан яқинда юбориладиган сўнгги пайғамбар ҳақида гапириб беришни илтимос қилган эдим. Орамизда шундай суҳбат ўтди: «У араб миллатига мансубдир», деди. «Азизим, араб бўлишини мен ҳам биламан. Қайси араблардан?» дея сўрадим. «Араблар ҳаж учун бориб зиёрат қиладиган Байт жойлашган шаҳардан». «Дарҳақиқат, бизда ҳам (Тоиф шаҳрида) араблар зиёрат қиладиган бир байт бор». «У Қурайш қабиласидан чиқади...» Шу тарзда бўлган воқеани сўзлаб бораётган Умайя қолган гапларни қўйидагича давом эттириди:

—Бошимдан қайноқ сув қуйиб юборилгандек бўлди. Умримда бу қадар кучли ҳаяжонга тушмаган эдим. Дунё ва охират саодатини қўлдан бой берганимга узилкесил ишонч ҳосил қилдим. Чунки бу сўнгти пайғамбарлик вазифаси менга берилишидан умидвор эдим. Шундан кейин:

«Хўш, унда бу Пайғамбарнинг сифатлари қанақа ва у ким ўзи?» деб сўрадим.

«Ўрта ёшларга етганда пайғамбарлик вазифаси бериладиган инсон. Зулмдан, ҳақсизликдан узоқ юради. Қариндошлиқ ҳақхуқуқлаглгай назорат қиласи. Шундай қилишни тавсия этади. Узи факир, аммо ҳам ота, ҳам она томонидан аслзодалар хонадонига мансуб. Халқ орасида обрўэътиборга сазовор. Ёрдамчилари кўпинча фаришталардир», деб жавоб қилди.

— Умайя, сенинг бу гапларинг ғирт уйдирма ривоятлардан бошқа нарсалар эмас. Агар Оллоҳ иайғамбар юборадиган бўлса, хеч шубҳа қилма, ёши улуғ ва шарафли кишини танлайди.

## УКОЗ БОЗОРИ

Указ араблар кўп йиллардан бери савдосотик қиласидан энг катта ва марказий бозор эди. Бу ерда олдисотдининг ҳар хил турини учратиш мумкин эди. Узокузоқ манзиллардан чиқиб, бепоён чўллар оша йўл босган карвонлар бир томони Шом, иккинчи томони Яманнинг кўпгина шаҳар ва қасабаларидан келтирилган молларини шу ерга туширадар эдилар. Шом билан Яман орасида чўзилиб кетган юзларча чақириб масофа Укоздан ҳам катта ва машҳурроқ бирор бозорни билмасди. Бу қадар гавжум, харидори бунчалик кўп бозорни юз йиллар бўйи араб миллати кўрмаган.

Бир томонда озиқовқат ва кийимкечаклар, иккинчи томонда аёлу эркақ, болалардан иборат куллар ўз харидорларини пойлар эдилар. Яна бир томонда эса, мол бозори жойлашган эди.

Шу орада ҳар тарафда дошқозонлар қайнар, келибкетувчиларга овқатлар тортилар эди. Махсус вазифа берилган кишилар эса:

— Ейишга овқат, ётишга бошпанаси йўқлар, қарзини тўлашга пули бўлмаганлар, бу ёққа келинг... Душманидан қўрқканлар, бу ёққа келинг. Озодлигини сақлаб қолишга пул тополмаганлар, бу ёққа, фалон кишининг ёнига келинг... — деб бақирибчақириб юардилар. Шоирлар шеърларини ўқир, нотиқлар баланд жойларга ёки бирор түяning устига чиқиб нутқ сўзлар эдилар. Хадичанинг молларини бозорга олиб келган Буюк Амин Абул Қосим Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ҳам бу йил Указ бозорида савдосотик қиласиди. Бозор майдонининг ўртасида қизил түяning устига чиқиб олиб ҳалққа қаратса хитоб этаётган бир қариянинг сўзларини охиригача диққат билан тинглади. Бу киши Ийад қабиласига мансуб машҳур Қусс ибн Соида эди. У араб қабилалари орасида чиройли нутқи билан шуҳрат қозонган эди. Қария араб адабиёти учун ажойиб бир намуна бўла оладиган нутқини шундай тарзда бошлади:

— Эй одамлар, эшитмадим деманглар, эшитганлар дармонда, эшитмаганлар армонда. Бир нарсани ўргандингизми, ундан фойдаланишни ҳам билинг. Шубҳа йўқки, яшаган ўлади, ўлгач, номи ўчади. Келажакда тақдирда нима бўлса, албатта, ўша юз беради. Ёмғир ва ўсимликлар... Озиқовқат ва нознеъматлар... Оталар, оналар, жамоалар ва яккаёлғиз кишилар... Ибрат берувчи далиллар, сўнгра яна далиллар...

Кўкда хабар бор, ерда эса, ибрат. Коронги кеча буржлари билангина биргалиқда мовий, дунё водийлари билан дунё, денгизлар тўлқинлари билан денгизлардир... Менга нималар бўлаётир ўзи? Одамларнинг кетаётганини кўрятман, ҳолбуки, бу одамлар бошқа қайтмаётирлар. У жойда қолишга рози бўлиб, ўша жойда қолдиларми ёки қолдирилдилару уйқуга толдиларми?.. Қусс ҳақиқий бир қасам билан, тўғри йўлдан тоймай, гуноҳ ишларга яқинлашмай соғ юрак билан онт ичадики, Оллоҳнинг шундай дини борки, у дин сизнинг ҳозирги динингиздан ғоят мукаммаллиги, севимли ва ҳақиқийлиги билан ҳақ диндир. Бир пайғамбари бордирки, энди унинг замони яқин, сояси устингизда юрибди. Унга етишган ва иймон келтирган, йўлидан юриб ҳидоятга етишганлар нақадар баҳтли бўладилар. Унга қарши чиқкан ва исён қўттарганларнинг эса, ҳолига вой... Faflatda қолганлар, кечмиш асрлар ва ўша асрларда яшаган умматлар ҳалок бўлдилар. Эй Ийад аҳли, қани, қаерда оталар ва боболар? Қаерда қамчисидан қон томган, шиддатидан оёғи остидаги ер ларзага келган ўша фиръавнлар? Қаерда

муҳташам биноларни бунёд этиб, тиллаю кумуш билан безатганлар? Қани мол-дунё, авлодаждодлар қани? Ўзидан кетиб қутурган, ўлартириларига қарамай бойлик тўплаган, мен сизнинг энг буюк Роббингизман, деган Намруд қаерда, қани? Улар сизлардан кўра бойроқ эмасмидилар? Улар қаерда, қани? Улар сиздан кўра, кўироқ умр кечирдиларми? Дунё тегирмони уларни ҳам тошларнинг остига олиб босибянчиб ташламадими? Энди уларнинг чириган сүяклари ва бўмбўш бўлиб қолган гўшаларигина қолдики, у ерларни куртқумурскалар жонлантиrmокда... Йўқ, иш сизлар ўйлаганингиздек, осон ва оддий эмас, асло! Яккаю ягона Оллоҳ бор, ибодатга муносиб зоти Олий Удир. Туғмаган, туғилмаган.. ўлмайдиган... боқий ва чексиз қудрат соҳибидир У... Утмиш авлодларимиз ҳаётига чуқур назар солсак, кўплаб ибратли мисолларни топишимиш мумкин. Ўлимга олиб борувчи ва муқаррар бўлган йўлларни кўрганимда, қавмимнинг ёшмиқарими, каттамикичичими, ҳаммаси вақтисоати билан шу йўлга киришини муигаҳада этганимда, кетганларнинг орқага қайтмаганини ва колганлар ҳам боқий умр кечирмаслигини тушунганимда, шунга қатъий ишонч ҳосил қилдимки, бандаларининг бошига келадиган ўлим менинг бошимга ҳам келади...

Қусс ибн Соида гапларини тугатди. Афсусли томони шундаки, «Оллоҳнинг бир иайғамбари бордир, замони жуда яқинлашиб қолди», дер экан, уни тинглаётганлар орасида ўша шонли Набийнинг, оламларга раҳмат бўлажак ўша Буюк Расулнинг борлигидан, ҳамма катори, у ҳам бехабар эди. Ҳатто яқин йиллар ичida вазифа олиши азалий тақдир зарурати бўлган Буюк Пайғамбарнинг ўзи ҳам...

Ўша бозорда савдосотиқ қилган ўттиз олти ўттиз саккиз ёшлардаги Ал-Амин Қусс ибн Соида тилга олган ҳақиқатлар хақида кейин ҳам теззез ўйларди. Инсонлар том маънода тушкунлик ботқогига тобора чуқурроқ ботиб бораётган эдилар. Бу аянчли ҳаёт тарзи ўзининг бориёклигидан ҳам бехабар жонсиз тошларни ибодатга лойиқ маъбуд деб ишониш асосига курилган эди.

Арзимайдиган бир баҳона ҳам катта жанжалнинг чиқишига сабаб бўларди. Гўдаклик чоғида тириклайн тупроққа кўмилган қизларни кўрганди. Бу чиркин, ваҳшиёна одат тобора кенг тарқалмоқда. Шароб ҳар қандай зиёфатнинг доимий неъматига айланган. Ичмайдиганлар бармоқ билан саноқли даражада кам. Оллоҳнинг яратган шифобахш неъматлари хисобланмиш хурмо, узум сингари мевалардан ҳаром ичқилик тайёрланар ва уни истеъмол қилганлар ихтиёрий жинниликка берилар эдилар. Одамлар худди ҳайвонлардек бозорларда сотилар, сўнгра сотиб олинганлар томонидан ҳайвонлардек ишлатилар эди. Бу бечора қулларнинг ҳам ўzlари сингари бир инсои эканликлари ҳақида ўйламасдилар.

Баъзан бу аҳмоқона одатларга қарши чиққан кишилар учраб туради. бироқ улар ҳалқнинг дардига дармон бўлишга қодир эмас эдилар. Ҳотами Тойийнинг шон ва шараф даъвоида қилган, кейинчалик тилларда достон бўлган сахийлиги; Зайд ибн Амрнинг ўлдирилаётган гўдаклардан бир нечасининг ҳаётини сақлаб қолиши; Абу Бакрнинг инсонлик шарафига номуносиб, дея бутга сифинмаслиги, шароб ичмаслиги ва зинодан узоқ юриши; Қусс ибн Соиданинг Укозда келишига оз қолган бир пайғамбар ҳақида маълумот бериши... Булар бутун бир миллатни, инсониятни жаҳолатдан халос этиш учун етарли эмас эди. Булар жўшқин оқар дарёнинг юзидағи қўпиклар янглиғ гап эди, холос. Бутун шиддати билан кутириб оқаётган бу жаҳолат дарёсини муazzам бир тўғон ёрдамидагина тўхтатиш мумкин эди. Бу эса, Оллоҳнинг кўмагига муносиб бир Пайғамбаргина қодир бўлган иш эди.

\* \* \*

Муҳаммад Ал-Амин ҳаётининг ўттиз тўққиз йилу олти ойини яшаб бўлди. Машаққатли ҳаёт сўқмокларидан шу кунгача етиб келди. Туғилмай туриб отасидан, олти ёшида онасидан, саккиз ёшида бобосидан жудо бўлишнинг аччиқ аламларини тортган, Абу Толибининг уйида йигирма беш ёшга тўлгунга қадар фақирона ҳаёт кечирган, шундан кейин Хадичага уйланиб, бекиёс бойлик, мол-дунёни идора қила бошлаган эди.

Ўқиши, ёзиши билмасди. Бу соҳада ҳеч кимдан сабоқ олмаган эди. Яхши тарбия олиш учун биронбир устоз ҳузурига жўнатилмаган эди ҳам. Аслида, бунга имконият ҳам йўқ эди, зарурат ҳам. Чунки ҳар жиҳатдан ҳавас қилса арзигудек одоб, хулқатвор эгаси бўлиб етишган, ҳеч кимнинг унга одоб муаллими бўлишига ҳожат йўқ эди. Ёнатрофда унинг барча фазилатларига гувоҳ бўлган, дуч келган кишиига лақаб берадиган ҳалқ унга ҳам узоқ синовлардан сўнг «Ал-Амин» лақабини муносиб кўрган эди.

Уни «Ал-Амин» деб атай бошлаганларидан бери анча йиллар ўтиб кетди. Ҳеч ким уни бу лақабга нолойик деб билмасди, ҳатто шундай деб ўйламасдилар ҳам. Ҳеч ким, бу лақабни унга бериб янгишган эканмиз, демади.

## ИНТИЗОР КУТИЛГАН ТОНГ

Мухаммад ибн Абдуллоҳ бир куни ёлғиз ўзи шаҳарнинг чеккасида сайр қилиб юрган эди.

— Салом сенга, эй Оллоҳнинг Расули!.. — деган сас келди.

Чапга, ўнгга қайрилиб қаради. Ҳеч ким йўқ. Овоз эса, яқиндан келган эди. Эшитилгандек бўлиши мумкин эмас.

— Ассалому алайка, ё Расулуллоҳ!..

Иккинчи марта яна шу овозни эшитди. Яна ён атрофига аланглади. Ҳеч ким йўқ. Бирон жойга яшириниб чакирияптими, деса, ундай жой ҳам эмас эди бу ер.

— Салом бўлсин сенга, эй Оллоҳнинг пайғамбари!.. Учинчи марта эшитганда, овозни ҳам, овоз келган жойни ҳам аниқлади: бу овоз бир тошдан чиқаётган эди. Ал-Амин у ердан узоқлашди.

Оллоҳнинг Расули нима дегани? Кимга қаратилган овоз эди бу? Бунинг маъноси нима эди?

\* \* \*

Энди Ал-Амин ғалати тушлар кўра бошлади. Бу тушларнинг ўзига хос хусусияти шунда эдики, айни тарзда ўнгидаги ҳам рўй берарди. Қолаверса, у бундай тушларни бирикки мартагина эмас, олти ой давомида муттасил кўрди. Аҳвол шу даражага етдики, кундузи содир бўлган бир воқеанинг оқибати қандай бўлишини ўша кечаси кўрган туши ёрдамида гапириб бериши мумкин эди. Чунки бу рўёлар қуёш сингари мусаффо, ёруғ тушлар эди. Тафсилотлари бизга коронги бўлган бу тушлар бошланганидан бери беш ойдан кўпроқ вақт ўтган, рамазон ойи яқинлашашётган эди. Энди Буюк Аминнинг юрагида қандайдир ёлғизликка интилиш ҳисси пайдо бўлди ва бу интилиш тобора кучайганданкучайди. Кўчада, бозорда, ҳатто уйида ҳам ҳеч тинчий олмасди, ўта безовта бўлиб қолди. Кимсасиз, танҳо ўзи қоладиган жойларга интиларди. Ҳалқ орасида ҳам унинг дилини оғритган, таъбини хира қилган одам бўлмади.

Уйида эса бирон келишмовчилик бўлиши мумкин эмасди. Хотини Хадича, қизлари Руқайя, Зайнаб ва Умму Гулсум, боқиб олган ўғли Зайд ва ўз панохида вояга етказган Алидан шикояти йўқ эди. Қолаверса, қизлари Руқайя билан Умму Гулсумни амакиси Абу Лаҳабнинг икки ўғлига, Зайнабни эса, Хадичанинг синглисининг ўғли Абул Осга унаштириб кўйган эдилар. Рўзгордан камчилиги йўқ эди. Шундай бўлса ҳам, ичичидан ёлғизликка кучли интилиш ҳиссини туяр ва бу ҳисни ҳеч енга олмасди. Рамазон ойи бошланган кунларда бу туйғу унга бутунлай тинчлик бермай кўйди.

Аслида, бир неча йиллардан буён Рамазон ойи бошланганида Макка ҳалқидан баъзи кишилар каби у ҳам Ҳиро тоғига чиқиб танҳо қолишни, у ерда бир ой яшаб, ўтганкетгандарга меҳмондўстлик қилишни, одамларнинг жоҳилликларидан узоқ бўлишни одат тусига киритган эди. Маккага қайтгач, аввал Каъбани тавоф этар, сўнгра уйи томон йўл оларди. Бу йил ҳам рамазон ойини ўша ерда ўтказмоқчи бўлди. Бу истаги шу қадар кучли эдики, агар кетмаса, бирор уни зўрлаб олиб борадигандек ҳис этар эди ўзини.

Қалбидан кечаётган ҳистуйғуларни энг яқин кишиси, уни ҳаммадан кўра яхшироқ

тушунадиган умр йўлдошига очди. Ҳадича унинг фикрига тамомила қўшилди. Шундан кийин Муҳаммадга озиқовқат, егулик нарсалар тайёрлади. Ал-Амин ўз ортидан унга бутун борлиғи билан мафтун бўлган хотини, қизлари, Зайд ва Алининг:

— Хайр, кўришгунча хайр! Бизни у ерда эслаб тур, отажон... — деган овозларини эшитаэшига, уйидан узоклашди.

\* \* \*

Ҳадича Муҳаммад билан турмуш қурган кундан бери уни фазилат йўлида тобора камолот чўқиси сари илгарилаётган ҳолда кўрар, доимо севибардоқлар, у билан оила қурганига сира ҳам пушаймонлик туймас эди. Ҳадичада унга нисбатан чексиз ишонч туйғуси бор эди. Сўнгги пайтларда бир тошнинг унга: «Салом сенга, эй Оллоҳнинг Расули!..» деганини айтганида: «Ёлғон гапираётирсан, ахир, тош ҳам гапирадими? Тошнинг гаиирганини ким эшитган экан?» деб эътиroz билдирмади. Ёки: «Эҳтиёт бўл, бу тағин жину шайтонларнинг иши бўлмасин?!» демади, аксинча, бу гапларни эшитиб, ич-ичидан қувонди, кўнглида яқин орада бу ғалати ҳодисаларнинг ҳаммаси ойдинлашса керак, деган фикр пайдо бўлди.

Бу дафъа ундаги ёлғизлиқка интилиш ҳиссини ҳам яна яхшиликка йўйди, маънавий оламдан узатилган бир қўлнинг ўзига чорлаётганига ишончи комил эди.

\* \* \*

Муҳаммад бирор соат йўл юргач, Ҳиро тоғига яқинлашди. Энди юқорига кўтарилиши керак эди. Тошларга тирмашди. Худди олдинда бирор чақираётгандек баландликка кўтарилиарди. Ниҳоят, бир горнинг оғзига етиб борганида:

— Шу ғорда қолавер... — дегандек бир овоз ичиidan келиб, қулоклари остида янгради. Энди унда яна баландроққа чиқиши истаги қолмаган эди.

У ўзини гўё илоҳий бир оламдан идора этилаётган қўллар тортибтортиб, айнан мана шу ғор оғзига олиб чиқкан каби ҳис қилди.

Муҳаммад ғорга яхпилаб ўрнашиб олди.

\* \* \*

Орадан кунлар ўтди.

Ҳадича бир куни қаршисида Муҳаммад Ал-Аминни кўриб бениҳоя севинди. У егулиги тугаганлиги туфайли уйига келган эди. Тез фурсатда озиқовқат тайёрланди. Яна уйидан чиқди. Каъбани тавоғ этгач, ўзига маскан тутган ғорга қараб жўнади.

Тақдир уни ҳар томондан қуршаб олиб, кузатиб тургандек эди. На Маккада туришига йўл қўяр, на бошқа бирор ғорга жойлашишига ижозат берарди.

Муҳаммад яна ўша ғорга жойлашди.

Ал-Амин ғорда нима қиласар эди?

Бу нарса тарихларнинг тубсиз теранликларида пинҳон колган бир сирдир.

Ўқишёзишни билмаган, ёнида сухбатдоши йўқ, муайян динни қабул қилмаган ва унга ибодат этиш билан банд бўлмаган одам ғорда нима иш қилиши мумкин эди? Муҳаммад ҳатто кейинлари ҳам у ерда вақтини қандай ўтказгани ҳақида ҳеч гапирмаган эди.

Эҳтимол, буюк Амин фаришталар оламидаги қатъий қарорга биноан илоҳий ҳукм билан одамлардан узоклаштирилгандир. У ерда эртанги куннинг ягона ва буюк ҳалоскори бўлиши учун зарур қуввайи маънавийя секин-секин руҳига сингдирилди. Аммо у ўзида фақат инсонлардан узоклашишга кучли эҳтиёж сезди, ғорда бунинг лаззатини, сурурини, роҳатини ҳис этди.

Муҳаммад Ҳиро тоғларининг тик қоялари орасида жойлашган бу ғордан залолатнинг кутурган селларига ва жаҳолатнинг шиддатли бўронларига асира бўлган одамларнинг кутсиз, ирганч ҳаётлари туфайли файзини йўқотган муборак шаҳарни узоқдан кузатди. Овқати тугагандагина Маккага тушиб, тезгина егулик озигини ғамлаб, яна руҳиятини ардоқлаётган ғор томон йўл оларди. Рамазон ойининг йигирма олти куни ўтган, тун чўккан эди. Ўша кеча ҳам

жуда оддий, фақирона солинган ўрнига ётди. Ҳар кечадаги сингари уйқуга кетди. Эрта тонгда уйғонди. Янада түғрироғи, ғалати тарзда кимдир томонидан уйғотилди. Қайтиб ухлай олмади. Орадан бирмунча вақт ўтди, тўсатдан ғорда умрида хеч кўрмаган бир хилқат пайдо бўлди. Бу туш эмас, ўнги эди. Оллоҳнинг маҳсус вазифа билан жўнатилган вахий фариштаси Жаброил эди у.

Фаришта Ал-Амин Муҳаммадга:

— Ўқи!.. — деди.

У хаяжон ичида жавоб берди:

— Мен ўқиши билмайман.

Фаришта Ал-Аминни ушлаб, қаттиқ силкитди. Бу ундаи сиқар эдики, Буюк Амин суякларининг қисирлаганини ҳис этди. Сўнгра, қўйиб юборди ва яна:

— Ўқи!.. — деб буюорди.

— Мен умримда ўқиган инсон эмасман.

Фаришта яна уни ёқасидан маҳкам тутди, яна сиқиб, бўға бошлади. Шу даражада қаттиқ сиқар, азоб берар эдики, Буюклар Буёги кучининг қолмагани, дармони кетганини сезди. Бир инсоннинг бунчалик азобга чидаши мўъжиза эди. Яна қўйиб юборди, яна буйругини такрорлади:

— Ўқи!..

— Мен ўқиган одам эмасман.

Бошқача жавоб бериши ҳам мумкин эмас эди. Шу кунгача ўқиши ўрганмаган эди. Нима ўқиши лозимлигини ҳам билмасди. Фаришта уни учинчи марта тутиб, сиққанда Ал-Амин бутунлай ҳолдан тойди, энди бу дунёдан умидини батамом узди, тақдирга тан берди.

Бу дафъа фаришта беш оятдан иборат илк ваҳийни Муҳаммаднинг хотирасидан сира ҳам ўчмайдиган қилиб рухи ва онгига сингдирди:

«Яратган зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан ўқинг! У инсонни лахта қондан яратган. Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз қаламни (яъни, ёзиши) ўргатган ўта карамли зотдир. У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди» (Қуръони Карим, Алақ сураси, 1—Боятлар). Шундан кейин фаришта ғойиб бўлди.

Буюк Амин умрида кўрмаган, учратмаган, эшитмаган, хаёлига ҳам келмаган ғаройиб ходиса қархисида ўзини йўқотиб қўйган, қаттиқ ларзага тушган эди. Ўқиши ўти билмайдиган одамга қайтақайта «Ўқи!» деб буюрилиши, ўқиши билмаслигини айтди, дегунча, қийинқистокқа олинишининг боиси нимада эди? Нима учун фаришта ваҳий этилган бу беш оятни дарҳол баён қила қолмади?

Бу хилқатнинг ёмон ниятда келмагани аник эди. Чунки у беҳад кучкудратга эга эди. Ўзининг гавдаси, савлатига қараганда, анча кучли бўлган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ҳам ҳатто унинг қархисида «Мен ўқиган инсон эмасман», дейиш билангина чекланди, уни қаттиқ тутиб, қийнаган, ёқасидан олиб, сиққанда ҳам қаршилик кўрсатмади «Нима қиляпсан, ўзи?» дея олмади, учинчи марта қийнаганида:

— Етар энди, ҳаддингдан ошма!.. — деб юбормади.

Энди горни тарқ этиб, уйига қайтиш ҳисси унинг бутун вужудини чулғаб олди. Жуда қаттиқ қўрқувга тушган, эсҳушидан айрилаётган эди. Ғордан чиққан пайтида осмон шафақлана бошлаган эди. Ҳавода сахар вақтининг саринлиги бор эди.

Кечқурун Муҳаммад ибн Абдуллоҳ тарзида кирган гордан у тонг сахарда Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи вассаллам) бўлиб чиққан эди. Ер юзини сўнгги марта шарафла безайдиган Буюк Пайғамбар билан самовот орасида бундан буён йигирма уч йил давом этадиган мулоқот Ҳиро тоғидаги ушбу муаззам маросимдан бошланган: илк ваҳий қалби пок Муҳаммадга Жаброили Амин ёрдамида туширилган, онгига нақш этилган эди.

Бир оздан кейин қуёш бутун ҳашамати билан чарақлаб чиқиши керак. Коинот

яратилгандан бери ҳали бирон куннинг тонгида қуёш шу даражада хайрли, бу даражада кутлуг хабар билан чиқмагандир! Аммо асл маънавий қуёш Хиро тоғининг тик қоялари орасидаги ғорда порлаган, бутун коинотни қамраб олажак раҳмат тимсоли, ҳидоятнинг энг буюк ва сўнгги йўлбошчиси, Оллоҳнинг энг шарафли, энг суюкли, энг Буюк Пайғамбари ўлароқ қоялар орасидан секинаста пастга эниб келарди. Бутун борлигини қамраб олган ва ларзага солган бу муаззам ҳодиса туғилган ҳаяжон ҳали ҳам босилмаган эди. Қалбида эса, унга ўқишни буюрган ўша қудратли хилқат ваҳий этган сўзлар такрорланарди:

— Яратган зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан ўқинг!..

Қоялардан пастга тушиб, текис йўлдан юриб кетди. Макка томонга бурилди. Уйига келгунга қадар ғорда бўлган воқеа кўз олдидан кетмади. Фаришта ўқиган оятлар бутун ўйхаёлини банд этган эди. Ҳаёли шу қадар банд эдики, ҳатто сўнгги пайтларда доим салом берадиган бўлиб қолган тошнинг саломига ҳам диққати чалғимади.

\* \* \*

Хадича хоним қуёш эндигина чараклаб чиққанда тўсатдан уйга кириб келган эрининг юзида ғалати ўзгариш кўрди. Бу муборак чехра ҳали ғорда юз берган воқеадан ўзига келиб улгурмаган, хиёл титрар эди.

— Менинг устимни ёпинг, тезроқ ёпинг, — деди Муҳаммад.

Устига кўрпа ёпилди. Анчагача шундай ётди. Бир оз тинчлангач, бўлган воқеани Хадичага гаиириб берди.

— Жуда ҳам қўрқиб кетдим, — дея сўзларини тугатди.

Ақли расо аёл бўлмиш Хадича кўпдан буён кутаётган хушхабар келганини англади. Бу воқеа оддий воқеалардан эмасди. Инсонларни залолатдан ҳидоятга бошлайдиган Пайғамбарга илк оятларнинг нозил қилиниши, албатта, шу қадар ваҳимали бўлиши керак эди. Хадича сира ҳам иккиланмади. Пайғамбарнинг, қолаверса, оламларга раҳмат бўлмоқ мақсадида вазифа олган энг Буюк Пайғамбарнинг умр йўлдошига муносиб бир виқор, ишонч ва қатъият билан:

— Калло... валлоҳи ла йуҳзи каллаҳу абада... — деди.

«Йўқ, Оллоҳ сени асло, ҳеч вақт ўз ҳолингга ташлаб қўймайди. Чунки сен ҳар доим қариндошларига ғамхўр, мусофиirlарга меҳмондўст, ожизларга ёрдамини аямаган, фақирларни тўйдириб, фалокатга учраганларга мадад қўлини чўзиб келган буюк инсонсан», дегани эди бу.

Шундан кейин Хадича Муҳаммаднинг (с.а.в.) қўлидан тутиб, амакивачаси Варақа ибн Навфалнинг хузурига олиб борди.

— Тингла, амакимнинг ўғли, — деди Хадича. Варақа Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) сўзларини зўр диққат ва ҳаяжон билан тинглади. Буюк Пайғамбар сўзларини тугатганида, ортиқ ҳаяжонини босиб тура олмади:

— Қуддус... Қуддус... — дея бақириб юборди. — Бу кўрганинг Буюк Оллоҳнинг Мусога (а.с.) юборган Рухул Қуддуси, Номуси Акбариdir (Булар Жаброил алайҳиссаломнинг бошқача номлари). Кейин бирдан Варақа ўзининг анча қариб қолганини эслаб қолди. Кўпдан бери дин арбоблари, диний китоблар келиш замони жуда яқинлашиб қолганидан хабар берган пайғамбарга ниҳоят етишган эди. Аммо энди унинг ёши анча улуғ, бир оёғи ерда бўлса, бир оёғи гўр лабида эди. Бир пайтлар Сирф қавми сингари тушкунликка тушмаслик, улар сингари бутларнинг қулига айланмаслик учун ватанини тарқ этган, неchanечча ҳафталақ йўл юрган, диндор кишилар билан учрашган, ҳақиқатга етишиш йўлида қанчаданқанча заҳматлар чеккан эди. Сўнгра христианликни қабул қилган, бироқ яқин орада келажак пайғамбар ҳақида шахсан ўзи китоблардан маълумотлар тўплаб, унинг йўлига интизор кўз тутган эди.

Мана, энди унинг уйида пайғамбарликнинг дастлабки зиёлари таралган саодатли дамларда Варақанинг ҳаёт шамчироғи сўнаётган эди. У оғир хўрсиниб қўйгач, сўзларини шундай тарзда давом эттириди:

— Қанийди, ҳалқни янги динга даъват қиласидиган кунларингда ёшгина йигит бўлсам.

Қавминг сени юртингдан ҳайдаб чиқарган пайтда соғсаломат бўлсам...

— Улар мени ҳайдайдиларми?

— Ҳа. Чунки одамларни сен каби бирор динга даъват қилган пайғамбарларнинг ҳаммаси душманликка учраганлари тарихдан маълумдир. Агар ўша кунларгача яшасам, сенга кучим етганича ёрдам бераман.

Варақа қаттиқ ҳаяжонланган, қайтақайта: — Субҳаноллоҳ... Субҳаноллоҳ. Бу Мусога туширилган Номуудир, Жаброилдир, — дер эди.

\*\*\*

Неча йиллардан буён орзиқиб кутилган хушхабарга етишиш кувончи таъсирида Хадичанинг руҳи алғовдалғов бўлган, қалбидаги бу тўнтаришни оддий сўзлар билан ифода этиш қийин эди. Оллоҳнинг энг суюкли бандаси, энг буюк ва энг сўнгги Расулининг умр йўлдоши бўлишдек улкан саодат тожи ўзининг бошига кийдирилганини ўйлаганда, кўзларида севинч ёшлари порлар, бундай армоннинг ушалишидан туғилган ҳистуйгулар юзида нурдек балқиб тажалли этар эди.

Шу кунга қадар яшаган ҳеч бир аёл Хадича ноил бўлган шараф ва саодатга эришмагани, бундан кейин ҳам эришмаяжагига ишончи комил эди.

\*\*\*

Ҳиро ғоридаги буюк воқеадан кейин масала ёпдиёиди бўлгандек эди. Орадан кунлар ўтса ҳам, у фаришта бошқа кўринмади. Бир, икки, уч, беш, ўн беш, йигирма кунча вақт ўтди ҳамки, Жаброилдан дарак йўқ эди. Шундан кейин Мухаммаднинг юраги сиқила бошлади, яна Ҳиро ғорига борадиган бўлди, аммо у ерда фариштани ҳеч учрата олмасди. Баъзан юрак сиқилиши сўнгги, авж нуқтасига этар ва Мухаммад тушкунликка берила бошларди, баъзан эса, умидсизлик ҳисси шу даражага етардики, у тоғнинг тепасигача тирмасиб чиқиб, ўша ердан ўзини пастга ташлаб юборишга ҳам тайёр бўларди. Аммо ўша онда кўз олдида фариштанинг қиёфаси пайдо бўлиб:

— Ё Мухаммад, ҳеч шубҳасиз, сен Оллоҳнинг расулисан, — дерди.

Бу унинг юрагида ёнаётган оташ алансини пасайтирас эди. Гоҳо ёлғиз кезиб юрган пайтларида баъзи тош ва дараҳтлар:

— Салом сенга, эй Оллоҳнинг расули! — дердилар.

\*\*\*

Хадича илк бор келган фариштанинг яна ташриф буюргани ҳақидаги хушхабарни зўр ҳаяжон ва интизорлик билан кутар, эри ҳар гал тоғдан қайтганида бирон янгилик бормикан, деган умидда унинг юзига тикилар эди. Аммо Хадича хоним ўта сабртоқатли, матонатли аёл зди, масала шу ҳолича қолиб кетмаслигига, эрта тонгда күёшнинг албатта балқишига ишонарди.

\*\*\*

Буюк Пайғамбарнинг юрак сиқилишлари, навбатдаги илоҳий учрашувни орзиқиб кутишлари неча кун ёки неча ой давом этганини биз аниқ билмаймиз. Ҳар ҳолда, бу кутиш иккиуч йилгача чўзилиб кетмагани ҳам, ёки бир ҳафта, ўн кунгина давом этмагани ҳам аниқ. Бу узилишнинг сабаби Буюк Пайғамбарни янаги ваҳийни кутиб олиш учун лозим даражада интиқ қилиш, уни кутиб олишга тайёрлаш мақсади бўлса керак...

Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) бир ойча яшаганидан кейин Ҳиро тоғидан одатдагидек Маккага қайтастган эди, Батни Водийга етиб келганида бирдан:

— Ё Мухаммад!.. Ё Мухаммад!.. деб чақирган бир овозни эшилди. Бенихоя баланд, кўрқинчли бир овоз эди бу. Чапга, ўнгга қаради. Ҳеч ким кўринмади.

— Ё Мухаммад!.. Ё Мухаммад!..

Расулуллоҳ (с.а.в.) бошини кўтарди. Бутун вужуди титраб кетди. Юрагига ғулғула тушди, кўркувдан чўккалаб ўтириб қолди. Бу Ҳирода келган фаришта эди. Бутун уфқни тўсиб қўйган, таърифи сўзга сифмайдиган баҳайбат бир мавжудот қиёфасида намоён бўлиб турар эди.

Мұхаммад (а.с.) тезтез юриб, у жойдан узоқлашды, уйига келди. Ҳамон дағдағ титрарди.

— Менинг устимни ёпинглар, ўраб қўйинглар, —деди. Юзқўлини ювдирдилар. Сўнгра ётқизиб, устини ёпиб қўйдилар. Бир муддат қимирламай ётди. Бироқ кўп ётишига рухсат йўқ эди. Энди у ўзи ихтиёрича эмас, балки унга башариятга ҳидоят йўлини кўрсатиш учун пайғамбарлик вазифасини берган Мавлосининг истагига биноан харакат қилиши керак эди. Энди илохиёт оламининг башарият билан бўлган алоқаси тикланган, илохий иродани инсонларга етказиш пайти келган эди.

Аслида у туғилган кунидан бери ўз ҳолига ташлаб қўйилмаган эди. Уни йўргакда ётганида энагасинииг бир кўкрагини қўйиб, иккинчисини эмишга чорлаган қудрат... Бобоси билан ёмғир дуосини ўкиётганида, бармоқлари билан кўкка ишора қилишга унданған қудрат... Сафар чоғида юра олмай қолган туяларнинг оёқларига унинг муборак қўлларини узаттириб теккиздирган қудрат... Унинг олдига ёйилган дастурхонга баракот ёғдирган қудрат... Унинг муборак вужудига, вужудидан чиқаётган терга хушбўй ҳидлар ато этган қудрат...

Мана шу қудрат эгаси энди ўзини танита бошлаган эди. Шу кунгача Ал-Аминнинг ўзи ҳам сезмаган ҳолда унинг учун аталган вазифага даъват этарди.

Энди у ҳаётининг «Мұхаммад ибн Абдуллоҳ»лик даврини тамомлаб, «Мұхаммад Расулуллоҳ»лик даврига кирган эди. Бу сафар узок ётишига йўл қўйилмади. Жаброил Амин Мұхаммад Аминни топиб, унинг муборак қалбини ваҳий нури билан тўлдириди. Фақат бу дафъа Ҳиродагидек, Ҳиродан келаётган иайтида кўринганидек уни кўркувга солмади. Оллоҳнинг жўнатган иккинчи амрини қандай бўлса, шу тарзда етказди ва яна ғойиб бўлди. Буюк Пайғамбар қалбига муҳрланган илоҳий хитобни тақрорлади:

«Эй (либосларига) бурканиб олган зот, турингда, (инсонларни охират азобидан) огоҳлантиринг! Ёлғиз Парвардигорингизни улуғланг! Либосларингизни пок тутинг! Бутлардан йирок бўлинг!» (Қуръони Карим, Муддассир сураси, 1 — 5оятлар).

Набийи Ақрамга (с.а.в.) икинчи илоҳий амр келган ва уни ётган жойидан туришга мажбур этган эди. Нозил қилинган иккинчи ваҳийни ҳам илк марта Хадича эшитди. Севинчидан ўзини қўйишга жой тополмай крлди. Неча йиллардан бери кўксида ардоқлаб келган умидини ҳеч қачон узмаган, эртанги кунни олдинданоқ кўргандек бўлган, эрига «Ё Мұхаммад» деб эмас, «Ё Расулуллоҳ», деб мурожаат қиласиган кунларни кутавериб кўзи тўрт эди. Мана, энди бу умид ҳақиқатга айланди.

Ё Расулуллоҳ, сизнинг пайғамбарлигинизга илк бор иймон келтирган киши мен бўлдим, — деди. Бу овозда чуқур самимият бор эди. Бу овоз буюк Оллоҳ Ҳабиби Адибига лойиқ кўрган, аёллар дунёсининг шараф тожи бўлишга энг муносиб хотинга хос улуғворлик ва теран маънога эга эди.

Имон келтирғанлар ягона сафга тизилган кунда энг олдинда, ҳеч ким эгаллай олмайдиган биринчи ўринда бир кишигина туради... Бу мақому мартабага Макканинг мушриклариға ҳам ўзини «Тоҳира — Покиза аёл» дея танитиш шарафига мұяссар бўлган, жаннатга кирадиган аёларнинг султони, буюк Хадича — «Хадичатул Кубро розийаллоҳу таоло анҳо» ҳазратлари мушарраф бўлажак...

Набийи Ақрам (с.а.в.) бу хушхабарни олганида Хадича бениҳоя даражада мамнун бўлди. Ҳолбуки, бунинг ўрнига у: «Ёлғон гапиряпсан. Сен ўзи кимнинг бошини айлантиряпсан?..» дейиши, буюк даъвонинг буюк байроғи ҳилпираган дастлабки кунда уни тўхтатишга уриниши ҳам мумкин эди. Йўқ. У энг сўнгги ва энг Буюк Пайғамбарнинг — раҳмат ва ҳидоят йўлбошчисининг илк одимидан бошлабоқ якка ўзи ҳеч иккиланмай «Ҳаққа юриш йўлига» қўшилди. Фил воқеасидан қирқ йил ўтган ва ҳар томонда ғафлат, залолат ва жаҳолатнинг энг ёрқин намуналари қадам сайин учраб турган бу кунларда Маккада бир пайғамбар пайдо бўлди, лекин ҳозирча унинг ўз хотинидан иборат биттагина уммати бор эди.

**ОЙДИНИКЛАР САРИ**  
**Имон йўлининг илк йўловчилари**  
*(Собиқуни аввалин)*

Эндиликда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун ҳаётларидаги энг муҳим, яъни, дунёга келишларидан кутилган мақсад ва ғоянинг амалга оширилиш даври бошланган эди. Бошқа инсонлар Оллоҳ таолони таниш ва унга бандаликни (қулликни) бажо келтириш учун яратилган бўлсалар, Расулуллоҳ (с. а. в.) яна бир буюк ғоя асосида яратилган эдилар. Бошқача қилиб айтганда, фақат Оллоҳни таниш ва Унга сифиниш учунгина эмас, балки Уни танитиш, Унга қай тариқа сифинишни ўргатиш учун яратилган эдилар. У зотга хидоят йўлининг энг буюк раҳбари бўлиш вазифаси юклатилган эди. Илк жўнатилган ваҳий орқалиёқ мазкур вазифага даъват этилдилар:

«Эй (либосларига) бурканиб олган зот, турингда, (иснонларни охират азобидан) огоҳлантиринг! Ёлғиз Парвардигорингизни улуғланг! Либосларингизни пок тутинг! Бутлардан йироқ бўлинг!» (Муддассир сураси 1-5-ояатлар) Энди Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг ҳаётидаги тожирлик даври ниҳоясига етган, у зотнинг «Муҳаммадун Расулуллоҳ» бўлишдай буюк даврлари бошланган эди.

Кунлардан бир кун Расулуллоҳ Макканинг юқори қисмида айланиб юрганларида рўпараларидан Жаброил алайҳиссалом чиқиб қоладилар. Бу учрашув энди у зотни қўркувга солмайди. Аксинча, қўрган заҳотлариёқ Расули Акрам (с. а. в.) қувониб кетадилар. Жаброил алайҳиссалом товонларини ерга бир урадилар ва ўша урилган жойдан сув отилиб чиқади. Бу сув билан таҳорат қиласидилар. Пайғамбаримизга (с. а. в) ҳам ўзлари қўрсатгандай равишда таҳорат олмоқни буюрадилар Расулуллоҳ (с. а. в) худди Жаброил алайҳиссалом қўрсатганларида таҳорат олдилар: дастлаб қўлларини ювдилар, оғизбурунларини чайқадилар, сўнгра юзларини, кейин эса, қўлларини тирсакларигача ювиб, бошларига масҳ тортдиларда, ниҳоят оёқларини тўпикларига қадар ювиб, покладилар. Шундан сўнг Жаброил алайҳиссалом имомлик қилдилар ва икковлон биргаликда намоз ўқишиди.

Муҳаммад (с. а. в.) уйларига қайтгач, ваҳий фариштаси қўрсатган тарзда яна таҳорат қиласидилар. Бу таҳо ратдан мақсад — У зотни биринчи бўлиб Пайғамбар сифатида таниш шарафига мұяссар бўлган Хадича онамизга ўргатиш эди<sup>1</sup>. Ҳазрати Хадича онамиз Муҳаммад (с. а. в.) уммматининг ilk бор намоз ўқиган вакиласи бўлишдек улуғ баҳтга ҳам шу йўсинда ноил бўлди.

Ўша пайтда келган ваҳий ва ўқилган намоздан Макка аҳли бехабар эди.

\* \* \*

Пайғамбаримизнинг (с. а. в.) тарбиялари остида болалик чоғларини ниҳоясига етказаётган Али бир куни уй ичида ғаройиб хаттиҳаракатлар бўлаётганини қўриб қолди.

— Нима қилянсизлар? — деб қизиқиб сўради.

— Оллоҳга ибодат қилянмиз, намоз ўқияпмиз, —деган жавобни эшилди.

Шундан сўнг Али улардан шу кунга қадар номаълум бўлган бир ҳақиқатни эшилди. Оллоҳ таоло юборган бир пайғамбар ва пайғамбарига даъват юки юклангандин ҳақида дастлабки маълумотга эга бўлди. Айни чоқда, Али ҳам мазкур динга даъват этилди.

— Бир оз ўйлаб қўрсам, — деб изн сўради.

— Яхшилаб ўйлаб кўр, Али. Бу динни қабул қилмайдиган бўлсанг ҳам, бу ҳақда ҳозирча бирорвга гапирмай тур, — деган жавобни эшилди:

—Faқатгина отам Абу Толиб билан маслаҳатлашсам— деди.

Ўша куни Али юрса ҳам, ўтирса ҳам, хаёли шу мавзу билан банд бўлди. Ҳатто тунда ҳам шу ҳақда бош қотириб, тонгга қадар мижжа қоқмади. Тонг отиши ҳамоноқ Пайғамбаримиз (с. а. в.) ҳузурларига ошиқди ва:

— Менинг имоним комилки, Сиз Оллоҳнинг пайғамбарисиз, даъват этаётган динингиз эса, ҳам динидир! — деди.

— Абу Толиб билан маслаҳатлашдингми, эй Али?

— Йўқ. Оллоҳ мени яратар экан, Абу Толиб билан маслаҳатлашмади. Мен ҳам Оллоҳни таниш учун у билан маслаҳатлашишга эҳтиёж сезмадим. Шу тариқа Али (р. а.). шаҳодат калималарини айтиб, Ислом динига кирган иккинчи мўмин бўлди.

\* \* \*

Кўп йиллар давомида бу уйнинг фарзанди ўлароқ тарбия топиб, ўспирин ёшига етган Зайд ҳам Оллоҳнинг Расули (с. а. в.) Йсломни даъват этганларида, ҳеч иккиланмади:

— Мен шоҳидманки, Сиз Оллоҳнинг бандаси ва пайғамбарисиз, — деди.

Шундай қилиб, бир неча йиллар муқаддам дунёнинг саодат уйига фарзанд сифатида кириб келган Зайд онаси Хадича ва Али ибн Абу Толибдан сўнг учинчи мусулмон бўлиш шарафига этишди.

\* \* \*

Абу Кухофанинг ўғли Абу Бакр кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган соғлом фикрли, дуруст бир савдогар эди. Шу кунга қадар бутларга бирон марта ҳам бўйин эгиб сиғинмаган, фойдаси тегмайдиган, ҳатто ўзини ҳимоя эта олмайдиган бир тошдан одамга қандай наф бўлиши мумкин, деган фикрда юради. Маъбудлик билан тош ва дараҳт ўртасида бирон муносабат бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлар эди.

Ҳолубки, ўша дамларда ақли расо, ҳалқ орасида ҳурматэътиборга эга, жамоат орасида шарафли ҳисобланган кўпгина кишилар бу тош санамлар қархисида бош эгардилар. Буни улар шунчаки кўнгилхушлик учун эмас, балки ибодат учун қилардилар. Тошларга астойдил сиғинар эдилар.

Ичкилик истеъмол қилувчиларнинг нақадар хароб ҳолга тушаётганини кўрган Абу Бакр оғзига томчи шароб олмаган, айни чокда, инсонлик шарафига номуносиб бўлган зино ҳам қилмаган эди.

Ваҳоланки, ўша пайтларда зино оддий бир ҳол эди, унинг ҳар хил турлари кенг тарқалган эди. Ҳатто баъзилар аслзода ҳисобланувчи кишилардан фарзанд орттиришни орзу қилиб, шу мақсадда ўз жуфти ҳалолини ўшандай кишиларнинг ихтиёрига топширап, сўнгра хотини ҳомиладор бўлганбўлмагани ойдинлашгунга қадар унга яқинлашмас эди<sup>1</sup>. Кейинроқ эса, ўзларига бундай иноят қилган кишиларга совғасаломлар ҳам жўнатар эдилар. Бунинг натижасида жамиятда наслнасиб номаълум болалар кўпайган эди. Ҳомиладор эмаслиги аниқ бир аёл бир вақтнинг ўзида саккизён киши билан зинода бўла олар, бу чиркин иш аёл то ҳомила орттиргунга қадар давом этар эди. Бола туғилгач, ҳалиги кишиларнинг ҳаммаси аёлнинг хузурига тўпланаар, аёл уларнинг ичидан кимни танласа, ўша одам болага оталик қилар ва бунга ҳеч ким эътиroz билдирамас эди.

Судхўрлик ҳам жамиятда чуқур илдиз отган эди. Пулдорлар томонидан курилган бу «тегирмон» факирларни, ожизларни чиғириқдан ўтказар, улар пеигона тери билан қўлга киритган даромад тўппатўғри сармоя бериб турганларнинг чўнтакларига бориб тушар эди.

Замона зўрники эди. Ожизлар доимо азобуқубатга гирифтор, ҳеч ким ўзини хавфсиз сезмас, ўзаро ишонч туйғуси қолмаган эди. Бир қабиладан иккинчи қабилага мол олиб бориб сотиш ва бунда саломат қолиб даромад орттириш мушкул масалага айланган эди.

Кон тўкиш оғир гуноҳ бўлмай қолган эди. Фазаб отига минган, қасос алангасида ёнаётган бирон киши душманининг бош чаноғида шароб ичишга қасамёд этишдан ҳам тап тортмас ва бу онтини сўзсиз бажарар эди.

Халқ орасида обрўэътибор қозонган шоирлар шеърларида ўзларининг одобсизликларини ҳам ифода этаверардилар. Чунончи, муаллақа шоирларидан Амр ибн Кулсум бундай деган эди: «Зинҳор бирон кимса бизга қарши жоҳиллик қилишга отланмасин. Акс ҳолда, биз ҳам

жоҳилларнинг жоҳиллигидан фойдаланиб, жоҳиллик билан жавоб қиласиз».

Уларнинг орасида соғлом фикрли, фазилатли кишилар ҳам йўқ эмасди. Аммо борларининг ҳам ҳаётда хузурҲаловати, тинчи йўқ эди. Чунончи, соғ вижданли, чин инсоний фазилатлар соҳиби бўлган Абу Бакр ҳам бу муҳитда бўғилган, жони ҳалқумига келган эди. Ўтириб чин дилдан сухбатлашадиган, дардини ишониб оча оладиган кишиларнинг сони бармоқ билан саноқли эди.

Абу Бакрнинг энг ишончли, ҳар жихати билан тақдирлашга лойик ягона биродари Бани Ҳошим уруғидан Аб дулмутталибининг невараси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ эди. Уни анчадан бери — Хадича билан турмуш қурган кезларидан танир, эл орасида ёшлигидан «Ал-Амин» деб танилган бу инсоннинг том маънода ишончли эканлигига шубҳаси йўқ эди. У билан дўстлашганининг боиси ҳам шу. Орада ўтган йиллар бу дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлади, икки дўст бирбирларига кўркўона эмас, самимият ва фазилат узатган қўллар билан боғландилар.

Ўттиз саккиз ёшга кирган Абу Бакр ҳаётида анчамунча нарсани кўриб қўйган, аммо ўзи яшаётган жамиятдан қаттиқ нафратланар эди.

Шундай фикрлар билан яшаётган Абу Бакр бир куни Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг хузурига отланди. У билан дардлашаман, бу мазмунсиз ҳаётдан қутулиш чораларини биргаллашиб ахтаришни таклиф этаман, деб ўйлади.

\*\*\*

— Йўл бўлсин, ё Муҳаммад?

— Сенинг ҳузуринпа келаётирман, ё Абу Бакр...

— Мен ҳам сенинг олдингга кетаётган эдим, эй вафоли дўстим.

Икки дўст хилватроқ жойга чекиндилар. Бир неча ойдан бери давом этаётган ғаройиб тушлар, шундан кейин ёлғизликка бўлган интилиш ҳисси ва Ҳиро тоғида келган фаришта... ҳақларида гапирилди. Ниҳоят, Абу Бакр яккаю ёлғиз Оллоҳдан бошқа илоҳ танилмайдиган ҳақ динга даъват этилди.

Абу Бакр заррача ҳам иккиланмади. Чин кўнгилдан чиқаётган самимий сўзлар билан:

— Гувоҳлик бераманки, эй Муҳаммад, Оллоҳ ёлғиздир, ундан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқдир. Яна гувоҳлик бераманки, сен унинг қули ва расулисан, — деди.

Абу Бакрдан худди мана шу жавоб қутилган эди.

Шу йўсинда мусулмонлар — Муҳаммад алайҳиссалом умматлари тўрт нафар бўлди. Комил инсонлар ичида биринчи ўринни Абу Кухофанинг ўғли Абу Бакр (р.а.) эгаллаган эди.

\*\*\*

Ҳазрати Абу Бакр ўттиз саккиз йиллик ҳаёти давомида бу кеча бўлгани каби осойишта бир ҳиссиёт билан ётоғига кирганини эслай олмасди.

Ўзининг ва барча оламларнинг яратувчисини таниш

шарафига эришди. Унга ишониш билан юраклар ҳузурхаловат топишини ўз танасида ҳис қилди.

Ётоғига кирап экан, ичичидан отилиб келаётган бир самимият билан:

— Ашҳаду алла илаха иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росулуҳ, — дея тақрорлар эди.

\*\*\*

Макканинг пастқам бир кўчаси...

Ўттиз ёшлардаги тарбияли, уятчан бир йигит... Ҳазрати Абу Бакрнинг сўзларини жон қулоғи билан тингламоқда...

Яккамаякка қурилган бу сухбат бирмунча давом этди. Сухбат сўнгида қўл сиқишидилар. Хайрлашар эканлар, Ҳазрати Абу Бакр:

— Бу бир сир бўлиб қолиши керак, эй Усмон! Худо ҳаққи, сени эзгуликка даъват этдим.

Сўзларимни яхшилаб ўйлаб кўр, — деди. Ажралишдилар.

Аффон ўғли Усмон тафаккурини ларзага солган, дунёқарашини бекиёс кенгайтирган бир таклифга юзмаюз келган эди. Абу Бакр:

—Бу бутлар жонсиз нарсалардир. Бирон кимсага на фойдаси бор уларнинг ва на зиёни... Яхшилаб ўйлаб кўр, сўзларимнинг тўғри эканлигини англаяжаксан. Уйларимизнинг пойдеворига ишлатадиган тошлардан, тоғларда, қирадир ва водийларда мавжуд тошлардан ҳеч фарқи йўқдир бу бутларнинг, — деган эди.

Ақли расо кишининг бошқача хулосага бориши имконсиз ҳам.

Эрта саҳарда Усмон Абу Бакрни қидириб топди.

— Мени Мұхаммад ибн Абдуллоҳнинг хузурига олиб бор, деди.

Ҳазрати Абу Бакр самимиyllигига ишонса бўладиган ёшлар билан бирмабир учрашиб, уларга буюк ҳақиқатни тушунтира бошлади. Ҳар гал яккамаякка учрашар, бутлар ҳақида ган очар, ёлғиз Оллоҳдан ўзга ҳеч бир маъбуднинг йўқлигини уқтирав, сухбатдошида яхши маънодаги бир ўзгаришни сезса, шундан кейингина Мұхаммад Расулуллоҳдан (с. а. в.) гап бошлар эди. Зубайр ибн Аввом Абу Бакр билан учрашган иккинчи йигит эди. Унга ҳам Усмонга айтилган гаплар уқтирилди. Зубайр севимли, хурматли кишиси Абу Бакрнинг сўзлари сафсата бўлиши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди. Қолаверса, Абу Бакр унга пайғамбар деб танитган Мұхаммад ибн Абдуллоҳни ўзи ҳам жуда яхши танир эди. Чунки Зубайрнинг онаси Сафийя Мұхаммад ибн Абдуллоҳнинг аммаси бўлгани учун уларнинг орасида яқин қариндошлиқ ришталари мавжуд эди.

Аммо Зубайрга бунинг ўзи етарли эмасди. Азалазалдан анъанага айланган ва бободан отага, отадан болага асрлар давомида ўтиб келган ҳаёт тарзидан бутунлай воз кечиши керак, бу иш эса осон эмас эди. Шу кунга қадар телба эмаслигига ишончи комил бўлган кўплаб инсонлар — биргина сўз билан юзларча кишилардан иборат қабилаларни ҳаракатга келтира оловчи бошликлар, шоирлару нотиқлар... ҳаммаҳаммаси бутларга сифиниб келадилар. Улар маъбуд деб эътиқод кўйган бутларни тошдан бўлак нарса эмас, дейиш ғоят мушкул эди.

Шундай ўйхаёллар билан орадан бир неча соат ўтди.

«Мен ақлли бўлсан, нега энди ақлимни ишлатмайин?!»

Яшиндай миясига келиб урилган бу фикр Зубайрни эскилик сарқитидан халос этиб, ақл билан иш юритишга ундади. Бутларни илоҳ деб билувчи эътиқод кишани ўзўзидан парчаланиб кетди.

Абу Бакр билан иккинчи марта учрашганда, бутлар энди унинг учун ҳам тошга айланган, жонсиз ва аҳамиятсиз бир нарса бўлиб қолган эди.

Мени тоғамнинг ўғли билан учраштири, ё Абу Бакр,— деди ҳаяжон ила.

Бир муддат ўтгач, Ҳазрати Ҳадича онамизнинг имон машъаласи ёнган уйида Зубайр ибн Аввом исмли бир йигит ҳам қалбининг тубидан отилиб чиққан ва умр бўйи унга содик қоладиган ҳақиқатни ҳар бир калимаси устида тўхтабтўхтаб такрорлади: «Ашҳаду алла илаха иллаллоҳ...»

Набийлар сарвари туғилган кечани эсловчилар ўша кеча Оминага ёрдам бериш учун келган икки аёлдан бири Шифо хоним бўлганини жуда яхши биладилар.

Ушбу ҳодисадан роппароса ўн йил ўтгач, Шифо хоним ҳам бир ўғил туққан, унга Абди Амр деб исм қўйган эди. Абди Амрни айримлар «Абдулқаъба» деб ҳам аташарди.

Хуллас, яхшиёмон хотираларга бой йиллар ўтиб, Абди Амр ҳам ўттиз ёшга кирди. Аслида ҳаётининг энг лаззатли онлари ҳам ўша йилларда ўтган бўлса ажаб эмас.

Бир куни Абди Амр ўзи улкан ҳурмат билан қарайдиган савдогар томонидан фикрлашга даъват этилганида, қўлларини пешонасига қўйиб, чуқур ўйга толиш мажбуриятини ҳис этди.

— Жуда соз, ё Абу Бакр, мен бу мавзу тўғрисида яхшилаб бош қотирайин, — деди у.

Расулуллоҳ (с. а. в.) жондан азиз дўстлари Абу Бакр билан биргаликда хузурларига Абди

Амр ҳам келганини кўриб, жуда мамнун бўлдилар. Чунки у ҳам имон келтириш, хидоят ва саодат йўлига кириш учун келган эди.

Абди Амр шаҳодат қалималарини сўйлади. Куфр ва инкор йўлини бундан кейин бутунлай тарқ этиш эвазига бу буюк йўлни қозонди.

— Сенинг исминг Абдурраҳмон бўлсин...

Унга бу муборак исмни пайғамбарларнинг энг буюги бердилар. Ўзларига севимли бўлган бу исмни доимо — бу дунёда ҳам, охиратда ҳам ҳамроҳлари бўлажак бир йигитга бердилар. Йиллар ўтиб ҳам, набийлар сарварининг тилларидан: «Ислмарнинг энг гўзали Абдуллоҳ ва Абдурраҳмондир», деган сўзларни эшитган чоқларида ўзини «Абди Амр» бўлишдан халос этган ва «Абдурраҳмон» бўлиш шарафига сазовор қилган Расулуллоҳга (с.а.в) меҳр тўла нигоҳлари билан боқипш шубҳасиз эди бу йигитнинг.

Исми билан бирга жисми ҳам, рухи ҳам ўзгарган эди унинг. Бутун вужуди билан кўхнаэскидан мукаммал янгига ўтган эди Абдурраҳмон.

Абдурраҳмон ибн Авғ имон йўлида ҳамроҳ бўлажак илк мусулмон биродарлари билан танишди. Улар хануз бармоқ билан саноқли эдилар. Пайғамбаримиз (с. а. в) хонадонлари аъзоларини ҳисобга олмагандан Абу Бакр, Усмон, Зубайр ва ўзи...

Бу ҳисобга Зайдни ва ҳали балогат ёшига етмаган Алини ҳам қўшсақ, жами олти киши бўлардилар. Бепоён дунёда, дунёнинг асл Сохиби ва Яратувчисига эътиқод қилган, Уни инкор этмайдиган, қудратда Унга teng келадиган бошқа бир мавжудотни билмайдиган олти киши...

Абдурраҳмон таҳорат қилиш, намоз ўқишни ўрганди. Намоз ўқир экан, ўқилиши керак бўлган сўзларни такрорлайтакрорлай, ёдлаб олди. Бундан буён бутун хаёти давомида ҳар намознинг ҳар ракатида ўқиши лозимлиги уқтирилган Фотиха сурасини шахсан Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг тилларидан эшитди: «Алҳамду лиллаҳи роббил ъАл-Амин...» «Ҳамду сано барча оламларнинг Парваридигори бўлмиш Оллоҳ учундир. Меҳрибон ва Раҳмли, Жазо Кунининг эгаси, Сенгагина ибодат қиласиз ва Сендангина мадад сўраймиз. Ўзинг бизни тўғри йўлга хидоят қилгин. (Бизларни) шундай зотларнинг йўлига (бошлигин)ки, Сен ўзинг уларга (тўғри йўлни) инъом қилгансан улар (Сен томондан) ғазабга дучор бўлмаганлар ва залолатга кетмаган (адашмаган)лардир».

Келажакда Оллоҳ таоло тайинлайдиган вақтга қадар, ҳеч кимсага бу ҳакда оғиз очмаслик, одамларнинг кўзи тушадиган жойда намоз ўқимаслик уқтирилди. Бир оздан кейин Саъд ибн Ваққос мусулмон бўлиш шарафига эришди.

\* \* \*

Холид ибн Саид ибн Ос уйқудан уйғониб, юраги тезтез ураётганини хис этди. Бир туш кўрган эди, шу ҳакда сухбатлашиш учун уйидан чиқди.

— Йўл бўлсин, эй Холид?

— Ал-Аминнинг ҳузурига кетаётирман, эй Абу Бакр.

— Нечук?

— Бугун кечаси бир туш кўрдим. Унга сўзлаб бермоқчиман. Сен ҳам эшитсанг, фойдадан холи бўлмас...

Улар биргаликда Расулуллоҳнинг (с. а. в.) уйлари томон йўл олишди. Кўрган тушини йўлакай гапириб берди:

— Ваҳшатли бир жарликнинг шундоққина ёқасида эмишман. Бирдан нотаниш кимса пастга итариб юборди. Қутулишим амри маҳол эди. Шу орада бирдан Ал-Амин Мухаммад ибн Абдуллоҳ пайдо бўлдию белимдан даст кўтариб, қутқариб қолди. Унга шу тушни айтиб, қандай таъбир қилишини эшитмоқчиман.

— Яхши ўйлабсан, эй Холид. Эҳтимол Оллоҳ таолонинг ўзи сенга хидоят тилаган бўлса, ажаб эмас.

Холид ибн Саид янги бир диннинг тарқалаётганини ва кечаги қунга қадар Ал-Амин

Мұхаммад ибн Абдуллоҳ сифатида таниған кишиси бугунга келиб пайғамбарлик вазифасига тайин этилғанлигини йўлда Ҳазрати Абу Бакрдан эшитди.

Бу пайтда Набийи Ақрам (с. а. в.) Ажйод деган бир жойда эдилар.

Бизни нимага даъват қиласиз, ё Мұхаммад?

— Сизни Оллоҳдан бошқа хеч бир илоҳнинг йўқлигини ва Мұхаммад Оллоҳнинг пайғамбари эканлигини тасдиқлашга... шу дамгача сиғинганимиз жонсиз — фойда хам, зарар ҳам бермайдиган бутлардан воз кечишга даъват қиласан.

— Мен гувоҳлик бераманки, Сиз даъват қилаётган дин ҳақ диндир. Сиз эса, Оллоҳнинг расулисиз.

Шундан кейин Холид кўрган тушини гапириб берди.

\* \* \*

Бир куни ўта ожиз, қашшоқ бир чўнон қўйларини ўтлатиб юаркан, икки кишига дуч келди.

— Сен кимнинг қўйбоқарисан? — деб сўрашди улар.

— Уқба ибн Абу Муайтнинг...

— Бизни сут билан меҳмон қила оласанми?

Сут боркуя, аммо мен оддий қўйбоқарман, сут билан меҳмон қилишга ҳаққим йўқ. Менга ишониб топширилган нарсага хиёнат қилолмайман.

— Хўп. Унда бизга сути соғилмайдиган биронта қўйни кўрсатгинчи.

Қўйбоқар сурувдан бир қўйни ажратди.

— Мана шу қўй соғилмайди, деди.

Юзидан нур ёғилиб турган киши қўйнинг оёқларини керди, дуо қилди. Бирдан қўйнинг эмчакларидан сут оқа бошлади. Иккинчи киши биронта идиш олиб келишни буюрди. Қўйбоқар ёнида олиб юрадиган сопол товоқни узатди.

Сут соғилди, аввал сутин соғған киши ичди, сўнгра ўртоғига берди. Қолган сут қўйбоқарга тақдим этилди. Ҳаммаси ичиб бўлингач, қўйнинг эмчаклари яна эски ҳолига қайтди. Бир оз олдин сут соғилган эмчакларга сира ҳам ўхшамай қолди.

— Эй олижаноб зот, бу қўйга қандай дуо ўқидинг?

Уни менга ҳам ўргатасанми? — деди қўйбоқар.

— Отинг нима?

— Отим Абдуллоҳдир. Масъуднинг ўғлимани.

— Сени яккаю ягона Оллоҳнинг борлигига ишониш  
га ва бутларга сиғинишдан воз кечишга даъват этаман.

Расулуллоҳ (с. а. в.) шуларни сўзларканлар, Абдуллоҳ ибн Масъуднинг бошини силар: «Оллоҳ сенга марҳамати билан муомала буюрсин, қуллигингда давом этишини насиб қилсин, сен ўрганишга қодирсан», дер эдилар.

Абдуллоҳ калимаи шаҳодатни айтди. Энди у имон лашкарининг жисман заиф, аммо имони кучли бир аскарига айланди.

Ўшанда мўминларнинг сони ўнга якинлашиб қолган эди.

Сал кейинроқ Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Абу Убайда ибн Жарроҳ, Абу Салама, Арқам ибн Абу Арқам, Усмон ибн Мазъун, Убайда ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб мусулмон бўлдилар.

\* \* \*

Бир пайлар Яман томонлардан келиб Бани Муғийра хонадонидан паноҳ топган Ёсир у ерда Муғийра ўғиллари томонидан Сумайя исмли бир жорияга уйлантирилган, бу никоҳдан Аммор ва Абдуллоҳ исмли икки фарзанд дунёга келган эди.

Орадан йиллар ўтди ва бу болалар болоғат ёшига етдилар.

Бир куни Аммор Макка кўчаларида айланиб юрганида биринки кишининг Мұхаммад ибн Абдуллоҳ (с. а. в.) ҳақларида баҳслashiшаётганини эшитиб қолди. Суҳбат диққатни тортадиган

даражада қизғин эди. Шахсан ўзини кўришни хоҳлади. У ҳакда суриштириди. Ниҳоят, Арқам ибн Абу Арқамнинг уйида эканликларини билди ва дарҳол шу томонга жўнади. Суҳайб ибн Санъон Румий ҳам ўша ерда эди. Аммор ҳайрон бўлди:

— Бу ерда нима қилиб юрибсан, эй Суҳайб? — деб сўради.

— Ўзингчи, ё Аммор?

— Мен ичкарига кирмоқчиман ва Мухаммад Аминнинг сўзларини тингламоқчиман.

— Менинг фикрим ҳам худди шундай.

Биргалиқда ичкарига кирдилар. Маънавият оламидан

таралиб, Мухаммад ибн Абдуллоҳнинг дудоқларидан тўқилаётган сўзларни тингладилар, бу калом ҳар жиҳатдан гўзал ва мукаммал эканлигига ишонч ҳосил қилдилар, иккиси ҳам калимаи шаҳодат келтириб, имонли бўлдилар.

Оқшомга қадар Арқамнинг уйида қолдилар.

Кўп ўтмай, Амморнинг отаси Ёсири, онаси Сумайя ва укаси Абдуллоҳ ҳам мусулмон бўлдилар. Шу тариқа бутун оила аъзолари Ислом динига кирган, кўнгиллари Расулуллоҳ кўрсатган мақсадга йўналган эди.

Қисқа вақт ўтиб, Усмон ибн Мазъун ҳам икки укасини етаклаб, Пайғамбар (с. а. в.) хузурларига келди. Кудома билан Абдуллоҳ акалари сингари имон ва Ислом шарафига ноил бўлдилар.

Буюк пайғамбар Ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломнинг тавҳид динини тиклаш мақсадида ҳидоят йўлига чиқкан, аммо орзуига етиша олмай хаётдан кўз юмган Зайд бу кунларда хаёт бўлса, ким билади дейсиз, қанчалар хурсанд бўларди. Аммо тақдирдан қочиб қутулиш хаққи ҳеч кимсага берилмаган. Аммо Зайднинг кичик ёшда етим қолдириб кетган ўғли Саид бор эди. Мана шу кунларда у вояга етган, камгап, ювош, тарбияли бир ўспирин бўлган эди. Уни амакиси Хаттоб боқиб олган, қизи Фотимага уйлантириб ҳам қўйган, Саиднинг синглиси Отикани эса, ўғли Умарга олиб берган эди. Шу йўсинда Саид билан Умар поччақайноға бўлган эдилар. Аммо поччалардан бири ўта тажанг, сержаҳл ва довюрак, иккинчиси эса, ўта даражада ювош ва камгап...

Бир қуни Саид ҳақиқат оламидан келаётган бир даъватга қулоқ тутди. Унга Оллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқлигига ишониш таклиф этилди. Ҳақли бир таклиф эди бу. Отаси Зайд мана шундай бир таклифга рўбарў бўлиш, Оллоҳга олиб борувчи энг тўғри йўлнинг муршидига қовушиш учун бутун вужуди билан беҳисоб чиллаларда ўтирган эди.

Ҳаққа ва эзгуликка чорловчи бир даъватга қулоқ тутмаслик мумкин эмасди. Қисқа вақт ичиди рафиқаси Фотиманинг қалбида ҳам имон нури порлади. Шу тариқа ёш эрхотин биргалиқда шаҳодат келтирдилар ва мусулмон бўлиш завқини тотдилар.

Бу орада Ҳазрати Абу Бакр қизи Асмонинг ҳам мусулмон бўлгани ҳақида хушхабар келтирди.

Яна Ҳаббоб ибн Аратт, Умайр ибн Абу Ваққос, Масъуд алКорий, Салит ибн Амр, Аййош ибн Абу Робиа ва хотини Асмо, Хунайс ибн Ҳузофа, Амир ибн Робиа мусулмонларнинг сафига кўшилдилар.

Бир замонлар ҳақ динни топиш мақсадида узоқ сафарга отланган ва христианликни қабул қилиб Маккага қайтган Убайдуллоҳ ибн Жахш ҳам шаҳодат келтирди ва мусулмон бўлди.

Абу Толибнинг ўғли ва Ҳазрати Алининг акаси Жаъфар, унинг умр йўлдоши Асмо бинти Умай, Хатиб ибн Ҳорис хотини Фотима бинти Музаллал, Хатибнинг укаси Хаттоб ибн Ҳорис ва хотини Фуқайҳа бинти Йасор,

Маъмар ибн Ҳорис, Усмон ибн Мазъуннинг ўғли Соиб, Муттолиб ибн Азҳар, хотини Рамла, Нуайм ибн Абдуллоҳ, Амир ибн Фуҳайра, Хотиб ибн Амр, Утба ибн Робиашшг ўғли Абу Ҳузайфа, Вақид ибн Абдуллоҳ... — булар яширин даъват кунларида мусулмон бўлганлар жумласидан эдилар.

\* \* \*

Пайғамбар (с. а. в.) тушган оятларни унут бўлмаслиги ва сақлаш қулай бўлишилиги учун ёздириб қўярдилар. Ёзилган оятлар қўлмақўл ўтиб тарқалар, истаганлар уларни ёдлар эдилар.

Ваҳий келган пайтларда Жаноби пайғамбаримиз (с.а. в.) хотирадан чиқариб қўйишдан хавотирланиб, Жаброили Амин билан биргаликда қайтақайта ўқишига ва ёд олишга ҳаракат қиласардилар.

Юксак девондан келган амр у зотга фақат тинглашни буюрди: «(Эй Мухаммад, Куръонни) тезроқ (ёдлаб) олиш учун тилингизни у билан қимирлатмай (кичирламай) қўяқолинг! Зеро, уни (сизнинг дилингизда) жамлаш ҳам, (тилингизда) қироат қилдириш ҳам Бизнинг зиммамиздади]. Бас, қачон биз (яъни, Жаброил фаришта) уни (яъни, ҳар бир ваҳийни) ўқиб битганимиздан сўнгтина сиз ҳам уни ўқишига эргашинг. Сўнгра уни (Куръонни) баён қилиб бериш ҳам, албатта, бизнинг зиммамиздадир» (Қибмат сураси, 16—19; Имом Бухорий, бжилд, 79бет.).

Набийи Ақмал бундан кейин юз берган ҳолатларини шундай ифода этган эдилар:

«Ваҳий ҳолати тугагач, ўзўзидан қалбимга жо бўлиб қоларди». (Имом Бухорий, 1/3.)

Яна бир сафар эса: «Худди қалбимга китоб ёзилаётганини хис этаман» (Ибн Ҳишом. Ўша асар, 1/253.) деган эдилар.

Эндики вазифа бу оятларни инсонларга баён этиш ва уларни Исломга даъват қилиш эди.

\* \* \*

Набийлик вазифаси илк бор юклангандан бери орадан икки йил ўтди. Хаттоб ўғли Умарнинг уйида бирдан севинч кичқириғи эшитилди.

Эртанги куннинг буюк инсоии бўладиган, пайғамбарининг суннатларини шахсан ўз ҳаёти орқали намуна қиласадиган ва саҳобаларнинг илк сафларидан ўрин олалиган бу гўдакка Абдуллоҳ исми берилди.

Аммо Абдуллоҳ шу онда ўзига бу исмнинг берилганидан ҳам бехабар эди.

\* \* \*

Абу Толиб бир куни Маккадан ташқарида кезиб юраркан, кутилмаган манзарага дуч келди. Олдинда жияни Муҳаммад Ал-Амин, ундан бир оз орқада ўғли Али биргаликда ибодат қиласардилар.

— Нима қилаётисизлар, эй Абул Қосим?! Бу тутган йўлларингизни қандай тушунса бўлади?

— Амакижон, бу Оллоҳ юборган диндир. Фаришталарининг, пайғамбарларининг ва хусусан бобомиз Иброҳимнинг (с. а. в.) динидир. Оллоҳ таоло менга ушбу динга даъват қилиш вазифасини топширди. Сиз эса, эй амакижон, мен учун энг самимий, яқин, қадрли ва ҳидоятга қовушишини орзу этадиган кишимсиз. Бу даъватни қабул этишга, қўллабқувватлашга энг лойик бўлган кишим ҳам сизсиз.

Абу Толиб жавоб берди:

— Эй жияним, мен ота-боболаримнинг динидан воз кечишга журъат қилолмайман. Аммо қасам ичиб айтаманки, токи мен ҳаёт эканман, бирон кимса сенга ёмонлик қилолмайди.

Шундан сўнг ўғли Али томонга ўгирилди:

— Амакингнинг ўғли сени фақат хайрли ишга даъват этибди. Ундан айрилма, — деди (Ибн Ҳишом. Ўша асар, 1/263.).

Энди ваҳий узлуксиз равишда кела бошлади: «Эй (кийимларига) ўралиб олган зот, кечаси (бедор бўлиб, намозда) туринг! Фақат озгина — у (кеча)нинг ярмида (ухлаб ором олинг) ёки (уйқуни кечанинг) ярмидан ҳам бир оз камайтиринг ёхуд унга (бир оз) зиёда Қилинг ва Куръонни тартил билан тиловат қилинг! Зеро, Биз сизга оғир Сўзни — Куръонни туширажакмиз. Албатта, кечаси (ибодат учун бедор бўлиб) туриш жуда оғир юқдир ва (лекин у пайтда кундузги безовталиклар бўлмагани учун) энг тўғри сўздир. Албатта, сиз учун кундузи

узун — тинимсиз машғулот бордир (шу сабабли кечалари бедор бўлиб ибодат қилинг). Парвардигорингизнинг номини (мудом) ёд этинг ва Унга бутунлай берилиб (чин ихлос билан бандалиқ қилинг)! (У) машриқ ва мағрибнинг Парвардигоридир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзигина бордир. Бас, сиз (ўзингиз учун) Унигина вакил (ҳомий) қилиб олинг!» (Муззаммил сураси, 1-9. Доримий. «Сунан», 1/3.)

Набийи Ақрам жанобимиз ушбу ояллар орқали кечалари ҳам тоатибодат қилишга даъват этилдилар.

\* \* \*

Ўша кунлари номи ҳали тарихларда битилмаган бир одам жоҳилия даврининг жирканч бир одатини амалга ошириш ҳаракатида эди.

Бу одамнинг ширингина, севимли бир қизчаси бор бўлиб, уни жуда ҳам яхши кўрарди. Чакирган заҳоти «Лаббай, отажон!» деб қошига югуриб келар, ота-онаси уни ўпишар, бағриларига босиб эркалатишар эди.

Шундай кунларнинг бирида у отини эшитиб, отасининг қошига чопқиллаб келди. Ҳар доимгидай, қучоғига отилди.

Ота уни қўлларидан тутди, икковлон биргалашиб кўчага чиқдилар. Уйларидан ҳали унча узоқлашишмаган эди. Ота унга ажойиб ва хуштаъм озиқовқатлар ҳақида ганирар, яқинда қариндошларидан бирининг тўйида унга совға тариқасида бериладиган кўйлак ҳақида баҳс этар эди.

Шу аснода қизча бирдан итариб юборилганини ҳис этди. Отабола хозиргина ёнидан ўтган қудук қизчани қайта чиқмайдиган килиб ўз домига ютди. Аммо йиртқичларгагина ярашадиган бу ишни қилган отанинг қулоқларига:

— Ё абатаҳ!.. Ё абатаҳ!.. — тарзидағи ингроқ овоз келди. Отанинг сўнгги марта эшитган сўzlари шу бўлди. Пешонасида пайдо бўлган совуқ терларни артиб, яшин тезлигига бу ердан узоқлашди. Ким билади, бечора қизча яна қанча пайт у ерда «Отажон!» дея инграган экан<sup>2</sup>.

Мадина даврида мусулмон бўлган бу одам мазкур воқеани пайғамбаримизга сўзлаб берганида, Расулуллоҳ (с. а. в.) соқоллари хўл бўлиб кетгунча йиғлаган эдилар.

\* \* \*

Бир куни Умар қаватига олти ёшлар чамасидаги қизини олиб, Маккадан ташқарига йўл олди.

Хилват бир жойга келдилар. Умар елкасидан белкурагини олди ва чуқур қазий бошлади.

— Нима қиляпсиз, отажон? Нега қазияпсиз бу чуқурни?! — деди қизи атрофида гирдикапалак бўлиб.

— Бу ерга сени қўмаман, — деб жавоб қилди Умар.

Қизчанинг ранги оқариб кетди. Отасини яхши одам деб ўйларди. Айни чокда, отасининг бирон гапни зое гапирмайдиган одам эканлигини ҳам жуда яхши биларди. Кўзёшларига тўлган нигоҳлари отага қадалди:

—Отажон, мени ўлдирманг!..

—Сен ҳиқилламай тур!

Бу сўзлардан кейин ҳам ёлвориш бехуда эди. Ягона чора қочиш эди. Жон ширин, қизча ўлишни истамасди.

Пешонасидан оқаётган терларни артаарта қум қазиётган Умар, бирдан: «Тўхта қочма!» деб бақирди ва қизининг орқасидан чопа кетди.

Жонҳолатда қочаётган қиз бечоранинг ортидан етиб келган ота дағал қўллари билан соchlаридан тутиб, қатъий силтаб тўхтатди. Шундан кейин судрабсудраб, чуқурнинг ёнига олиб келди.

Қазиш давом этар, гўдакнинг кўзёшлари ҳам бетўхтов ерга юмаланар эди.

Шу аснода Умар қўлидаги белкуракни ерга қаттиқ урди ва натижада бир сиқим тупрок

сочилиб, Умарнинг юз-кўзи чангга беланди. Ерга ўтириб қолди ва кўзларини ишқалай бошлади.

Отасини бу ҳолатда кўрган қизча сакраб ўрнидан турди:

Отажон, мени ўлдирсангиз, соқолингизни ким тарайди? Юзларингизни ким тозалайди?!  
— дея бармоқлари билан Умарнинг соқолларини тарай бошлади.

Умар уни илкис итариб юборди. Сапчиб ўрнидан туриб, яна қазий бошлади.

Бир оз ўтгач, Умар тўхтаб қолди. Бошини эгди, бир муддат ўйга толди. Йиғлаётган қизчасига кўзи тушди. Олти йилга яқин силабсийпалаб, эркалаб келган жигари эди у. Бундай яқин кишисининг жонига қасд қилиш осон эмасди...

Орада кўнглига бу ишдан воз кечиш фикри ҳам келди. Қизчининг қўлидан тутиб, Маккага қайтишни ҳам ўйлади. Шундай қилганида, қанчалар севинарди бу маъсума гўдак... яна ҳаётга қайтгандек бўларди. Ким билади, ҳозир уйда қандай аламли дамлар кечеётган экан, қанчалар оҳлар чекилаётган, кўзёшлар тўкилаётган экан?!

Аммо бу ишнинг бошқа жиҳати ҳам бор эди. Умар қизини олиб кетди, қўллари титраб орқага қайтариб олиб келди, деб устидан биродарлари қулишмайдими? Умр бўйи қизи олдидаги виждон азобига қандай чидай олади?

Бир неча сония вақт шундай фикрлар оғушида ўтди. Соатлар, ҳатто кунларга татирли бирбирига зид фикрлар яшин тезлигида миясидан ўтди. Шундан сўнг яна белкуракка ёпишиб, чукур қазий бошлади.

Етарли даражада қазиганига ишонч ҳосил қилганида, ерда фарёд уриб ётган қизча ҳам даҳшатли фожия соати етиб келганини сезди, ялинчок нигоҳларини отасига қадади.

Аммо отанинг кўзларидан олов сачрарди. Қиз яна тез ўрнидан сакраб турди ва такрор қоча бошлади.

Умар яна қизининг ортидан югуруди, етиб олиб қаттиқ ушлади. Энди қутулиш чораси қолмаган эди. Қизча ҳадеб «Отажон, отажон!» дея чинқирап, силтанар эди.

Бир латта каби улоқтирилга маъсум вужуд чукурнинг четларига тегиб пастга юмалаб кетди. Умарнинг бақувват қўллари тупроқ уюмини чукурга ташлар экан, оёқлари сўнгги кучини йиғиб чукурдан чиқиб кетишга уринаётган гўдакни босиб турарди. Бошига шувиллаб тупроқ тўкилиб, кўзлари ҳам тупроқقا тўлган қизча бирикки чиранишдан сўнг ҳаракатлари бўшашди, кетмакет устига тушаётган тупроқ уни тобора босиб, нафасини сиқа ошлади.

Оёқлари остидаги вужуднинг ниҳоят чиранишдан тўхтаганини англаган Умар енгил нафас олди. Пешонасидаги терларни артиб ташлади ва қолганкутган туироқни ҳам чукур устига ташлаб, ишини тугатди.

Ўша кеча уйда ҳеч кимнинг овози чиқмади. Умар ҳар доимгидан ҳам асабий эди. Унинг бу кўрқинчли ҳолати уйда бирон кимсанинг чурқ этиб оғиз очишига йўл қўймади. Фақат, қўллар орасира кўзлардан юмалаган ёшларни артарди.

## ОЧИҚ Даъват Сари Илк Одим Яқин қариндошлар

Хиро тоғидаги ғорда илк бор фариштанинг келгани ва «Ўқи!» деган амр берилганидан бўён уч йилга яқин вақт ўтди. Атрофдан тоза руҳли инсонлар пухта бир танлов асосида ушбу динга даъват этилди, анча-мунча муваффақият ҳам қозонилди. Даъват қилинганлар орасида куллар ва озод кишилар, аёллар ва эркаклар, бойлар ва камбағаллар бор эди.

Оллоҳ таоло «Собиқуни аввалин» деб атаган бу шарафли инсонлар бутларнинг қошида бош эгиш ҳақоратидан қутулиб, Оллоҳнинг ҳузурида сажда қилиш саодатига эришган эдилар.

Бир куни Расулуллоҳга (с. а. в.) ушбу муҳим амр келди:

«Энг яқин қариндош<sup>уруғларингизни</sup> (Оллоҳнинг азобидан) огоҳлантиринг! Ўзингизга эргашган мўмин кишилар учун қанотингизни паст тутинг (яъни, уларга хушхулқ билан

камтарона муомалада бўлинг)! Бас, агар улар итоатсизлик қилсалар, у холда: «Албатта, мен сизнинг амалингиздан покдирман», деб айтинг. Ғолиб ва меҳрибон (Оллоҳ)га таваккул қилинг! У сизни ўзингиз (намоз учун) тураётган вақтингизда ҳам, сажда қилгувчилар орасида ҳам, (имом бўлган ҳолингизда намоз руқнларининг биридан иккинчисига) кўчаётган (вақтингизда ҳам) кўриб туур. Шакшубҳасиз, у эшигтгувчи, билгучи зотдир». (Шуаро сураси, 214-220.)

Келгуси мاشаққатли кунларга қараб илк одим шу йўсинда қўйилди. Энди дин мусулмонликни қабул қилмаган тақдирда ҳам уни сир саклайдиган ишончли кишилар доирасидан ташқарига чиқаётган, илк одим яқин қариндошлардан бошланаётган эди.

Жаноби пайғамбаримиз меҳмон бўлиб келган аммаларига аҳволини баён этдилар. Зиёфат бериб, қариндошларини динга даъват қилиш фикрида эканликларини гапирдилар.

— Истасанг, шундай бир зиёфат уюштири. Аммо зинҳор Абдул Уззони (Абу Лаҳабни) тақлиф этма. Чунки у сенинг даъватингни бириб қабул этмайди, — дейишди аммалар.

Улар укалари Абу Лаҳабнинг феълини яхши билишарди. Сувни орқага оқизишига ҳам курби етиши, ўта ўжарлиги яхшигина маълум эди. Аммо «яқин қариндошлар» ичida Абу Лаҳаб ҳам бор эди, амакилари эди. Буюк девондан келган амрни ўзгартириш ёки кечикириш мумкин эмасди. Бир кишигина тўядиган микдорда гўшт пиширилди.

Яна, бир кишига лойиқ сут тайёрланди. Амакилар, аммалар ва улардан ташқари бошқа яқин қариндошлар тақлиф этилди. Даструрхонга тортилган гўштдан аввал Ҳазрати пайғамбаримиз олдилар. Сўнгра меҳмонларга: «Марҳамат!» дейилди. Ҳамма тўйгунича еди. Аммо гўшт ҳамон ҳеч тегилмагандай холда қолган эди.

Навбат сутга келди. Набии Ақмал жанобимиз бошлаб озгина ичдилар. Кейин меҳмонлар ича бошладилар. Ҳамма ичгандан кейин ҳам сут сира камаймади.

Энди Пайғамбари Замон жаноблари мақсадни сўзламоқчи эдилар. Аммо шу пайт Абу Лаҳаб дик этиб ўрнидан турди. Афтиангари ўзгариб:

— Худо ҳаққи, бу одам бизни сеҳрлади! — деб бакирди.

Азбаройи.асабийлашганидан, портлагудай аҳволда эди, бақирибчақиради. Машваратнинг бу тарзда давом этишидан яхшилик кутиб бўлмасди. Меҳмонлар биринкетин тарқалдилар.

Эртаси куни яна зиёфат чақирилди. Абу Лаҳаб яна бир қилик чиқармасин деб энди у тақлиф этилмади. Аммо Бани Ҳошимнинг тақрор йигилганларини эшитиб, тақлифсиз келди. «Сен тақлиф этилмаган эдингку, нсга келдинг?» дейилмади.

Меҳмондорчилик сўнггида бир кун олдинги разиллигини тақрорлади. Оғзига келган гапларни қайтармади. Сўзларини:

— Қариндошларига сен каби ёмонлик қилган кимса ҳали ҳаётда бўлган эмас, — деб тугатди.

Кайфият яна бузилди. Асл мақсад ойдинлашмасдан, меҳмонлар яна тарқалиб кетдилар.

Хўш, Абу Лаҳабнинг нияти нима эди? Нега жанжал чиқариш пайида бўлди? Қирқ йилдан бери ҳамманинг тақдиру таҳсинига сазовор бўлиб келган жиянини нокулай аҳволга солишдан нима учун бунчалик хушланарди?

Бунинг ягона сабаби қуйидаги воқеа эди:

Бир куни Абу Лаҳаб укаси Абу Толиб билан жанжаллашиб қолиб, уни ётқизиб олдида, бўға бошлади. Воқеа устига мазкур жияни этиб келди ва Абу Толибнинг тарафини олди. Абу Лаҳабни унинг устидан итариб, йиқитиб юборди. Шундан кейин калтаклаш навбати Абу Толибга ўтди.

Абу Лаҳаб мана шу воқеадан кейин жиянига душман бўлиб қолган. «Буни ҳеч қачон унутмайман!» деган эди.

Абу Лаҳаб кек сақловчи одам эди. Ҳасадгўйлик ил236

лати бор эди унда. Ичидан ёндираётган бу кек ва ҳасад унинг ҳаққа борадиган йўлини тақатак беркитган, сўз эшигадиган, сўз тушунадиган ҳолатда эмас эди.

Холбуки, Набийи Акрам (с. а. в.) орадаги бу совуқчиликни бартараф этиш учун икки нуридийдалари, севикли қизлари Руқайя билан Умму Гулсумни Абу Лаҳабнинг икки ўғлига унаштириб, яхши ниятда яқинлашишни истаган эдилар. Аммо бу тадбир ҳам Абу Лаҳабнинг ичини ёндираётган туйғуларини сўндирилди.

\* \* \*

Орадан анчамунча ғамгин кунлар ўтди. Жаброили Амин келиб юқорида келтирилган амрни яна такрорлади. Амр адо этилмаса, азоб келиши ҳақида хабар берди.

Жаноби пайғамбаримиз қариндошларини яна таклиф этдилар. Овқат ейилди, сут ичилди, сал кейин Расулуллоҳ (с. а. в.) дарҳол ўринларидан туриб, шундай сўз бошладилар:

— Мард йигит оила аъзоларига ёлғон гапирмайди. Мен эса, ҳаммага ёлғон гаириган тақдиримда ҳам, сизларга сўйламайман. Жами инсонларни алдасам ҳам, сизларни алдай олмайман. Шундай экан, эй Абдулмутталиб авлоди! Қасам ичиб айтаманки, мен келтириган нарсадан ҳам шарафли ва фойдали бир нарсани ҳали ҳеч бир инсон ўз қавмига келтириган эмас! Мен сизларга дунё ва охиратнинг саодат ва шарафини келтиридим. Оллоҳ таоло менга сизларни ушбу динга даъват этишимни буюрди. Ўзидан бошқа ҳеч бир маъбуд бўлмаган Оллоҳ номидан қасам ичиб айтманки, мен Унинг бутун инсониятга ва хусусан сизларга юборган пайғамбариман!.. Сизлар худди уйқуга кетгандай бир куни келиб ўлишингиз, уйқудан тургандай қайта тирилишингиз муқаррардир. Шундан кейин қилган амалларингизнинг ҳисобини берасизлар. Яхшиликларингизга жавобан яхшилик кўрасизлар, ёмонликларингизнинг жазосини тортасизлар. Жаннат ҳам, жаҳаннам ҳам абадийдир. Орангизда менга акаукалиқ қилиб, қайси бирларингиз ёрдамчи бўласиз?

Расулуллоҳ (с. а. в) сўзларини шу тарзда яқунладилар. Аммо бирон кишидан садо чиқмади. Ҳамма бирбирига қаради, бошларини эгди. Орага оғир сукунат чўқди. Ниҳоят, ҳали балоғатга етмаган Али оёққа турди.

— Ораларингда энг кичиги ва заифи менман. Аммо мен Сизга бажонидил ёрдамчи бўламан, — деди.

Алининг бу хаттиҳаракати у ердагиларни кулдирди. Айримлар Абу Толибга қаради.

Абу Лаҳаб яна жанжал чиқаришга уринарди:

— Агар унинг бу сўзларини бошқа араблар ҳам эшитиб оёққа турсалар, ўзимизни кутқара олмаймиз, бизни лақиллатяпти бу, — дер, у ердагиларнинг кўнглига вахима солишга уринар эди.

Абу Толибнинг жаҳли чиқди:

— Ҳей кўрқок! Нималар деяпсан ўзи? Токи биз тирик эканмиз, худо номи билан қасам ичамаики, Муҳаммадга ёрдамчи бўламиз, қўриқлаймиз! — деди.

Машваратда Абу Лаҳабнинг фикрини қувватлайдиган бирон киши ҳам чиқмади. Имон ўйлига кирилмасада, Абу Лаҳаб сингари очикданочиқ Муҳаммадга қарши чиқсан бирон кимса бўлмаганинг ўзи ҳам яхши бир натижка эди.

\* \* \*

Даъват йўлида яна бир одим қўйилди. Жанобимиз:

«Бас, сиз ўзингизга буюрилган ишни юзага чиқаринг ва мушриклардан юз ўгириш!» (Хижр сураси, 94.) амрини олдилар.

Энди ишни яширинча юритиш даври тугаган эди. Яқинузоқ, танишнотаниш ҳамма кишилар бу даъватдан боҳабар бўлиши керак эди.

Набийи Акрам жанобимиз мақсадларини амалга ошириш учун маккаликлар энг муҳим ишларни бажаришда тутадиган йўлни тутдилар. Каъба яқинидаги Сафо тепалигига чиқдилар, кўлларини қулоқларита қўйдилар ва бор овозлари билан:

— Ё сабахах, ё сабахах!.. — деб бакирдилар. Муҳим бир муаммо юзага чиққани ҳаммага маълум бўлди. Маккаликлар Каъба атрофига тўйланана бошладилар. Кела олмаганлар одам

жўнатиши.

Расулуллоҳ (с. а. в.) атрофларини ўраб олган оммага хитобан:

— Эй қурайшликлар, сизларга шу тоғнинг этакларида бир суворий қўшини ҳужум қилишга тайёр турганини айтсан, менга ишонасизларми? — дедилар.

Тараддудланмай жавоб беришдики:

— Сенинг ёлғон гапирганингни ҳали шу пайтгачаэшитмадик, ё Амин! Албатта, ишонамиз!

— У ҳолда, маълумингиз бўлсинким, мен сизларга буюқ, оғир ва мاشаққатли азобнинг келишидан олдин етишган бир хабарчиман. Сизларни Оллоҳдан бошқа ҳеч бир маъбуднинг йўқлигига ва мен Унинг Расули эканлигимни қабул этишга даъват қиласман. Агар қабул этсаларингиз, жаннатга киришингизга тўла кафолат бераман. Қабул этмасангизлар, сизларга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам фойда беролмайман! (Имом Муслим. 4/1877.)

Шу он унинг сўзи бўлинди. Энг олдинги қаторлардан бирида турган соқолли одам ердан бир тош олиб, унга қаратса отди:

— Лаънат сенга, қўлларинг акашак бўлгур, бизни шунинг учун бу ерга тўпладингми?! — деб ҳайқирди.

Ким бўлди бу одам? Ким бўларди? Пайғамбаримизнинг амакилари, яна ўша Абу Лаҳабда. Амакилирики шундай муносабат билдираркан, бегона кишилардан нима ҳам кутиб бўларди? Келганлар, бошлари эгик ҳолда, тарқалдилар. Ҳолбуки, ораларидан мард бир йигит чиқиши керак эди, ва:

— Дарҳакиқат, сендан ҳеч маҳал ёлғон гап эшитмадик. Аммо бу дафъя абадий саодатга эришиш ёки ундан маҳрум бўлишдай бир муаммо қаршисида турибмиз. Оллоҳнинг пайғамбари эканлигингни қандай исбот қиласан? — дейиши керак эди.

Қаерга бошласа, ўша томонга кетаверадиган оломон эмас, нима қилаётганини, нималар қилиши лозимлигини биладиган, билишни истайдиган инсонлар жамоаси эканликларини кўрсатишлари, жавоб ва исбот талаб этишлари керак эди. Қисқаси, Абу Лаҳабнинг бу хаттиҳаракати бу йиғиннинг тарқалиб кетишига сабаб бўлмаслиги даркор эди.

Буюқ Пайғамбаримиз (с.а.в.) у ерни ўта ғамгин равишда тарқ этдилар.

\* \* \*

Абу Лаҳаб Сафо тепалигидан қайтаркан, зиммасига тушган вазифани адо этганига амин эди. Бир неча кунгина аввал қариндошлари орасида кўрсатган сеҳржодулари етмагандай, устигаустак, бутун Қурайш қабиласини ўзига жалб этишга киришганига бефарқ қарай олмасди.

Акс ҳолда, бу ишнинг натижаси муваффақиятли тугар ва Мухаммад Амин улкан шухрат соҳиби бўлар, Абу Лаҳабдай бир кишини сояда қолдиражак мавқеларга эришар эди...

Муқаммал ўйланган бир совук уруш йўлини тутишдан бошқа чора йўқ, деган фикрга келди у. Мухаммадни ёлғизлатиб қўйиш ҳамда муваффақиятсизликка учратиш учун қўлидан нима келса, орқага сурмасдан ўшани қилишга аҳд этди. Хотини Умму Жамил ҳам унга ҳамфир эди.

\* \* \*

Шу кундан эътиборан ҳатто дарвозаси ҳам бир бўлган қўшнининг, яъни Мухаммад Аминнинг уйларига девор ортидан тошлар келиб ту!на бошлади. Эрта саҳарда уйдан чиққанларида, эшик тагига ташланган ахлатга дуч келдилар. Оёғига ботсин, деган ниятда йўлакка ёйиб ташланган тиканларни кўрдилар. Ахлоқизларча бу хаттиҳаракатлар жоҳил эрхотин ўртасида худди мусобакалашаётгандай улкан ғайрат билан давом эттирилди.

Абу Суфённинг синглиси ва Абу Лаҳабнинг умр йўлдоши бўлган Умму Жамил Расулуллоҳ (с. а. в) жанобимизга рўбарў келиб қолганда баъзан:

— Шайтонингдан қандай хабарлар бор? — деб киноя қилар, баъзан қовоғини солиб олар, яна гоҳида:

— Не хабар қўкларда?.. Кўрайликчи, бугун қандай сафсаталар билан миллатни алдар экансан? — деб минғирлаб, у зотни безовта қилар эди.

Натижада Жаброили Амин илохий девондан қатъийлашган, ўзгармас бир ҳукмни Расулуллоҳга (с. а. в.) етказди:

«Абу Лаҳабнинг қўллари қуригай (ҳалок бўлгай)! Аниқки) у қуриди (ҳалок бўлди)! Молмулки ва касб қилиб топган нарсалари унга асқотгани йўқ! Яқинда унинг ўзи ҳам, унинг ўтина орқалаган, бўйнида пишиқ толадан, эшилган арқони бўлган хотини ҳам (ловуллаб турган) алангали дўзахга киражак!» (Масад сураси, 1—5. 240)

Олий бир ҳақиқат ва адолат бор эди бу сурада. Пайғамбарнинг амакилари бўлса ҳам, Ҳақка бўйин эгмаган, Мавлойи Зулжалолга итоат этмаган киши ўз бошини ейиши, жазосини тортиши муқаррар эди.

Бу сура айланиб, Абу Лаҳабнинг қулоғига ҳам етиб борди. Қаттиқ ғазабланиб кетди:

— Мана кўрасан, эй Муҳаммад, ҳақиқий уруш энди бошланади. Кимнинг қўли қуриши, ким мағлубият азобини тортиши аслида энди ойдин бўлади! — деб ғўлдиради.

Шундан кейин девордан ахлат ташлашлар янада авж олди ва Расулуллоҳнинг ҳовлилари юриб бўлмас ҳолатга келтирилди. Жаноби пайғамбаримиз эса, бу разилликларга жавобан:

— Эй Абду Маноф ўғиллари, бу қандай қариндошлиқ, ахир?! Бу қандай қўшничилик? — дердилар. Ҳар куни алоҳида бир сабртоқат, алоҳида бир сабот билан бу азиятларга нисбатан юракларини кенг қилдилар.

Пайғамбар жанобимиз эшикдан чиқишилари билан дуч келадиган фожиавий манзарага орасира бир нодон хотиннинг қаҳқаҳаси ҳам қўшиладиган бўлди. Бу хотин ўзини тия олмай:

— Амр этгинда, шайтонинг келиб ҳовлингни тозалаб кетсин, — деб бақирав эди.

Бир куни Абу Лаҳаб ғалати бир ҳолга дучор бўлди. Ҳар кунги одатини килиб, ахлатларни бир ифлос чепакка солиб, Муҳаммаднинг ҳовлисига тўкиш учун кетаётган эди. Энди тўкаман деб турганида, аллақандай бақувват қўллар орқасига чанг солганини ҳис этди. Ўгирилиб қаради. Кархисида укаси Ҳамза туради.

— Нима қиляпсан?.. — деди Абу Лаҳаб довдираганча. Ҳамза ортиқ кутиб турмади:

— Менга бер чепакни! — дея шартта олдида, бир ҳамла билан акасининг бошидан тўкиб юборди. Сочсоқоли расво бўлган, юз-кўзидан ювиндилар оқаётган Абу Лаҳаб руҳи сингари жирканч бир овоз билан чинқирди:

— Аҳмоқ, динсиз!

Ҳамза ғурур билан, расвойи жаҳон бўлган акасига тикилиб турар, енгил қулимсирап эди. Абу Лаҳаб ғўлдиради:

— Уялмайсанми шундай қилишга?

Бу ҳали ҳолва эди. Чунончи, Ҳамза дедики:

— Йўқ, сира ҳам уялмайман. Қайтага, жуда мамнунман. Сен ўзинг ҳар куни укангнинг ўғлига шундай ифлосликни қилганда, нега уялмадинг? Бу ишни бошқалар қилса, олдини олиш ўрнига, сенинг бу қадар пасткашлик қилишинг айб эмасми?

Абу Лаҳаб Масад сурасини ўқиди:

— Хўш, бунга нима дейсан? Одам ўз амакисини ҳам дўзахи қиладими?

Сен шунга лойиқ бўлдинг, ё Абу Лаҳаб. Қани айтчи, унга бу даражада телбаларча разиллик қилган ёки қилаётган яна ким бор? Олдин сен унга қарши душманларча ҳаракатга киришдингми ёки у сенга бекорданбекорга шу сўзларни айтдими? Нега бошқа амакилари ҳақида бундай демадиyo, сен ҳақингда шундай гапирди? Мен қўрқаманки, эй Абу Лаҳаб, укангнинг ўғли томонидан берилган бу хабар, бежиз эмасдир...

Абу Лаҳаб асабийлашган тарзда теззез юриб, уйига кириб кетди.

\*\*\*

Бир томондан амакилари Абу Лаҳабнинг битмастуганмас одобсизликлари, иккинчи томондан эса, бошқа қўшни Уқба ибн Абу Муйтнинг худди Абу Лаҳаб билан рақобат қилаётгандай кўрсатаётган азиятлари натижаси Расулуллоҳ (с.а.в.) Каъбага яқин бир жойда

истиқомат қилувчи Арқамнинг уйига кўчдилар.

Бутун оила кўчдими ёки фақат пайғамбаримизнинг ўзлари тонг сахарда кетиб, оқшомда қайтиб келардиларми?

Бизнингча, иккинчи тахмин ҳақиқатга яқинроқ бўлса керак. Эҳтимол пайғамбаримиз (с.а.в.) эрталабдан кечгача у ерда бўлғандирлар. Ҳатто баъзан кечалари ҳам ўша ерда ётиб қолғандирлар ва шу йўсинда хотинларию қизларини қўшниларининг безовта қилишларидан халос этган бўлсалар, ажаб эмас.

Заифа аёлларга қарши уюштириладиган бундай ҳаракатларни араблар ўта чиркин иш деб баҳолардилар. Айниқса, буидай ҳаракатларни Ҳазрати Хадича шахсига йўналтиришни қўшнилари ният қилмаганлар. Мана шу сабабларга кўра, уйдан вақтинча чиқиш билан пайғамбаримиз жаноблари оила аъзоларини тинчликхотиржамликка эриштирдилар. Шу воқелик иккинчи тахминнинг ҳақиқатга яқинроқ эканлигини тасдиқлайди.

\*\*\*

Абу Лаҳаб ва унинг хотини Умму Жамил ўзларини дўзахи деб эълон қилган Расууллоҳдан (с.а.в) ўч олиш учун яна бир ишга қўл урдилар. Ўғиллари Утба билан Муаттибга:

— Муҳаммаднинг қизларини рад этасизлар. Ё бизни, ё уларни танланглар, — дедилар.

Натижа шу бўлдики, бир хабар жўнатилиб, унаштириш ришталари узилгани билдирилди. Баъзи ривоятларга кўра, бу унаштириш эмас, никоҳ ришталари эди.

Ўларнинг фикрича, бу ҳаракат Расули Аминдан (с.а.в) олинган ажойиб бир интиқом эди. Ичичларидан хурсанд бўлишди. Ифлос отапг билан ёнган ва ёнажак юраклари бир оз тинчида гўё.

Хикмати чексиз Мавло шу васила билан Ҳабиби Адабини оғир бир юқдан халос этганини унинг хали ўн гулидан бири очилмаган қизларини бундай шарафсиз бир оиланинг келинлари бўлиш ҳақоратидан узоқ тутганини улар тушуна оладиган даражада фаросатли эмас эдилар.

## НИЗО ВА ҚИЙНОҚЛАР

Бир куни оқшомга яқин Абу Дубб водийидан ўтаётганлар бир қанча ёшларнинг ғаройиб хаттиҳаракатлар билан машғул эканликларини кўриб қолдилар. Тўхтаб, кузата бошладилар. Бу орада ёшлар намоз ўқиб бўлдилар. Ахнас ибн Шарик исмли йўловчи уларга мурожаат этди:

— Нималар билан шуғулланганингизни сўрасам бўладими?

— Кўриб турганингдай, ибодат қилаётирмиз.

— Ғаройиб ҳодиса.. санамингиз қани?

— Қанақа санам?

— Биродар, «қанақа санам»инг нимаси? Одатдаги санамда.

— Биз оддий санамларга сифинмаймиз.

Абу Суфён сухбатта аралашди:

— Яъни, буюк Хубал каби, Лот ва Уззо каби санам демоқчи.

— Улар ҳам боягибояги тош эмасми? Бошқа тошлардан нима фарқи бор уларнинг?

Баҳс шу йўсинда қизиб кетди. Келганлар ҳалиги мусулмон ёшларнинг устидан кула бошладилар. Вазият тобора кескинлашар эди. Саъд тезда асабийлашди.

— Ҳозироқ даф бўлинглар бу ердан! — дея шиддатланди.

— Войвой, кўркиб кетдик. Нима, бизни қувиб юбормоқчимисан? — дея мазах қилишди улар.

— Албатта! Тез йўқолинглар бу ердан!

— Маълум бўлдики, сен калтак егинг келяпти экан, эй Саъд. Сени бир оз тарбиялаб қўймасак бўлмайдиганга ўхшайди, токи тилингни ҳадеб узайтиравермагин.

Юқорироқда бир калла суюги турарди. Саъд уни олмоқчи бўлиб чўзилди. Олдию энг оддинда турган йигитнинг бошига тушириб юборди. Суяқ қаттиқ тушиб, ҳалиги йигитнинг бошини ёрди, юзи қора қонга беланди. Пичоқ суюкка бориб қадалган, бўлар иш бўлган эди. Шу боис иккинчи кишининг ҳам адабини бермоқчи бўлди. Аммо энди ўзи таъзирини еб қолиши ҳам мумкин эди. Шуни сезиб, дарҳол орқага чекинди. Қоча бошладилар.

Илохий ваҳий келганидан бери мушриклар билан илк бор юз берган тўқнашув мана шундай содир бўлди. Бу йўлда биринчи марта қон Саъд ибн Абу Ваққос томонидан оқизилди.

\* \* \*

Саъд ибн Абу Ваққос юқорида баён қилинган жанжалдан сўнг ортиқ яширинишининг фойдаси йўқлигини биларди. Маккада бу жанжал ҳақида эшитмаган кимса қолмади ҳисоб.

Шунчаки бир жанжал бўлса, балки бирикки жойда гагшрилиб, тезда унутилиб кетарди. Аммо бу фавқулодда ҳодиса бўлиб, ҳали кўпларга номаълум бўлган дин йўлидаги кураш эди. Шу боис узокяқиндан жуда кўп кишиларнинг диққатини тортди.

Саъдинг онаси Ҳамна воқеани энг охирги бўлиб эшитганлардан бири эди. Зотан, Саъд ҳам эндиликда уйиинг бир бурчагига биқиниб олиб, намозини шу ерда ўқий бошлаган эди. Кун ботмасдан (яъни, аср вақти) икки ракат ва бомдод вақти (кун чиқмасдан) икки ракат намозларинигина ўқиётган эди. Шундай бўлса ҳам, уйда ўқиётган бу намозларни узоқ вақт онасидан яшириб юриш имконсиз эди.

— Ўғлим, бу нима қилганинг? — деб сўради бир куни онаси.

— Намоз ўқияпман, севимли онажоним.

Яъни, ҳалиги жанжалнинг чиқишига сабаб бўлган намозми бу?

— Йўқ, онажон. Жанжалга бу намоз сабаб бўлмади. Уларнинг одобсизликлари, бизнинг устимиздан кулишлари, ёмон сўзларни айтишлари сабаб бўлди.

— Хўп, шундай дейлик, эшитишмча, сен Абдулмутталибининг неварасига қўшилган эмишсан? Унинг динига кирибсан?

— Тўғри, онажон, унинг динига кирдим. Бутларга куллик қилишдан кутулдим. Осмону фалак ва ерни яратган буюк Оллоҳнинг ҳузурига бошимни қўйиб сажда қилиш саодатига сазовор бўлдим.

— Муҳаммад сенга нималарни амр этади?

— Улар бизга бутлардан юз ўғиришни, яккаю ёлғиз Оллоҳга ишонишни, факат Унгагина сажда қилиб, намоз ўқиши, қариндошларга, барча одамларга нисбатан яхши муомалада бўлишни буюрадилар.

— Хўш, ота-она қариндошлар ичида энг яқини эмасми?

— Албатта, шундай, онажон.

— У ҳолда мен сендан, дарҳол Муҳаммад билан алоқангни узишни талаб этаман.

— Бу иш қўлимдан келмайди, онажон.

Ҳамна ҳар нима эвазига бўлса ҳам, ўғлини ўзининг эски динида кўришни истарди.

— Менга қара, ўғлим, мени яхши кўрсанг, бу диндан қайтасан. Яхши кўрмасанг, у ҳолда билганингни қил.

— Онажон, сени нақадар яхши кўришимни ўзинг биласан. Аммо мен кирган бу йўл йўлларнинг энг тўғриси, динларнинг энг гўзалидир. Улсам ҳам, бу йўлдан тоймайман, ортиқ тортишиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Она бу сафар сўнгти чорани ишлатмоқчи бўлди.

У ҳолда шуни яхши билгинки, эй Саъд, сен бу диндан воз кечгунингга қадар, қасам ичиб айтаманки, ҳеч нарса емайман ҳам, ичмайман ҳам. Ё эски динингга қайтасан, ёхуд онангнинг қотилига айланасан. Окибатда номинг нафрату лаънатлар билан тилга олинадиган бўлади, ўғилгинам.

Шундай сўзларни айтиб, уйдан чиқди. Сафога, Марвага борди. Уша теналикларга ўрнатилган Исоф ва Ноила бутларига қўлини сурди ва уйига қайтди. Шу йўсинда ўлим

рўзасини тута бошлади.

Кеч бўлди. Кун ботиб туи чўқди. Тонг отди. Аёл ҳамон сўзида турар, емас ҳам, ичмас ҳам эди.

Саъднинг орасира бу бемаъни исёндан кайтариш учун қилган хаттиҳаракатлари зое кетди. Аёл унга фақат: «Қайтасанми?» дер, истаган жавобни ололмагач, гапсўзни ҳам йигиштираш эди. Емай, ичмай, Саъд билан гаплашмай давом эттирилган ўлим рўзаси туфайли учинчи куннинг оқшомига бориб онанинг дармони қолмади. Хўроллар тонг отганидан хабар берганларида, аёл ҳам ҳушидан кетган эди.

Иккинчи ўғли Умора уни ҳушига келтириш учун юзига сув сепди. Ўзига келиши билан:

—Саъд нима қилди? — деб босинқиради.

—Шу ердаман, онажон.

— Қайтдингми?.. Ота-боболарингнинг динига қайтдингми?..

— Йўқ, энди қайтолмайман, онажон.

Она яиа ҳушидан кетди. Сув ичиришга уриндилар. Оғзини чўп билан очиб, зўрлаб овқат қуидилар. Аёл бир зумга яна ўзига келди ва қўлига илинган бир калтак билан Саъднинг бурнига урди. У ҳадеб лаънатлар ёғдирав, дуойибад қиласи эди.

Саъднинг бурни яраланди... Ўлгунига қадар ўша яранинг изи яхшиёмон кунларидан бир хотира ўлароқ қолди.

Саъд бурнидан оқаётган қонга қарамай, онасининг қаршисида тиз чўқди.

— Севикли онажоним, — деди, — сени жуда яхши кўришимни биласан. Лекин шуни ҳам яхши билгинки, юзта жонинг бўлса, кўз ўнгимда юз марта ўлсанг ҳам, мен бу диндан воз кечолмайман. Энди истасанг, бу бемаъни ўжарликка барҳам бер ва овқатингни е, истамасанг, ема...

Шундан кейин маҳзун бир аҳволда, кўзларидан аччиқаччиқ ёшлар оқиб, ўрнидан турди. Дардини енгиллатишни истади.

Она дунёда энг севимли жигаргўшасига қандай қилиб бу тарз муносабатда бўлади, уни куфрга қайтариш учун қанақасига бу нодонликка боради? Бундан буён онасига қандай муносабатда бўлсин? Орада бир ип узилди, энди уни қандай қилиб қайтадан тугунсиз боғлаш мумкин, ахир?

Шулар ҳақида Пайғамбардан (с.а.в.) сўрамоқчи, У зотнинг муборак тилларидан эшитадиган сўzlари билан кўнглига таскин бермоқчи эди. Аммо булар ҳақида сўрашга фурсат бўлмади. Чунки малаклар оламидан келган янги бир илоҳий хукм ер юзига тараалаётган, пайғамбаримиз у ваҳийни қабул қилиш билан овора эдилар.

Саъд қалби тўла хурмат туйғулари билан набийлар тожининг сўнгги соҳиби бўлмиш Буюклар Буюгининг ҳузурига кирганида, У зотнинг муборак юзларида ҳали ҳам ваҳийнинг таъсири сезилиб турар эди.

Саъд бир неча сония бу муборак чехрага тикилиб қолди. Диққат билан, ўта синчковлик билан қаради. Қўрқиладиган, ташвишланадиган биронта ҳам нуқтачизги йўқ эди бу чехрада. Гўёки вужудларидағи юрак ёритаётган эди бу юзларни. Ў юрак қанчалар соф бўлса, бу юз ҳам шунчалар пок, шунчалар пурзиё эди. Юракда йўқ нарса, юзларида ҳам йўқ эди. Бу муборак юзга қараган зийрак киши: «Шубҳаланаман, бу юз менда ишонч туғдирмади», дейиши асло мумкин эмас эди. Ҳеч кимсага нисбатан ёмонлик қилишни раво кўрмаган бу нуроний чехра ишончлиликнинг хамма белгиларини ўзига жо этган эди.

Бир дақиқадан сўнг ёзув тахтаси сифатида келтирилган курак суягига Набийи Акмалнинг (с.а.в.) оғизларидан «тўқилган» ваҳий калималари нақш этилди:

«Биз инсонга ота-онасини (яъни, уларга яхшилик қилишни) амр этдик. Онаси унга ожизлик устига ожизлик билан ҳомиладор бўлди (яъни, қорнидаги ҳомила каттарган сари онанинг ҳоли қуриб заифлаша борур), уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилда (келур).

(Биз инсонга буюрдикки) «Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин! Ёлғиз Ўзимга кайтажаксан!» Агар улар сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма! Уларга (гарчи коғир бўлсаларда) дунёда энг яхши муомалада бўлгин ва ўзинг Менга ижобаттавба қилган кишиларнинг йўлига эргашгин! Сўнгра Ўзимга қайтурсизлар, бас, Мен сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман». (Луқмон сураси, 14-15)

Саъд ортиқ саволга ўрин қолмаганини ҳис этди. Сўрамаса ҳам, миясини ғовлатаётган саволларга жавоб топган эди.

Ер юзида фақат икки инсон орасида бўлиб ўтган, аммо ҳақиқатан ҳам улкан аҳамиятга эга бу воқеа малаклар оламидан хусусий бир фармон келишига сабаб бўлган, токи ер юзида она ва ўғил бор экан, доимо ўтимли бўлажак бир ҳукм келган эди.

Аёл ҳам ўз навбатида ўлим рўзасига барҳам берди... (Ибн Касир. Тафсир.)

Зубайр ибн Аввомнинг онаси Сафийя Жаноби пайғамбарнинг аммалари эди. Отаси Аввом эса, Фижор жангидаги ҳалок бўлган.

Зубайрнинг мусулмон бўлганини амакиси эшитиб, юзи буришиб кетди. Жиянининг бу ишидан асло хурсанд бўлмаган эди у.

— Эшитганларим ростми, эй Зубайр? — деб сўради жаҳлдан ўзини зўрга тийиб.

— Қайсииниси, амаки?

— Яъни, сабий (юлдузларга сифинувчилардан) бўлганмишсан?

— Асло, амакижон. Ҳеч качон сабий бўлолмайман, — деб жавоб киди Зубайр. Унинг тўғри сўзли эканини амакиси биларди.

— Демак, тухмат қилишибидиа... — деди ва суҳбат шу билан тугади.

Орадан ўтган бир неча кун давомида амаки бу хақда бошқа ўйламади. Аммо тасодифан уни намоз ўкиётганда кўриб колиб, фифони кўкка кўтарилди.

— Сен тунов куни менга ёлғон сўзлабсанда, Зубайр? — деди.

Мен ёлғон гаиирмадим. Ундан ниятим ҳам йўқ, амакижон!

— Яъни, Мухаммаднинг даъватига юриб, унинг динига кирганингни инкор киласанми?

— Йўқ, ҳеч қачон инкор қилмайман. Мухаммад ибн Абдуллоҳнинг динига кирганим рост, аммо у сабий эмас, мен ҳам. Ҳозир ҳам Яратганга сажда қилаётган эдим.

— Масала энди ойдинлашди, — деди амакиси. — У ҳолда, амакинг сифатида дарҳол эски динингга, отанг Аввомнинг ва менинг динимга қайтишингни талаб этаман.

— Бундай қилолмайман, амакижон. Жиддий гапирияпсанми, Зубайр?!

Амакисининг бундай дейиши ўта табиий бир ҳол эди. Чунки тушида ҳам Зубайрнинг бунақа жавоб беришига ишонмасди. Ҳайрат ва ғазаб ичида берилган саволга Зубайр ғоят хотиржамлик билан:

— Албатта, амакижон, жиддий гапириянман, ~ деб жавоб қилди.

— Мен сени амакига қарши чиқадиган бола бўласан деб сира кутмаган эдим. Шу кунгача бундай хаттиҳаракатни кўрмадим. Демак, энди бутунлай ўзгарибсанда?!?

Зубайр анчагача панднасиҳат тинглади. Аммо булар фойда бермади. Насиҳатлар кор қилмагач, қўлоёғи боғланди. Бир хонага қамаб қўйилди.

Орадан йигирма тўрт соат ўтди. Бу жазо етарли бўлиши керак эди. Тонг сахарда амакиси Зубайрнинг қўлоёғини бўшатиш учун ёнига кирди.

«Кечиринг, амакижон, мендан хато ўтди, пушаймонман...»

Зубайрдан шу гапни эшитиш, уни бағрига босиш, кўзларидан ўпиб, ўзининг афсусларини ҳам айтишни истарди. Ҳали ўн олтиён етти ёшларда бўлган, яхшиёмонни фарқламайдиган жиянига оталик килиш унинг вазифаси эди, ахир.

— Қалайсан, ё Зубайр?!

— Кўриб турганингдай, амакижон.

— Яъни, пушаймон бўлмадингми?..

Шундай деркан, олиб кирган бутини Зубайрнинг олдига қўйди.

— Қани, бунга сажда қилгинда, у ҳам ўз навбатида сени афв этсин.

Зубайр аччиқаччик кулди:

Бир тошнинг қошида қандай қилиб эгилиб сажда қиласман, ахир?

Амакисининг кўзи қонга тўлди:

— Ақлдан оздингми, Зубайр? Нималар деётганингни биласанми? Неча йиллардан бери мен унга сифиниб келасман. Сенинг отанг, онанг, боболаринг хам ҳаммаси унинг қошида сажда килғанлар! — Шундан кейин бутга ўтирилди ва йифламоқдан бери бўлиб: — Афв эт уни, нима қилаётганини билмайдиган бир бечора, алданибди, ҳали жуда ёш у... — дея ёлворди. Сўнг яна Зубайрга ўтирилди: — Тушундим, энди сени яхшилик билан йўлга сололмас эканман, — дея хурмат билан бутни олиб, ташқарига чиқиб кетди.

Бир оздан сўнг эшикнинг тагига ўтин каланди. Олов ёқилди. Хона тутунга тўла бошлади. Зубайр димоқни бўғувчи бир туман оғушида колган эди. Тинмай аксирап, нафас олиши оғирлашар, кўзлари, томоғи ўт каби ёнар эди.

Шу онда Набийи Акрамнинг (с.а.в.) ушбу муборак сўзлари қулоқлари остида жаранглай бошлади:

«Уч нарса бордир, кимки мана шу уч нарсага эга бўлса, комил бир имон соҳиби демакдир:

1) Оллоҳ таоло ва Расулини бошқа ҳар қандай борлиқдан қўра ортиқ севиш; 2) бир инсонни фақат Оллоҳнинг розилиги учун яхши кўриш; 3) такрор куфронга хаётга қайтишдан оловга ташлангандай қўрқиши ва нафратланиш». (И мом Бухорий. 1/9. 250)

Зубайр зўргазўрга нафас олар, кўзлари ва бурнидан тинимсиз ёшу сув оқар, чаккалари лўқиллаб оғрир эди. Хонага тўлган тутун орасида «Оллоҳим, сабр бер...» тарзида илтижо қилар, унинг сўзлари бешак олий девонгача юксалаётган эди.

Ниҳоят, оғироғир нафас олишу бетўхтов аксиришлар сўнгги бор «Оллоҳим!» деган сўз билан тўхтади. Зубайрнинг ерга йиқилгани маълум бўлди. Олов ўчирилди, эшик очилди. Хонадаги тутун ташқарига чиқиб, ўрнига тоза ҳаво кирди. Зубайрни ташқарига олиб чиқдилар. Юзига совуқ сув сепиб хушига келтирдилар. Кўзларини очганда, тепасида амакиси туради. Аммо ҳамон бошини кўтаришга мажоли йўқ эди. Қайтақайта сув сепилди. Амакиси ёнидаги бутга ишора қилди. Зубайр нигоҳлари билан жавоб беришга уринди: «Ўлсам ўламан, аммо унга кул бўлмайман», дейишни истарди.

— Демак, фикрингда событсан, шундайми, Зубайр?! Зубайр пичирлаб жавоб берди:

— Ўлиш бу жонсиз тошга сажда қилишдан яхшироқдир.

— Сўнгги сўзингми шу?

— Йўқ, бугина эмас.

— У ҳолда сендан сўнгги сўзингни сўзлашингни кутяпман.

— Ла илаҳа иллаллоҳ, Мұҳаммадур Расулуллоҳ. Мана, менинг сўнгги сўзим. Доимо шу бўлажак.

Зубайрнинг юзига шиддатли бир мушт келиб тушди. Кейин яна ўт ёқилди, хона яна бўғувчи тутунга тўла бошлади. Такрор узуқюлук, давомли аксиришлар бошланди. Кўп ўтмай Зубайр хушидан кетди.

Бу зулм бир неча бор такрорланди. Натижка ўзгармади. Ҳаммасида қайтиш таклиф этилди, ҳаммасида бу таклиф рад этилди. Ахийри, амакиси «Одам бўлмайди» деб ҳукм чиқарди ва қўйиб юборди.

Зубайр ибн Аввомнинг онаси Сафийя Жаиоби пайғамбаримизнинг аммалари эди. Ўғлига берилган бу қийноқларга унинг муносабати қандай бўлди? Рози бўлдими ёки рози бўлмаса ҳам, қаршилик кўрсатишга журъят эта олмадими? Ёхуд унинг норозилиги ҳеч кимга билдирилмадими? Бу саволларнинг жавоби тарих зулматларига кўмилгандир.

\* \* \*

Усмон ибн Аффон мусулмон бўлган кунларда ўттиз ёшлар чамаси бир қирчиллама йигит эди. Ўрта бўйли, буғдойранг танли, гўзал юзли, серсоқол эди. Тозаликни яхши кўрар, доим озода кийиниб юрар эди.

Мусулмон бўлган кунгача ҳам оғзига ичкилик олмаган. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) аммалари бўлмиш Умму Ҳаким Байзонинг қиз томондан невараси эди.

Маълум бир пайтгача унинг мусулмон бўлганини ҳеч ким билмади.

Ҳаким ибн Абул Ос бир куни жияни Усмон ибн Аффонни намоз ўқиётганида, худди жиноят устида ушлаб олгандек, кўриб қодди.

— Нималар бўляпти, Усмон? Нималар қилаётиран  
ўзи?

Усмон юмшоқ овоз билан жавоб берди:

— Намоз ўқияпман, амакижон.

— Яъни, ибодат қилаётиран, шундайми?

— Ҳа.

— Хўш, санаминг қани? У каерда?

— Мен санамга сифинмайман. У бир тош бўлаги, холос, — деди Усмон ва оламларни ёлғиз Оллоҳ яратганини, Ундан бошка ҳеч бир илоҳ йўқлигини сўзлади. Ҳаким бу гапларни эшитган ҳамон тепа сочи тикка бўлди.

— Сен буларни қаердан ва кимдан ўргандинг? — деди дарғазаб бўлиб.

— Муҳаммад Аминдан ўргандим. Ҳақиқат эканлигига бутун қалбим билан ишонаман.

— Кўзингни оч, Усмон, сенинг уятchan бир йигит эканлигиндан фойдаланиб, йўлдан оздираётган бўлмасинлар, тағин.

— Йўқ, амаки, мен васвасага солинмадим, ишондим. Шу бутлар илоҳ эканлигини қабул этсан, ана унда йўлдан озган бўламан.

— Бу жиддий гап эмас, Усмон!

Орасира дўқпўисали, баъзан насиҳатомуз давом этган узоқ баҳслашувдан кейин Усмон арқонлар билан боғланди. Қамок муддати бир неча кун давом этди. Аммо Ҳаким жиянининг бу мавзуда ўта самимий эканлигига ишонч ҳосил қилди. Келиб арқонни бўшатди ва хоҳлаган ишини килишга изн берди.

Абу Ухайҳа Абдулмутталибининг невараси Муҳаммад Аминдан бирон нуқсон топмасада, сўнгги пайтларда у чиқарган дин муаммосидан хурсанд эмас эди.

Чор атрофда қўплаб ёшларнинг Муҳаммадга қўшилаётганини эшитиб, хушёр туриш ва тадбиркор бўлиш лозимлигини хис этди. Чунки ўғилларини ҳам васвасага солиб, йўлдан оздириш эҳтимоли бор эди.

Биринчи чора сифатида ўғилларига Ҳазрати Муҳаммад ва у зотга имон келтирганлар билан учрашишни тақиқлаб қўйди. Анъанавий ҳаёт тарзларининг ўзгаришини, кечираётган ширин турмушларининг бузилишини сира ҳам истамас эди у.

Бир куни қулоғига етиб келган хабардан ларзага тушди. Одамлар ўғли Холиддинг Маккадан ташқаридаги бир водийда намоз ўқиётганини кўришибди.

Дарҳол бошка ўғилларини ўша ерга жўнатди. Уни ушлаб олиб қслишни буюрди. Бориб қарасалар, ҳақиқатдан ҳам намоз ўқиётган экан. Холид отаси Абу Ухайҳа Сайд ибн Оснинг ҳузурига келтирилди.

— Сен қавмингнинг бутларига тил теккизишганини била туриб ҳам Муҳаммаднинг динига кирдингми? — дея Абу Ухайҳа ўғлини бу девоналиқдан воз кечиришга уринди. Аммо Холиддан:

— Мен девона бўлганим йўқ. Ўз ақлим билан эътиқод этиб Муҳаммаднинг динига кирдим.

У бизга тўғри йўлни кўрсатди. Ўлсан ўламан, лекин бу йўлдан асло тоймайман! — деган жавобни олди.

Абу Ухайха ўрнидан сапчиб туриб, қўлидаги хивчинни бор кучи билан Холиднинг бошига туширди. Шу тариқа иккиуч марта қаттиқ савалади. Тиним билмай, нафас олмай саваларди у, Ниҳоят, хивчин синди. Ҳолбуки, Абу<sup>^</sup> Ухайҳа хали хумордан чиқмаган эди.

Йўқол кўзимдан, нодон! — дея ҳайкирди. — Бугундан бошлаб сенинг ризқингни қияман!

Холид бир ахволда бўлишига қарамай, бошини зўрга кўтариб, деди:

— Ҳар кимнинг ризқини Оллоҳ беради. Сиз ризқимни кессангиз хам мен очдан ўлмайман.

Холид уйнинг бир хилват бурчагига қамаб қўйилди. Қўлоёғи боғланган, сув ва овқатдан маҳрум этилган эди. Ота:

— Агар биронтангиз Холид билан гаплашсангиз, Холидга берганимдан кўра ҳам оғирроқ жазо бераман! деб таҳдид қилди оила аъзоларига.

Холиднинг қамалганига уч кундан ошганида, Абу Ухайҳа эшиқдан бошини суқди:

— Эсхүшингни йиғиб олдингми? — деб сўради.

— Ҳа.

— У ҳолда Муҳаммад ва унинг дини ҳақида менга нималарни гапирмоқчи бўлсанг, марҳамат.

Холид чуқур нафас олди ва гап бошлади:

— Муҳаммад Оллоҳнинг расулидир. У даъват этаётган дин эса, Ҳак диндир. Энг тўғри йўл Унинг йўлидир.

Абу Ухайҳа ўзини йўқотиб қўйди:

— Эй ахлоқиз, нодон, ҳозиргина эсхүшимни йиғиб олдим, деган сен эмасмидинг?!

Холид ожиз бир овоз билан жавоб берди:

— Эсхүшим жойида бўлгани учун ҳам тошларни маъбуд деб қабул қилмайман, ахир... — деди.

Абу Ухайҳа бошқа ўғилларига буюрди: Холидни кўтардилар ва бошини муздай сувга тиқдилар. Неча кундан бери очликдан ва сувсизликдан дармони қуриган Холид бирпасда хушидан кетди. Буни кўриб сувдан чиқардилар. Бир неча дақиқа шундай ётди. Ўзига келган заҳоти яна сувга туширилди. Қаршилик кўрсатишга кучи қолмаган Холид яна ҳушини йўқотди. Бу қийноқ уч марта тақрорланди, кейин тўхтатдилар. Олиб бориб яна қамаб қўйдилар.

Кечаси секин эшик очилиб, умр йўлдоши Умайна кирди. У эрига овқат олиб келган эди.

— Сенга хушхабар келтирдим, эй Холид, — деди севинч ёшларини оқизиб, — бугундан бошлаб мен ҳам сенинг динингга кирдим. Мен ҳам бутлардан воз кечиб, ёлғиз Оллоҳ борлигига имон келтирдим. Муҳаммад Амин Оллоҳнинг расули эканлигига шубҳам қолмади.

Холид бениҳоя хурсанд бўлиб кетди, аммо бу хурсандчиликни изҳор этишга ҳам дармони йўқ эди. Кўзларининг ичида ғирапшра порлаган хушнудлик зиёсини кўришга эса, қоронғилик халақит берарди.

Холид олиб келинган овқатни еди. Сал бўлса ҳам, дармонга кирди. Ечилган арқонни шу ерда қолдирди, сўнгра ота хонадонини бутунлай тарқ этиб, чиқиб кетди.

Эрталаб Холидни қамаб қўйилган хонадан топа олмаган Абу Ухайҳа нима қилди? Холиднинг хотинига жабр қилиндими? Умайна хоним ҳам ўша кечаси Холид билан бирга чиқиб кетдими ёки вақтинча яна уйда қолдими? Бизга қоронғи.

Фақат шу нарса аёнки, Холидга кўрсатилган жабру жафолар унинг яқинларига қаттиқ таъсир қилди. Чунончи, хотини Умайнанинг мусулмон бўлиши бунинг срқин далилидир. Кўп ўтмай, Холиднинг укаси Амр ибн Саид ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимизнинг ҳузурларида шаҳодат келтирди ва мусулмои бўлди.

Шу воқсадан кейин Холид уйига қайтмади. Макка тоғларидаги ғорлардан паноҳ топди. Шу

ерларда тоатибодат қилиб юрди. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига борди, қаршиларига тиз чўқди, у зотдан таралаётган хушбўй ислардан баҳраманд бўлди, қалбларга ҳузур бағишловчи каломларини тинглади.

Имон келтиргандан сўнг такрор кофириона ҳаётга қайтишдан оловдан қўрқандай қўрқиб чекинган Холид оғир синовдан ўтган, комил имон соҳиби эканлигини ҳаётини хавф остига кўйиб исботлаган эди. Асл мукофот охиратда олинади. Аммо у ҳалиҳозирданоқ, буюкларнинг буюги Пайғамбаримизнинг ҳузурларидаёқ мукофотини ола бошлади.

\* \* \*

Амр ибн Абаса Сулайм қабиласидан бўлиб, қавмининг яшаш тарзидан норизо бир киши эди. Уларнинг бутга сифинишдек жаҳолатга берилгани уни қуонтиради.

Кўпинча, сафар чоғларида роҳиблар билан суҳбатлашиб қолса, улар яқин вақтларда Ҳижоз томонлардан бир пайғамбар чиқади, деб гапиришарди. Шу боис Амрнинг икки қулоғиу икки кўзи Маккада бўлиб қолди. Ҳар сафар Ҳижоздан келадиган кишиларнинг йўлини пойлар, улардан «Маккада яна нима гаплар бор?» деб суриштираси эди. Нихоят, бир куни маккалик йўловчилар бир янгилик топиб келдилар.

— Ган кўп, эй Амр, — деди улар. — Макка худди бир дошқозондек қайнамокда Абдулмутталиб авлодидан Мухаммад ибн Абдуллоҳ исмли бириси пайғамбарлик даъвоси билан ўртага чиқди. Ҳозир ҳамманинг оғзида шу гаплар бўлиб қолди...

Амр бир дақиқа ҳам вақтини бой бермай, дарҳол туясиға минди ва Макка томонга йўл олди.

Қидирган одамини топган онда бир зум ҳайратдан ломмим деёлмай қолди. Каршисида юзидан нур ёғилиб турувчи, бағоят келишган, ёқимли бир инсон турар эди. Кўзлари бу одамнинг ғоят самимий, ростгўй эканига бир далилдек порларди. Узоқ йиллик ҳаётий тажрибаларига суюнган ҳассос юраги гўё: «Бу одамга ишонмасанг, дунёда бошқа ишонса бўладиган инсонни қидиришинг бехуда!» деяётгандек, теззез ура бошлади. Ёнига ўтириди, баъзи бир нарсаларни сўради. Сўнгра:

— Жуда соз. Мен ҳам сенинг йўлингни танладим, сенга имон келтиридим! — деди.

Шаҳодат калималарини келтирди, мусулмон бўлди.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ёнларида қолишини, У зотга қўлидан келганича ёрдам беришни истарди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) унинг бу фикрларига қўшилмадилар.

— Сен бу ерда қолсанг бўлмайди. Кўриб турибсан, ҳозир вазият жуда оғир. Сен яххиси ҳозир уйингга қайт ва менинг ғолиб чиққанимни эшитган заҳотинг келиб менга қўшил, — дея маслаҳат бердилар.

Амр ибн Абаса Расули Кибриёнинг бу амрларига бажонидил рози бўлди ва ўша заҳотиёқ уйига қайтиб кетди.

Йиллар ўтар, бирон хушхабар эшитиб қоларман, деган умидда Амр келганкетгандардан Маккадаги аҳвол ҳақида сўрабсуриштираси эди. (Имом Муслим. 1 /569.)

\* \* \*

Ғифор қабиласида ўз ҳолича кун кечириб юрадиган ақаука бўларди. Аканинг исми Абу Зарр, укасининг исми Унайс эди. Бир куни, Маккада пайғамбар чиқибди, деган хабар қулоқларига чалинди. Абу Зарр:

— Туянгга мину, ҳозироқ Маккага йўл ол, эй Унайс. Булар миш-миш гапларми ёки ҳақиқатми эканини билиб кел, — деди.

Унайс акасининг истагини бажо келтириш учун Маккага бориб келди.

— Қандай хабарлар келтирдинг, эй Унайс?!

— Бир одамни қўрдим. Эзгулик тарфдори, ёмонликнинг душмани экан. Бироқ ҳалқ унга қарши.

Абу Зарр бу жавобдан қониқмади:

— Дардга даво, чанқоқликни босадиган жавоб бўлмади бу гапларинг, эй Унайс! — деди юраги типирчилаб.

Сўнгра тўрвасини елкасига осиб, қўлига ҳассасини олиб, ўзи йўлга тушди. Маккага келди. Ҳеч кимдан ҳеч нарса ҳақида сўрамади. Замзам сувидан ичиб, бир чеккада хаёл суриб ўтираверди. Оқшом тушган, кун корая бошлаган эди. Ҳамма биринкетин тарқала бошлади. Бир оздан сўнг Ҳарамда деярли ҳеч ким қолмади. Кечани шу ерда ўтказишдан ўзга чора йўқ эди.

Шу пайт хали балофат ёшига етмаган бир ўсмир унга яқинлашди.

— Адашмасам, мусофирга ўхшайсан, шундайми? — деб сўради.

— Ҳа, мусофиран.

— Марҳамат қил, бизникига борамиз.

Абу Зарр ўрнидан турди. Боланинг кетидан уйларига борди. Овқатландилар. Арабларнинг одатига кўра, ундан ким эканлиги, қаердан келганлиги сўралмади. Мусофири ҳам бу тўғрида ҳеч нарса демади.

Тонгсаҳарда Абу Зарр «зора излаганимни топсам», деган умидда уйдан чиқиб кетди. Кеч бўлди ҳамки, Мухаммад ибн Абдуллоҳ ҳақида ҳеч бир хабар эшифтади. Коронги тушар маҳали у яна кечаги жойига бориб ўтиреди. Бир пайт:

— Ҳой мусофири, кеча меҳмон бўлган уйингни йўқотиб қўйдингми? — деган овозни эшитиб, Абу Зарр ўтирилди ва кечаги ўемирни кўрди. Ўрнидан туриб, яна у билан кетди.

Учинчи кун ҳам яна ортиқча гапсўзсиз ўша уйнинг меҳмони бўлди. Тонг отди. Келганидан бери роппароса уч кун ўтган, у ҳамон излаган кишисини тополмай сарсон эди.

— Ҳой мусофири, нега ҳеч индамайсан? Бу ерларга нима мақсадда келдинг? Кдни, гапиричи, балки ёрдамим тегиб қолар? — деди ҳалиги ўсмир.

— Агар сўзларимни сир тутишга ваъда берсанг, айтаман.

— Менга ишонавер.

— У ҳолда гап бундай. Мухаммад ибн Абдуллоҳ исмли бир кишини қидираётиман. Пайғамбарман деб даъво қилаётган эмиш. Топа олсан, у билан сұхбатлашмоқчи эдим. Менга ёрдам бера оласанми?

— Сен қидираётган одам амакимнинг ўғли бўладилар. Менинг исмим Али, ҳозироқ у кишининг ҳузурларига боришимиз мумкин. Орқамдан измаиз борасан. Агар хавфли бир нарсани сезсан, деворнинг тагига қайтиб келаманда, сенга ишора қиласман. Сен мени кутмай, тез орқага кайтишинг керак бўлади. Агар деворнинг ёнига қайтиб келмасам, сен ҳам мен кирган уйга кирасан,

хўпми?

— Мени хурсанд қилиб юбординг, эй Али, — деди Абу Зарр омади чопганидан боши кўкка етиб. Ва турли-туман ҳаяжону ҳислар оғушида Алининг кетидан юриб кетди. Тўғри Расулуллоҳнинг уйларига борди.

Кирдилар... Абу Зарр Расулуллоҳни кўраркўрмас бутун вужудини титроқ босди. Бир оз вақт шу тахлитда кечди. Сўнгра ўзини тутиб олиб:

— Келтирган дининг ҳақида менга гапириб берсанг, — деди.

Ислом динининг моҳияти, мазмун, мақсадини шахсан пайғамбаримизнинг тилларидан эшитишга мушарраф бўлди. Тинглаб ўтирас экан, қалби тобора ҳузурхаловатга тўлаётганини ҳис этарди. Пайғамбаримиз гапларини тугатгач, зўр ҳаяжон ва самимий ишонч билан:

Мен шоҳидлик бераманки, Оллоҳдан бошқа ҳеч бир маъбуд йўқдир. Яккаю ягонадир, тенги ҳам, ўхшаши ҳам, шериги ҳам йўқдир. Яна шоҳидлик бериб айтаманки, сен Унинг бизларга йўллаган расулисан! — деди.

Набийи Ақрам (с.а.в.) ғоят мамнун бўлдилар.

— Эй Абу Зарр, сен ҳозирча бу ишни сир сакла. Юртингга қайт. Ишимиз бароридан келиб, ғолиб чиққанимизни эшиганингда, келиб бизларга қўшил, — дея тайинладилар.

— Эй Оллоҳнинг расули, сизни ҳақ пайғамбар қилиб жўнатган Парвардигоримизга қасамлар бўлсинки, овозим борича Макка халқига бу ҳакиқатни етказмагунча ҳеч қаерга кстмайман!

Шундан кейин Абу Зарр Каъба ёнига келди ва ваъдасига биноан қичқира бошлади:

— Эй маккаликлар! Эшитмадим деманглар!..

Шовқинсурон тиниб, ҳамма мусофириңнинг юзига тикилиб қолди. Одамларнинг дикқатини жалб этишга муваффақ бўлган мусофири бор овозда даъвосини эълон этди:

— Ашҳаду алла илаҳа иллоллоҳ ва ашҳаду анна Мұхаммадан ъабдуҳу ва росулух.

Бу муборак сас Масжиди Ҳарамда илк янграган шаҳодат калималари эди. Томоғи йиртилгудай бўлиб, бор кучи билан бақираверди. Овози Каъбанинг деворларидан Масжиднинг бурчакбурчакларигача тарқалди. Курилгандан бери бу сўзларга муштоқ бўлган Каъба, ушбу муборак жумлани соғинган Масжиди Ҳарам худди жонлангандай бўлди. Бутун коинотнинг муаззам тузуми мана шу сўзлар асосига қурилган, десак сира янглишмаймиз. Шу пайтга ҳали ҳеч бир инсон бу ерда бундай хайрли сўзларни сўзламаган, бу сўзлар азалдан абадиятга қадар саодат ва фазилатнинг ягона ва мутлақ қалитига айланган эди.

Шу кунгача ҳеч ким қиломаган ишни қилган мусофирига нисбатан миннатдорлик ва шафқат ҳиссила тўлган бир неча нигоҳ Муборак байтнинг эгасига йўналди: «Оллоҳим, Ўзинг уни паноҳингда аср», дея илтижо қилди.

Бошқа кўп кишиларнинг эса, юзлари буришди. Илк иккиланиш ҳисси узоқ давом этмади. Мусофири учинчи марта калимаи шаҳодатни келтира бошлаган эди ҳамки, ўрнидан сапчиб турғанлар бўлди:

— Овозини ўчиринг бу тирранчанинг!..

— Уринг, аяманг бу аblaҳни! — деган овозлар бир-бирига қоришиб кетди.

Абу Заррнинг устига бостириб кела бошладилар. Ёмрирдек биринкетин ёғилган тонлар, шапалоғу калтаклар уни ерга йиқитди.

Устига ёпирилдилар. Сўкиниш, карғиш ва калтаклар ҳеч тўхтамас эди.

Бу орада Аббос уларнинг орасига кирди. Абу Заррнинг устига ётиб олди.

— Уят сизларга! Шунча киши биргалашиб, бир мусофирини ўлдирмоқчисиз? Эртага тижорат йўлингиз Гифор қабиласидан ўтишини унунтдингизми? Тортинг қўлингизни!

Абу Зарр роса дўппосланган, зўрға нафас олар эди. Вужуди қақшаб оғриқ берар, бу оғриқларга чидаёлмай ишрар эди. Тонггача шу аҳволда қийналиб ётди. Аммо кўнгли заррача яраланмаган эди. Қалбан ўта хотиржам, ўта тинч эди. Шунинг учун бўлса керак, эртаси куни яъни Каъбга борди, яна бақирибчақириб калимаи шаҳодатни такрорлай бошлади. Яна устига ёпирилиб, калтаклай бошладилар. Бу дафъа ҳам уни Аббос ўлимдан қутқариб қолди.

Имон ва Исломнинг тимсоли бўлган калимаи шаҳодат маккаликларга илк бор Абу Зарр томоиидан ушбу тарзда эълон этилган эди.

\* \* \*

Дбу Лаҳабнинг юзсизлиги энди айни шаклда Мұхаммаднинг иккинчи бир қўшниси Уқба ибн Абу Муойтга ўтган эди.

У ҳам уйида йиғилиб қолган ахлатларни девордан ошириб Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳовлиларига тўкар, баъзан эшикларининг тагигача сочиб юборар эди.

Бир куни яна ахлатларни энди тўқай деб турганида бирдан кимдир чақириб қолди.

— Шошмай тур, эй Уқба! — дерди бу овоз. Ўгирилди. Овоз эгаси Тулайб эди... У тез-тез юриб Уқбанинг олдига келди. Кулимсираб:

— Кани, буни менга берчи, — деди.

— Нима қилмоқчисан, ё Тулайб? — деб сўради Уқба довдираб.

Тулайб ортиқ кутиб ўтирмай, шарта ахлат челакни олдида, Уқбанинг бақирибчақиришига қарамай, бошидан сочиб юборди. Ахлат Уқбаниш сочсоқоли, устбошини расво қилди. Тулайб

икки одим орқага тисарилиб томоша қиларкан, қаҳқаха отиб кулди:

— Мана энди бир одамга ўхшадинг, эй Уқба, —деди.

— Арво, ҳой Арво!..

Абдулмутталибнинг қизи эшикни очганида, ғаройиб бир манзарага дуч келди. Остонада Тулайбни маҳкам тутганча, устбоши ахлатта беланганд Уқба ибн Муойт турарди. Ўқба ёши анча катта, Тулайб эса, қирчиллама бир йигит. Манзара бениҳоя кулгили эди. Зотан, Арво ўзини тия олмай, қаҳқаха отиб юборди.

— Нима гап, эй Уқба?!

— Ўғлингнинг ишини бир кўриб қўй! — деди Уқба дарғазаб ҳолда.

Арво бирдан кулгидан тўхтаб, жаҳл ила ўғлига ўғирилди:

— Нимага бундай қилдинг, Тулайб?..

Тулайб бўлган воқеани рўйи рост гапириб берди. Шундан сўнг Абдулмутталибнинг қизи Арво яна Уқбага қаради:

— Ўғлимнинг ишидан жуда хурсандман, Уқба! Ундан фахрлансан арзиди. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ менга жондошқондош жиян, бунга эса, тоғавачча бўлади. Сенинг шу разил ишни қилаётганингни кўрабила туриб индамай ўтиб кетганида эди, ана унда хафа бўлардим. Сен қилмишингга яраша жазо тортибсан. Энди ўғлимни қўйиб юборгинда, тезроқ бу ердан даф бўл! — деди.

## БИЛОЛ ҲАБАШИЙ

Билол ибн Абу Рабоҳ ҳабаш — қопқора танли, узун бўйли, бир оз букри, соchlарига оқ тушган, сийрак соқолли бир қул эди. Макка аслзодаларидан Умайя ибн Халафнинг қули эди.

Умайя Билолнинг мусулмон бўлганини эшитиб, қутуриб кетди. Ўзига қарам бўлган бир одамнинг рухсат сўрамай, ҳатто у билан маслаҳатлашишни ҳам лозим кўрмай, динини ўзгартирганига чидаёлмай колди.

— Чақиринг менга ўша ахлоқсизни!

Бир оздан сўнг Билолни унинг қаршисига келтирдилар.

— Муҳаммаднинг динига кирган эмишсан?!

— Ҳа, унинг динига кирдим ва ҳақиқий ҳузур-ҳаловатни ўша диндан топдим, — деб жавоб қилди Билол мағрур қиёфада.

— Жуда соз. Аммо энди у диндан қайтасан!

— Асло!

— Тушунмадим.

— Дунё остиностун бўлиб кетса ҳам, бу диндан қайтиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайман!

Умайя бошқа қулларига ўғирилди.

— Олиб боринг буни! — деди.

Билолни қамчи билан савалай кетишиди. Ҳар зарба урилганда қамчи яланғоч баданида узунузун из қолдирав эди. Умайя шахсан ўзи бу қамчиласини назорат қилиб турарди.

Билол ҳар саваланганда:

— Аҳад!.. Аҳад!.. Аҳад!.. — дер эди.

Умайя бир ишора билан савалашни тўхтади. У қулининг сўзларига қизиқиб қолган эди.

— Қамчилар сонини санаяпсанми? — деб сўради киноя ила.

— Йўқ.

— Бўлмаса, нега ҳар қамчи еганингда «бир... бир...бир...» деяпсан?

— Оллоҳу аҳад (яъни, Оллоҳ бирдир) демокчи эдим.

— Тушунарли. Бу сўзингдан қайтмагунингча ва илоҳларимизга сифинмагунингча

калтакланаверасан.

Умайя яна ишора қилди. Қамчи ҳавога кўтарилиб визиллар экан, Билолнинг:

— Ҳеч қачон... токи тирик эканман, мени бутларга сажда қилаётган ҳолда кўрмайсан! — дегани эшитилди.

Қамчиларнинг вазиллаши давом этар, «Аҳад... Аҳад.» сўзлари ҳам уларнинг зарбасига ҳамоҳанг равишда такрорланар эди.

Умайя қулига дағдаға қилди:

— Агар бирон марта секинроқ урганингни сезиб қолсам, сенинг ҳам абжағингни чиқараман, билиб қўй!!!

Дарҳақиқат, у ҳазиллашмаётган эди. Неча қамчи тушганини Билол ҳам, уни савалаётган дўсти ҳам билмас эдилар. Шунга қарамай Умайя:

— Ур, яна ҳам қаттиқроқ ур! Ё қайтсин, ё ўлиб кетсин, дер эди. Юзида заррача раҳмшафқат аломати кўринмасди.

— Билол хушидан кетди, эй Умайя.

— Ур! Атайлаб шундай қилмокда.

Билол чиндан ҳам хушидан кетган эди. «Аҳад... Аҳад...» деган овоз ҳам эшитилмай қолди.

Бехуш вужудга туширилаётган қамчи зарбалари энди из қолдирмай, Билолнинг елкасини қора қонга белар эди. Нихоят, хоин бир жуфт кўздан қилинган «етар» ишораси билан калтаклаш тўхтатилди. Умайя муродига етган кишидай енгил тортиб:

— Шаробимни олиб келинг, — деб бақирди.

Иккинчи кун...

Холдан кетган Билолни Умайянинг қошига олиб келганларида, оёғида туролмас эди.

Умайя хонанинг бир бурчагида турган бутни кўрсатди ва Билолга ишора қилди. «Қани, унга сажда қилгинчи!» дегани эди бу.

Билол бутга яқинлашди. Умайя енгил нафас олди. Нихоят одам бўлибди, деб ўйлади. Унингча, демак, қамчилар зарбаси зое кетмабди... Билол бутга яқинлашди Да, кучли бир нафрат билан унинг башарасига тупурди:

— Сизлар илоҳ дейдиган бу бут ўзининг борлигидан Ҳам бехабар бир тоивдир! Сиз...

Ортиқ сўзга улгурмади. Умайя саичиб бориб, жонҲолатда Билолни тепиб юборди. Билол ерга йиқилди.

Яна қамчиласи... Билол қачонгача калтакланганини Ҳам фарқлай олмади. Аммо хушидан кетгунгача «Аҳад... Аҳад...» дейишдан тўхтамади.

Умайя маҳалласидаги болаларни чақирди. Уларга пул бериб, бўйнига арқон солиниб, кўллари орқасига боғланган Билолни кўрсатди:

— Кўряпсизларми мана бу динсизни?.. Мана, сизга ота-боболарининг динидан қайтган бир хоин. Вазифангиз — буни кўчаларда судраб тошбўрон қилши. Қани, бир ғайратингизни кўрсатингчи, агар топшириғимни кўнгилдагидай бажарсаларингиз, яна пул бераман.

Қандай маза! Ҳам нул ишлашади, ҳам кўнгилхушлик қилишиб, бир динсизга жазо босришади!..

— Юр, қани, кўрайликчи, ҳой динсиз!

— Юр тезроқ, агла! Бирлари калтак билан Билолни калтаклаган, бошқа

лари бўйнидаги арқондан ушлаб тортқилаган ҳолда... бу ғаройиб ва ачинарли «томоша» Макка кўчалари бўйлаб юракетди. Орқадан Умайя:

— Дадил бўлинглар, болалар! Шундай қилингларки, динидан қайтганига пушаймонлар есин! — деб бақириб қолди.

— Юр, қани, тангриларга тил теккизган бадбахт!

— Юр, хоин!

Бир гомондан ҳақорату калтаклар, иккинчи томондан Билолиинг тўхтовсиз такрорлаётган

«Аҳад... Аҳад...» деган сўзлари бирбирига қоришиб кетди.

Чекилаётган бу азиятлар Оллоҳ йўлида эканлиги, ҳар бир калтак маънавият оламидан юксакларга отилган бир одим эканлиги ҳақидаги ишонч Билолнинг борлиғини қамраб олган эди. Охири ўлим билан тугаса ҳам, абадий саодатга бошловчи йўлга кирилгани ва илгарилаётганига бўлган самимий ишонч...

Кўчамакўча аёвсиз судралиб етказилган бу озору ситамлар кечкурун ниҳоясига етди. Болаларга ваъда қилинган мукофот тарқатилди.

Эртаси куни кўчалар яна Билолни судраётган болаларнинг кўнгилхушлик масканига айланди. Улар Билолни аямай урар, сўкар, устига тупураг эдилар. Билол сир бой бермасди. Уларнинг «юрюр»лари унга: «Юр Оллоҳнинг розилиги учун», дея эшитиларди гўё.

Болалар кўчаларни айланиб чиққач, Макканинг ташқарисига йўл олдилар. Макка водийлари бўйнида аркои билан судралаётган қора танли бир одамни ва уни савалайсавалай, судрайсудрай олдига солиб ҳайдаб кетаётган болаларни ҳазин ва ғамгинлик билан томоша қиласарди.

Болалар бу одамнинг баъзан: «Бир... бир... бир...» деяётганини эшитишса, баъзан: «Яратган зот бўлмиш Парвардигорингиз ҳоми билан ўқинг. У инсонни лахта қондан яратгандир. Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз қаламни (яъни, ёзишни) ўргатган ўта карамли зотдир. У зот инсонга унинг билмаганларини ўргатди», деган тиловати қулокқа чалинарди.

Бир куни Умайя ибн Халаф бу «томуша»ни ўз кўзлари билан кўриш учун келди. Болалар бақирибчақириб Билолни ҳамон судраб юрадилар.

Болалар, тўхтанглар! — деди Умайя.

Тўхтадилар. Каттагина бир тош келтиришни буюрди. Бу қоятош икки киши зўрга кўтарадиган даражада оғир эди. Оч ва чанқрқ, неча соатлардан бери тинимсиз судраб юрилган Билолни чалқанчасига ётқиздилар. Кўлоёқларини арқонлаб, икки томонига қоқилган қозикларга боғладилар. Шундан кейин ҳалиги оғир тонгай кўтариб, Билолнинг кўкрагига қўйдилар.

Бу оғир юк остидаги Билолнинг тили оғзидан осилиб қолган, кўзлари косасидан чиққудай бўлиб олайган, бўйин томирлари срилиб кетгудек бўртган эди.

Тагидан олов каби қайнот тошлар баданини куйдирса, устидан қоятош босар, нафас олишига тўсқинлик қиласарди. Бутун бу жабру ситамларга қарамай, Билол ҳамон «Оллоҳ бирдир» дейишга уринарди.

— Хўш, қалай, ҳали ҳам Муҳаммаднинг динида қоласанми?      Бу Умайянинг овози эди.  
Билол эса, бир гапни такрорларди:

— Оллоҳ бирдир, Оллоҳ бирдир...

Умайя жаҳл билан тепиб юборди. Билолнинг буйраги ёрилиб кетай деди.

Қасам ичиб айтаманки, Муҳаммаднинг динидан воз кечиб, тики Лот ва Уззога сажда қилмагунингча, шу ахволда ётаверасан! — деб бақирди жазавада.

Аммо Билол хушидан кетган эди, бу гапларни эшитдими ёки йўқми — номаълум қолди.

\* \* \*

Чўғдай қизиган шағал тошлар устига яна бир неча кун ётқизилди, ҳар куни, одатдагидек, устига оғир тошлар бостирилиб қўйиларди.

Бир куни мана шундай қийинқистов ичида азобланиб, инграб ётар экан, ёнгинасида шундай сухбат бўлиб ўтди:

— Оллоҳдан қўрқмайсанми, эй Умайя? Бу бечорага қачонгача азоб берасан?

— Уни сен йўлдан урдинг. Энди хоҳласанг, ўзинг кутқариб ол. Бўлмаса, амин бўлки, тики ўлгунича қийнайман.

—Хўп, унда менинг таклифимни эшит: Қистос исмли бир қулим бор, хоҳлайсанми, Билолга алмашаман.

—Розиман, ё Абу Бакр. Аммо бир шарт билан...

—Нима экан шартинг?

—Қистоснинг хотини билан қизи ҳам меники бўлади.

—Келишдик.

—Устига яна икки юз дирҳам пул ҳам берасан.

—Имонсиз экансан, Умайя. Инсоф, одамгарчилик, фазилат деган нарсалардан зигирча ҳам йўқ экан сенда. Ўялмайсанми? Олдисотди шу билан тамом.

—Бўпти. Розиман. Бошқа шартим йўқ.

Ўша заҳоти Билолнинг устидаги оғир тошлар бир чскага отилди. Арқон ечилди. Абу Бакр қўлларини мададга чўзиб, Билолнинг туришига кўмаклашди. Биргаликда у ердан узоклашдилар. Ҳазрати Абу Бакрнинг Билолга айтган илк сўзлари шу бўлдики:

—Билол, Оллоҳ розилиги учун сени қуллиқдан озод қилдим. Шу дақиқадан бошлаб озод ва эркинсан,—деди.

—Оллоҳ сендан рози бўлсин, ё Абу Бакр.

Абу Бакр ўзида йўқ шод ҳолда узоклашиб бораётган Билолни кўзда ёш ила кузатиб қолар экан, қалбининг тубидан отилиб чиқаётган ҳамду саноларини Буюк Мавлога арз этар эди:

—Оллоҳим, сенга минг шукрлар ва ҳамду санолар бўлсин. Шу онда Билолнинг ўрнида мен азобланашётган бўлишим, аммо унингчалик сабр қиломаслигим мумкин эди... — дерди.

Шу дамда Билол кўпроқ қувондими ёки Абу Бакрми — буниси фақатгина уларни яратган Буюк Зотга аёндир. Қулларининг мезони бу қувонч даражасини ўлчашга етарли эмас. «Оллоҳ розилиги учун бир қулни озод этган кишининг озод этилган қулнинг ҳар бир аъзосига муқобил аъзолари жаҳаннамдан озод қилинади».

Бу илоҳий хукмга ноил бўлганларнинг энг устун, энг мукаммал намунаси бу дунёда Абу Бакр бўлса, охиратда ҳам Абу Бакр бўлажакдир. Оллоҳ ундан рози бўлсин.

\* \* \*

Абу Бакрнинг инсониятга ибрат бўларли савоб ишлари бугина эмас. Такдири илоҳий Лавхул Маҳфузда «Пайғамбарлардан сўнг келадиган илк қатор»га унинг исмини қайд этгандир.

Жаброили Аминни фиришталар ер юзига кузатиб колишиди. Набийлар султонига Роббул Оламиндан навбатдаги фармон келаётган эди.

Бир зумда Набии Ақрамни ваҳийнинг иси тутиб кетди. Нафаслари ёнларида гиларга ҳам эштилиларни даражада чуқурчуқур чиқар эди. Илоҳий қудрат Сайидул Анбиё бўлиш вазифасини юклаган ҳабибини ваҳий юборилган оламга олиб кирган эди.

Бир муддат ўтиб, нафас олишларининг секинлашувидан аён бўлдики, Набии Ақрам (с.а.в.) ваҳий ҳолатидан чиқиб, ўзларига кела бошладилар. Пайғамбаримиз яна ўзлари яшаб турган оламга қайтарилилар. Муборак дудокларидан навбатдаги илоҳий хукм бутун покизалиги ва самимийлиги билан мўминларнинг қулоғига қуиля бошлади:

«Валлайли иза йағша...»

«(Борлиқни зулматга ўраб) келаётган кечага қасам, ёришиб кўринган қундузга қасам. Эркак ва аёлни яратган Зотга қасамки, шакшубҳасиз, сизларнинг саъйҳаракатларингиз хилмакилдир. Ана энди ким (ўз молдавлатидан камбағалбечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақотларни) адо этса ва (Оллоҳдан) қўрқса ҳамда гўзал оқибатни (яъни, жаннатни) тасдиқ этса, бас, Биз уни осон йўлга мұяссар қилурмиз. Энди ким баҳиллик қилса ва (ўзини Оллоҳ хузуридаги ажрумукофотлардан) беҳожат билса ҳамда гўзал оқибатни ёлғон деса, бас, Биз уни оғир йўлга «мұяссар» қилурмиз! Ва у (дўзахда) ҳалок бўлган вақтида молу дунёси унга фойда бермас! Шакшубҳасиз, ҳидоят ёлғиз Бизнинг зиммамиздадир. Шакшубҳасиз, охират ҳам, дунё Ҳам ёлғиз Бизникидир. Бас, Мен сизларни ловуллаб ёниб турган оловдан — дўзахдан огоҳлантиридим. Ўнга фақат (Ҳақни) ёлғон деган ва (имонэътиқоддан) юз ўгирган бадбахт

кимсагина киур! Ўзи покдомон бўлиб, молдавлатини (яхшилик йўлида) сарф қиласиган тақводор зот у (дўзах)дан йироқ қилинур. Унинг хузурида — зиммасида бирон кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир, У фақат энг олий зот бўлмиш Парвардигорининг юзини — ризолитини истаб (молдавлатини сарф қилур). Ва яқинда (Парвардигори унга ато этадиган мукофот — жаннат неъматларидан) рози бўлур» (Валлайл сураси, 1 — 21.)

Оллоҳ таолонинг таҳсину тақдирига муносиб зот бўлишдек бир саодатга эришган Абу Бакр (р.а.) хурсандлигидан кўзёш тўкарди.

Умар қўлидаги қамчини бир чеккага улоқтириб, пешонасидаги терларни артар экан, ўзи анчадан бери калтаклаётган Лубайнага қараб:

— Ачинганимдан эмас, чарчаганим ва зерикканимдан тўхтадим, шуни яхши билиб кўй, — деди.

Умар бежиз бундай демаётган эди. Отаси Хаттобнинг меросхўри сифатида унга отадан кўп нарса мерос қолган, жумладан, жасорат, кучкувват, шафқатсизлик, сержаҳллик ва шу каби хислатлар ҳам отамерос эди.

Лубайнанинг онаси Наҳдийя ҳам айни тарзда калтакланаётган эди, ҳатто қамчи остида эзилиб адо бўлаётган қизи Лубайнага ачинишга ҳам имкони йўқ эди.

Умар Лубайнани сўнгги марта «инсоф»га чақирди, яна рад жавобини олди.

— Хўш, Лубайна, ҳозир яна савлашимни биласанми? — деди тутоқиб.

Албатта. Қолаверса, бу калтаклаш сен чарчагунингча давом этишини ҳам биламан. Аммо бу азобуқубатлар менинг имонимни янада мустаҳкамлайди, холос.

Яна қамчилаш бошланди.

Лубайна билан унинг онаси Наҳдийя Умарнинг жориялари эмасдилар, қўшни бир бева хотиннинг чўрилари эдилар. Умар ўша кўшнисининг ҳурмати юзасидан бу ишга қўл урган, гўё эри йўқ бир хотиннинг ҳожатини чиқараётгандек ҳис қилар эди ўзини. Урганда ҳам аямасдан, бор кучи билан уради. Бир пайт жаҳли жазавага айланиб, қамчини бир четга улоқтириди, қиз бечоранинг томоғига ёпишиб, дағал панжалари билан бўға бошлади. Лубайна Умарнинг қўлларини ўзидан итарар, бўғзии бўшатишга уринар эди. Аммо унинг қаршилиги узоқка чўзилмади, сал ўтмай заиф қўллар бўшашди, шалвираб тушди ва Лубайна ерга йиқилди.

Умар уни ўлиб қолган бўлса керак деган хаёл билан қўйиб юборди. Аммо ҳали ҳам жаҳлидан тушмаган эди. Кўркув ва даҳшат ичида қизининг ахволини қузатаётган онанинг устига ёирилди, уни ҳам бўғиб хушидан кетказди...

Орадан кунлар ўтди. Онабола бир куни қўл тегирмонида буғдойни ун қилаётган эдилар. Хўжайнлари бўлмиш аёл тепаларида туриб олиб, бу шўрликларни ҳакорат этарди:

— Агар ота-боболаримизнинг динига қайтмайдиган бўлсаларингиз, сизларга кун бериш йўқ. Ё ўлиб кутуласизлар, ё ўзларингга ўхшаган битта динсиз келиб сотиб олса...

Шу пайт ёнатрофларидан шаҳдам бир овоз янгради:

— Жуда соз. Мен уларни сотиб оламан! Гапираётган Ҳазрати Абу Бакр эди.

Савдо бир зумда тугади. Лубайна ва Наҳдийя ўзларида йўқ хурсанд эдилар.

— Ишингизни та!нланг. Ҳар иккалангизни ҳам Оллоҳнинг розилиги йўлида озод қилдим.

Шу дақиқадан эътиборан эркинсизлар.

Чўрилар бир онда янги ҳаётга қадам босган эдилар.

— Ижозат беринг, шу ишимизни тугатсакда, сўнgra бу ердан кетсак.

— Энди бу ёги ўзларишта ҳавола.

Ҳазрати Абу Бакр атрофини ўраб олган фаришталарнинг дуоларию Оллоҳнинг розилигига эришган эди. Унинг ҳақига чин кўнгилдан ўқилган дуюю илтижолар Мавлонинг юксак даргоҳига етиб борган, энг мақбул дуолар қаторидан ўрин олган эди, инша Оллоҳ.

Онабола бу уйда чўрилил билан боғланган ва хурриятга эришиш билан натижаланган сўнги ишларини тугатар эканлар, ҳам у золим аёлнинг, ҳам Умарнинг ғазабидан

кутулганликларига тинмай шукр қилар эдилар. Улуғ зот бўлмиш Абу Бакрнинг ортидан зўр ҳавас ва миннатдорлик туйғулари ила узоқ вақт қараб қолдилар.

Расууллоҳ (с.а.в) бир куни Каъбага яқин бир ерда намоз ўқиётган эдилар. Амр ибн Ҳишом (Абу Жаҳл) чидаб ўтиrolмади, нимадир қилиб бўлсада, жанжал чиКаргиси келди. Асабий ҳолатда пайғамбаримизнинг устларига бостириб келди.

—Бундан кейин яна шу ерда намоз ўқиётганингни кўргудай бўлсан, ҳолингга вой! — деди вахшат билан.

— Бордию қайсарлик қилсанг, қавмимни, қабиламни ёрдамга чақириб бўлса ҳам, бу ердан ҳайдаб чиқараман!

Ҳолбуки, Расууллоҳ (с.а.в.) Амр ибн Ҳишомнинг дўқпўписаси туфайли вазифаларини тарқ этолмас, намозни тўхтата олмас эдилар. Чунки у кишига вазифа юклаган, пайғамбар қилиб жўнатган зот Амр эмас. Бинобарин, Муҳаммад (а.с.) уйларига кайтиб келганларида, Жаброили Амин Жаноби Ҳақнинг саломини — навбатдаги ваҳийни келтирди. Бу ваҳий илк бор туширилган бешта оятнинг давоми эди:

«Дарҳакиқат, инсон ўзини бойбеҳожат кўргач, албатта, түғёнга тушар — ҳаддидан ошар. Албатта, ёлғиз Парвадигорингга қайтишинг бордир! (Эй инсон), бир бандани (яъни, Муҳаммад алайҳиссаломни) намоз ўқиган вақтида (намозидан) тўсадиган кимсани кўрдингми?! Ҳабар бергинчи, агар у (намоз ўқигувчи) ўзи Тўғри Йўлда бўлса ёки (ўзгаларни) тақвога буюрса, (уни намоздан ва тақводан тўғсан кимса ҳалок бўлмасми?) Ҳабар бергинчи, агар у (намоздан тўсувчи кимса Оллоҳнинг китобини) ёлғон деса ва юз ўгирса, албатта, Оллоҳ (унинг барча қилмишларини) кўриб туришини билмасми?! Йўқ! Қасамки, агар у (бундай гумроҳликдан) тўхтамаса, албатта, Биз унинг пешона сочидан — ўша ёлғончи, адашган пешона сочидан тутармизда (жаҳаннамга отармиз)! Бас, у ўзининг жамоасини (ёрдамга) чақираверсин. Биз эса, азоб фаришталарини чақиражакмиз! Йўқ! Сиз унга итоат этманг ва Оллоҳга саждаибодат қилиб, (У зотга) яқин бўлинг!» (Раҳмон сураси, 1—9.)

\* \* \*

Бир куни сон жиҳатидан ҳали унча кўп бўлмаган саҳобалар суҳбатлашиб ўтирап эдилар. Суҳбат орасида:

— Худо ҳакки, қурайшликлар Қуръоннинг очиқ-ойдин ўқилганини ҳали бирон марта ҳам эшитганлари йўқ. Биронбир мард йигит ўртага чиқиб, Қуръондан тиловат қилса, зўр иш бўлардида, — дедилар.

Кичкина бўйли, озғингина бир одам отилиб чиқди: Мана мен, мен тиловат қиласман! — деди. Бу одам Уқба ибн Абу Муйтнинг собиқ қули Абдуллоҳ ибн Масъуд эди.

— Йўқ, у шундай бир одам бўлсинки, токи бошига бирон фалокат тушса, орқасида мадад берадиган киши турсин, — дейишиди.

— Мени Оллоҳ ўз паноҳида асрайди! — дея жавоб қилди Абдуллоҳ ва ўртага чиқди. Масжиди Ҳарамга кирди. Баланд овоз билан аввал: «Бисмиллахир роҳманир роҳийм...» деди ва «арРоҳману ъалламал Қуръон...» дея тиловат қила бошлади.

Одамлар орасидан:

— Нималар деяпти Ибн Умму Абд?

— Шошмай тур, эшитайликчи... — деган овозлар эшитилди.

Абдуллоҳ бор кучи билан бақириб Қуръонни тиловат қилар эди. «Мехрибон (Оллоҳ) Қуръонни таълим берди. У зот инсонни яратиб, унга (дилидаги мақсадини аён эта олиш учун) баённи (нутқни) таълим берди. Қуёш ҳам, ой ҳам (аниқ) хисобўлчов билан (жорий бўлур). Ўтўлан ҳам, довдараҳт ҳам (ёлғиз Оллоҳга) сажда қилур бўйинсунур. У зот осмонни баланд қилиб қўйди ва сизлар тоштарозуда түғёнга тушмасликларингиз, (яъни, ўзгаларга зулм қилмасликларингиз) учун мезон — тарозуни ўрнатди. (Эй инсонлар, ўзаро олдиберди

муомаларингизда) тўғри,adolat билан тортинглар ва тарозудан уриб қолманлар!..» (Алақ сураси, 619.)

Ибп Масъуд ортиқ давом эттира олмади.

—Бу одам Мұхаммаддан ўрганган нарсаларини ўқиётган бўлмасин тағин?.. — дея хавотирлик билан берилган саволга:

—Ха, гапингиз тўғри. Мен ҳозиргина тиловат қилган Қуръон оятларини бизга Мұхаммад Расулуллоҳ ўргатдилар, — деб жавоб қилди.

Шу пайт бир тўда одам Абдуллохнинг устига бостириб кела бошлади. Уни ерга ётқизиб, аямай дўппослай кетди. Бирмунча калтаклаб хумордан чикди шекилли, тўда уни ўз ҳолига қўйиб тарқалди.

Ибн Масъуднинг юз-кўзи шишиб кетган эди. Биродарларининг ҳузурига келганда, улар нима бўлганини дарров сездилар.

—Биз мана шу аҳволга тушишдан қўрқкан эдик, эй Абдуллоҳ!

—Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ, — деди ибн Масъуд. — Мен улардан анча устун эканлигимни аёвсиз калтаклаётганларида ҳам ҳис этиб турдим. Истасангиз, эртага яна уларни Қуръонни тинглашга мажбур қилишим мумкин.

— Бас, етар энди. Сен зиммангга тушганини зиёда қилиб бажардинг.

\* \* \*

Курайшликларнинг оқсоколарию аслзодалари Маккада юзага келган вазиятдан ғоят безовта эдилар. Ўртага чиқкан ва кунданкунга мустаҳкамланаётган, тарафдорлари тобора кўпайиб бораётган бу дин бир кун келиб бошларига бир бало келтиришидан, қўлларидағи кучқудратдан ҳам маҳрум этиб, оддий инсонларга айлантириб қўйишидан қаттиқ қўрқа бошладилар. Бу кетишда кечагина бир чақалик қадри бўлмаган қуллар, жориялар эртага бошларига чиқиб, обрўэътиборли кишиларга айланишлари, улар билан тенг ва ҳатто устун бўлиб кетишлари ҳеч гап эмас эди. Бирор одам ўрнида кўрмаган Билол сингари, Ибн Умму Абд каби қулларнинг, чўпонларнинг охиратда хавас қилса арзигудек мавқеларга эришиши ҳақидаги миш-мишлар жуда кенг тарқалди. Шунинг учун темирни қизифида бос деганларидек, ўз вақтида бу оғатнинг олдини олиш керак, деган хаслда эди бу аслзодалар.

Валид ибн Муғийра бошчилигига ёши улуғроқ бир неча киши Абу Толибнинг эшигини қоқиб қелишди. Абу Толиб уларни илиқ кутиб олди. Иззатикром кўрсатиб, ичкарига таклиф этди.

Бирпас у ёқбу ёқдан гаплашиб ўтирдилар. Сўнгра ган жияни ўртага чиқарган янги динга бориб тақалди.

— Жиянинг бизнинг илоҳларимизга тил теккизди. Уларни ҳақорат қилди. Бизнинг ақли расо кишиларимизни аҳмокликда айблади. Акани укадаи ажратди. Фарзандни отага, қулни хўжайинига душман қилди. Биз орамиздаги қариндошлиқ алоқаларига футур етмасин дея бу муаммони ўзинг ҳал этишингни сўраб келдик. Кечаги кунгача яхшигина давом этиб келган дўстлигимиз бузилмаса, деймиз, — дейишди.

Абу Толиб бир кунмасбир кун шундай бир йўқлов бўлишини, мана шундай бир таклиф ҳам айтилишини биларди. Суюкли жиянига сўзи ўтадиган киши сифатида амакилари орасидан уни танлашлари ҳам табиий эди. Абу Толиб улар кутгандек, «Сизларнинг динингиз менинг ҳам динимдир, сизларнинг маъбудларингиз менинг ҳам маъбудимдир. Бу муаммо сизни канчалик безовта қилса, мени ҳам шунчалик ташвишлантиради. Шу боис бу масалани менга қўйиб бераверинг. Жиянимнинг попугини пасайтириб қўйиш менинг вазифам», демади. Зотан, бундай дея олмасди ҳам. Ўрнига:

—Ҳақлислар, гапларингиз тўғри, — дейишдан нарига ўтмади. Булар шунчаки таскин берувчи сўзлар эди, холос.

—Бу муаммони қанчалик тез ҳал қилсанг, шунчалик яхши бўлади, эй Абу Толиб! —

дэйишди келгандар ва хайглпашиб чиқиб кетишди.

Иўлда боришаркан, оралариди бирлари:

— Нима дейсан, эй Амр? Хомуш кўринасан? — деб қолди.

Амр ибн Ҳишом қуруққина жавоб қилди:

— Нимага хурсанд бўлишим керак экан? Ахир, бу одам сизларнинг кўзларингизга қараб туриб, ёш болани аврагандек авраб чиқариб юбордику? — деди ва қўшимча қилди: — Абу Толиб шу кунгача бу ишлардан бехабар эди деб ўйлайсизларми? Ўнинг Муҳаммадни тўхтатиши нияти бўлганида, бугунгача кўл қовуштириб ўтиармиди? Мана, кўрасизлар, Абу Толиб унинг йўлига кирмаса ҳам, унга ёрдам бериб, ҳимоя килишда давом этаверади. Бу сўзларимга яқин орада ишонасизлар.

Амрнинг бу сўзлари баъзиларни ажаблантириди, бошқаларни ўйлантириб қўйди. Умайя ибн Халаф:

Эй Ҳишом, илоҳим сўзларинг нотўғри бўлиб чиқсин, деди.

Қани энди янглишган бўлсам...

\* \* \*

Абу Толиб меҳмонларни кузатгач, пешонасини қашлади. Энди буюк бир синов остонасига келиб қолганини ҳис этди.

Жияни бу ишга киришар экан, нияти бир мажарони бошлаш бўлмагани кундек равшан эди. Илоҳий бир мақомдан фармон олганига Абу Толибнинг шубҳаси йўқ. Шу боис бу даъводан воз кечмаслиги аниқ. Келган меҳмонларнинг эса, бу даъвога қўшилишларига умид ҳам қилиб бўлмасди. Абу Толиб икки ўт орасига тушиб қолди. Ўзини панага олиб, мени бу ишларга аралаштирганлар, нимаики муаммо бўлса, ўзаро ҳал қилиб олаверинглар ҳам дея олмас эди.

Амр ибн Ҳишомнинг Набийлар Сарварига «Иккинчи марта бу ерда намоз ўқиганингни кўрмай...» деб дўқпўписа қилганидан кейин туширилган оятлар айланибайланиб унинг қулоғига ҳам етиб борди. Ўта жаҳлдор ва жангари одам бўлган Амр буларни эшишиб, ғазабдан кўкариб кетди. Атрофда эса, уни янада асабийлаштиришни, янада гижгижлашни истовчилар турар эди.

Ҳар доим шу ерда намоз ўқийвераман деганмиш...

— Сен унга ҳеч нарса қила олмайсан. Чунки азоб фаришталари келиб, соchlарингдан тортиб жаҳаннамга итариб юборар эмиш...

Бу гапларни эшишган сари Амр ўзини ҳақоратлангандек ҳис этарди.

— Ортиқ сўзга ҳожат йўқ! деб бақирди бир куни. — Қасам ичиб айтаманки, уни бу ерда намоз ўқиётганини кўрсам, оёқларим билан бўйини эзғилаб, бурнини ерга ишқалайман!

## ЁСИР ОИЛАСИ ВА АММОР

Аммор оиласи мусулмон бўлганини эшишиб қолган Муғийра ўғиллари томонидан қийинқистовстга олинди.

Амр ибн Ҳишом қабиласининг қуллари бўлган Аммор оиласига қарши қилинаётган жабру жафоларга шахсан ўзи ҳам қатнашар, ҳатто назорат этар эди. Барча таклифлар, таҳдиду дўқпўисалар ҳам зое кетди, қайтиб бутларга сажда қилмасликлари аён бўлди. Дастрлаб Амморнинг онаси Сумайя икки туюнинг орасига келтирилди. Бир қўли билан бир оёғи туюлардан бирига, иккинчи қўли билан иккинчи оёғи бошқа туюга боғланди. Туюлар икки томонга ҳайдалганда, оёққўлар мумкин даражада керилди, танаси йиртилиб кетгудай бўлди. Бу азобуқубатни таърифлашга сўз ожиз эди. Сумайя оғриқларга чидаёлмай, додфарёд кўтарди.

Туюлар жойларига қайтарилилар, қўллар бўшашди. Амр ибн Ҳишом Сумайяага яқинлашди:

— Хўш, қалай экан, маза қилдингми?

— Муҳаммадни инкор этсанг, бу азобуқубатлардан

ўша заҳоти қутуласан.

— Ўлсан ҳам уни инкор этмайман, — дея жавоб қилди Сумайя бўғиқ овозда.

Амр туюкаш хизматкорларига ишора қилди. Шу чоқ бир фарёд кўкларга юксалди...

Бу пайтда Амморнинг отаси Ёсир ҳам шундоққина хотиниинг ёнбошида қамчи билан саваланаастган эди. Аммор ва унинг укаси Абдуллоҳга ҳам зулм қилинаётган эди.

Рамда деб аталувчи даштда оиласи қийноққа олинган бу инсонлар ёнидан бир куни Расулуллоҳ ўтиб қолдилар. Набийи Акрам (с.а.в.) бу аянчли аҳволни кўриб, юраклари эзилди.

— Сабр қилинглар, эй Ёсир оиласи! Сабр қилинглар, эй Ёсир оиласи! Сизларнинг мукофотингиз жаннатидир. Сабр қилинглар, эй Ёсир оиласи... — дедилар.

Кум устида судралаётган Ёсир:

Замон доим зўравонники бўлаверадими, ё Расулуллоҳ?! — деди.

Бу савол жавобсиз қолдирилди, аммо Иайгамбари Замон:

— Оллоҳим, Ёсир оиласидан раҳматингни, мағфиратингни дариг тутма, деб ёлвордилар. Қалблари ғам-аламга тўлиқ ҳолда у ерни тарқ этдилар.

Ёсир оиласининг сўнгги куни эди. Сумайя ҳамон икки туюнинг орасида боғлоқлик. Туялар тезтез икки томонга ҳайдалар, додфарёд кўтарилаар, Сумайянинг вужуди қоқ иккига ажралиб кстаёзгандагина туялар яна жойларига қайтарилар эди. Энг ачинарлиси шунда эдик, Сумайянинг бу қадар азобланишини кўрабила туриб на Ёсир, на Аммор унга ёрдам бера олар эдилар. Чунки улар ҳам исканжа остида эдилар.

Амр қўлидаги шароб тўла косани бўшатдида:

Сен аслида Муҳаммаднинг ўзига ошиғу бекарор бўлгансан. Шунинг учун унинг динига ҳавас қўйдинг, шундай эмасми? — деди ҳақоратлаб.

Шу дамда бадаҳлок Амрнинг юзига бир туфурса, Сумайянинг юрагида армони қолмас эди. Аммо бу аҳволда шунинг ҳам имконияти йўқ эди.

— Уятсиз, олчоқ! — дея олди, холос.

Амр қўлидаги косани ерга улоқтириди, туялар устида ўтирган хизматкорларига кескин ишора қилди. Хизматкорлар туяларни шундай қаттиқ савалашдики, жонҳолатда икки томонга югуриб, Сумайянинг танасини иккига бўлиб юбордилар. Бу ҳам етмагандай, Сумайя сўнгги нафасини чиқарап экан Амр қўлига найза олиб, бор кучи билан унга санҷди. Сўнгги ва бўғиқ бир фарёд кўтарилини ҳозиргина типирчилаб турган вужуд кимирламай қолди.

Ушбу онда хизматга доим шай фаришталар Оллоҳ йўлида биринчи бўлиб шаҳидлик шарбатини ичиш баҳтига мұяссар бўлган Сумайянинг рухини олдилар. Самовотга учган ва юксалган сари маънавий, абадий бир ҳаётга эришаётган азиз рух орқасида минг бир азоб билан типирчилайтиричилай ҳаракатсиз қолган танани осонгина тарқ этган эди.

Ислом динида илк имон келтирган Хадичатул Кубро ҳазратлари бўлса, бу йўлда илк шаҳидлик мартабасига эришган инсон Сумайядир. Ҳали унинг орқасидан қанчақанча шаҳидлар келади, жонларини Оллоҳ йўлида севасева берадиган юзларча, мингларча кишилар унинг қаторидан ўрин оладилар. Аммо Оллоҳга илк восил бўлган шаҳдид ўлароқ, икки туюнни орасида жон олиб жон бераётган бир пайтда Оллоҳнинг энг ашаддий душмани томонидан энг маҳрам жойига санчилган бир найза билан шаҳид этилган нозик вужудли Сумайя барибир улариинг олдида туради.

Сумайядан кейин эри Ёсир ҳам шафқатсизларча қийноқларга ортиқ дош беролмади. У ҳам азиз рухини жаннати олийага олиб кетиш учун келган фаришталарга топшириди. Шу йўсин, шаҳидлар дафтариининг илк икки сахифаси Ёсирлар оиласига бағишлиланган эди.

Аммор аввал онаси, сўнгра отасининг оғир азобуқубатлар ичиди шаҳид этилганини ўз кўзлари билан кўрди.

Унга ҳамон зулм қилинарди. Кўз ўнгидаги оғир қийноқлар остида ота-онасининг шаҳид

бўлиши юрагини тилкапора қилиб, дардига дард қўшиб юборди.

Нихоят, Амморнинг бошини сувга тиқдилар. Нафаси қайтган Аммор хушидан кетгач, сувдан чиқариб олинди. Хўш, нима дейсан? Ҳали ҳам Мухаммадни пайғамбар деб даъво қиласверасанми?

— Ҳа... у ҳақиқий пайғамбардир...

Яна боши сувга тиқилди. Яна хушидан кетди. Бу сафар сувдан чиқарилганда, ичига анча сув кетган, рангируйи оқарган эди. Аммор ўлим дақиқалари яқинлашаётганини сезди. Ортиқ бардоши қолмади. Бу одамлардан эса, раҳмшафқат кутиб бўлмасди.

— Хўш, энди нима дейсан? Муҳаммад ҳали ҳам сен учун пайғамбарми?

Аммор синди:

— Йўқ, энди пайғамбар эмас... — деди.

— У ёлғончидир, де.

— У ёлғончидир.

— Лот ва Узочи?

— Лот ва Уззо илоҳларимиздир...

Амрнинг кўзларida зафар учқунлари чакнади.

— Мана, энди ўзингга кслдинг, бинойидай ақлинг бор эканку? Ота-онанг каби аҳмоқларча ўлиб кетмадинг, — деб бакирди.

Кийноқ тўхтатилди. Аммор кўйиб юборилди.

Бу хабар мусулмонлар орасида шиддатли бўрон каби тез тарқалди. Сумайя билан Ёсиринг бу йўлда жон берганини эшитиб, кўзёши тўкканлар, бу дафъа Амморнинг ортидан йиғладилар. Унга ачиндилар. Аммо унинг учун тўкилган ёшлар ва чекилган оҳларнинг маъноси бошқа эди.

— Ҳайф сенга, Аммор... эсиз. Атиги бир қадам қолган эдия, бардош беришинг керак эди, бардош.

Кейинги пайтларда мусулмонларнинг ҳам, мушрикларнинг ҳам биттагина баҳслашадиган мавзуи мана шу воқеа бўлиб қолган эди.

— Қандай бардошли одамлар экана, қойил!

— Худо ҳаққи, агар шундай зулм менга нисбатан қилинса, бутларни қарғашни талаб этсалар, ҳали қийноқ бошланмасданоқ Лотнинг ҳам, Уззонинг ҳам, Хубалнинг ҳам етти пуштини аймай қарғаб ташлардим.

Даврада қаҳқаха кўтарилиди.

\* \* \*

Булар қул эмас эди. Ёки заиф, орқасида суюнчиғи йўқ кишилар ҳам эмас эди. Қулларга кўнгилхушлик учунгина азоб берадиган, азоб бераётганидан роҳатланадиган, исканжга остидаги кулнинг фарёдига ёки қийналишига эмас, балки елкасида қамчи қолдираётган изларга завқланиб боқадиган, уларни калтаклашга буюриб қўйиб, ўzlари шаробдан ичаича: «Отам учун ур, бобом учун ур!..» деб қийқирадиган, баъзан камчини ўз қўлига олиб: «Мана бундай, мана бундай уриш керак!» дея таълим берадиган насткаш одамлар эди булар.

Улар ўzlари калтак азобини тотиб кўрмаганлар. Кичик ёшдан, балки ҳали она қорнида эканлигиданоқ қулларни камситиб, сўкибуриб, тутириб катта бўлган кимсалар эди булар. Бир пайтлар: «Жигаргўшамни афв этинг, хўжайин...» дея ёлворган ота-оналар энди ўzlари фарзандларининг кўз ўнгига бу кичик хўжайинлар томонидан қамчиланар, азоб берилар, уятсиз қарғишларга дучор этилар эдилар.

Қулларни инсон қиёғасида яратилган бир хайвон деб билувчи, уларнинг ҳақхуқуки бормийўқми дея бош қотирмайдиган, лекин дунёдаги барча юмушларни улар бажариши керак деган фикрда собит турувчи кишилар эди бу кимсалар!..

\* \* \*

«Лот ва Уззо илоҳларимиздир...»

Ёлғонларнинг ёлғони бўлмиш бу сўзларни Аммор чин кўнгилдан, самимий ишонч билан айтмаган эди. Аммо юраги ўта безовта, ўта нотинч эди. Кўпинча уни азоблаган душманларининг устига бостириб боришни, «Лот ҳам, Уззо ҳам бошларингдан қолсин!» деб ҳайқиришни истарди.

«Ажабо, чиндан ҳам динимдан юз ўгиридимми?.. Ажабо, Расулуллоҳ (с.а.в.) менинг бу ахволимга нима дер эканлар? Энди У зотнинг юзларига қандай қарайман?» деган ўйхаёллар гирдобида қийналар эди.

Аммо ўша кеча тонггача мижжа қоқмади. Кечқурунга бориб, рангирўйи сомондай сарғайиб кетди. Ичи чироқ ёқса ёришмас, қалби минг хил ўйфикр, минг хил андиша ичида ўртанаар, виждон азоби тўхтовсиз қийнар эди.

Тун ярмида туриб: «Оллоҳим, мени афв эта оласанми?!» деда ёлворар, илтижо қиласар эди.

Ўйлайўйлай, ахийри бир қарорга келди: фурсат топилди дегунча Расулуллоҳнинг ҳузурларига бош уриб боради, бор гапни тўкиб солади. Агар у зот, имонни қўлдан бой берибсан, дегудек бўлсалар, у ҳолда уни бу ахволга солғанларнинг устига бостириб борадида, ўлдирганича мушрикларни ўлдириб, сўнгра ўзи ҳам бу йўлда жон беради.

Расулуллоҳ (с.а.в.) билан кўришадиган, У кишининг муборак юзларига яна бир бор бокадиган, шириңсухан сўзларини яна бир бор эшигадиган кунни зўр интизорлик билан кутди. Шундай имконият туғилган куниёқ вақтни ғанимат билиб, дарҳол Расулуллоҳнинг ҳузурларига бош уриб борди. Кўзларида нам...

— Нима бўлди, ё Аммор? — деда сўрадилар У шарафли зот.

— Мени зўрлаб диндан қайтармоқчи бўлдилар, куфр сўзларни айтишга мажбур қилдилар, ё Расулуллоҳ.

— Хўш, қалбинг нима дейди?

— Қалбим имонга тўлиқдир!

Шундан кейин Аммор онаси ва отасига қилинган шафқатсизликларни, уларнинг қайтариқа ўлдирилганини йифи аралаш гапириб берди.

— Агар яна зўрласалар, талаб қилган сўзларини айтавер, — деда ижозат бердилар Расулуллоҳ. Сўнгра атрофларини ўраб олган саҳобаларига ўгирилдилар: — Аммор имони мустаҳкам бир инсондир. Имон нури унинг суюксуякларигача сингиб кетганига ишончим комил, — дедилар.

Ушбу дамда Аммордан баҳтиёр одам дунёда бўлмаса ксрак. Шу кунгача оғушида бўлгани руҳий азоб бирдан ўз исканжасини бўшатган эди. Кўзларига ёш қуйилди. Аммо бу ёшлар энди ғамалам ёшлари эмас, севинч ёшлари эди.

Аммор кейинроқ бундан ҳам кўпроқ хурсанд бўлишини ҳозир билмас эди. Аслида, ушбу машаваратда ҳозир бўлган бошқа кишилар каби, у ҳам бу хушхабардан қониқкан эди.

Айни онларда фаришталар оламидан Расулуллоҳга етказиш учун навбатдаги илоҳий фармоннинг чопари йўлга чиққанини қайдан ҳам билар эди!

Дарвоқе, бу фармон Набийи Ақрамнинг (с.а.в.) муборак чехраларига табассум югуртириди:

«Ким Оллоҳга имон келтирганидан кейин (яна қайтиб) кофир бўлса, (Оллоҳнинг ғазабига учрап). Лекин ким қалби имон билан ором олгани ҳолда (куфр калимасини айтишга) мажбур қилинса, (унинг имонига зиён етмас). Аммо кимнинг кўнгли куфр билан ёзиладиган бўлса, бас, ундай кимсаларга Оллоҳ томонидан ғазаб ва улуғ азоб бордир. Бунга сабаб улар ҳаёти дунёни охиратдан афзал билганларидир. Оллоҳ эса, кофир қавмни хидоят қилмас. Оллоҳ ундай кимсаларнинг дилларини, Қулоқларини ва кўзларини муҳрлаб қўйгандир. Улар ғофил кимсалардир. Шакшубҳа йўқки, улар охиратда зиён кўргувчилардир».

Бу оятлар Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) назоратлари остида Наҳл сурасининг 106—109-

оятлари сифатида қайд этилди.

Энди ҳеч ким «Аммор диндан қайтибди», дея олмасди. Унинг имонли, мўмин банда эканлигига Оллоҳ таолонинг ўзи ҳам, Унинг шарафли Расули ҳам шоҳид бўлган эдилар.

## АМР ИБН ҲИШОМ АБУ ЖАХЛ

Бир куни Масжиди Ҳарамда ўтирганларнинг юзида шайтон кулги зоҳир бўлди. Ораларидан биттаси ломмим демай қўллари билан Расулуллоҳни (с.а.в.) кўрсатди. Бу ишора баҳона бўлдиу учқун аланга олди. Амр биродарларининг бирон нима дейишини кутиб ҳам ўтирмай ўрнидан турди ва коинот фахри бўлмиш Пайғамбар томон қадам ташлади. Ўтирганлар ортдан уни зўр ҳаяжон билан кузата бошладилар. Ҳаммани битта масала қизиқтираётган эди: Амрнинг бу ташаббуси қандай натижа келтирас экан?

—Ўйлашимча, Амр Абу Толибнинг жиянини бу сафар аяб ўтирмаса керак, — деди бирови.

—Менимча эса, иш бу билан битмайди, — деди бошқаси.

Булар шу тариқа баҳслашар экан, Амр Каъба қархисида намоз ўқиб ўтирган Расулуллоҳга (с.а.в.) яқин бораверди. Сўнг...

Бу ёқдан кузатиб ўтирганлар Амрнинг бирданига ортта тисарилганини, қаттиқ қўркув ичида чекина бошлаганини кўрдилар. Ҳеч ким бу ҳолатга бир маъно бера олмади.

Бир неча одим илгариламоқчи бўлган Амр яна туйкус ортига кайтди. Нихоят, юзлари сарғайиб кетган бир алиозда биродарларининг ёнига келди.

— Ё Абул Ҳаким, сенга нима бўлди? — деб сўрашди ҳангоматалаб ошналари.

Ҳақиқатни яширишга ҳам Амрнинг ҳоли йўқ эди. Асабий ва титроқ бир овозда воқеани тушунтира кетди:

—Ёнига яқинлашганимни биламан, бирдан ўртамиизда ичи оловга тўла бир чукур очилиб келаётганини кўриб қолдим. Умримда бунчалик ловуллаб ёнаёттан оловни кўрган эмасман. Ўша чукурга тушиб кетмаслик учун орқага чекинишга мажбур бўлдим, — деди.

—Бошингдан офтоб ўтиб кетибди, Абул Ҳаким. Хаёлга берилибсан...

— Мен хаёлга бериладиган одамманми?

— Тўғрикуя, аммо бу ерда ўтирган шунча одамнинг кўзи кўр бўлмаса керак?!

Амр кулгига қолишни сира истамас эди.

—Ловуллаб олов ёниб турган ўша чукурни ўз кўзларим билан кўрдим, ахир. Сал бўлмаса, юзларим куяр эди...

—Хўш, унда сен айтаётган ўша чукур энди қаёққа ғойиб бўлди?

Амр нима дейишини билмай қолди. Бояги жойга қайтиб борди, диққат билан разм солди. Аммо ўртада на чукур бор эди, на олов.

— Ҳая, — дея пўнгиллади, — мени сеҳрлаган бўлса керак.

— Кўрққанингдан кўзингга кўринган бўлмасин тағин, эй Амр? — дейишда шериклари кинояномуз оҳангда.

— Мен ҳеч кимдан қўрқмайман!

— Аммо биз аввалига сенга борма дедик, огоҳлантиридик, ўзинг қулоқ солмадинг.

Амр ўрнидан турди. Уйида бир оз дам олмаса, бу ҳаяжонини ҳаливери тўхтата олмаслигига амин бўлган эди.

Курайшларнинг оқсоқоллари йиғилишиб Абу Толибнинг уйига боргандаридан буён ҳам, мана, бирикки ой ўтиб қолди, аммо Пайғамбарнинг (с.а.в.) даъватлари асло сусаймади.

Валид ибн Муғийра Амр ибн Ҳишомни кечки пайт уйида қабул қилди. Утириб, роса сұхбатлашдилар, кун сайин кескинлашашётган вазият тўғрисида фикр алмашдилар. Ҳошимийларнинг етакчиси билан яна бир учрашишга қарор қилдилар.

Эртаси куни яна Абу Толибнинг уйига келдилар. Келасолиб, дағдаға қила бошладилар:

— Ё уни бу даъвосидан қайтарасан, ёхуд бизнинг қаҳргазабимиздан муҳофаза этишдан воз кечасан! — деб масалани кўндаланг қўйдилар.

Абу Толиб жиянининг фазилатларини, устунликларини уқтиришга уринса ҳамки, фойдаси бўлмади.

Биламиз. Биз ҳам уни ёлғончи деяётганимиз йўқ. Ёмон ҳам демаймиз. Аммо бизнинг илоҳларимизга тил теккизишини асло истамаймиз. Бу таклифимизга рози бўлса, унга ҳар қанча ёрдам беришга тайёрмиз.

Абу Толиб икки ўт орасида қолган эди.

— Сўзларингизни унга уқтиришга уриниб кўраман, бу масалани ҳал қилишга қўлимдан келганича ғайрат қиласман, — дея олди, холос.

Улар чиқиб кетгандаридан сўнг бошини қўлларининг орасига олиб, узоқ вақт ўйланиб қолди. Пастга тупурай деса, соқолига, баландга тупурай деса, мўйловига тегади...

Жияни «ҳеч қанақа фойдаси ҳам йўқ, зарари ҳам» деган бутларга улкан Макка ҳалқи катори Абу Толиб ҳам сифинар эди. Шу эътиқод билан қанчақанча ақли расо кишилар яшабўтиб кетган эди Маккада.

Аммо ҳар жиҳатдан фазилат намунаси бўлган жиянига бирон нарса ҳам дея олмасди. Одамларни даъват этаётган динининг, уларга буюраётган ибодат ва ахлоқнинг ҳеч бир нуқсони йўқ эди. Камчилик топиш учун виждонсиз одам бўлиш керак. Ҳолбуки, Абу Толиб инсофу тавфиқли, виждонли бир инсон эди.

Миясидачувалашган минг хил ўйфикрлар ила курашаётган Абу Толиб бирмунча вақт ўтгандан кейин болаларидан бирига буюрди:

Менга Мухаммадни чақириб кел.

\* \* \*

— Мени чақирдингизми, амаки?

Абу Толиб ақли расо, вазмин бир киши эди:

Кел, ўғлим, ёнимга ўтири, деди меҳрибонлик ила. Сўнгра бўлган воқеани батафсил гапириб берди ва охирида: — Ўғлим, кўриб турганингдай, энди мен ҳам анча кексайиб қолдим. Мени кучим етмайдиган бир ишга аралаштирма, болам, — деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бу сўзларни эшитиб, кўнгиллари ғашланди. Ажабо, бу сўзлар: «Энди мен сени ҳимоя қила олмайман», деганимикан? Ёшли кўзларини амакиларига қаратдилар:

— Амаки, мен бу ишга ўз бошимча билан қўл ураётганим йўқ. Қасам ичиб айтаманки, бу даъватдан воз кечиши учун ўнг қўлимга қуёшни, чап қўлимга ойни қўйсалар ёки мени икки дунё подшоҳи қилсалар ҳам, бу вазифамни тарқ эта олмайман. Ёки бу йўлда ўлиб кетаман! — дедилар қатъий.

Кейин ўринларидан турдилар. Ғамгин алпозда чиқиб кетдилар.

Абу Толиб жиянининг ёшли кўзларини кўриб, дили вайрон бўлди. Умр бўйи уни хафа қилмаслик учун неча марталаб фидокорлик қилган эди. Энди унинг бу ахволига рози бўла олармиди?

— Суюкли жияним!.. — деб чақирди ортларидан. Пайғамбаримиз қайтдилар. Абу Толиб дилидаги гапни айтди:

— Хўп, сен вазифангни бамайлихотир бажаравер. Қасамлар бўлсинки, токи мен тирик эканман, сенга ҳеч ким зарар етказа олмайди, — деди.

## ЭСЛИҲУШЛИ ҚАРИЯ

*Утба ибн Робиа*

Масжиди Ҳарамда сухбатлашиб ўтирган кимсалардан бири биродарларига янги бир таклифни киритди:

— Менга қаранглар, дўстлар. Кўриб турибсизларки, шаҳримизда юзага келган вазият тобора кескинлашмоқда. Кечаги кунга қадар ҳаммамиз учун энг суюкли, ишончли бир одам бўлган Ал-Амин бугун энди майдонга чиқиб, тангриларимизни рад этди, ақлли, обрўли киши ларни ғофиллик ва гумроҳликда айблади.

— Ҳа, ҳа, худди шундай бўлди.

— Менимча, Муҳаммаднинг хузурига бориб, унинг асл мақсадини билишимиз керак. Шу энг маъқул тадбир, деб ўйлайман. Шояд шунда муаммонинг ечими ҳам осон бўлса.

— Рост айтасан, эй Абул Валид, унинг хузурига бориб гаплашгин.

Бу пайтда Расули Мукаррам (с.а.в) жанобимиз Масжиди Ҳарамнинг бир бурчагида ўтирган эдилар. Абул Валид У зотнинг ёнларига келди, саломлашди, ҳолаҳвол сўради. Сўнгра шундай деб гап бошлади:

— Эй жиян, сен орамизда наслнаси улуғ, аслзода бир оиланинг фарзандисан. Ҳаммамиз сени ҳурмат қиласиз. Аммо... сен йўқ ердан бир масала чиқардинг у, қавмингни нотинч қилдинг, жамоамизни тарқатдинг. Ўй фикрларини хато дединг, хаттихаракатларини аҳмоқликка санадинг. Маъбудларини, динларини бемаъни дединг. Ота-боболаримиз, сенингча, куфрана ҳаёт кечирган бўлиб чиқдилар... Энди, менга яхшилаб қулоқ сол, сенга бир қанча таклифларни арз этаман, бири бўлмаса, бошқаси маъқул бўлар.

— Гапир, эй Абул Валид, қулогим сенда.

Утба биринкетин таклифларини баён эта бошлади:

— Эй қардошимнинг ўғли, агар сен молмулк орттириш учун ушбу даъво билан чиқкан бўлсанг, давлатимиздан бир қисмини сенга берайлик, ичимизда энг бой бадавлат одам сен бўласан. Агар шоншараф, обрўэти бор, марта бу ишга қўл урган бўлсанг, сени ўзи мизга бошлиқ қилиб қўяйлик. Шунда сендан сўрамай бирон иш ҳам қилинмайди. Шох бўлиш орзуида бўлсанг, сени ўзимизга подшоҳ қилайлик. Агар кўзингта аллам бало жину шайтонлар кўриниб васвасага солишаётган бўлса, борйўғимизни сарфлаб бўлса ҳам, сени зўр табибларга кўрсатиб даволатайлик. Чиндан ҳам баъзан одамларда шундай холат бўлиб туради, даволанмагунча жинлардан халос бўлолмайдилар...

Утба, бир қараганда, ҳақли эди. Кечаги кунга қадар ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган бир ишни ўртага қўйган ва уни юритиш учун зўр ғайрат кўрсатаётган инсоннинг асл нияти, унингча, юкорида санаб ўтилган мақсадлардан бири бўлиши мумкин эди. Аммо чуқурроқ разм солинса, бу масалага Утба юзаки ёндашгани равшанлашади. Чунки бу вазифа Муҳаммад Аминнинг шахсий ташаббуси эмас, балки илоҳий бир вазифа эди. Даъват этилган дин ва яшаш тарзи ҳам ўзига хос, мукаммал бир воқеликдир.

Утба ва унинг каби ўйлайдиганлар янги динга кирсалар, нималарини йўқотадилар, эски яшаш тарзларини сақлаб қолсалар, нимага эришадилар?

Бир қарашда тўғри гапираётгандек бўлган Утбанинг зиммасига тушган масъулият шу кунгача кечириб келган ҳаёт тарзларини атрофлича муҳокама этиши ва уни янги дин келтирган хукмлар билан солиштириш, орадаги фарқларни кўрсатиб, агар ўзиники яхшию янги дин ёмон бўлса, ўшандагина: «Бизни заарга етаклайдиган, ахлоқизликини ташвиқ этадиган, инсонлардай яшаш хукуқимиздан маҳрум қиладиган... йўлга чақиришдан мақсадинг нима, эй Муҳаммад?!» дейиши ксрак эмасмиди?

«Сен бизнинг шоҳларимизни ерга урдинг, ақлли одамларимизни беақл дединг..» каби умумий гаплар қайси дардга даво, қайси ярага малҳам бўла оларди?! Ўз навбатида, Расулуллоҳ ҳам ўртага чиқиб бутларга мадҳиялар ёғдириб, арабларнинг жоҳилона ҳаётини мақтай олмас эдилар... «Зинонинг, фаҳшнинг ҳар турини мукаммал тарзда ижро этасизлар, сизлар билан фахрлансак арзийди», ҳам дея олмасдилар. «Қулларингизни итларингизчалик ҳам қадрламайсиз, бу жуда ҳам тўғри. Уларга озодлик берсангиз, лънатланасиз», дея олмасдилар, ахир. Сарвари Анбиё (с.а.в.) Утба Валиднинг сўзларини диккат билан тингладилар. Нихоят:

—Гапинг тугадими, эй Абул Валид? — дедилар.

—Ха, тамом қилдим.

—У ҳолда энди сен ҳам менга қулоқ сол. Расулуллоҳ (с.а.в.) аввал «Бисмиллахир роҳманир роҳийм» дедилар. Сўнгра Сажда сурасини ўкий бошладилар:

«Алиф, Лам, Мим. Бу китобнинг (яъни Куръоннинг) нозил қилиниши, ҳеч шакшубҳасиз, барча оламларнинг Парвардигори томонидандир. Боиси: «Уни (Муҳаммадиң ўзи) тўқиб олган» дерлар?! Йўқ, у (яъни, Куръон) сиздан илгари бирон огоҳлантирувчи келмаган қавмни (охират азобидан) огоҳлантиришингиз учун Парвардигорингиз томонидан (нозил қилинган) ҳақиқатдир. Шояд улар ҳидоят топсалар. Оллоҳ осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларни олти кунда яратиб, сўнгра аршни эгаллаган Зотдир. Сизлар учун Ундан ўзга бирон дўст ва оқловчи йўқдир. Ахир, эслатмаибрат олмайсизларми?! У осмондан ергача бўлган барча ишни тадбир қилиб — бошқариб туур, сўнгра (бу ишларнинг барчаси) сизларнинг ҳисобингизда минг йилга тенг бўладиган бир кунда (яъни, қиёматда) Унинг Ўзига қайтариур. Мана шу (Оллоҳ) ғойиб ва ҳозирни билувчи, қудратли ва меҳрибондир. У барча нарсани чиройли қилиб яратган Зотдир. У инсонни (яъни, Одам атони) даставвал лойдан яратди. Сўнгра унинг насли авлодини ҳақир бир сувдан иборат бўлган нутфадан пайдо қилди. Сўнгра уни ростлаб, ичига Ўз (даргоҳидаги) жондан киритди. У Зот сизлар учун қулоқ, кўз, дилларни найдо қилди. Сизлар эса камданкам шукр қилурсизлар»...

Расулуллоҳ (с.а.в.) шу ерда тўхтаб ўринларидан турдилар ва «Оллоҳу акбар» деб яна саждага эгилдилар, муборак пешоналарини Роббининг ҳузурида тупроққа қўйдилар. «Буюк Роббимни ҳар турли нуқсон ва қусурлардан пок деб биламан», дедилар. Буни уч марта тақрорладилар, сўнгра яна «Оллоҳу акбар» дея ўринларидан турдилар.

Утба ибн Робиа қўлларини орқасига қилиб олган, хиёл энгашган ҳолда У зотнинг сўзларини тинглар ва хаттиҳаракатларини кузатар эди.

Расулуллоҳнинг яна давом эттиришга оғиз жуфтлаётганларини кўриб, қўли билан «етар» ишораси кўрсатди ва:

— Бўлди қил, орамиздаги қариндошлилик ҳурмати, бўлди қил, ё Амин!.. — деди.

Ушбу дамда Набий Ақрам (с.а.в.):

— Сен ҳам айтганларимни эшитган бўлдинг, эй Абул Валид. Мана, эшитганинг калом, мана — сен, — дедилар.

Утба ўрнидан турди. Сандироқлабсандироқлаб, иши унмаган одамдек бир ҳолатда бу ердан узоклашди.

Утбанинг ахволи ўтирганлар ўртасида муҳокамага сабаб бўлди:

— Худо ҳаққи, Утбанинг келиши бошқача...

Худди калтак еган одамга ўхшайди.. Йиқилган паҳлавонга ўхшаб, чайқалибчайқалиб келмоқда... — деганлар бўлди.

Бу орада Утба ҳам дўстларининг снига етиб келди.

— Нима гаплар бўлди, эй Утба?! — дея сўради Умайя ибн Халаф.

— Бир сўз эшитдим... Худо ҳаққи, бундай сўзларни ҳали умримда ҳеч эшитмаганман! Қасам ичиб айтаманки, бу сўзлар шеър ҳам эмас, коҳинларнинг сўзи ҳам эмас, аммо жуда гаройибdir! — Утба мажлисдагиларга кўз қири билан бир қараб қўйиб, яна давом этди: — Худо ҳаққи курайшликлар, ушбу сўзларни эшитсаларингиз, сизлар ҳам ўйланиб қоласизлар. Бу одамни, яхшиси, ўз ҳолига қўяйлик. Қасамлар бўлсинки, у келтирган бу калом ҳадемай уфқлар оша бутун жаҳонга ёйилиб, катта шоншуҳрат қозонади. Агар араблар уни мағлуб этсалар, сизлар ҳам мақсадларингизга эришасиз. Агар, аксинча, у арабларни тиз чўқтирса, билингларки, унинг ғалабаси ва шарафига сизлар ҳам шерик бўласизлар ва ўшанда инсонларнинг энг масъул, энг баҳтиёр қавмига айланасизлар.

Ёл алҳазар! Эй Утба, у сени сеҳрлаб қўйибдику! Утба гапни чўзишининг энди фойдаси

бўлмаслигини сезди. Утба келган хulosага келишлари учун улар ҳам камидан ушбу каломни тинглашлари керак эди. Хайрлашар экан:

— Мен ўз қарашимни билдиридим. Сизлар қандай ўйлайсизлар, ихтиёрларингиз, — деди.  
\*\*\*

Утба бир неча кунгача уйидан ташқарига чиқмай ётди. Бир куни кимдир йўқлаб келди.

— Ҳой, Утба, бормисан?

Чақирган одам Амр ибн Ҳишом эди.

— Кел, киравер, Абул Ҳаким, — дея Утба уни уйига таклиф этди.

Ўтирилар. Ҳолаҳвол сўрашилгандан сўнг Амр:

— Келишимнинг сабаби шуки, гўё сен ҳам динингдан қайтган эмишсан. Эшитишимга қараганда, Мухаммадни ва унинг динини жуда ҳам ёқтириб қолганмишсан. Унинг сафига кўшилмоқчи экансан. Халқ ҳозир сенга ёрдам уюштириш билан машғул.

— Кўп валдира, эй Амр.

— Валдираётганим йўқ. Агар Мухаммад берадиган икки луқма овқати учун динингни ўзгартираётган бўлсанг, биз сенга мол-дунё йиғиб берайлик, бойбадавлат қилайлик, деган ҳаракатдамиз.

Утба асабийлашди:

— Худо ҳаққи, шу бугундан бошлаб Мухаммад билан бошқа гаплашмайман! Жуда яхши биласизларки, қурайшларнинг орасида мендан бойроқ киши йўқ. Аммо шуниси ҳам айни ҳақиқатки, мен ундан ҳали ҳеч ким эшитмаган ғаройиб сўзларни эшитдим. У сўзлар менга шундай қаттиқ таъсир қилдики, ахийри чидай олмай қолдим ва унга «жим бўл!» дедим. Худди у ўқиган каломда хабар берилган азобуқубатлар менинг бошимга ёғилаётгандай бўлиб туолаверди.

— Биз ҳам шу кўркув туфайли динини ўзгартирган бўлса керак, деб ўйладик, ё Утба...

\*\*\*

Тун ярмидан оққан. Қандайдир бир ёлғиз шарпа Мухаммад Амин (с.а.в.) уйлари томон пусиб яқинлашар эди. Кўчада ундан бошқа ҳеч зоғ йўқ. Аслида у ҳам ҳеч кимга кўринмаслик учун шундай пайтни танлаганга ўхшарди.

Расууллоҳ (с.а.в.) уйларига келганлари ҳамон дўсту биродарлари — саҳобалар ўраб олишиб. Ҳалиги шарпа ичкаридагиларнинг сұхбати bemalol эшитиладиган панароқ бир жой танлаб, ўша ерга яширинди.

Унинг орқасидан кетмакет, аммо бирбиридан хабарсиз, яна икки шарпа келган эди.

Учинчи бўлиб келган киши олдинги иккитасининг келганидан бехабар, иккинчи шарпа ҳам биринчисидан бехабар эди.

Амр ибн Ҳишом бошқа пайт ва бошқа жой бўлганида «Ҳой, кимсизлар? Қани, бу ёққа чиқинглар?!» деб дўқ қиласи кириб: «Қани, менга ҳам Утбага ўқиган нарсаларингни ўқичи?» дейишга ғурури йўл қўймасди. Чунки агар У зотнинг хузурларига кирса ва Утбанинг гаплари рост бўлиб чиқса, бу даргоҳдан паришон чиқиши турган гап эди.

Учаласини ҳам бир савол қизиқтиради: «Хўш, қанақа калом экан у, Утбадай бир улуғ зотни хаёлга толишга мажбур қилган?» Аммо Мухамад Ал-Аминнинг ёnlарига кириб: «Қани, менга ҳам Утбага ўқиган нарсаларингни ўқичи?» дейишга ғурури йўл қўймасди. Чунки агар У зотнинг хузурларига кирса ва Утбанинг гаплари рост бўлиб чиқса, бу даргоҳдан паришон чиқиши турган гап эди.

Шунинг учун ҳеч кимга билдирамай, яширинча келиб қулоқ солишни энг эҳтиёткорона чора деб топди. Тун ярмидан оққанда келишни афзал кўргани шунда. Аммо худди уни таъқиб қилаётгандай келиб бир бурчакка яширинган ва ичкарига кўз тиккан бу икки одам ким бўлди экан?

Амрнинг бутун вужуди қулоқка айланиб, ичкарида ўқилаётган Қуръонни тинглашга босрилиб кетди. Угба каби, купиакундузи очиқчасига келиб эшитмай тўғри қилганини англади.

Чунки ҳақиқатан ҳам бу калом жуда ғаройиб, илоҳий таъсирга эга эди.

Тонг отиб, хўроллар қичқира бошлади. Амр ва унинг номаълум икки ҳамроҳи бу ерни дарҳол тарқ этишлари лозимлигини билдилар. Амр ўрнидан туриб, олдинга юрди. Бир неча одимдан кейин бирдан тўхтаб қолди:

— Абу Суфён?.. Демак, сен ҳам келибсанда?!

— Ҳаха, тўғри тоидинг. Хўш, сен ўзинг нима қилиб юрибсан бу ерда, эй Амр?!

Бу орада учинчи шарпа ҳам уларга яқинлашди. Ахнас ибн Шарик экан.

— Дарҳол бу ердан кетишимиз керак, — деди Абу Суфён. — Бирон кимса ҳам бизни бу ерда кўрмасин.

Қолганлар ҳам айни шу фикрда эдилар, жўнаб қолишли.

Орадан йигирма тўрт соат ўтиб, кейинги куннинг тонги энди ёриша бошлаганди, бу уч маслакдош яна шу ерда учрашиб қолдилар.

— Бу ерга бошқа келмайман демаганмидинг, эй Амр? — дея ҳайратланди Абу Суфён.

— Ўзингчи, сен ҳам шундай девдинг, шекилли? Ахнас бу баҳсга чек қўйди:

— Учаламизнинг ҳам юзимиз бирбирларимизнинг олдимида шувут бўлди. Энди тезда бу ердан қорамизни ўчирайлик.

Учинчи тонгда ҳам худди ўша воқеа такрорланди. Учаласи ҳам бирбирларига бу ерга бошқа келмаслик тўғрисида яна ваъда бердилар.

Энди бугунгиси айғоқчилигимизнинг сўнгти куни бўлсин, биродарлар, — деди Абу Суфён. Биз бошқаларни зўравоилик қилиб бўлса ҳам бу диндан қайтаришга уринсагу, ўзимиз бу ерда биқиниб олиб гап пойласак... Бу ҳолатимизни одамлар кўриб қолса, яхши иш бўлмайди.

Чиндан ҳам бу уларнинг сўнгти айғоқчилиги бўлди.

\* \* \*

Ўша куниёқ туш пайти Ахнас Абу Суфённинг ҳузурига йўл олди. Бориб эшигини тақијлатди. Абу Суфён уни худди кутиб ўтиргандай эди.

— Хуш келибсан, ё Ахнас... — деб ичкарига таклиф этди.

Ахнас ҳассасини бир чеккага қўйиб, ўтириди.

Мана, Муҳаммаднинг каломини ҳам эшитдинг, эй Абу Хандала, булар ҳақида нима дейсан? Абу Суфён бошини эгди.

— Эй Абу Саълаба, сенга нима десам экана? Биласанми, мен унинг баъзи бир сўзларининг маъносини тушундим, ниятини ҳам англадим, аммо баъзиларининг на маъносини, на мақсадини илғадим.

Ахнас:

— Мен ҳам худди шундай аҳволдаман, эй Абу Суфён, дедида, ҳассасига таяниб чиқиб кетди.

Сўнгра Амр ибн Ҳишомнинг уйига борди.

— Эй Абул Ҳаким, — деди, — Муҳаммаднинг каломи ҳақида қандай фикрдасан?

Амр бирданига портлаб кетди:

— Нима ҳам дердим? Биз Абдуманоф ўғиллари билан шараф мусобақасига чиққанмиз. Улар мусофириларга иззатикром кўрсатадилар. Биз ҳам меҳмондўстлик қиласиз. Фақирларга кўмак берадилар. Биз ҳам уларнинг оғирини енгил қиласиз. Улар эҳсон этадилар, биз ҳам эҳсон қиласиз. Ҳар жиҳатдан улар билан тенг бўлиб турганимизда, энди улар бизнинг пайғамбаримиз бор, унга қўқдан ваҳий келмоқда, дея бошладилар. Бу даъво билан биз асло келиша олмаймиз. Қасам ичаманки, унга қулоқ ҳам солмаймиз, тасдиқ ҳам этмаймиз. Бугун ҳам, эртага ҳам, умуман хеч качон!..

Ахнас бу ердан ҳам ноаниқ бир кайфиятда чиқиб кетди.

Орадан бир неча кун ўтди. Муғийра ибн Шульба Амр ибн Ҳишом билан биргаликда Маккада айланиб юришган эди. Муғийра Расулуллоҳни (с.а.в.) танимас эди. Бир пайт

каршиларидан нур юзли бир киши чиқиб қолди.

— Эй Абул Ҳаким, сени Оллоҳ ва Расулига даъват этаман. Кел, бу даъватни қабул эт, — деди у.

Амр ибн Ҳишомнинг қовоқтумшуғи осилиб кетди. Ё Мухаммад, сен бизнинг илоҳларимизга тил теккизишдан воз кечасанми ёки йўқми? Сен бу вазифани адо этаётганингни тасдиқловчи шоҳидларни қидиряпсанми? Мана, биз шоҳидмиз. Бўлди, етар энди. Қасам ичаманки, агар сенинг сўзларинг ҳақ ва тўғри эканлигига ишонганимда, бир дақика ҳам иккиланиб ўтирамай, даъватингни қабул этардим, — деди.

Расулуллоҳ уларни холи қолдириб, йўлларида давом этдилар.

Амр ибн Ҳишом Муғийрага ўгирилди:

— Аслида, унинг сўзлари ҳақ ва тўғри эканлигини биламан. Аммо менинг олдимда битта катта тўсиқ бор,—деди.

Қанақа тўсиқ экан у, эй Абул Ҳаким?

— Кусайб ўғиллари Каъбанинг ҳижобат (устини ёпиш) хизмати бизга оидdir, дедилар. Хўп, дедик. Икоя (ибодат) хизмати бизники, дедилар. Қаршилик кўрсатмадик. Нодва бизнинг кўл остимизда бўлади, дедилар. Қабул этдик. Янво (байроқ) бизницидир, дейиши. Бунга ҳам кўндиник. Улар етимесирларга зиёфат бериши. Биз ҳам уларни тўйдирдик. Энди бўлса, бизнинг бир пайғамбаримиз ҳам бор, дейишмоқда. Мана шунисига асло чидаёлмайман, рози ҳам бўлолмайман. Гурурим йўл кўймайди.

Ҳазрати Абу Бакр сотиб олиб озодликка чиқарган қуллар, расман азобуқубатлардан халос бўлган бўлсалар ҳам, дуч келинган жойда ҳақорат этилиш хавфидан ёки мушрикларнинг кутилмаган хужумларидан батамом қутулмаган эдилар.

Айни чокда мусулмонлар сафига энди қўшилаётгандарга ҳам мушриклар азобуқубат бероётган эдилар. Масалан, Умар ибн Хаттоб билан Амр ибн Ҳишом Зиннура исмли бир чўрини гоҳ биргалашиб, гоҳ эса, галмагал қийнашар, чарчагунларича калтаклашар эди. Шунингдек, Умму Убайс исмли бир аёл ва унинг чўри қизи ҳам мана шунақа мусибатларга маъruz қилинган эдилар.

Умму Убайсни оч ва сувсиз қолдириб, бутунлай силласи қуриганида калтаклай бошлар эдилар. Нихоят, бир куни Умму Убайс бу жабру ситамларга ортиқ бардош беролмади ва:

—Лотт ва Уззо тангрими? — деб сўраганларида:

—Ха, — деб жавоб қилди.

Унга ўша атрофда турган бир исқирт бутни кўрсатиб:

—Бу ҳам тангрими? — дедилар.

—Ха.

—Офарин, мана энди ақлинг кирибди. Гумроҳлар муродига етган эдилар. Оллоҳга имон кел

тиришдан бўлак ҳеч қандай айби йўқ бегуноҳ аёлни қўлларидан келганича азоблаб, унинг оғзидан ношаръий сўзларни эшлиши баҳтига мұяссар бўлдилар.

Умму Убайс эҳтимол Амморга берилган рухсатни эшлишиб, ҳаёт билан ўлим бирбираiga жуда яқинлашган бир дамда ушбу рухсатдан фойдалангандир. Эҳтимол, бир инсон бардоши сўнгги нуқтага етгач «Оллоҳим, ўзинг кечир», дея қалби имондан ором олгани ҳолда шу сўзларни мажбуран сўзлагандир. Чунки унинг қалби мустаҳкам имон нури билан суғорилган эди. Акс ҳолда, оч, чанқоқ қолса ҳам, қамчи остида, ураётган киши чарча<sup>Г</sup>унга қадар кунлаб калтак ейишига ҳожат қолмасди, талаб этилган куфронга сўзларни ўша заҳоти айтиб, азобуқубатлардан қутулиб қўяколарди.

Умму Убайс билан қизи ҳам буюк Абу Бакрнинг олижаноблиги туфайли сотиб олиндилар ва озодликка эришдилар.

Кунлардан бир куни Расулуллоҳ (с.а.в) Масжиди Ҳарамда намоз ўқиб ўтирганларида,

қўшнилари ва ашаддий душманлари бўлган Уқба ибн Абу Муойт келиб қолди ва эгнидаги пешбандини (қийиқчасини) ечиб, туйқус Набийи Акрамнинг (с.а.в.) бўйниларига солди ва бор кучи билан бўға бошлади. Шунинг устига Ҳазрати Абу Бакр келиб қолди ва ўша заҳоти Уқбага ёпишди. Уни Пайғамбар (а.с.) устларидан нари итариб юбордида:

Роббим Оллоҳdir дегани учунгина бир бегуноҳ одамни ўлдирмоқчимисан?! — деб ҳайқирди.

Аммо бу билан жанжал тўхтамади, аксинча, баттар авж олди. Бу уртўполон чоғи Абу Бакр бир неча енгил жароҳат олди.

Орадан кунлар ўтди. Расулуллоҳ (с.а.в.) яна Масжиди Ҳарамга келдилар. Роббиларининг хузурида турдилар. У зотнинг бу ерда намоз ўқиётганларидан аввал ҳам дарғазаб бўлган бир гурух мушриклар олдинига ўзаро маънолимаъноли қараб олишди. Мунча ҳам ўжар бўлмаса, деган маънодаги бу қарашлар уларнинг Расулуллоҳдан ғоят норози эканликларини билдирав эди.

— Бу риекорни қаранглар!.. Кани, орангизда мард борми? Ким фалон куни сўйилган түяning қорнини олиб келиб, унинг устига ёпа олади? — деди кимдир.

Эҳтимол, бу сўзларни Амр ибн Ҳишом айтгандир. Нима бўлганда ҳам бадбаҳт ва гумроҳ биттаси ўрнидан сапчиб туриб, дарров түяning эшини олиб келди. Бу одам Расулуллоҳнинг қўшнилари Уқба ибн Абу Муойт эди. Шу онда Расули Мухтарам (с.а.в.) сажда ҳолатида эдилар. Уқба эшни олиб келиб, у зотнинг устларига ташлади.

Шундай бир қаҳқаҳа кўтарилдики, Масжиди Ҳарамнинг деворлари ларзага келди. «Биз ғолиб бўлдик», деганлари эди бу.

Расулуллоҳ (с.а.в.) сажда ҳолатида узок қолдилар, бирон кишининг келиб қоринни устларидан олиб ташлашини кутдилар. Аммо ҳеч ким журъат этиб келиб, у кишини бу ҳолатдан кутқаза олмади.

Мусулмонлардан бири чопиб Набийи Акрамнинг (с.а.в.) уйларига борди ва юз берган воқеани баён қилди. Кичкина Фотима буни эшигтан заҳоти Масжиди Ҳарам томонга югарди. Отасининг қошига этиб келганида қорин ҳамон у кишининг устларида эди. Либослари ифлос

бўлиб, батамом расвоси чиқибди. Мушриклар қаҳқаҳа отиб кулишар, бирбирлари билан ҳазиллашиб, Расулуллоҳни мазах қилишар эди. Фотима уларни қарғайқарғай қоринни олиб ташлади. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўринларидан турдилар. Қабиҳона завқшавқ билан томоша қилаётган бадбаҳтларга тикилдилар. Сўнгра Каъбага ўтирилиб, қўлларини кўтардилар:

— Оллоҳим, қурайшларни сенга ҳавола этаман. Оллоҳим, қурайшларни сенга ҳавола этаман. Оллоҳим, қурайшларни сенга ҳавола этаман. Оллоҳим, Абу Жаҳл Амр ибн Ҳишомни, Утба ибн Робиани, Шайба ибн Робиани, Валид ибн Утбани, Умайя ибн Халафни, Уқба ибн Абу Муойтни, Умора ибн Валидни сенга ҳавола этаман! — дедилар.

Қаҳқаҳалар бирдан тинди. Ёник бир юракдан юксалган бу дуонинг қаерларгача этиб боришини бу гумроҳлар ҳам савҳи табиий ила сездилар.

Расулуллоҳнинг диллари оғритилган, зулм этилган ва ҳақорат қилинган эдилар. Шундай ахволда у зотнинг муборак ва мунаввар қалбларидан отилиб чиқсан мазкур дуоибад Даргоҳи Иззатга юксалиб, орқага курук қайтарилиши мумкинми?! Буюк Оллоҳнинг хузурида у кишининг тилаги қабул этилмаса, кимники қабул этилади? Қолаверса, Оллоҳ таоло зулм кўрган кишининг, агарки у коғир бўлса ҳам, дуосини қайтармайдиган Зотдир. Ҳолбуки, мушриклар безовта қилишга уринган бу қалб эгаси Роббул Оламин учун бутун коинотдан ҳам қимматлироқдир. Анча йиллар олдин Жаброил ва Микоил сингари икки улуғ фаришта юборилиб, бу қалб соҳиби илоҳий бир амалиёт сари йўналтирилган эди. Сарвари Коинот бўлиб этишиши учун махсус тарзда тарбия этилган, ҳозирланган эди. Бу қалбга буюк Оллоҳ ўзига номаъкул биронта ҳам тушунчани, ҳистуғуни сингдирмаган. Оллоҳнинг оламларга бўлган раҳмати ушбу Қалбдан таралар эди. Шундай экан, бу дуо орқага курук Қайтарилиши ҳам

мумкин эмасди. Чунончи, «Албатта, Оллоҳга ва Унинг пайғамбарига озор берадиган кимсаларни Оллоҳ дунёда ҳам, охиратда ҳам лаънатлагандир ва улар учун хор килувчи азобни тайёрлаб қўйгандир» (Аҳзоб сураси, 57.)

Ҳукми қабоҳатга берилган мана шу кимсаларнинг бўйнига абадий осиб қўйилган эди. Расулини ҳар қандай қадр

қимматдан ҳам устун қўядиган Мавлонинг ўзгармас ва узилкесил ҳукми эди бу.

Набии Акрам (с.а.в.) дархол у ердан узоклашдилар. Вахийнинг илк кунларидаёқ Мавлонинг «Либосингни пок тут!» деб берган амрини бажаришга шошилдилар.

Қачонки бир мўмин банданинг оёғига тикан кирса, битта гуноҳидан фориғ этилар экан, бу ҳодисадан сўнг Расулуллоҳ (с.а.в.) қай даражада эъзозланишлари ва юксакларга кўтарилишларини тасаввур этиш унчалик қийин бўлмаса керак.

Ҳар куни биронбир ярамас қилиқ кўрсатиб, пайғамбаримизнинг (с.а.в.) қалбларида озор етказишга уринадиган ёки бошқаларни шунга ташвиқ этадиган Махзум қабиласидан бўлмиш Амр ибн Ҳишом шу тариқа абадулабад лаънатланишга лойик лақаб олди: Абу Жаҳл... Бу сўзнинг маъноси ўта даражада ахлоқи бузуқ, беодоб дегани эди. Одобсизлик, ахлоқсизликнинг асл ўзак меваси бўлган «бадбаҳт» маъносига ҳам тўғри келар эди. Бу даврнинг номи «жоҳилия даври» эди. Абу Жаҳл эса, ушбу даврнинг энг мукаммал вакили, том маънода ўта даражада орсиз, жоҳил, нодон ва бадбаҳт бир одами эди. У бундан кейин ҳам ўзининг ушбу лақабга ҳар жиҳатдан лойик эканини кўрсатди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга «Абу Жаҳл» деб лақаб қўйганларида нақадар ҳақли бўлғанларини у ўзининг феъли билан исботлади.

Бундан олдин, намоз ўқиётганларида Абу Жаҳл у кишини безовта қилмокчи бўлганида, унинг қархисида оловдан бир жарликни пайдо қилган ва уни қўрқувга солган Буюк Оллоҳ нима учун бу чиркин хаттиҳаракатнинг олдини олмади — буниси фақат Унинг Ўзигагина аёндир.

\* \* \*

Яна бир кун Расулуллоҳ (с.а.в.) Каъбанинг соясида ўтирган чоқларида ёнларига динга киргани учун ёниб турган гулхан устига ётқизилган Хаббоб ибн Аратт яқин келди. Умму Анмор берган бу азобдан ҳоли жуда паришон эди. Бир неча кишининг даврасида ўтирган Расулуллоҳнинг рўбарўларига ўтди. Кимdir:

— Ё Набийаллоҳ, биз учун ёрдам сўраб дуо қилмайсизми? — деди.

Расулуллоҳ дедилар:

— Сизлардан аввалгиларни чуқур қазиб ичига туширадар, сўнгра арра билан уни тириклиайн иккига бўлиб ташлар эдилар, шундай қийноқлар ҳам уни диндан қайтара олмасди. Темир тароқ олиб, суякларигача ботириб тараашлашарди, аммо, уни динидан воз кечира олишмасди. Қасам ичаманки, Оллоҳ таолонинг ўзи бу ишларнинг яқунини хайрли қиласди. Иншооллоҳ, шундай кун келадики, агар бир йўловчи Санъодан чиқиб Хадрамутгача бормоқчи бўлса, бутун сафар давомида фақат Оллоҳдан ва қўйларига хужум қилиши мумкин бўлган бўрилардангина кўрқади. Аммо сизлар бир оз шошқалоқлик қилянсизлар, азизларим, — дедилар.

— Ё Набийаллоҳ, бўлмаса, ўзимизга ўлим тилаб ётаверарканмизда?.. Замона зўрники, деб Умму Анморга ўхшаганлар, Хаббобга ўхшаганларни шундай қўйга солса ҳам, индамай кетаверайликми?

— Йўқ!.. — дедилар Расулуллоҳ қатъий оҳангда.

— Аянчли аҳволга тушиб қоляпмиз, ахир. Сабртоқатимиз тугаяпти.

— Биронтангиз ҳам бошингизга мусибат тушса, ўзингизга ўлимни тиламанг. Агар шундай бир аҳволга тушиб қолсаларингиз, жуда бўлмаса: «Оллоҳим, ҳаётда қолиш мен учун хайрли бўлган муддат давомида ўзинг паноҳингда асрар, ўлиш мен учун хайрлироқ бўлган дамда ўлдирсанг ҳам розиман», денглар.

Хаббоб ва унинг яқин биродарлари бу ҳадиси шарифни ўзларига тамойил қилиб олдилар. Сабрларининг сўнгги даражасигача чидашга, бардошлари сўнгги нуқтага етгандан кейин ҳам

сабртоқат этишга, аммо асло ўлимни танламасликка қарор қилдилар.

Тоққа чиқиб бораётган одам бир чўққига тирмашиб юқорига интилар экан, «Мана шуниси сўнггиси бўлса керак», деб ўйлади. Бу чўққини забт этиб, иккинчисига дуч келганида, яна айни фикр ўтади хаёлидан. Аммо уни ошиб ўтиш учун ҳам ўзида куч топади. Сўнгра учинчи чўққи келади ва ҳоказо...

Ҳақиқатга эришиш машаққати ҳам шунга ўхшайди. Буни билганлар олдиндан тайёргарлик кўриб қўядилар. Хаббоб ва унинг дўстларига ҳам ушбу йўл кўрсатилган эди. Яъни, бу азиятларнинг орқасида ҳали яна баттар азоблар ҳам борлигини ва улар ҳали охирги эмаслигини ўйлаб сабр этиш кераклиги ёдга солинган эди. Аммо бу азобукубатлар вақтисоати келиб ниҳоясига етиши, тўкилган терлар, чекилган меҳнатлардан сўнг осойишта ва ҳузурхаловатли кунлар келиши ҳам муқаррар эди.

Тишлар яна ғижирлади, билаклар яна куч-кувватга тўлди. Ҳар қандай зулмга нисбатан: «Бундан ҳам даҳшатлироқ бўлиши мумкин эди», деган тушунча остига ва: «Ҳали Оллоҳ мени бу тортган жабру ситамларим учун албатта муносиб тарзда мукофотлайди», деган ишонч билан кўкраклар керилди.

Бинобарин, орадан кўп йиллар ўтиб, Хаббонинг хаёлига ҳам келмаган саодатли дамлар бошланганида, зулм учун эмас, балки шифо учун, яъни оғир касалини даволатиш учун қорнини етти марта кўйдиргандаридан Хаббоб сабртоқатнинг ажойиб намунасини яна бор намойиш этди ва Расулуллоҳга бўлган садоқатини кўйидаги жумлаларда ифода қилди: «Агар Расулуллоҳ (с.а.в.) ўшанда ўлимни танлашни тақиқламаганларидан, албатта, у зулмларга дош беролмай ўлимни афзал кўрган бўлардим...»

...Ниҳоят Умму Аймур Хаббобга ортиқ зулм қилишнинг бефойда эканлигига қўзи етди ва хоҳлаган динида қолишига рози бўлиб, уни қўйиб юборди.

Хаббоб туширилган Қуръон оятларини зўр ихлос билан ёд олар, бошқа мўъминларга ҳам ўргатишни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблар эди. Шу жиҳатдан у илк Қуръон ўргатувчилар қаторидан ўрин олди.

\* \* \*

Набийи Акрам (с.а.в.) хонадонларида яна бир баҳтиёр оила курилди. Кунлардан бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Жаинати аёл билан турмуш қуришни истаган мард бўлса, Умму Айманга уйлансин,— деб марҳамат қилдилар.

Умму Айманни оналаридек яхши кўрардилар. Кичик ёшдан бошлаб ундан қўпгина яхшиликлар кўрган, онасиз қолган кунларнинг Ал-Амини унинг қучоғида унугтан эдилар.

Бу ишга иккинчи бир яхши кўрганлари, асранди фарзандлари Зайд хоҳиш билдириди.

— Мен унга уйланаман, ё Расулуллоҳ.

Бу иайтларда у йигирма ёшли қирчиллама йигит бўлган эди.

Шундай қилиб, Зайд билан Умму Айман Фахрул мурсалин (с.а.в.) томонидан ўқилган никоҳдан сўнг эрхотин бўлдилар. Бу пайтда Ўмму Айман эллик ёшлардан ошган эди.

Ҳар иккаласи ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) яқин кишилари эдилар.

Расулуллоҳнинг икки балофатга етган қизлари — Руқайя билан Умму Гулсум Абу Лаҳабнинг икки ўғли томонидан рад этилган эдилар. Яна ҳам тўғрироғи — Буюк Оллоҳ пайғамбарининг икки суюкли қизини дўзахилар оиласига келин бўлишдан халос этган эди. Руқайяни илк мусулмонлардан бўлган Усмон ибн Аффонга никоҳлаб бердилар. Шу йўсинда Усмон мусулмонлик билан бирга, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) куёви бўлишдек, хаёлига ҳам келтирмаган шарафга мұяссар бўлди. Шу жиҳатдан унга «ЗинНур» (Нур соҳиби) лақаби жуда ҳам ярашиб тушди. Уни шундай атай бошладилар.

Пайғамбаримиз олдинроқ қизлари Зайнабни холаларининг ўғли Абул Осга берган эдилар. Абул Ос ҳазрати Хадичанинг синглисисининг жигарбанди эди. Мусулмонликка кирмаган эди.

Аммо Зайнабга нисбатан доимо хурматда бўлди, асло дилини оғритмади.

Ҳазрати Хадича тўй хотираси сифатида қизига анчамунча совғасалом, сарполар жўнатган эди.

## «ЭСКИЛАРДАН ҚОЛГАН БИР АФСОНА»

Мўминларга қарши жабру ситамлар билан бир қаторда истеҳзою киноялар ҳам кенг ўрин ола бошлади. Имон келтирганларнинг асосий кўпчилиги заиф, фақир ва қуллар табақасига мансуб кишилар бўлгани боис, дуч келган жойда мазах қилишар, алоҳида бир киноя ва кесатиққа мавзу бўлар эдилар.

Имон келтирганларнинг жаннатга, гумроҳларнинг эса, жаҳаннамга дохил бўлишлари ҳақидаги ҳукм уларни, айниқса, ажаблантириди. Қанақасига қуллар жаннатга кирап эмишу, уларнинг хўжайинлари бўлмиш бу аслзодалар жаҳаннамда шатиршутир ёнармиш... Бу ҳукм қуруқ сафсатадек туюларди кофирларга. Уларнинг фикрича, бунақа бўлишига ақл бовар қилас мас эмиш...

Доруннадвада йиғилган мажлис ахллари ушбу мавзудан гап бошлади:

Мухаммадга ишонганлар охиратда роҳатфароғатда бўлармиш. Билол, Аммор, Ёсир кабиллар жаннатга кириши муқаррармиш.

Уқба ибн Абу Муойт гапга аралашди: Муҳтарам амакига ҳам икки таклифнома чиқарилди, хабарларинг борми?

— Қанақа таклифнома экан у?

— Жаҳаннамга — оловлар ичида кабоб бўлишга чақиришяпти. Абу Лаҳабни у ерда сихга тортиб, кабоб қилар эмишлар. — Сўнгра Абу Суфёнга ўгирилди:

— Кара, Абу Суфён, қандай вафодор поччанг бора? Жаҳаннамга ҳам хотинисиз кетмас эмиш бу одам.

Абу Суфён лабларини буриштириди:

— Эй азиз биродарлар, ахир жаннат ҳам, жаҳаннам ҳам шунчаки бир афсонаку.

— Нималар деяпсан? Ҳеч ҳам афсона эмасда, қолаверса, Умму Жамилнинг бўйнига арқон ҳам осилган бўлармиш.

Абу Жаҳл илиб кетди:

— Абу Лаҳаб ғирт тўнғиз экан, билмай юрганаканмиз. У ерда ҳам озмиқўпми даромад келтирадиган бир иш топган эмиш, хотинига ўтин ташитиб, рўзғорини бутлар эмиш, — деди ва кўз қирини Абу Лаҳабга ташлаб давом этди: — Бизнинг жиянимиз ҳам пайғамбар бўлга нида, биз ҳам бир гулханга ташланармилик. Афсуски, бизга толе ёр бўлмадида.

Абу Лаҳаб ортиқ чидай олмади:

— Толсимизнинг баланд бўлгани қаергача борди? Кўриб турганингиздек, жиянимиз бизни оловга ташламоқчи. — Шундан кейин кулимсираб давом этди: — Бизга ҳамроҳ бўладиган мард бордир ичларингда? Бизни у ерда соғинтириб қўйсаларинг, инсофдан бўладими? Сизларсиз биз нима қиласиз жаҳаннамда?..

— Сен менга ҳам ёнингдан жой ажратиб қўй. Бу кетишда у ёқда бошпанасиз қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас.

Уқба яна илиб кетди:

— Менга қара, хой Амр, янги исмингни биласанми ўзинг?

— Йўға, ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

— Сенинг янги отинг «Абу Жаҳл» бўлган. Ҳа, ха, «Абу Жаҳл».

Нодир ибн Ҳорис қаҳқаха отиб кулиб юборди:

— Ота-онангга қирқ йил ёлворсанг ҳам, сенга бундай лақаб беришни хаёлларига келтира олмасдилар. Ҳа ҳа ҳа...

Абу Суфён унинг сўзини кесди:

—Азизлар, қўйинглар энди бу ҳазилларни. Бўладиган гаплардан гаплашайлик.

—Бу дин ҳақида «бўладиган гаплар»нинг ўзи шуда,— деди Абу Жаҳл. — Тўғри, дуруст, хайрли бир дин

бўлса, бу қуллар биздан олдин ҳаракатга тушармидилар? Демак, энди Хаббоб жаннатга киради. Мозорда аллақачон ўлиги чириб бўлган Ёсир билан Сумайя жаннатга киравмишда, ўшандай қуллардан кирқтасини сотиб олишга қурби етадиган Уқба жаҳаннамга киравмиш. «Пайғамбар»нинг муҳтарам амакиси оловлар ичида жизғанак бўлармиш... Иўқ, бунақаси кетмайди!.. — Сўнгра атрофдагиларни бирбир кўздан кечирдида: — Балки орангларда уни қабул этганлар бордир? — деб сўради. Ҳеч кимдан садо чиқмади.

—Хўш, унинг гаройиб каломига нима дейсан, Абул Ҳаким?

—Нима дердим, эй Уқба, нодонларнинг саволини беряпсан. Ҳаммаси эскилардан қолган бир афсонада.

Нодир ибн Ҳорис қўшимча қилди:

—Мен сизларга ундан ҳам қизикроқ афсоналарни айтиб беришим мумкин.

Айни шу дамда Жаброили Амин галдаги ваҳийни келтириб, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қалбларига сингдирилаётган эди: «Коғир бўлган кимсалар имон келтирган зотлар ҳақида: «Агар (бу Куръон) яхши бўлганида (анави ялангоёқлар) унга бизлардан илгари бормаган бўлур эдилар», дедилар. Улар ўzlари у (Куръон) билан хидоят топишмагач: «Бу эски уйдирмадир», дедилар. У (Куръон)дан илгари Мусонинг пешво ва раҳмати бўлган Китоби (Таврот) бор эди. Бу (Куръон) арабий лисондаги (ўзидан аввал нозил бўлган барча илохий Китобларни) тасдиқлагувчи бир Китобдир. У золимкоғир бўлган кимсаларни (охират азобидан) огоҳлантириш учун ва чиройли амал қилгувчиларга (жаннат ҳақида) хушхабар бўлиш учун (нозил қилингандир). Албатта, «Парвардигоримиз Оллоҳдир» деган, сўнгра (Тўғри йўлда) устувор бўлган зотлар учун хавфу хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмаслар. Ана ўшалар жаннат эгалари бўлиб, у жойда мангу қолурлар. (Бу) улар қилиб ўтган амалларининг мукофотидир ». (Ахқоф сураси, 11-14.)

## ҲОЖИЛАРГА НИМА ДЕЙМИЗ?

Ҳаж мавсуми яқин қолди. Бу пайтда ҳар томондан ҳаж зиёратини адо этиш учун қўплаб инсонлар Маккага оқиб келади.

Қўйиб берса, Мухаммад ибн Абдуллоҳ (с.а.в.) уларни ҳам ўз динига даъват қилиши турган гап. Бунинг олдини олиш ҳар нарсадан ҳам зарур. Бепарво бўлиш — кейин пушаймон қилдирадиган бир қатор воқеалар оқимиға ҳозирданоқ таслим бўлиш демак эди. Бугунги кунгача қурайшларнинг орасида мартабаси улуғ, сўзи ўтадиган кўпгина кишиларнинг обрўйи бир пул бўлиши мумкин эди.

Бу муаммони атрофлича мухокама этиш ва бир қарорга келиш учун мушрикларнинг улуғлари Доруннадвада йиғилиб, машварат ўтказди.

Тўрда Валид ўтирибди. Унинг икки ёнидан Абу Жаҳл ва Нодир ўрин олишди. Абу Суфён, Абу Лаҳаб, Уқба, Мунаббих, Набих, Умар, машҳур полвон Руқона, Ос, Умайя, укаси Убайӣ, Асвад, Утба, Абдуллоҳ ибн Абу Умайя, Шайба, Абу Уҳайҳа... каби қавмларининг оқсоқоллари мажлисдаги жойларини эгалладилар. Ҳошимийлардан бирортаси бу мажлисга чақирилмади. Гарчи Абу Лаҳаб ҳошимийлардан бўлса ҳам, унинг эътиқоди ва дунёқараши бу ердагиларга кундек равшан эди.

Мажлисни Валид ибн Муғири очди.

Ҳаж мавсумининг яқинлашгани ва Мухаммад ибн Абдуллоҳга қарши бошланиши керак бўлган кураш бугунги мажлиснинг бош масаласи эканлигини маълум қилгач, сўзини шундай давом эттириди:

— Муқаммал бир ташвиқот юритишимиз даркор, бу масалада бир ёқадан бош чиқармасак, мағлубиятга учрашимиз муқаррардир. Ҳар ким ўзбошимчалик қилиб, би римиз иккинчимизнинг сўзимизни тингламасак, мусофиirlар биздан шубҳаланадилар. Энди ҳар ким ўз фикрини билдирун. Мухаммадни ким деб, қанақа қилиб таништиришимиз маъқулроқ бўлади? Уни шундай тасвиirlайликки, келган ҳожилар ундан ўзларини олиб қочсинлар.

— Кулоғимиз сенда, эй Абдушшамс!..

— Қайси йўлдан юришни маъқул десанг, ҳаммамиз шунга рози бўламиз.

— Мен олдин сизларнинг фикрингизни билмоқчиман. Ўз фикримни ҳаммангиздан кейин айтаман. Балки меникидан ҳам кўра маъқулроқ фикр чиқиб қолар.

— Ҳақлисан, эй Валид. Биринчи таклиф билдирилди:

— Уни ёлғончи деб танитайлик. Валид бошини чайқади.

— Орамизда қирқ йилдан бери яшаб келаётган бу одамнинг бирон марта бўлса ҳам ёлғон гапирганини эшитган киши борми? Бу сўзга ҳеч ким ишонмайди, ҳатто ўзимиз ҳам.

— Телба десак, қандай бўларкан?

— Қанақасига жинни бўлсин? Ҳеч телбаларни кўрмаганмисизлар ўзи? Муҳаммаднинг гапсўзи, хатти-ҳаракати телбаларниги ўхшайдими? Телбаларда кузатиладиган чираниш, депсиниш, васвасалар, тутруксиз гапсўз ва ҳаракатлар борми унда? Биз шундай чора топишимиз керакки, унга нафакат бегоналар, балки ўзимиз ҳам ишонайлик.

— Фолбин дейлик, мана шу нарса унга ярашади.

— Биз бугунгача кўпгина фолбинларни кўрдик, уларнинг бемаъни гапларини эшитдик. Аммо унинг сўzlари билан фолбинлик орасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. Қолаверса, Муҳаммадни кўпдан бери танийсизлар, унинг ҳеч фолбинларга иши тушганини кўрганмисизлар?

— Энг тўғриси — уни шоир деб танитайлик, — деди яна бири.

— Азизим, биз шеърни ҳис этмайдиган, шеър ўқимайдиган одамлар бўлсак ҳам, бошқа гап эди. Шеърнинг ҳамма турини биламиз. Қасам ичаманки, бу ўтирганлар ичida шеъриятни мендан яхширок биладиган киши йўқ. Аммо унинг каломи шсър эмас. Бундай десак, бизга ҳеч ким ишонмайди.

— Жодугар дейлик бўлмаса.

— Ҳечамда. Унинг жодуга алоқадор иши йўқ. Куф-суф қилмаса, ичida бир нималарни бидирламаса, қанақасига жодугар бўлсин?

Валид таклифларни шу тариқа рад этди. Бирон кимса: «Ахир, ҳақиқатни кўрабилатуриб инкор этишдан нима фойда?» дейёлмас эди.

— У ҳолда энди гап яна ўзингда қолди, эй Абдушшамс. Бизнинг ҳамма таклифларимизни рад этдинг. Сен нима деб ўйлайсан. Нима дейишимизни истайсан, қани, гапир.

Валид боши эгик ҳолда бирмунча жим бўлиб қолди. Қайси томонга юрса ҳам, охири берк кўчага бориб тақалиши аён эди. Ё тухмат қилиш, ё мағлубиятга рози бўлиш керак. Учинчи йўл ҳам бор эди: Оллоҳ Расулининг байроби остига тўпланиш, абадий саодат тожини кийиш. Аммо...

Бошлар эгилган, миялар ғувиллар эди. Валиднинг башараси дамбадам бужмая бошлади. Ишонтирса бўладиган чора топишга уринарди у. Лекин нимани ўйласа, барибир тўғри келтира олмасди. Ниҳоят, бошини кўтарди.

— Худо ҳаққи, унинг сўzlарида ўзгача бир жозиба, ўзгача бир софлик ва таъсирчанлик бор. Меваси сархил бир дараҳт гўёки... Худо ҳаққи, унга қарши айтиладиган ҳар қандай гап бемаъни бўлиб чиқиши аниқдир.

Бирон кимсадан садо чиқмасди. Абу Жаҳл ҳам ўйга толди: «Бўлмаса, хой қария, сен бизни айланибўргилиб мағлубият сари етакламокчимисан?!» дейишдан ўзини зўрға тийди.

Сукунат узок давом этмади. Абу Жаҳл энди сўз бошлай деб турганида, яна Валид гаириб кетди:

— Энг яххиси — уни сеҳргар деймиз. Ахир, у бегуноҳ одамларни динидан қайтармоқда, отасидан, хотинидан, укасидан, қабиласидан кўнглини совутмоқда.

Нихоят масала ҳал бўлди. Мақсадлари Муҳаммад алайҳиссаломга бир лақаб бериш, ҳамма жойда уни шу лақаб билан аташ эди, шунга эришдилар. Энди Расулуллоҳни (с.а.в.) ҳожиларга сеҳргар деб таниширишга, «Зинҳор унга яқинлашманглар, акс ҳолда, кейин ҳеч ҳам ўзларингга келолмайсизлар», деб тухмат қилишга келишиб олдилар.

## ЖАҲАННАМНИ ҚЎРИҚЛАЙДИГАН ЎН ТЎҚҚИЗ МАЛАК

Расулуллоҳ (с.а.в.) бу бўлиб ўтган мажлис ҳақида бошқа тарафдан хабардор қилиндилар. Ҳамма нарсани кўрибилиб турадиган Буюк Оллоҳ ваҳий фариштасини жўнатиб, Доруннадвада тўплланган иттифоқчиларга алоқадор ушбу оятларни туширди: «Чунки қачон (қиёмат қойим бўлгани ҳақида хабар бериб) бурғу чалинганида, ана ўша кун қийин кундир! Кофирларга осон бўлмаган (кундир)! Мен сўққабош ҳолида яратган кимсани ўзимга қўйиб беринг! Мен унга кенгмўл молдавлат ва ҳозиру нозир ўғилларни (ато) қилдим. Яна унга (ҳаётнинг барча неъматларини) қулайосон қилиб қўйдим. Сўнгра у яна зиёда қилишимни тама қилур. Йўқ (унинг тамаси бехудадир)! Чунки у бизнинг оятларимизга қаршилик қилувчидир. Яқинда Мен уни бир харсангтошга дучор қиласман. Чунки у (Куръонни эшитгач, бу илохий Китобга қандай тухмат қилиш тўғрисида) ўйлади, режа тузди. Ҳалок қилингур, қандай режа туздия?! Яна ҳалок қилингур, қандай режа туздия?! Сўнгра у (ўйлаган режаларига) қаради. Сўнгра (Куръондан бирон айб топа олмагач, пешонасини) тириштириди ва (афтини) буриштириди. Сўнгра (Ҳакдан) юз ўгириди ва кибрҳаво қилди. Бас, у: «Бу (Куръон Оллоҳнинг сўзи эмас, балки) фақат (аввалгилардан) нақл қилинаётган бир сеҳрdir. Бу фақат башарнинг сўзиидир», деди. Яқинда мен уни Сақарга (жаҳаннамга) киритажакман. Сақарнинг нима эканлигини сиз қаердан ҳам билар эдингиз. У (бирон кофирни) қолдирмасқўймас (У беш юз йиллик масофадан) инсонларга яққол кўриниб тургувчидир. Унинг устида (ўн тўққиз фаришта қўриқчилик — эгалик қилур). (Муддассир сураси, 8 — 30.)

Қавми орасида битта деб ҳисобланадиган, тенги ва тимсоли йўқ улуғ зот сифатида танилган Валид учун бекиёс бир таҳдид, улкан бир азоб хабари эди бу. Мазкур оятларни мўминлар бирбирларига ўқиб бердилар. Хотини мусулмон бўлганларку уйларида ҳам бу оятларни такрорладилар. Нихоят, бир куни бу оятлар мушрикларнинг ҳам қулоқларига етиб борди.

—Бу диннинг сафсата эканлиги мана энди аниқ бўлди, — деди Уқба. — Шуҳрати Шомдан Яманга қадар тарқалган Валидек бир одам жаҳаннамга тушармишу, қаёқдаги ялангоёқлар жаннатга киритилармиш... Мен бунга қойил эмасман.

—Хўш, унда «ўн тўққизта» деган ракамга нима дейсиз? Муҳаммад уқтирган жаҳаннамда ўн тўққизта азоб фариштаси бор эмиш.

— У ҳолда дўзах унчалик катта жой эмас эканда.

Абу Жаҳл бировнинг сўзини эшитадиган ҳолатда эмас эди.

— Агар ўртага чиқиб жар солсам, ундан ўн тўққизлардан қанча ғанчасини атрофимга тўплайман. Қаранг, Ибн Абу Кабша сизларни ўн тўққиз киши билан қўрқитмоқчи. Сизлар эса, улкан бир жамоасиз. Ўнтаўнта бўлиб бирлашганда ҳам бир кишига бас келолмайсизларми?

Абу Асвад Жумохий қаҳқаҳа отди:

— Ташвишланманглар, мен ўнг елкамга ўнтасини, чап елкамга қолган тўққизтасини олиб авраб тураман, сизлар солланасоллана жаннатга кириб оласизлар.

Суҳбат ана шундай ҳажв оҳангидага давом этар экан, Валиднинг кўнгли ҳеч тинчланмас эди.

Юракюрагидан чиқаётган бир нидо унинг бутун вужудини титратар, «Сен Мұхаммаднинг беҳуда, ёлғон гапирганини ҳеч эшитганмисан? Вақтисоатинг яқин энди, тайёргарлигингни күравер, эй Валид!» деда ҳайқирап эди.

— Нималарни ўйлаб қолдинг, амаки? Валид дудукланиб:

— Ўзим... шундай... ҳеч нима, — деди.

— Жуда ўйчан бўлиб қолдинг, очиғини гапиравер.

— Шу, Мұхаммаднинг сўнгги каломи борку... Абу Жаҳл кулди:

— Қўйэ, амаки, дунёга куруқ сафсатанинг устида бош қотиришга келибмизми биз?!

\* \* \*

Мушрикларга янги мавзу топилган эди. Дуч келган жойда мусулмонларни мазах қила бошлашди.

— Ўн тўққиз киши бор эмиша? Ҳар бирини жаҳаннамнинг бир бурчагига боғлаб чиқамиз. Сўнгра у ерда ҳам ҳокимият бизники бўлади...

Куч ишлатишга тўғри келадиган бўлса, паҳлавон Рукона ўзини кўрсата бошларди. Дуч келган мусулмонни туртибсуриб:

— Нима гаплар бор сизларнинг ўн тўққиз фариштангиз томонларда? Худо ҳаққи, ҳаммасининг адабини, мана, ўзим бераман! — дер, сўнгра каршисидаги мусулмон билан енгил синов намойишига киришар эди.

Ҳамма ерда ўн тўққиз фариштанинг жаҳаннамдан вазифа олиши ҳақидаги гап!

Шу аснода Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қалблари ушбу мавзуни ёритиб берадиган ояллар билан йўғрилди:

«...ва биз фақат коғир бўлган кимсаларни синаш учун у (фаришта)ларнинг саноғини (ўн тўққизста) қилдик. Токи китоб берилган кимсалар (яъни, яхудий ва насронийлар ўзларининг илоҳий китоблари бўлмиш Таврот ва Инжилда ҳам дўзах қўриқчилари бўлган фаришталарнинг саноғи ўн тўққизта эканлиги айтилганини кўриб, Қуръоннинг Оллоҳ томонидан нозил қилинган Ҳақ Китоб эканлигини) аниқ билгайлар ва имон келтирган зотларнинг имони янада зиёда бўлгай ва Китоб берилган кимсалар ҳам, мўминлар ҳам (дўзах қўриқчиларининг

саноғи тўғрисида) шакшубҳа қилмайдилар. Ва токи дилларида мараз бўлган кимсалар ва коғирлар: «Буни мисол қилиш билан Оллоҳ нима демоқчи?» дегайлар. Оллоҳ ўзи хоҳлаган кимсаларни мана шундай йўлдан оздириб қўюр ва Ўзи хоҳлаган кишиларни хидоят қилур. Парвардигорингизнинг қўшинларини (яъни, фаришталарнинг қанча адади ва қандай сифатда эканликларини) ёлғиз Унинг Ўзигина билур. У (ушбу оялларда таърифланган жаҳаннам) факат инсонлар учун эслатмадир». (Муддассир сураси, 31.)

## ЎЛИМДАН КЕЙИНГА ДОИР

Жаҳннат ва жаҳаннам дунё ҳаёти тугагандан сўнг бошланадиган абадий ҳаёт билан боғлиқ манзиллардир. Ҳолбуки, арабларнинг баъзилари ўлгандан сўнг қайта тирилишига ишонса ҳам, қўплари ҳамма нарса фақат бу дунёдаги ҳаётдан иборат, деб ишонар эди.

Абу Жаҳл Пайғамбарга (а.с.) туширилган сўнгги ояллар таъсирида ларзага келган Валид ибн Муғирига тасалли берар экан, бўлмайдиган куруқ сафсатадан иборат у дунё учун қайғуриш бемаънилиkdir, деб уқтироқчи бўларди.

Нағсадар беҳуда, асоссиз гап... Инсон ўлади, тупроқ остида чирийди, юзларча, мингларча инсонларнинг ўлик вужуди, чириган сувклари тупроқнинг остида бирбирига қўшилибарашиб кетади. Шамоллар уларни ҳар томонга учирив кетади, оқар сувлар бу тупроқларни қаерларгадир оқизиб кетади, денгиз тўлқинлари эса, денгизларга чўкиб ўлганларнинг жасадини ҳар томонга сочиб юборади; балиқларга, йиртқич ҳайвонларга ем бўлганлар, ёнғинларда жон бериб куллари кўкка совурилганлар, куруқ чўлларнинг қумлари орасида йўқ бўлиб кетганлар...

Демак, улар бир кун келиб қайта тирилар эканда... Эртаклар ҳам бунчалик уйдирма бўлмас! Бундан мингларча йил олдин яшаганлар, мингларча йил кейин яшайдиганлар... ха, ҳа, уларнинг ҳаммаси қайта ва янги ҳаётга қовушадилар эмиш.

Бу тупроқлар яна гўшт ва суяк бўлади, уларга яна қайта жон бахш этилади ва у беҳисоб инсонлар ҳисобкитоб қилинади, ажрмукофот олади ёки азобга учратилади... Бўлиши мумкинми шунақаси?..

Оллоҳнинг чексиз қудратига ишонмаган инсон қиёматда содир бўладиган ҳодисаларга қайдан ҳам ишонарди? Иккита туя сўйилиб, суяклари бирбирига аралаштирилса, энг ақли расо инсон ҳам бу суякларни ажрата олмайди. Ҳолбуки, ер юзида каттакичик мингларча тур жонивор бор эди. Уларнинг ҳар бир навидан нечанечча миллёнмилярдлари яшаб, ўлиб кетган. Шу дамда оёқлари остидаги тупроқ, ким билади, қанча ҳайвонлар, қанча инсонларнинг гўшти ва суякларидан ҳосил бўлган экан?

Ким буни билиб беради?! Хуллас, бундай бўлиши асло мумкин эмас!

Дархақиқат, инсоннинг қўлидан бу иш келмайди. Инсон онги шу ерга келганда таққа тўхтайди, бундан ортиғини тасаввур ҳам қила олмайди. Икки туюнинг суякларини бирбиридан ажрата олмаган инсон ақли икки юз туя, икки юз от, икки юз инсоннинг суякларини қандай қилиб ҳам ажратади?

Доруннадвада «ақл ўйини» қилаётганлар шундай қарорга келдилар: ўлгандан кейин қайта тирилиш йўқдир, чунки бу имконсиздир, дедилар.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қўшниларидан Одийй ибн Робиа у кишининг ёнларига келиб:

— Қани, гапир, сен қиёмат деб атаётган кунинг қачон келади, қанақа бўлади, нималар бўлади? — деб сўради.

Пайғамбар (с.а.в.) тушунтиридилар, у тинглади. Шундан кейин Одийй бундай деди:

Ё Муҳаммад, сенинг бу гапларинг ғирт уйдирмадир. Сен гапираётган нарсаларни ўз кўзларим билан кўрсам ҳам ишонмайман, тасдиқламайман. Демак, Оллоҳ бу тарқалиб кетган суякларни бир жойга йигади, шундайми?! Бу ақлга сифмайдиган нарса, ахир...

Расулуллоҳ (с.а.в.) уни ташлаб чиқиб кетдилар.

— Оллоҳим, бу нодон қўшниларим Одийй ибн Робиа ва Ахнас ибн Шариққа қарши мени кучли, сабрли қил, —дея дуо ўқий бошладилар.

Набийи Ақрам (с.а.в.) қайтиб уйларига келганларида ваҳийнинг иси у зотнинг вужудларини қамраб ола бошлади. Қиёмат сурасининг илк оятлари покиза қалбларига ёзилар эди:

«Мен қиёмат кунига қасам ичурман. Ва мен маломатгўй нафсга қасам ичурманки, (хеч шакшуҳасиз, қайта тирилиб ҳисобкитоб қилинурсизлар)! Инсон бизни унинг (чириб, тупроқка айланиб кетган) суякларини харгиз тўплай олмас, деб гумон қилурми?! Иўқ. Биз унинг бармоқларини (ҳам) тиклаб жойига келтиришга қодир бўлган Зотдирмиз! Балки инсон келгуси ҳаётида (ҳам) фисқфужур (гуноҳ амалларни) қилмоқни истаб: «Қиёмат куни қачон ўзи?» деб сўрап?! Бас, (кўрган даҳшатларидан) кўз қамашиб, (осмондаги) ой ҳам тутилган ҳолда, куёш ва ой бирлаштирилган вақтда — ана ўша Кунда у инсон: «(Бу балоофатлардан) қаерга қочиб кутулиш мумкин?» деб қолур. Иўқ! (Эй инсон, Оллоҳнинг ғазабидан қочиб кутуладиган) бирон бопшана йўқдир! У Кунда ёлғиз Парвардигоринг (хукм қилган жой)га қарор топишгина бордир. У Кунда инсонга (ҳаёти дунёдалик чоғида) қилиб ўтган ва (ўзидан кейин) қолдирган (барча) нарсаларнинг (яъни, яхшиёмон амалларнинг) хабари берилур. Балки (у Кунда) инсон — гарчи ўз узрбаҳоналарини (ўртага) ташласакелтирсада — (унинг барча аъзолари) ўзининг зиёнига гувоҳлик бергувчидир!» (Қиёмат сураси, 1-15.)

Бу оятлар мушрикларга ўқиб берилганида, улар бу теран маъноли, сермазмун каломни тушунишни, ҳатто бу ҳақда бош қотиришни ҳам истамадилар. Чунки бу тўғрида қанчалик кўп ўйласалар, шунчалик таъсирланар, ақллари қабул этаётган ҳақиқатдан қочиб қутулишга жой

тополмай қолар эдилар.

Энг осони — мутлақо эътибор бермаслик, тингламаслик, «Э, борэ», деб қўл силтаб кетиш эди.

Аммо суюкларнинг йиғилиши у ёқда турсин, бармоқ учларининг ҳам тасдиқ этилишига нима дейсиз? Юз йиллар ўтиб, инсонларнинг бармоқ учларидағи ақл бовар қилмас сирлар юзага чиққанида, ҳайратдан бармоқларини тишлайдиган кунлар келиши муқаррар. Бир инсоннинг бармоғи учларидағи изларнинг бошқа бир инсонда бўлмаслиги... буни инсоният тарихи давомида ҳар бир инсон учун алоҳидаалоҳида тасдиқ этган Буюк Қудрат, бутун оламларни йўқдан бор қилган Қудрат, албатта, уларни иккинчи марта қайта яратиши, қайта хаёт бериши муқаррардир.

Аммо буни тушунишни истамаган кишига уқтиришдан, ишонмасликка олдиндан қарор қилиб қўйган кишини ишонтиришдан, ёки бўлмаса, ишонмаса ҳам, «ишондим» дейишга мажбур этишдан кимга нима фойда?

Шуниси бешакки, мўминлар ушбу ҳақиқатни тан олганликлари учун эзилар, ҳақоратланар, мазах қилинар эдилар. Ҳузуридан паноҳ топиб, дардини айтиб енгил тортадиган, жиддийлик билан ҳаёт ҳақиқатлари тўғрисида баҳс юритадиган мард кишини тополмай гаранг эдилар.

Имон келтирганларнинг ичидаги бойлардан битта Абу Бакр бор эди, холос. Битта Хадича бор эди. Колганлар кўпи факир, заиф, камбағалбечоралар...

Ёнатрофда эса, ҳамма коғир, душман, инсоғиз... Ташқарида қуёшнинг ҳароратидан ҳам баланд, ёндирибкуйдирувчи, қўрқинчли бир муҳит ҳукмрон, шуниси кишининг юрагини сикар, безовта қилар эди. «Мен мўминман» дейиш хавфли, оламларни яратган Буюк Оллоҳга ибодат қилиш тақиқланган; устига қўнган пащшаларни ҳам қўрий олмайдиган бутларни: «Булар бир тошдир», дейиш айб...

Бундай муҳитдан бўғилган мўминлар ҳузурхаловатни фақат Набийи Ақмалнинг (с.а.в.) машваратларида топар, руҳларга ором берувчи, кўнгилларни покловчи сухбатларидан енгил нафас олар эдилар.

Ўн тўрт кунлик тўлин ой чиққан бир кеча эди. Расулуллоҳдан (с.а.в.) Қиёмат сурасининг: «У кунда мўминларнинг юzlари яшнаб, Парвардигорларига боқиб тургувчидир» (22 — 23) оятларининг мазмунини изоҳлаб берингни сўрадилар. Шу маънода:

— Ё Набийаллоҳ, биз Қиёматда Роббимизни қўрамизми? дедилар. Фахри Олам (с.а.в.) жаноблари кўқдаги ойга қарадилар. Осмонда битта ҳам булат парчаси йўқ эди. Ой худди унга қараганларнинг юзларини нурлантирадигандек ёрқин порлаб турарди.

\* \* \*

— Сизлар худди шу ойни қўриб турганингиздек, Роббингизни ҳам тиникравшан қўрасизлар, — дедилар ва қўншмча қилдилар: Агар қуёш чиқмай туриб ва ботмасдан олдин намоз ўқишига кучингиз етса, зинҳор бунга бепарво бўлманиз.

Ҳабиби Ақмалнинг (с.а.в) намоз масаласида билдирган фикрлари атрофларини ўраб олган мўминларга янги бир хаяжон, янги бир завқшавқ берди. Бугун Роббини қўрмаса ҳам, худди қўриб тургандай самимият ва хоксорлик билан намоз ўқиганлар, эртага уни қўриш шарафига мұяссар бўладилар! Бугуннинг мукофотини эртага у ерда оладилар!

Иchlари ҳузурхаловатга тўлиқ ҳолда Пайғамбаримиз (а.с.) билан хайрлашдилар.

## ВАҲИЙНИНГ БИР МУДДАТ ТЎХТАБ ҚОЛИШИ

Тушаётган ҳар янги оят мўминларга қувват бағишилар, мушрикларни эса, қутуртиргандан қутуртирар эди. Рисолат кела бошлаганидан буён салкам беш йил ўтган, унинг уч йилида яширин, кейинги икки йилда очиқ даъват қилина бошлаган эди. Аммо бу йиллар зўр машакқатлар ичидаги ўтди.

Мушриклар мўминларнинг овозини ўчириш, Ислом туғилган кунларидаёқ бўғиб ташлаш учун бутун кучқудратларини ишга солдилар, ғайратларини сира ҳам аямадилар, ҳар куни янги бир разиллик, янги бир зулмни тадбиқ этдилар.

Шу кунларгача теззез келиб турган Жаброили Аминдан уchtourt кун кетмакет дарак бўлмай қолди. Яна бир неча кун ўтди, Жаброил алайҳиссалом ҳамон келмасдилар. Мўминлар ташвишга тушиб, Расулуллоҳ (с.а.в.) сиқила бошладилар.

Жаброили Аминнинг келиши Набийи Ақрамнинг (с.а.в.) енгил тортишлари демак эди. У келди дегунча, қалблари ором ола бошлар, кўзларида табассум яшнар, завқланар, мушрикларнинг қилаётган зулмлари, етказаётган озорларига қарши янада сабрлироқ бўлиб қолар эдилар.

Бу узилишнинг уч кун давом этганини нақл қилувчи ривоятлар ҳам бор бўлсада, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) шикоят қилишларига ҳамда ваҳий келмай қолганидан мушриклар ҳам хабардор бўлиши даражасига етганига қараганда, орадан анчамунча вақт ўтгани мукаррардир. Шунга кўра, бу узилиш уч эмас, ўн уч ёки йигирма уч кун давом этган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки ўша кунларда Абу Лаҳабнинг хотини Умму Жамил фурсат топди дегунча Расулуллоҳга учраб:

— Мана энди шайтонни ҳам чарчатибсан. Қара, сени ташлаб кетди, — деб бақирган эди.

Холбуки, бундай бўлиши асло мумкин эмас. Оллоҳ таоло Ҳабиби Адибидан безмас, кўнгли қолмас, уни тарқ этмас. Тарқ этадиган, безадиган бандасига пайғамбар ўлароқ, Сарвари Анбиё ўлароқ масъулият юклармиди?

Бинобарин, ўша куни Набийи Ақмал (с.а.в.) чеҳраларида табассум пайдо бўлди. Чунки Жаброили Амин бу сафар бутун бир сурा билан тушган эдилар.

Мўминлар ниҳоят енгил тортдилар. Қоғоз, қалам кел тирилди. Шундан кейин Жаноби Пайғамбаримиз ваҳийни донадона қилиб ўқий бошладилар: «Ваззуҳа, валлайли иза сажа...» «Чошгоҳ вақтига қасам. (Ўз зулмати билан чоратрофни) қоплаб ўраб олган кечага қасамки, Парвардигорингиз сизни тарқ этгани ҳам, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқ. Албатта, охират сиз учун дунёдан яхшироқдир. Яқинда Парвардигорингиз сизга (шундай неъматлар) ато этурки, сиз (у илоҳий марҳаматлардан) рози бўлурсиз. Сизни етим ҳолда топгач, бошпана бермадими? У Зот сизни гумроҳфоил ҳолда топиб, (Ҳақ йўлига) ҳидоят қилиб қўйдику! У Зот сизни камбалғал ҳолда топиб, бой қилиб қўйдику! Бас, энди сиз ҳам етимга қаҳр қилманг! Сўровчи гадони эса, ҳайдаманг! Парвардигорингизнинг (сизга ато этган пайғамбарлик ва бошка барча) неъмати хақида бўлса, сўзланг». (Ваз-Зуха сураси)

Бу сура Расулуллоҳни (с.а.в.) болалик чоғларидан қолган хотиралар сари етаклади. Етим бир гўдак бўлганларини, аввал боболари, сўнгра амакиларининг қучоғида ота-онасиз кечирган кунларини эсладилар. Рисолатдан аввалги ҳаётлари ҳам покиза эди. Энди эса, энг покиза зотларга ҳам намуна бўлдилар. Ўзлари етимликда ўсмаган тақдирда ҳам, бир етимни хўрлашлари, қалбига озор беришлари, ранжитишлари асло мумкин эмас эди.

Аммо шу ўринда нозик бир жихат бор. Буюк Оллоҳ етимга шахсан ўзи меҳршафкат кўрсатади. Буюклар буюги Расулига ҳам уни хафа қилиш, озор бериш ҳуқуқини бермаслигини очиқойдин баён этади, шу тариқа бирон кимсанинг етимга қарши бўлишини ўйлашига ҳам рози бўлмаслигини уқтиради.

Отаси ёки онаси ажал ўқига нишон бўлган бир гўдакнинг илоҳий тақдир тақозоси билан юраги ёнишининг устига яна мушт туширган кишиига илоҳий бир жазо берилиши, маънавий бир мушт туширилиши шу йўсин маълум қилинди.

Хўш, етимнинг бошини силаган, кўз ёшини артган кишининг мукофоти қандай бўлади?

Расулуллоҳ (с.а.в.) ўзларига жимгина қараб турган биродарларига ўрта бармоқлари билан кўрсаткич бармоқларини ёнмаён қилиб кўрсатдилар:

— Етимга кафил бўлган киши билан мен жаннатда мана шу икки бармоғим сингари

баробар бўламиз, —дедилар.

Бундай лўнда, бундай аниқ ифода бўлиши мумкин эмас. Бундай мукофотга сазовор бўлган кишининг «Мен яна бошқа нарса ҳам истайман», дейишига ўрин қолмаган эди.

Набийи Ақрам (с.а.в.) ҳузурларидағилар орзиқиб кутилган ваҳийга қовушишдек баҳтдан маст ҳолда тарқалдилар...

\* \* \*

Мўминлар ҳар куни, имкон топилди дегунча, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ёнига тўпланишар, келган ояларни эшитиб ёд олишар, ёд олган оят ва сураларни бирбирларига ўқиб беришар, ояларнинг мазмуни ҳақида ўзаро баҳс юритишар ёки Расулуллоҳдан уларнинг изоҳини тинглашар эди.

Шундай кунлардан бирида ВалФажр сураси туширилди. Суранинг бир қисми инсон табиатини таърифлашга бағишиланган эди:

«Бас, энди инсон қачон Парвардигори уни имтиҳон қилиб, азиз қилиб қўйса ва унга неъмат ато этса, дарҳол: «Парвардигорим мени азиз қилди», дер. Энди қачон уни имтиҳон қилиб, ризқини танг қилиб қўйса, дарҳол: «Парвардигорим мени хор қилди», дер. Йўқ (сизлар гумон қилганларингиздек, иззатикром бойлик билан, хорзор қилиш камбағаллик билан бўлмас)! Йўқ, сизлар етимни иззатикром қилмассизлар! Мискинбечораларга таом беришга ҳам бирбирларингизни тарғиб қилмассизлар. Меросни эса, (ўз улушларингизга ўзгаларнини ҳам) қўшиб ейиш билан еяверурсизлар! Яна, мол-дунёни қаттиқ муҳаббат билан яхши кўрурсизлар!» (15—20).

Инсонга Робби хиёнат қиласидими?

Инсонни қилиб яратган Робби ҳақида бу сўзларни инсонлигини унутганларгина айтиши мумкин.

Бу ерда Рисолат тахтининг султони ушбу муборак сўзларни баён этдилар:

«Мусулмонларнинг ичида энг хайрли уй — ичида етим паноҳ топган уйдир. Мусулмонларнинг энг ёмон уйи эса — ичида бор етимга ёмон муомала қилинган уйдир».

Сўнгра муборак бармоқларидан иккитасини жуфтлаб, ёнларида ўтирганларга кўрсатдилар ва: «Мен билан етимнинг кафили бўлганлар жаннатда мана шундай бир бўламиз», дедилар,

ВалФажр сураси ўша куни мўминларга ўзгача тарзда қаттиқ таъсир қилди, борлиқларини эритиб юборди. Қалблари ўзгаргандай, руҳлари покланиб, қайта туғилгандай бўлдилар.

«Йўқ, (бундай кирдикорларингиздан қайtingиз!) қачон ер (зилзилага тушиб, барча нарса) чилнарчин қилинганда, Парвардигорингиз(нинг ҳукми) ва фаришталар сафсаф бўлиб келганда, ўша кунда жаҳаннамни ҳам (яқин) келтириб қўйилганда, ана ўша Кунда инсон (бу кўрганларидан) эслатмаibrat олур. (Аммо у Кунда) бу эслатмаibrat(нинг фойдаси) қаёқдан тегсин?! У: «Эх, кошки эди мен ҳаёт вақтимда (солиҳ амаллар) қилиб ўтган бўлсам», деб қолур! У Кундаги (Оллоҳнинг) азоби каби ҳеч ким азоблай олмас, ва у Зотнинг (кишан ва занжирлар билан) боғлаши каби ҳеч ким боғлай олмас. (У Кунда ҳаёти дунёдан Оллоҳ таолонинг ваъдасига ишониб имон ва эзгу амаллар билан ўтган мўминларга хитоб қилиб, дейилур): «Эй хотиржам, сокин жон, сен (Оллоҳ ато этган неъматлардан) рози бўлган (ва Оллоҳ таоло томонидан сенинг амалларингдан) рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг (хузури)га қайт! Бас, (солиҳ) бандаларим қаторига киргин ва менинг жаннатимга киргин!» (21—29 ояллар).

Бу ояллар, айниқса, Ҳазрати Абу Бакрни маст қилди. Кўзларида шундай оқибатга эришиш, шундай баҳтсаодатга етишишнинг умид учқунлари иорламаган кимса йўқ эди. Бу саодатга эришиш, бу чексиз маънавий завкни тотиш кимга насиб бўлади? Буни ёлғиз Оллоҳнинг ўзи билади.

— Ё Набийаллоҳ, — деди Абу Бакр, — бу қандай гўзал, қандай ажиб бир мукофот.

Расулуллоҳ (с.а.в.) нигоҳларини унга йўлладилар:

Ё Абу Бакр, Буюк Оллоҳ сен ўлаётганингда худди мана шу сўзларни баён этади, —

дедилар.

Ҳазрати Абу Бакр бу хушхабарни эшишиб, худди ҳозирнинг ўзидаёқ ушбу мукофотга сазовор бўлаётгандай, дунёда яшаяптими ёки охиратдами — билмай қолди.

## ВИЖДОН АЗОБИ ВА ОВЧИ ЙИГИТ

Расулуллоҳ (с.а.в.) бир куни Сафо тепалигида ўтирган эдилар. Бемисл кофир Абу Жаҳл, ёнида бириккита ҳамтовоқлари билан, ўша ердан ўтиб қолди. Расули Зишенни (с.а.в.) кўргани ҳамон тепа сочи тикка бўлди. Ўзўзидан сўкиниб кетди. Пайғамбар (с.а.в.) сир бой бермай, жавоб ҳам қилмай ўтиравердилар.

Сўкинишларига ҳеч қандай жавоб бўлмаган сари Абу Жаҳл баттар асабийлашди. Оғзига келганини қайтармай ҳақорат қила бошлади. Устига устак, ҳамтовоқлари билан бир бўлиб, У зотга қарататош, тезак ҳам отишга тушди.

Пайғамбар жанобимиз яна жавоб қилмадилар. Ўринларидан туриб, индамай у ердан кетиб қолдилар. Кўркканларидан эмас, у баттолни Оллоҳга ҳавола этганлари учун ҳам ломмим демаган эдилар.

Абу Жаҳл эса, ҳамон орқадан сўкинарди. Бу жирканч ҳодисага ташқаридан икки зотгина гувоҳ бўлди. Бири — ҳамма нарсани кўрибилиб турувчи Буюк Оллоҳ бўлса, иккинчиси — Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг бир чўриси эди... Бу аёл ушбу дамда бақувват бир эркак бўлишни, сапчиб туриб бориб Амр ибн Ҳишом ва унинг ҳамтовоқларига яхшигина сабоқ бериб қўйишни истар эди...

Холбуки, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (с.а.в.) унинг қариндоши эмасди. Қолаверса, ўзи ҳам мусулмон бўлмаган. Аммо унда инсонийлик, мурувват туйғуси баланд эди. Бегуноҳ бир кишининг ҳақоратланаётганини кўрабилатуриб ломмим демаслик, менга деса ўлиб кетмайдими қабилида бефарқ бўлиш одамга эмас, ҳайвонга муносиб бир туйғу бўларди. Холбуки, озод аёл ҳам эмас эди. Аммо хурфиқрли, оқила эди. Унинг ўзига хос бир ҳақ туйғуси, адолат туйғуси, виждони бор эди. Ва шу онда бу виждони ўзининг динида бўлмиш Абу Жаҳлни ҳақсиз ва золим деб топган, айблаётган эди.

Кўзи очиқ ва инсоф ўлчовларини йўқотмаган ҳар бир одам: «Бундай чехрали инсон ёмон бўлиши мумкин эмас», дея тан оладиган Инсон шундай ҳақоратланса, шундай хўрланса!... Боз устига, бу каби ишларни Абу Жаҳлдек бир нурсиз, юзидан ёмонлик ёғилиб турадиган одам қиласа, қандай токат этиб бўлади?

Бу фикрлар чўрига ҳеч тинчлик бермай қўйди. Шу пайт ёнидан Пайғамбарнинг (а.с.) амакилари Ҳамза ўтиб бораётганини кўриб қолди. Шошапиша:

— Е Ҳамза! Е Ҳамза! — деб ортидан чақирди. Ҳамза тўхтади. Қараса, бир чўри.

— Нима дейсан, эй чўри? — дея сўради.

— Сенга бир дардимни айтмоқчиман. Аммо, аслида, у менинг дардим эмас.

— Тушунтириброк гапирсангчи.

— Бирикки соат олдин шу ерда бўлганингда, менайтмоқчи бўлган воқеани ўз қўзинг билан кўрган бўлардинг.

— Яна ҳеч нарсани тушунмадим. Очиқроқ гапир! Чўри бўлиб ўтган воқеани батафсил айтиб берди.

Сўнгра сўзларини шундай давом эттириди:

— Абдулмутталибининг мард ўғли Ҳамза ов овлаб юраверсинда, бу ерда Амр ибн Ҳишом унинг жиянини тошбўрон қилсин, устига ёмғирдек ҳақорат ёғдирсин!.. Ахвол шундай бўлса ҳам, сен йўлингдан қолма, эй Ҳамза, овингнинг кетидан қолма. Аммо шуни ҳам яхши билиб қўйгинки, қадри йўқ мендек бир чўрининг ҳам виждони бу воқеани кўриб ларзага тушди, паришон бўлди. Энди боравер...

Ҳамза ниҳоятда дарғазаб бўлди. Имон келтирмаган эди, аммо суюкли жиянини Амр ибн Ҳишомнинг ҳақоратлашига ҳам индамай кетолмас эди. Шунингдек, чўрининг наштардек ўткир ва кинояли сўзлари Ҳамзанинг жонжонидан ўтиб кетди. Каъба томонга шаҳдам йўл олди.

Ҳамза ҳар куни овга чиқар, шу тариқа кўнгилхушлик қиласи эди. Овдан қайтаётганда Каъбани тавоғ этар, дўстлари билан бир оз сухбат куриб, сўнгра уйига қайтар эди.

Масжиди Ҳарамга борганида, бир даврада ўтирган Абу Жаҳлни қўриб қолди. Тўғри устиларига бостириб бораверди ва ҳеч нарса демай, қўлидаги ёйни отиб, Абу Жаҳлнинг бошини яралади. Абу Жаҳлнинг бошидан қон оқа бошлади. Бу воқеа шу қадар тез рўй бердики, ҳеч ким ҳеч нарсани тушуна олмай қолди. Сўнгра бирдан хушларига келиб, сапчиб турдилар ва Ҳамзага хужум қилишга шайландилар.

— Нима гап, эй Ҳамза? Ёки даҳрий бўлдингми? Ҳамза кўзларини Абу Жаҳлдан узмас эди.

— Жиянимни бекорданбекорга ҳақорат қилиш мард йигитнинг иши эмас! — деб ҳайқирди.

— Мана, мен ҳам унинг динидаман, унинг йўлидан юрмоқдаман, мард бўлсанг, майдонга чиқ!

Ҳамзанинг бу гулдурос овози бутун Масжиди Ҳарамдагиларга улкан бир янгиликни баралла эълон этган эди. Бу сўзларга жавобан қандай ҳам йўл тутиб бўларди?!

Ёнатрофдагилар мазкур воқеани муҳокама қилишга тушдилар. Абу Жаҳл бир қўли билан бошидаги ярасини силай бошлади. Қон унинг афтибашарасини жирканч бир ҳолга солган эди. Дўстлари ҳануз унга қараб туришар, бир ишорасини кутишар эди.

Абу Жаҳл уларга ўғирилди:

— Абу Умора (Ҳамза) ҳақлидир. Мен бугун унинг жиянини бекорга ранжитдим. Ўз навбатида у мендан жиянининг Ал-Амини олди, — деди.

Воқеанинг бундай ечим топишини ҳеч ким кутмаган эди. Чунки бунақа адолат, инсонийлик туйғуси Абу Жаҳлга хос эмас эди. Тушда ҳам Абу Жаҳл бу даражада ҳақпарвар бўла олмасди, ахир. Қолаверса, ёнида дўстлари бор, боплаб Ҳамзанинг таъзирини бериши мумкин эди. Бошидан қонлар оқаоқа, Ҳамзани жазолай олиши мумкинлигини билатуриб, бундай муомала қилиш ҳар қандай мард йигитнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Муқаррар жанжалнинг олди олинди. Абу Жаҳл Ҳамзага қарши ломмим демади, айборд эканлигини тан олди. Абу Жаҳлга керакли сабоқни бердим, деган фикр билан Ҳамза у ерни тарк этди.

Унчамунча одамлар тарқалгандан кейингина Абу Жаҳл ниқобини олиб ташлади:

— Ҳамза жаҳл устида бориб Мухаммадга қўшилмасин тағин, деб қўрқдим. Қўяверинглар, бир марта ургани билан ҳеч нарса бўлиб қолмайди...

Масаланинг асл моҳияти мана шунда эди.

Ҳамза уйига келди. Қалбини қандайдир ажаб бир хузурхаловат қоплаган. Ҳатто бегона бир чўрининг виждонини азоблаган бу жирканч ҳодисага яхшигина бир жавоб билан барҳам бергани, Абу Жаҳлга жазосини ўз қавми ва қабиласининг кўзи ўнгидан бергани айниқса кўнгилдагидай иш бўлди. Аммо жаҳл устида айтиб юборган сўзларичи? Нимадан дарак беради у? «Мен ҳам унинг динидаман!» деди. Ҳолбуки, шу бугунга қадар бу Ҳақда хали ҳеч жиддий бош қотириб кўрмаган.

Жиянига бўлган ишончи чексиз эди. Тўғри сўзли, одобли инсон. Модомики, у шундай даъво билан майдонга чиқсан экан, албатта, нияти холис бўлади; одамлар айтагтанидек, бир можаро чиқариш орзуида бошламаган бу ишларни — Ҳамзанинг қаноати шундай эди.

Бадахлоқ акаси Абу Лаҳаб сингари, унга душман ҳам бўлмади, аммо ота-боболаридан мерос бўлиб келаётган динини ўзгартириш заруратини ҳам ҳозирча ҳис этгани йўқ эди... Шайтон Ҳамзани китиқлар, Абдулмутталибининг динини тарк этишига ҳеч рози бўлмас эди. Мияси худди бир жанг майдонига айландиқолди.

«Ўлим ҳам инсонга динидан воз кечишдан кўра яхширокдир. Неча йиллардан бери қошларида бош эгганинг илоҳлар юзига қандай қарайсан? Хубал, Лот, Уззо, Манот, Исоф,

Ноила... булар нима бўлади? Ҳаммаларидан воз кечасанми?»

«Аммо жиянинг инсонларни ёмонликка чақираётгани йўқ. Тошлар ва ёғочларга қул бўлиш жаҳолатидан кутулишга, ёлғиз Ҳаққа қул бўлишга чақирмоқда. Ҳаққа хурматда, тоатибодатда бўлишга чорламокда».

Ҳамзанинг зеҳни гоҳо шайтоннинг васвасалари, гоҳо қалбидан, аклидан юксалаётган фарёдлар мунозарасидан алғовдалғов бўлди. Тонггача мижжа қоқмади. Қуёш чиқа бошлади, аммо Ҳамза ҳали ҳам ухламаган эди. Ҳануз юкоридаги икки қарамақарши фикрнинг кураши билан банд эди хаёли.

«Тур! Яхшиси жиянингнинг каломини тингла! Дардингни бориб унга айт!»

Тўсатдан пайдо бўлган бу фикр хаёлидан япши тезлигида ўтди. Энг мақбул чора шу эди. Дарҳол ўрнидан турди, жиянининг хузурига борди. Унга чўри билан учрашган дақиқадан тортиб шу пайтгача бўлган воқеаларни ва хаёлидан ўтган фикрларни баён қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга Ислом дини ҳақида маълумот бердилар. Жаннат ва жаҳаннам, неъмат ва азобни ёдига солдилар. Нихоят, Оллоҳ таолонинг ҳам ёрдами етишди. Ваасваса булутлари биринкетин тарқалиб кетди. Лотлар, уzzолар том маънода бир тош сифатида акс эта бошлади. Шаҳодат калималарини келтирди ва мусулмон бўлди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) амакиларининг мусулмон бўлгани боис чексиз севиндилар. Абу Жаҳлнинг ҳақоратлари берган дил оғригининг ўрнини қатқат мамнуният ҳислари қоплади.

Абу Жаҳл ҳам ушбу кечани беҳаловат ўтказди. «Ҳамза жоҳиллик қилиб Мұхаммадга эргашиб кетсая?» деган савол эрталабгача унга тинчлик бермади.

«У имон келтирадиган бўлса, шунча йилдан бери индамай юрармиди?! Жиянини сендан кўра юз чандон, минг чандон яхшироқ билади, сен сира ҳам ташвишланма».

Абу Жаҳл баъзан мана шундай ўйхаёллар оғушида енгил тортгандек бўларди. Олдиаги қадаҳни қайтақайта тўлдириб бўшатар экан, ичаётган шаробидан ҳам кўнглига бир тасалли ахтарарди. Аммо бундай осойишталик дамлари ўткинчи эди, бир неча дақиқадан сўнг ўтардикетарди.

«Одамларга асло ишониб бўлмайди. Эртага Валиднинг, Нодирнинг, Уқбанинг, ҳатто Абу Лаҳабнинг ҳам мусулмон бўлганини эшитасан, ўшанда зинҳор ўзингни йўқотиб қўймагин», деган бир шивиршивирни қалбининг тубтубидан ҳис этарди.

Абу Жаҳл бир неча марта: «Э борэ, бир Ҳамзанинг мусулмон бўлгани билан бу иш бошланмайди ҳам, битмайди ҳам. Бўлар иш бўлар», дея ўзини юпатишга уринди, бўлмади.

Аммо кўнгил деб қўйибдилар буни: на сўзни тушунади ва на фармонни бажаради! Туриб ўёқбу ёққа юрди, бўлмади, ўтириб шароб ичди, бўлмади. Бориб чўрилари билан кўнгилхушлик қилмоқчи бўлди ҳамки, қалби таскин топмади.

Хуллас, у ҳам Ҳамза каби кечани уйкусиз ўтказди... Айланибайланиб хаёли яна боши берк кўчага кириб қолаверди. Бир чора тониш керак, Ҳамзанинг кўнглини овлаш, бир амаллаб уни ўз динида қолдириш даркор...

Эрта тонгда тўғри Абу Лаҳабнига йўл олди. Унга дардини айтмоқчи, укасига панднасиҳат қилишини сўрамоқчи эди. Ҳаяжон ичидан бораркан, бир «совуқ» хабар уни буткул саросимага солиб қўйди. Йўлдаёқ эшитдики, «Ҳамза мусулмон бўлибди!»

Абу Жаҳл янгиликни илк бор маълум қилган одамнинг ёқасига ёпишиб, кўйлагини йиртиб юборай дейди:

— Ҳазиллашма мен билан, жиддий гапиряпсанми?! —деди.

— Албатта, жиддий. Салгина олдин ўзидан эшитдим. Қўлинини пешонасига қўйди. Бу хабар унинг кўксига наштар ургандай бўлди. Бир неча сония кўзи юмуқ Ҳолда туриб қолди, сўнгра лаблари бужмайиб, худди илон заҳар сочаётгандай вишиллаб шундай деди:

— Шошмай тур, Ҳамза!.. Сени ҳам йўқ қиласам, отимни бошқа қўяман!

## МАХСУС БИР ДУО

— Оллоҳим, бу динга ё Умар билан, ё Амр билан қувват бер...

Мўминлар орасира Расулуллоҳнинг (с.а.в.) шундай дуо қилаётганларини эшитиб қолишар, «Омин» (дуоимизни қабул айла, ё Робб) дейишар эди. Бу дуонинг албатта қабул бўлишини билишар, аммо ҳидояти Роббонийга қайси бири эришиши уларга қоронги эди.

Қоятошдан ҳам қаттиқ бу юракларнинг юмшаси осон эмасди. Мусулмонларга доимо совуққина тикилишга одатланган бу нигоҳлар, бу дафъа уларга илиққина, марҳамат билан қарай олармикан? Тоғлар ўрнидан қўзғалиб, дунё остинустин бўлиб кетганда ҳам, бу одамларни ҳидоят йўлида кўришни ҳеч ким тасаввур қила олмасди. Аммо Оллоҳнинг раҳмати, ҳидояти чексиз, чегарасиз эканлиги ҳам айни ҳақиқатдир. Бу иккисидан бирига илоҳий назар бир йўналса дарҳол ўзгариш юз бериб, музлар мумдек эриши турган гап.

Ҳа, Умар ибн Хаттоб билан Амр ибн Ҳишом (Абу Жаҳл) Макканинг энг сўзи ўткир икки одами... Бири билак кучи, жасорати ва довюраклиги, мардлиги ва уддабуронлиги билан шухрат қозонган, иккинчиси қавми орасидаги кучқудрати, шайтонларга ҳам нанд берадиган ярамаслиги билан шухрат топган, ҳар иккаласи ҳам зако зинапоясининг сўнгги поғонасигача кўтарилиган кимсалар эди.

\* \* \*

Ҳаж мавсуми.

Бу сафарги ҳожилар орасида мусулмонликни қабул этган биронта ҳам киши йўқ. Чунки ҳар томондан имонга олиб борувчи йўллар тўсиб қўйилган, келган ҳар бир карвонга «янги ва уйдирма» бир диннинг ўртага чиқарилгани уқтирилган, динни келтирган киши эса, сеҳргар деб билдирилган эди.

Гўёки «бу сеҳргар юз йиллардан бери ота-боболаридан қолиб келаётган динларини хуш кўрмас» эмиш. Қурайшга кирадиган ҳамма қабилаларни жоҳил ва нодонга чиқариб қўйган, баобрў қишиларни аҳмок дер, илоҳларга тил теккизар, одамларни ота-онаси, қариндошуруғи, қабиласидан совутар, фитна уруғини сочар» эмиш. Энг ёмон томони — «унинг ёнига учрашиш учун бир борган киши ўзини унинг сеҳридан халос эта олмас»миш.

Келганларга, агар ақллари жойида бўлса, Валид, Утба сингари тажрибали, муҳтарам зотларнинг насиҳатларини тинглаш, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ билан учрашишдан қочиш фикри сингдирилди.

Бу йўлда зўр ғайрат билан қилинган ташвиқотлар ўз таъсирини кўрсатди. Бутун Араб ярим оролида донг таратган, ўзини тан олдирган бир қабиланинг каттаю кичиги «бу сеҳргарнинг ёмонлиги» ҳақида гапириб турса, ишонмай бўладими, ахир. Қани, шахсан ўзим бориб кўрайинчи, дейиш бошга бало орттириш демак эди.

Шундай бўлсада, Набийи Акрам (с.а.в.) ҳожиларнинг орасида юрадилар, улар билан суҳбатлашишни, Ислом динининг устивор асослари ҳақида сўзлаб беришни истардилар, аммо ким ҳам у кишига қулоқ соларди дейсиз. Устига устак, қизғиши соқолли, қизғиши юзли бир одам орқаларидан соядек эргашиб, кучогига тўлдириб олган тошларни У зотга қарата бирбир отиб бораракан:

— Зинҳор алданманглар, қурайшларнинг тинчини бузган сеҳргар худди мана шу кишидир. Уни яқиндан танийман, чунки у менинг жиянимдир, — дерди.

Ҳали шаҳарга кирмаслариданоқ «Зинҳор гапларига ишонманглар», деб огоҳлантирилган бу нур юзли инсонни ҳожилар кўрар, покиза қалб эгасига ўхгаатсаларда, «зиёни тегмасин яна», деган ўйда ўзларини олиб қочар эдилар.

— Қавминг сени биздан кўра яхшироқ билади. Шунинг учун кел, бизни ўз ҳолимизга қўй, — дея қайрилиб кетардилар.

Шу тариқа бу ҳаж мавсумида мушрикларнинг ғайрати ўzlари кутган самарани берди.

## ҲАБАШИСТОН САРИ

Дўқпўиса, зиёнзаҳмат ва зулмларнинг аксариси, одатда, ҳеч кими йўқ, мадад берувчи бир ҳимоячиси ҳам бўлмаган мўминларга нисбатан қилинарди. Масалан, Ҳамзага бирор бир нарса демасди. Аммо заиф, ожиз, чорночор қуллар озодликка эришган бўлсаларда, мушрикларнинг дағдағаю азиятларидан қутулмаган эдилар.

Кунданкунга авж олаётган бу ҳодисалар мўминларнинг сабркосасини тўлдираёзди. Мусулмонларга қилинаётган бу зулмларни бартараф эта олмаслик Расулуллоҳни (с.а.в.) жуда ҳам хафа қилас, аммо ҳеч маъқул бир чора топа олмай, ҳайрон эдилар. Ниҳоят, бир куни уларга:

— Ҳозирча Ҳабашистонга бориб туринглар. У ерда бир хукмдор бор, унинг ҳокимияти остидагиларга асло зулм қилинмайди, унинг паноҳида яшовчилар хузурхаловатда, эмин яшайдилар. Умид қиласманки, Жаноби Ҳақ у ерда сизларга осойишталиқ беради, дедилар.

Мўминлар бирбирлари билан шу масалани муҳокама қилиб, бир қарорга келдилар, сўнгра йўлга ҳозирлик қўра бошладилар. Кетишга аҳд қилган кишилар аниқланди, қайси куни йўлга чиқиши белгиланди.

Сафар тадоригини кўраётганлар орасида Расулуллоҳнинг (с.а.в.) нуридийдалари — эндиғина келин бўлган Руқайя билан унинг умр йўлдоши Усмон ибн Аффон ҳам бор эдилар.

Машхур Утба ибн Робианинг ўғли Абу Хузайфа ва унинг хотини Сахло, Абу Салама ибн Абдул Асад ва хотини Умму Салама, Амир ибн Робиа ва рафиқаси Лайл... Булар эрхотин бўлиб кетаётганлар. Булардан ташқари, яна яккайкка кетаётганлар ҳам анчамунча эди. Зубайр ибн Аввом, Мусъаб ибн Умайр, Абдураҳмои ибн Авф, Усмон ибн Мазъун, Сухайл ибн Байда, Абу Сабра ибн Абу Рухм, Хотиб ибн Амр ва Абдуллоҳ ибн Масъуд ва бошқалар...

Тайёргарлик яширин равишда борди ва қисқа муддат давом этди.

Бир куни тонг саҳарда Набийлар Сарварининг суюкли қизлари Руқайя бир эшакка минган ҳолда, ёнида эри билан, Маккани тарк этдилар. Жуда ҳам ғамгин бир айрилик бўлди бу. Балки энди бир неча йилгача ота-онаси, опасингилларини қўрмаслиги ҳам мумкин эди. Аммо бу сафар давомида доимо уларнинг ёди билан яшаши аниқ. Чунки кўнгиллар бир, мақсад бир.

Ота улар борадиган жойда ҳокимият тепасида адолатли бир хукмдор турганини айтган эдилар... Аммо бу ерда қолаётганларнинг ҳоли нима кечади? Бу зулм, жабру ситамлар шу билан тўхтармикан, ниҳоясига етармикан бу истехзо ва камситишлар?...

\* \* \*

Амир ибн Робианинг хотини Лайл майдачуйда кийимкечакларни йиғишириб, эшагига юклар экан, бирдан чўшиб тушди.

— Йўл бўлсин,. эй Абдуллоҳнинг онаси, бирон сафарга отландингми, деймана?

Ким эканлигини билиш учун Лайл бошини ўгиришига ҳожат йўқ, кимлиги маълум эди. Шунинг учун бутун жасоратини йиғдиди, хотиржам жавоб қилди:

Ҳа, ё Умар, Оллоҳнинг даргохи кенг, эркин нафас олишимиз мумкин бўлган бир юрт қидириб йўлга тушмоқчимиз. Ахир, сизлар бизни оғир аҳволга солиб қўйдингизку? Аёвсиз эзиз, хўрладиларингиз. Ўз ватанимизда осойишта яшшимизга қўймадиларингиз. Умид қиласмизки, Оллоҳ бизга ҳам бир бошпана бериб қолар. Жуда соз. Оллоҳ йўлдошингиз бўлсин...

Лайл Умарнинг овозида қандайдир маъюслик, ачиниш оҳангларини сезди. Аслида, у жуда ғамгин эди, ичи ёнарди, хўнграб йиглаб юбормаслик учун тўхтовсиз равишида лабларини тишлар эди. Уйини, гўшасини, туғилиб ўсган ватанини тарк этиш осонми?

Балки мана шу ғамгинлик боис Умарнинг овозида маъюслик бордек туюлгандир. Ёки Умар чиндан ҳам унга ачиндими?

Бир оздан кейин эри Амир келгач, унга бор гапни сўзлаб берди. Амир хотинининг кузатишларига унчалик аҳамият бермади.

— Нима, Умар мусулмон бўлади деб ўйлаяпсанми?!

— Ҳа, нимагадир қўнглимда шунаقا фикр уйғонди. Қилган зулмларига пушаймонлик ҳисси бор эди, назаримда.

— Ақлим бовар қилмайди, — деди Амир. — Хаттобнинг эшаги ҳам мусулмон бўлмагунча, Умар мусулмон бўлмайди.

Суҳбат асносида тайёргарлик ҳам тугади. Жондан азиз ватанларини тарқ этар эканлар, олдиндаги эшакка «Чух!» дедилар.

Бошқабошқа вақтларда, гўё бирбирларидан бехабар каби йўлга чиқсан хотин ва эркаклардан иборат ўн беш кишини Жидда йўли бирлаштириди. Ўн биттаси эркак, тўрттаси аёл эдилар. Бирлашганларидан сўнг, мабодо орқамиздан хабар топиб яна таъқиб этиб юрмасинлар, деган ўйда теззез юриб кетдилар.

Жиддада энди йўлга отланиб турган бир кеманинг устидан чиқиб қолдилар. Дарҳол йўлкира келишилди. Одам бошига ярим динордан тўғри келди. Кемага ўтиридалар. Вақтни йўқотмай, кема тез йўлга чиқди.

Мушриклар бу сафар тўғрисида кечроқ бўлсада, хабар топиб, ўша заҳоти орқаларидан таъқиб эта бошладилар. Жидда соҳилига келдилар, аммо улгурмадилар. Узокдан қораси тобора кичиклашиб бораётган кемага биттаси ишора қилиб:

— Ана улар, хув аnavи кемада кетяптилар, — деди.

Кема соҳилдан анчамунча узоклашиб кетган эди, орқага курук қайтишдан ўзга чора қолмади уларга.

\* \* \*

Хабаш ўлкасининг багри кенг эди. Кемада келган шунча йўловчини сифтирган, бу ўн беш киши билан торайиб қолмасди. Борига қаноат қиласидиган, ахволларидан шикоят этмайдиган бу кишилар тезда Ҳабаш юртига ўрнашиб олдилар.

Улар тинчхотиржам тоатибодат қила бошладилар. Ҳеч ким таэйик этмайди. Маккадаги ҳаётнинг буткул акси. Осойишта кунлар бошланди. Абу Жаҳл, Абу Лаҳаб, Умар ибн Хаттоблар бу ерда йўқ. Аммо Макканинг доғиҳасрати, Расулуллоҳнинг (с.а.в.), Каъбанинг, у ерда қолган мўминларнинг соғинчи бор эди бу қўнгилларда. Бу ердаги одамларни бирор танимайди. Ораларида биронта ҳам мусулмон йўқ. Шундай бўлса ҳам, ҳабашистонликлар уларни кучоқ очиб кутиб олдилар, оғирларини енгил қилиб, қўмакчи бўлдилар. Тоатибодатларига эса, аралашмас эдилар.

\* \* \*

Макка...

Расулуллоҳни (с.а.в.) жинни бўлиб қолибди, деган миш-мишлар тарқатилди. У ербу ерда гап очилса, уни шайтон васвасага солиб қўйган, деб гаииришар эди. Ҳатто хузурларига келиб, у кишига очиқойдин:

— Сен жиннисан, — деганлар ҳам бўлди.

— Ахир, гапларинг тўғри бўлса, бизга далил қилиб фаришталарни кўрсат, — дердилар.

Гап эшитадиган, гап уқадиган ахволда эмас эди улар. Аслида, гап уқиш учун келмаган эдилар.

— Ёнингда фаришталар бўлмаса, биз билан гаплашма, эҳтиёт бўл... — дердилар.

Ҳар ким оғзига келганини қайтармас эди. Бу сўзлар ғофил бандаларнинг, гумроҳ кимсаларнинг истеҳзо, кинояларидан иборат эди.

Расулуллоҳни (с.а.в.) телба деб миш-миш тарқатганлар ўзлари ҳам телба эмас эди. Ақли жойида, эсхушли одамлар эди.

Тижорат соҳасида илоннинг ёғини ялаган, муғамбир, айёр кипшлар бор эди ораларида. Уларни алдаб, қўлларидаги молни олиб қўйиш амримахол эди. Ҳаж мавсуми яқинлашган сари, бўлғуси ташвиқотларда бир ёқадан бош чиқариб иш тутайлик, акс ҳолда, мусофирилар

шубҳаланиб қоладилар, деб келишиб олишлари уларнинг етарли даражада ақллари бор эканлигини кўрсатмайдими?!

Расули Ақрамнинг (с.а.в.) эсхушлари жойидамий ўқми эканини ажратса оладиган лаёқатли кимсалар эди улар. Неча йиллар у зот билан маслаҳатлашиб, у кишининг ўғитларидан ўрнак олиб иш тутган ва ниҳоят «Ал-Амин» деб исм берганлар ҳам ўша гумроҳлардир. Бу сифат инсонларга берилиши мумкин бўлган энг яхши, энг улуғ бир ном эди. Буюк Оллоҳ ҳам ўз ҳабибини «Амин» деб сифатлаган, ахир.

Улар бу миш-мишлар билан мусофиirlар тугул, ўзларини ҳам алдай олмай гаранг бўлиб юрганларида, Расулуллоҳни (с.а.в.) навбатдаги ваҳий иси қамраб олди. Муборак қалбларига илоҳий қалом ушбу оятларни ёза бошлади:

«Нун. Валкалами ва ма йастурун...»

— Нун... Қалам ва (у билан фаришталар) битадиган битикларга қасамки, сиз — Парвардигорингизнинг марҳамати билан — мажнун эмасдирсиз. Албатта, сиз учун (кофирларнинг бундай озорларига сабртоқат қилганингиз сабабли) битмастуғанмас ажрмукофот бордир. Албатта, сиз улуғ Хулқ устидадирсиз. Яқинда қайсиларингиз (яъни, сизми ёки уларми) мажнун эканликларингизни сиз ҳали кўражаксиз, улар ҳам кўражаклар. Албатта, Парвардигорингизнинг Ўзи Унинг йўлидан озган кимсаларни жуда яхши билгувчиdir ва У ҳидоят топгувчиларни ҳам жуда яхши билгувчиdir. Бас, сизнинг ҳақ пайғамбарлигинингизни ва Куръонни «ёлғон» дегувчи кимсаларга итоат этманг! Улар сизнинг кўнгилчанлик — муроса қилишингизни истарлар, шунда улар ҳам кўнгилчанлик қилурлар. Яна сиз ҳар бир тубан қасамхўр, ғийбатчию гап ташувчи, яхшиликни ман қилгувчи — баҳил, тажовузкор, гуноҳга ботган, қўпол ва булардан ташқари, бенасабҳароми кимсага итоат этманг! У молмулк ва ўғиллар эгаси бўлгани учун (ўзидан кетиб) қачон унга Бизнинг оятларимиз тиловат қилинса: «Булар аввалгиларнинг афсоналарику!» дер. Яқинда биз уни тумшуғидан тамғалаб кўяжакмиз!» (Қалам сураси, 1-16.)

Бу оятлар мушрикларга ўқиб берилганда, улар портлагудай дарғазаб бўлдилар.

Телба деб миш-миш тарқатганлари бу одамнинг нимаси телба? Қайси иши, қайси сўзи жинниларнинг сўзи ва ишларига ўхшайди?..

Оятларда таъкидланган «Улуғ бир хулқ устида» эканлиги тўғрисидаги ҳақиқатни қайси виждонли одам инкор эта олади?

Бутун ўжарликларига қарамай, қалбларидан сугура олмаган ҳақиқат — Расулуллоҳнинг (с.а.в.) тўғри сўз, ишончли инсон эканликлари эди. Бу оятларга карши «Э, борэ, буларнинг ҳаммаси фирт бўхтон... Орамизда бу жирканч иллатларни ўзида жамлаган кимса йўқ...» дейишга журъат эта олишмас эди, чунки худди шундай сифатларга эга киши ораларида борлигини ҳеч ким инкор қила олмасди.

Хар ким ўзича бу ҳакда бош қотирар, таникли ва баобрў, мол-дунёси ҳамда ўғиллари кўп бўлган кишиларни бирмабир ақл сузгичидан ўтказар эди.

Ахнас ибн Шариқ, Валид ибн Муғири, Абу Жаҳл Амр ибн Ҳишом ва шу кабилар бу оятлар ўзлари ҳақида эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Аммо ҳаммани ўйлатиб ва ажаблантириб қўйган бир сифат бор эдики, бу ҳам бўлса, ҳалиги кишининг «бенасабҳароми» (яъни, зинодан туғилган) фарзанд эканлиги эди...

Ожиз банда ўзининг қандай йўл билан она қорнига тушганини қаердан ҳам билсин?

\* \* \*

— Онажон, Муҳаммад мени бир қатор жирканчиллатлар билан сифатлаб танитди. Ўйлабўйлаб, чиндан ҳам уларнинг баъзилари менда борлигини инкор эта олмадим. Аммо бир жиҳат мени жуда ажаблантириб қўйдик, уни ҳеч миямдан чиқара олмаяпман. Бу жиҳатни факат сен тушунтириб, изоҳлаб беришинг мумкин.

— Хўш, нима гап экан, ўғлим?

— Бенасабҳароми деб таъкидламокда. Буни сендан бошқа ким ҳам биларди? Энди тўғрисини айт, мен зино йўли билан туғилганманми?

Она оғир ахволга тушиб қолган эди. Ўғли ўжарлик қилиб туриб олгач, очиғини айтишга мажбур бўлди:

— Уғлим, сенга ҳозир бир ҳақиқатни очиқойдин сўзлаб бераман. Тўғри ёки нотўғри иш қилганимни яхшилаб ўйлаб кўр. Сўнгра, агар истасанг, мени ўлдириб юборсанг ҳам майли.

Бирикки сония чукур нафас олди. Ҳаяжонини босиб олгандан сўнг, ҳақиқатни оча бошлади:

— Отанг бой, аммо жисмонан заиф, ҳезалак бир одам эди, ҳеч бола бўлмади. Молмулки бегоналарга қолмасин, деб бир чўпон билан қўшилдим. Шундан кейин сен туғилдинг...

\*\*\*

Бу сұхбат Валид ибн Муғири билан онаси орасида бўлиб ўтганлигини тасдиқловчи ривоятлар бор. Аммо бу унчалик аниқ маълумот эмас. Чунки жоҳилия даврида зино жуда кенг тарқалган, шу йўл билан туғилган болалар ҳам оз эмас эди.

\*\*\*

Қалам сурасининг кейинги оятларида эса, маккаликларнинг Ҳаққа бўйин эгмайдигаи, ўз кучидан бошқа кучни тан олмайдиган тоифасига ибрат бўлсин, деб бир мисол келтирилади: Маккадан унча узоқ бўлмаган Яман диёрида жуда катта мевали боғнинг бир эгаси бўлган экан. Ҳар йили ҳосил пишганида, камбағалмискинларнинг ҳақулувларини ажратиб берар экан. Лекин у киши вафот этгач, мевазор боғга эга бўлиб қолган фарзандлари бошқа йўлни тутадилар. Қўйидаги оятларда Оллоҳ таоло ўша ҳодиса ҳақида ҳикоя қиласи:

«...Дарҳакиқат. Биз уларни (Макка аҳлини очарчилик ва қаҳатчилик билан) балоладик. Биз (илгари) боғ эгаларини ҳам худди шундай (маҳрумлик билан) балолаган эдик. Ўшанда улар албатта уни (яъни, боғнинг ҳосилини) эртатонгда (камбағалмискинларга ҳақулуш) ажратмаган ҳолларида узиб олигига қасам ичган эдилар. Бас, (тунда) улар уйқуда бўлган чоғларида у (боғ)нинг устида Парвардигорингиз томонидан бўлган айлангувчи (балоолов) бир айландию, у (боғнинг ҳосили) узилгандек бўлдиқолди. Улар эса, эрта тонгда туришиб, «Агар (ҳосилни) узмоқчи бўлсангизлар, зироатгоҳларингизга юра қолинглар», (деб) бирбирларини чақирдилар. Сўнг: «Бугун у (боғда ҳосил узаётган вактда) устларингизга бирон мискин келиб қолмасинда», (дайишиб) бирбирларига пичирлашган ҳолларида жўнаб кетдилар. Улар тонгсаҳарлаб бордилар. Энди қачонки, уни (яъни, куйиб кулга айланган боғларни) кўришгач, (аввал): «Шакшубҳасиз бизлар йўлдан адашиб қолдик», дедилар, сўнг бу ўзларининг боғлари эканини билишгач: «Йўқ, бизлар (боғимиздан) маҳрум бўлибмиз», дедилар. Уларнинг инсофлилари: «Мен сизларга (Оллоҳга) тасбех айтиб шукр қилмайсизларми, демаганмидим?» деган эди. Улар (энди вакт ўтгач): «Парвардигоримизни поклаймиз. Дарҳакиқат, бизлар ўзимизга зулм қилгувчи бўлдик», дедилар. Сўнг улар бирбирларига боқиб, маломат қилиша бошладилар. Улар дедилар: «Эй, ўлим бўлсин бизларга! Дарҳакиқат, бизлар ҳаддан ошгувчи бўлдик. Шоядки, Парвардигоримиз бизларга у (боғ)дан ҳам яхшироғига алмаштириб берса. Бизлар, албатта, ёлғиз Парвардигоримизга интилгучидирмиз». (Оллоҳнинг амридан четга чиққан кимсалар учун) мана шундай азоб бордир. Агар билсалар, охират азоби, шакшубҳасиз, янада каттароқдир. Албатта, тақводор зотлар учун Парвардигорлари хузурида нознеъмат боғлари бордир. Ахир, Биз мусулмонларни жиноятчикоғир кимсаларга баробар қилурмизми?» (Қалам сураси, 17-35.)

Ҳақиқий адолат шундай эмасми? Золимга ҳам мукофот, мазлумга ҳам мукофот тамойили татбиқ этилса, тўғри бўладими, ахир?

Мехнаткаш билан дангаса бир бўлсин, эзгулик қилувчи киши билан ғаразгўй, баҳил кимсалар тенг бўлсин, бир хил муомала кўрсин...

Соғлом фикрлайдиган киши асло бунга рози бўлолмасди. Шу сабабдан бўлса керак, Оллоҳ таоло: «Оллоҳга таслим бўлган итоатгўй мўминларни бош кўтариб инкор этувчи кофирилар

билин тенг қўймайман» мазмунида хабар берди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Жаброилдан олган саломларини эгасига етказдилар:

— Эй Хадича, Жаброил сенга Оллоҳнинг саломини келтирди, — дедилар.

Адаб ва фазилат намунаси бўлган буюк Хадича намли қўзларини артиб, жавоб берди:

— Салом Оллоҳ таолодир. Ҳар қандай салом ундан  
дир. Жаброилга ҳам салому салавот бўлсин.

## ФАВҚУЛОДДА БИР ТАКЛИФ

Абу Толибга қилинган иккинчи таклиф ҳам бехуда бўлган, аксинча, жиянини ҳимоя қилишда давом этаётган эди.

Кунлардан бир куни Абу Толибнинг эшигини тақиллатиб, мушрикларнинг оқсоқоллари учинчи ва сўнгги дафъа келдилар.

— Эй Абу Толиб, — дедилар. — Биз олдин ҳам сенинг ҳузурингга бош уриб келдик, аҳволимизни баён этдик. Сен қулоқ солмадинг. Бу кетишда орамизни қилич билан очиқ қилишга тўғри келадиганга ўхшайди. Бу сафар энди сўнгги марта, аммо янги бир таклиф билан келдик.

— Қанақа таклиф экан у?

— Умора ибн Валид ибн Муғийрани сенга таклиф қиласиз.

— Хўш, нима қилибди Уморага?

— Жуда яхши биласанки, эй Абу Толиб, Умора қурайший ёшлар ичидан кучқувват ва ақл жиҳатидан биринчи ўринда туради. Ёшлар ичидан ёқимлиги йўқ. Ишбилармон бир йигит. Уни сенга берамиз, эвазига сен Мухаммадни бизнинг ихтиёrimизга топширасан. Шу билан муаммо ҳал бўлади.

— Жуда соз. Сизлар менинг жиянимни нима қиласизлар?

— Ўлдирамиз.

Абу Толиб қулоқларига ишонмади.

— Жиддий сўзлаяпсизларми?

— Албатта.

— Демак, сизлар менинг ўғлимни олиб, ўлдирасизлар, бунинг эвазига мен сизларнинг ўғлингизни тарбиялайман, шундайми?! Сизларнинг бу таклифларингизга ҳатто тужро рози бўлмаса керак. Ҳайвонга ҳам тўғри келмайдиган ишга қандай қилиб мени кўндиromoқчи бўлдиларингиза? Истасаларингиз, олдин ўғилларингизни менга беринглар, мен уни ўлдирайин, шундан кейин ўғлимни сизларга бераман.

— Майли, аммо бизнинг ўғлимиз сенинг ўғлинг қилаётган ишларни қилаётгани йўқ. Сенинг ўғлинг бизнинг илоҳларимизни ҳақорат қиляпти, бизларни гумроҳликда айблаяпти, жамоамизни тарқатяпти, қариндошни қариндошдан совутиб, душманга айлантиряпти.

Абу Толиб жавоб берди:

— Худо ҳаққи, менинг ўғлим сизларнинг ўғлингиздан хайрлироқдир. Инсонларни ҳам хайрли ишларга ва фазилатга даъват этяпти...

Мунозара бирмунча вақт давом этди. Хайрлашаётган чоқларида мушриклар сўнгги сўзларини ифода этдилар:

— Шуни билгинки, эй Абу Толиб, муаммо очиқлигича қолди. Ё жиянингни тийиб қўясан, ё бу масалани ҳал этгунча ва ёхуд икки томондан бири йўқ бўлгунгача сен билан курашамиз! Қайси бирини истасанг, шуни танла, — дедилар ва теззез юриб чиқиб кетдилар.

\* \* \*

Бир иш билан Маккадан ташқарида айланиб юрган Нодир «Хожун» қабристонининг ёнидаги тепаликда ўтирган одамни кўрган заҳоти, қувонганидан ёрилиб кетаёзди. Чунки у ерда

Расулуллоҳ ўтирас эдилар. У кишини бундай ёлғиз ҳолатда ҳеч учратмаган эди.

«Ҳозир уни бир ёқлиқ қилишнинг айни фурсатидир» — буни Нодирнинг ичидағи иккинчи шахс пичирлагандай бўлди гуё. Уни севинчдан ўзини йўқотар ҳолатга солган мана шу вазият эди.

Нима қилиб бўлмасин, бу яккамаякка олишувда енгмоғи даркор эди. Чунки Мухаммад ибн Абдуллоҳ ҳам қараб ўтираслиги аниқ. Ўзини ўлдириш ниятида орқасидан пусиб келган одамга дархол таслим бўлиб, «Марҳамат, азизим, нима қилмоқчи бўлсанг, қиласвер. Аммо орқага чекинсанг, сендан кўнглим қолади», демайди, албатта.

Секинаста яқинлашар экан, мияси ҳамон қулай бир режа тузиш билан банд эди. Пусиб бориб, бирданига устига ташланиш, илк зарбани шу тариқа бериш энг оқилона йўл эди. Яна бир неча қадам юрган Нодир бирдан тўхтаб қолди, кўзларини ишқалади, яна синчиклаб қаради. Йўқ, кўраётганлари туш эмас эди. Ажабки, жимгина, овоз чиқармай, сокин ўтирган Мухаммаднинг атрофида бир нечта арслон айланиб юради.

Нодир қўлини чимчилади. Кўрққанидан шундай кўриндими? Йўқ, у унчамунчага кўрқмайди. Зеро, қўрққанида эди, ганимини кўрган заҳоти ўлдиришга чоғланармиди, ҳатто ёлғиз учратиб қолганидан қувониб кетармиди? Аммо кўраётганлари чин эди. Яна бирикки одим ташламоқчи бўлди. Бу дафъа арслонлар ҳам унга

қараб юра бошладилар. Оғзиларини даҳшатли равигада очиб келаётган бу арслонларга бехудага ем бўлишни ким истарди?! Орқага қайтиш ёки уларга ем бўлиш...

Нодир: «Жонимни бозордан сотиб олганим йўқ», деди ўзига ўзи ва фурсат борида жуфтакни ростлаб қолди.

\* \* \*

Бу пайтда Марям сураси тушаётган эди.

Бу муборак сурा Закариё, Яҳё, Марям, Исо, Иброҳим, Мусо ва Идрис пайғамбарлар (алайҳиссалом) ҳақидаги қиссаларнинг зикридан иборат эди:

«Ушбу китобда Иброҳим (қиссаси)ни ҳам зикр қилинг! Дарҳақиқат, у жуда ростгўй пайғамбар эди. Эсланг, у отасига: «Эй ота, нега сен эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сенга бирон фойда етказа олмайдиган бутга ибодат қилурсан? Эй ота, дарҳақиқат, сенга келмагани илммаърифат менга келди. Бас, сен менга эргашгин, ссни ҳақ йўлга ҳидоят қилурман. Эй ота, сен шайтонга ибодат — қуллик қилмагин. Чунки шайтон Раҳмонга осий бўлгандир. Эй ота, ҳақиқатан, мен сенга Раҳмон томонидан азоб етиб, (дўзахда) шайтонга дўстяқин бўлиб қолишингдан кўрқурман», деганида (отаси) айтди: «Сен менинг худоларимдан юз ўгирувчимисан, эй Иброҳим?! Қасамки, агар сен тўхтамасанг, албатта сени тошбўрон қилурман ва (ёки) мени бутунлай тарқ эт!» (Иброҳим) деди: «Омон бўл. Энди Парвардигоримдан сени мағфират қилишини сўрарман. Шакшубҳасиз, у менга меҳрибон бўлган Зотдир. Мен сизлардан ҳам, сизлар Оллоҳни қўйиб, илтижо қилаётган бутларингиздан ҳам четланурман ва (ёлғиз) Парвардигоримга илтижо қилурман. Парвардигоримга илтижо қилганим шарофатидан (сизлар каби) бадбаҳт бўлиб қолмасман, деб умид қилурман». «Бас, қачонки (Иброҳим) улардан ва улар Оллоҳни қўйиб сигинаётган бутларидан четлангач, биз унга (фарзандлари) Исҳоқ ва Яъқубни ҳадя этдик ва барчаларини пайғамбар қилдик. Шунингдек, уларга Ўз фазлу марҳаматимиздан инъом этдик. Ва улар учун рост ва юксак мақтовларни барқарор қилдик» (41-50).

Бир пайтлар буюк Пайғамбар Ҳазрати Иброҳим (с.а.в.) отаси Озарга шу сўзларни айтган ва отаси унга қарши чиққан. Бугун Оллоҳнинг сўнгги пайғамбари ҳам қавмини, қабиласини бутлардан узоқ тутиш, бутларга қулликдан қутқариш учун айни даъватни қилаётган ва айни натижани олаётган эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ушбу оятлар билан боғлиқ равишда шундай маълумот бердилар:

«Қиёмат куни Пайғамбар Иброҳим (с.а.в.) Озар билан учрашади. Озар юз-кўзи чанг-тўзонга беланган, паришон бир аҳволда бўлади. Иброҳим (с.а.в.) унга дейдики:

— Мен сенга фоний дунёда «Менга қарши исён қилма, сўзимга кир», демаганмидим? Мана, қандай ахволга тушганингни энди ўзинг ҳам кўриб турибсан. Отаси шундай жавоб қиласди:

— Бугун ортиқ сенга қаршилик кўрсатмайман. Нима десанг, шуни бажо келтираман.

Ҳазрати Иброҳим (с.а.в.) Жаноби Ҳаққа илтижо қиласди:

— Ё Робб, сен менга инсонлар қайта тириладиган ушбу кунда мени ғамгин қилмасликка ваъда берган эдинг. Сенинг раҳматингдан жудо бўлган отамни паришон бир ҳолатда кўришдан ортиқ ғамқайғу борми менга?! Лутфан уни менга бағишла, Роббим!..

Оллоҳ таоло шундай буюради:

— Мен жаннатни коғирларга ҳаром қилдим. — Шундан кейин яна Иброҳимга мурожаат этилади: — Эй Иброҳим, бир қара, оёқларингнинг остидаги нарса нима?!

Караса, қонга беланган бир сиртлон ётибди. Шундай ахволга солинган отаси Озар буюк Пайғамбарнинг кўзлари олдида оёқлари остидан олиниб, жаҳаннамга улоқтирилади».

Бу сўзларни тинглаган мусулмонларнинг бошлари эгилди, кўзлари намланди. Бир пайғамбар, қоловерса, найғамбарларнинг отаси ҳисобланувчи буюк пайғамбар Иброҳим (с.а.в.) ҳам отасини жаҳаннам азобидан қутқаришга оқиздир, дегани эди бу.

Юраклар кўрқувга тўлди, нафаслар сиқилди. Чехраларни ғамгинлик эгаллади. Қиёмат кунининг даҳшатлари кўз олдиларида намоён бўлгандек эди. Қалблар Буюк Оллоҳга йўналди. Қиёмат кунининг даҳшатли дақиқаларида Набии Акрамдан узокда қолдирмасликка, у зотнинг шарафли байроқлари остидан ўрин олишга изн беришини сўраб илтижо қилдилар.

\* \* \*

Ос бин Воил бошини кўтариб, қархисида турган одамга мағруона қаради:

— Нима истайсан? — деди.

— Ҳакимни, — деди у одам.

— Азизим, ахир, киши ҳақини ҳадеб сўрайверадими?.. Устигаустак, сен мендек бир мўътабар одамни шу арзимаган нарсаларни деб безовта қиляпсан, уялмайсанми?!

— Илк келганимдаёқ қарзингни узганингда, иккинчи дафъа ёнингга келмасдим.

Ос қарзини бериш ниятида эмасди.

— Менга қара, Хаббоб, — деди, — сенга қарзимни ҳозироқ тўлашим мумкин. Аммо бир шартим бор.

— Қанақа шарт?

— Муҳаммадни инкор этасан. Ўшанда дарҳол пулингни олиб кетаверасан.

Хаббоб бошини чайқади:

— Асло! Сен ўлиб қайта тирилгунингча ҳам қарзингни беришингни қутишга тайёрман, аммо уни инкор этмайман! — деди.

Ос кесатик аралаш сўради:

— Демак, мен ўлгандан кейин қайта тириламан, шундайми? Сен бунга чиндан ҳам ишонасанми?

— Албатта, чин юрақдан ишонаман.

— У ҳолда менинг ёқамни қўйиб юбор, эй Хаббоб. Модомики ўлгандан сўнг қайта тирилсам, ўшанда ҳаммолмулким бўлади, мен сенга қарзингни ортиғи билан тўлайман. — Хаббобга қаттиқ тикилиб: — Сўз бераман, Хаббоб, ўшанда ортиғи билан тўлайман! — деб такрорлади.

Хаббоб қаттиқ хафа бўлди. Энди қарзини бу дунёда ололмаслигига ишонч ҳосил қилган эди.

«Оллоҳим, ҳақимни Ўзингга ҳавола этаман», деб Оллоҳга ёлворди. Унинг бу фарёди юрагидан самимий чиқаётган эди.

Кўп ўтмай Буюк Оллоҳ Расули Акрамнинг муборак қалбига Хаббобнинг мазкур фарёди

билин алоқадор ушбу оятларни сингдирди: «(Эй Мұхаммад) Бизнинг оятларимизга коғир бўлган ва: «Қасамки, албатта, (охиратда ҳам) менга молмулк ва болачақа ато этилур», деган кимсани кўрдингизми? У ғойибдан хабардор бўлдимикин ёки Раҳмон даргоҳидан аҳду паймон олдимикин?! Йўқ! Албатта, Биз унинг айтиётган сўзини ёзиб қўюрмиз ва унинг учун азобни зиёда қилурмиз. У айтиётган (мол-дунё)га Биз меросхўр бўлурмиз ва у хузуримизга ёлгиз ҳолда келур». (Марям сураси, 77-80.)

Расулуллоҳ ушбу оятларни ўқиганларида Хаббонинг ёнаётган юрагига муздек сув сепилгандай таъсир этиб, у яна хотиржам бўлди. Бу мавзуда саҳобалар Расулуллоҳнинг ширин суханларидан қуйидаги ҳодисани тингладилар:

Истроил ўғилларидан бир одам бошқа биридан минг динор қарз бериб туришни сўради. У одам пулни шоҳидларнинг хузурида бериш истагини билдирганда, қарз сўраган одам:

«Оллоҳ таоло шоҳиддир, шунинг ўзи кифоя», деди.

«У ҳолда менга кафолат келтири», деб сўради.

«Оллоҳ таолонинг кафиллиги кифоя қилур», деган жавобни олди.

«Гапинг тўғри. Оллоҳ таоло ҳам кафил, ҳам шоҳиддир», деди ва минг динорни санаб берди. Қайтариб бериладиган муддат, ой кун ва вақти, жойи белгиланди.

У одам пулни олгач, денгизда кемага ўтириб кетди.

Карзни тўлаш вақти яқинлашгач, ваъдага биноан, соҳилга келди. Бир кемага ўтириб аҳдлашган жойга етиб бориши керак эди. Аммо ҳали кемадан дарак йўқ. Ўйлаб-ўйлаб, қўлига бир ёғоч бўлагини олди. Орасини ўйиб очди, минг динорни жойлаштириди, қисқа қилиб: «Бу фалон одамга тсгишлидир», деб ёзди, сўнгра ёрган жойини маҳкамлаб беркитиб, денгизнинг қирғоғига келди:

«Оллоҳим, ўзинг биласанки, мен фалон кишидан минг динор қарз олган эдим. Мендан кафолат сўради. «Оллоҳ таолонинг кафиллиги етар», деб жавоб қилдим. Шоҳид сўради. «Оллоҳ таолонинг шоҳидлиги етар», дедим. Сенинг кафиллигингга ва шоҳидлигингга рози бўлди. Аммо, мана бугун — қарзимни тўлашим керак бўлган кунда денгизнинг у томонига сузуб ўтишим учун кема топа олмадим. Бу пулларни энди Ўзингга омонат қилиб топшираман», деди ва ёғочни денгизга отиб, қайтиб кетди.

Денгизнинг у томонида қарз берган одам ҳам соҳилга чиққан, бирон кема келиб қолса, мендан қарз олган одам пулимни олиб келар, деб кутар эди. Ҳеч ким келмади. Бирмунча кутди, сўнгра сув юзасида қалқиб турган йўғонгина бир ғўлага кўзи тушди. Қизиқсиниб, сувдан олди. Ўтин қиласман, деган ўйда уйига олиб келди. Ёриб кўрса, ичидан пул ва мактуб чиқди...

Орадан бир неча кун ўтиб, қарздор келди, минг динорни чиқариб, қарз берганинг олдига қўйди.

«Худо ҳаққи, сенга қарзимни ўз вақтида тўлаш учун роса кема пойладим, аммо кема келмади. Қасам ичиб айтаманки, олдинроқ келишга ҳаракат қилдим, лекин уддасидан чиқа олмадим», деб узрини айтди.

«Жуда соз. Сен менга бир нарса жўнатганмидинг?» «Айтдимку, вақтида бу ёкка ўтадиган кема тополмадим...» «Аммо Оллоҳ таоло сенинг ғўла ичига солиб жўнатган пулларингни менга етказди ва қарзингни тўлади. Энди мана бу пулларингни қайтиб олгинда, саломат бўл», деди.

## ҲАБАШИСТОН САРИ ЯНА БИР САФАР

Ҳабаш ўлкасига илк ҳижрат қилганлар Маккада қолганлар учун яхши бир имконият яратган, халос эшигини очган эдилар. Энди Маккадаги мўминлар уларнинг орқасидан боришлари мумкин эди ёки шу ерда қолиб, узлуксиздавомли зўравонлик ва хўрликларга бардош боришлари лозим эди.

Хар кунги ҳақоратлар сабр косаларини тобора тўлдириб борди. Ҳеч қачон ортга

қайтмаслик шарти билан куфрдан воз кечган бу инсонларнинг асл мақсадлари — бундан бу ёғига куфроний ҳаётдан абадий узоқ бўлиш ва имонларини давом эттириш эди.

Нихоят, Абу Толибнинг ўғли Жаъсрар ҳам кетишга қарор қилди. Хотини Асмо бинти Умайс билан биргаликда йўлга чикди. Унинг ортидан Ҳабаш сафарига отланганларнинг сони ортди. Иккинчи муҳожирлар қофиласи саксон икки эркак, ўн аёл Маккани тарк этдилар. Бу гал йўлга чиққанлар орасида Жаъфардан ташқари, Амр ибн Сайд, Холид ибн Сайд ва ҳар иккаласининг хотинлари, Убайдуллоҳ ибн Жахш ва унинг хотини Умму Ҳабиба, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Микдод ибн Амр, Абу Убайда ибн Жарроҳ каби таникли инсонлар бор эди.

\* \* \*

Абу Ухайҳа ўша кунларда оғир дардга чалинган эди. Беҳол эди, ўрнидан туришга ҳам мажоли йўқ эди. Аммо ҳанузгача ўғли Холид, келини Умайна ва иккинчи ўғли Амрдан дарғазаб эди, уларни ҳеч кечира олмас эди.

— Худо хоҳласа, касаллиқдан туриб яна дармонга кирсам, Ибнул Кабшанинг (Расулуллоҳнинг) таъзирини ўзим бераман. Маккада унинг Тангрисига ибодат қилинмайди! дер эди. Ичиди сўнмас бир қасос ўти бор эди. Тобора аланталанаётган, тобора қучаяётган бир олов...

Холид ибн Сайд Маккани тарк этиш арафасида отасининг қандай қасам ичганини эшитиб колди ва қўлларини кўтариб:

— Оллоҳим, уни бу касаллиқдан қутқарма! — деб дуоибад қилди.

Шундан кейин хотини билан йўлга тушди.

\* \* \*

Маккада мўминларнинг сони тобора камаяр эди. Биттадан, иккитадан бўлиб шаҳарни тарк этаётганлар хатто ҳеч ким билан хайрлашмадилар. Чунки уларнинг йўлга отланаётганликларини мушриклар эшитиб қолгудай бўлса, тўсқинлик қилишга уринишлари мукаррар эди.

Кейингилар олдин борган биродарларини топдилар. Уларнинг ёнига ўрнашдилар. Қ1у йўсинда Ҳашабистонда мусулмонларнинг маҳалласи вужудга келди. Аҳолиси аёл-эркак ҳаммаси бўлиб юз кишидан кўпроқ бўлган кичик бир маҳалла...

Бу ерда осойишта турмуш кечира бошладилар. Ҳеч ким улардан нима учун «ёлғиз Оллоҳга» ибодат қиляпсизлар, деб суриштирмас эди. Улар ҳам, ўз навбатида, маҳаллий ҳалқнинг динига аралашмадилар.

Ҳабашликларга даъват қилингани ё улардан биронбир кишининг бу даъват ва тушунтиришлар туфайли мусулмон бўлгани тўғрисида маълумот йўқ.

Эҳтимол, «Бегона юртдан келиб бизни динимиздан қайтардилар», деган маънода фитна қўзғалишидан, ўрталаридағи муносабат бузилиб қолишидан, натижада Маккадаги каби оғир аҳвол юзага келишидан андиша қилган бўлсалар ажаб эмас. Ахир, ҳабашликлар ҳам уларга душман бўлиб қолсалар, бутунлай охирги бошпана ҳам қўлдан кетиши турган гап эди. Қолаверса, илк муҳожирлар орасида Макка ҳасратида ёниб адойи тамом бўлаётганлар ҳам йўқ эмас эди.

Жаъфар ибн Абу Толиб ва унинг биродарлари Ҳабашистонга кўчиб келгандан бери Маккадан илк хабар келди. «У ёқда аҳвол қандай экан?» деб илҳақ эдилар, ҳаммани қизиқтириб турган савол жавобини топди. Абу Жаҳлнинг ҳамон «Абу Жаҳл», Абу Лаҳабнинг «Абу Лаҳаб» бўлиб қолгани англашилди. «Демак, ҳануз эски ҳаммом, эски тос эканда», деб ўйладилар.

Расулуллоҳдан (с.а.в.) келган салом кўнгилларга хузур бағишлиди. Мижжалар намланди, қўзлар ёшга тўлди. Буюклар буюгининг саломини олиб йиғлаб юборганлар орасида кўзларидан нур доналарини оқизган Руқайя ҳам бор эди. Айниқса, унинг соғинчи икки ҳисса эди: ҳам ота сифатида, ҳам Сайидул Анбиё ўлароқ... Онаси Ҳазрати Ҳадича, сингиллари Умму Гулсум, Зайнаб ва Фотима кўз ўнгидан кетмас, бир кун улар билан қайта қўришишни, бўйинларига осилиб, тўйиб-тўйиб ўпишни жуда-жуда истар эди.

\* \* \*

Мусулмонлар ими-жимида Маккани тарқ этдилар, ҳеч кимга билдиримай йўлларида давом қилдилар, аммо Маккада ҳувиллаб қолган уйлари нима бўлади, деган савол туғилиши табиийдир. Бир эмас, ўн эмас, юздан ортиқ маккалик она ватанини тарқ этиб кетадио, у ердагилар бундан бехабар қолаверадими?

Бир неча кунгача уларнинг эшиклари очилмади, азбаройи безовта қилиш учунгина қидирилганда, топишмади — шунинг ўзиёқ янги бир ҳижрат амалга оширилганини қўрсатди.

Бу дафъа қурайшликлар орасида саросима бошланди. Ҳижрат нима мақсадда қилингани устида тоза бош қотиришди. Турлитуман тахминлар ўртага ташланди. Ниҳоят, Ҳабашистон нажожийсига (подшоҳига) икки кишилик бир ҳайъат жўнатишга қарор қилишди. Ос ибн Воилнинг ўғли Амр билан Абдуллоҳ ибн Абу Робиага ушбу вазифа топширилди.

Амр ибн Ос араблар орасида тан олинган ўта айёр ва муғамбир тўрт даҳрийдан бири эди. Қанча яшаган бўлса, шунча пайт унинг бу хислати ўзига қўл келган.

Ҳабашистон хукмдори бошлиқ сарой амирамалдорларию черков ходимларига қимматбаҳо совғасаломлар тайёрланди. Катта умидлар билан йўлга чиқилди. Ҳабашистонга этиб боргач, аввал ҳукумат арконини зиёрат қилдилар. Уларга совғасаломлар тақдим этилди. Ҳукмдорга арз этилмоқчи бўлган масалада ёрдам беришлари сўралди. Сўнгра хукмдорнинг хузурига қабул қилиндилар. Ҳабашликларнинг одатига кўра, ергача эгилиб сажда қилдилар ва салом бердилар. Олиб келинган совғаларни топширилдилар. Ҳукмдор:

— Бу ерга нима мақсадда келдингиз? — деб сўради. Амр ибн Ос сўз бошлади:

— Эй ҳукмдор, биз Маккадек бир жойдан узоқ масофани босиб сенинг юрtingга келдик. Орамизда ўз ўрнини билмаган ялангоёқларнинг бир гурухи динини ўзгартириди, отабоболарининг динидан қайтди. Ота-онаси, қариндошуруғларига қарши чиқди. Кечаги кунга қадар топинаётган илоҳларига тил теккиздилар. Биз уларни йўлга солмоқчи бўлдик. Аммо бунга муваффақ бўла олмадик. Улар ўртага чиқарган динни биз ҳам билмаймиз, сен ҳам... Бизнинг динимизга қайтмадилар, сенинг динингга кирмаганликлари ҳам аниқ. Биз улар Маккада бошлаган фисқу фасодни бу ерда ҳам чиқариб, сизларнинг бошингизга битган бало бўлмасинлар, деб хавотирдамиз. Шуларни назарда тутиб, қавмимизнинг улуғлари бизни сенинг хузурингга жўнатдилар. Бу ерда ҳам бир кўнгилсизлик чиқаришларидан олдин уларни бизнинг ихтиёrimизга топширсанг. Маккага қайтариб олиб кетардик, шу тариқа сизлар ҳам қутилмаган можаро, корҳолдан эмин бўлар эдиларингиз.

Ҳукмдорга бу сўзлар ёқмади.

Навбат сарой аҳлига келди:

— Эй ҳукмдор, биз у одамларнинг ким эканлигини билмаймиз. Уларни ҳаммадан қўпроқ ўз қавмининг ва киллари яхши биладилар. Энг тўғриси — Маккадан жўнатилган бу одамларнинг сўзларига ишониб иш тутишдир. Агар улар яхши одамлар бўлганида, ўз юртларини, қариндошуруғларини ташлаб бу ерга келмас эдилар.

Ҳукмдор уларнинг сўзларини бўлди:

— Юртимга келиб мендан паноҳ сўраган мусофиirlарни ҳе йўқбе йўқ тўсатдан бирорвларнинг ихтиёригатопшира олмайман. Уларни хузуримга чақиртириб, сўзла рини эшитайлик, шундан кейингина узилкесил қарорга келаман. Менга уларни топиб келинглар.

Дарҳол чопар жўнатилди. Чопар мусулмонларни топиб:

— Сизларни ҳукмдоримиз хузурига чорламоқда, — деди.

Жаъфар ва унинг дўстлари бу таклифнинг маъносини тушунмадилар.

— У бизларни нима мақсадда чақиртириди? — деб сўрадилар хавотирланиб.

Чопар вазиятни тушунтириди: уларни истаб келганларнинг ҳам, ҳукмдорнинг ҳам сўзларини батафсил ҳикоја қилиб берди. Бу хабар мўминларнинг дилларини сиёҳ қилди. Неча

вақтлардан бери зулм кўравериб безиллаб қолган, аммо Ҳабашистонда эндиғина ором ола бошлаган қалбларини яна хавотирлик чулғаб олди: «Бу ерда ҳам бизни топишибдида», деган саросимали ўй бор эди ҳар бирининг юз ифодасида.

Тез орада ҳукмдорнинг ҳузурига етиб бордилар. Уларни кутиб олган сарой хизматчилари ичкарида қандай муомалада бўлишлари кераклигини тушунтиридилар:

—Кирган заҳоти сажда қилиб, ерни ўпид салом беришларинг керак, — дедилар.

—Биз факат ёлғиз Оллоҳга сажда қиласиз, бандасига сажда қилмаймиз, — деб жавоб қилишди мўминлар.

— Нима учун?

— Динимизнинг, Пайғамбаримизнинг амри шудир.

Ичкарига кирдилар, салом бердилар.

Амр ибн Ос бир чеккада тураган эди. Гап бошлади:

— Салгина олдин сизга уларнинг ахволи ҳақида гапириб берган эдим, эй ҳукмдор. Мана, ўзингиз ҳам кўриб турганингиздек, гапларим тўғри чиқди. Булар осий, итоатсиз кишилардир, — деди.

Ҳукмдор унга жавоб бермади, ҳузурига келган одамларга қаради.

— Қани, айтингларчи, юртимизга нима мақсадда келдиларинг? Бу одамлар нима учун орқаларингдан қидириб келибди? — дея сўради.

Жаъфар ибн Абу Толиб сўз олди:

— Ижозат берсангиз, дўйстларимнинг номидан мен гапирсам.

— Марҳамат, ганиравер.

— Бу одамлардан сўраб кўрингчи, эй ҳукмдор, бизасир тушган қуллармидик, бизларни зўрлаб олиб кетишни истасалар?

Ҳукмдор Амр ибн Осга ўгирилди:

— Хўш, бунга нима дейсан?

— Йўқ, улар қул эмаслар.

— Яна сўранг, эй ҳукмдор, биз ноҳақ қон тўккан ёхуд одам ўлдирган жиноятчилармидикки, бизни ўзларининг ихтиёрига топширишингизни талаб этсалар?!

— Қани бунисига нима дейсизлар? Булар қотилми? Ёхуд бошқа бирон айблари борлигидан қидиряпсизларми?

— Йўқ, улар қотил эмаслар. Ноҳақ қон тўқмадилар,— деб жавоб қилишди келганлар.

— Сўнгги марта сўрангчи, ҳукмдорим, биз бирон кишининг молини олиб пулини тўламаган, омонатига хиёнат қилган кимсалармизми? Бизда ҳақлари бормикан?

— Хўш, эй Амр?

Амр бу саволга ҳам ростини жавоб қилди:

— Йўқ, бу одамлар ҳеч кимдан қарздор эмаслар! Ҳукмдор ушбу саволжавобдан сўнг Амр ибн Осга қайрилди:

— У ҳолда, эй Амр, бу одамларни нима учун, қандай ҳақ билан ихтиёргизга топширилишини истайсан? Менга буни очик баён қилиб бер.

Амр ҳеч кутилмаган бу савол қаршисида ўзини йўқотиб қўйди.

— Булар бизнинг динимиздан воз кечдилар, Мухаммадга қўшилиб, унинг динига кирдилар, — деди.

Ҳукмдор яна Жаъфарга қаради:

— Эски динингизни нима учун тарк этдиларинг? У диндан чиқсан бўлсаларинг, менинг динимга ҳам кирмасаларинг, у ҳолда сизларнинг динингизнинг асл моҳияти ва асоси нимадан иборат, шуни менга тушунтиринглар?

Жаъфар дедики:

— Эй олампаноҳ, биз жоҳил бир миллат эдик, бутларга топинардик, ўлимтикларнинг

гўштини ердик, ахлоқизлиқ қиласардик, қўшниларимизнинг дилига озор етказардик. Кучлиларимиз заифларимизни эзар эди. Оллоҳ таоло бизга аввалдан орномусли, аслзода, ишончли, олижаноб инсон сифатида маълум бўлган кишини Пайғамбар қилиб жўнатгунга қадар бизнинг аҳволимиз шундай эди. У пайғамбар бизни Оллоҳга ва Унинг ёлғиз экан лигига, Унга ибодат қилишга, оталаримиз ва бизлар топинаётган тош хамда бутларни қалбимииздан улоқтириб ташлашга даъват этди. Тўғрисўз бўлишни, омонатга садоқатни, қариндошуруғчилик муносабатларига хурмат билан қарашни, қўниқўшилар билан аҳил яшашни, ҳаром нарсалардан ва қон тўкишдан чекинишни буюрди. Ахлоқизлиқдан, ёлғон сўзлашдан, етимнинг молини ейишдан, номусли аёлларга тұхмат қилишдан ман этди. Ёлғиз Оллоҳга сигинишни, Унга шерик қилмасликни, намоз ўқиши, садақа бериб молмулкимизни ҳалоллашни, рўза тутишни тавсия қилди... Биз унинг пайғамбар лигини тан олдик, тасдиқладик. Унга имон келтирдик. Оллоҳдан келтирган ҳар бир хукмни қабул этиш шарти билан унга бўйсундик. Ёлғиз Оллоҳга ибодат қилдик. Унга ҳеч нарсани шерик қилмадик. Бизга ҳаром деган нарсаларни ҳаром деб, ҳалол деганларини ҳалол деб қабул этдик. Аммо жоҳил қавмимиз бизга душманлик қилиб, бениҳоя азоб-уқубат, жабру ситам кўрсатди. Динимиздан воз кечишига, Оллоҳга ибодатдан ман этиб, бутларга бош эгишга мажбур қила бошлади. Жирканч хаттихаракатларни яна ҳалол ва тўғри деб ҳисоблашга зўрладилар. Биздан устун келиб, зулм қилиб, оғир аҳволга солишгач, биз билан динимиз орасига киргач, сизларнинг юртингизга бошпана ахтариб келдик, сени бошқалардан афзал кўрдик, сенинг дўстлигингга ишондик ва, эй олампаноҳ, сенинг паноҳингда осойишта турмуш кечиришга умид қилиб келдик.

— Жуда соз, энди нега менинг ҳузуримда эгилиб, ер ўпмаганингизни изохлаб беринг.

— Бизнинг динимизда Оллоҳдан ўзга ҳеч кимсага сажда қилинмайди. Пайғамбаримизнинг бизга ўргатган салом шакли шундайдир. Биз бирбиримизга ва ҳатто Оллоҳнинг Расули бўлган пайғамбаримизга ҳам мана шундай салом берамиз.

Ҳукмдор Амр ибн Осга ўгирилди:

Мендан паноҳ истаб келган ва мен ҳақимда яхши фикрда бўлган бу одамларни юртимдан ҳайдаб чиқариш ёки сизларнинг ихтиёрингизга топшириш учун бирон сабаб кўрмадим, — деди.

Жаъфар ва унинг биродарларига рухсат берилди, чиқиб кетдилар. Юзларида севинч ёғдулари порлар эди.

\*\*\*

Ўта айёр ва мугамбир бўлган Амр шунчалик осонгина мағлуб бўлишни сира хам истамасди.

— Эртага уларнинг бошига шундай бир кулфат солайинки, сен ҳам ҳайрону лол қолгин, — деди шеригига.

Абдуллоҳнинг эти увишиб кетди.

— Амр, кел, уларни ўз ҳолига қўяйлик. Нима бўлганда ҳам улар ўз қавмимиздан, қолаверса, қариндошларимиз. Юртларидан, молмулкидан жудо бўлдилар. Кел, қўй, билганларича яшайверсинлар.

Амр унинг гапларига қулоқ ҳам солмади:

Эртага кўрасан, зўр можаро бўлади, деди.

Кўзлаган режасини амалга оширмай қўймаслигига қасам ҳам ичди.

\*\*\*

Эртаси куни мўминларнинг қошига яна чопар келди.

— Ҳукмдоримиз йўқлаяптилар, — деди.

Кўнгилларини яна ташвиш, ҳисҳаяжон қамраб олди.

Хавотир тўла нигоҳлар яна бирбирларига қадалди. Бу қарашлар жуда ғамгин эди.

Жаъфар дўстларига тасалли бсрди:

— Қани, кетдик, — деди. Оллоҳнинг буюргани бўлади.

— Бу сафар ҳам сен гапир, эй Жаъфар, — дейишди шериклари.

Бу дафъа хукмдорнинг мажлиси янада гавжум эди. Қиёфаларидан дин арбоблари эканлиги аниқ бўлган одамлар ҳам келган, қўлларида китоблар...

Хукмдор мажлис ахлига бирмабир қараб чиқди.

— Мана бу одамларнинг даъво қилишларича, сизлар Ҳазрати Исо (а.с.) ҳакида ёмон сўзлар айтар эмишсизлар. Қани, ўз оғизларингиз билан айтингларчи, Исо (с.а.в) ҳакида нималарни биласизлар?

Масала ойдинлашди. Амр Ҳазрати Исони «Оллоҳ» деб билувчи ва ишонувчи насронийларга таъсир қилиш учун ҳийла йўлига ўтган эди.

Жаъфар сўз олди ва шундай деди:

— Эй оламианоҳ, Ҳазрати Исо Оллоҳнинг бандаси ва расулидир. Покиза, маъсум ва бокира бўлган Марямга Оллоҳнинг юборган калимаси ва руҳидир. Биз у ҳакда мана шундай маълумотга эгамиз.

— Жуда соз, сиз Пайғамбарингиздан нималарни ўргандингиз?

— Биз Пайғамбаримиздан Оллоҳ ваҳий этиб туширган Куръон оятларини ўргандик.

— Қани, шулардан менга ўқиб берчи бўлмаса! Жаъфар Марям сурасидан ўқий бошлади:

— (Эй Мухаммад) ушбу китобда Марямни зикр қилдинг: У ўз ахли оиласидан четга — кун чиқар томонга бориб, улардан беркиниб олган пайтида, Биз унга ўз руҳимизни (яъни, Жаброилни) юбордик. Бас, у (Марямга) бусбутун (рўйрост) одам бўлиб кўринди. (Марям унга); «Мен Раҳмонга (яъни, Оллоҳга) сифиниб, сендан паноҳ беришни илтико қилурман. Агар (Оллоҳдан) кўркувчи бўлсанг (менга зиён етказмагин)», деди. (Жаброил) айтди: «(Кўрқмагин) мен фақат сенга бир покиза ўғил ҳадя қилиш учун (келган) Парвардигорингнинг элчисидирман, холос». (Марям) деди: «Менга одамзод тегмаган бўлса, бузук аёл бўлмасам, менда қаёқдан фарзанд бўлсин?!» (Жаброил) айтди: «Шундай, Парвардигоринг айтурки: «Бу (иш) Менга осондир. Биз у (бола)ни одамлар учун оят — мўъжиза ва Ўз томонимиздан бўлган раҳматмарҳамат қилурмиз. Бу битган ишдир. Бас, (Марям) унга ҳомиладор бўлиб, у билан бирга йироқ бир жойга кетди. Бас, тўлғоқ азоби уни бир хурмо дарахтининг шохига олиб борди (ва у шохга осилган ҳолда кўзи ёригач) деди: «Қани, мана шу (кундан) илгари ўлиб кетсаму, бутунлай унутилиб кетсам эди». Шунда (хурмо дарахтининг) ортидан (Жаброил) нидо қилди: «Ғамгин бўлма, Парвардигоринг (оёқ) остингдан бир ариқ оқизиб қўйди. (Мана шу куриб қолган) хурмо дарахтининг шохини силкитгин, у сенга янги хурмо меваларини ташлар. Энди сен ебичгин, шодхуррам бўлгин. Бас, агар одамзоддан биронтасини қўриб қолсанг (ва у сендан бу боланинг отаси ҳакида сўраса), у ҳолда: «Мен Раҳмон йўлида рўза тутмоқни назр (ахд) қилганман, бас, бугун бирон инсонга сўзламайман», дегин». Сўиг (Марям боласини) кўтарган ҳолда келганида, улар: «Эй Марям, сен ҳеч ким қилмаган ишни қилдингку! Эй Хоруннинг синглиси, сенинг отанг ёмон одам эмас, онанг ҳам фохиша эмас эдику!» дедилар. Шунда (Марям сўзга оғиз очмасдан боласига) ишора қилди (яъни, унинг ўзидан сўранглар, деди). Улар айтдилар: «Бешикдаги гўдак билан қандай сўзлашурмиз?!» (Шу пайт чақалоқ, яъни, Исо тилга кириб) деди: «Мен Оллоҳнинг бандасидирман. У Зот менга Китоб — Инжил ато этди ва мени пайғамбар қилди. Яна мени қаерда, бўлсам, хайру баракотли қилди ва модомики ҳаёт эканман, намозни (адо этишни) ва закотни (ато этишни) амр қилди. Шунингдек, (Оллоҳ) мени онамга меҳрибон қилди ва мени ситамкор бадбаҳт қилмади. Менга туғилган кунимда ҳам, вафот бўладиган кунимда ҳам, қайта тириладиган кунимда ҳам тинчликомонлик бўлур». Улар (яъни, яхудий ва насронийлар) шакшубҳа қилаётган Исо ибни Марям (ҳакида Оллоҳнинг) Ҳақ сўзи мана шудир. Оллоҳ учун ҳеч қандай бола туғиш жоиз эмас — У Зот (бундай нуқсондан) покдир. У бирон ишни қилмоқни истаса, фақат унга «Бўл», дер. Бас, (ўша иш) бўлур. (Исо айтди:)

«Албатта, Оллоҳ Парвардигорим ва Парвардигорингиздир. Бас, унга бандалик қилингиз! Мана шу ҳақ йўлдир!» (16 — 36).

Бу оятларни тинглар экан, ҳукмдорнинг (Нажошийнинг) қўзларидан ёшлар оқар эди. Дин арбобларининг орасида ҳам йиғлаганлар бўлди. Ҳукмдор қўзёшларини артиб:

— Бу калом Исога ва Мусога туширилган манбадан келади. Уларнинг қандиллари ёғду олган чашмадан зиёлур, — деди. Эгилди, ердан бир чўп олиб, деди: — Ҳақиқатдан, асл Исо сизлар баён қилганларинг Исодан мана шу чўпчалик ҳам фарқ қилмайди.

Бу гапни эшитиб, дин одамлари пўнгиллай бошлади.

Ҳукмдор:

— Худо ҳакқи, сизлар нима деб пўнгилласангиз ҳам, асл ҳақиқат мана шудир, — деди ва мўминларга ўгирилди: — Сизларга рухсат. Бемалол, тинчхотиржам яшайверинглар. Сизларни ҳар қандай хавфхатардан муҳофаза этишни ўз зиммамга оламан. Сизларга ёмонлик қилган киши менинггина эмас, Оллоҳнинг ҳам қаҳрига учрагай. Сизларга чоҳ қазиганнинг ўзи ўша чоҳга йиқилур, сизларни ҳақорат қилган кимса жазосини топқусидир. Олтин ҳадя этишса ҳам, сизлардан биронтангизни безовта қилишларига тоқат қилолмайман!

Амр ибн Ос бу сафар ҳам мағлубиятга учраганини билиб, тарвузи қўлтиғидан тушди.

Ҳукмдор қурайшлар олиб келган совғасаломларни қайтариб беришни буюрди.

— Менинг бу ҳадяларга эҳтиёжим йўқ. Қўлимдан зўрлаб олинган мулкимни Оллоҳ менга қайтарганида ва халқимни менга итоат эттирганида, У мендан пора олмади. Мен ҳам пора олиб, сизларнинг ноҳақ талабларингизни бажо келтира олмайман. Совғасаломларингизни олингларда, тезда бу ердан жўнаб кетинглар, — деди.

Амр расман қувилган эди. Саройдан қовоқтумшуғи осилиб, паришон, абор бир аҳволда чиқди. Чексиз бир адоват туйғуси билан келган бу гумроҳлар орқага қайтишга мажбур бўлган эдилар.

Мўминлар эса, аксинча, у ердан хурсанд бўлиб, Оллоҳга шукроналар билдириб чиқиб кетдилар. Набии Акрамнинг (с.а.в.) «У ердаadolатли бир ҳукмдор бор, умид қиласизки, у сизларни ўз паноҳига олиб, хавфхатардан асрайди», деб буюрганлари эсларига тушди. Бу хотира ёноқларга севинч ва соғинч тўла ёшларни оқизди.

\* \* \*

Расулуллоҳ (с.а.в.) кўчада жондан азиз амакиларининг ҳимояси остида вазифаларини адо этар, уйларида эса, улкан бир фидокорлик ва соғлом дунёқараш ўrnаги бўлган умр йўлдошларининг ёнида ҳордик чиқариб, ором олар эдилар. Гўёки Абу Толиб ва Ҳадича у зотга вазифасини тўлатўкис адо эта олишлари учун хизмат қилишда кимўзар мусобақасига киришгандек эди.

Бир куни Ҳабиби Адабимиз қурайшийлардан анчамунча киши тўпланган очиқ бир жойда Нажм сурасини ўқидилар. Суранинг охири сажда ояти билан тугар эди. Ўқиб бўлгач, ўрниларидан туриб, сажда қилдилар. У ерга тўпланганларнинг ҳаммаси — мўмин ҳам, мушрик ҳам беихтиёр саждага қўшилдилар. Ҳатто белини бука олмайдиган бир қария ҳам эгилди, ердан бир ҳовуч тупроқ олди, пешонасига суртди: «Мен учун мана шу амалнинг ўзи саждага ўрнига ўтар», деди.

Мўминлар ушбу оятда Оллоҳга саждага ва ибодат қилиш амри берилгани учун саждага эгилган эдилар. Аммо мушрикларчи? Хўш, уларни саждага чорлаган нарса нима эди?! Эҳтимол, Куръони Каримнинг бекиёс ва мукаммал каломи уларнинг қўнгилларини қамраб олган бўлса ажаб эмас. Узларини унугтудек ҳолда илоҳий каломнинг жозибасига маҳлиё бўлган эдилар. Шу аснода Расулуллоҳ (с.а.в.) саждага қилганини кўриб, ортидан мўминлар ҳам саждага эгилгач, беихтиёр равишда улар ҳам саждага қилган эдилар.

\* \* \*

Бу хабар айланибайланиб Ҳабашистонга ҳам етиб борди. Аммо оғизданоғизга ўтиб,

муболағалар билан бойиган бу хабар Ҳабашистонда «Бутун Макка халқи Расулуллоҳнинг орқасида саф тортиб, хузури илохийга (яъни, илохий хузурга) бош қўйган эмишлар», деган тарзда тарқалди.

Бу хабарни жиддий қабул қилган бир қатор мўминлар севинчдан канот ёзиб учгудай бўлдилар. Дарҳол ватанга қайтиш ҳозирлиги кўрила бошланди...

Ниҳоят, кунлардан бир куни мусулмонларнинг анчагина қисми Ҳабаш ўлкасини тарк этди. «Қайдасан, Макка», дея йўлга тушдилар. Қайтаётганларнинг орасида Расулуллоҳнинг (с.а.в.) кўёвлари Усмон ибн Афон ва нуридийдалари Руқайя ҳам бор эди. Ҳаммаси бўлиб ўттиз уч эркак ва уч аёл эдилар.

Ҳабашистонда қолганлар кетаётганларни аччиқаччик кўз ёшлари билан кузатиб қоларканлар, биродарлари қурайшийларнинг хийла тузоfiga илингандиклariiga шубҳа қилмасдилар.

Узок давом этган қуруқлик ва денгиз сафаридан сўнг Жиддага етиб келдилар. Шундан кейин яна йўл бошланди. Энди кўпи билан уч кундан сўнг Она ватан остоналарига етиб боришади. Каъбани тавоғ этишади.

Аммо йўловчилар Макка томондан келаётган бир кишига дуч келганларидан кейин хурсандиклари бир зумда барҳам топди. Кўнгилларга ғашлик чўқди. Пешоналарда совук тер томчилари пайдо бўлди. Кейинги, ундан кейинги йўловчилар ҳам дастлабки йўловчининг хабарини тасдиқлашди. Макка сари ташланаётган ҳар бир қадам энди ташвишларига ташвиш кўшар эди.

Жиддий бир музокара қилдилар. Нима қилиш кераклиги ҳақида баҳслашдилар.

Хеч ким бекорданбекорга ўлиб кетишини истамасди. Орқага қайтишини ҳам хаёлларига келтирмасдилар. Биргина йўл қолган, у ҳам бўлса, шу кунгача ашаддий душманлари бўлиб келган мушриклардан бирининг ҳимоясини сўраш...

Бу арабларнинг ажойиб ва олижаноб одатларидан бири эди. Мардонавор, жасурона бир хаттиҳаракат эди. Ким бўлишидан қатъи назар, ҳимоя сўраган кишининг илтимоси рад этилмас, паноҳ истаганга қарши қилич кўтарилилмас эди.

Қабила аҳлидан бир аёлнинг этагига бош уриш ёки қабила чодирларидан бирининг арқонини ушлаш ўша қабиладан паноҳ истаганликни билдирап, сўнгра ҳимоя сўраганнинг афв этилгани, ҳимоя остига олингани эълон этилар ва шу кундан эътиборан қабила орасида эркин юриш ҳаққи берилар эди. Унга нисбатан қилинган тажовуз бундан буён уни ўз паноҳига олган кишига тажовуз деб баҳоланаарди. Уни ҳар қандай хавфхатардан сақлаш, ҳимоя остида бўладиган муддат давомида осойишта яшашига шартшароит яратиш ҳар бир қабила аъзосининг бурчига айланарди.

Ночор аҳволда қолган мусулмонлар арабларнинг ушбу одатларидан фойдаланишга мажбур бўлдилар.

\* \* \*

Ўғли Холид ибн Сайд томонидан «Оллоҳим, уни бу касалликдан қутқарма», деб дуоибад қилинган Абу Ухайха Сайд ибн Ос неча ойлардан бери ёпишган оғир касаллик туфайли тўшакка михланган, бу дарддан фориғ бўлмаган эди.

—Бир киши сени йўқлаб келиби, — дедилар.

—Ичкарига таклиф қилинг.

Хонага бир одам кирди. Абу Ухайҳадан холаҳвол

сўради. Сўнг ўзини танитиб, нима мақсадда келганини билдириди:

—Маккага яқин бир жойда Усмон ибн Афонни кўрдим. Ҳабашистондан қайтаётган экан, ҳимоянгга олишингни сўради, — деди.

Абу Ухайҳа бу таклифни қабул қилди. Бир соатлардан кейин Макка кўчаларига жарчи чиқарилди. Ҳар кўча бошларида:

— Эй Макка халқи, шуни билингки, Усмон ибн Аффон ва унинг хотини Руқайя Абу Ухайҳа Сайд ибн Оснинг ҳимоясига олинди. Бирон кимса уни безовта қилмасин, зиёнзахмат етказишга уринмасин!.. — дея эълон этилди.

Шундан кейин Абу Ухайҳа чопар жўнатиб, Жидда йўлидан Усмон ибн Аффонни топдириб келди.

Руқайя Набийлар Сарвари бўлган отасининг бўйинларига осилар экан, ҳўнграб йиғлаб юборди. Неча ойлардан буён қаттиқ соғинган онаси, сингилларига етишди. Ҳар ким ўзининг аччиқчучук хотираларини сўзлади. Усмон ибн Аффон ҳам энди бемалол Расулуллоҳнинг ҳузурларига бориб келадиган бўлди. Бошқа мўминларнинг кўпчилиги ҳам биттадан кишининг ҳимоясига кирдилар. Масалан:

Абу Салама — тоғаси Абу Толибнинг,

Абу Хузайфа — Умайя ибн Халафнинг,

Мусъаб — Нодир бин Хориснинг,

Зубайр — Замъя ибн Асваднинг,

Абдураҳмон Асвод ибн Абди Яғуснинг,

Усмон ибн Мазъун — Валид ибн Муғийранинг,

Амир ибн Робиа — Ос ибн Воилнинг,

Абу Сабр — Ахнас ибн Шариқнинг,

Хотиб ибн Амр — Хувайтиб ибн Абдул Уззонинг ҳимоясидан паноҳ топдилар.

Маълумки, бу кишилар мусулмонлар қўлларига тушгандай бўлса, боплаб таъзирларини бериш орзуида юрган, мўминларга дунёни зиндан қилган кишилар эди.

\* \* \*

Абу Толиб жияни Абу Саламани ҳимоясига олгани мушрикларга хуш ёқмади. Маҳзум қабиласига мансуб бир неча киши яна унинг ҳузурига келдилар.

— Ё Абу Толиб, — дедилар, укангнинг ўғлини ҳимоянгга олдинг, кўндиқ. Аммо бу сафар ҳеч бўлмаса Абу Саламани бизнинг ихтиёrimизга топширасан, — деб талаб қилдилар.

— Яна нималарни истайсизлар? — деб жавоб қилди Абу Толиб. — Муҳаммад укамнинг ўғли, Абу Салама эса, синглимнинг фарзандидир. Жигарларимдан бирининг ўғлини ҳимоя килолмасам, иккинчисининг ўғлини қандай ҳимоя қиласан? Қолаверса, кимни ҳимоямга олишни сизлар билан маслаҳатлашишим керакми?

Келганлар, ўжарлик қилиб туриб олган, қандай қилиб бўлмасин, бу сафар Абу Саламадан воз кечишига ундар эдилар. Охирида Абу Лаҳаб жим туролмади:

Энди ҳаддиларингдан ошяпсизлар. Ваъдаси учун бу одамни бунчалик танқид қилишга, унга бу қадар тазиик ўтказишга ҳақларинг йўқ. Жаҳлимни чиқарманларда, хозирок ўжарликни бас қилиб, бу ердан даф бўлинглар. Акс ҳолда, мен ҳам унга қўшиламану Муҳаммадни ҳар бир ишида кўллабкуватлайман, мақсадига етгунга қадар ёрдам бераман! — деди.

Кўзларидан ғазаб учқунлари сачрагудай асабийлашиб айтган бу сўzlари келганларни жим бўлишга мажбур қилди.

— Мана, ҳозир кетамиз, айтганингни бажо келтирамиз, эй Утба, — дедилар.

Абу Толиб укаси ёнини олганидан жуда ҳам мамнун бўлди. Шу маънода миннатдорчилигини билдириб, бир қасида ўқилди. Биргаликда Муҳаммадга ёрдамчи бўлишга чақирди. Аммо Абу Лаҳаб бу таклифга ҳеч кандай жавоб килмади.

\* \* \*

Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абу Ухайҳа бин Жарроҳ сингари бир неча киши ҳеч кимдан ҳимоя сўрамадилар, кечаси яширинча шаҳарга кирдилар.

Кимдан ҳимоя сўрашни билмаган Салама ибн Ҳишом, Айюш ибн Абу Робиа, Ҳишом ибн Ос, Абдуллоҳ ибн Сухайл ва яна бир неча кишини эса, қўлга олиб қамаб қўйдилар.

Усмон ибн Аффон ва унинг рафиқасини ўз ҳимоясига олган Абу Ухайханинг ўғли Холидга чексиз азиятлар етказгани, «Агар ушбу касалдан турсам, ортиқ Мухаммаднинг тангрисига ибодат қилинмайди!» деганлари айни ҳақиқатдир. Бу ҳам бўлса, жоҳилия даврига хос мантиқка зид воқеликлардан бири эди.

Бу орада Расулуллоҳга (с.а.в.) Аср сураси туширилди.

«Аср вақтига қасамки, (барча) инсон зиёнбахтсизликдадир. Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бирбирларига Ҳақ (йўли)ни тавсия этган ва бирбирларига (мана шу Ҳақ йўлида) сабртоқат қилишни тавсия этган зотларгина (нажот топгувчи)лар».

Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.) сабр билан боғлиқ равишда ушбу ривоятни нақл қилдилар:

«Оллоҳ таоло жаннат ва жаҳаннамни яратгандан кейин Жаброили Аминни жаннатга юборди:

— У ерни бир кўздан кечир, — деди.

Жаброил жаннатга бориб келгандан сўнг Роббул Оламинга мурожаат қилди:

— Сенинг иззат ва шарафингни ўртага қўйиб қасам ичаманки, у ер ҳақида эшитган ҳар ким албатта ўша ерга киради, — деди.

Шундан сўнг Оллоҳ таоло амр этди, жаннатнинг атрофи нафс орзу килмайдиган амаллар билан ўралди. Такрор Жаброилга:

— Яна бир боргинчи, — деб буюрди. Қайта бориб кўрди, сўнгра:

— Сенинг шонинг ҳаққи қасамлар бўлсинки, у ерга ҳеч ким кира олмаса керак, деб кўрқа бошладим, — деди.

— Энди жаҳаннамга бориб, у ерни ҳам қўриб кел. Жаброил бориб келди:

— Шонингга қасамлар бўлсинки, у ерни эшитган биронта одам у ерга киришни орзу қилмаса керак.

Оллоҳ таоло яна амр этди, жаҳаннамнинг атрофи нафс орзу қилиши мумкин бўлган нарсалар билан тўлдириб ташланди. Жаброилга:

— Яна бориб кел, — деди.

Борди, кўрди ва қайтиб келгач:

— Шонингга қасам бўлсинки, ҳеч ким у ердан кутула олмаса керак, деб ичим увишиб кетди, — деди».

Бу ривоят жаннати бўлиш учун талаб этиладиган сабртоқат ҳақида бир ибратли мисол бўлди.

Уша кеча мўминларнинг кўплари уйқуга ётар эканлар Афзали Анбиёнинг (с.а.в.) қуидаги сўзларини қайтақайта эсладилар:

«Бир мусулмоннинг бошига чарчоқ, касаллик, тақдир тақозоси бўлган ғамқулфат тушишидан тортиб, тикан ботишигача уни безовта қиласидиган нимаики тушса, Оллоҳ таоло бу безовталикларни ўша мусулмоннинг гуноҳларидан ўтиш учун каффорат хисоблайди».

Аммо бу азобуқубатларнинг ниҳояси борми? Ваъда қилинган натижа қачон келажак? Сабр даври қачон тугайди? Ҳузурҳаловат, тинчликосойишталик даври қачон бошланади? Азияту ҳақоратлар измаиз юраверадими? Бу йўлнинг охири борми?

Кўнгиллар яқинда туширилган Шарҳ сурасини ёдга олди:

«Бас, албатта, ҳар бир оғирлиkmашаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир. Албатта, ҳар бир оғирлиkmашаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир» (56).

Бу оятларда ҳар бир машаққатдан кейин эмас, балки айни ўша машаққат билан бирга енгиллик борлиги икки бор таъкидланади. Буни икки хил маънода тушунса бўлади. Биринчиси: ҳар бир қийинчиликдан кейин шу қадар тез осонлик келадики, гўё улар иккиси бирга, ёнмаён тургандек бўлади. Бас, демак қийинчиликка рўбарў келганда, ноумидликка асло ҳожат йўқ. Ижсанчи маъно: бир кишининг имони, эътиқоди сабабли бирон оғирлик тушса, у киши ҳаргиз бундан ранжимаслиги лозим. Зоро, у охиратдаги осонликка — мангу саодатга дунёда тортаётган

айни мана шу қийинчилиги шарофати билан, яъни, қийинчиликка сабртоқат қилгани сабабли эришиши мумкин. Демак, у киши тортаётган муваққат машаққатнинг ўзида унинг учун мангу баҳтсаодат бор экан.

Аммо нима бўлганда ҳам, тутилган йўл тўғри, Оллоҳ розилигига уйғун бир йўл эди... Ақл ушбу йўлни кўрсатар, виждан бошқа бир йўлни танлашга рози бўлмас эди. Бугун мушрикларнинг қўли баланд бўлса ҳам, мўминларнинг виждони улар учун қийналар, «Оллоҳим, уларга ҳам ҳидоят йўлини кўрсат, уларни ҳам бу жаҳолат ботқоғидан халос эт!» тарзидаги дуолар тун ярмидан ўтганда ҳам Буюк Даргоҳ сари йўналар эди.

Бу сура туширилганда мўминлар бир жойга йиғилган эдилар. Даврадан ғоят мамнун ҳолда, ушбу оятларни такрорлайтакрорлай тарқалдилар.

Бугунги кунга қадар чекилган заҳматлар ҳисобини Буюк Оллоҳдан бошқа ҳеч ким билмас эди. Эртага уларга яна янги машаққатлар қўшилади. Аммо бир куни бўрон тўхташи, ёқимли хушҳаво шабадалар эса бошлиши, бўғувчи туманлар ўрнини мусаффо ҳавога бўшатиб бериши, Абу Жаҳлларнинг салтанати қулаши, Оллоҳнинг мўмин бандалари ҳоким бўладиган кунларнинг келиши ҳам муқаррардир.

Хабашистондан қайтганда ўзларига биронбир ҳимоячи топганлар шаҳарда бемалол айланиб юришар, топа олмаганлар эса, мазахга учраб, гоҳ қалтакланишар, гоҳо хақоратланар эдилар. Бирмунча вақт шу зайлда ўтди.

\* \* \*

Валид ибн Муғийра уни зиёрат қилишга келган Усмон ибн Мазъунни хурсанд бўлиб кутиб олди, ёнига таклиф этди. Усмон кўрсатилган жойга ўтирганда кейин гап бошлади:

— Эй Абдушшамснинг отаси, сендан менга берган ҳимоянгни қайтиб олишни илтимос қилиб келдим.

Валид ҳайрон бўлиб:

Нима учун? Бирор сени безовта қилдими? Менинг ҳимоямдан норозимисан? — деди.

— Ҳеч ким менга озор бергани йўқ. Аммо мен ҳам рози эмасман!

— Нега энди? Ҳеч ким озор бермаса, барибир норози бўлсанг? Очикроқ гапирчи.

— Норозилигимнинг боиси, — деди Усмон, биродарларимдан бир қанчаси ҳақоратга учраянти, дўлгосланишяпти, шундай пайтда менинг тинчхотиржам, бемалол юришим ёқмаяпти. Ё улар ҳам мен каби хузурхаловатда яшашлари керак, ёхуд мен ҳам улар сингари азобуқубат тортишим керак. Мана шу муносабат билан мени ўз ҳимоянгдан чиқарсанг. Менга Оллоҳнинг ҳимояси ҳам кифоя қилур.

Валид Усмоннинг бу фикрини гаройиб бир хулоса деб тушунди.

— Агар чиндан ҳам шуни истасанг, у ҳолда Масжиди Ҳарамга боргинда, у ерда ўз ихтиёринг билан менинг ҳимоямни рад этганингни очиқ эълон қил. Чунки мен «Валид берган ҳимоясини қайтиб олди» дейишларини асло истамайман, — деди.

Сўнгра биргабирга Масжиди Ҳарамга бордилар. Усмон, Валид ибн Муғийранинг аҳдига вафо қилганини, ҳимоясини инсоф билан давом эттирганини, бироқ ўзи бу ҳимояни рад этганини эълон қилди ва шу йўсинда ҳимояси ниҳояга етди. Валид ҳам қисқагина қилиб, ҳимояни тзад этган кишини ҳимоя қила олмаслигини баён этди. Ўша ердаги кишилар бунга шоҳид бўлдилар.

Усмон у ердан кетди. Бир оздан кейин ўн бешийигирма кишилик бир жамоага дуч келди. Машҳур шоир Лабид шеър ўқир, атрофидагилар уни завқ билан, диққат билан тинглар эдилар. Усмон ҳам тўхтади, шеърга қулоқ тутди.

Лабид шундай дер эди:

— Диққат қилинг, Оллоҳдан бошқа ҳар қандай борлиқ фонийдир, йўқ бўлишга маҳкумдир.

— Офарин, жуда тўғри!

Буни айтган Усмон эди. Нигоҳлар унга қадалди. Лабид, гарчи тасдиқ этилган бўлса ҳам,

сўзлари бўлинганидан ранжиган эди.

Ўқиша давом этди:

—Ҳар қандай неъмат ҳам сўнгида завол топажак, қўлдан чиқажак...

—Ёлғон гапирдинг, жаннат неъматлари завол топмайди!..

Энди бу жуда хаддидан ошди, деб ўйладилар. Лабид тоқат қила олмади.

—Эй қурайшийлар, қасамки мени хафа қилдингиз, асабимни буздингиз. Нималар бўляпти ўзи, бу одам ким? Қаердан келиб қолди?

—Сен унга иарво қилма, эй Лабид! Ақлсиз, тентак бир йигит у. Қавмидан, динидан қайтган даҳрийлардан бири бу.

Шундай дер экан, Абдуллоҳ ибн Абу Умайя бор кучи билан Усмоннинг юзига мушт туширди. Усмоннинг кўзи кўкариб кетди.

Саъд ибн Абу Вакъос ҳам шу ерда эди. Бу аҳволга бепарво қараб туролмади, жим туришни эп кўрмади, у ҳам Абдуллоҳни бир урди. Абдуллоҳнинг бурнидан тирқираб қон оқиб, чайқалиб кетди. Жанжал авжига минмасдан, одамлар орага кириб, уларни ажратиб қўйишиди.

Усмон ҳимояни рад этганидан буён ҳали бир соат ҳам ўтмаган эди. Валид уни бу аҳволда кўриб:

— Эй Усмон, эй жиян, ҳимоямни рад этмаганингда, шояд бу жанжал чиқмас, бундай аянчли аҳволга тушмас эдинг, — деди.

Усмон жавоб берди:

— Мен афсус чекаётганим йўқ. Оллоҳ йўлида иккинчи кўзимни ҳам бажонидил тутиб беришим мумкин. Мен Роббимнинг охиратда берадиган мукофотидан умидворман. Ўша асл мукофотдан маҳрум бўлишдан кўрқаман.

— Истайсанми, сени қайта ўз ҳимоямга оламан?!

— Йўқ. Мен ёлғиз Оллоҳдан паноҳ тилайман.

Валид Усмоннинг бу қадар мустаҳкам эътиқоди ва имонига қойил қолди.

## ҲАҚЛИ БЎЛИШ ЕТАРЛИМИ?

Абу Бакр (р.а.) орасира Расулуллоҳга (с.а.в.) кўпчиликнинг ўртасига чиқиб баралла даъват қилишни таклиф этар, Набиии Мухтарам (с.а.в.) жанобимиз эса:

— Ё Абу Бакр, биз ҳали сон жиҳатидан озчиликмиз, — деб жавоб қиласардилар.

Ҳазрати Абу Бакрнинг ўжарлиги тутгач, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам ортиқ йўқ дея олмадилар, унинг таклифини қабул қиласардилар. Масжиди Ҳарамга бордилар.

Ҳар бир мусулмон қабиладошларининг орасидан ўрин олди. Расулуллоҳ (с.а.в.) бир чеккага ўтирадилар. Шундан кейин Абу Бакр (р.а.) ўрнидан турди ва мажлис аҳлини баланд овоз билан Ислом динига даъват этди.

Энди гап бошлиган эди ҳамки, ёнатрофдан луқма ташлаганлар бўлди, овозлар борган сари авжига минди, Абу Бакрнинг сўзлари эшигилмай қолди.

— Овозини ўчиринг шу даҳрийнинг!

— Беринг жазосини!..

Бир зумда Абу Бакрнинг овози узилиб қолди, Утба оёғидаги пойафзалини ечиб, унинг юзига урап, қорнига аямай тепар эди. Жанжал узок давом этмади. Ерда беҳуш ётган Абу Бакрнинг бурни пачоқ бўлган, аммо юзидан ажралмай қолган эди. Шу аснода Масжиди Ҳарамда ўз қабиладошларининг орасида ўтирган мусулмонлар ҳам ҳужумга учраб, роса калтакландилар.

Тайм қабиласидан бир неча киши Ҳазрати Абу Бакрни бир чойшабга ётқизиб, уйига олиб кетдилар. Тирик қолишига умид йўқ эди.

Кўп ўтмай Масжиди Ҳарамда бир эълон пайдо бўлди:

«Агар ушбу калтаклаш натижасида Абу Бакр жон таслим этса, Утба Тайм қабиласидан омонлик кўрмайди. Ҳамма буни яхши билиб қўйсин!..»

Яна Абу Бакрнинг ёнига қайтдилар. Ҳамон бехуш эди. Орасира уни чақириб кўришар, аммо жавоб олишолмас эди. Кун ботгач, пичирлагани эшитилди:

— Расулуллоҳнинг аҳволи нечук? Қабиладошларнинг юраклари сиқилди.

— Ўзинг ўлим тўшагидасанку, шунда ҳам Муҳаммадни ўйлайсана?

Абу Бакр уларнинг гапини эшитмади, яна хушидан кетди.

Кабиладошлари онаси Уммул Хайрга мурожаат қилиб:

— Сен унга бирон нарса едир, сув томизиб, чанқоғини бос, — дедилар. Ва у ердан чиқиб кетдилар.

Орадан яна хийлагина вақт ўтди. Уммул Хайр ўғлига қошик билан нимадир ичиришга уринар, аммо Абу Бакрнинг оғзи очилмас эди.

— Расулуллоҳ қай аҳволда?..

Уммул Хайр қошиқни ўғлининг оғзига яқинлаштирар экан:

— Худо ҳаққи, ўртоғингга нима бўлганини билмайман, ўғлим, — деди.

— Хаттобнинг қизи Умму Жалилни топиб ундан сўра. Уммул Хайр йўлга чиқди. Саид ибн Зайднинг уйига борди. Эшикни тақиллатди.

— Қизим, — деди Уммул Хайр, — Абу Бакр сенга салом йўллади ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг ҳолаҳволи тўғрисида сўради.

— Мен на Абу Бакрни танимайман ва на Муҳаммад ибн Абдуллоҳни!

— Аммо, қизим, мени сенинг қошинингга ўғлим жўнатди, Хаттобнинг қизидан сўра, — деди.

— Деган бўлса, менга нима? Мен уларни танимайман. Қай аҳволда эканини билмоқчи бўлган одам ўзи боради.

— Ўғлим жуда оғир аҳволда ётибди, ўзи боролмайди. Фотима (Умму Жалил) бир чорасини топди:

— Агар истасанг, ўғлининг хузурига ўзим бораман.

— Жуда яхши бўларди.

Биргалиқда уйдан чиқдилар. Абу Бакрнига борди

лар. Хонасига кирганларида, у ҳамон бехуш эди. Бир фарёд кўтарилиди:

— Кофиirlар! Фосихлар! Сени ҳали шу аҳволга солдиларми? Илоё Оллоҳнинг Ўзи жазосини берсин бу гумроҳларнинг!

Абу Бакрни танимайман деган ёш жувоннинг гаплари эди бу.

— Расулуллоҳнинг (с.а.в.) аҳволи калай?

— Онанг шу ерда, сўзларимизни эшитиб қолиши мумкин.

— Онамнинг зарари тегмайди. Бемалол гапиравер.

— Яхши. Расулуллоҳ соғсаломатдирлар.

— Қаердалар?

— Арқамнинг уйида.

— Бориб, ўз кўзим билан кўришим керак.

— Бу аҳволда бора олмайсан, деб кўрқаман. Бу гапни иккала аёл бараварига гапирдилар.

— Худо ҳаққи, Расулуллоҳни кўрмагунимча, томоғимдан бир луқма овқат ҳам, бир ютум сув ҳам ўтмайди, деди.

Орадан яна бир неча соат ўтди. Ташқарига сукунат чўқди. Шундан кейин Абу Бакр икки аёлнинг елкаларига таяниб, судраласудрала Арқамнинг уйига борди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ярим тун келганда Абу Бакрни бу аҳволда кўриб, юраклари тилкапора бўлди, унинг пешонасидан ўпдилар. Муборак қалбларига улкан қайғу чўқди.

— Ота-онам сенга фидо бўлсин, — дея ингради Абу Бакр, бу мен учун дард эмас. Аммо анави баттол юзимга ёмон урди...

Бирикки сония дам олиб, яна давом этди:

— Менинг онам ўта хайрли, меҳрибон аёлдир. Дуо қилинг, ё Расулуллоҳ, дуо қилингки, Оллоҳ таоло унга ҳам ҳидоят берсин ва жаҳаннам азобидан халос этсин. Абу Бақрнинг онаси учун дуо қилинди ва Умму Хайр у ердан мусулмон бўлиб қайтди.

Шу дамда Абу Бақр азоб бераётган оғриқларини ҳам унугтан эди.

\* \* \*

Расулуллоҳ (с.а.в.) орасира қўлларини дуога очар, «Оллоҳим, бу динга Умар ибн Хаттоб билан ёхуд Амр ибн Ҳишом билан қувват бер», деб илтижо қиласар эдилар.

Мўминлар бу дуога «Омин» дердилар. Фаришталарнинг ҳам ушбу дуога «Омин» деб кўшилганликларига ҳеч шубҳа йўқ.

Оллоҳ ҳар нарсага қодир. Унинг қудрати қаршисида имконсиз нарсанинг ўзи йўқ. Пайғамбар Довуднинг (а.с.) қўлида темирни юмшатган, тошларни, темирларни йўнишга қодир Буюк Оллоҳ истаса, бу тошбағирларнинг қалбларини юмшатиши ҳам ҳеч гап эмас.

### **Биринчи китоб битди**